

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Самарқанд ва Бухоро – илм-маърифат ва ҳикматнинг қибласидир.....	3
Зоҳиддон ИСЛОМОВ. “Пайғамбарлар меросхўри”га менгзаган олим.....	5
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг Алоуддин Усмандийдан олдинги мавқеи.....	6

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Шуқурилло УМАРОВ. Ҳадис илмининг тадвин ва тасниф даври.....	9
Рўзигул БОЗОРОВА. Ислом – меҳр чашмаси.....	11
Комилжон РАҲИМОВ. Мустамлий Бухорий ва мотуридия таълимоти.....	13
Нигора АБДУЛЛАЖАНОВА. Абу Райҳон Беруний – маърифатпарвар аллома.....	15
Мансур БЎРИЕВ. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино илмий билиш таълимоти.....	17
Anorgul GULOVA. Alisher Navoiyning tasavvufiy asarlari.....	19
Мадина ЖЎРАЕВА. Ҳанафий мазҳабидаги илк табақот асарлари: қиёсий таҳлил.....	21
Азизбек ИСАМУТДИНОВ. Шайх Мустафо Ғалайийнийнинг “Иштиғол” ва “Мафъул мутлақ” ҳақидаги қарашлари.....	24
Лола КАРИМОВА. Бир умрлик сабоқ.....	26
Мавжуда ГУЛАМОВА. Мушқу анбар ҳидли валоят ғунчаси – Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий.....	28
Аҳмадхон РАШИДОВ. Қироат илми ва қорилар пешвоси Имом Шотибий.....	30
Нигора САҒАРОВА, Нигина ШАМСУТДИНОВА. Хожагон (етти пир) тасаввуфий таълимотининг илмий-маърифий мероси.....	32
Лазизбек ҲАЙТОВ. Ҳаким Термизий меросида инсон маънавияти масалалари.....	36
Малика НОРОВА. Сайфиддин Боҳарзийнинг сўфийлик таълимотида оид қарашлари.....	39
Абдуманноб ИСМАТУЛЛАЕВ. Куръон фазилатларига оид асарлар ва Имом Бухорийнинг бу борадаги китоби хусусида.....	41

БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Меҳроҷиддин АМОНОВ. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақибандия-муҷаддий таълимоти ва тарихига оид манбалар ҳамда уларнинг таснифи.....	43
Отабек НОРМАТОВ. Қишлоқ хўжалик ва савдо-сотиқ муносабатлари тарихидан (Фарғона водийси мисолида).....	46
Бахтиёр РИЗАЕВ. Ўзбекистонда 1950-1955 йилларда аҳолини кўчириш сиёсати: натижа ва муаммолар (Бухоро вилоят архив материаллари асосида).....	48
Alisher TOYIROV. Buyuk allomalarga Vatan bo'lgan yurt.....	51
Бахтигул МАМАДАМИНОВА. XX асрнинг бошларида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар.....	52
Ойбек ЯРМАТОВ. XIX-XX аср бошларида Туркистонда яшаган ҳинд фуқароларининг савдо фаолияти тарихидан.....	54
Ҳабибуллоҳ САДИБАҚОСЕВ. 2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар: ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ўзгаришлар ва натижалар.....	56
Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Марғилон ёрлиқлари ва вақфлари муҳим манба сифатида.....	58

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Қымбат КАРАТЪШКАНОВА. Концепция «Единство бытия» и ее теологическое обоснование.....	61
Фазилат ҚЎЙСИНОВА. Ислом Ҳамкорлик Ташиқилоти муслмон давлатлари консолидацияси омили.....	63
Фаррух УСМОНОВ. Имом Бухорий ва Френсис Бэкон билимлар классификациясининг рационал талқини.....	66

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Мансур МУСАЕВ. Миссионерликнинг глобаллашув омиллари.....	68
Светлана СУЛТОНОВА. Халқаро терроризмнинг асосий хусусиятлари ва ижтимоий хавфи.....	71
Asrorjon SATTOROV. Markaziy Osiyo mintaqasi xavfsizligiga tahdid soluvchi muammolar va unga qarshi kurashishda hamkorlik jarayonlari.....	73
Насиба ЮНУСОВА, Нилуфар САЛИМСАКОВА. Глобаллашув шароитида оммавий маданиятнинг салбий таъсири.....	75

Санжар ҲАМРОЕВ. Глобаллашувнинг миллий давлат суверенитетига таҳдидлари ва уларни бартараф этиши омиллари.....	77
Нуриймон АБУЛҲАСАН. Ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири.....	80
Ўктам СУЛТОНОВ. Ўрта Осиё аёллар вақфларининг айрим хусусиятлари.....	82
Темур ИБАЙДУЛЛАЕВ. Миллий либос – миллий маданият тараққиётининг муҳим феномени сифатида	

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Ҳабибуллоҳон АЗИМОВ. Сурия инқирози даврида Туркия – Россия муносабатлари.....	86
Лобар ГАДОЕВА. Ўзбек халқининг соғлом турмуш тарзи учун этнотиббий маданиятнинг хусусиятлари...88	
Наримон ДЕХКАНОВ. Демократик ва барқарор жамият тўғрисидаги сиёсий қарашлар.....	91
Ойдин МЎМИНОВА. Мақол ва маталлардаги гендерлик стереотипларнинг когнитив хусусиятлари.....	92
Элёр АЛИМКУЛОВ. Буддавийлик динидаги рамзларнинг тарихи ва талқини.....	95
Маҳмудали ДЕҲҚОНОВ. Исломда оила ва никоҳ муносабатларининг ривожланиши.....	97
Абрар ТУРАЕВ. АҚШ неоконсерваторлари қарашларида гегемонлик мафкурасининг асосланиши.....	98
Отамурод ДЖУРАЕВ. Оила – жамиятнинг асосини ташкил этувчи муқаддас даргоҳ.....	101
Дилфуза КАРИМОВА. Баркамол авлод шахсини тарбиялаш – замон талаби.....	103
Фатҳулла ХИКМАТОВ. Давлат бошқарувида мувафақиятли стратегияни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши муаммолари.....	105
Шаҳло ИБРАГИМОВА. Глобаллашув шароитида давлатнинг ташқи сиёсий қарорларни ишлаб чиқариши ва қабул қилиши муаммоси.....	107
Бекмирза ЮЛДОШЕВ. Замонавий раҳбар кундалик фаолияти нюанслари.....	111
Даврон КАМИЛОВ. Буддавийлик динидаги секуляр тенденциялар ва уларнинг ижтимоий-маданий жараёнлардаги инъикоси.....	112
Ахмаджон ХУДАЁРОВ. Ўзбекистонда солиқ тизимининг ташкил этилиши ва унинг такомиллашув босқичлари...115	
Вехруз TURDIYEV. O'zbekiston demokratik jamiyat taraqqiyoti rivojida ma'naviy yangilanishlar strategiyasining roli...118	
Aslam USMONOV. O'zbek tili bog'lovchilarning pragmatik xususiyatlari.....	121

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Фируз МУЗАФФАРОВ, Нафиса ҚЎШШАЕВА. Муҳаммад Ғазолийнинг тасаввуф фалсафаси.....	123
Соҳида ЯХЯЕВА. Жамиятда эстетик маданиятнинг соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ фалсафий омиллари..125	
Бахриддин САЛИМОВ. Фалсафий категорияларнинг шахс ижтимоий ҳаётига мазмун баҳси этишининг фалсафий таҳлили (Георг Гегель ва Сёрен Кьеркегор қарашлари мисолида).....	128
Фаррух ЮЛДАШЕВ. Ёшларинтеллектуалсалоҳиятини шакллантиришининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари...129	

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Ойдин НАСРИДДИНОВА. Талаба ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришида ҳуқуқий тарбиянинг ўрни....	132
Анвар УМАРОВ. Ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири.....	135
Dilshoda RANIMOVA, Sadoqat TURATOSHEVA. Axborotlashgan jamiyatda internetning yoshlar tafakkuri va turmush tarzida tutgan urni.....	137
Хуррият ХУДОЙБЕРДИЕВА. Ёшларда санъатга эстетик муносабатни шакллантиришида миллатлараро муносабатларнинг ўрни.....	139
Дилёр ХУДОЙҚУЛОВ. Ёшларда мутолаа маданиятини шакллантиришининг фалсафий масалалари.....	141

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ


Насиба ЖУМАНИЁЗОВА. Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиёти (Сингапур мисолида).....	144
Фарида ЭШНАЗАРОВА. Таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишида фалсафий тафаккурнинг роли...146	
Шерзод СУЮНОВ. Миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлиliga доир.....	148

ИМОМ БУҲОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Исроф учун жазо муқаррардир.....	150
---	-----

“САМАРҚАНД ВА БУХОРО — ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ҲИКМАТНИНГ ҚИБЛАСИДИР”

Шовосил ЗИЁДОВ
Имом Бухорий халқаро илмий-
тадқиқот маркази директори,
т.ф.н., доцент



Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази турли мамлакатлардаги нуфузли илм-фан марказларининг таниқли олимлари билан он-лайн семинарлар туркумини изчил давом эттирмоқда.

29 апрель кuni Марказда Туркиянинг Ислom тафаккури институти билан ҳамкорликда навбатдаги анжуман бўлиб ўтди. Унда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари, юртимизда диний-маърифий йўналишда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва муассасалардан ёш олимлар иштирок этди.

Семинарда илоҳиёт, ҳадис ва дин илмлари бўйича таниқли олим, Ислom тафаккури институти раҳбари, профессор Меҳмет Гўрмез “Саҳиҳ ал-Бухорий” асарининг ҳадис илми ривожда тутган ўрни, буюк муҳаддиснинг ўзига хос услуби” мавзуида маъруза қилди.

Олим дастлаб 1994 йилда “Суннат ва ҳадисни англаш ва талқин қилишда методология муаммоси” мавзуида докторлик диссертацияси ҳимоя қилганини, бу илмий иш давомида қатор ислом мамлакатларида бўлиб, Имом Бухорийга оид кўплаб манбаларга мурожаат қилгани ва қимматли маълумотлар тўплаганини қайд этди.

Меҳмет Гўрмез “Суннат ва ҳадисни англаш”, “Ҳадис илмининг асосий масалалари”, “Глобаллашув шароитида дин ва цивилизация”, “Суннат ва ҳадиснинг бугунги кундаги аҳамияти”, “Ғаззолий ҳадислари ва шарҳлари”, “Суннат ва ҳадис методологияси ва талқин” каби китобларни нашр этгани ҳақида сўзлаб, ҳадисшунослик йўналишида илмий-тадқиқот ишлари билан машғул бўлган ёш олимларга зарур тавсиялар берди.

- *Давлат органларидаги фаолиятим давомида расмий делегация вакиллари қаторида кўплаб мамлакатларда бўлдим. Ўзбекистонга ҳам борганман. Юртингизда буюк алломалар хотираси ва илмий меросига алоҳида муносабат, чуқур ҳурмат*

ва юксак эъзоз гувоҳи бўлганман. Бевосита тадқиқотларимга келсак, шу изланишлар тўғрисида кўплаб тарихий, илмий-маънавий меросни ўқиб ўргандим. Шу тариқа улўф мутафаккирларни вояга етказган Мовароуннаҳрға меҳр-муҳаббатим ошди. Самарқанд ва Бухоро ўз даврида илм-маърифат ва ҳикматнинг қибласи бўлганига амин бўлганман, - деди Меҳмет Гўрмез.

Олимнинг айтишича, илк даврда ислом илмлари дастлаб Ҳижозда, кейин Ироқда ривож топган, вақт ўтгани сайин дунёга тарқала бошлаган. Лекин Ҳижоз, Ироқ, Шом, Ғарбий Африка, Миср, Андалусия, Ҳиндистон, Покистон мактаблари орасида Мовароуннаҳр илми алоҳида ажралиб туради. Бу табаррук заминда ақлий ва нақлий (рационал ва иррационал ёки илоҳиёт ва дунёвий фанлар) билимлар шиддат билан ривожланди. Икки дарё ораллиғида ислом илмларининг Бухорий, Термизий, Мотуридий каби буюк имомлари билан бир қаторда, дунёвий илмларнинг Беруний, Форобий, ибн Сино сингари устунлари ҳам етишиб чиққан.

Меҳмет Гўрмез энг кўп ва мустаҳкам иттифоқ қилинган “Саҳиҳ ал-Бухорий” асарига алоҳида тўхталиб, унда Куръон ва суннат, суннат ва сийрат, суннат ва ҳадис яхлитлиги яққол очиб берилганини, мавзу ва ривоятларнинг узвийлигини қайд этди.

Туркиялик олим Ўзбекистонда диний-маърифий йўналишда улкан ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этди. Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилгани, Ислom цивилизацияси маркази очилгани Президент Шавкат Мирзиёев сиймосида бутун ўзбек халқининг улўф алломалар хотирасига чексиз ҳурматидан далolat эканини, ҳадисшунос олим сифатида буюк муҳаддислар ватанидаги илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрлигини таъкидлади. Хусусан, Туркиядаги соҳага доир илмий ишлар нусхаларини Ўзбекистонга етказиш учун бор куч-ғайратини ишга солишга ваъда берди.

30 апрель куни бўлиб ўтган яна бир он-лайн семинар Куръон, тафсир илмлари бўйича таниқли олим, мотуридийшунос, Туркиянинг Фотиҳ Султон Меҳмет университети доктори Аҳмад Даманхурий иштирокида ташкил қилинди.

Доктор Аҳмад Даманхурий Миср Араб Республикасида таваллуд топган бўлиб, айна пайтда Туркиянинг Истанбул шаҳрида истиқомат қилади. 2015 йили Ал-Азҳар университетида “Имом Мотуридий ва унинг илмий услублари” бўйича фалсафа фанлари доктори даражасини олган. Куръон, суннат, ақида илмлари бўйича кўплаб илмий асарлар ёзган. Ҳозирги кунда мазкур университетнинг исломий билимлар факультетида катта илмий ходим, Мисрдаги Ислом билимлари масофавий ўқитиш университетида директор, Миср Ислом ишлари Олий кенгашида илмий ходим сифатида фаолият юритади.

Аҳмад Даманхурий жорий йил 2-4 март кунлари Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзуда ўтказилган халқаро конференцияда “Мотуридий таълимотининг бугунги кундаги ақидавий муаммоларни бартараф этишдаги аҳамияти” мавзуда нутқ сўзлаган.

Он-лайн семинарда олим “Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Куръон” асарини тасниф этишдаги услуби” мавзуда маъруза қилди.

Аҳмад Даманхурий мазкур буюк асарнинг юзага келиш тарихи, алломанинг ўзига хос услуби, фикрларини кўпчилик учун тушунарли бўлиши учун содда ва раво баён этгани ҳақида сўзлар экан, Имом Мотуридий айнан шу асар учун алоҳида мажлислар ташкил қилгани ва “Таъвилот ал-Куръон”нинг китоб сифатида майдонга чиқишида ана шу мажлислар ва шоғирдларнинг хизмати ва ўрни ҳам борлигини таъкидлади.

Олим қайд этганидек, “Таъвилот ал-Куръон” фақат таълимотга доир асар бўлиб қолмай, унда фикр ва ақида баробарида ахлоқ масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Асар билан танишган инсон дин ва маданиятни осон ажратиб олади, диний ва анъанавий масалаларда чалғимайди.

Аҳмад Даманхурий Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Куръон” асари тафсир илми ривожига бекиёс ўрин тутганини, ақидавий муаммоларни ҳал этишда қомусий қўлланма бўлганини таъкидлади. Шу мавзуларни ўрганиш чоғида тўпланган қимматли маълумотлар билан ўртоқлашди.

- Бугун мусулмонларни Имом Мотуридийнинг асарлари

ёки аҳли сунна вал жамоа ақидасига тегишли бошқа манбалардан яхшироқ хабардор қилиш, айниқса, ёшлар билан бу борда кўпроқ ишлаш ҳар қачонгидан-да муҳим. Исломни ниқоб қилиб, қабих ишларни амалга ошираётган гуруҳлар ҳамон мавжудлиги, муқаддас динимизни булғаб кўрсатиши йўлидаги хатти-ҳаракатлар ҳануз давом этаётган ҳозирги шароитда мана шу манбалар дастуриламал вазифасини ўтайди. Хусусан, Имом Мотуридий юксак билим ва тафаккур билан турли ёт оқимларга раддиялар берган, - деди туркиялик олим.

Ислом илмлари академияси раҳбари шу боис ақида асосчиси бўлган Имом Мотуридий йирик фалсафий олим ҳам ҳисобланишини қайд этди. Таъкидланганидек, аллома ўз даврида Афлотундан кейинги иккинчи муаллим саналган.

- Бу ҳақиқат илмий доиралар, дунё зиёлилари томонидан тан олинган, - деди олим.

Аҳмад Даманхурийнинг айтишича, дунё кутубхоналарида сақланаётган мотуридия таълимотига оид қўлёзмаларни жамлаш ва тадқиқ этиш, унинг кўпчиликка ҳали маълум бўлмаган жиҳатларини яқин ҳамкорликда ўрганиш лозим.

Семинарда олим тадқиқотчиларни қизиқтирган барча саволларга илмий далиллар билан атрофлича жавоб қайтарди.

Марказ томонидан 1 май куни ташкил қилинган галдаги он-лайн семинарнинг меҳмони АҚШнинг Индиана университети библиограф-профессори, ўзбекистонлик доктор Акрам Ҳабибуллаев бўлди. Унда “Исломшунослик тадқиқотлари учун манбалар ва библиографик қўлланмалар” мавзуйи муҳокама қилинди.

Анжуманда олим исломшуносликка оид инглиз тилидаги электрон қўлланмалар, энциклопедиялар, луғатлар ва тўлиқ матнли маълумотлар базалари, библиографик кўрсаткичлар, рақамлаштирилган қўлёзмалар, нодир китоблар ва архив ҳужжатлари тўғрисида, улар билан ишлашда АҚШ олий таълим муассасалари ва илмий марказлари тажрибаси ҳақида сўзлади. WordCat ва Brill сингари тизимлар мисолида улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги, билим ва алмашиш имкониятлари хусусида тўплаган тажрибасини баён қилди.

Акрам Ҳабибуллаев электрон ҳужжатлар базалари ва уларнинг ишлаш функциялари, афзалликлари фикр юритар экан, дунё кутубхона фондларидаги мавжуд қўлёзма ва тошбосма манбалар каталогларини тузиш ва электронлаштиришни бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлади. Зеро, бугунги ахборот асрида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда бундай ресурс ғоят муҳим ўрин тутди.



“ПАЙҒАМБАРЛАР МЕРОСХҶРИ”ГА МЕНГЗАГАН ОЛИМ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ
ЎзХИА Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, фил.ф.д., проф.

Олимлар жамиятнинг пешқадам аъзолари чунки инсоният уларга қараб интилади, уларга ўхшашга ҳаракат қилади, улардан ибрат олади. Доно халқимиз бисотида олимлар шаънига айтилган жуда кўп ҳикматли сўзлар, мақоллар бор. Бу пурҳикмат маъноли иборалар буюк доғнишмандлар, адиллар, шоирларнинг ўлмас бисотларида ўчмас сатрларга муҳрланган. Буюк Алишер Навоий жумладан “Одам борки, одамларнинг нақшидур”, “Ёшликда илм хазинасин йиғил, қарилқда харж қилгил уни”, дея бежиз таъкидламаган. Инсон ёшлигидан илм олиши, ҳунар ўрганиши зарур. Чунки мана шу илм, ҳунар инсонни боқади, орзу ҳавасига етиштиради, роҳатга етаклайди ва икки дунё саодатига эриштиради.

Заҳматқаш олим, зукко педагог, меҳрибон устоз, хулласи калом “Ҳазрати Инсон” тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Аҳмаджонович Ҳасанов мана бугун муборак 80 ёшни қаршилаёттилар.

Олимнинг камтарин ҳаёт йўлига назар солсангиз, шу йўлнинг нақадар саодатманд, нақадар машаққатли, нақадар бахтли эканлигини кўрасиз. Аҳаджон аканинг болалиги оғир уруш йилларига тўғри келади. У киши 1940 29 март куни Тошкент вилоятининг Пскент туманида оддий оилада дунёга келган. Оғир ҳаёт, қийинчиликлар, етишмовчилик бўлса ҳам ота-оналари барча фарзандларининг билим олишига алоҳида эътибор берган. Фарзандлар мактабда тиришиб, яхши баҳоларга ўқиганлар. Чунки Аҳаджон ака мактаб даврларини, синфдош дўстларини, уларга таълим берган ўқитувчиларни яхши эслайдилар ва суҳбатларда тез-тез ёдлаб турадилар.

Мактабни аъло баҳоларга битирган Аҳаджон ака Тошкентта келиб собиқ Тошкент давлат университетининг шарқ факультетига ҳужжат топширадилар ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, студент бўладилар. 1958 йили бўлган бу воқеа Аҳмаджон ота ва Зебиҳон ая оиласи учун жуда қувончли воқеа эди. Чунки оиладаги 7 фарзанднинг тўнғичи Аҳаджон Тошкентдаги олий ўқув юртига ўқишга кирди. Бу ўз даврида ота-онанинг жуда катта бахти бўлган.

Ота-онанинг соғ-саломат, узоқ умр кўриши аввало Яратганга қолаверса фарзандларига ҳам боғлиқ. 1964 йили Аҳаджон ака университетдаги ўқишини тугатгандан сўнгра ота-она қувончининг навбатдаги босқичи бошланди. Аҳаджон ака Ўзбекистоннинг энг нуфузли олий ўқув юртининг Шарқ факультетига ўқитувчи қилиб қабул қилинди ва кўп ўтмай Миср Араб Республикасига хизмат сафарига кетди. Бу воқеаларнинг тасаввурини ўз даври билан ўлчаш зарур.

Аҳаджон аканинг мустақил ҳаётининг дастлабки даври таржимонлик ва араб мамлакатларига хизмат сафарлари билан боғлиқ. Устоз дунёнинг жуда кўп давлатларида хусусан, Миср, Ливия, Сурия, Саудия Арабистон каби араб мамлакатларида ишлаган, хизмат сафарига борган.

Аҳаджон Ҳасанов дарс бериш билан бирга ҳар бир ёшда бўлгани каби илмий тадқиқот билан ҳам шуғулланганлар. Кўп йиллик тинимсиз меҳнат натижасида 1975 йилда “Миср мамлукларининг ижтимоий-сиёсий тизими” мавзусида номзодлик, 1994 йилда “Қадимги Арабистон тарихи ва уни ўрганиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди, фан доктори илмий даражаси, профессор илмий ўнвонига сазовор бўлди.

Устоз 20 дан ортиқ илмий монография, рисола, дарслик ва ўқув қўлланмалар, 200 га яқин мақолалар муаллифи.

Аҳаджон Ҳасанов нафақат олим балки мохир устоз ҳам саналади. Унинг раҳбарлигида 4 та номзодлик, 1 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган ва шогирдлари орасидан таниқли давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиққан.



Аҳаджон Аҳмаджонович 13 йилдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Дин ишлари бўйича консултант, етакчи ва бош консултант вазифаларида ишлаб келган.

Ҳозирда устоз Аҳаджон Ҳасанов Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмоқдалар.

Аҳаджон ака Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Москва, Қозон, Қоҳира, Бухарест, Париж, Южин (АҚШ)да ўтказилган халқаро илмий анжуманларда рус, араб ва инглиз тилларида турли долзарб мавзуларда маърузалар ўқиган.

Таълим бериш, илмий фаолият билан бирга домла кенг қамровли жамоатчилик ишлари билан ҳам банд. Устоз Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси кенгаши аъзоси ва исломшунослик фанлари бўйича илмий кенгаши раис ўринбосари сифатида жўшқин фаолият олиб бордилар ва маслаҳатлари, фикрлари, насихатлари билан ўртоқлашадилар.

Устоз жуда кўп илмий, адабий асарларни ўқиганлар ва ҳозир ҳам мунтазам мутлоа қиладилар. Бу ҳолат у киши билан бўладиган суҳбатнинг дастлабки сониясиданоқ маълум бўлади. У кишида илм аҳлига хос одоб, босиқлик, кенг қамровли мушоҳада, тафаккур, босиқлик каби фазилатларнинг барчаси мужассам. Устоз ҳар бир шогирди ва унга мувофиқ этган инсон билан эринмай ишлайди, сўзларини охиригача эшитиб, муаммонинг ечилиши йўллари кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Кишиларга яхшилик, эзгулик улашиш ва хайрли ишлар қилиш инсон умрининг мазмун-моҳиятини белгилаши ҳаёт қонуниятларидан бири ҳисобланса, бу қонун буюк Алишер Навоийнинг юқоридаги ҳикмати асосида Аҳаджон ака мужассам.

Ҳаёт деб аталмиш инсон умрининг ҳам севинчли, ҳам маҳзун лаҳзаларини уларнинг қандай бўлишига қарамай, сермазмун, баракотли ўтказган “Ҳазрати Инсон” Устоз мана бугун 80 ёшни қаршиламоқдалар. Биз шогирдлар, ҳамкасблар, илм аҳллари ибратли ҳаёт йўлини шараф билан босиб ўтиб, ҳозирда сафимизда турган Аҳаджон Аҳмаджоновични улугъ ёш билан муборакбод этиб, мана шундай мудом давом этишини тилаб қоламиз.

САМАРҚАНД ВА МОВАРОУННАХРНИНГ АЛОУДДИН УСМАНДИЙДАН ОЛДИНГИ ИЛМИЙ МАВҚЕИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ
СамДУ мустақил тадқиқотчиси,
Бош муҳаррир ўринбосари

Мақолада Мовароуннахр, хусусан, Самарқанд ҳудудидаги илмий муҳит, Алоуддин Усмандийгача бўлган давр ва унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Таянч сўзлар: дарс ҳалқалари, устоз-шоғирдлик анъанаси, мотуридийлик, ақида, калом илми, мутакаллим, фикҳ ва усул-фикҳ, санавийлар, мажусийлар, раддия.

Калом илми – бу, ислом динининг ақидавий асослари ҳақида баҳс юритиладиган илмдир. Бу илм ислом доирасидаги ақидавий мавзуларни ёритиб беришдаги фикрлар хилма-хиллигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз бу илмга тааллуқли бўлган меросни ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз. Токи ҳозирги замон тадқиқотчиси унга тегишли мавзуларни англаб етсин, унинг бошқа илмлар ўртасидаги мавқеини билсин. Бугун ислом оламида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бу илмга доир қўлёзмаларни таҳқиқ қилишда яна ҳам фаолроқ бўлишни тақозо қилаётганга ўхшайди. Бундай тадқиқотлардан мақсад ўша қўлёзмалар калом илми уламоларининг қарашларидан иборат бўлган тарихий меросни бизнинг бугунги кунимизга қадар етказиб беришга қодир бўлишидир.

Самарқанд ханафий мазҳаби уламолари асос солган илмий марказлардан бири ҳисобланади. У Сўғд (ҳозирги Зарафшон) водийсининг жанубида жойлашган шаҳардир. У Хитой ҳудудларига қадар чўзилган Ўрта Осиё билан Хуросон ўртасида жойлашган минтақадир. Самарқанд Балх шаҳри орқали Хиндистон ва Афғонистон билан, Марв орқали Эрон ва Онадўли билан боғланган. Шунинг учун ҳам у маданий ва тижорий алоқаларни боғлаш учун муҳим марказ бўлиб ҳисобланган [1: 279, 1033].

Бағдод ва Куфа шаҳарларида ханафийлик мазҳаби ташкил топганидан сўнг бу мазҳаб Мовароуннахрда, ўша ҳудуднинг маркази – айнан Самарқанд шаҳрида ҳам кенг тарқалди. Самарқанднинг турли тарафларидаги ханафий уламолар фикҳ ва усул-фикҳ илми билан бир қаторда калом илмига ҳам аҳамият қаратганлар. Бу илмнинг мавзуларига алоқадор муҳим ва бебаҳо асарларни тақдим этганлар.

Ханафийлик мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) ақида масалаларига қаттиқ эътибор берган ва калом илми масалаларини ўз ичига қамраб олган рисоалар ёздирган*. Бу унинг "Фикҳул акбар" номли китобида яққол намоён бўлади. "Фикҳул акбар" китоби Абу Ҳанифага мансуб ақидавий масалаларга тааллуқли рисоалар мажмуасидир. Бироқ Абу Ҳанифадан кейин Ироқдаги ханафийлик мазҳаби уламолари калом илми масалаларига бирламчи даражада аҳамият бермадилар. Чунки улар усул-фикҳга калом илмидан кўра кўпроқ аҳамият берганлар.

Биз Самарқанд ва Мовароуннахрдаги ханафий мазҳаби уламолари хижрий тўртинчи асрдан сўнг Абу Мансур Мотуридийни (ваф. 333/944 й.) ўзларининг калом илмидаги имомлари деб эълон қилганларини кўрамыз.

Бироқ мотуридийликнинг номи ва қарашлари ўз асосчсининг номи билан қанчалик боғлиқ бўлмасин воқеликда у Мовароуннахрдаги ханафий мазҳаби уламоларидан имом Мотуридий билан замондош бўлган кўпчилигининг қарашларини намоён қилади. Олиб бо-

The article describes the scientific environment in Maweran-nahr, in particular in Samarkand, the period before Alauddin Usmandi, as well as information about his life and scientific heritage.

В статье описывается научная среда в Моваруннахре, в частности в Самарканде, период до Алауддина Усманди, а также сведения о его жизни и научном наследии.

рилган тадқиқотлардан аён бўлишича мотуридийликнинг барча қарашлари биргина олимга тегишли эмас. Аксинча улар шу минтақадаги кўпчилик уламоларнинг умумий меҳнатлари самарасидир [2: 356].

Аббосийлардан халифа Маъмуннинг даврида Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (ваф.287/900) Самарқандни идора қилишга киришади. У Асад ибн Сомоннинг наслідан бўлган. Унинг даврида Самарқанд энг муҳим илмий марказлардан бирига айланган. Имом Мотуридийдан бошқа шу шаҳарга мансуб жуда кўплаб уламолар ҳам бор. Бироқ уларнинг аксариятини кўпчилик танимади. Улар ўзлари муносиб бўлган даражада машҳурлик бўлишмаган. Бунинг боиси улар ҳақида етарли даражада ўрганиш ва тадқиқотлар олиб борилмаганидир.

Самарқандда – шунингдек, Мовароуннахрнинг Бухоро ва Насаф сингари бошқа илмий марказларида ҳам – калом илми билан боғлиқ ҳаракатлар дарс ҳалқалари, шоғирдлар ва устозлар орасидаги мустаҳкам илмий ришталар орқали узоқ йиллар давомида узлуксиз бардавом бўлиб келган. Яъни бу ҳаракат Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 200/815 й.дан сўнг), унинг 260/874 санадаги урушда шахид кетган шоғирди Абу Наср Йезий, Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий (ваф.268/881) ва ҳоказолар каби буюк уламоларнинг меҳнатлари сабаб кучли илмий мактабга айланган. Калом илмининг вужудга келишидаги дастлабки паллаларида ана ўша уламолар орасида машҳур олим Абу Муъин Насафийнинг (ваф. 509/1115 й.) бобоси Абу Мутиъ Макхул ибн Фозил Насафий (ваф. 318/930 й.) ҳам бор.

Хижрий тўртинчи, милодий ўнинчи аср охирида Самарқанд Қорахонийлар ҳукмронлиги остига ўтди. Шу вақтда у ерда Умар Насафийнинг қаламига мансуб "ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд" асарида номлари ва сифатлари зикр қилинган кўплаб уламолар мавжуд эди. Мазкур асарнинг бир қисми бизга қадар етиб келган**.

Аммо мотуридийлик мазҳаби унга нисбат бериладиган Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд Мотуридий (ваф. 333/944 й.) ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳам Самарқанднинг мумтоз уламоларидан бири бўлган. Мотуридийлик Аҳли сунна вал жамоага қарашли энг муҳим ақидавий мактаблардан бири ҳисобланади. Мотуридий Самарқанд шаҳрига қарашли Мотрид қишлоғида таваллуд топган ва унинг нисбаси ҳам худди шу қишлоққа берилган.

Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва шахсияти ҳақида бизга қадар етиб келган маълумотлар шу даражада озки, тарих ва табақотларга оид манбаларнинг кўпчилигида унинг исми-ни учратмаймиз***. Энг қизиғи ханафийларнинг табақот китобларида ҳам, ҳатто, мотуридийлик таълимотининг уламоларига тегишли асарларда ҳам вазият худди шу кабилар. Яъни уларда ҳам Имом Мотуридий ҳақида кам, қисқа

* Абу Ҳанифанинг рисоаларидаги ақидавий қарашлари Баъзий зоданинг Китобул усул ал-мунйфа ли имом Аби Ҳанифа асарида жамланган. Илёс Чалабий томонидан таҳқиқ қилиниб, 1996 йилда Истанбулда Мармара университетининг илҳоқ факультети вақфи томонидан нашр қилинган.

** Китобнинг ягона нусхонли нусхаси 1991 йилда Риезда Назар Муҳаммад Фарёбий таҳқиқи билан нашр қилинган. Унинг қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасининг Тархон Волида қисмида №70 рақам остида сақланмоқда.

*** Ибн Надимнинг Китобул фикҳист, Ибн Халликоннинг Вафаётул аъён, Сафадийнинг ал-Вофий бил вафаёт, Ибн Имоднинг Шазаротуз заҳаб, Ибн Халдунийнинг Муқаддима, Суютийнинг Табақотул муфасссирин, Заҳабийнинг Сийару аъламин нубало асарларида Мотуридий ҳақида бирон бир маълумот учратмаймиз.

ва такрор-такрор зикр этиладиган маълумотларнигина уч-ратамиз [3: 360-361].

Калом илмига доир қадимги манбаларда, шунингдек Абдул Қоҳир Бағдодийнинг “ал-фарқу байнал фирақ” ва Шахристониининг “ал-милал ван нихал” асари каби машҳур мазҳабларнинг тарихлари ёзилган манбаларда ҳам Имом Мотуридийнинг номи зикр қилинмаганини кўришимиз мумкин. Имом Мотуридий ҳақида биринчилардан бўлиб сўз юритган зот – бу, Фавракий(ваф. 478/1085 й.)[4]дир. Аммо калом илмининг мутааххирин уламолари Фахриддин Розий (ваф. 606/1209) [5: 53] ва Тожуддин Субукий (ваф. 771/1270 й.)лар ёзиб кетган манбаларда эса Имом Мотуридийнинг исмини учратамиз [6: 384].

Имом Мотуридий ҳақидаги маълумотларнинг озлиги, манбаларда унинг номи тилга олинмаганига қарамай воқелиқда унинг аҳамияти ва илмий мавқеи ундан фарқ қилади. Зеро, калом илми, умуман олганда ислоний мафкуранинг тарихида унинг каттагина ҳиссаси ва аҳамияти бор. Имом Мотуридийнинг барча асарлари кенг тарқалмаган бўлса-да, унинг ғайри табиий ақл-заковат эгаси бўлганлиги маълумдир. Шунингдек, у ўз замонидаги оқимлар, илмий ва фалсафий янгиликлар ҳақида мукаммал билимга эга бўлган. Биз ўз асарларида калом илмига доир масалалар юзасидан баҳс-мунозаралар олиб борган Имом Мотуридийнинг ўз давридаги уламоларнинг қарашларига билдирган фикр-лари [7: 7-11], файласуфларнинг қарашларидан олиб қилган нақллари, уларнинг Арасту қаламига мансуб “Мантиқ китоби” [7] сингари фалсафий асарларидан қилган истифодалари, санавийлар, мажусийлар ҳамда брахманларга қарши берган раддиялари орқали бунинг шоҳиди бўламиз.

Мотуридийнинг дўстлари ва шогирдлари унинг қарашларидан илҳом оладиган калом мактабига асос солдилар. Биз улардан айримларини мисол тариқасида зикр қилиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Абдул Ҳасан Рустуфағний (ваф. 345/956 й.), устози Иёзийнинг икки ўғли – Абу Аҳмад ва Абу Бақр, Абдул Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/952 й.) ҳамда Абдул Карим ибн Мусо Паздавий (ваф. 390/990 й.)лар ана шулар жумласидандир.

Абу Мансур Мотуридийнинг калом илмига оид “Китабу тавҳид” ҳамда “Таъвилотул Қуръон” номли катта тафсири бизга қадар етиб келган асарларидандир. Шунингдек, фикҳ асосларига доир “Маохизуш шарийа” ва “Китабул жадал”, фирқалар ҳақида ёзилган “Китабул мақолот” ҳамда муътазиллийлар ва улардан бошқаларга раддия тариқасида ёзилган бир қанча асарлар ҳам Абу Мансур Мотуридийга нисбат берилди.

Абу Мансур Мотуридийдан сўнг кўплаб уламолар унинг шогирдлари қўлида ақидавий қарашларини ўрганиб, уларни бизга қадар етказиб бердилар. Уларнинг энг кўзга кўринганлари Абул Юср Паздавий ҳамда Абул Муъин Насафийдир.

Абул Юср Паздавий: У содрул ислом Муҳаммад ибн Абдул Карим Паздавий бўлиб, ҳижрий 421 йилда туғилган [8: 191]. Унинг бобоси Абу Мансур Мотуридийнинг қўлида таҳсил олган шогирдларидан биридир [9: 3]. Паздавийнинг бобоси унинг ўз ҳаёт йўлини белгилаб олишида катта таъсир кўрсатган.

Абу Яъқуб ибн Юсуф ибн Муҳаммад ва Абул Хаттоб (унинг тўлиқ исми маълум эмас) унинг устозларидандир [9: 206, 312].

Абул Юср Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан бири Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафийдир.

Паздавий султон Маликшоҳ Салжукий даврида Самарқанднинг қозиси бўлган. Айтишларича, у Бухорога

кетган ва 493/1099 йили ўша ерда вафот этган [10: 87, 191].

Абул Юср Паздавийнинг калом илмига доир “Усулуд дин” китоби Абу Мансур Мотуридийнинг калом илмига оид “Китобут тавҳид” асаридан кейин энг муҳим мотуридийлик манбаси ҳисобланади. Мазкур китобнинг муқаддимасида муаллиф усулуд-дин илмига оид ўзидан олдинги уламолар тарафидан ёзиб кетилган асарлар ҳақида ўз фикрларини айтиб ўтган [9: 1-3]. Китоб тўқсон олти бобдан иборат бўлиб, муаллиф унда, шунингдек, Абу Мансур Мотуридийнинг “Китобут тавҳид” асарининг ўзига хос тарафлари ва услублари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Абул Юср Паздавийнинг асарлари орасида фикҳга оид “ал-Жомийъус сағир”, “ал-Воқийъот” ва “ал-Мабсуг”ларга ёзган хошиялар ҳам бор [8: 191].

Абул Муъин Насафий: У Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Макхул Насафий бўлиб, унинг таваллуд топган санаси маълум эмас. Аммо айрим манбаларда келгандек у етмиш йил умр кўрган [8: 78] деган маълумотларни ҳисобга олиб айтиладиган бўлса Абул Муъин Насафий 428/1037 йилда таваллуд топган деб айтишимиз мумкин. У Насаф шаҳрида туғилган деб қаттиқ ишонч билан айта оламиз. Шу нуқтаи назардан уни Насафий деб аташган. Унинг бобоси Абу Мутиъ Насафий (ваф. 318/930 й.) ўзининг “арродду алал бедаъи вал аҳвааи” номли китоби билан машҳур бўлган.

Шунинг айтиб ўтиш ўринлики, Абул Муъин Насафий мотуридийлик мазҳабида унинг асосчисидан кейинги иккинчи шахс бўлиб, ашъарийлик мазҳабидаги иккинчи имом бўлмиш Боқиллоний сингаридир [11: 7].

Абул Муъин Насафийнинг энг асосий шунингдек, мотуридийлик таълимотининг ҳам энг муҳим манбаларидан бири бу, унинг “Табсиратул адилла” асаридир. Насафий бу китоби билан шу қадар машҳурликка эришганки, унинг таржимаи ҳолини ёзган адабиётлар муаллифлари уни “Сохибу тавсира” (“Табсиратул адилла”нинг муаллифи) лақаби билан тилга олиб ўтганлар. Айниқса унинг бу асари “китабу тавҳид”ни тўлдирувчи китоб ҳисобланади.

Абул Муъин Насафийнинг энг машҳур шогирди бу, Алоуддин Самарқандий (ваф. 540/1145 й.)[12]дир. Алоуддин Усмандий ва Нуриддин Собуний(ваф. 580/1184 й.)нинг калом илмига оид қарашларида Насафийнинг ҳам таъсири жуда катта бўлган.

Абул Муъин Насафийнинг калом илмига оид бу китобидан ташқари яна иккита мухтасари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бири “Баҳрул калом”, иккинчиси эса “Ат-тамҳид ли қоваъидит тавҳид” деб аталади.

1. Алоуддин Усмандийнинг ҳаёти.

Тўлиқ исми – Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдул Ҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Усмандий бўлиб, ҳижрий 488 йили Самарқандга қарашли қишлоқлардан бири Усмандда туғилган. Усманд лафзи Асманд ва Саманд деб ҳам ўқилади [13].

Манбаларга таяниб айтиладиган бўлса, унинг исми Муҳаммад эканига барча уламолар тарафидан ҳамфикр бўлинган. Аммо отасининг исмига келса, у ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Бинобарин, табақот китобларининг кўпида унинг исми Абдул Ҳамид деб зикр қилинган. Яна айримларида эса Абдул Мажид деб ҳам келган. Фақат битта китобда эса Абдул Рашид деб зикр қилинган [14: 348]. Бироқ, бизнинг ишонишимизча, мазкур манбаларда келган турличалик катта эҳтимолга кўра унинг бобосининг исми Абдул Ҳамидни нотўғри ўқиш натижасида пайдо бўлган. Аммо унинг отаси бўлмиш Абу Муҳаммад Абдул Ҳамид ибн Умар Усмандий Самарқанднинг олим одамларидан бири бўлган. Шунингдек, айрим манбаларда унинг воиз бўлгани ҳам ай-

тиб ўтилган [15].

Усмандийнинг куняси ҳақида гапирадиган бўлсак кўпгина манбаларда уни Абул Фатҳ деб, бошқаларида эса Абу Ҳомид деб зикр қилинган [16: 176]. Лақабига келсак, баъзи бир манбаларда уни “Ало” деб, бошқаларида “Алоуддин” деб, яна баъзиларида эса “Алоуд давлати вад дин” ёки “Алоул олам” деб зикр қилинган.

Усмандий ўзининг Усманд деб аталадиган қишлоғига нисбат берилган. Бироқ кўпгина уламолар унинг исмига кўшиб у туғилган ҳудуд Самарқандни ҳам зикр қиладилар ва Самарқандий деб сифатлайдилар. Лекин айрим муаллифлар Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандийнинг “Мийзонул усул” ва “Тухфатул фуқаҳо” каби китобларини хато юзасидан Усмандийга нисбат берадилар.

Усмандийнинг оила аъзолари ҳақида ҳеч бир маълумот мавжуд эмас.

Алоуддин Усмандий фикҳни ўзининг устози Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан, Ҳадисни Садрш шаҳид лақаби билан машҳур Бурхонул амин Умар ибн Абдул Азиз ибн Муоз Бухорий (ваф. 536/1142 й.)дан ўрганди. Биз Абу Музаффар Асъдий ибн Хусайн Каробисий, Абу Музаффар Абдул Раҳмон ибн Абдул Карим Сомоний* (ваф. 614/1217 й.) ҳамда Низомиддин Умар ибн Бурхониддин Али Марғинонийларни унинг шогирдлари сифатида зикр қилиб ўтишимиз мумкин [3: 209].

Алоуддин Усмандий 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган. Айримлар Усмандийни 563/1168 йили вафот этган дейдилар [17].

Манбаларда зикр қилинишича, Алоуддин Усмандий баҳс мунозара ва жадал илмида мохир бўлган. Бу нарса унинг “Лубобул калом” номли асарида яққол намоён бўлади. Унинг қаламига мансуб “Тарикатул хилоф” асарини нашр эттирган Муҳаммад Закий Абдул Барр унинг бу сифатини қўллаб-қувватлаган [18: 24]. Алоуддин Усмандий ўз замонида фикҳ, хилоф ва калом илмининг энг донгдор уламоларидан бири бўлиб танилган.

Алоуддин Усмандий Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 537/1142 й.), Абул Муъин Нашвоний**, Алоуддин Самарқандий (ваф. 540/1140 й.), Нуриддин Аҳмад ибн Муҳаммад Собуний (ваф. 580/1185 й.) каби бир қатор уламолар билан замондош бўлган. Уларнинг барчалари мотуридийлик мазҳабининг энг машҳур калом уламоларидир.

Алоуддин Усмандий шунингдек, ашъарийлик мазҳабининг мутакаллим олимларидан бири, фирқалар тарихи ва таърифи ҳақида ёзилган “ал-милал ван ниҳал” номли машҳур асарнинг муаллифи Шаҳристоний (ваф. 548/1152 й.) билан ҳам замондош бўлган. Абу Саъд Абдул Карим

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ёқут Ҳамавий. Муъжамул булдон. Ж.3. /Доиратул маъориф ал-исломияда Самарқанд мавзуси. Ж.8.
2. Насафий. Табсиратул адилла.
3. Кураший. Жавоҳирул музйия Ж.3. /Ибн Қутлубуғо. Тожут тарожим. / Лакнавий. Фавоидул баҳийя.
4. Фавракий. Китобун низомий. Сулаймония кутубхонасининг Аё София қисми. №2378. в. 86а-б.
5. Мунозарот Фаҳруддин Розий фи билад Мовароуннаҳр.
6. Субукий. Табақотуш шофиъийя. Ж.3.
7. Мотуридий. Китобут тавҳид.
8. Ибн Қутлубуғо. Тожут тарожим.
9. Паздавий. Усулид дин/ Насафий. ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд.
10. Самъоний. Китобул ансоб; Ибн Қутлубуғо. Тожут тарожим.
11. Исмоил Ҳаққий Измирли. Муҳассал ал-калом вал хикма./ Фатҳуллох Хулайф. Китобут тавҳид муқаддимаси.

* Аслида Самъоний. Усмандийнинг “Лубобул калом” асарини таҳқиқ қилган туркиялик тадқиқотчи олим Муҳаммад Саид Узерварли Усмандийнинг шогирдларидан бирининг нисбасини хато равишда Абдулкарим Сомоний деб келтирган. Қаранг: Алоуддин Усмандий ва унинг Лубобул калом асари. –Б. 26.

** Аслида Насафий. Усмандийнинг “Лубобул калом” асарини таҳқиқ қилган туркиялик тадқиқотчи олим Муҳаммад Саид Узерварли Усмандийнинг замондошлари бирининг нисбасини хато равишда Абул Муъин Нашвоний деб келтирган. Қаранг: Алоуддин Усмандий ва унинг Лубобул калом асари. –Б. 26.

Самъоний (ваф. 562/1167 й.)нинг айтишича, Шаҳристоний Марв шаҳрида Усмандий билан бир неча марта учрашган.

2. Асарлари.

Алоуддин Усмандийнинг айримлари нашр этилган бебаҳо асарлари қуйидагилардир:

1. **Ҳасрул масоил ва қасрул далоил.** Бу Умар Насафийнинг қаламига мансуб “Ал-мудзума фи илмил хилоф” номли рисолаининг шарҳи ёки тартибга солинган кўриниши бўлиб, ҳозирда Сулаймония кутубхонасида унинг кўплаб қўлёзма нусхалари мавжуд. Улар “Шарҳу манзуматун Насафий”, “Мухталафур ривояти фи шарҳил манзумати”, “Алдироя ва мухталафур ривоя” каби ҳар хил номлар билан сақланмоқда [19].

2. **Тарикатул хилоф фил фикҳи байнал аймматил аслааф.** Усмандий ўзининг бу китобини “Лубобул калом”нинг кириш қисмида тилга олиб ўтган. Усмандий унда фикҳ бобидаги турли қарашлар ҳақида баҳс юритади. У ўз китобини бошқа фикҳий китобларда одат тусига кириб қолган тартибга кўра таҳоратдан бошлайди. Китоб фикҳнинг иккиламчи масалаларига атаб ёзилган бўлсада, биз унда мазҳаблар вакиллари тарафидан келтирилган далиллар ҳам, фикҳий масалаларни баён қилиш асносида фикҳнинг бирламчи масалаларига доир қонун-қоидалар ҳам зикр қилинганини кўрамай.

Алоуддин Усмандийнинг “Тарикатул хилоф фил фикҳи байнал аймматил аслааф” номли бу китоби Муҳаммад Закий Абдул Барр таҳқиқи остида нашр этилган [20].

3. **Базлун назар фил усул.** Бу фикҳ асосларига оид китоб бўлиб, манбалар бу китобнинг Алоуддин Усмандий қаламига тегишли эканини тасдиқлайди [21]. Бу китоб ҳам Муҳаммад Закий Абдул Барр таҳқиқи остида нашр этилган.

4. **Ат-таълиқоту фил фикҳ.** Бу асар фикҳнинг фаръий масалаларига доир бўлиб, манбаларда унинг бир неча жилддан иборат экани ва “Ал-аламий” номи билан танилган экани зикр қилинган[3].

5. **Ал-амолий.** Кўпгина манбаларда Усмандий тафсирга оид бир китобни имлоан ёздиргани айтиб ўтилган [22: 107].

6. **Лубобул калом.** Бу асар Усмандийнинг калом илмига бағишланган шох асари бўлиб, унда мотуридийлик таълимоти қарашлари баён қилинган.

Алоуддин Усмандийнинг қаламига мансуб деб айтилдиган булардан бошқа кўплаб асарлар ҳам бор. “Тухфатул фуқаҳо”, “Мийзонул усул”, “Шарҳу жомийъус сағир” ва “Шарҳу таъвилотул Қуръон” каби асарлар шулар жумласидандир. Бироқ бу асарларни Алоуддин Усмандийга нисбат бериш тўғри эмас. Чунки улар Алоуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 540/1145 й.)нинг асарларидир.

12. Кафавий. Китобул аълумил ахйор. в. 1556.
13. Ибн Ҳажар. Лисонул мийзон. Ж.5. /Самъоний. Ал-Ансоб. / Кураший. Жавоҳирул музйия. Ж.2. /Ҳамавий. Муъжамул булдон. Ж.1. /Ибн Асйр. Ж.1.
14. Ибн Имом. Шазаротуз заҳаб. Ж.6. /Лакнавий. Фавоидул баҳийя.
15. Насафий. ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. (№ 546).
16. Қаранг: Лакнавий. Фавоидул баҳийя.
17. Ибн Жавзий. Ал-Мунтазам. Ж.10. /Ибн Тағриберди. Ан-Нужумуз зоҳира. Ж.5. / Ибн Имом. Шазаротуз заҳаб. Ж.6.
18. Тарикатул хилоф. Ношир муқаддимаси.
19. Қаранг: Сулаймония кутубхонасидаги қўлёзма нусхалар. Ёзма Боғишлар қисми, №2288. Фотиҳ қисми, № 2141. Лолали қисмида № 1041.
20. Сулаймония кутубхонасининг Жоруллох Афанди қисмида №566 рақам остида унинг бир нусхаси мавжуд.
21. Дор турос кутубхонаси. Қоҳира, 1992 й.
22. Суютий. Табақотул муфассирийн. Кураший. Жавоҳирул музйия. Ж.3. Ибн Қутлубуғо. Тожут тарожим. /Лакнавий. Фавоидул баҳийя.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ТАДВИН ВА ТАСНИФ ДАВРИ

Шуқурилло УМАРОВ
Имом Бухорий халқаро илмий-
тадқиқот маркази директор
ўринбосари, т.ф.б.
фалсафа доктори (PhD)

Ушбу мақолада ҳадис илми тарихи ва унинг тадрижий босқичлари ўрганилган. Шунингдек, саҳобалар даврида ҳадис илмини ўрганишга бўлган муносабат ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: ҳадис, саҳоба, тадвин, тасниф, муснад, муъжам.

Тарихдаги барча ёзма битиклар ва тарихий маълумотлар ёзиш ҳамда ёдда сақлаш орқали кейинги давр учун сақлаб келинган. Айниқса, ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ҳам ёдда сақлаш ва ёзиб олиш билан ўрганилган. Арабларнинг асосий одатларидан бири улар кучли “қувваи ҳофизаси”га ишониб маълумотларни ёдда сақлашган, кўплаб шеърӣ-назмий айтишувлар ва қасидахонлик кечалари ёддан ташкил этилган[7:475-477]. Қуръони карим ҳам аввал ёдда сақланган ва Усмон ибн Аффон даврига келиб китоб ҳолга келтирилган.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг даврларида ҳадисларни ёзишга саҳобийлар икки тоифага ажралишган. Биринчи тоифа ҳадисларни фақат ёдлаш орқали кейинги авлодга етказишни лозим тутганлар. Улар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг: “Мендан Қуръондан бошқа бирон нарса ёзиб олманглр. Ким ёзиб олган бўлса уни ўчириб ташласин. Мен айтган гапларни айтиб юришларинг мумкин...” деган сўзларига асослаиб ҳадисларни ёзиб боришдан қайтарганлар [11:29-32]. Бу каби ҳадисларни далил қилиб олган кўплаб саҳобийлар ҳадисларни ёзишни макруҳ санаган ва улар ҳадисларни фақат ёд олиш лозимлигини таъкидлашган. Улар: Абу Саъид Худрий (в. 63 х.й.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (в. 32 х.й.), Абдуллоҳ ибн Умар (в.73 х.й.), Абдуллоҳ ин Аббос, Умар ибн Хаттоб ва бошқалар[5:115-116].

Ҳадисларни ёзишни инкор этмаган, ўзлари ёзиб, бошқаларга ҳам тарғиб этган саҳобийларнинг иккинчи тоифаси ҳам бўлган. Улар: Абу Бақр Сиддик, Абу Мусо Ашъарий, Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Ҳасан ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Амр, Салмон Форсий ва бошқа машҳур саҳобалар[13:163]. Мазкур саҳобийлар ҳадисларни ёзиб ўрганишнинг ҳеч зарари йўқ деб таъкидлашган. Ҳадис ва суннатни ёзиб ўрганишда Расулulloҳ (с.а.в.) ўз даврида Рум подшоҳи Ҳирақл, Миср подшоҳи Муқовқис ва Ҳабашистон подшоҳи Нажжошийларга ёзган мактубларини далил қилиб келтиришади[14:18-19]. Расулulloҳ (с.а.в.) Макка фатҳи кунда хутба қилаётган вақтларида яманлик Абу Шоҳ деган саҳоба: “Ё, Расулulloҳ (с.а.в.) (айтган сўзларингизни) менга ёзиб беринг” – деганида, Расулulloҳ (с.а.в.): “Абу Шоҳ учун ёзиб беринглр” – деб айтган сўзлари ҳам ҳадисни ёзишликни ман қилмаслигини таъкидлашган. Шунингдек, Абу Ҳурайранинг: “Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини менадан кўра яхши биладиган йўқ. Аммо бу борада Абдуллоҳ ибн Амрнинг устунлиги бор, у ҳадисларни қўли билан ёзиб, қалби билан ёд олган. Ҳадисларни ёзиб бориш учун Расулulloҳ (с.а.в.)дан изн сўраганда, унга изн берилган” деб айтган[9:1/207]. Бу манбалар ҳадисларни ёзиб сақлашликда ҳеч монъелик йўқлигини кўрсатади. Ҳадисларни ёзишликдан қайтариллиш Қуръон билан ҳадиснинг лафзлари аралашиб кетишидан сақланишга қаратилган. Баъзи алломалар

This article discusses the history of the science of Hadith and its stages. It also substantiates the study of the science of hadith during the Companions.

В данной статье рассматривается история науки хадисов и ее этапы. Кроме того, обосновывается изучения науки хадисов во время сподвижники.

томонидан бу қайтариқдан мақсад Қуръон ва ҳадис матнларини бир варақда ёзиб олишлик бўлганлиги ҳам таъкидланади.

Ҳадисларни тадвин (ёзиш) этилиши асосан тобиъийлар даврида бошланди ва бу илм тараққий этиб борди. Тобиъийлар даври Расулulloҳ (с.а.в.)нинг вафотидан кейин 11 ҳижрий йилдан бошлаб, охириги саҳоба Восил ибн Асқаънинг вафот этган вақти 110 ҳижрий йилгача давом этган[1:3/123]. Тобиъийлар даврида ҳам ҳадисларни ёзиш ва ёзмасдан ёдда сақлаш борасида икки хил тоифага ажралганлигини кўриш мумкин.

Ҳадисларни ёзишни маъқул кўрмаган тобиъийлардан Убайда ибн Амр Салмоний, Иброҳим ибн Язийд Наҳаъий, Жобир ибн Зайд кабилар. Шунингдек, асосий кўплаб тобиъийлар ҳадисларни ёзиш орқали сақлаб қолиш ва уни кейинги даврга етказиш тарафдори бўлишган. Улардан: Аъто ибн Рабоҳ, Қатода ибн Даъома, Шаъбий, Суфён Саврий каби машҳур тобиъийлардир. Саҳобий ва тобиъийлар даврида илми ёзиш ва ёзишни ман қилувчи икки мактаб шаклланиб фаолият олиб боришган бўлсада, вақт ўтиши билан бу ихтилоф баргараф бўлди. Барча муҳаддис, муаррих ва алломалар ҳадис ва суннатни фақат ёзишлик билан бардавом бўлишига иттифоқ бўлишди[2:175-176]. Бу икки мактабнинг ҳам асли мақсади ҳадис ва суннатни ўзгаришсиз сақлаш ва уни ўз ҳолида етказиш бўлган. Ёзиш тарафдорлари уни унутилиб кетишидан кўрқса, ёзмасдан ёдда сақлаш тарафдорлари ҳадисларни ёзиш вақтида котибни фикрлари билан ҳадиснинг асл матни аралашиб қолишидан сақланишга эътибор қаратишган. Биринчи расмий ҳадисларни тадвин қилиш ишлари Миср халифаси Умар ибн Абдулазиз ибн Марвоннинг (т.й. 61/681) топшириғи билан тобиъийлар даврида бошланган. Халифа Мадина олимларига: “Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини йиғинглр ва уларни бир китобга ёзинглр. Мен илм ва унинг соҳибларини кетиб қолишидан кўрқаман”, – деб хат ёзган. Бу хабар барча шаҳар ва масжидларга етказилади. Барча ҳадис илми билан машғул бўлганлар матн ва санади унутилиш арафасида турган ҳадис-суннатни жамлашга ва уни ёзиб тадвин қилишга киришиб кетади[6:1/76].

Умар ибн Абдулазизнинг расмий ҳадисларни жамлаш ҳақидаги топшириғидан сўнг ҳижозлик олим Муҳаммад ибн Шихоб ибн Муслим Зухрий Маданий (ваф.741й.) ҳадисларни ёзма равишда тўплайди. Биринчи бўлиб ҳадисларни китоб ҳолига келтириш шу кишига насиб этган. Бу ҳақда Муҳаммад ибн Шихоб: “Бу илми (ҳадисларни) менинг девонимдан олдин ҳеч ким ёзма ҳолда йиғмаган”, – деб айтган[10:4]. Халифа Умар ибн Абдулазиз муҳаддис Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий тўплаб ёзган асардан нуса кўчиртириб, дунёнинг турли томонларига жўнатган. Жумладан, халифа Умар ибн Абдулазиз Мадина ҳокими ва

қозиси Абу Бакр ибн Ҳазим Ансорийга хат йўллаб, тобиъийн ва ансорийлар биладиган ҳадисларни хатта туширишни, айниқса, Умра бинти Абдурроҳман Ансорий ва Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддикдан ҳадислар ёзиб олишни буюради. Бироқ, Абу Бакр ибн Ҳазим тўплаган ҳадисларини жўнатиб улгурмасдан халифа Умар ибн Абдулазиз вафот этади[6:76].

Ҳадис илми соҳасининг ривожланиши ва унинг тараққиётида илк тасниф этилган ҳадис китобларининг ўрни беқиёс аҳамиятга эга. Ҳадис илми соҳасида ёзилган китоблар тарихи ва уларнинг таркибий жиҳатига эътибор қаратилса, албатта, бу асарларнинг ёзилиш услуби ва тартиби даврга боғлиқ бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос ҳадис тўпламлари тасниф этилган. Илк ҳадис тўпламлари оддий варақларга ёзилиб, жамланиб борилган ва ҳадис варақлари деб юритилган.

Кейинчалик ҳар бир саҳобадан ёки машҳур саҳобалардан ривоят қилинган, улардан эшитилган ҳадислар алоҳида-алоҳида китоб қилиб жамланган ва бутўпламлар “Саҳобалар муснади” деб номланган. Бу муснадларга “Абу Бакр Сиддик (р.а.) Муснади”, “Умар ибн Хаттоб (р.а.) Муснади”, “Ойша (р.а.) муснади”, “Али ибн Аби Толиб (р.а.) Муснади” ва ҳоказо қайси бир саҳобадан ҳадис эшитилса, шу саҳобанинг номи билан юритилган муснадлар вужудга келган. Бундай муснад асарларининг тасниф этилиши саҳобалар даврида ривожланган ва саҳобаларнинг ўзларидан ривоят қилинган ҳадис тўпламлари, яъни “Муснад” тўпламлари вужудга келган.

Саҳобалардан ривоят қилинган ҳадислардан таркиб топган муснад асарлари кейинчалик ҳам илмий мерос сифатида ўз ҳолида сақлаб қолинди. Мазкур муснад асарларига фақат бир саҳобадан ривоят қилинган ҳадислар киритилган бўлиб, бошқа бирон кишининг ривояти асосида эшитилган ҳадислар киритилмаган. Агар бир ҳадис икки кишидан ривоят қилинган бўлса, мазкур икки ҳадис ҳам алоҳида муснадларга киритилган. Бу муснадлар ҳадис илми соҳасида тасниф этилган илк асарлар ҳисобланган. Машҳур саҳобалар муснадининг ёзилиши ва жамланиш тартиблари кейинги даврларда тасниф этилган ҳадис китобларига нисбатан содда ва ҳеч бир мавзуга ажратилмасдан жамланганлиги билан фарқ қилади. Бу ҳадислар қандай эшитилган бўлса, шундайлигича, ҳеч қандай боб, махсус бўлим ёки ҳадисларнинг фикхий мавзуларга ажратмасдан тўплам шаклига келтирилган.

Саҳобалар, тобиъийлар ва табаъа тобиъийлар даври, илм-фан ривожланишининг олтин даври бўлган вақтда бошқа илмлар қаторида ҳадис илми ҳам жадаллик билан ривож топди. Кейинги даврларда тасниф этилган ҳадис китоблари саҳих, сунан, жомий ва бошқа ҳадис йўналишидаги асарларнинг асосий манбасини муснадлар ташкил этди.

Ҳадис илми соҳасининг ривожланиши бир неча босқичларга бўлинади:

биринчи босқич Расулulloҳ (с.а.в.) билан бир даврда яшаган саҳобалар даври бўлиб, уларнинг барчаси ҳадисларни ёдларида сақлаганлар ва улардан баъзиларига ҳадисларни ёзиб боришга рухсат берилган;

иккинчи босқич саҳобалар даври Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳадислар, воқеа-ҳодисалар зикр этилган ва тақдорланиб китобат шаклига келтирилган. Саҳобаларнинг орасида кўплаб фақиҳлар, олимлар ва фатво берувчилар бўлиб, бошқалар уларнинг сўзларига эргашган. Бу даврда олим ва фақиҳ саҳобалар ўзларининг ҳадис ва фикҳ мактабига асос солишган ва баъзи саҳобалар томонидан муснадлар тасниф этиши ишлари бошланган;

учинчи босқич тобиъийлар даври, саҳобалар ва тобиъийлар бир даврда яшаган бўлсаларда, улар ўртасида жуда катта фарқ бўлган. Бу Расулulloҳ (с.а.в.)нинг кўриб суҳбатига бўлиш ва бўлмаслик билан фарқ қилган.

Тобиъийларнинг кейинги авлодлари, табаъа тобиъийлар ва улардан кейингилар даври. Бу даврда ҳадисларни Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилувчилар, яъни ровийлар табақотларини ҳадис илмидаги даражаларини билиш ҳадис илми соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳадисларнинг исноди уларнинг ровийлари тарихи ва табақотларини аниқлаш билан ўрганилган. Тобиъийлар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг кўрмаган бўлсаларда, саҳобаларнинг улуғ фазилатидан у кишининг буюк сийратларини яхши билишган. Бу даврда ҳадис асарларидан муснад, муъжам ва сулосиёт тўпламлари ёзиш кенг ривожланган.

Тўртинчи босқич ҳижрий III аср ҳадис илми тараққий этган давр, бу асрда олдинги босқичларда тўпланган ҳадислар, муайян қоидалар асосида тартибга солинган. Уларнинг матни, исноди ва ровийлари тарихи ўрганилиб, китоб ҳолига келтирилган. Айнан шу асрда ҳадис илми мустақил илм сифатида фикҳ илмидан ажралиб чиқди. Бу даврда олдин тўпланган тадвин (китоб ёзиш, ҳадисларни жамлаш) жанрида битилган ҳадис китоблари кейинги босқич ҳадисларнинг тасниф (муаллифлик, тартиблаш, ҳадисларни мавзу ва турга ажратиш) жанрига ўтган[12:55].

Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Можжа, Имом Абу Довуд, Имом Доримий ва бошқа муҳаддислар тасниф этган асарлар шу даврда ёзилди. Бу вақт билан Расулulloҳ (с.а.в.)нинг яшаган даврлари орасида, тахминан, 200-250 йил муддат ўтган ва бу даврда яшаб ўтган ровийлар тарихи ҳам мукамал ўрганилган, чунки бу тарих ҳадис тарихи билан боғлиқ бўлган[3:1/35]. Бу даврда “Саҳих”, “Сунан”, “Жомий”, “Муваатто”, “Мустаҳраж”, “Мустадрок” ва бошқа услубларда ҳадис тўпламлари тасниф этилган. Мазкур асарларнинг яратилишида олдинги даврда тадвин этилган муснад асарларининг аҳамияти катта бўлган. Бу ҳақида Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсий шундай таърифни келтиради: “Агар олти машҳур саҳих китобларида ёки уларнинг бирида саҳобалардан бир ҳадис келтирилган бўлса, албатта, у ҳадис “Муснад Абу Таёлисий”, “Муснад Ҳумайдий”, “Муснад Мусаддид”, “Муснад Ибн Аби Умар”, “Муснад Исҳоқ ибн Роҳавай”, “Муснад Абу Бакр ибн Шайба”, “Муснад Аҳмад ибн Муний”, “Муснад Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Асома”, “Муснад Абу Яъло ибн Муслиий Кабир” ва “Муснад Абд ибн Ҳумайд” асарларининг биридан олингандир”[4: 1/35].

Ҳадис илмининг ривожланишида муснад асарларининг тутган ўрни ва илмий аҳамияти ҳақида муаррих ва муҳаддис Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний ҳам юксак таъриф бериб, Абдулҳамид Кеший, Абу Довуд Таёлисий, Имом Мусаддид, Имом Ҳумайдий, Ибн Аби Умар, Исҳоқ ибн Роҳавайх, Абу Бакр ибн Аби Шайба, Аҳмад ибн Муний, Ҳорис ибн Муҳаммад ва Абу Яъло Муслиийларнинг муснад тўпламлари кейинги давр ҳадис имомларига кашфиёт эшикларини очиб берганлиги ва бу асарлар муҳаддисларнинг ҳадис тўпламлари негизини ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаган [8:47].

Ҳадис илми тарихида соҳанинг асосини ташкил этган “Сихохи ситта” (олти саҳих) ва “Кутуб ат-тисъа” (тўққиз китоб) тўпламлари IX асрда жамланган. Ҳадис илми тарихида ёзилган барча асарлар “ас-Самония ал-комилот” (Саккиз мукамал муснад) деб эътироф этилган муснадлар асосида тасниф этилган[12:124]. Мазкур асарларнинг ёзилиш услуби, ҳадисларнинг ўрганилиши, мавзу ва бобларга ажрати-

лишига қараб тадвин ва тасниф даврига бўлинади:

Тадвин даври – I-II ҳижрий асрларда давом этган бўлиб, ҳадисларнинг мавзу ва бобларга, уларнинг бирон турларга ажратмасдан жамланиб китоб шаклига келтирилишига айтилади. Бу каби асарлар “Муснад” ва “Муъжам” га ўхшаш бўлади;

Тасниф даври – III ҳижрий асрдан бошланган давр бўлиб, ҳадислар фикхий-ақидавий мавзу ва турли бобларга тақсимланади ҳамда ҳадисларнинг саҳиҳ, ҳасан, заифлари алоҳида ўрганилади. Бу йўналишга “Саҳиҳ” ва “Сунан” асарларини киритиш мумкин.

Ҳадис илми тарихини ўрганиш ва бу борада кенг

тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда. Зеро, ҳадисларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан муҳаддисларгача етиб келиши борасида муҳаддислар ва муаррихлар кўплаб асарлар таълиф этишган. Машҳур муҳаддислар томонидан жамланган асарларни кейинги давр тарихи, шоғирдлари, асар ровийлари, санади ва қўлёзмалар тарихини ўрганилиши ҳам қизиқ ва муҳим бўлган тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Бу эса юртимиздан етишиб чиққан муҳаддислар ҳаёти ва меросининг бизгача етиб келишида кўплаб ҳадис илми олимлари, муҳаддислар, котиблар, ҳофизлар, хаттоғлар ва ровийларнинг буюк хизматлари тарихини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулкарим ибн Абдуллоҳ Саховий. Фатҳу-л-муғийс. – Риёз, Мактаба ас-Саудия. 2008.
2. Абдулмажид Туркмоний. Усулу-л-ҳадис. – Карачи: Мадраса ан-Нуъмоний, 2009.
3. Абу Абдуллоҳ Мустофо Адавий. Мусталаҳ ал-ҳадис. – Байрут: Марказ ал-буҳус, 2001.
4. Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳоф ал-хойрат ал-маҳара би аз-завоид ал-масонид ал-ашара. – Риёз: Мактаба ар-Рушд, 1997.
5. Заҳир ибн Аби Хайсам. Ал-Илм. – Байрут: Дор ал-илм. 2004.
6. Ибн Абдулбирр. Жомий баъни-л-илм. – Карачи, 2008.
7. Ибн Ҳабиб Бағдодий. Ал-Муҳбир. – Байрут: Марказ ал-буҳус, 1998.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Мутолиб ал-оълия би аз-завоид ал-масонид ас-самония. – Саудия Арабистони: Дор ал-ғойс, 2010.
9. Ибн Ҳажар. Фатҳ ал-Борий. – Байрут: Марказ ал-буҳус, 2010.
10. Каттоний. Ар-Рисола ал-мустатриф. – Риёз: Дор ар-ризвон, 1990.
11. Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим. – Қоҳира: Мактаба ал-имон, 2005.
12. Умаров Ш. Кешлик алломалар. – Т.: Фафур Ғулом, 2019.
13. Уълоий. Жомий-т-Таҳмил. – Қоҳира: Мактаба ал-имон, 2001.
14. Форук Ҳаммод. Тадвину-с-суннати фий аҳди набавий. – Дамашк: Дор ал-қалам, 2015.

ИСЛОМ – МЕҲР ЧАШМАСИ

Рўзигул БОЗОРОВА
ТИҚХММИ Бухоро
филиали ўқитувчиси

Мақолада меҳр тушунчасининг ислом динидаги талқини, пайғамбаримиз ҳадисларида ифодаланиши ва инсонпарварлик туйғуси сифатида қадриятларда намоён бўлиши ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: меҳр, ҳадис, раҳм, шафқат, таълим, тарбия, одоб.

Ислом меҳр-муруватга, эзгуликка чорлайдиган, раҳмдилликни тараннум этадиган диндир. Ояти карима ва ҳадиси шарифларда Аллоҳнинг бандаларига нисбатан марҳаматли бўлиши тарғиб этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ибрат назари билан қарасак, қилган ишлари ва айтган сўзлари устида тафаккур юритсак, бу диннинг асосий тушунчалардан бири меҳр эканлигига амин бўламиз. Аллоҳ таоло ушбу динни инсониятга олиб келган зот ҳақида “Батаҳқиқ, Биз Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юборганмиз!” (Анбиё: 107) дея марҳамати бежиз эмас. “Раҳмат” сўзи раҳм-шафқат, марҳамат, муруват маъноларини беради. Кишилар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Раҳмат – меҳр кирраларининг энг буюкларидан биридир[1].

Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужасам қилган ривоятлар – ҳадислар деб аталади. «Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси – “янги”, “хабар”, “ҳикоя”, “сўз” бўлиб, – ал-ҳадис ан-Набавий (Пайғамбар сўзлари)дир.

Ҳадиси Шариф – меҳр, шафқат, ҳиммат, эъзозу эътибор, бағрикенгликнинг қиёси йўқ китоби, ёдгорлиги, бебаҳо хазинасидир.

Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири – Муснаддан иборат. Ҳадислар Ислом динининг Куръондан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланиб, кўпгина фикхий масалаларни ҳал этишда уларга асосланилади[2: 93-94].

Меҳр барча замонлар ва маконларда ўзига хос аҳамият

This article reflects the concept of clemency, its meaning in the religion of Islam, its expression in the hadithes our Prophet and its manifestation in values as a sense of humankind.

В этой статье обсуждаются понятие милосердия, его значение в исламе, хадисы Пророка отражаются в ценностях как чувство человечности.

касб этган. Ислом динида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бу борада ўрнатқан ҳисобланадилар.

“Болага меҳрибонлик кўрсатиш, – деганлар пайғамбаримиз, ота-онанинг вазифаси ва боланинг ҳаққидир”.

Инсон зоти доимо меҳр-муҳаббатга эҳтиёжли бўлади. Айниқса, болалар бу нарсага жуда ҳам муҳтожлар. Меҳр-муҳаббат дини бўлмиш Ислом, шунинг учун ҳам болаларга меҳр-муҳаббат кўрсатишни ота-оналарга вазифа этиб юклаган.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, “Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз хузурларида Акраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганда Ҳасан ибн Алина ўпдилар. Шунда Акраъ:

“Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ”, – деди[3: 331].

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) унга назар солдилар-да, сўнг: “Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас”, – дедилар”. Бухорий, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўта болажон зот эдилар. Ул зот наби-ралари ичида Ҳасан ва Ҳусайнни жуда ҳам яхши кўрар ва уларга меҳрибонлик кўрсатар эдилар.

Ривоятда у зот (с.а.в.)нинг Ҳасан розияллоху анҳуга кўрсатган меҳрлари, саҳобалардан бирининг бунга бўлган муносабатлари ва муносабатнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан баҳоланиши ҳақида сўз кетмоқда.

Усома ибн Зайд (р.а.)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мени олиб, сонларига ўтқазиб Ҳасанни эса бошқа сонларига ўтқазар эдилар. Сўнгра сонларини бир-бирига қўшиб туриб: “Аллоҳим! Иккисини раҳм

килгин, мен уларга раҳм қилурман”, – дер эдилар”[3: 332].

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Бир аъробий Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва: Сизлар болаларингизни ўпасизларми? Биз уларни ўпмаймиз”, – деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Аллоҳ қалбингдан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима ҳам қила олар эдим”, – дедилар”.

Меҳрни кучоқлаб ўпишганда ҳам туйиш мумкин. Киши болаларини фақат кўришганда ва хайрлашганда эмас, шунчаки ҳар замонда меҳр билан ўпиб турса фарзандларига бўлган меҳри янада ошар экан.

Шаъбийдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Албатта, киши боласининг бошини силаганига ва аёлига яқинлик қилганига ҳам ажр олади”, – дедилар”. Хусайн Марвазий ривоят қилган.

Мусулмон одам ўз боласига меҳр кўрсатиб, унинг бошини силаб, кўнглини овутиб, тарбия маъносида қилган ҳаракатларига ҳам албатта ажр олади. Демак, бола тарбияси учун қилинадиган ҳар бир ҳаракат ажрсиз, савобсиз қолмас экан. Боланинг бошини силашда одамнинг ўзи роҳат топади. Лекин шу нарса болага ҳам яхши таъсир қилганидан, Аллоҳ таоло бунинг учун ота-онага ажр-савоб берар экан. Ота-она боласининг бошини силагани учун ҳам ажр олар экан, уни едириб-ичиргани, кийдиргани, ўқитгани, Қуръон ёдлагани, одоб-ахлоқдан тарбия бериб қийналгани учун оладиган савоблари қанча бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Демак, ота-онанинг бола учун қиладиган ҳеч бир ҳаракати савобсиз, ажрсиз кетмас, дунё-ю охирагининг бахту саодатига сабаб бўлмай қолмас экан.

Қизларга алоҳида ҳурмат ва меҳр билан муносабатда бўлиш ҳақида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг кўрсатмалари ҳам бор. Чунки қизлар меҳрга муҳтож, ўзлари ожиза бўлишади. Шу боис улар тарбиясида эътибор, меҳр-мурувват ва эҳтиёткорлик кўпроқ зарур бўлади[3: 333]. Хусайн Марвазий ривоят қилган.

Бу ҳадис аввалги ривоятнинг бир оз кенгрок баёни экан. Бу ерда ота ўз ҳузурига келган иккала фарзандининг ҳам бошини силагани ҳақида сўз кетмоқда, яъни иккисига бир хил меҳр кўрсатган. Фақат уларни ўтқазилганда орада фарқ содир бўлган. Ана ўша нарса ҳам Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг эътиборларидан четда қолмаган.

Тарбия ҳам ота-оналарнинг бурчи ва фарзандларнинг ҳаққидир. “Тарбия” сўзи арабча “робба” феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди маъноларини билдиради. Мусулмон уламолар “тарбия”ни бир неча хил таъриф қилганлар. Жумладан, Имом Байзовий куйидагича таърифлайди: “Тарбия бир нарсани аста-секин камолига етказишдир”. Роғиб Асфихоний тарбияга куйидагича таъриф беради: “Тарбия бир нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказа бориб, батамомлик нуқтасига етказиш яъни комилликка етказиш. Тарбия маъноларидан бири инсоннинг диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир”[3: 339].

Ислома болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидир. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади. Аммо тарбия масъулияти бардавом бўлади. Зотан,

ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукрлари ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан адо этиш орқали юзага чиқади. Амалий шукр – берилган неъматни, неъмат берувчи зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш билан бўлади. Бинобарин, фарзанд неъматига амалий шукр қилиш ўша фарзандни Аллоҳ таолога итobat қиладиган банда қилиб тарбиялаш билан юзага чиқади.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Ҳар туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?” дедилар. Сўнгра Абу Хурайра “Агар хоҳласангиз: “(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл фитратдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир”, деган оятни ўқинг”, дер эди[3: 340].

Тарбиянинг бир қисми болага одоб ўргатишдир. Бизнинг тилимизда “одоб” тарзида талаффуз қилинишга одатланиб қолинган арабча “адаб” сўзи, аслида, “маъдаба” ўзагидан олинган. “Маъбада” сўзи одамлар даъват қилинган зиёфатни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий “маъдаба” – зиёфат бўлганлиги учун шу номни олган.

Абу Муҳаммад “Китоб ул-вахй” номли асарларида: “Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун “одоб” деб номланган”, – дейдилар.

Абу Зайд раҳматуллоҳи алайҳ: “Одоб фазилатларидан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган исмдир”, – деганлар[3: 342].

Саъийд ибн Осс (р.а.)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши одоб ўргатишдан ортиқ ҳада қила олмайди”, – дедилар”.

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг”, – дедилар”. Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна бундай деганлар: “Авлодларингизни, биринчидан: “Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар...” Чунки Аллоҳ таоло уни йўқдан бор этиб, ота-онани унинг дунёга келишига сабабчи қилди. Ва уларнинг қалбларига фарзанд меҳру муҳаббатини солди. Агар Аллоҳ таоло фарзанд муҳаббатини қалбга солмаганида, уни бағрига босмасди, раҳм-шафқат қилмасди, кўчага ташлаб кетган бўларди. Шунинг учун фарзанд Аллоҳ таолони севиб, унга шукрлар қилиши лозим.

Иккинчидан: “Аллоҳнинг Расулини севадиган қилиб тарбияланглар”. Чунки Аллоҳ таоло Расулulloҳни (с.а.в.)ни халқ орасидан танлаб олиб, халққа пайғамбар қилиб юборган. Пайғамбаримиз инсонларга ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлган, дунёдаги барча яхшиликларни ўргатган зот, бутун дунё аҳлининг устози саналади.

Учинчидан: “Аллоҳнинг Китобини севадиган қилиб тарбияланглар...” Чунки китоб инсониятни ҳидоятга чорлайди[4].

Таҳлиллар натижаси пайғамбаримиз томонидан яратилган тарбиявий кадрятларни ўрганиш, ёшларни комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳадислар – кишида одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, маънавият, ва инсонпарварлик туйғусини шакллантиришда асосий манба ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://islom.uz/maqola/1360>
2. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик, –Т., 2000.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. –Т.: Ҳилол-нашр, 2014.
4. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. –Т.: Мовароуннахр, 2014. Электрон манзил: <http://www.muslim.uz>.

МУСТАМЛИЙ БУХОРИЙНИНГ АҚИДАВИЙ МАСАЛАЛАРГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Комилжон РАҲИМОВ
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номи-
даги Шарқшунослик институти
катта илмий ходими, т.ф.б.
фалсафа доктори (PhD)

Ушбу мақолада Мустамлийнинг каломга оид қарашларида мотуридия калом мактаби таълимоти таъсири ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Мустамлий, «Шарҳ ат-Таъарруф», калом, Мотуридий.

This article discusses the influence of the doctrine of the Maturidi school to the theological views of the Mustamli Bukhari.

В данной статье рассматривается влияние учения школы Матуриды на теологические воззрения Мустамли Бухари.

Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мустамлий ал-Бухорий (ваф. 434/1043) қаламига мансуб «Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўли билан танишув» асарига шарҳ») асари тасаввуф, калом ҳамда бошқа исломий ва ижтимоий фанларга (жумладан, тафсир, ҳадис, фикҳ, фалсафа, психология в.б.га) оид муҳим манба ҳисобланса-да, шу кунга қадар, асосан, тасаввуфшунослик нуқтаи назаридан бирмунча кенг ўрганилган. Бироқ ушбу асарнинг калом илмидаги ўрни ва аҳамияти, жумладан, Мустамлий Бухорийнинг каломий қарашлари кенг ва чуқур тадқиқ қилинмаган, унинг қарашларида қайси калом мактабларининг таъсири қанчалик эканлиги аниқланмаган. Жумладан, айримлар «Шарҳ ат-Таъарруф» муаллифининг каломий қарашларида Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) таъсири кўрсалар, бошқа баъзилар унинг калом масалаларида Абу-л-Ҳасан Ашъарий (260/874-324/936) таълимотига эргашганини таъкидлашади.

«Шарҳ ат-Таъарруф»нинг ақидавий масалаларга бағишланган қисмини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Мустамлий Бухорий мотуридия ва ашъария калом мактаблари қарашларида ихтилоfli бўлган масалалардан фақатгина тўрттасида ашъарийларга, ўн биттасида эса мотуридийларга эргашган.

Жумладан, Мустамлий Бухорий қуйидаги ўринларда ашъарийларнинг мотуридия ақидасига мувофиқ келмайдиган қарашларини маъқуллаган:

1. Иш-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон эканлигини аниқлаш. Мотуридийлар нарсаларнинг яхши ёки ёмон эканлигини моҳиятан ва ақл ёрдамида аниқлаш мумкинлигига ишонилса [8:54], ашъарийлар эътиқодича иш-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон эканлигини фақатгина шариат амр ва наҳий орқали белгилаб беради [11:107]. Мустамлий Бухорий мотуридийлардан фарқли равишда иш-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон эканлигини ақл ёрдамида аниқлаш мумкин эмас, балки иш-ҳаракатларнинг яхши ёки ёмон эканлиги Аллоҳнинг ҳукмига тобедир, деган қарашга эга [3/2:494].

2. Аллоҳ томонидан ёмон ишнинг содир бўлиш-бўлмалиги. Мотуридийлар Ҳаким зот бўлиши Аллоҳ томонидан ёмон ишнинг содир бўлиши мумкин эмас, десалар [14:178], ашъарийлар Аллоҳнинг барча ишлари адолат бўлиб, у барча нарсаларнинг ҳақиқий эгаси экан, эга ўз мулкани ўзи истаганича тасарруф қилиши мумкин, деган қарашга эга [1:335; 12:30]. Мустамлий Бухорийнинг эътиқодича, инсон Аллоҳнинг ишларининг яхши ёки ёмон эканлигини аниқлаш учун керакли салоҳиятга эга эмас. Аллоҳга амр ва наҳий қиладиган Ундан юқорироқ турадиган бирор нарса бўлмаганлиги сабабли унинг ишлари ёмон деб сифатланмайди [3/2:494-496].

3. Тоат қилувчини азоблаш ва осийни мукофот-

лаш. Мотуридийлар Аллоҳ томонидан тоат қилувчининг азобланиши ва осийнинг мукофотланишини шаръий жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам жоиз эмас, деб топганлар [15:172]. Аммо ашъарийлар Аллоҳ томонидан тоат қилувчининг азобланиши ва осийнинг мукофотланишини ақлий томондан жоиз деб билишади. Чунки, уларнинг эътиқодича, бу иш Аллоҳ томонидан ўз мулкани тасарруф этиш бўлиб, зулм ҳисобланмайди. Мустамлий Бухорий бандани азоблаш ва мукофотлашни ақлга мувофиқ эмас, балки ваъд ва ваъдга мувофиқ Аллоҳга вожиб деб билар экан, мукофот ва жазони банданинг ишига эмас, балки Аллоҳнинг иродасига боғлиқ деб билади [3/2:476-477].

4. Бахтиёрлик ва бахтиқаролик. Мотуридийларнинг эътиқодича, бахтиёрлик (мўминлик) ва бахтиқаролик (қофирлик) ҳозирги замонга (айни вақтга) хос бўлган ҳолатлар бўлиб, азалий ва абадий эмасдир [14:161]. Ашъарийларнинг эътиқодича, эса Аллоҳ бахтиёр қилиб яратган банд бахтиёр, Аллоҳ бахтиқаро қилиб яратган банд бахтиқародир [5:225; 4:36; 12:46]. Мустамлий Бухорий ҳам ашъарийлар каби бахтиёрлик ва бахтиқаролик олдиндан белгиланган ҳолатлар бўлиб, инсоннинг амаллари уни белгилаш ёки ўзгартиришга ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди, деган қарашга эга [3/2:668].

Айтиб ўтганимиздек, Мустамлий Бухорийнинг мотуридия калом мактаби қарашларига мувофиқ келадиган қарашлари бирмунча кўпроқдир. Жумладан, у қуйидаги масалаларда мотуридия ақидаларига эргашган.

1. Имон билан боғлиқ масалалар

1.1. Имоннинг таърифи. Мотуридийларнинг кўпчилиги кўнгил тасдиғидан ташқари тил иқрорини ҳам имоннинг бошқа бир устуни сифатида билишади [15:165]. Ашъарийлар наздида эса имон Аллоҳни қалб билан тасдиқлаш бўлиб, тил ва амалдаги тасдиқ имоннинг фарълари – иккинчи даражали тармоқлари ҳисобланади [7:123; 13:84]. Мустамлий Бухорийнинг эътиқодича эса имон икки қисмдан – кўнгил билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор келтиришдан иборатдир [3/3:1035].

1.2. Имоннинг кўпайиши ва камайиши. Мотуридийлар эътиқодига кўра имон кўпайиш ва камайиш қобилиятига эга эмас. Ашъарийлар эса имоннинг кўпайиши ёки камайишини мумкин деб биладилар [32/5:210-211; 1:181-182; 13:144]. Мустамлий Бухорий мотуридийларга эргашган ҳолда, имоннинг кўпайиши ёки камайишини инкор этади [3/3:1035].

1.3. Имонда истисно. Мотуридийлар имонда истисно қилишни жоиз деб билмаганлар. Уларнинг эътиқодича, истисно шубҳа ва иккиланиш белгиси бўлиб, имон бирор бир иккиланишсиз ва қатъий бўлмоғи лозим [14:280; 15:165]. Аммо ашъарийлар имонда истисно қилишни жоиз деб билганлар. Уларнинг эътиқодича, истисно банданинг ўзида имоннинг борлиги ёки йўқлигига нисбатан бўлган

шубҳаси эмас, балки ўзидаги имоннинг ўлимига қадар бўлган даврда сақланиб туриши ёки сақланиб турмаслигига нисбатан бўлган шубҳасидир [4:29; 9:215-216]. Мустамлий Бухорий «Шарҳ ат-Таъарруф»да имондаги истисно масаласига тўхталиб, имон ва эътиқоднинг шубҳа объекти бўла олмаслигини аниқ-равшан баён этган [3/3:1036].

1.4. Имонда тақлид. Мотуридийлар тақлидий имонни тўғри деб билиб, имоннинг асоси тасдиқ бўлиб, тақлидий имонда бундай тасдиқ мавжуддир, деганлар [15:166]. Ашъарийлар мотуридийларга қарама-қарши ўлароқ «Имон асосий масалалардан бўлиб, ақидалар ва диний асосларда тақлиднинг ўзи етарли эмас. Эътиқод учун қатъий далил керакдир», дейишган [13:85]. Мустамлий Бухорий ўз китобининг бир неча ўрнида, худди мотуридийлар каби, тақлидчининг мўмин эканлигини уқтириб ўтган [3/2: 324-325, 536-537].

1.5. Имон ва ислом. Мотуридийларнинг эътиқодича, имон ва ислом луғавий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилса-да, моҳияти жиҳатидан бир тушунчадир, яъни, ҳар бир мўмин мусулмон ва ҳар бир мусулмон мўминдир [14:498-499/1:187-188]. Ашъарийлар эса имон ва исломни бошқа-бошқа нарсалар деб билдилар. Уларнинг эътиқодича ислом имондан бошқа нарса бўлиб, ҳар бир мўмин мусулмон, аммо ҳар мусулмон ҳам мўмин эмасдир [5:48; 32/5:206-207]. Мустамлий Бухорий ўзининг бу тўғридаги қарашини қуйидагича баён қилган: «Биз шариат ҳукми бўйича кимдаки ислом кўрсак, уни мўмин деб атаймиз. Ислом имон бўлиб, ислом зоҳир ва имон ботиндир» [3/3:1078].

2. Аллоҳнинг сифатлари билан боғлиқ масалалар

2.1. Таквин (бўлдириш). Мотуридийлар Аллоҳ сифатларининг зот сифатлари ва иш сифатларига бўлинишига қарши чиқишади ҳамда барча иш сифатларини таквин деб номланувчи бошқа бир сифатга мансуб ҳисоблаб, ушбу сифатни азалий ва абадий деб билишади [14:28-29; 8:53; 12:17; 15:173]. Ашъарийлар эса мотуридийлардан фарқли равишда таквиннинг Аллоҳнинг ҳақиқий сифати эмаслиги, балки нисбий бир ҳолат эканлиги, шунга кўра у зот сифати эмас, балки ишлар сифати бўлиб, кейин пайдо бўлганлиги, Аллоҳнинг яратиш ва ризқ беришдан олдин яратувчи ва ризқ бергучи бўлмаганлигини уқтиришади [8:53; 12:17]. Мустамлий Бухорий таквин масаласида мотуридийлар изидан боради. У Аллоҳнинг ишлари сифатларини азалий сифатлар жумласидан ҳисоблаган [3/1:330-331].

2.2. Аллоҳга нисбат берилган сифатлар. Мотуридийлар Қуръон ва ҳадисда Аллоҳга нисбат берилган юз, қўл, кўз ва шу каби бошқа сифатлар борасида кўпроқ танзиҳий (поклаб ёд этувчи) қарашга эга бўлиб, уларнинг эътиқодларича ушбу сифатларнинг тўғри маъносида Аллоҳга нисбат берилиши Аллоҳнинг ушбу сифатларга эга бўлган барча мавжудотларга ўхшатилишига олиб келади [14:37]. Шунга кўра улар бундай сифатларни тавҳид принципи билан мувофиқ бўлган тарзда тафсир қилишга уринганлар ёхуд уларнинг ҳақиқий маъносини маълум қилишни Аллоҳнинг ўзига қўйиб берганлар [2:374]. Абул-Ҳасан Ашъарийнинг эътиқодича эса Аллоҳга нисбат берилган юз, қўл ва кўз каби сифатларни уларнинг тўғри маъносида тушунмоқ керак [6:290]. Мустамлий Бухорий Аллоҳга нисбат берилган сифатларни уларнинг тўғри маъносида талқин қилишдан сақланиб, уларни таъвил қилиш тарафдори бўлган [3/1:311].

2.3. Эшитиш ва кўриш. Мотуридийлар эътиқоди бўйича эшитиш сифати эшитиладиган нарсалар, кўриш

сифати эса кўринадиган нарсаларга боғлиқ бўлиб, ушбу икки сифат бир-биридан фарқ қилади [10:40]. Уларнинг ишонишларича, эшитишнинг эшитиладиган нарсаларга, кўришнинг эса кўринадиган нарсаларга боғлиқ эканлиги инкор қилиб бўлмайдиган икки тушунчадир [12:10]. Ашъарийлар эса бунга қарама-қарши ўлароқ эшитиш ва кўриш эшитиладиган нарса ва кўринадиган нарсалардан ташқари ҳар қандай бошқа нарсага боғлиқ бўлиши мумкин, деганлар [10:40]. Уларнинг эътиқодича, кўринадиган нарсаларни кўриш орқали англаш Аллоҳга вожиб эмас, балки ўша нарсани эшитиш орқали англаш Унга жоиздир. Аммо Аллоҳнинг одати шундай шаклланганки, унинг англаши кўриш орқали амалга ошади. Эшитиш сифати борасида ҳам қоида шундайдир [10:40]. Мустамлий Бухорий ҳам мотуридийлар каби эшитиш ва кўриш сифатлари боғлиқ бўлган нарсаларни бир-биридан алоҳида деб билган [3/1: 323, 258].

3. Бошқа масалалар

3.1. Жабр ва ихтиёр. Мотуридийлар ва ашъарийлар на мутлақ жабрни, на мутлақ ихтиёрни маъқуллаганлар. Улар касб (ўзлаштириш) назариясини ўртага ташлаганлар. Ушбу назарияга кўра, Аллоҳ ишларни яратади, инсонлар эса уларни ўзлаштириб оладилар. Бироқ мотуридийлар бу масалага кўпроқ таклиф (бурч) ва жазо (мукофот ёки жазо) нуқтаи назаридан, ашъарийлар эса Аллоҳнинг машийяти (иродаси) нуқтаи назаридан ёндашганлар. Мотуридийлар эътиқодига кўра инсон ўз ишига таъсир кўрсата оладиган куч ва истакка эга бўлиб, бутаъсиришнинг тоат ёки маъсият характерига эга бўлишига сабаб бўлади [15:167-168]. Ашъарийлар бунга қарама-қарши равишда касбни қуйидагича тафсир қилганлар: банда бирор ишни қилишни истаса, Аллоҳ ўша ишни унда яратади, бунда инсоннинг исташининг ўзи Аллоҳ кучи билан яратилади. Шунга кўра, инсон ишни ўзлаштириб олишдан ташқари унга бирор бир таъсир ўтказа олмайди. Мустамлий Бухорий ўзининг бу тўғридаги батафсил баҳсида инсонни ҳақиқий иш эгаси деб билган. У жабр ва икром (кишини ўзи истамаган ишига мажбурлаш)га қаршилиқ қилиб, инсонни ўз ишларида ихтиёрли (мустақил) деб таништирган. Унинг эътиқодича инсон ўз ишларида ихтиёрли бўлмаганида эди, яхши ишлари учун мукофотлаш ва ёмон ишлари учун азоблашдан маъно бўлмасди [3/1:442-443, 454-456].

3.2. Аллоҳнинг кофирга неъмат бериши. Мотуридийлар эътиқодига кўра, Аллоҳ кофирга неъмат беради, аммо бу неъмат фақатгина бу дунёда унга насиб қилади [15:168-169]. Ашъарийлар мотуридийларга қарама-қарши ўлароқ шундай қарашга эгалар: «Кофир бу дунёда ҳам, охиратда ҳам неъмат эгаси бўлмайди. Аллоҳ унга берган тириклик ва ризқ уни Аллоҳга душманлик қилишга эмас, балки Аллоҳга тоат қилиш ва Унинг розилигига эришишга сарфлаш шарти билангина неъмат ҳисобланади. Акс ҳолда у неъмат ҳисобланмайди» [4:43; 15:169]. Мустамлий Бухорийнинг бу масаладаги қарашлари мотуридийлар қарашларига ўхшаб кетади. Чунки у ҳам кофирнинг бу дунёда неъматга эга бўлишига ишонади. Унинг эътиқодича кофир мўмин каби бу дунёнинг неъматларидан фойдаланади, аммо охират неъматлари фақатгина мўминларга аталган [3/2:535].

3.3. Тоқатдан ташқари ишга бурчли қилиш. Мотуридийларнинг эътиқодича Аллоҳ бандаларини тоқатидан ташқари ишларни қилишга бурчли қилмайди [15:171]. Ашъарийлар эса Аллоҳнинг қудрати мутлақ бўлиб, у бандаларини кучлари етмайдиган нарсаларга ҳам бурчли қилиши жоиздир, деганлар [4:127; 13:83]. Мустам-

лий Бухорий ҳам, гарчи бандаларга уларнинг тоқатидан ташқари ишларнинг юкланиши мумкинлигини эътироф этса-да, амалда, худди мотуридийлар каби, Аллоҳ уларни фақатгина уларнинг имконияти даражасидаги ишларни бажаришга бурчли қилишига ишонади [3/4:1568].

Мустамлий Бухорийнинг ақидавий масалаларга оид қарашларида мотуридия ва ашъария калом мактаблари таъсири масаласига бағишланган ушбу мақолада қуйидаги асосий хулосаларга келдик:

1. Мустамлий Бухорий каломга оид масалаларга аҳли суннат вал-жамоат ақидаси нуқтаи назаридан ёндашган бўлиб, бунда асосан суннийликда мавжуд бўлган икки калом мактаби – мотуридия ва ашъария таълимотларига таянган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалололий, Лутфуллоҳ. Мотуридия тарихи ва ақидалари. – Кум: Динлар ва мазҳабларни ўрганиш ва тадқиқ этиш маркази, 1386/2007.
2. Шариф, Миён Мухаммад. Ислондаги фалсафа тарихи [Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Насруллоҳ Пуржаводий]. – Техрон: «Университет нашр маркази», 1362/1985.
3. ал-Мустамлий ал-Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Мухаммад. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-гасавуф. 5 рубълик. 1, 2, 3, 4 ва 5-рубълар. Мухаммад Равшан таҳрири остида. Техрон: «Асотир». 1363–1366/1984–1987. – 2332 б.
4. Абу Азаба, Ҳасан ибн Абдулмуҳсин. Ар-Равзат ал-бахийя фи ма байн ал-ашоира ва-л-мотуридия [Али Фарид Даҳруж тадқиқи ва таҳрири остида]. – Байрут: «Дор ус-сабил ар-рашод», 1416/1996.
5. Ашъарий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-диёна [Башир Мухаммад Уюн таҳрири остида]. – Дамашк-Байрут: «Дор ул-баён», 1420/1999.
6. Ашъарий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Мақолот ул-исломийин ва ихтилоф ал-мусаллин [Хелмут Риттер таҳрири остида]. – Байрут: «Франц Штайнер», 1400/1980.
7. Ашъарий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Лумаъ фир-радд ала аҳл аз-зийғ ва-л-бидаъ [Ҳамуда Ғароба таҳрири остида]. – Қоҳира: «Ал-Мактаба ал-азхария лит-турос», 1993.
8. Ал-Баёзий ал-Ҳанафий, Камолиддин Аҳмад. Ишорот ул-маром мин иборот ал-имом Аби Ҳанифа ан-Нуъмон фи усул ад-дин [Юсуф

2. Мустамлий Бухорий мотуридия ва ашъария калом мактаблари қарашларида ихтилофли бўлган масалалардан тўрттасида (иш-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон эканлигини аниқлаш; Аллоҳ томонидан ёмон ишнинг содир бўлиш-бўлмалиги; тоат қилувчини азоблаш ва осийни мукофотлаш; бахтиёрлик ва бахтиқаролик) ашъарийларга, ўн биттасида (имоннинг таърифи; имоннинг кўпайиши ва камайиши; имонда истисно; имонда тақлид; имон ва ислом; таквин (бўлдириш); Аллоҳга нисбат берилган сифатлар; эшитиш ва кўриш; жабр ва ихтиёр; Аллоҳнинг кофирга неъмат бериши; тоқатдан ташқари ишга бурчли қилиш) мотуридийларга эргашганлиги унинг каломга оид қарашларида ашъария таълимотидан кўра мотуридия таълимоти таъсири кўпроқ бўлганлигини кўрсатади.

Абдураззоқ таҳрири остида]. – Миср: «Ширкат ул-Мустафо ал-боний», 1368/1989.

9. Ат-Ғафтазоний, Саъиддин. Шарҳ ул-мақосид фи илм ал-калом [Абдурахмон Умайра таҳрири остида]. – Байрут: «Олам ул-кутуб», 1409/1989.

10. Ат-Ғафтазоний, Саъиддин. Шарҳ ул-ақоид ан-насафия [Аҳмад Ҳижозий ас-Саққо таҳрири остида]. – Қоҳира: «Мактабат ул-қуллиёт ал-азхария», 1408/1988.

11. Ал-Жувайний, Абдулмалик ибн Абдуллоҳ. Ал-Иршод ила қавотиғ ал-адилла фи усул ал-ийтиқод [Закариё Амирот таҳрири остида]. – Байрут: «Дор ул-кутуб ал-илмия», 1416/1995.

12. Шайхзода, Абдурахим ибн Али. Мотуридийлар ва ашъарийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар баёнига бағишланган «Ягоналар тизими ва фойдалар мажмуаси» асари. – Миср: «Матбаа ал-адабия», 1317/1899.

13. Субхий, Аҳмад Маҳмуд. Калом илми ҳақида. 2-жилд. – Байрут: «Дор ун-нахзат ал-арабия», 1405/1985.]

14. Мотуридий, Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад. Ат-Тавҳид [Абдулгани Ноблусий таҳрири остида]. – Байрут: «Дор ул-кутуб ал-илмия», 1427/2006.

15. Мотуридий, Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад. Таъвилот аҳл ас-сунна [Маждий Бослум таҳрири остида]. – Байрут: «Дор ул-кутуб ал-илмия», 1426/2005.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – МАЪРИФАТПАРВАР АЛЛОМА

Нигора АБДУЛЛАЖОНОВА
Наманган муҳандислик қурилиш
институтини ўқитувчиси

Мақолада Абу Райҳон Берунийнинг фаолияти жаҳолатга қарши маърифат нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Муаллиф алломанинг асарларига таяниб жаҳолатга қарши маърифат тамойили чуқур тарихий илдизларга эга эканлигини асослаб берган.

Таянч сўзлар: билим, маърифат, жаҳолат, ғоя, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, миллий ғоя.

Жаҳон тарихи ғоялар тарихидир. Унда турли хил ғоялар кураши, бирлашуви, ажралиши, янгиланиши жараёнларини кузатиш мумкин. Ҳозирга қадар яшаб, жамият ривожланишига ҳисса қўшаётган ғоялар умуминсоний даражага кўтарилганлигининг сабаби ҳам уларнинг кўпчиликнинг эҳтиёжларидан келиб чиққанлигидадир. Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бўлган юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон кабилар асрлар давомида барча алломалар фаолиятида тараққийпарвар мавқега эга бўлиб келган. Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириши концепцияси лойиҳасини ҳам ушбу анъананинг давоми дейиш мумкин. Мазкур концепциянинг бош ғояси “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш

This paper is about frame of reference of principle enlightenment against barbarism exemplary in activity of Abu Raykhan Beruni. The author established a claim to works of Beruni that principle enlightenment against barbarism had deep historical roots.

В статье просматривается деятельность Абу Райхана Беруни с точки зрения принципа просвещения против невежества. Автор ссылается на его произведения обосновывает, что принцип просвещения против невежества имеет глубокий исторический корень.

сари”бош мақсад сифатида илгари сурилайётган бўлса, миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчаларидан бири сифатида жаҳолатга қарши маърифат ғояси ҳам эътироф этилган. Жаҳолат диний ёки дунёвий шаклда намоён бўлиши мумкин, унинг кўринишларига қарши маърифат асосида кураш олиб бориш тарихий тафаккур, илмий билимлар, юксак одоб-ахлоқни тақозо қилади. Ушбу мақолада тарихда яшаб ўтган буюк аждодларимиз мисолида ушбу тамойилнинг тарихий илдизларига назар ташлаймиз.

943-1048 йилларда яшаб ижод қилган Абу Райҳон Беруний ўзидан 150 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Унинг ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш асносида шарқшуносликда берунийшунослик деб аталган алоҳида соҳа вужудга келди. Берунийнинг илмий мероси кенг қамровли бўлгани сабабли уни ўрганилиши ҳам жаҳон

миқёсига чиқди. Унинг ҳаёт йўлини тадқиқ этишда ўзи ёзган асарлар бирламчи манба вазифасини бажаради.

Абу Райҳон Беруний ёшлигиданоқ илмга чанқоқ бўлганлигини ўз асарларида ёзиб қолдирган. Шу сабабдан бўлса керак 16 ёшидаёқ мустақил астрономик тадқиқотлар олиб борган[4: 28]. Ўзининг илмий тадқиқот методи тўғрисида эса шундай ёзган эди: “Мендан сўралган саволларга олиб келадиган сабабларнинг яқинроғи ўтмиш миллатларининг ва илгари даврларнинг воқеаларини билмоқдир. Чунки хабарларнинг аксари ўтмиш миллатларнинг аҳволлари, расм ва шариатларининг баёнидан иборат бўлиб, уни билмак ақлий нарсага суяниш, сезиладиган нарсаларга солиштириш билангина бўлмай, балки китоб аҳллари ва турли раъй эгаларига асосланишни талаб қилади. Тарих исботида уларнинг сўз ва раъйларини бир-бирига солиштириш керак бўлади. Лекин бундан аввал нафсни кўпчилик мубғало бўлган ўйин-кулгудан, таассуб ғалваларидан, кайф, ҳаво ва ғурурга берилиш ва шунга ўхшаш ёмон хулқлардан тозаламоқ лозимдир[2: 40]”. Ушбу фикрлардан кўринадики, илм билан шуғулланиш, аввало, инсоннинг ўзидаги жохилликдан қутулишни, ўзидаги салбий феъл – атвордан халос бўлишни талаб қилади, яъни жохилликдан қутулишни ўзингдан бошла, деган маънода.

Берунийнинг бундан кейинги ҳаёт йўли ҳам биз фикр юритаётган мавзуга доир мисолларга тўла. Жумладан, аллома яшаган даврда мунажжимлик – астрологияга ишониш кучли бўлган. Саройда мунажжимларнинг мавқеи кучли бўлиб, Берунийнинг ўзи ҳам астрономия билан бирга астрология билан ҳам шуғулланган. Аммо бу зарурат юзасидан бўлиб, алломанинг ўзи Ердаги ҳодисаларни кўриш чиқиш ва ботишига қараб аниқлаб бўлмаслиги, чунки юлдузлар доим чиқиб ва ботиб туришини таъкидлайди. Масалан, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида аллома Рай шахрида яшаган пайтида бир мунажжим билан боғлиқ баҳси ҳақида ёзиб қолдирган. Бу одам Ой манзилларига қарашли юлдузларнинг Ой билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, манзилларнинг риботлари ва жафрларидан турли ҳукмлар чиқарар ва бўшлиқдаги ҳодисаларни олдиндан билишни истаган, Беруний мунажжимни бундай сохта йўлдан қайтармоқчи ҳамда тўғри йўлдан солмоқчи бўлганини, лекин у ўзининг нотўғри фикрларини рўқач қилиб туриб олганини ёзиб қолдирган[2: 17]. Шунга қарамай, аллома ўз асарларида ғайриилмийликка қарши туриб, уларнинг мазмунига сингдириб борган.

1017 йилда Хоразм ғазнавийлар давлатига қўшиб олинган, Берунийнинг ҳаётида ҳам таҳликали давр бошланган. Мухолиф кучлар вакили сифатида аллома Маҳмуд Ғазнавий томонидан Ғазнага олиб кетилади, ўзаро муносабатларда жиддий ҳавф туғилади. Аммо кейинчалик султонга яқин кишилар воситачилигида Беруний билан султон ўртасидаги низолар кўтарилиб, олим учун яна осойишта ҳаёт кечириш имкони туғилган[5: 38].

1017-1048 йилларни ўз ичига олган Ғазна даври Абу Райҳон Беруний учун ижод борасида сермахсул, бироқ кўплаб зиддиятларга ҳам бой бўлган. 13 йил давомида Маҳмуд Ғазнавий қўли остида яшаган алломанинг ҳукмдор билан муносабатлари ҳақида қисман маълумотлар сақланиб қолган. Берунийнинг ўзининг “Минералогия” асарида ёзишича, султон уни баъзан ҳақоратлар, кўпол муносабатда бўларкан[1: 29]. Лекин Маҳмуд Ғазнавий олим билан фикр алмашган ва хулосаларига қўшилган пайтлар ҳам бўлган экан.

Аллома ва ҳукмдор орасидаги муносабат ҳақида бир ривоят сақланиб қолган. Айтишларича, Султон Маҳмуд тўрт эшикли саройга кирибди ва Берунийга қуйидагича топшириқ берибди: “Ҳозир мен қайси эшикдан чиқиб кетаман, жавобингизни қоғозга ёзиб беринг”. Олим жавобни ёзиб қоғозни тўрт буклаб султоннинг қўлига тутқазибди. Ҳукмдор мулозимларига буюриб янги эшик очишни буюриб ўша эшикдан чиқибди, саройдан ташқарида эса қоғозни ўқибди. Унда шундай ёзилган экан: “Сиз тўрт эшикнинг ҳеч биридан чиқмайсиз, янги бешинчи эшикдан ташқарига чиқасиз”.

Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари уни ҳиндшунослик фанининг асосчисига айлантирди. Шунингдек, тадқиқотчилар алломанинг мазкур асари толерантликнинг ажойиб намунаси эканлигини ҳам эътироф этадилар. Айнан шу асарда қуйидаги фикрларни учратамиз: “Аҳмоқлик давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўзларидагидан бошқа илм йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар. Ўрганган нарсаларига бахиллик қилиб, ўз жинсларидан бўлса ҳам, ноаҳл кишига ўргатмайдилар. Шундай бўлгандан кейин бошқаларга қандай ўргатсинлар! Чунки улар мамлакатларидан бошқа мамлакат борлигига, у мамлакатда ҳам халқнинг яшашлигига ва ўзларидан бошқа халқларда ҳам илм борлигига ишонмайдилар. Ҳатто уларга Хуросон ва Форсдаги бирон илм ёки олим ҳақида сўзланса, сўзловчини жохилга чиқариб, аҳмоқлик касаллиги сабабли унга ҳам ишонмайдилар. Агар улар сафарга чиқиб, бошқаларга аралашсалар, ўз фикрларидан қайтар эдилар. Ҳолбуки бурунги хиндлар бу даражада хабарсиз эмас эдилар” [3: 35]. Гарчи бу ерда гап хиндлар ҳақида бўлса-да, умумий маънода жохилликнинг белгилари баён қилинган деб айтиш мумкин. Ўз ўрнида Беруний фикрларини давом эттириб, мазкур ҳолатда қандай йўл тутганлигини ҳам ёзиб қолдирган, яъни “Мен хиндларнинг астрономлари қошида устоз олдида турган шогирддек эдим, чунки улардаги нарсаларга ошно эмас эдим ва вазият аҳволларини билмас эди. Улар билан танишишга бироз йўл топилгач, улар фанидаги қоқоқликни ва бунинг учун брахманларникидан баъзи далилларни келтирадиган ва ҳисоблардаги тўғри усулларни кўрсатадиган бўлдим. Шунда улар менга хайрон қолиб ажабланир ва мендан фойдаланишга интилар эдилар, улар қайси хинд олимлари билан учрашганимни, ҳатто бу илмларни уларнинг қайси бирисидан ўрганганимни сўраб эдилар. Мен эса уларга ўз даражаларимни кўрсатар ва улардан жуда устун келар эдим. Ҳатто мени сеҳргар деб, улуг кишилари олдида эса илм денгизи ёки сув деб мақтар эдилар. Бу ҳол эса “сув ачиб бузилса, уни тузатиш учун сирка зарур ва азиз бўлади”, дейилган мақолни эсга келтиради”[3: 36]. Демак, Абу Райҳон Беруний ўз фаолияти мисолида илм ўрганиш ва уни келажак авлодга етказиш учун нечоғли сабр, жасорат ва қунт зарурлигини ёзиб қолдирган.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ишлаб чиқиётган миллий ғояни ривожлантиришнинг янги концепциясида ҳам миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари қаторида жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг белгиланиши ҳам тарихийлик ва вориийликнинг амал қиладиганлигидан дарак бериб турибди. Аждодларимиз қолдирган илмий-маданий меросни ўрганиш миллий тараққиёт йўлимизни янада ойдинлаштиришга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аль-Бируни Абу-Рейхан Мухаммед ибн Ахмед. Собрание сведений для познания драгоценностей /Минералогия/. –Т.: Издательство АН УзССР, 1963.
2. Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Фан, 1968.
3. Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. Т.2. Ҳиндистон. –Т.: Фан, 1965.
4. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. (Великому хорезмскому ученому в связи тысячелетием со дня рождения. 4 сентябрь 973-4сентябрь 1973). –Т.: Фан, 1972.
5. Семенов А.А. Бируни – выдающийся ученый средневековья. В сб.: Бируни – великий ученый средневековья. –Т., 1950.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМИЙ БИЛИШ ТАЪЛИМОТИ

Мансур БҶРИЕВ
Тошкент кимё-технология
институтини ўқитувчиси

Ушбу мақолада Беруний ва Ибн Сино асарларида ақлий тарбияни амалга ошириш, баркамол кишиларни тарбиялаш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: Веда, Ригведа, назарий ва амалий гуруҳлар, инсон тарбияси, маърифатли киши, мезон, жамият.

Буюк олим ва шарқ мутафаккири Беруний ўз қарашларида инсон ва унинг онгига таъриф берар экан. Инсонни табиатнинг энг олий камолоти деб қарар экан, унинг ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун ақл-заковат ато этилган, шунга қўра ҳар бир инсон юксак ахлоқли, билим-маърифатли бўлиши лозим, дейди. Бу фикрларни ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-Сайдона” ва бошқа асарларида инсон камолоти ҳақидаги ўз қарашларини баён этган.

Ақлий тарбия кишининг тафаккурини ривожлантириб, дунёқарашини кенгайтириб боради, унинг ўзини ўзи англаб етишига таъсир этади.

Абу Райхон Берунийнинг ақлий тарбия ҳақидаги қарашлари унинг илм олиш, ақлий билиш жараёнини, билишдаги узвийлик, таълим усуллари ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топган.

Унинг қиёсий тарбияга оид фикрлари ҳам жаҳон фанида биринчи айтилган фикрлардан саналади. Асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрлари бунинг далилидир.

Берунийнинг фикрича, шахснинг камолга етиши тажрибага таянувчи ақл-идрокнинг амал қилишидан бошланади. Бинобарин, инсон ташқи дунёни билишга қобил, ана шу асосда у билимлар олади, билимлар эса унинг фикрини ҳақиқат билан бир нарса қилиб қўяди, ҳақиқат эса “тўғри қалб”ни, яъни тўғри ҳис-туйғуларни тақозо этади. Инсон шахси шу тариқа камол топиб боради.

Беруний ўзидан олдин ўтган олимларнинг билиш ҳақидаги таълимотларини ривожлантириб, ўзи ҳам уни янгиликлар билан бойитади.

У инсон фикрлашда мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, ҳукм чиқариш қобилятига эга экани, илмий ҳақиқатни аниқлашда кузатиш ва тажрибага асосланиши кераклигига катта эътибор беради. Бундай ҳолат дунёни илмий билишга тўсиқлик қилувчи нотўғри фикрлардан сақлайди, дейди олим.

Олим илмий билишнинг илк босқичи сифатида кузатишни қўйиб, уни тажрибалар асосида ривожлантиришни илмий ҳақиқатни билишга асос қилиб олади. Буни биз Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг сўз бошида айтганларидан ҳам билсак бўлади:

“Асарни ёзишга (кириш) бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими – қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русм

In this article, Beruni and Ibn Sina discuss the issues of intellectual education and the training of mature people.

В этой статье Беруни и Ибн Сина обсуждают вопросы интеллектуального образования и обучения зрелых людей.

ва қоидалардан иборатдир. Ақлий (нарсалардан) далил келтириш, кузатилган (нарсаларга) қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат “китоб ахллари” ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади.

Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзини тозалайдиган кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир” [1: 968].

Бу фикрлардан олимнинг тадқиқот ишлари олиб бориш йўли ва усулларида далиллар, кузатишлар, қиёслаш билан чегараланиб қолмай, ёлғон маълумотлардан тозалашдан кейингина солиштириш йўли билан ҳақиқатни билиш мумкинлигини таъкидлаган.

Абу Райхон Беруний фан соҳасидаги ёдгорликларни кунт билан ўрганишга даъват этади. Бу Берунийнинг илмий билимларга оид қолдирилган барча бойликларни ўрганишга даъват этганлигида ҳам намоён бўлади. Олим илм олишга янги кираётганларга қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шухратдан сақланиш зарурлигини уқтирган.

Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўзига хос таълим усуллари, йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга, ҳар бир халқнинг ҳам ўқитиш тизими алифбедан бошланишини уқтиради. Грамматика, математика каби фанларни ўқитишга оид қимматли фикрларни баён этади.

Беруний тил ва адабиёт, тарих, жўрофия, геодезия, геология, минфалогия фанлари; тиббиёт ва доришунослик, физика, фалакиёт илмига оид тадқиқотларини ўзи тарғиб этган назария ҳамда кузатишлар натижасида амалиётда синаб кўриб, фанда фақат ҳақиқатни илгари суради.

Абу Райхон Беруний “Ҳиндистон” асарида ҳиндларнинг “Веда”ларини ўқиш усуллари ҳақида шундай ёзади:

“Ригведа” (“Веда”нинг бир бўлими) уч турли ўқиш билан ўқилади. Уларнинг бири, ҳамма ўқиладиган жойларни одатдагидек баббаравар ўқиш, иккинчиси, ҳар бир калимадан кейин тўхтаб-тўхтаб (уларни бир-бирдан ажратиб) ўқиш; учинчиси, ўқиш турларининг афзали бўлиб,

бунга савоблар ваъда қилинган. Бу хил ўқишда веданинг кичик бир бўлаги маълум калималар билан ўқий бошланади. Кейин у калималар қайтарилиб, ўқилмаган қисмининг бир ўзи уларга қўшиб қўйилади. Сўнгра бу қўшилган қисмининг ёлғиз ўзи қайтарилиб, унга бошқа бир бўлаги қўшиб ўқилади. Шу тартибда ўқиш давом этиб, охирида ўқилиб ўтилганларнинг ҳаммаси қайтарилади”[2: 118].

Ўқиш методикаси бизда аруз вазнида ёзилган асарларни ўқишда ҳам татбиқ этилиши мумкин. “Веда”ларнинг бошқа қисмларини ҳам ўқиш методикаси ўша давр Шарқ мамлакатларида ўқиш методлари билан таништирилишининг ўзи ҳозирги замон таълим жараёнини ташкил этишда, таълим методларини такомиллаштиришда энг қулай ва аҳамиятлиларидан фойдаланиш имкониятларини ўйлаб кўришга ёрдам беради. У барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизлик деб тушунтиради. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш муҳитини алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий ишларни покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради. Жамиятнинг равнақи маърифатнинг ривожланишига боғлиқ деган ғояни илгари суради.

Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижгимоий-фалсафий қарашлари билан боғлаган ҳолда ифодалаган ёки махсус рисолаларда талқин этган.

Ибн Сино таълимотида кўра, инсон тарбиясида ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбияни қўшиб олиб бориш таъкидланади.

Ибн Сино инсон фаолиятини ўзи яшаётган жамият билан мустақкам алоқада амалга оширади, деб тушунтиради. Ҳар бир инсон аввало, шу жамиятнинг илғор кишиси бўлиши учун билим олиш зарур, деб билади. Бунда Ибн Сино ўзидан аввал ўтган ёки замондошлари бўлган Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва бошқаларнинг илм-фан, ақлий тарбия ҳақидаги қарашларини бойитади. У аввало, ақлий тарбия илм-фанни эгаллаш воситасида амалга ошиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Олим ҳам бошқа мутафаккирлар каби фанларни тасниф этади. У биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга, яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақида билимларни эгаллашидан иборат бўлади, амалий қисмида эса бизни бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади, дейди.

У биринчи гуруҳга ахлоқ, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метофизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу Али Ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган фанни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб, авлодларга етказиш керак. Бу йўлда инсон мақсадга етиши учун қийинчиликларни енгиши зарур, дейди: “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир”[3: 15].

Зеро, маърифатли киши жасур, билимдон ҳам қўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб. Билимсиз киши жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклигини, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмас-

лиги, инсон ўз билимининг ҳақиқатлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини қайд этади.

Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибага таяниш керак, деган ғоя этади.

Фарзанд олти ёшга етгач, уни мураббий ва муаллим ихтиёрига берилади, таълим-тарбия аста-секинлик билан олиб борилади. Болани бирданига китобга боғлаб қўймастик лозим, деб уқиради. Ибн Сино фикрига кўра, кузатиш, тажриба, эксперимент, амалиёт билимларни эгаллаш ва билиш методлари сифатида инсонга табиат қонунларини ёрита бориш билан бирга, унинг камолга етишига ҳам имкон беради. Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги тамойилларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймастик;

- таълимда энгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;

- олиб бориладиган машғулотлар болалар ёшига мос бўлиши;

- ўқитишда жамоа бўлиб (мактабда) ўқитишга эътибор бериш;

- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Бу китоблар ҳозирги даврда ҳам таълим тамойилларига мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг “Тадбири манзил” асарида таълим-тарбияга оид махсус бўлим бағишлайди. “Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш” (“Омўзиш ва парвариш мадрасаи фарзанд») бўлимида таълим ва тарбия жараёнини очиб беради. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни энгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустақкам билим олишга ёрдам беради.

Талабага билим беришда ўқитувчининг вазифаси мураккабдир. Шунга кўра Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритадиган экан, унинг моделини (андозасини) чизиб беради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиши;

- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиши;

- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилият, индивидуал хусусиятларини билиши;

- фанга қизиқтира олиши;

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;

- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши зарур, дейди олим[4: 14-15].

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойдаланилмасин, у оғзаки ифодами, билимларни тушунтириши, турли кўринишлардаги суҳбатми, тажрибалими, барибир, олимнинг талабани ҳақиқий билим билан қуролантириш, мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтиришдан иборат бўлган.

Бу жиҳатдан олимнинг “Ҳай ибн Яқзон” асари кишиларнинг дид-фаросатини ўстириш, фикр доирасини кен-

гайтариши билан таълим-тарбияда ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг номи ҳам шунга ишора қилади: “Ҳай ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли тирик»). Бу асар фаросат илми ҳақида эканлигини Ибн Синонинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Мазкур асарни Ибн Сино 1023 йилда Ҳамадонга яқин бўлган Фараджон қалъасидаги қамоқхонада ёзган дейишади[5: 160].

Тадқиқотчилар қиссининг бош қаҳрамони Ибн Синонинг ўзи деб тахмин қилишади. Унинг суҳбатдоши эса, Уйғоқ ўғли Тирик – Ақл. Ибн Сино тутқунликда ўзи билан ўзи мулоҳаза юритади, холос. Бундай ҳолатда унга фақат илм, ақл ҳамроҳ, суҳбатдош.

Ибн Сино ақли мушкулотларни очиб берувчи, офат ва ёмонликлардан қутқарувчи сифатида талқин этади. Чунки файласуфлар ақлни нур, зиё, ҳатто тангри даражасида қараганлар, инсон ақли ана шу ақлдан нур олиб жилоланади, деган ғояни илгари сурганлар. Асарда Ибн Сино киши танидаги қувватларни “ошнолар” тарзида олади.

Булар яхши ва ёмон “ошнолар”га бўлиниб, Ибн Сино ана шу “ёмон ошнолар” – очкўзлик, зулм, ўғрилиқ, ёлғончилик каби хусусиятлар бўлиб, булар инсон табиатидаги қобилиятларнинг маромида ишлашига йўл қўймайди; бузуқ хаёлларнинг ғолиб бўлишига олиб келади. Ҳаётда инсон ана шу душманларга қарши курашиши керак, дейди олим. Шунинг учун инсон доимо ақл билан иш тутиб, у “ёмон ошнолардан” устун келиши керак. Сени танбал ошнанг танбалликка, ялқовликка судрайди, ёлғончи ошнанг ҳақ нарсаларни ялантириб кўрсатишга ундайди, сенга кўз бўямачи ролини ўйнашга хизмат қилади. Ибн Сино бундай “ошнолар”ни кишининг кўз ўнгида гавдалантириб, улардан узоқлашишга, ҳалол, покиза бўлишга ундайди ва кишиларни софдилликка, ҳақиқий инсоний ҳислатларни эгаллашга қақиради.

Ибн Сино бу асарида илм-маърифатни ўрганишга киришиши туфайли кўзи очилгани, унинг натижасида Ақл (Ҳай ибн Яқзон) ўз жамолини намоён қилганини

ҳикоя қилар экан, илм-ақлни ўлим билмайдиган – Уйғоқ, қаримайдиган – ёш, бели букилмайдиган барваста, нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур қилиб зарур бўлган ва билиш мумкин бўлган нарсаларни ўқишга киришгани, бу йўлда ақлни ишга солиб, ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларни билиб олганлигини қайд этади[5: 14].

Демак, “Ҳай ибн Яқзон” мантиқ илмига бағишланганлиги билан ҳам ақлий тарбияда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, инсондаги ёмон иллатларни ҳам бартараф этишда илму фан, зиёнинг аҳамияти, инсондаги ақл, тафаккур қувватининг ёмон ҳислатларидан қутилиш, ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан адабий, фалсафий асаргина бўлиб қолмай, таълим-тарбияга оид асар сифатида ҳам қимматлидир.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, – “Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз”.

Ёш авлоднинг келажаги ва бахти, ҳар бир инсон юксак ахлоқли, билим-маърифатли бўлиши, алломаларнинг асарларида акс этилган тарбиявий-ахлоқий жабҳаларни юксалтириш, ақлий тарбия, бу илм олиш, ақлий билиш жараёнини, билишдаги узвийликни ҳамда таълим усуллари йўлга қўйиш, тартибга боғлиқдир.

Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деб таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беруний Абу Райхон. Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. –Т.: Фан.
2. Беруний Абу Райхон. Ҳиндистон. Танланган асарлар. 2-том. –Т.: Фан, 1965.
3. Абу Али Ибн Сино. Фалсафий қиссалар (Нашр.тайёр. Ирисов А). –Т.: 1963.
4. Раҳимов С.Р. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1967.
5. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий фаолияти. –Т.: Фан, 1980.

ALISHER NAVOIYNING TASAVVUFİY ASARLARI

Anorgul GULOVA
BuxDU o'qituvchisi

Maqolada Alisher Navoiyning diniy va tasavvufiy asarlari, ularning manbalari hamda mazkur asarlarning inson ma'naviyatini shakllantirishdagi ahamiyati tahlil etilgan.

Tayanch so'zlar: dinning nizomi, tasavvuf, imon, tariqat, shariat, ma'rifat, haqiqat, axloq.

The article analyzes the life and work of Alisher Navai, the social and spiritual environment that influenced his word outlook, and his features.

В статье анализируются религиозные и суфийские произведения Алишера Навои, а также роль этих произведений в формировании духовности человека.

Davlatshoh Samarqandiy Alisher Navoiyga “Mir Nizomiddin”, ya’ni “dinning nizomi – qonuni” deb bejiz ta’rif bermagan. Mutafakkirning deyarli barcha asarlarida, xususan, “Xamsa” dostonlarining muqaddimalarida Allohga hamd, Payg’ambarga na’t, munojot va Rasululloh (s.a.v.) madhining mavjudligiyoq bu fikrni to’liq isbotlaydi. Quyida ko’rib chiqiladigan “Arba’in” (“Qirq hadis”), “Vaqfiya”, “Nazmul-javohir”, “Siroju-l-muslimin” (“Musulmonlar nuri”), “Munajat”, “Risolayi tiyr andoxtan”, “Nasoyimul-muhabbat” kabi asarlarda Alisher Navoiy shariat va tasavvuf ilmining chuqur bilimdoni, nazariyotchisi ekanligiga yana bir bor amin

bo’lamiz.

Hadislarning she’riy tarjimasi bo’lgan “Arba’in” (“Qirq hadis”) asarining umumiy hajmi 108 baytdir. Hazrat Navoiy ustoz Abdurahmon Jomiy sahih hadislardan 40 tasini tanlab olib, forsiy tilda “Arba’in” yaratganini, lekin turkiy kitobxon bu chashmadan bebahra ekanligini ta’kidlab, ustozining ruxsati bilan shu 40 hadisni turkiy tilga tarjima qilganligini aytadi.

Navoiy Payg’ambarimiz (s.a.v.)ning hadislarini avval arab tilida beradi va uning tarjimasini nazmda bitadi.

Asarning asosiy qismi “Sizlardan hech biringiz o’ziga ravo ko’rgan narsasini birodariga ravo ko’rmaguncha, chin mo’min

bo'lmaydi" degan mashhur hadisning navoiyona talqini bilan boshlanadi:

Mo'min ermastur, ulki iymondin

Ro'zgorida yuz safo ko'rgay.

Toki qardoshiga ravo ko'rmas –

Har nekim o'ziga ravo ko'rgay.

Xulosa qilib aytganda, "Arba'in" asari insonning ma'naviyatini yuksaltirishga xizmat qiladi. Bu to'g'rida Navoiy asarning xotima qismida o'z fikrini bayon qiladi:

Erur ul arba'inning avvali hol,

Ayla bu "Arba'in" bila a'mol.

1481-82 yillar oralig'ida Alisher Navoiyning "Vaqfiya" asari yaratilgan bo'lib, mazkur asarda Navoiyning davlat arbobi sifatidagi faoliyati, vaqf qildirgan yerlari, qurdirgan binolari haqida ma'lumot beradi*. "Vaqfiya"ning asosiy qismini shartli ravishda ikki qismga bo'lish mumkin:

1. Navoiyning Husayn Boyqaro saroyidagi davlat arbobi sifatidagi faoliyati aks etgan o'rinlar.

2. Alisher Navoiyning xayriya ishlari va vaqf qildirgan mulk, yerlari; vaqfiya joylardagi idora usuli, xizmat uchun belgilangan lavozimlar, tayin etilgan maosh, o'rnatilgan tartib-qoidalar bayoni.

Navoiy qalamiga mansub "Nazmu-l-javohir" asari nasriy usulda yozilgan. U muqaddima va Hazrati Alining ikki yuz ellik besh raqam ostida tartiblangan arab tilidagi o'gitlarining turkiy tilda ruboiy shaklida berilgan talqinidan iborat.

Asar muqaddimasi Allohga hamd, Payg'ambarga na't bilan boshlanib, unda so'z va uning qudrati, inson yaratilishi bilan bog'liq diniy-tasavvufiy qarashlar bayoni keltiriladi. Shuningdek, shoir "Nazmu-l-javohir"ning yozilishi bilan bog'liq ma'lumotlarga to'xtaladi. Har bir fikr sura va hadislardan parchalar keltirib isbotlab boriladi, ularning ta'sirchanligini oshirish uchun to'rt misrasi ham qofiyadosh – taronayi ruboiylardan foydalaniladi.

Hazrat Alining o'gitlari "Nasru-l-laoliy" ("Sochma durlar") deb atalgan bo'lsa, bu tarjima "Nazmu-l-javohir" ("Nazm javohirlari") deb nomlangani aytiladi, bu sochma durlarni bir rishtaga – ipga javohir singari tizilganiga ham ishoradi.

"Nazmu-l-javohir"dagi ruboiylar mavzu jihatdan rang-barangdir. Ularda biz hayotning mohiyati, do'stlik va sevgining ulug'vorligi, insoniylikning qadr-qimmatini to'g'risidagi nodir fikrlardan bahramand bo'lamiz. Masalan, 100-ruboiyga hazrat Alining "Do'stlarni ziyorat qilish muhabbatni oshiradi" degan o'gitlari asos qilib olingan:

Har kimki habibing o'lsa evrul boshig'a,

Mahv o'l yuzig'a, jonni fido qil qoshig'a,

Tosh ursa, ravoningni tufayl et boshig'a,

Tajdidi muhabbat angla bormoq qoshig'a.

Ko'rib turganimizdek, Navoiy hazrati Alining fikrini talqin qilish barobarida bu fikrni to'ldirib, ta'sir quvvatini oshiruvchi yondashuvni beryapti: "Kim do'sting bo'lsa, uning boshiga aylan, ya'ni har bir xayolu o'yidan xabardor bo'l, diydori uchun, qoshiga borish uchun jon fido qil. Agar tosh ursa ham unga o'zingni bag'ishla, uning qoshiga borish muhabbatni ziyoda qilishini angla!"

Alisher Navoiyning "Siroju-l-muslimin" ("Musulmonlar nuri") asari sof diniy yo'nalishda bo'lib, islom dini ahkomlarini yoritishga bag'ishlangan. Asar masnaviy shaklida yozilgan bo'lib, hajman 197 baytdan iborat. "Siroju-l-muslimin" hamd va na't, kitob yozilishining sababi, islomga oid fihiy va aqidaviy masalalar sharhi va xotimani o'z ichiga oladi.

Hazrat Navoiy, avvalo, Allohga hamd va Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ga salovot va salomlarini yo'llagach, mazkur kitob nazmining sababi bayoniga o'tadi. Dastavval sulton Husayn Boyqaroga cheksiz hurmatini izhor etib, bir

voqeani bayon qiladi. Unga ko'ra, shoh majlislaridan birida bir nuqtadon inson Husayn Boyqaroga: "Navoiyning she'rlari juda ajoyib, undan bahramand bo'lgan odam yana bahra olmoqni xohlaydi, lekin bundan ne foyda bor?" – degan ma'noda fikr bildiradi. Aslida shoir ko'pdan buyon fiqh va aqidaga doir asar yozishni niyat qilib yurardiyu, azbaroyi yumush ko'pligidan bunga fursat topolmayotgan edi. Samarqanddan bir ulug' insonning Hirotda tashrif buyurib, piri murshid Xoja Ahror Valiyning shoirdan diniy masalalar sharhini yorituvchi kitob yozishni so'raganini aytganidan so'ng Alisher Navoiy katta ishtiyoq bilan ishga kirishadi:

...Chu so'rdi Iso anfosu bu damni,

Ham ul dam azmig'a yo'ndum qalamni...

Alisher Navoiy "Kitob nazmining sababi" qismida avval aqida sharhini, so'ng farz, vojib, sunnatni bayon etishini, bundan ahli islomga foyda bo'lishini aytadi:

...Ham etkaymen burun sharhi aqoyid,

Ki, islom ahlig'a bergay favoyid.

Yana ham farz, ham vojib, sunan ham,

Neki oriz bo'lur yaxshi, yomon ham...

Asarning asosiy qismida Alisher Navoiy o'zi aytganidek, dastavval aqid hamda shariat hukmlari sharhiga to'xtaladi. Bunda shoir islom ahkomi ikki qism: aqida va amal (shariat) dan iborat deb yozar ekan, aqida pok bo'lmasa, amalning ahamiyati yuqori bo'lmasligini ta'kidlaydi.

"Munojot" – Allohga iltijo tarzida yaratilgan nasriy asar bo'lib, "Hamd", "Na't" va "Munojot" deb atalgan uch qismni o'z ichiga oladi. "Hamd"da Allohning buyukligi, abadiyligi haqida so'z borsa, "Na't"da Payg'ambarimiz rasuli akram ta'riflari keltiriladi. Asarning "Munojot" qismi bevosita shoirning Allohdan najot so'rab qilgan iltijolariga bag'ishlangan. Asarning har bir jumlasini Allohga murojaat, ya'ni "ilohi" so'zi bilan boshlanadi.

Mutafakkir nazmiy va nasriy asarlaridagi murojaatlarida, ayniqsa, "Munojot" asarida Allohning komil sifatlarini ta'riflash barobarida o'zining o'zligini, unga bo'lgan ehtiyojlarini izhor etadi. Sharq she'riyatida aynan mana shu "o'zlik izhori" an'anaviy bayon usullaridan bo'lib, komil insonga xos bo'lmish fazilatlaridan hisoblangan. Ijodkor o'zini behad gunohkor, yaratganni pok va akram (karamli), o'zini cheksiz isyonkor va Xoliqni rahmli va mehribon deb atar ekan, ichki qofiya, tazod, ishtiyoq san'atlarining betakror namunolari shoir histuyg'ulari bilan uyg'unlik kasb etganligiga guvoh bo'lamiz:

Ilohi, akram ul-akramin – sen va men – gunohkor.

Ilohi, arham ar-rohimin – sen va men tiyra ro'zgor.

Ilohi, agarchi jurmu isyondin o'zga ishim yo'q,

ammo sendin o'zga ham kishim yo'q...

Mazkur asar mohiyatan Haq vasliga tashna, oriflik maqomiga erishgan oshiqning hissiyotlarini o'zida aks ettirib, janriy jihatdan nazm va nasr xususiyatlarini namoyon qiladi. "Munojot"ning o'ziga xos musiqiy ohangi, saj' usulidan mahorat bilan foydalanilganligi uning badiiy jihatdan qiymatini oshirgan, deb ta'kidlash mumkin. Asar o'zining g'oyaviy va badiiy xususiyatlari bilan mumtoz adabiyotimizdagi shoh asarlar sifatida o'z o'rniga egadir.

Navoiyning "Risolayi tiyr andoxtan" risolasi tirandozlik – kamondan o'q otish fazilatiga bag'ishlangan bo'lib u har bir fikrning sof diniy dalillar – hadis va rivoyatlar bilan izohlanganligi bilan alohida xarakterlanadi. Asar hajman kichik bo'lib, muallif bunda kamondan o'q uzishning qanchalik savobli amal ekanini asoslashga e'tibor beradi.

Risolada bir nechta hadis va rivoyatlar keltirilgan bo'lib, ular quyidagilardir*:

Hazrat Odam Ato shayton hiylasi bilan jannatdan yerga tushirilgach, Allohning amri bilan dehqonchlik qiladi – bug'doy

* Asar yuzasidan I. Shamsimuxamedov nomzodlik dissertatsiyasini himoya qilgan.

ekadi. Ammo qarg'alar ekilgan bug'doyni kavlab yeb qo'ya boshlagach, Xudoga munojot qiladi. Shunda Xudo kamon va o'q yuboradi. Yoydan o'q otishni farishta Jabroil (alayhissalom) Odam alayhissalomga o'rgatadi. Odam Ato qarg'alarga otgan birinchi o'qi tegmaydi, farishta Jabroil alayhissalom tabassum qiladi, ikkinchi bor otilgan o'q nishonga tegadi, shunda Jabroil alayhissalom o'z tabassumini qo'yidagicha izohlaydi: "Agar ilk o'qing nishonga tekkanida qiyomatgacha hech narsa bolalaring qo'lidan qutulmas edi".

Hazrat Navoiy shundan keyin o'q otishni Xudoning lutfi, Odam Safiy alayhissalomning mo'jizasi deb xulosa qiladi.

Rasululloh sollallohu alayhi vasallam kamonchilikning fazilatini ko'p ta'kidlaydilar. Sahobalar kamondan o'q otishning savobini qancha miqdorda deb so'radilar. Shunda u zot alayhissalom: "Agar kamonchilikning savobini aytсам, xalq tirikchilikni tashlab, kamondan o'q otishga berilib ketadi. Bir soat o'q otishning savobi ellik yillik toat savobi bilan tengdur. Agar kim o'q otsa, Alloh unga jannatiylar savobini beradi, nishonga tegizsa, jannat eshigini ochib, bir hurni unga ataydi".

Ko'rinib turibdiki, Navoiy kamondan o'q otishning qanchalik savobli amallardan ekanligiga asosiy urg'uni beradi. Albatta, bu bekorga emas, chunki o'rta asrlarda yurt himoyasi askarlarning fidoyi va jasurligi hamda bevosita qurollarni, ayniqsa, kamonni mahorat bilan ishlata bilishi bilan ta'minlangan. Mazkur asar Vatan himoyasiga chog'langan yigitlarni o'z ishlarining Tangri va payg'ambar tomonidan sevilgan, ma'qul ko'rilgan amal ekanligiga ishonitirishga xizmat qilgan.

Alisher Navoiy "Nasoyimul-muhabbat min shamoyimul-futuvvat" ("Javonmardlik bog'idan esgan muhabbat nasimlari") asarida X-XI asr allomalari Abdulloh Ansoriyning "Risolai nur", Abul-Hasan Hujviriyning "Kashf ul-mahjub", Abdurahmon Jomiyning "Nafahot ul-uns" ("Do'stlik nafaslari") asarlariga suyangan holda tasavvuf falsafasining nazariy asoslarini aniqlaydi. Asarning boshlanishidayoq Navoiy bu kitobini yozishdan avval, o'zining tariqatdagi piri, ustoz Jomiyni shunday kitob yozishga ruhlantirganini, uni tuzishga yordamlashganini, oradan yigirma yil o'tgach, ustoz Jomiyning fors tilidagi bu asarini turkiy tilga tarjima qilishga

* "Risolai tiyr andoxtan" asari navoiyshunoslikda kam o'rganilganligi uchun risoladagi hikoyatlarni to'liq keltirishga qaror qildik.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston falsafasi tarixi. 2-tom, -T. Mumtoz so'z. 2017.

ХАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ ИЛК ТАБАҚОТ АСАРЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Мадина ЖЎРАЕВА
ЎзХИА 1-босқич таянч
докторанти

Мақолада табақот жанрининг келиб чиқиш тарихи, ханафий мазҳабидаги илк табақот асарлари, ушбу жанрда ёзилган китоблар таснифи келтирилган. Шунингдек, мазкур жанрда ижод қилган олимлар ҳақида маълумот берилган.

Таянч сўзлар: табақот, манокіб, улум ал-ҳадис, табақот ал-ҳанафиййа, фикҳ, муҳаддис.

Табақа сўзи "қават" ёки "қамраб оладиган ёки ўраб оладиган нарса" деган маънони англатади[1: 209]. Ушбу сўзининг "авлод" деган маъноси ҳам мавжуд. Ибн Аббос (р.а.)нинг таъкидлашича, битта табақа йигирма йилни ташкил этади[1: 211]. Бу атаманинг тарихшунослик соҳасидаги қўлланилиши эса олимларнинг тоифаларига ишора қилишдан иборатдир. Яъни муҳаддислар (муҳаддисун), тиловат қилувчилар (курро), шоирлар (шуро), бир мазҳабдаги ҳуқуқшунослар (фуқаҳо) каби тоифаларга ажратиш тушунилади[2: 214-215].

Биографик луғатлар мусулмон уламолари ва ислом тарихи бўйича маълумот берувчи энг бой манбалардан бири

The article describes the history of the genre of tabakat, the first work of "tabakat" in the Hanafi school, the classification of books written in this genre. Also about the scientists who worked in the genre of tabakat.

В статье описывается история жанра табакат, первое произведение табакат в ханафитском мазхабе, классификация книг написанных в этом жанре. Также обученных, работавших в жанре табакат.

ҳисобланади. Ислом тарихининг энг қадимги даврларидан бери ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган уламолар ҳақидаги маълумотларни сақлаш ва уларни келажак авлодга етказиш бўйича тизимли ҳаракатлар йўлга қўйилган. Ханафий уламолари томонидан мазҳаб асосчиси, унинг шоғирдлари ва уларнинг илмий асарлари ҳақидаги маълумотларни сақлашга ҳаракат қилганлари ҳам тарихдан маълум.

Ислом дини пайдо бўлишдан олдинги даврда ҳам араблар насабномалар (ансоб)га, айниқса насл-насабли оилалар (ашраф)га жуда катта эътибор берганлар[3: 49-57]. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин мазкур илмга янги диний тус

берилди. Ислом илмларини келажак авлодга етказиш учун саҳоба, тобейн ва бошқа табақалар ўртасидаги фарқли жиҳатини англаш зарурияти туғилди.

Шу аснода олимлар ва ровийларни таснифлашга катта эътибор қаратилди. Ривоят занжиридаги инсонларнинг забти, тўғри сўзлиги ва тақводорлиги масалаларини тадқиқ қилиш биринчи планга кўтарилди. Бу ислом цивилизациясининг ўзига хос хусусияти ва ютуғидир. Жарҳ ва таъдил илмининг ривожланиши билан ҳадис ривоят қилувчилар занжирининг тўғрилигига катта эътибор қаратилди. Уламолар ишончли ровийларни бошқаларидан ажратиш мақсадида биографик лугатларни тузишни бошлаб юборганлар[4: 53-65].

Илмий меросининг асосий қисми йўқолганлиги, ханузгача таҳлил этилмаганлиги табақот жанридаги адабиётлар билан иш олиб борувчи ҳар қандай тадқиқотчини ёдида туриши керак бўлган биринчи масала ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу турдаги адабиётга тегишли ҳар қандай фикр фанга маълум ва нашр этилган асарларга асосланиши лозим. Аммо баъзи биографик маълумотномаларда йўқолган ёки ҳали топилмаган ёки таҳрир қилинган китоблар тўғрисида маълумотлар ҳам бор. Шу сабаб, ҳанафий биографик лугатларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги мавжуд маълумотлар бироз бир-бирига зиддир.

Ҳожи Халифа ўзининг “Кашф аз-зунун”[5: 1097] асарида “бу жанрдаги дастлабки манба сифатида шайх Абдулқодир Қураший (ваф.775/1373) қаламига мансуб “Ал-жавохирал-мудиййа фий табақот ал-ҳанафиййа” асарини таъкидлайди. Аммо бир неча жумладан сўнг у Нажмиддин Иброҳим ибн Али Тарсусийга (ваф.758/1356) тегишли бўлган “Вафаййат ал-аййан фий мазҳаб ан-нуъман”[5: 1098] асари ва Салоҳиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муҳандис (ваф.769/1367)га мансуб номи келтирилмаган бошқа асарни зикр этади[5: 1099].

Уларнинг вафот этган саналаридаги фарқ 17 ва 6 йилларни ташкил этгани ҳамда Ҳожи Халифа асарларнинг тугатилиш санасини келтирмаганлиги боис мазкур асарларнинг қайси бири биринчи ёзилганини аниқлашда мураккаблик келиб чиқади. Бундан ташқари, охириги икки асар йўқолганлиги ҳамда ҳозирги кунгача етиб келмаганлиги сабабли муаллиф “Ал-Жавохир” асарини биринчи номи чиққан ҳанафий биографик лугати сифатида таъкидлаб ўтган бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, Мақдисий ал-Муҳандисни ва Абдулқодир Қурашийнинг “ал-Жавохир” асарини ҳанафий ҳуқуқий тизими бўйича ёзилган биринчи табақот асари сифатида эътироф этади[6: 382]. Хулоса қисмида у дастлабки табақот жанридаги асар сифатида Махмуд ибн Сулаймон Куфийнинг (ваф. 300/912) “Табақот ал-куфиййа фий ал-садат ал-ҳанафиййа” [6: 395] асарини таъкидлаб ўтади. Мақдисий бу муаммоли масалани ечишга ҳаракат қилади. Охи-оқибат бу ҳанафий мактаби доирасида эмас, балки бу географик жойлашувга мос келишини айтади. Мазкур далил кўп жиҳатдан заифдир. Биринчидан, гарчи нисбат Куфа шаҳрига берилган бўлса ҳам, китобнинг номида ҳанафий табақот жанри бўйича манбаллиги белгилаб ўтилган. Иккинчидан, муаллифнинг ҳаёти III-IV асрларга тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, асар III аср якунида ёзилганлигини тахмин қилишимиз мумкин. Ўша даврда ҳанафийлик мактаби 100-150 ёшда бўлган ҳамда Куфа шаҳри Абу Ҳанифа ва мазҳаб уламолари фаолиятининг маркази эди. Шунинг учун Абу Ҳанифа мазҳаби эргашувчиларнинг аксарияти ўша географик ҳудудда фаолият юритиши аниқ фактдир. Шу билан бирга, бу бўйича бошқа ишончли маълумот йўқлиги сабабли мазкур маълумотни тўғрилигини айтиб ўтиш лозим.

Ҳозиргача етиб келган асарлардан бири Ҳожи Халифа ва Мақдисийнинг юқорида ёдга олинган асарларидан анча аввалроқ ёзилган бўлиб у Саймарийнинг “Ахбар Аби Ҳанифа ва асҳабиҳи”[7] асарида. У ўз сарлавҳасида табақот сўзига эга бўлмасада, шу каби асарларда учрайдиган барча ҳислатларига

эга.

1. Саймарийнинг “Ахбар Аби Ҳанифа ва асҳабиҳи” асари. Мавжуд маълумотларга кўра, асар дастлабки нашр этилган ҳанафий библиографик лугатидир. Маълумот берилишича, китоб катта ҳажмга эга бўлган, лекин ҳозирги кунгача етиб келган китоб анчагина камтарона ўлчамда бўлиб 169 саҳифани ташкил этади. Бундан келиб чиқиб, ушбу китоб асл нусханинг қисқартирилган шакли деган хулосага келиш мумкин. Мазкур китоб Абу Ҳанифа бобидан ташқари яна 57 бобни ўз ичига олади[8: 75].

Китобнинг ярмидан кўпроғи, яъни 90 саҳифаси Абу Ҳанифага бағишланган бўлиб, унинг ҳаёт йўли, илми, фазилятлари ва бошқа нарсалар ҳақида маълумот берилади.

Асарни ёзишда Саймарий муҳаддислар йўлидан боради ва ўзининг ҳар бир маълумотини тўлиқ иснодлар билан келтириб ўтади [8: 75-81]. Абу Ҳанифага берилган тавсифдан сўнг у олимнинг шогирдлари ҳақида маълумотлар келтиради ва уларнинг мазҳаб асосчисига яқин бўлганини исботлашга уринади. Улардан баъзилари мактаб доирасидаги талабалар бўлса, бошқалари Абдуллоҳ ибн Муборак кабилардир [9: 134-137]. Шогирдлари орасида энг кўп тилга олинганлар Абу Юсуф ва Шайбонийдир[9: 90-102]. Улардан кейин китобнинг кичик қисми, яъни 15 саҳифасида ўша шогирдларнинг талабалари, жумладан, муаллифнинг ўзи ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бу билан муаллиф ушбу фикрнинг мактабда ўзи учун муносиб жой эгаллашга ҳаракат қилади. У бунга бошқа биографларнинг гувоҳлик беришлари сабабли шубҳасиз эришади. Мисол учун, Тақиюддин Ҳанафий “Табақот ас-саныййа” асарида “ҳанафий мазҳаби доирасида Саймарий ўз даврининг ягона сиймоси бўлган” деб таъкидлайди [10: 153]. Саймарийни саналар у қадар қизиқтирмаган, шу сабаб унинг баъзан таваллуд ва ўлим саналарини тушириб кетганини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, унинг асари камтарона ҳажмга эга бўлишига қарамай жуда катта аҳамиятга эга чунки бу ҳанафийларнинг бизга етиб келган энг дастлабки биографик лугатидир.

2. Абдулқодир Қураший “Ал-жавохир ал-мудиййа фий табақот ал-ҳанафиййа” асари[11].

Ушбу китоб ҳанафий табақоти услубида ёзилган биринчи китоб ҳисобланади. Муаллифнинг ўзи, “... ва мен ҳамкасбларимизнинг (ҳанафайларнинг)[5: 1097] табақотлари ҳақида гапирётган (яъни тўплаган) бирортасини кўрмадим...”[11: 3]деб айтган. Бу жумлаларда унинг иши ушбу йўналишда биринчилардан эканлигига ишора бор. Бироқ муаллиф Саймарий асарини ўз манбаларидан бири сифатида ишлатганлигини ёддан чиқарган[11: 5]. Эҳтимол, у ўз вақтида табақот ал-ҳанафиййа мавзусида ёзган бирор кишини кўрмаганлигини назарда тутган бўлиши мумкин.

Абдулқодир Қураший устозларининг унинг ҳаётига кўрсатган таъсирлари ҳақида тўхталиб, уларнинг исмлари ва китобини тайёрлашга қилган даъватларини (хутба ал-китаб) айтиб ўтган [11: 5]. Сўнг у асарининг 6 та фазилати ҳақида сўз юритган. Улар: руҳий хотиржамлик, уламоларга тақлид қилишнинг аҳамияти, уламоларни ўз даражасига қараб муомала қилиш, уларга устоз сифатида ҳурмат кўрсатиш, улар ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда кўпроқ илмга эга бўлганларга устунлик бериш орқали уларнинг фикр ҳақиқатларини устун қўйиш ва улар ёзган асарларининг қадр-қимматини билиш[11: 6]. Мавжуд нашрдаги рўйхатга кўра биографияларнинг умумий сони 2347 тани ташкил этади, шулардан 1158 таси биринчи жилдда, қолган 1189 таси иккинчи жилдда жойлашган. Биографиялардан сўнг Абдулқодир Қураший Абу Ҳанифанинг, унинг яқин шогирдларини ва уларнинг шогирдларини манокитобини ҳам тақдим этади[11: 450]. Олимларни мазкур тартибда жойлаш орқали у Саймарийга эргашади.

Ал-Жавохирдаги таржимаи ҳоллар у қадар узун эмас,

одатда саҳифанинг 3 дан 1 қисмини ташкил этади, фақатгина таниқли олимлар ҳақидаги маълумотлар бундан мустасно. Унда ҳар бир маълумот бирор кишининг таваллуд ва вафот этган куни, ҳар бир бўлимнинг келиб чиқиш жойларини, агар мавжуд бўлса, келтиришда эҳтиёткорлик билан иш қўрилган. Ушбу таржимаи ҳолларда одатда олимнинг ҳаёти, унинг саёҳатлари, устозлари ҳақида қисқача маълумотлар мавжуд. Шунингдек, уламолар ҳаётидан кўплаб латифалар ва ҳикоялар мавжуд, бундан ташқари уламоларнинг диндорлиги, уларнинг илмий мероси, зуҳди ва шунга ўхшаш эътиборга молик фазилатларига алоҳида урғу берилган. Баъзида Абдулқодир Қураший маълум бир уламанининг илмий занжирини ўрганишнинг имкони бўлган бўлса, буни ҳам зикр қилиб ўтган. Баъзан у олимларнинг шон-шарафига бағишланган шеърларни ҳам тақдим этиб ўтган. Масалан, Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний таржимаи ҳолида у Шофийнинг Шайбоний ҳақида ёзган мисралари ва унинг хотирасига ёзилган битикларни келтириб ўтади [12: 43-44].

3. Ибн Қутлубоғанинг “Тож ат-тарожим фий ман саннафа мин ал-ҳанафиййа” асари[13].

Бу асар аслида, Ибн Қутлубоғанинг устози Аҳмад ибн Али Макризийнинг таҳрир қилинган асари бўлиб, у “ал-Тазкира” деб номланган[14: 269]. Макризий фақатгина ҳанафий уламолари ва номлари маълум бўлган олимларни зикр қилиб ўтган. Ўз навбатида, Ибн Қутлубоғанинг устозининг асарини таҳлил қилиб, уни жуда қисқартирилган деб топади. Шунинг учун у баъзи таҳририй тузатишлар ва аниқликлар киритиш билан бир қаторда, зарур деб ҳисоблаган жойида керакли маълумотларни қўшимча қилишни жоиз деб билган[13: 27]. Таржимаи ҳоллар алифбо тартибда тузилган ва уларнинг сони 348 та. Макризийдан ташқари у Абдулқодир Қурашийнинг “ал-Жавоҳир”ига кўпроқ суянган ҳамда бошқа китоблардан устун кўйган[13: 28].

Асарнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг таржимаи ҳоллари жуда қисқа, фақат энг муҳим маълумотлар тақдим этилган. Улардан баъзилари фақат олимнинг ёзган китобига далолат қилувчи биргина гапдан иборат ҳолос. Узунроқ бўлганлари эса фақатгина олим ва унинг туғилган жойи, устозлари, иш жойи, лавозими ва у ҳақидаги бошқа олимларнинг фикрлари, китоблари, таваллуд ва вафот этган саналари тўғрисида мавжуд бўлган асосий маълумотларни ўз ичига олади. Ҳаттоки энг узун таржимаи ҳоллар ҳам 10 та жумладан нарига бормайди.

Кичик ҳажмини ҳисобга олган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, китобга киритилган олимларнинг таржимаи ҳолини топиш жуда осон. Аммо бу лугатда ўз номлари билан китоб ёзган ҳанафий олимларининг ҳаммаси ҳам қайд этилмаганлиги кузатилган. Бу асар ўзининг афзалликлари ва камчиликлари эга. Шундай қилиб, олимлар ҳақида кенгроқ маълумот қидирувчилар ушбу лугатга эмас, балки бошқа манбаларга эътибор беришлари керак бўлади. Шунга қарамай, асарда фойдали маълумотлар талайгина бўлиб, у ўз даври ҳақида гувоҳлик беради.

4. Тақиюддин Ҳанафий Тамимийнинг “Табақот ас-санниййа фий тарожим ал-ҳанафиййа” асари[10].

Бу асар кўриб чиқилаётган қўлёзмалар орасидаги кенг қамровлиси ҳисобланади. Ҳожи Ҳалифа ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида “Табақот ас-санниййа”ида 2523 та олимнинг таржимаи ҳоли келтирилган деб таъкидлайди[14: 1098]. Айтиш жоизки, олим бу китобни ёзишдан кўзлаган мақсади Аллоҳнинг розилиги бўлган[15: 3]. Унинг қуйидаги сўзлари бунга исбот бўла олади: “Кимки икки дунёда муваффақиятга эришишни хоҳласа ундан олдин ўтган имомлар йўлидан бориши керак”[15: 4]. Шундай қилиб, муаллиф ҳанафий олимларини хотирасини сақлаб қолиш мақсадида, улар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган китобни ёзиш кераклигини тушунган. Тақиюддин Ҳанафий “Табақотас-санниййа” аса-

рининг муқаддима қисмида 40 дан ортиқ манбалардан маълумот тўплаганини келтириб ўтади[15: 5-7]. Шунингдек, у ҳар бир тарихшунос учун керак бўлган кўникмалар ҳусусида тўхталиб ўтади ва асарининг келиб чиқиш жойи ҳам шунга бағишлайди. Мазкур бошлар тарихни ёзиш методикаси, грамматика бўйича зарур билимлар ва араб тилини тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ кўрсатмалардан иборат. Муқаддиманинг охирида ушбу лугатдан фойдаланишга оид кўрсатмалар ҳам берилган[15: 8-39].

Ушбу асарни муаллиф Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаларнинг таржимаи ҳоллари билан бошлайди. Пайғамбар (с.а.в.) таржимаи ҳоли қисқа тахминан 30 бетдан иборат бўлиб, унда Расулulloҳнинг ахлоқлари ва мўъжизалари ҳақида сўз боради.

Абу Ҳанифанинг таржимаи ҳоли учун 96 бет ажратилган ва олим ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олинган, айниқса, икки жиҳатга урғу берилган. Биринчи жиҳати – Абу Ҳанифанинг илми ва шарафини ҳимоя қилиш, иккинчиси – унга ва мазҳабга йўналтирилган танқидларга раддия бериш. Асарда олимларнинг таржимаи ҳоллари алифбо тартибда берилган ва муаллиф уларнинг исмларини аниқ ва тўлиқ берган. Аммо, олимнинг тўлиқ исми номаълум бўлса ёки у таҳаллус ва бошқа ном билан танилган бўлса, бундай олим китобнинг охирида махсус бўлимларда қайд этилган. Бир олим ҳақидаги энг кам маълумот битта ёки иккита қисқа жумладан иборат бўлган, баъзи олимлар эса ўндан ортиқ саҳифада ёритилган[15: 37].

“Табақот ас-санниййа”нинг муқаддима қисми кенг қамровлиги жиҳатидан ажралиб туради ҳамда асарда олимлар борисида салмоқли маълумотлар берилган. Энг қисқа таржимаи ҳол бир ёки икки гапни ўз ичига олади, бошқалари эса 10 саҳифадан узунроқ берилган. Тақиюддин Ҳанафий Ибн Қутлубоғанинг сингари “ал-Жавоҳирга” кўп мурожаат қилган. Асарни ўқиш жараёнида “Қола фи ал-Жавоҳир, қодҳа фи ал-Жавоҳир [15: 268], зақараҳу фий ал-Жавоҳир [16: 212] ва шунга ўхшаш кўпгина жумлалар тез-тез учраб туради.

Тақиюддин Ҳанафий “Табақотас-санниййа” асарида олимларнинг маълум бир соҳаларда мукамалликка эришганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишдан қочмаган. Бу хоҳ фикр, ижтиҳод, араб тили, тафсир, калом ёки бошқа илм бўлса ҳам асарда келтирилган олимларни қайси соҳада кучли мутахассис бўлганини бирма-бир санаган. Бу шундан далолат берадики, у олимларни жуда ҳурмат қилган ва уларнинг илмий салоҳиятини ҳақиқий деб қабул қилган. Улар орасида Насай, Ибн Ҳиббон, Ибн Ҳажар Асқалоний, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар бор. Тақиюддин Ҳанафий ўз асарида олимларнинг ахлоқий фазилатларига қараганда илмда эришган ютуқларини кўпроқ тилга олади.

Бундан ташқари, асарда қисқа латифалар ҳам мавжуд. Бу катта эҳтимол билан Тақиюддин Ҳанафийнинг биографик лугатида манокиб асарлари таъсири борлигини кўрсатади. Шунингдек, у шеър ва байтлардан кўплаб иқтибослар келтирган. Шеър ва байтлар баъзи ўринларда катта ҳажмли бўлиб, номи келтирилаётган олимнинг фазилатларига бағишланган. Асарда олимларнинг ёзиб қолдирган асарлари ҳам санаб чиқилган.

Ушбу китоб нафақат ҳанафийлар учун керакли манба, балки бошқа мазҳаб олимлари учун ҳам қўлланмадир. Асар тарихчилар ва ҳусусан, ҳанафий мазҳаби бўйича тадқиқот олиб бораётган барча олимлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

5. Абдулҳай Лакнавийнинг “Ал-фаваид ал-бахиййа фий табақот ал-ҳанифаййа” асари[17].

Бу китоб Кафавийнинг “Катаиб аълам ал-ахяр мин фуқаҳа мазҳаб ан-нуъман ал-мухтар” асарининг қисқача шакли ҳисобланади. Ҳат кўринишидаги мазкур асар олимлар таржимаи ҳолидан ташқари фикрча оид кўплаб фойдали дарсликларни ўз ичига олган. Лакнавий эса бу дарсликни тушириб қолдирган, аммо уламолар таржимаи ҳолини асл ҳолича

тақдим қилган. Бундан ташқари, у биографик луғатлар ҳақида қўшимча маълумотлар берган ва “луғат тузувчи айтади” (қала ал-жами)[17: 4] деб таъкидлаш орқали уларни иккига ажратган. Шунингдек, асосий матнда назарда тутилган олимларнинг таржимаи ҳолларини тақдим қилиш ёки улар ҳақида қўшимча изоҳларни беришда бир неча тафсир, яъни таълиқотларга дуч келиш мумкин. Бу изоҳлар Лакнавий томонидан ёзилган бўлиб “ат-Таълиқот ас-саниййа ʼала ал-фаваид ал-баниййа” деб сарлавҳа қўйган. Таржимаи ҳоллар эса алифбо тартибида жойлаштирилган.

Ушбу муаллиф ҳам биографик луғатларни тузишда Абдулқодир Қурашийнинг изидан боргандай туюлади. Аммо у бу мавзуга доир ишида ўз йўлидан борган ва маълумотларни ўз услубида баён этган [17: 2]. Шу билан бирга, кўпгина ёш олимларни мазкур муаммога беъътибор эканлигини ёки пайқамаслиги муаллифга луғат тузишида қўшимча илҳом бағишлаганини таъкидлаб ўтган [17: 2-3].

Таржимаи ҳолларнинг ўзига келсак, Лакнавий анъанавий йўлдан борган, яъни олимларнинг ёзган китоблари, уламо-лар орасидаги мавқеи, ижоди ва яшаш тарзи, келиб чиқиши, туғилган ва вафот саналарини ўз ичига олган биографияларни жамлаган. Жарҳ ва таъдил таълимотларига озрок эътибор берган [17: 5]. Лакнавий “ат-Табақот ас-саниййа” асарини ҳанафий биографик луғатлари орасида энг каттаси деб ҳисоблайди бироқ асар муаллифи Тақиюддин Тамимийни таржимаи ҳолини бериб ўтмайди. Шунга қарамай, унинг асари таржи-

маи ҳолларнинг ўртача узунлиги, ўткир фикрлари ва шахсий қарашлари туфайли муҳим саналади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, табақот асарлари муслмон уламо-лар томонидан фанга киритилган ихтиродир. “Илм ар-рижол” доирасида ровийларни аутентификация қилишга бўлган эҳтиёж ровийлар занжиридаги ҳар бир инсонни таржимаи ҳолини ўрганиб чиқилишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида илк биографик асарларни тўпланишига олиб келди. Зеро, ҳеч бир илм доирасида маълумот етказувчиларни синчковлик билан ўрганиш диний омилга асосланмаган эди. Бироқ муслмон уламо-лари томонидан тўпланган табақот асарлари муаллифлари айнан диний омил, яъни Аллоҳ розилиги учун илм йўлида изланишлар олиб борганлар.

Биографик китоблар сирасига кирувчи “табақот ал-ҳанафиййа” асарлари эса ҳижрий бешинчи асрга келиб ёзила бошлаган. Мисол сифатида, муаллиф Саймарийнинг “Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳи” асари айтиш мумкин, у ўз номига кўра “табақот ал-ҳанафиййа” сўзини олмаган бўлса-да мавзуга оид барча маълумотлар жамланган. Энг биринчи “табақот ал-ҳанафиййа” асари сифатида эса Абдулқодир Қурашийнинг “Жаваҳир ал-мудиййа” асарини келтириш мумкин. Бироқ биографияларнинг кенг қўлами ва батафсил ёритилгани орқали Тақиюддин Ҳанафийнинг “Табақот ас-саниййа” китоби ажралиб туради. Қолган барча асарларда “Жаваҳир ал-мудиййа”га таяниш ва эргашиш борлиги сезилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абулфазл Жамолиддин Муҳаммад ибн Мукаррам ибн Манзур, Лисан ал-араб, Байрут: Дор ас-садр. 1990 Ж. I.
2. E. J. Brill First Encyclopedia of Islam. Leiden: Brill. 1987.
3. Nisar Ahmed Faruq. Early Muslims Historiography. Delhi: Idarah-i Adabiyat-i-Delhi. 1979.
4. Tarif Khalidi. Islamic Biographical Dictionaries: A Preliminary Statement, The Muslim World 57. 1973.
5. Мустафо ибн Абдуллох Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун ан асмаъ ал-кутуб ва ал-фунун. Байрут: Дор ихйа ал-турас ал-араб. 1941. Ж. II.
6. George Madkisi. Tabaqat - Biography: Law and Orthodoxy in Classical Islam. Islamic Studies 32. 1993.
7. Абу Абдуллох Ҳусайн ибн Али Саймарий. Акбар Аби Ҳанифа ва Асҳабиҳи. Байрут. 1985.
8. Nurit Tsafirir. Semi Hanafis and Hanafi Biographical Sources. Studia Islamica 84. Leiden: Brill. 1996.
9. Абу Абдуллох Ҳусайн ибн Али Саймарий. Акбар Аби Ҳанифа ва

Асҳабиҳи. Байрут. 1985.

10. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий. Табақот ас-саниййа фий тарожим ал-ҳанафиййа. Ар-рийяд: Дор ар-рифаи. 1983. Ж. III.
11. Муҳийиддин Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-мудиййа фий табакот ал-ҳанафиййа. Қохира: Ҳижр, 1993. Ж. I.
12. Муҳийиддин Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-мудиййа фий табакот ал-ҳанафиййа. Қохира: Ҳижр, 1993. Ж. II.
13. Ибн Қутлубоға. Тож ат-тарожимфий ман саннафа мин ал-ҳанафиййа. Байрут: Дор ал-қалам. 1992.
14. Мустафо ибн Абдуллох Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун ан асмаъ ал-кутуб ва ал-фунун. Байрут: Дор ихйа ал-турас ал-араб. 1941. Ж. I.
15. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий. Табақот ас-саниййа фий тарожим ал-ҳанафиййа. Ар-рийяд: Дор ар-рифаи. 1983. Ж. I.
16. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий. Табақот ас-саниййа фий тарожим ал-ҳанафиййа. Ар-рийяд: Дор ар-рифаи. 1983. Ж. II.
17. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахиййа фий тарожим ал-ҳанафиййа. Байрут: Дор ал-маърифат. 1998.

ШАЙХ МУСТАФО ҒАЛАЙИЙНИЙНИНГ “ИШТИҒОЛ” ВА “МАФЪУЛ МУТЛАҚ” ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Азизбек
ИСАМУТДИНОВ
ЎзХИА ўқитувчиси

Мақолада Шайх Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн Мустафо Ғалайийнийнинг “جامع الدروس العربية” асарида араб тилида иштиғол ва мафъул мутлақ масалалари ҳақидаги қарашлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: исм, феъл, боб, мафъул, мафъул биҳи, иштиғол.

Араб тили грамматикаси таркибига кирувчи мавзулардан мафъул биҳи мавзуси ўз қамрови кенлиги ва ўзбек тилимизга таржима қилиш жараёнида кўп муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи мавзулардан бири эканлиги маълум. Айни пайтда мафъул биҳи ҳам гапда келиш ўрни ва ҳар бир ўринда қўлланишдаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўз ичиди яна кичик-кичик мавзуларга бўлинади. Шулардан бири иштиғол қоидасидир. XIX асрда Байрутда туғилиб, илму маърифат тарқатиш йўлида ҳаёт кечирган машҳур олимлардан бири Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн Мустафо Ғалайийний

This article is devoted to the work of Sheikh Mustafa Galayaniy “Ishtigal” and “maful mutlak” in Arabic from the point of view of Mustafa Galayaniy, which discusses issues of self-completion (maful mutlak) and ishtigal in Arabic.

Данная статья посвящена произведению Шейха Мустафы Галайийний “Иштиғал” и “мафъул мутлақ” в арабском языке с точки зрения Мустафы Галайийний”, где рассматриваются вопросы самодополнения (мафъул мутлақ) и иштиғал в арабском языке.

ўзининг “جامع الدروس العربية” асарида бу борада қуйидаги фикрларни билдиради:

Иштиғол – тўлдирувчининг ўзини талаб қилиб келаётган феълидан олдинга ўтганида феълга ўша тўлдирувчига қайтувчи олмошнинг қўшилишидир. Масалан, خالد أكرمه - Халидни ҳурмат қилдим. (сўзма-сўз: Халид уни ҳурмат қилдим.) Бундай ҳолатда олдинга ўтган исмни гапнинг бошида келаётганлиги учун бош келишиқда келтириш афзал, лекин уни тўлдирувчи бўлганлиги учун тушум келишигида ҳам келтириш мумкин. Масалан, خالد أكرمه - Халидни

кўрдим. (сўзма-сўз: Холидни уни кўрдим.) Ўз феълидан олдинга ўтган исмни қуйидаги беш ўринда тушум келишигида келтириш устун кўрилади:

1) исмдан сўнг буйруқ майлидаги феъл келса, масалан, خالداً أكرمه - Холидни хурмат қил;

2) исмдан сўнг буйруқ инкор феъли келса, масалан, الكريم، لا تهنه - Сахийни хор қилма;

3) исмдан сўнг дуо мазмунидаги жумла келса, масалан, اللهم أمرى يسره - Аллоҳим, ишимни осон қил;

4) исм сўроқ юкламаси ҳамзадан сўнг келса, масалан: (Қамар сураси, 24-оят) [3];

5) сўроқ гапга нисбатан берилган жавоб гап бўлса, масалан, “кимни хурмат қилдинг?” деган гапга жавобан берилган қуйидаги гап: “علياً أكرمته” - Алини хурмат қилдим [1: 403].

Юқоридида келтириб ўтилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, аввало, иштиғол бу тўлдирувчининг феълдан олдинга ўтишидир. Бу ҳолатни тушунарлироқ қилиб тўлдирувчининг гап бошида келиши десак ҳам бўлади. Маълумки, ўзбек тилидаги феъл кесимли гап ва араб тилидаги феълий жумла таркибидаги феъл кесимнинг одатдаги жойлашув ўрни билан бир-биридан фарқ қилади. Тўлдирувчи эса одатда ҳар икки тилда ҳам эгадан кейин келади. Бироқ одатдаги тартиб ўзгарганда эса тўлдирувчи ҳар икки тилда ҳам эгадан олдин, гапнинг бошида келиши мумкин. Ўзбек тилида тўлдирувчи воситали ёки воситасиз бўлишидан қатъий назар гапнинг бошида келганда келишик қўшимчалари ўзгармаган ҳолда қўлланилади. Бироқ бу масалада араб тилида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Араб тилида тўлдирувчи гапнинг бошида келганда, одатда, бош келишикда келади. Бироқ ҳар доим ҳам бошида келганлиги учун бош келишикда келавермайди. Юқоридида келтирилган бешта ҳолат гапнинг бошида келган сўзнинг аслида тўлдирувчи эканлигидан келиб чиқиб уни фатҳада келтириш маъқул бўлган ўринлардир.

Ушбу исмни қуйидаги уч ўринда бош келишикда келтириш шарт бўлади: 1) “тўсатдан” маъносини англатувчи فاذا сўздан сўнг келса, масалан, خرجت فاذا الجو يملؤه الضباب، - чиқдим. Қарасам ҳавони туман қоплаган, яъни ҳавони туман қоплаганини билмаган ҳолда чиқдим; 2) Ҳол эргаш гап олдида келувчи “الواو” “вов” дан сўнг келса, масалан، جئت و الفرس يركبه اخوك - Отни аканг минган ҳолда келдим; 3) сўроқ, инкор ва шарт юкламалари, ундашни ифодаловчи юкламалар, гап бошида келувчи “лом”, таажжубни ифодаловчи ما، риторик сўроқ гапни ифодаловчи كم олмоши, эгага таъсир қилувчи юкламалардан сўнг келса, масалан، سعيداً فأكرمه - Саидни хурмат қил، خالدٌ هلا دعوته، - Холидни таклиф қилмадингми، яъни уни таклиф қилишинг керак، الشر ما فعلته - ёмонликни қилмадим، الخبز لنا افعله - Яхшиликни албатта қиламан، زهيرٌ كم أكرمته - Зухайрни хурмат қилдим! الخبز لنا افعله - الحسن ما أظيبه - Усомани албатта мен яхши қўраман. Мазкур ҳолатларнинг барчасида исм “мубтадо”, яъни исмий гапнинг эгаси ҳисобланади. Чунки ушбу юкламалардан кейин келадиган феъл юкламалардан олдинги исмга таъсир қилмайди [1: 405].

Иштиғол қоидаси борасида Мустафо Ғалайийнийдан бошқа олимлар, хусусан, Ибн Молик ва Ибн Ақийллар ҳам қимматли маълумотлар келтириб ўтишган. Мустафо Ғалайийний келтириб ўтган фикрлар билан Ибн Молик [2: 99] ва Ибн Ақийл [2: 99]ларнинг фикрлари ўртасида қарама-қаршилиқ йўқ, балки уларнинг ҳар бирининг бу борадаги фикрлари бир-бирини қувватлайди.

Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн

Мустафо Ғалайийний ўзининг “جامع الدروس العربية” асарида бу борада ўз фикрларини билдириб, мавзунни қуйидагича гуруҳларга ажратиб келтиради:

1) ноаниқ ва хосланган масдар (мубҳам ва мухтас); 2) барқарор ва барқарор бўлмаган масдарлар; 3) масдарнинг ўринбосари; 4) мафъул мутлақ омили; 5) мафъул мутлақ ҳукмлари; 6) ўз феъли ўрнида келувчи ўринбосар масдар.

Ушбу бобларнинг биринчисида, яъни ноаниқ ва хосланган масдар (мубҳам ва мухтас)лар бобиди у мафъул мутлақ вазифасида келаётган масдарларни иккига ажратади: 1) мубҳам масдар; 2) мухтас масдар [1: 411].

Мафъул мутлақ вазифасида келаётган масдарнинг маъноси гап таркибидаги феъл маъносига тенг келса, бундай масдар мубҳам масдар дейилади. Мубҳам масдар фақат феълдан англашилган иш-ҳаракатни таъкидлаш учун келтирилади. Масалан:

قمت قياماً - Турдим (таъкид билан).

ضربت اللص ضرباً - Ўғрини урдим (аниқ, шубҳасиз).

Феъл талаффузда туширилиб, мафъул мутлақ вазифасидаги масдар унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан:

سمعاً و طاعة - Эшитаман ва итоат қиламан.

Талаффузда туширилиб қолдирилган феъл ўрнида келадиган масдарни иккилик ва кўпликда келтириш мумкин эмас.

Мухтас масдар деб иш-ҳаракатнинг турини, ададини ўз феълига нисбатан кўпроқ ифодалаган масдарга айтилади. Масалан:

سرت سير العفلاء - Ақллилар юргандек юрдим.

ضربت اللص ضربتين - Ўғрини икки марта урдим [1: 411].

Иккинчи бобда мафъул мутлақ вазифасида келаётган масдарларни барқарор ва барқарор бўлмаган масдарларга бўлади. Бунга кўра, гап таркибида турли гап бўлаклари вазифасида кела олиши мумкин бўлган масдар барқарор бўлмаган масдар дейилади. Фақат мафъул мутлақ вазифасида келадиган масдар эса барқарор масдар дейилади. Бундай масдарлар гапда бошқа вазифада келмайди. Масалан، معاد، لبيك، سعيدك، حناتيك، دولابك، حذاريك - Каби масдарлар гапда фақат мафъул мутлақ вазифасида келади [1: 412].

Учинчи бобда масдар ўрнида келувчи сўзларга изоҳ бериб уларни ўн иккига бўлади. Булар:

1) Ҳаракат номидан шаклланиб чиққан от. Масалан، كلمتك كلاماً، سلمت سلاماً

2) Мафъул мутлақни аниқлаб келаётган сифат унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан، سرت أحسن السير

3) Мафъул мутлаққа қайтувчи олмош унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан، اجتهدت اجتهداً لم يجتهده غيري،

4) Синоними ўрнида келиши мумкин. Масалан، شننت، الكسلان بغضاً

5) Ясалишда асоси бир бўлган ҳаракат номи унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан، (نوح) والله أنبتكم من الارض نباتاً

6) Иш-ҳаракатнинг турига далолат қилувчи сўз унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан، رجع الفقير

7) Иш-ҳаракатнинг неча маротаба бажарилганлигини аниқлаб келувчи сон мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан، أنزرتك ثلاثاً

8) Иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган қурол мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан، ضربت اللص، سوطاً

9) Ма сўроқ юкламалари мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан، ما أكرمت خالداً؟، أئ عيش تعيش؟،

10) ما تجلس أجلس، مهما تقف أقف، أئ سير تسر أسر، ما وأئ و مهما

11) كل و بعض - ма комилликни билдирувчи мафъул мутлақнинг ўрнида келиши мумкин. Масалан، فلا تميلوا كل،

الميل(النساء:129)، سعيت بعض السعي، اجتهدت أئ اجتهد

12) Мафъул мутлақ вазифасида келувчи масдарга ишора қилувчи кўрсатиш олмоши мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан, قلت ذلك القول.

Мафъул мутлақнинг ўрнида келувчи сўзлар борасида машхур олимлардан Ибн Молик ўзининг “Алфиййа” аса-

Фойдаланилган адабиётлар:

1. الشيخ مصطفى غلابيني جامع الدروس العربية. مصر، ٢٠٠٨.

2. شرح بن عقيل على ألفية بن مالك. المجلد-٢. القاهرة، ٢٠٠٥.

3. Қуръони карим. Нашрга тайёрловчи: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т.: Ҳилол, 2017.

рида қисқа келтирган [2: 134] бўлсада, бироқ уни шарҳлаш жараёнида Ибн Ақийл юқорида келтирилган ўн икки турдаги сўздан олтитасини келтириб ўтади [2: 135]. Бу борада уларнинг келтирган фикрлари орасида бир-бирига тамоман зид келадиган жиҳатлар кузатилмайд.

Лола КАРИМОВА
Бухоро давлат тиббиёт
институтини ассистенти

БИР УМРЛИК САБОҚ...

Мақолада шарқнинг улуғ мутафаккирлари Нуриддин Абдурахмон ибн Низомиддин Аҳмад ибн Шамсиддин Муҳаммад Жомий ҳамда унинг устози Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёти ва асарлари ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: Қуръон, Нақшбандия, тариқат, мумтоз, мутафаккир, тарбия, астрономия, мерос, муносабат.

The article tells about the life and works of the great Eastern scientist Nuriddin Abdurahman bin Nizomiddin Ahmad bin Shamsiddin Muhammad Jomi and his mentor Khoja Muhammad Porso.

В статье рассказывается о жизни и творчестве великих восточных мыслителей Нуриддина Абдурахмана бин Низомиддина Ахмада бин Шамсиддина Мухаммеда Джомии и его наставника Хаджи Мухаммеда Парсо.

Шарқнинг улуғ мутафаккирлардан бири Нуриддин Абдурахмон ибн Низомиддин Аҳмад ибн Шамсиддин Муҳаммад Жомий 1414 йил 7 ноябрда (ҳижрий йил ҳисоби бўйича 817 йил шабон ойининг 23 куни) Ҳирот яқинида Жом вилояти Харжирд қишлоғида таваллуд топган.

Жомийнинг отаси ва бобоси Жом вилоятида муҳим давлат лавозимларида бўлганлар. Манбаларга кўра, Абдурахмон Жомий ажойиб қобилиятларга эга бўлиб, тўрт ёшидан оқ мактабга қатнай бошлаган ва қисқа фурсатда савод чиқарган. Қуръон ва мумтоз форс адабиётига тегишли асарларни, жумладан Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Ҳайём, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Ҳусрав Деҳлавий, Саъади Шерозий, Ҳофиз Шерозий каби машхур шоирлар асарларини ўрганиб чиқади. Бўлғуси шоир ва мутафаккирнинг ҳақиқий устози ва муаллими унинг отаси – ўз даврининг жуда ўқимишли ва маърифатли инсони, форсий классикасининг зўр билимдони Низомиддин Аҳмад бўлган[1: 16].

Абдурахмон Жомий астрономияга оид асарларга махсус шарҳлар ёза бошлаганида эндигина йигирма ёшда бўлган. Ушбу шарҳлардан баъзиларини Улуғбекнинг Самарқанддаги обсерваториясига юборади. 1436 йилда Жомий машхур астроном Қозизода Румий таклифига биноан Самарқандга келади[2]. Самарқандда Жомий машхур Улуғбек мадрасасида Улуғбек, Қозизода Румий, Фазлуллоҳ Абуллайсий каби самарқандлик етакчи алломалар қўлида таҳсил олиб, фалакиёт (астрономия), геодезия, риёзиёт (математика), фалсафа ва ҳуқуқшуносликка доир ўз билимларини янада чуқурлаштиради.

“Рашаҳот” асари муаллифи фикрига кўра, ўқиб давомидида у билимларни осонлик билан ўзлаштирган. Дарслардан бўш вақтида у ўша давр олимлари асарларини ўрганиш билан машғул бўлган. Муаллимлар Жомийнинг алоҳида қобилиятлари ва билимга чанқоқлигини таъкидлайдилар.

Абдурахмон Жомийнинг буюк мутафаккир даражасига етишида жуда кўп улуғ инсонлар, мўътабар

шайху муаллимлардан олган сабоқлари муҳим омил бўлган. Ана шундай улуғлардан бири Хожа Муҳаммад Порсодир.

1419 йил Хожа Муҳаммад Порсо Ҳижоз сафари чоғида Жом вилоятдан ўтганлар ва Саъиддин Қошғарийнинг уйларида тўхтаб ўтганлар. Абдурахмон Жомий бу пайтда 5 ёшда бўлиб, оталари Хожа Муҳаммад Порсонини зиёрат қилиш учун борганларида ҳамроҳ бўлганлар. Улуғ Шайх суҳбатларини жон қулоқ бўлиб тинглаганлари ҳамда у киши берган бир бош новотни бир умр эслаганликларини орадан 60 йил ўтиб Хожа Муҳаммад Порсо билан бўлган учрашув бутун умр кўз ўнгида, айтган сўзлари ҳамиша қалбида ва берган новоттаъми бир умр оғизларида эканлигини “Нафаҳот-ул-унс” китобларида таъкидлайди[3: 183].

Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) асли бухоролик бўлиб, Нақшбандия тариқатининг йирик вакиллари билан бирдир. У ўз даврида ҳам кейинги даврларда ҳам тасаввуф ва шариат аҳли орасида юксак мавқега эга бўлган олим ва орифликни ўзида мужассам этган улуғлардан бўлган. Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуф таълимотининг XIV аср охири ва XV аср бошларидаги назариётчиларидан бири сифатида маълум ва машхур бўлиб, манбаларда унинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд Ҳофизий Бухорий деб келтирилади.

Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг кўзга кўринган шогирдларидан бўлиб, устозидан кейин Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиларидан бирига айланди. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот-ул-унс” асарида Баҳоуддин Нақшбанд ўз муридларининг пешқадамларидан бири бўлган Хожа Порсонинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлиги айтиб ўтилган.

“Рашаҳот”да Муҳаммад Порсонинг Баҳоуддин Нақшбанд муридлари орасида нақадар улкан мавқега эгаллигини кўрсатиб берган бир воқеа ҳикоя қилинади. Бунда Ҳижоз йўлида Баҳоуддин Нақшбанднинг касалга чалингани ва дўстлар ҳузурда Хожа Муҳаммад

Порсога: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаху халқига еткиз», деб васият қилгани тўғрисида айтилади. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаётининг охирги дамларида Хожа Порсо тўғрисида: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Муҳаммад Порсонинг зуҳури эди», ёки «Кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин» деб айтган гаплари мазкур тариқат аҳли орасида машҳурдир.

Мазкур мисоллар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз шогирдлари орасида Хожа Муҳаммад Порсога юксак эҳтиром ва унинг истеъдодига нисбатан чуқур ҳурмат билан қараганлигининг далилидир.

Хожа Муҳаммад Порсо том маънода устозининг ишончини оқлади. У нафақат нақшбандия тариқатининг йирик вакили, балки айни пайтда уламоларидан бири бўлди. У мазкур тариқатнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган кўплаб асарлар ёзди. Ҳозирги кунда бу асарларнинг аксарият қисми бизгача етиб келган. Унинг асарлари қуйидагилар:

1. Фаслул хитоб би васлил аҳбоб
2. Шарҳи «Фусусул ҳикам»
3. Тафсир
4. Арбаъун ҳадис
5. Маносикул ҳаж
6. Рамзул ақтоб
7. Таҳқиқот
8. Маҳбубийя
9. Ал-Фусул ас-ситта
10. Масъалату халқил афъол
11. Рисола дар таҳқиқи замон ва макон
12. Рисолаи қудсия
13. Ақоид
14. Рисолаи кашфия
15. Рисола дар одоби мурид
16. Мухтасари таърихи Макка
17. Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор
18. Муқаддима ли-жомиъул-калим
19. Ҳафтоду ду фирқа
20. Эътиқодот
21. Аз анфоси қудсияи машойихи тариқат
22. Шарҳи «Фихрӣ Кайдоний»

Мазкур асарларнинг бир қанчаси Ўзбекистоннинг қўлёзма фондларида мавжуддир.

Хожа Муҳаммад Порсо ўз даврида темурийзодалар орасида ҳам катта эътиборга сазовор бўлган. Унинг Амир Темури ўғли Шохруҳ Мирзо билан ёзишмалари ва кейинчалик унинг ёнига Хуросонга кетиши ёки Амир Темури набираси Халил Мирзо ва Мирзо Улуғбеклар билан муносабатлари тўғрисидаги маълумотлари тарихий китобларда ёзиб қолдирилган.

Хожа Порсонинг машҳур асарларидан бири «Рисолаи қудсия» бўлиб, у «Калимоти Баҳоуддин Нақшбанд» («Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий гаплари») деб ҳам юритилади. Мазкур асар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини тўплаб, шарҳлашга бағишланган. «Рисолаи қудсия»

том маънода Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф назариясининг энг машҳур фано ва бақо, талвин ва тамкин, зикр ва сифот, валоят каби истилоҳларининг мазмунини очиб беради. Хожа Порсо ўзининг гўзал услуби билан асарни янада ўқимишли қилиб, қийматини оширади. Яъни у аввал устозининг фикрини келтириб, унинг остига ўзининг шарҳини ёзади. Устози ва ўзининг фикрлари аралашиб кетмаслиги учун улар орасига алоҳида айлана шаклини чизиб ажратади. Муаллиф ўзининг бу ишини қуйидагича тушунтиради:

«Ва бунда ҳар бир шарҳланган жумлалар орасига қўшилган қўшимчалар билинсин деб, доира чизилди».

Хожа Муҳаммад Порсо мазкур асарнинг муқаддимасида бу асарни ўз-ўзича бошламаганини, балки бу асар махсус топшириқ асосида ёзилганини билдиради. Бунга кўра у нақшбандиянинг Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги энг улкан ва обрўли кишиси, силсила давомчиси Алоуддин Аттор кўрсатмаси билан ёзганлиги маълум бўлади. Порсо ёзади: «Бу заиф мазкур маъноларни тақдим қилмоқни ўз-ўзича бошламади. Аммо, бу ишга шариф ишорат ҳукми аҳлуллоҳнинг суянчи, интибоҳ соҳибларининг покизаси, тариқат арбобларининг саййиди, ҳақиқат аҳли рамзларининг тушунтирувчиси, яқийн толибларининг таскин берувчиси Хожа Алоулҳаққи вад дийн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий томонидан бўлдики, у зот Аттор номи билан машҳурдир (Аллоҳ унинг ҳаёти муддатини узоқ қилсин ва унинг баракотли нурларидан муридларни файзлантисин). Шундан сўнг бу мажмуа имлосига киришилди. Агар у зотнинг ҳиммат мадади ва қабул назари бўлса, яна зиёда бўлгай».

Демак, юқоридагилардан англашиладики, Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари орасида унинг сўзларидаги маъноларни энг кўп тушунувчи, таҳлил қилувчи ва илмлиси бўлганлиги учун Алоуддин Аттор бу каби муҳим тарихий ва илмий-назарий асарни ёзиш вазифасини унга ишониб топширган.

Асарнинг яна бир қимматли жиҳати бу Хожа Муҳаммад Порсонинг ўзидан аввалги даврларда яшаб ижод қилган сўфий шоирлар ижодидан самарали фойдаланганлигидир. Асарда муайян мавзунини таҳлил қилиш жараёнида уни тушунишга янада кўмаклашувчи Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий каби мумтоз шоирларнинг асарларидан назмий иқтибослар ҳам келтирилади. Бу асарни ўқимишли бўлишини таъминлаш билан бир қаторда муаллифнинг назмий таъбининг нозиклигини, нафосатини ва дунёқарашини ифода этишининг ўзига хослигини ҳам кўрсатиб туради.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Абдурахмон Жомий Муҳаммад Порсо сингари алломалар, сўфийлар таълимотлари таъсирида замонасининг забардаст олимларидан бири сифатида шаклланган. Шу боис мутафаккирнинг илмий-фалсафий мероси инсоният цивилизацияси хазинасига муносиб ҳисса бўлиб, бугунги кунда ёшлар камолоти йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хусейнова А. Шарҳ мутафаккирлари дунёқарашига умуминсоний қадриятлар. –Т.,Paradigma, 2017.
2. Жомийнинг Самарқандда ҳаёт кечирган даври ҳақида қаранг: Мухтаров А. Абдурахман Чоми дар Самарқанд. –Д.: Садои Шарқ, 1964; Абдуллаев И.А. Абдурахман Джами в Самарқанде // Обществение науки в Узбекистане. – 1965. - №3.
3. Фахриддин Али Сафий. Рашахоту айнил-ҳаёт. Оби ҳаёт томчилари. –Т., Абу Али Ибн Сино, 2004.

МУШКУ АНБАР ҲИДЛИ ВАЛОЯТ ҒУНЧАСИ – ЗИЁУДДИН АҲМАД КУМУШХОНАВИЙ

Мавжуда ГУЛАМОВА
Бухоро давлат тиббиёт
институтини доценти,
кимё фанлари номзоди

Мақолада Кумушхонавийнинг болалик йилларидан илмга бўлган чанқоқликлари орқали келажак авлодларига комил инсон бўлиб етишишидаги ҳаёт йўллари келтирилган.

Таянч сўзлар: силсилаи шариф, нақибандия, тариқат, комил инсон, устоз, шогирд, шайх, тасаввуф, илм, маърифат.

Мустақиллигимиз шарофати билан муқаддас тупроқда яшаб ўтган буюк алломаларимизни таваллуд саналарини нишонлаш қадам жойларни обод қилиш, илмий маърифий асарларини халқимизга қайтариш каби савобли ишлар қилинди.

Авлиёлар султони, нақшбандия тариқати асосчиси хожагон тариқати давомчиси олими раббоний, буюк тарбиячи, атоқли аллома, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Силсилаи шариф”, “Олтин занжир”даги ўн олтинчи халқанинг пири муршиди бўлиб номлари Ғарбу Шарқда машҳурдир.

Нақшбандия таълимоти нафақат Мовароуннаҳрда, балки Хуросон, Ироқ, Озарбайжон ҳаттоки Рум ва Миср, Хитой ва Ҳиндистонда кенг тарқалишига сабабчи бўлган машҳур шайх, ориф, мураббий, устоз ва тасаввуф таълимотининг буюк намояндаси Хожа Аҳрор Валий ҳақида Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида тавсифлаб ўтган [1: 280].

Тасаввуфшунос олим профессор Александр Кныш Эрон ва Туркияга нақшбандийликнинг кириб келишида Хожа Аҳрор Валийнинг ролини қайд этади [2: 254].

Нақшбандийлик таълимоти ғарбий турклар орасида тариқатнинг буюк асосчиси Нақшбанд вафотидан бир аср ўтгач, XV асрдан ёйила бошланди. Бу Нақшбандийликнинг Мовароуннаҳр доирасидан четга чиқишида жуда муҳим қадам бўлди [3: 114-118].

Туркияда нақшбандия сўфийлик усулларининг биринчи тарғиботчиси Хожа Аҳрорнинг халифаси Мулла Абдуллоҳ Илоҳий Самовий (вафоти 1490 й.) эди [4: 108]. Истанбулнинг ўзидаёқ 65 та нақшбандия даргоҳларининг мавжудлиги, бу тариқатнинг кенг тарқалганлигини кўрсатди. XIX асрда нақшбандиянинг Онадўлида яна ҳам кенг тарқалишига машҳур олим ва мутасаввиф Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий (1893 й. вафот этган) улкан ҳисса қўшган [4: 108]. Мақоламизда бу улғу сиймони ҳаёт йўллари ва маънавий меросини ёритмоқчимиз.

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийга ўз замондошлари “Раббоний олим, зоҳирий ва ботиний илмлар билан ораста, фахрул машойих, хотиматул муҳаддисин, орифи комил, шайхи комил” деб таъриф берганлар [5: 8].

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳижрий 1228, милодий 1813 йилда Рум диёри ҳозирги Туркиянинг Кумушхона шаҳрининг “Амирлар” маҳалласида бой хонадонда дунёга келганлар, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлганлар. Оталари солиҳ инсон бўлиб, тижорат билан шуғулланган.

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий беш ёшларида ўқишни бошлаб, саккиз ёшда Қуръони карим, “Далоили хайрот”, “Қасидаи Бурда” ва “Ҳизбул Аъзам” китобларини қироат қилишга устозларидан руҳсат олганлар. Ўн ёшларида оталари Қора денгиз атрофидаги шаҳарлардан

The article describes the ways of achieving childhood Kamushkhanawi through his pursuit of knowledge to become a perfect human being, for future generations.

В статье описываются способы достижения детства Кумушханавий через его стремление к знаниям, чтобы стать совершенным человеком, для будущих поколений.

бири Трабзонга ҳижрат қиладилар. У ердаги пешқадам олимлардан олат (балоғат), сарфу наҳв, маъоний (адабиёт, бадийят) ва мантиқ билимларини ҳамда шариат илмларини ўргана бошлайдилар. Ёш бўлишларига қарамай, дўконда оталарига ҳам ёрдам бериб, бир томондан илоҳий ишқ ва шавқ билан илм таҳсилига сайъ ва ғайрат қилар эдилар, аммо ақл ҳушлари кўпроқ илм олишда эди. Ёшликларида ҳалол пул топишга ҳаракат қилиб, ўз қўллари билан ҳамён тўқиб сотганлар ва топган пулларини илм излаш йўлида сарфлаганлар. 18 ёшларида амакилари билан Истанбулга келиб, оталари учун керакли тижорат молларини олиб, амакиларига топширадилар ва бундай дедилар: “Муҳтарам амакижон, мен шу лаҳзада илм ва маърифат шаҳри бўлган Истанбулда турганимдан улғу бир саодат ва бахтиёрлик оғушидаман. Акам ҳарбий хизматдан қайтган бўлса керак. Мен учун энди шаҳримга қайтишнинг зарурати йўқ. Шу ерда қолиб, мукаммал илм олиш, сайру сулуқимни (тариқат ва тасаввуфий таҳсилимни) камолга етказиш орзусидаман. Мен учун илм ва маърифатни қўлга киритиш ҳамма нарсадан ортиқ туради. Зинҳор мендан ранжиб, хафа бўлманг. Вақтида, келажакда керак бўлади, деб, ўз қўлим билан ҳамёнлар тўқиб, уларни сотиб, бир қанча пул йиққан эдим. Ўзимда ҳеч нарса қолдирмасдан, буларни ҳам сизга топшириб, отамга жўнатаман. Менга мадакор бўлиб Ҳақ таолонинг Ўзи етади! Менда ҳаққи бўлган биродарларим ҳақларини ҳалол қилиб, мендан рози бўлсинлар, дуоларини мендан аямасинлар. Мен ўзим кириб жойлашадиган мадраса ҳужрасида сизни дуо қилиб эслашдан асло тўхтамайман!..” [6: 302].

Илму ирфон ишқида бўлган Аҳмад Кумушхонавий Истанбулдаги Боязид мадрасасида кичик бир ҳужрада Аллоҳнинг дўсти бўлган бир солиҳ зоту бобаракотнинг ёрдами ва тарбияси билан анча илм олдилар. У зотнинг вафотларидан кейин Маҳмуд пошшо мадрасасига кўчиб, Сулаймония мадрасасидаги дарсларни ўзлаштиришда давом этдилар. Ўша даврнинг пешқадам уламоларидан Хожаи Шаҳриёрий (пошшонинг устози), ҳожи ҳофиз Муҳаммад Амин ҳазратлари, Абдурахмон Ҳарутий, Лаз Усмон сингари машҳур устозларнинг дарс ҳалқаларига мунтазам қатнашиб, илмда камол топдилар. Мукаммал илмлари сабабли Боязид жомеъсига дарсиомлик – илм талабида бўлган кишиларга исломий дарс берувчи уламо вазифасига тайинландилар.

У ерда ваъз айтиб, иршод қилиб, юксак заковатли, кенг қамровли ва меҳнаткашликлари билан устозларнинг муҳаббатига сазовор бўлдилар ва мустақил равишда уларнинг тавсиясига асосан “Шарҳи ақоид”ни ўқитиб, асарлар таълиф ва тасниф эта бошладилар. Шариат илмларини мукаммал ўргангандан кейин тасаввуф ва тариқат соҳасида ҳам камол топмоқни ис- тадилар. Шу мақсад билан Мавлоно Холид Бағдодий

(қуддиса сирруху) халифаларидан бирлари Абдулфаттоҳ ҳазратларига интисоб қилишни, у кишига қўл беришни орзу қилар эдилар. Кумушхонавий ҳазратлари у зотга мурожаат қилганларида. “Сизнинг тариқатдаги насибингиз ва тақдирингиз менинг воситам билан эмас. Маъно оламингизни нурлантирмоққа вазифадор бўлган бошқа бир зот бор. Вақту соати келганда унга интисоб қиласиз ва файзингизни ундан оласиз. Кутинг”, – дедилар[6: 303].

Ҳазрат Кумушхонавий интизорликда устоз билан учрашув умидида юрдилар. Шу орада Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари ўз халифаларидан бирига: “Эй дўст Истанбулга бор ва фалон кишини иршод қил. Чунки у биздан кейин соҳиби замон ва раҳбари тариқат бўлгандир. У гул ҳали очилмаган ғунчадир. Ул шаҳарга бошқа ҳар қанча халифалар жўнатилган бўлса-да, унинг насиби азалдан сенга омонат топширилган. Боргил, ҳасрат оловида куйиб, пири муршид қидираётган ўша мушқу анбар ҳидли валоят ғунчасининг очилмоғига хизмат қил. Бу хусусда Ҳазратларимизнинг руҳониятлари сенга мадакдор бўлғай”, деб буюрдилар[6: 304].

Вазифа буюрилган шайх Аҳмад Зиёуддин Арводий эдилар. У киши 1845 йил Истанбулга келдилар. Кумушхонавий ҳазратлари пири муршидларининг келишларидан илоҳий илҳомлар, ҳақиқий тушлар билан хабардор бўлиб, шайх Аддулфаттоҳ ҳазратларининг кулбаларида кўришдилар. Кумушхонавий шайхга интисоб қилдилар. Шайх у кишига бир қанча тариқат, зикр ва сайру сулуқ йўлларини таълим бериб, орадан ғойиб бўлдилар.

Устоз икки йилдан кейин, 1847 йилга такрор келиб, Кумушхонавий ҳазратларига маънавий марҳалалар йўл манзилларни кашф эттирдилар, у зотни юксак руҳоний даражаларга етказиб, Нақшбандия, Қодирия, Суҳравардия, Кубравия, Чиштия тариқатларидан ижозат бердилар. Шайх Арводий ҳазратлари ҳадис илмидан ҳам беҳад теран илмга эга эдилар ва ҳазрат Кумушхонавийга ҳадис илмида ҳам ижозат бердилар. Шайх Кумушхонавийга пири муршидлари 240 та асарни ўқитиш ва ўргатиш вазифасини топширдилар.

Шайх Арводий ўз вазифаларини бажо келтиргандан сўнг, Кумушхонавий ҳазратларига шайх Абдулфаттоҳ билан суҳбатда бар давом бўлиб туришликни тавсия қилиб Истанбулдан кетиб қайтиб келмадилар.

Кумушхонавий ҳазратлари Махмуд пошшо мадрасасидаги ҳужрадан, Истанбулда “Вилоят” теграсида жойлашган жомеъи шарифга кўчиб, умрларининг охиригача талаба ва зикр аҳли билан машғул бўлдилар. Икки марта ҳаж сафарида бўлиб, уч йилдан ортиқ Носирия ва Жомеъ ул-Азҳар дорилфунинида ўз таснифлари бўлган “Ромуз ул-аҳодис” ҳадислар денгизи китобини етти марта ўқитиб, юзлаб араб олимларига илм йўлига ижозат берадилар. Бу китоб ҳазратнинг талабалари ва яқин дўстларининг илтимоси билан ёзилган бўлиб, унда кўп ҳадис китобларидан ҳадислар саралаб олинган бўлиб, ҳадис охирида унинг қайси китобдан олинганлиги ҳижо

ҳарфлари билан кўрсатилган (Бухорий учун хо, Муслим учун мим, Термизий учун та ва ҳоказо). Ҳазрат Кумушхонавий тариқат йўлида беш нафар олий зот араблардан шогирд тайёрлаб, Истанбулга қайтдилар.

Шайх Кумушхонавийнинг муридларининг сони миллиондан ортиқ эди. У киши нафақат илм олиш, одоб ахлоқ соҳасида, балки халқни иқтисодий томондан қўллаб турдилар. Фоизсиз банк туздириб, мухтож бўлганларга ҳожатларини қоплайдиган миқдорда қарз бердириб, қулай шартлар асосида имкониятлари бўлганда қарзларини тўлашларини айтдилар.

Ҳазрат Кумушхонавий илм олувчилар китобхоналар сонини кўпайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида босмаҳона қурдириб, илмий китобларни илм толибларига бепул тарқатганлар.

Ҳазрат кексалик ва беморлик туфайли 1893 йил 25 май куни вафот этганлар.

Тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича, Аҳмад Кумушхонавийнинг шахсий кутубхоналарида 18 жилд асар бўлган. Шайхнинг ўзлари олтмишга яқин тасаввуф, ҳадис, фикҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида қимматли ва улғ асарлар битганлар. Бу асарларнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари Туркия, Миср, Европадаги катта кутубхоналар фондларида, шу қатори Республика-миз Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида ҳам сақланган.

Мустақиллик йилларида олиму уламоларимиз Шайх Кумушхонавий маънавий меросини ўргана бошладилар. 2000 йилда Тошкент, Мавароуннаҳр нашриётидан Мирзо Кенжабек таржималари асосида Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг “Жомеъ ул-мутун” (Аллоҳ таолонинг анвоийи исм сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами), 2007 йил шу нашриётдан Баҳриддин Умрзоқ таржималари “Ромуз ул-аҳодис” – Ҳадислар денгизи асарлари чоп этилди.

Бир гуруҳ таржимонларимиз томонларидан 2014 йили Шарқ нашриёти, ҳазрат Кумушхонавийнинг 2000 саҳифалик “Мажмуат ул-аҳзоб” китобларидан саралаб олинган “Катта дуо ва зикр” номли энг зарурий дуолар тўпланган китоби чоп этилди [7: 2].

Аҳмад Кумушхонавийнинг ҳаёт йўллари, илмга чанқоқликлари, ота-оналари, қариндошлариги нисбатан ҳурмат-иззатлари, халқларига, она ватанларига бўлган муҳаббатлари ва маънавий меросидаги илғор ғоялар ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг қалбида она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахс тимсолида тарбиялашда, ибрат ва маънавий хазина бўла олади. Бу манбалар таржимаси ва таҳлили асосида ёш авлодни тарбиялаш уларни ақидапарастлик, оммавий маданият каби иллатлардан сақлаш учун кучли иммун тизим бўла олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 17 том. –Т., Фан 2001.
2. Кньш А.Д. Мусулманский мистицизм, Москва-Санкт-Петербург. Диля, 2004.
3. Рахматова Х. Нақшбандийликнинг жаҳоний таълимотга айланишида Хожа Ахрор Валийнинг ўрни. Сино.№ 31, 2008.
4. Усмон Турар Тасаввуф тарихи. –Т., Истиқлол 1999.
5. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий “Ромуз ул-аҳодис” – Ҳадислар денгизи, таржимон Баҳриддин Умрзоқ, –Т.: 2007.
6. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий, таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. –Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
7. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий. Катта дуо ва зикр. 2014.

ҚИРОАТ ИЛМИ ВА ҚОРИЛАР ПЕШВОСИ ИМОМ ШОТИБИЙ

Аҳмадхон РАШИДОВ
ЎзХИА магистранти,
Тошкент ислом институти
ўқитувчиси

Ушбу мақолада дунёдаги машҳур қироат илми олимларидан, етти қироатни жамлаган, унинг илмий назариясини ишлаб чиққан, қорилар устози Имом Шотибийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, устоз ва шогирдлари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: тажвид, тартил, қироат, нуқта, ҳаракат, етти қироат.

This article describes the life, scientific works, mentors and students of Imam Shatibi, who was the mentor of the reciters of the Qur'an, the famous scholar of reciting of the Qur'an, who collected seven types of reciting of the Qur'an, and developed a scientific theory of these types.

В этой статье описывается жизнь, научная деятельность, наставники и ученики Имама Шатиби, наставника чтецов Корана, известного ученого чтения Корана, который собрал семь видов чтения Корана, и разработал научную теорию этих чтений.

Қуръони карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан ваҳий орқали бўлиб-бўлиб нозил қилинган ва у зотнинг қалбларида ёд бўлган. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу омонатни саҳобаларга етказганлар. Аста-секин саҳобаи киромларнингичида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган қироат бобида кўзга кўринганлари етишиб чиқа бошлади. Улар бошқа саҳобаи киромларга ва кейинги авлодларга Қуръони карим қироатидан дарс берадиган бўлдилар. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қандай эшитган ва ўрганган бўлсалар, шундай ҳолда тажвид-тартил билан ўзларидан кейингиларга етказганлар ва таълим берганлар.

Вақт ўтиши билан Исломи дини араб жазирасидан бошқа мамлакатларга тарқала бошлагач, араблардан бошқа халқлар орасида Қуръони каримни тиловатини ўрганишда қийинчиликлар юзага келди. Шу боис, уламолар томонидан бу муаммони ҳал этишга киришилди. Аввалда нуқта ва ҳаракатлардан холи бўлган Усманий Мусхафга нуқта ва ҳаракатлар қироат соҳаси мутахассислари ва тилшунос олимлар томонидан қўйилди. Шу тариқа аста-секинлик билан Қуръони каримни ўқувчи ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган қироат ва тажвид қоидалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди.

Қуръон қироати ҳақида сўз юритилганда унинг илмий назарияларини ишлаб чиққан етук олимлар ёдга келади. Мазкур пешқадам олимлардан бири шубҳасиз, Имом Шотибийдир. Ушбу мақолада дунё эъгирифот этган мазкур олимнинг ҳаёти, илмий фаолияти, қолдирган илмий мероси ҳақида сўз юритилади.

Тўлиқ исми, тузилган вақти ва жойи: Қорилар саййиди, шайх, аллома, имом Шотибийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абул Қосим ибн Фирруҳ ибн Халаф ибн Аҳмад ар-Руъайний ал-Андалусий аш-Шотибийдир. У 538/1143 йил Андалусия (ҳозирги Испания)нинг Шотиба шаҳрида таваллуд топган [1: 423]. Манбаларда унинг кўзлари ожиз ҳолда тузилгани зикр қилинади.

Баъзи тадқиқотчилар унинг куняси бўлмиш Абул-Қосимни ўзининг Қосим деган исми дейдилар. Унинг машҳур куняси Абу Муҳаммаддир.

Шунда Абу Муҳаммад Қосим бўлади. Имом Заҳабий “Маърифат ал-қурро ал-кибор”, “Тазкирот ал-хуффоъ”, “ал-Ибар” китобларида, Ибн ал-Жазарий “Ғоят ан-нихоя” китобида, Ибн Қози Шехба “Табақот” китобида Қосим унинг исми эканлигини тўғри, деб таъкидлаганлар.

Фирруҳ номи лотин тили, Андалусия шевасидаги “темир”, “пўлат” маъноларини ифода этади.

Руъайний Ямандаги Зий-Руъайн қабиласига нисбат бўлиб, ушбу қабиллага мансуб одамлар Миср ва бошқа шаҳарларга ҳам кўчиб борган эканлар. Имом Шотибийнинг асли ҳам ушбу қабиллага мансуб ҳисобланади.

Шотибий, дейилишига сабаб эса олимнинг тузилган шаҳарига нисбат беришдир. Шотиба Андалус шарқида қалъа

билан ўралган катта шаҳарнинг номи ҳисобланади.

Ҳаёти, илм йўли ва устозлари: Шотибий ёшлигиданоқ ўзига хос истеъдоди, китобга бўлган муҳаббати, ўтқир зеҳн ва хотираси билан тенгдошларидан ажралиб турар эди.

Зиёли оиласи уни илм йўлида қўллаб-қувватлади ва ёшлигиданоқ уни илмга тарғиб қилди. Шотибий ўша даврда Шотиба шаҳри масжидларида ташкил этилган дарс халқларида қироат, ҳадис, фикҳ каби илмларни қунт билан ўрганди. Ундаги қироат илмига бўлган ўзгача муҳаббати ва қизиқиши уни бу илм билан кўпроқ машғул бўлишига сабаб бўлди.

Абу Амр ибн ас-Салоҳ “Табақот аш-Шофиъийя” асарида ёзишига кўра, Абул Қосим Шотибий ўз ватанида Абдуллоҳ Абу ал-Ос ан-Нафарий олдида Қуръони каримни тўла ҳифз қилди ва ундан етти қироатни ўрганди. Қадимий Андалусиянинг Валенсия шаҳрига кўчиб ўтгач, иккинчи устози Абулҳасан ибн Хузайлдан қироат илмига оид “ат-Тайсир” китобини таълим олди. Мазкур асар умр давомида унинг эсидан чиқмади. Кейинчалик Шотибий мазкур асар асосида ўзининг машҳур қасидасини яратди”.

Машҳур тарихчи Ибн Халикон дейди: “Шотибийнинг устозлари уни Абу Муҳаммад ал-Восил деб атаганлар. Шотибий беҳуда, бефойда ва ортиқча гапирмасди, фақат зарурат юзасидан сўралган нарсага жавоб берарди. У бемор бўлиб қолса, касаллиги ҳақида ҳеч кимга шикоят қилмас ва сездирмасди. Агарда унинг аҳволи сўралса, у “Аллоҳга шукр, соғлигим яхши” деб қўярди, холос.

Шотибийнинг Абул Ҳасан ибн ан-Наъма, Абу Абдуллоҳ ибн ас-Саода, Абу Муҳаммад ибн Омр, Абу Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ, Алим ибн Абдулазиз каби ўз даврининг етук қироат устозларидан ҳам таълим олгани маълум.

Имом Шотибий 572/1177 йилда ҳаж ибодатини амалга ошириш мақсадида сафарга отланади ва сафар давомида Миср давлатининг Искандария шаҳрига етиб келади. У бу шаҳарда яшаб қолган Имом Ҳофиз Абу Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салафа Исфаҳоний ва бошқа олимлардан ҳадис эшитади. Бундан кўриниб турибдики, Шотибий қироат илми билан бир қаторда ҳадис илмини ҳам ўз даврининг йирик уламоларидан ўрганган.

Мақса шаҳрига етиб келганида эса Абу Тоҳир Силфий каби катта олимлардан таълим олади [1: 424]. Шунингдек, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид хузурига шогирдликка бориб ундан машҳур тилшунос олим Сибавайхнинг “Комил” номли китобини ва Ибн Қутайбанин “Адаб ул-Қотиб” номли китобларни ўрганади. Шундан кейин ҳаж сафарига отланади [2: 498].

Абу Шома ас-Саховий Шотибий ҳақида бундай деган: “Шотибий муборак ҳаж зиёрати мақсадида сафар қилади. Натижада, бошқа мамлакатларни ҳам зиёрат қилиб, кўплаб олимлардан таълим олади ва ўз навбатида бошқа шогирдларига таълим беради”.

Шотибий Мисрга сафар қилиб борганида, қози Фозил

Абдурраҳим унинг хурматини бажо келтириб, “Фозилия” мадрасасида талабаларга Қуръон, ҳадис, наҳв ва араб тилидан дарс беришга таклиф қилади ва унга барча қўлай шароитларни яратиб беради. Шу аснода Имом Шотибий бу мадрасада Қуръон қироати устозларига бош бўлади. Шотибий у ерда қироат, луғат, наҳв ва бошқа фойдали илмлардан матонат билан сабоқ бераркан, номи машҳур бўлиб, ҳар томонга ёйилади. Қуръон ўқитиш бўйича раислик даражасига ча етади ва таълим олиш мақсадида ҳар тарафдан талабалар кела бошлади. Атрофдаги инсонлар у кишидаги илм саховатидан худди ер ёмғирдан манфаат олгандек манфаатландилар. Шотибий вафотига чад шу ерда дарс бериб қолган.

Абу Шома Имом Шотибийнинг таквоси ҳақида хабар бериб, айтади: “Менга шайхимиз Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Саҳавий розияллоху анху айтиб беришига кўра, Имом Шотибий ўз юрти бўлмиш Шотибани ташлаб, Миср диёрига кўчиб ўтишларига у зотдан ўз диёрида хатиб бўлишни талаб этишиганида ҳаж зиёрати учун чиқиб кетгани сабаб қилиб келтирилган. У киши имом бўлиб қолсалар, минбарларда подшоҳларни шаръан жоиз бўлмаган сифатлар билан мақташга тўғри келиб қолишдан тақво қилиб, Шотибага қайтмадилар. Қаттиқ қийинчиликка, фақирликка сабр қилдилар. Сўнг Қоҳирага келдилар. У ерда фазилатли қози у кишидан ўз мадрасасида Қуръондан сабоқ беришини сўради. У киши аввалги фақирлигида қолиш шарти билан рози бўлди”.

Тарихий манбаларда қайд этиладики, Султон Малик Носир Салоҳуддин Юсуф ибн Айюб Байтул Мақдис диёрини фатҳ қилгач, ҳиж. 589 / мил. 1193 йилда у киши (Шотибий) зиёратига бориб, Рамазон рўзасини у билан бирга тутди [3: 495].

Юқорида зикр қилинган мадрасани қози Фозил ҳиж. 580 / мил. 1185 йилда ўз ҳовлисининг олдидаги гулзор йўлга барпо қилган бўлиб, уни Шофиъий ва Моликий фақиҳларининг бир гуруҳига вақф қилган. Битта катта хонасини Қуръон қироати учун ажратган ва у ерда имом Шотибий қироатдан илм берарди. Сўнг унинг шоғирди Абу Абдуллоҳ Куртубий, кейинчалик яна бошқалар қироатдан дарс ўтдилар.

Илмий салоҳияти ва ўзига хос хислатлари: Мажлисларда Шотибий илм ва динга манфаати бўлмаган беҳуда сўзлардан тийиларди. Қуръонни тиловат қилиш вақтида доимо таҳоратли бўлар, покиза кийимларини кияр ва Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам буюрганларидек суннатта мувофиқ ҳолда бўлар эди.

Шотибий жуда заковатли бўлиб, диний илмлардан хабардор бўлиш билан бирга шеърят соҳасида ҳам яхшигина иқтидор эгаси сифатида танилган. Кўп ибодатли, қалби эса доимо Аллоҳнинг зикри билан уйғоқ бўлган. Унинг кўзлари ожиз бўлгани билан, ботиний қалби очиқ, зоҳид ва валий сифатидаги кароматли зот эканлиги манбаларда зикр қилинган [3: 485].

Шотибий Қуръони қироати, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳадислари ва тафсир илмида олимлик даражасига етади. Агарда унинг олдида Имом Бухорий ва Имом Муслимларни “Саҳиҳ”лари ва Имом Моликини “ал-Муватто”лардан ҳадис ўқилса, китобга қарамасдан улардаги хатоларни ёддан айтарди ва китобларни грамматик жиҳатдан ҳаракатларидаги жузъий камчиликларни ҳам тўғрилаб қўярди. Чунки, Шотибий ўз замонасининг наҳв илми бўйича ҳам таниқли олимларидан бўлган.

Имом Шотибий хузурларида бир фикҳий масала туғилиб қолди. Шунда у зот бу хусусда ҳужжат айтиб, китоб келтиришни сўради ва: “Бу ҳақда фалон жойдан кидиринглар”, деб, қайси бет, қайси ўрин ва қайси мавзуда келганига айтиб берди. Талабалар далилларни айтилган жойдан топишгач: “Фикҳни ҳам ёдлаганмисиз?” деб сўрашди. Имом Шотибий: “Мен бир туяга юк бўладиган китобларни ёдлаганман”,

деди. “Ундай бўлса, фикҳдан дарс бермайсизми?” дейишди. У зот: “Кўрларники фақат Қуръондир”, деб жавоб берди.

Фаъсий “Мақка тарихи” номли китобида Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф Ҳалабийнинг таржимаи ҳолларида шундай дейди: “У зот бир жойда Қуръон ўқир ва бошқа бир жойда унга ўқиб берилар, сўнг уни ёзар ва шу даражада тўғри ёзардики, қайта-қайта ёзса ҳам, бирор нарса қолиб кетмас, бепарволикка йўл қўймас эди”.

Шайхнинг илм мажлисларида иштирок этган шоғирдлари, у кишидан кўп каромат ва ажойиб насиҳатомуз ҳикоялар тинглаганликларини хурмат билан тилга олиб ўтишади.

Ибн Жазарий: Абул Маъолий ибн Айнул Фузалонинг “Мисбаҳ” номли китобида ушбу нарсани ўқиган эдим: “Имом Шотибий айтадилар: “Мен кетма-кет ўн кеча Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламни равзаи шарифда кўриб, у зотга Қуръон ўқиб бердим. Шунда у зот соллаллоху алайҳи васаллам менга: “Аллоҳ сени шубҳалардан ҳимоя қилсин”, деганлар”.

Имом Шотибийнинг Аллоҳ таолога бўлган ишончи ва қалби кенглиги далолат қилувчи кароматларидан бири ҳақида шоғирди Илмуддин Саҳавий бундай дейди: “Бир куни у зот менга: “Шайтон билан менинг ўртамазда суҳбат бўлиб ўтди. У менга: “Агар бундай қилсанг, сени ҳалок қиламан”, деган эди, мен унга: “Билганингни қил, менга ба-рибир”, дедим”, деди”.

Ҳикоя қилинишича, Имом Шотибийга яқин жойда ўтирган икки киши баҳслашиб кетиб, бир-бирларини туркий тилда ҳақорат қила бошлашди. Шунда Шотибийдан нима деяётганлари ҳақида сўралди. У зот улардан бирини сўроқ қилиб, ўнг тарафига ўтиргизди. Сўнг иккинчисини сўроқ қилиб, чап томонига ўтиргизди ва: “Мана буниси бундай-бундай, деган эди, униси бундай-бундай, деб жавоб қайтарди. Сўнг буниси бундай-бундай, деган эди, униси бундай-бундай жавоб қайтарди”, дея бўлган воқеани охиригача туркий тилда айтиб берди. Ваҳоланки, у зот бу тилни билмас эди.

Тож ибн Субкий айтади: “Шотибий тақводор уламолардан ва Аллоҳнинг мухлис бандаларидан эди”.

Имом Шотибийнинг ҳаётидаги гўзал воқеалардан яна бири, у Мисрга борган вақтида Миср волийси у зотга жуда катта хурмат кўрсатиб ўзининг саройидан жой бериб, гўзаллик ва насабда тенги йўқ аслзода аёллардан бирига никоҳлаб қўяди. Кейинчалик бир қанча канизаклар унинг аёлига фитна қилиб “Сиз гўзал, тенги йўқ, аслзода аёл эдингиз подшоҳимиз сизни кўзи ожиз кишига никоҳлаб берди, қироат имоми бўлса ҳам сизни тенгингиз эмас, у кишининг кўп вақти мадрасада ўтса, сизнинг қадрингизга етармиди? Сиз у кишидан талоғингизни сўранг, сўнгра фалончи вазир ёки фалончи шаҳзодага тегиб оласиз!”, дейдилар. Имом Шотибий мадрасадан келиб таҳорат олмоқчи бўлиб турганида, унинг рафиқаси юқорида канизаклар унга айтиб ўтган сифатларини зикр қилиб бу сифатлардан эса, Шотибийнинг беҳабарлиги, яъни, рафиқасини жамолда тенги йўқ аёллардан эканини кўра олмаслигини айтиб, эридан талоғини беришлигини сўрайди. Шунда Шотибий рафиқасига таҳоратга сув олиб келишлигини буюради. Рафиқаси сувни олиб келганида, Шотибий уни ёнига чўккалаб ўтиришини буюради. Рафиқасининг сочлари орасида бор йўғи бир дона оқ сочини сочлари орасидан топиб: “Мана буни кўрдингми? Мен сени кўраман ва жамолингни қадрлайман, хотиржам бўл!” дейди. Шундан сўнг аёли айтган сўзларига пушаймонлигини айтиб, кечирим сўрайди.

Ривоятларга кўра, Шотибий “Фозилия” мадрасасида субҳ намозини ўқигач, қироатдан дарс беришга ўтирар эди. Кишилар ўқиб беришга навбат олиш учун бир-бирлари билан мусобақалашини тунда бошлаб, у зот хузурига етиб келишар эди. Шотибий ўз ўринларига ўтиргач, “Ким би-

ринчи келган бўлса, ўқисин”, деган сўздан бошқани гапирмас эди. Сўнг биринчи келган кишининг, кейин ундан сўнг келган кишининг дарсини тинглар эди. Бир куни Шотибий одатта хилоф равишда: “Ким иккинчи бўлиб келган бўлса, ўша ўқисин”, дейди. Иккинчи келган киши ўқишни бошлади. Биринчи келган талаба қолиб кетганидан хайрон бўлиб, бунинг сабабини билолмай, “Шайхнинг дарсидан махрум бўлишимга қайси гуноҳим сабаб бўлди экан”, деб ўйлаиб қолади ва ўша кечаси эҳтилом бўлгани, қироатга иштиёқи қаттиқлигидан ғул қилишни унутгани ва уйқудан турибоқ шайх хузурига келганини эслайди. Шотибий бундан воқиф бўлгани учун унинг эмас, иккинчи келган кишининг ўқишига ишора қилган бўлади. Сўнгра ҳалиги йигит мадраса ёнидаги ҳаммомга югуриб боради ва ғул қилиб, шайх ўша иккинчи киши қироатини тинглаб тугатмасиданоқ етиб келади. Кўзи ожиз шайх аввалги ҳолатида ўтирар эди. Иккинчи қори қироатини тугатиши билан у: “Ким биринчи келган бўлса, ўқисин”, дейди. Йигит қироатни бошлади. Мана бу ҳолат қориларнинг шайхларидан билганларимизнинг энг гўзал воқеалардан биридир.

Шогирдлари: Имом Шотибийдан ўз замонининг йирик алломаларига айланган шахслар таълим олган. Жумладан, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ас-Саҳавий қироат илмларини таълим олган. Айнан Абул Ҳасан ас-Саҳавий устози Шотибийнинг вафотидан сўнг қориларнинг устози сифатида эътироф этилган. Бундан ташқари, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ал-Қуртубий, Саид Исо ибн Маккий, Муртазо ибн Жамоъа, Камол ибн Али аш-Шужоъ аз-Зарир (Шотибийнинг куёви), Зайн Муҳаммад ибн Умар ал-Қурдий, Абул Қосим Абдурахмон ибн Саид Шофиъий, Исо ибн Юсуф ибн Исмоил ал-Мақдисий, Али ибн Муҳаммад ибн Мусо ан-Нажибий, Абдурахмон ибн Исмоил ал-Тунисий ва бошқалар.

Илмий мероси: Шотибийни дунёга танитган жиҳат унинг илмий меросидир. У асарларини араб тилида, асосан, назмда битди. Жумладан, ислом оламида эътироф этилган, етти қироат қоидаларини назарий баён қилувчи “Ҳирз ал-амоний ва ваҳж ат-тахоний” номли асари. Бу асар ўқилиши ва ёд олинishi осон бўлгани боис асрлар давомида мадрасаларда асосий дарслик бўлиб хизмат қилди. Жумладан, бир неча аср Бухоро мадрасаларида унинг “Ҳирз ал-амоний ва

ваҳж ат-тахоний” асари ўқитиб келинган. Асар 1173 та байтдан иборат манзума бўлиб, ҳар бир байтнинг охири “лом” ҳарфи билан тугайди.

Ривоят қилинишича, олим мазкур асарини ёзиб бўлганидан сўнг Каъбани ўн икки минг марта айланиб тавоф этган ва ҳар айланишда: “Эй Аллоҳим, асаримни халққа фойдали қилгин!”, – дея дуо қилган экан. Манбаларда унинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни тушида кўргани нақл қилинади. У Расулulloҳга мазкур китобини кўрсатибди. Ул зоти барокотли китобни қўлларига олиб, “Яхши китоб бўлибди, ким уни ўқиса, жаннатга кирсин”, деб дуо қилибдилар[4: 75].

Қироат илми уламоларидан Имом Жазарий айтади: “Ломийя” нусхаси устига битиб қўйилган қуйидаги матнни кўрганман: “Шотибийдан ривоят қилинишича, ким бу қасидани ёдласа, жаннатга қиради”. Ушбу ёзувни ўқиган қорилардан бири бу ҳақда сўраш учун унинг хузурига боради. Сўралмасидан туриб, у зотнинг кароматлари сабабли аён бўлган ҳолда: “Ҳа, ким ёдласа, жаннатга қиради, ҳатто ким вафот қилса-ю, ушбу қасида уйида бўлса ҳам, жаннатга қиради”, деган.

Бундан ташқари, Шотибийнинг қироат илмига бағишланган ўнга яқин асари мавжуд ва улар ҳозиргача қайта-қайта нашр қилинмоқда. Жумладан, Ибн Абдул Баррнинг “Тамҳид” номли китобини қасида услубида 500 байтдан иборат ҳолатда битган ва “Қасидайи долийя” деб номлаган. Олимнинг “Нозима аз-зуҳар фий аъдади оёт ас-сувар” номли асари ҳам машҳур.

Вафоти: Шотибий 590 ҳижрий йилнинг 28 жумадул-охир ойи, милодий 1194 йил, 20 июн куни 52 ёшида Мисрда вафот этди ва душанба куни Султон Салоҳиддин Юсуф ибн Айюбнинг вазири, дўсти ва кўмакчиси ҳамда “Иншо” девонининг соҳиби, қози Абдурахим ибн Али ибн Ҳасан Қозий Лахмий Асқалоний Мисрий қабрига дафн қилинди. Қоҳиранинг Вафора қишлоғида жойлашган ушбу мақбара зиёратгоҳга айланган. Таниқли қироат олими Жазарий у ҳақда айтади: “Мен Шотибийнинг қабрини бир неча марта ўз шогирдларим билан зиёрат қилдим. У киши қабри олдида туриб, шогирдларим билан қилган дуойимни Аллоҳ ижобат этди”.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Дару ал-фикҳ нашриёти, 1997. 5-жуз.
2. Абу Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абу Бакр ибн Халликон. Вафайот ал-аъён. – Байрут: Дару ал-Фикр нашриёти, 1998. 3-жуз.
3. Марҳум Тошкўприқзода Аҳмад афанди. Мавзӯот ал-Илм. – Истанбул. 1894.
4. Алий Али Қори. Ал-Минаҳ ал-фикрия шарҳи матн ал-Жазария. – Миср: Ал-Азҳар нашриёти, 1308.

ХОЖАГОН (ЕТТИ ПИР) ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЛМИЙ- МАЪРИФИЙ МЕРОСИ

Нигора САФАРОВА
НавДПИ кафедра мудури, ф.ф.д., проф.,
Нигина ШАМСУТДИНОВА
НавДПИ докторанти

Мақола муаллифлари хожагон сўфийлик таълимотини ҳақиқий воқеликка эришиши йўли эканлиги, бу таълимот инсоннинг аслида қим эканлиги эмас, балки у қимил инсон бўлиши учун зарур бўлган нарсаларни ҳам англашнинг бир йўли деб ҳисоблайдилар.

Таянч сўзлар: ваҳдатул вужуд, тажаллий, Ҳақ жамоли ва жалоли, мутасаввиф, солиқ, мурид.

Хожагон тасаввуфий таълимотининг фалсафий асоси «ваҳдатул вужуд» бўлиб, борлиқ-ягона асл зотнинг тажаллийси, нури деб қаралади. Мутасаввифларнинг таълимоти бўйича, бутун борлиқ Ҳақнинг жамоли ва жалоли (буюклиги)нинг тажаллийси ва кўринишларидир. «Қалб тўла софликни топганидан

The authors of the article consider the Sufi teachings of Hodjagon as a way of understanding the true reality, a teaching not only about who a person is, but also what it should be ideally.

Авторы статьи рассматривают суфийского учения ходжагон, как путь постижения истинной реальности, учение не только о том, кто есть человек, но и каким он должен быть в идеале.

сўнг, – деб ёзади Хожа Али Ромитаний, – унда ваҳдониятнинг нури порлар, у тажаллий аҳли бўлур» [5: 25].

Мутасаввифлар таълимотига кўра, бу тушунча «тавҳиднинг энг сўнг эришиладиган ва энг муқаммал ҳолидир» [8:172].

Турк олими Усмон Турорнинг таъкидлашича, тавҳид уч

турлидир:

1) авом тавҳиди: бу асарнинг асар эгасига, санъат асарининг санъаткорга далолат қилиши асосида ҳаракат қилиб ҳужжат келтириш йўли билан коинотнинг ҳам бир яратувчиси борлигига ҳукм қилмоқдан иборатдир. Бунга тавҳиди иймоний ва тавҳиди илмий дейилади.

2) хосларнинг тавҳиди: сабабларни бир томонга ташлаб, оламда жараён этаётган ёмон ва яхши, фойдали ва зарарли ҳар ишда Ҳақдан бошқа нарсани кўрмасликдир. Бу тавҳидга эришган киши таваккалга ноил бўлиб, халққа шикоят қилмайди. Чунки ҳамма нарсани Аллоҳдан деб билади. Унинг кўзига Аллоҳдан бошқа нарса кўринмайди. Бунга эса, тавҳиди ҳолий дейилади.

3) хосларнинг хосларига оид тавҳид: бу тавҳидга кўра Жаноби ҳақ ҳар лаҳза фардоният (танҳолик) ва ваҳдоният (яккалик) сифатларига эга эканлиги ва, ҳақиқатан, ундан ташқарида ҳеч нарса йўқлигини завқ-ла билмоқдир. Бу орифлар ва сиддиқлар тавҳидидир. Бунга тавҳиди илоҳий дейилади. Абдуллоҳ Ансорий буни «фано филлоҳга» эришмоқ орқалигина амалга ошишини ва буни изоҳлаб бўлмаслигини айтган [7: 127].

Хожагон таълимотида тавҳиднинг энг мукамал ифодаси бўлган орифлар ва сиддиқлар тавҳиди «тавҳиди илоҳий» маъносида талқин қилинади. Чунончи Ориф Ревгарий ёзади: «Аллоҳнинг толиби ва ҳақ йўлидаги солиқ! Дунёни тарк этмоқ дегани («фано филлоҳ – С.Н.») Аллоҳдан бошқа нақш (ном)ни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмақ демакдир ва бу иш олий даражага етмоғинга ҳужжат бўлмай. Барча роҳ-равеш йўлда охириги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат шу тарзда амалга ошгай»[8: 3].

Яна: «Агар мардум (халқ) ориф нури-тажаллийсини кўрса, анда куйгай ва ориф вужуд (Худо) нурини кўрса, – анда куйгай! Ориф Ҳақдан Ҳаққа, олим далил исботдан –Ҳаққа бормагай, важд бу ҳар икки ҳолга ҳам муҳтож эмас».

Хожагон тариқатида «ваҳдатул вужуд» таълимоти «Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай борлиқ йўқ» тарзидаги тавҳид бўлиб, у Аллоҳга яқинлик пайдо қилиш натижасида ҳосил бўлган бир ҳолдирки, солиқ бу мартабада Аллоҳдан ташқаридаги ҳамма нарсани, ҳатто, ўзини ҳам йўқ хисоблайди. Имом Ғаззолий «Мишкот ул-анвор» асарида бу тушунчани аниқ ифодалаб, бундай дейди: «Орифлар мажоз чуқуридан ҳақиқат сари юксалиб, маънавий меърожларини тамомлагач, мушоҳада йўли билан кўрдиларки, борлиқда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ ва унинг борлигидан бошқа ҳар нарса ҳалок бўлувчидир». Бу ердаги «ҳалок бўлувчидир» ифодаси билан маълум бир замон тушунилмай, абадийлик устида сўз бораётир, чунки Ревгарий таъбирича, дунёни тарк этмоқ дегани Аллоҳдан бошқа номни унутмоқдир.

Хожагон тариқати мутасаввифлари таъкидлашчи, орифнинг энг юксак мақомга этишган ҳолати – бу унинг фаришта (малак) даражасига кўтарилишидир. Чунончи, Ориф Ревгарий ёзади: «...Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзини малоикага монанд этсин. Яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф (руҳдек пок. – Ш.Н.) бўлиш ва ҳамма вақт зокир (Аллоҳни зикр этувчи) ва мудом бандалик аҳду паймонида жидду жаҳд айлаб саъй-ҳаракат қилсин. Яъни ҳақ азза исмуҳу ва зотухудан ўзга зотни ўзига маҳбуб этмасин ва Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмасин»[8: 3].

Мутасаввифлар руҳ ва жисмдан иборат инсонни илоҳий олам билан жисм олами орасидаги чегара деб биладилар ва тонгта ўхшатадилар. Тонг тун ва кунни бир-биридан ажратувчи чегара бўлгани каби, инсон ҳам моддий олам билан илоҳий олам ўртасидаги чегарадир. Шундай экан, қандай қилиб, жисм олами илоҳий оламга, инсон жисмийликдан илоҳийликка айланади? Буни мутасаввифлар жисмнинг фоний бўлиши ва Руҳнинг Мутлақиятга кўшилиши – васлнинг юз бериши, деб изоҳлайдилар. Уларнинг таъкидлашчи, агар инсон руҳи заминий алоқалар, жисм қолипидан қутулса, қуш боласи тухуми-

ни ёриб чиққандай моддий қобиқни ёриб чиқса, Мутлақ руҳга кўшилади. Мутлақ Руҳ – кулл, ваҳдат, инсон руҳи – жузъ, ундан ажралган шох. Жузъ куллга кўшилса, у ҳам куллга айланади, яъни моддийликдан илоҳийликка айланади. Масалан, Али Ромитаний ёзади:

«(Руҳ) тўла софликни топганидан сўнг, унда ваҳдониятнинг нури порлар, у тажаллий аҳли бўлур ва фарёд чиқарар».

Рубоий:

Зи он май хурамки, руҳ хушона уст,

Масте шудамки, асл паймонаи уст.

Дуде ба ман омад, оташе бар ман задки,

3-он шамки, офтоб парвонаи уст [10: 23].

Мазмуни:

«Шундай май ичдимки, руҳ роҳатланди,

Маст бўлдимки, ақл паймона бўлди.

Тутун менга келиб, оташ менга урилди,

Шундай шамки, офтоб ҳам парвона бўлди».

Шу ўринда, Фаридуддин Аттор бу масалани шундай талқин этади ва одамни кўзага, илоҳийликни дарёга қиёслайди. Кўза сувга ботирилганида, то ичи сувга тўлгунча култиллаган овоз чиқаради, аммо ичига сув тўлганидан кейин у овоз чиқармай қўяди, дарёга қўшилиб кетади. Шоир бундан қуйидаги хулосани чиқарган: аслимиз илоҳга етгунча нола қиламиз, илоҳга етганимиздан сўнг эса, у билан бирлашиб кетамиз, ноламиз ҳам тугайди. Бундан ташқари, кўзанинг вужуди лойдан, инсоннинг вужуди ҳам шундай: унинг ичи ва таши сувга, яъни руҳга тўлса, лойдан асар қолмайди. Дарё ичида қалбинг ҳам дарёга айланади, қалб кўзи очилади, шунда тахти сурайёда бўлади:

Агар ту ғарқа ойи ҳам ба дарё,

Сари тахтат кушо бошад – сурайё.

(Агар сен дарёга ғарқ бўлсанг-да, тахтинг бошини оч, бўлса гар у сурайё) [2: 61].

Аллоҳга ва дунёга бўлган муҳаббатлари ва Аллоҳни англаган даражаларига қараб тасаввуф аҳли одамларни икки бир-бирига зид тоифаларга – нурий ва норий кишиларга ажратган.

Аҳли дўзах, аҳли жаннат ҳам дўкон,

Ўртада лекин чизик бордир ниҳон.

Аҳли нору аҳли нур ҳам қоришиқ,

Кўҳи Қофдек ўртада тоғ бор тўсиқ[4: 246].

Нурий инсонлардаги қудрат ва каромат, маънавий етуклик – уларнинг тақволари эвазига Аллоҳ таоло берган бир илоҳий неъмат, Аллоҳ таоло қудрати ва камолотининг муайян миқдордаги давомидир.

Тасаввуф таълимотига кўра, инсон бир томондан руҳ, жондан ташкил топган, иккинчи томондан, жисмдан таркиб топган. Инсоннинг руҳи жони унинг илоҳий абадий томонини ташкил этади. Руҳ барча мутасаввифлар, шу жумладан, Хожагон тариқати мутасаввифлари фикрича, илоҳийдир. «Руҳ қалбнинг илоҳий кўзгусидир». Ҳар бир инсонда руҳ мавжуд экан, бинобарин у ўзидаги илоҳий томонини англаши, унга интилиши зарур. Ўзидаги буюк оламни тушуниши ила у ҳақни англаб етади. Шунинг учун «Худшуноси Худошуноси аст», яъни «Ўзини англаган Ҳақни англайди» дейдилар. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон бунда юксакликка эришиш учун ўзи ҳам унга интилиши керак. Юксалиш инсоннинг яшаш тарзи, аъмол ва қилмишларига боғлиқ бўлади. Маънавий юксалишга интилса, у юқорига томон юксалиб, Худо васлига, илоҳий оламга етишиши мумкин. Руҳ жисмдан ажралмасдан ҳам шу мартабани эгаллаши мумкинми? Мумкин, дейди тасаввуф аҳли. Агар инсон камолоти олий даражага кўтарилиб, у Ҳаққа восил бўлган бўлса, яъни илоҳий маърифат, ҳикмату-дониш-ла лиммо-лим бўлиб, моддий вужудини унутиб, руҳий-илоҳий вужудга айланиши мумкин.

Хожагон тариқати мутасаввифлари солиқларни, ўз асҳобларини, мурид-у, шогирдларини орифона ҳаёт кечириб, шундай ҳолатга эришишга чақирганлар. Шундай ҳолатга эришишларига тилакдош бўлганлар. Аммо, уларнинг фикрича,

бундай мақомга фақат «важд» ҳолатига тушган орифгина эришиши мумкин. Масалан, Ориф Ревгарий ёзади: «Инсон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилгандир. Лекин касб-ҳунар мақомига эришмоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнида саъй-ҳаракат ва таважжух, риёзат чекишини ва жидду-жаҳд ила ёмон хислатларни йўқотиши оқибатида покизалик ва пок хислатлар ҳосил бўлмай ва даражама даража тараққий этиб, камолот мартабаси ва шарафи висолга эришмай. Аммо бу ўринда солиқ учун бирламчи важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдирки, ул кашфнинг муқаддимаси ва кашф-маърифатнинг ва маърифат мушоҳаданинг муқаддимасидир. Ва шундан сўнггина унга ғайб эҳсон муясар бўлур. Агар мардум (халқ) ориф нури тажаллийсини кўрса, анда куйгай ва агар ориф Вужуд (Худо) нури кўрса, анда куйгай. Ориф Ҳақдан Ҳаққа, олим далил исботдан ҳаққа бормамай, важд, бу ҳар икки ҳолга ҳам муҳтож эмас» [8: 6]. Демак, важд бу ориф учун Ҳаққа етишмоқнинг мақомларидан биридир.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожагон тариқати фалсафий асосини ботиний фалсафа деб баҳолаш мумкин, зероки, у ботиний ҳақиқатга етишиш йўллари ва воситалари ҳақидаги таълимот яратилган ҳаракат қилган. Агар моддий олам қонуниятлари илм, ақл-идрок ва тажрибага асосланган зоҳирий билимлар билан анланса, ботиний фалсафа бўлган Хожагон таълимоти кашф, илҳом, мушоҳада илоҳий ишқ воситаси билан ҳақиқатга етишишни уқтиради. Агар инсон ўзининг ботиний оламига саёҳат этса, уни таҳлил этса, ўшанда яратувчисини англайди, яратувчисини инсон жисмоний кўз билан кузата олмайди. Ҳақ васлига етишиш учун валийлар шундай руҳий ҳолатда бўлганларки, буни «важд ҳолати» деб билганлар, яъни ўз жисмидан ажралиб, маконда чегарланмаган руҳий саёҳат қилганлар. Чунки тасаввуф фалсафасида ҳар бир одам танасида икки одамни кузатиши мумкин:

1. Жисмда мужассамлашган одам, яъни «олами асгар» ва ички, руҳий, ботиний олам – «олами акбар». Бошқача қилиб айтганда, «микрокосм» ва «макркосм». «Олами асгар» бутун жисмоний табиий оламнинг кичиклаштирилган ҳолати бўлса, «олами акбар» руҳий дунёнинг катталаштирилган ҳолатидир. Ўзининг аслини билган, «олами акбар»ни анлаган инсонлар учун жисм – бир либос. Либос ичида инсоннинг танаси жойлашганидек, жисм ичида инсоннинг асли ҳақиқати жойлашган бўлади. Инсон ўзининг руҳий, яъни ҳақиқий, абадий томонига эътибор бериб, юксакликка интила бошлайди. Инсонда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, юксаклик ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Комил инсоннинг сифат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан, илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Солиқ мана шундай ҳолатга тушгандагина орифлик даражасига кўтарила олади.

Хожагон тариқати мутасаввифларининг илм ва маърифатни чуқур эгаллашга оид фикр-мулоҳазалари ва солиқнинг бу йўлда тинмай саъй-ҳаракат қилишга этган даъватлари ҳозирги давримиз учун ҳам катта маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, тасаввуфий таълимотнинг, шу жумладан, Хожагон тариқатининг ҳам асосий мақсад ва вазифаси инсонни маънавий юксакликка эришишга даъват этиши ва унга элтувчи сулуқ (йўллар) ва воситаларни кўрсатишдир. Шунинг учун Хожагон мутасаввифлари солиқнинг маънавий юксалиш йўлида босиб ўтиши зарур бўлган маърифат босқичига кўтарилишининг маърифий асосларига катта аҳамият берган ҳолда ўз ирфоний таълимотларини яратдилар.

Тасаввуфда солиқ комил инсон даражасига кўтарилиши учун шариат ва тариқат босқичини босиб ўтиб, маърифат босқичига кўтарилади. Шунинг учун тасаввуфда маърифат босқичи алоҳида ўрин эгаллайди ва унинг қатор таъриф ва

ҳақиқатлари бор. Умуман айтганда, тасаввуфда маърифатнинг мазмун-моҳияти жуда кенг ҳамда у иймон ва ислом, илм ва тафаккур, унсият ва таваққул ишқ ва тавҳид, фано ва бақо каби ўнлаб тушунчаларнинг бирлигидан таркиб топган. Тасаввуфда маърифат босқичи қандай ўринни эгаллаши, қандай маънони англатиши ҳақида ўрта аср муаллифларидан бири Сирри Сақотий (вафоти х.251 й. м.865 й.) шундай дейди: «Тасаввуф уч маънони ўз ичига олган атамадир:

- а) маърифатнинг нури вараънинг нури сўндирмайди;
- б) ботин илмига оид бирор сўзни китоб (яъни Қуръон – Н.Ш) ва суннатга қарши ишлатмайди.;
- в) кароматларни, сирларни, Аллоҳ билан ўзининг орасидаги хос сирларни элга билдирмайди» [6: 17].

Шунинг учун ҳам тасаввуфда маърифат илми ботиний илм деб ҳам юритилган. Чунки тасаввуф аҳли диний ва дунёвий илмларни бирга қўшиб, «зоҳирий илмлар» деб атаганлар. Уларнинг таъкидланишича, зоҳирий билимлар билан Аллоҳни билиш қийин. Аммо зоҳирий билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга яроқсиз бўлса-да, лекин дунёни билиш Аллоҳни билишнинг биринчи босқичи, яъни Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак, чунки дунё – касрат, яъни кўплик олами, Аллоҳнинг ижоди. Унинг қудрати, сифатларини намоён этиб турадиган кўзгу.

Демак, моддий дунёдаги жамики илм, инсонларнинг тўплаган ҳикмат-донишлари, ҳали очилмаган барча сиру-асрорлар Аллоҳга тегишли, Аллоҳ ҳикматларининг жамулжами, бизнинг билимлар эса унинг тафсири, шарҳи. Шундай экан, Аллоҳни билиш учун биз, унинг сифатларини билишдан зотини билишга қараб боришимиз керак бўлади.

Маърифат тариқатнинг хосиласи ва бевосита давоми бўлиб, уни илоҳшунослик илми, ботиний илм деб ҳисоблаш мумкин.

Шунинг учун илм-маърифат, орифлик каби масалалар Хожагон тариқати мутасаввифлари маънавий меросида ҳам ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Хожагонлар таъкидлашича, тариқат йўлига кирган ҳар бир солиқ бутун умри давомида покланиб бориши, диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, маънавий-ахлоқий етуқлик, яъни комил инсон даражасига кўтарилиши зарур. Комил инсон ким ва унинг асосий фазилатлари нималардан иборат? Азизиддин Насафий ўзининг ирфоний қарашларида комил инсон шариат ва ҳақиқатда етук бўлган инсон деб, таърифлаган. Мутафаккир комилликда қуйидаги тўрт нарсга камолга етган бўлишини уқтирган, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф. Демак, комил инсоннинг энг муҳим сифатларидан бири – маърифат. Шунинг учун ҳам Хожагон тариқати мутасаввифлари маънавий меросида маърифат диққат-эътиборда турган энг муҳим масалалардан биридир. Уларнинг таъкидлашича, орифлик даражасига етишишни орзу қилган ҳар бир солиқнинг вазифаси толиби илм бўлиш ва катта саъй-ҳаракат, риёзат билан илм эгаллашдир. Чунончи, Ориф Ревгарий ёзади: «Инсон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилгандур, лекин касб-ҳунар мақомига эришмоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнида саъй-ҳаракат ва таважжух, кўплаб риёзат чекиш ва жидду жаҳд ила ёмон хислатларни йўқотиш оқибатида покизалик ва пок хислатлар ҳосил бўлмай ва даражама даража тараққий этиб, камолот мартабаси ва шарафу висолга эришмай» [8: 6]. Бу ерда Ревгарий орифликка эришишнинг икки муҳим томонига эътибор беради: аввало, комил инсон ёки ориф ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади: иккинчидан, орифлик катта саъй-ҳаракат ва риёзат йўли билан қўлга киритиладиган юксак мартабадир.

Хожагон мутасаввифларининг маърифат, орифлик ҳақидаги ғояларининг улкан инсонпарварлик аҳамияти шундаки, уларнинг фикрича, орифлик даражасига етган ҳар бир солиқ ўзи ҳосил қилган илму маърифатдан, орифликдан бошқаларни ҳам

бахраманд қилмоғи зарур: «Эй Ориф! Юқоридаги сабоқларни ўзлаштирдиг, сенинг эндиги вазифанг – Қуръонни вожибут таъзим (таъзимга сазовор Қуръон)дан ва расули каримнинг ҳадисларидан ва парhezкор аҳдуллоҳлар (яъни Аллоҳга яқин кишилардан) панду насихатлари, ҳикматларидан баҳра олиб, бошқаларни ҳам бахраманд этгайсан ва тўғри йўлга бошлагайсан. Зеро, улар ҳам сенинг ҳақиқий биродарларингдур».

Инсоннинг камолга етишишида илм-маърифат асосий фазилат эканлигини тариқатнинг асосчиси Абдуҳолик Ғиждувоний унинг қадрини доимо баланд тутишини таъкидлаган. Манбаларда нақл қилинишича, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний қабул қилинаётган соликка қўйиладиган бешта талаб-хислатнинг иккинчиси – илмни дунё ишларидан юқори қўйиш деб таъкидлаган. Унинг илмни улуғловчи қўйидаги рубойиси юқоридаги нақлнинг маълум даражада ҳақиқатга асосланганлигидан далолат беради:

*Эй толиби Хақ, ба дўст пардоз мудом,
Дар роҳи сафо илм барафроз мудом.
Хоҳи ки, зи асҳоби шуурат хонанд
Тақдирни Худо шуури худ соз мудом [9: 147].*

Мазмуни:

*Эй, Хақ толиби, ўзингни дўстлик билан безат,
Поклик йўлида илмингни юксалтир.
Сени илоҳий илмга эришганлардан ҳисоблашларини хоҳласан,
Ўз илмингни Худонинг тақдирини (неъматидан) ҳисобла.*

Ғиждувоний илм ўрганмасдан туриб, бирор илмга киришмасликка, ҳар илмни ўрганган киши унга амал қилиши кераклигига, қилинадиган амалларни сидқи дилдан қилишга, доимо илмнинг қадрини баланд тутишга даъват этган. Чунончи, «Мақомоти Мири Қуллол»да Абдуҳолик Ғиждувонийнинг муридларига таъкидлаган қўйидаги ўғитлари келтирилади: «қаерда бўлманг, сизнинг олдингизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, тўсиқлар, дарёлар, оловлар бўлса ҳам, сиз уларни бартараф этиб, билимни эгаллашингиз керак. Фақат илмгина инсонга ҳақиқий руҳ, роҳат бағишлайди» [11: 33].

Хожагон мутасаввифларининг илм-маърифат ҳақидаги ғояларининг улкан тарбиявий аҳамиятларидан бири шундаки, уларнинг илмни муқаддас ҳисоблаб, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида илм қадрига етмаганларга «дастурхон» қилиб ёзишини ёки пуллашини қаттиқ қоралаганлар. Буни илмни хор этиш деб ҳисоблаганлар. «Ориф эмас, ул кишиким, илм ва маърифатни пулдор дунёпараст ва бадавлат одамлар олдига «дастурхон», бозор, балки хор айлагай» [8: 7].

Мутасаввифларнинг таъкидлашича, солик илм олиш йўлида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олиши керак. Бу мақсадга эришиш учун соликка сув ва олов, дашт ва сахро ҳам тўсиқ бўла олмаслиги керак. «Аллоҳ таоло фармонларига мутаважжих бўлинг! Қаерда бўлманг, илм талабидан узоқда юрманг ва агар обу оташ дарёларига дуч келсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинг-у, илмга етинг», – деб уқтиради Амир Қуллол.

Мухими шуки, Хожагонларнинг панд-насихатларида илмли одам комил инсон, юксак ахлоқли киши билан тенглаштирилади. Шунинг учун ҳам шайх ва муршид ўз муриддини бор билимларидан хабардор қилишни, яъни ҳам илоҳий, ҳам дунёвий билимларни унга ўргатиши керак.

Хожагонларнинг таъкидлашича, билим инсонни икки дунё – ҳам моддий дунё, ҳам охираат саодатига етказувчи асосий омилдир. Манбаларда Амир Қуллолнинг бу ҳақдаги ушбу фикрлари келтирилган: «Ва яна олимларга мулозамат қилинг, уларга яқинлашинг, чунки бу тоифа Муҳаммад саллоллоҳу алайҳисалом бу ҳақда айтибдурларки, «Ал-уламоу ворисан набий». Эй, ёронлар, зинҳор бундай олимлар билан алоқани узманг, ҳар икки оламда ҳам нажот топувчилардан бўлгайсизлар» [1: 31].

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тасаввуф аҳли билимни иккига: зоҳирий ва ботиний билимларга ажратади. Хожа-

гонлар фикрича, шариат билимлари ва дунёвий билимлар зоҳирий билимдир. Зоҳирий билимлар Яратганни билишнинг биринчи босқичидир. Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Чунки моддий олам, борлиқ Аллоҳ таолонинг тажаллийси бўлиб, улар ўртасида изчил уйғунлик бордир. Хожагонлар моддий олам ҳақидаги ва шариат билимларини илм ал-яқин ва айн ал-яқин деб атаганлар.

Солик эришган маърифат босқичи эса ботиний илм ҳисобланиб, солик эгаллаган «Хаққ – ал-яқин» («Шак-шубҳасиз ҳаққа етишиш» – С.Н.) даражасидаги илмдир. Хожагонлар таъкидлашича, бу икки хил, икки даража илмлар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Масалан, Хожа Ориф Ревгарий ёзади: «Илм ал-яқин ва айн ал-яқин бўлмаганидан кейин бу ҳақда (яъни ҳақ ал-яқин ҳақида – С.Н.) ўйлашнинг фойдаси йўқ» [8: 7].

Шу муносабат билан тасаввуфда, хусусан, Хожагон-Нақшбандия тариқати ирфоний таълимотида «яқиний» ва «ладуний» билимлар ҳақидаги фикрларда бироз тўхталиб ўтиш зарур. Бу илмларнинг моҳияти ҳақида Хусайн Воиз Кошифийнинг «Рашоҳот айн ал-ҳаёт» асарида шундай маълумот келтирилади: «Ладуний ва яқиний илмларнинг орасидаги фарқ шундаки, яқиний илм асл зотининг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдур. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва ҳақнинг каломларини фарқлай олишдадир» [3: 28].

Демак, ушбу таълимот бўйича яқиний илм орқали сўфий Тангрининг зоти ва сифатларини, нурларини идрок этади. Ладуний илмда эса илҳом орқали Хақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Мутасаввифлар уларни юқори қўйиб, илмларнинг энг юксаги деб қараганлар. Чунки асл мақсад нурларни кўриш эмас, балки ҳақ моҳияти ва каломларининг маъносини англамоқдир.

Агар яқиний илмлар мусохаба ва мушоҳада йўллари билан эгалланса, ладуний илм муқошифа йўли билан эгалланади. Бундай билимларни эса фақат ҳол мақомига эришган солик эгаллаши мумкин. Ҳол мақоми эса бир неча босқичлардан иборат.

Биринчиси – қурб, яъни соликнинг Аллоҳ таолога яқинлашиш ҳолати. Иккинчиси – муҳаббат: қалбда кучли туғён бўлиб, соликнинг бетоқат бўлиши. Учинчиси – шавқ мақоми: муҳаббатнинг зўрайишини билдиради. Тўринчиси – унс мақоми: Худога муҳаббатдан қувонч. Бешинчиси – мухосаба: ҳар бир дамни ҳисобга олиб, уни ганимат билмоқ. Олтинчиси – мушоҳада мақоми бўлиб, соликнинг Хақ жамолини кўра олиши. Еттинчиси – муқошафа: илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очилиши.

Солик ўз жидду-жаҳди, риёзати илк маълум босқичда илоҳий иноят билан ҳол мақомига эришади. Ҳол мақомига эришган соликнинг тили эмас, дили сўзлайди, кўзи билан эмас, балки қалби билан кўрадиган бўлади. Хожагонлар уларга нисбатан «кашф аҳли» деган иборани қўллаганлар, яъни илоҳий кашф иқтидорига эга бўлганлар деб ҳисоблаганлар. Масалан, Амир Қуллол шундай ёзади: «Яна бир тоифа бордирки, улар аҳли кашфдурлар. Бошқаларнинг мақсади маърифат бўлса, аҳли кашф учун ягона мақсад – Хақ Таолонинг ўзи. Бошқалар далил – бурхонга таянса, кашф аҳли висолга таянади» [11: 27].

Хожагон тариқати мутасаввифлари фикрига кўра, илм-маърифатнинг ана шу икки даражаси, босқичини тўлиқ ва мукамал эгаллаган солик ҳақиқий орифлик даражасига кўтарила олади.

Орифлик нима? Ориф ким?

Хожагон тариқати мутасаввифлари асарларини таҳлил қилиб, ҳулоса чиқариш мумкинки, ориф Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукамал хабардор солик. Борлиқда фоний бўлиб, Хақнинг борлиғида тирик юрмоқ орзуси ила яшаш туфайли орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бексаранжомлик, шикоят ва тангдиллик кўзга чалинмайди. Ориф мушоҳада юритаркан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат

сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди, балки бутун коинот, борлиқ ва оламнинг сир-асрорларидан ҳам чуқур огоҳликка етишади. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валийлик ишоратларини англамоқ» учун давомли ва сокин бир назар билан Тангри даргоҳига талпинади. Ориф – илоҳий файз одами. Орифнинг дил – нур маскани. Абу Туроб Нахшабий фикрича, ориф ҳеч нимадан тийралашмайдиган, балки ҳамма нарса ундан равшанлашадиган комил зот, деб тушунган.

Орифлик даражасига етишишнинг воситалари, унинг қийинчиликлари, бу йўлдаги тўсиқлар ҳақида Ревгарий шундай ёзади: «Эй, Аллоҳнинг толиби ва ҳақ йўлидаги солиқ! Дунёни тарк этмак дегани Аллоҳдан бошқа нақш (ном)ни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмоқ демақдир. Ва бу иш олий даражага етмоғингга ҳужжат бўлмай. Барча роҳ, равиш – йўлда охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат шу тарзда амалга ошгай. Бир мақом (даража)дан иккинчи мақомга кўтарилмоқ, аҳли нақлия ва кашфия учун оғир риёзатлар орқали ҳосил бўлади; зеро ҳою-ҳавас ва нафси аммора юқорига кўтарилмоққа тўсиқдир» [8: 8].

Ориф Ревгарийнинг «Орифнома» асарини таҳлил қилиб, шунга ишонч ҳосил қилдикки, бу асар маълум даражада орифона ҳаёт кечиришнинг бир дастури сифатида ёзилганлиги ҳақиқат. Зеро, мутасаввифнинг унда келтирилган ҳар бир панд-насихатлари, ривоят ва нақллари, маърифий йўл-йўриқларининг «Айю ҳол Ориф» «Эй, Ориф» деган хитоб ва таважжуҳ билан бошланиши ҳам бундан далолат беради. Хожাগон тариқати мутасаввифларининг илм-маърифат ҳақидаги таълимотининг муҳим тарбиявий аҳамияти шундаки, ҳар бир солиқ ўзи олган илмига амал қилсин, унга содиқ бўлсин,

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дурдона. Мир Кулол. Ва Шохи Нақшбанд мақоматлари. Таржимонлар С. Салимов ва И.Субханов. –Т. Шарқ. 1993.
2. Комилов. Н.Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. –Т.: 1999.
3. Кошифий Фахриддин Али бин Хусайн Воиз. Ас-Садий. Раҳоҳот айн ул-ҳаёт. 1389х. 28-бет. Ибн Сино номли вилоят кутубхонаси Инв. 1164/1.
4. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маънавий-маснавий 1-китоб.// Форсийдан Жалол Камол таржимаси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001.
5. Ромитаний Хожа Али. Рисолаи Ҳазрати Азизон. 1327 (х.) Бухоро вилоят музейи. Инв. 12548.
6. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол. 1999.

сийрати билан суврати, айтган сўзлари билан қилган ишлари мувофиқ келсин. Чунончи, бу ҳақда Амир Кулол шундай дейди: «...кўпгина илм аҳллари борки, уларнинг суврат ва сийратлари бир-бирига мувофиқ келмас. Бас, шу боис аларга Аллоҳнинг назари поки тушмас» [1: 20].

Мутасаввифларнинг фикрича, айниқса, тариқат муршидлари ва шайхлари бунга изчил амал қилишлари шарт, акс ҳолда, улардан нафақат Аллоҳнинг назари қолгай, балки авом ўртасида ҳам улар шармандали ҳолга тушиб қолишлари мумкин. Масалан, Хожа Ориф бу ҳақда шундай ёзади: «Зоҳид ва комил шайх улдурким, фатволарга амал этгай, акс ҳолда, у васвоҳ ёҳуд жиннидур» [8: 9].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожাগон тариқати мутасаввифларининг илм-маърифатнинг фазилати, уни эгаллаш восита ва усуллари, ҳар бир инсонни, хусусан солиқни илм-маърифатни эгаллашга этган даъватлари нафақат маънавий-тимиз тарихида, шу билан бирга, ҳозирги давримиз учун ҳам катта маърифий қимматга эга. Иккинчи томондан, уларнинг илм-маърифат инсонни юксак маънавий камолотга элтвучи асосий восита эканлиги ғоялари улкан ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эгаки, биз унга тариқат мутасаввифларининг ахлоқий таълимотларини таҳлил қилиш асосида ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, улар тинмай билим сирларини эгаллашни, касб-хунар, ҳалол меҳнат билан машғул бўлишни инсонни комилликка элтвучи фазилатлар деб қараганлар.

Мана шундай улкан маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган фалсафий-ирфоний назарияга асосланган ҳолда Хожাগонлар мукамал бир тизимга солинган ахлоқий таълимот яратдилар.

7. Хайри Булай. Туркияда руҳпараст ва моддапараст қарашлар кураши. Ист. 1967.

8. Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий. Орифнома. –Т.: Наврўз. 1994. (Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исмоил Субҳоний таржимаси).

9. Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси Инв.№ 3 844.

10. Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. –Бухоро вилоят музейи. ИНВ №12548. Инв.нб. 12548.

11. Шаҳобиддин Ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомати Мири Кулол. –Т.: Ильин типографияси, ҳижрий 1336 й. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси. ИНВ.№1158.

12. Сафарова Н.О. Хожাগон тариқати. –Т.: Файласуфлар миллий жамияти. 2003.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МЕРОСИДА ИНСОН МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Лазизбек ХАЙТОВ
Бухоро Давлат университети
таянч докторанти

Мазкур мақолада буюк ватандошимиз Ҳаким Термизий илмий меросида инсон маънавияти масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мутасаввифнинг маънавий қарашларида алоҳида ўрин тутган асосий тушунчалар ҳақида маълумот берилган.

Таянч сўзлар: Ҳаким Термизий, ҳадис, қалб, садр, ақл, нафс, руҳ.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Х асрда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан тенгсиз доғнишманд, мутафаккир ва тариқат пешволаридан биридир. Ҳаким Термизий фикр, ҳадис, тафсир, тасаввуф, ақоид, фалсафа, этика ва психология соҳаларига оид тўрт юздан ортиқ асар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган [1]. Унинг бой илмий мероси шартли равишда 7 йўналишга бўлинган. Қуръон илмлари, ҳадис, фикр, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи ва тасаввуфий қарашлар бўйича тасниф қилинган. Асарларидан Ҳаким Термизий

In the following article the issues of human spirituality in the scientific heritage of our great compatriot Khakim at-Termizi are analysed. Also, the info regarding the main concepts which had an important role in the spiritual views of the scholar is presented.

В данной статье анализируются проблемы духовности человека в научной наследии великого соотечественника Хакима ат-Термизи, а также представлена информация об основных понятиях, которые сыграла важную роль в духовных взглядах ученого.

мавзунинг ўзини қуруқ баён қилишдан кўра, кўпроқ унинг моҳияти, кўз илғамас ҳикмати ва чуқур маъносини очиб беришни мақсад қилгани ва унга эришганини кўрамыз.

Тарихдан маълумки, эзгуликка хизмат қилувчи аксарият таълимотларда комил инсон масаласи, айниқса маънавий-ахлоқий тарбия муҳим масала бўлиб келган. Жамият, юрт келажагини таъминловчи ушбу омилга ҳар бир соҳада, жабҳада зарурат ҳисси сезилиб келинган. Шунинг учун ҳам турли қарашларда тарбия ва маънавий камолотнинг турлича мазмун ва усуллари турли омилларга кўра

ҳар хил ишлаб чиқилган. Шундай бўлса-да, комил инсон, комил шахс ғояси ҳар бир таълимот ёки тафаккур тарзининг асосий муаммолари қаторидан четда қолиб кетмаган. Қадимги динлар, ижтимоий-фалсафий таълимотлар, мутафаккирлар, жумладан Ҳаким Термизий ҳам бу хусусида ўзига хос, маънавий-ахлоқий, руҳий ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратиб, теран фикрларни ўртага ташлаган. Мутасаввиф Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосида комил инсон тарбиясининг ўзига хос методларини ишлаб чиққан. Мутасаввифнинг маънавий қарашларида асосий эътибор илм эгаллаш, қалб тарбияси, нафсга қарши курашиш ва шу билан қатор ахлоқий жиҳатларга қаратилган.

Мутасаввиф Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) асарининг 7-боби 9-фаслида Илмга қуйидагича таъриф беради. Илмнинг асли банда ва Аллоҳ таоло, унинг буйруғи ва қайтариғи ўртасидаги белги. Унинг кўриниши солиҳ амал. Илмнинг зидди жаҳолат, яъни нодонликдир [2: 69]. Таърифдан кўриниб турибдики, Мутасаввиф Илм – солиҳ амалда намоён бўлишини эътироф этиб, қилинаётган амал қанча солиҳ бўлса илм юксалашини изоҳлаган. Зеро, Илм бўлмаган жойда солиҳ амаллар бажарилмаганда Илм – жаҳолатга, яъни нодонликка етаклашини таъкидлаган. Мазкур фикрдан фалсафадаги назария ва амалиёт бирлиги масаласи, “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилини исботини кўради. “Жаҳолатга қарши маърифат” масаласига Х асрдаёқ, Термизий ўз фикр-мулоҳазаларида тўхталган.

Мутасаввифнинг инсоннинг билишида унинг руҳияти, ақли ва қалби қандай роль ўйнаши ҳақидаги қарашлари кейинчалик тасаввуф аҳлининг тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Агар илмга ўқиш, ўрганиш жараёнлари орқали эришилса, маърифатни эса Аллоҳ таоло ўзи суйган, танлаган бандаларигагина марҳамат қилади. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш замони ва майдони (ҳудуди) бир қадар чегараланган бўлса, маърифатнинг эса чеки-чегараси бўлмайди. Руҳияти барча дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза, бутун нияти-ю, фикри-зикри билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларгагина маърифат насиб этади. Маърифатни нималар тақозо қилади? [2: 84] деган масалага Ҳаким Термизий қуйидагича изоҳ беради. “Маърифат Маъруф (Аллоҳ) билан беҳожатлик бўлиш, кифояланиш ва унга эргашишдир. Маърифатнинг 99 сифат ва белгиси бор. Ҳар бир сифат халқ орасида орифдаги маъруф нисбатини намоён этади. Маърифат улуғлик сифати билан бўлса, у сифат ўзига лозим бўлмаган ҳукм орқали Маъруфни мушоҳада этади. Халқ олдида у улуғ бўлади. Ҳаким Термизий бу масаланинг изоҳини “Маърифат ва Аллоҳ билан софлик баёни” китобида баён этган. Унинг фикрича, бу соҳадаги илмлар уч асосга биноан бўлади: убудият, яъни бандалик илмига, хуррият илмига ва рубубият, илоҳийлик илмига асосланган. Убудият илми эгалик қилишни ва изтиробга тушишни тарк этишга асосланган. Хуррият илми унутишга асосланган. Рубубият илми истак ва иқтидорга асосланган. Маърифат аҳли учун энг аввалида зоҳир бўладиган нарса маърифат водийсида ўзлигини йўқотиш ва хайронликда қолиш маърифатнинг зоҳир бўлишидир. Унинг ўртаси лаззат топиш, охири эса фано ва хайрат. Ҳақдан ўзгасидан фано бўлиш ё ўзлигини инкор этиш хайратдир. Мутасаввиф Аллоҳни билган сари унинг сифатларини англаган ҳолда, ўзининг аслиятига қараб ҳаракатланиши ва ўз сифатларининг айрилишини эътироф этган.

Ҳаким Термизий ўзининг “Масоил ат-таъбир” асарида илм ҳақида “Кимки билимни саховатидан бахра олишга сазовор бўлса, ул Аллоҳга яқин кишидир. Илм танҳоликда дўст, зеро, илм одамларга ҳаминша шерикдир. У ҳар қандай шароитда йўлчи юлдуз, дўстлар даврасида безак, билим жаннатга элтувчи раҳнамодир” деб ҳисоблайди.

Аллома асарларида илмни юксак даражада улуғлайди. Уни ҳаётни, дунёни, Яратганни идрок қилиш, англашнинг асоси деб қарайди. Унинг “Китоб баён ал-илм”, “Илм ал-авлиё”, “Ал-илм”, “Китоб ал-ҳуқуқ”, “Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин”, “Табақот ус-суфия”, “Маърифат ул-асрор” каби асарларида илмнинг назарий асослари ва бу борада сўфийларнинг тутган ўрнини очиб бериб, “Китоб ал-ҳуқуқ” асарида Ҳаким Термизий ҳақида “Илм бу нурдир. Инсонлар Аллоҳ таоло олдида қанчалик масъулият ҳис этса, шунчалик маърифатга эга бўлади. Инсон қалби ёвузликдан қанчалик тозаланса, илм янада мукаммал бўлади ва нур таратади”. Аллома илмнинг ҳаётдаги ўрнини белгилашда шу билан чекланиб қолмайди. Бу борада ўз фикрларини янада чуқурлаштириб шундай деб ёзади: “Аллоҳ таоло, энг аввало, илмни яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вуҷудга келтирган. Донишмандликдан бўлса адолат (адл) ни ва ҳаққ (ҳақиқат)ни пайдо қилган”. Бундай қараш ўша давр учун чинакам фикрий кашшофлик, янгилиниш эди”.

Бугунги замон тадқиқотчилари аллома асарларини, меросини ўрганар эканлар, унинг ўз даврида “Ҳакимийлик” деб аталган сўфийлик тариқатига асос солганлигини, бу тариқатда “нур – илм, илм эса нурдир” деган ақида асос бўлганлигини эътироф этадилар. Мутасаввиф асарларидан бирида “Ҳар қандай ҳақиқий маънавий дунёни билиш ёки мушоҳада этиш, янада аниқроғи, ботиний дунёқараш табиатан нур сифатида қаралади. Нурнинг инсон қалбига жо этилишидан мурод – ҳақни ноҳақдан ажратишдан иборатдир”, дея сўфийлик қарашларининг мақсадини белгилайди.

Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул”даги ҳадисларни шарҳлашда ўзига хос маънавий бир услуб танлайди ва ёндашади. Фикримизча, Ҳаким Термизий энг асосий жиҳат сифатида ҳадисларда инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ғояларни танлаб олиб, инсон борлиғи билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳадисларни қалб, садр, ақл, нафс, руҳ каби унсурлар орқали шарҳлаб, уларнинг ҳикмати ва яширин маъноларини очиб берган. Мутасаввифнинг шарҳларида руҳ ва нафс рақобатига катта ўрин берилади. Ҳаким Термизийга кўра руҳнинг қароргоҳи инсоннинг бош қисмида бўлиб, шу ердан у инсоннинг танаси бўйлаб ёйилган. Нафснинг қароргоҳи эса қоринда, шу жойдан у тана бўйлаб ёйилган. Термизий ўз шарҳларида руҳни “самовий” ва нафсни “ардий” (ерга мансуб) деб, руҳ совуқ, нафс эса иссиқ дейди. Агар инсон “пуф” деб пуффласа, совуқ ҳаво чиқади, бу руҳнинг совуқлиги. Агарда “хах” деб оғзидан ҳаво чиқарса иссиқ ҳаво чиқади, бу нафснинг иссиқлиги. Биринчи совуқ ҳаво – нафса, иккинчи иссиқ ҳаво эса нафха. Руҳнинг одати итоаткорлик, нафснинг одати эса шахватга берилиш [3: 350-356]. Ҳаким Термизий ҳар қандай ҳадисларни шарҳлашга киришар экан, руҳ ва нафс унсурлари унда асосий мавқени эгаллайди. Бундай ёндашуви унинг ҳар бир асарида топиш мумкин. Шунингдек, мутасаввиф маълум бир сўзнинг қўлланаётган маъносини таҳлил этиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларга таҳлил қилади. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради. Бу билан сўзлар ва улар билдирган объект номи ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки мантикий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ҳаким Термизий ўз фикрларини ўқувчиларга тушунарли тарзда етказиш ҳамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва ҳулосалардан кенг фойдаланган. Аллома ижодининг яна ўзига хос жиҳати, у диний илмларнинг барча соҳаларини эътибордан четга қолдирмаган ва хоҳ у фикр бўлсин, ёки калом, сулук ёки тафсир бўлсин, уларнинг барчаси билан таниш

бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади.

Мутасаввифининг тасаввуфий таълимотида валоятлик тариқатидан ташқари қалб ва унинг тарбиясига ҳам махсус ўрин берилган. Термизий инсон қалбини илоҳий маҳшаргоҳ, илмлар ва маънавий ақс этадиган маскан сифатида тавсифлаган. Эрон тадқиқотчиси Абдул Хусайн Зарринқўб бу масала бўйича олимнинг “Баён ул-фарқ” асарига мурожаат қилиб, унинг фикрларига қуйидагича шарҳ беради: Ҳақим қалб омилини садр, қалб, фуод ва лаб тушунчаларига бўлади ва буларнинг ҳар тўртови табиатан бири-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Масалан, садр зоҳирда бўлса, қалб унинг ичида, фуод (юрак) эса қалб ичида ва лаб фуод ичидадир. Қалбнинг бу тизимдаги ҳолати кейинги алоқаларга оид бўлади: чунончи, садр ислом нурунинг маъдани, қалб иймон нурунинг маъдани бўла олади. Бу тақсимот бўйича садр мусулмонларга, қалб мўъминларга, фуод орифларга, лаб муваҳҳидларга * дахлдор ҳисобланади. Шу тариқа Ҳақим Термизий қалбни маърифат кўзгуси деб билиб, у ҳақида махсус сўфиёна таълимот яратади. Қалбни тўртга бўлиш билан унинг жуздан кулгача, ибтидодан интиҳогача бўлган манзиллини тасвирга олади. Садр зоҳир, яъни шариатдир, қалб Аллоҳга иймон келтириш, фуод (юрак) маърифатга оид ва лаб ваҳдатга эришишдир. Демак, сўфий шариатдан тариқатга ва ундан маърифатга ўтиб, оқибатда ваҳдатга ноил бўлади. Бу йўл, бу масофа ва манзил Термизийнинг сўфиёна таълимотида шундай ифодаланади. Агар зоҳидлик рутбасида тўққиз поғона мақомларни босиб, ундан кейин орифлик томон саккиз зиналик ҳол даражаларидан ўтиб маърифатга йўл олинса, бу мураккаб масофани олим тўрт зина орқали муайянлаштиради. Шу тўрт зинадан эсон-омон ўтган сўфий орифлик мансабини топиб, ҳақиқатга эришади. Шу тартибда ул зот солиқнинг маърифатга эришиши учун осон ва тушунарли йўлни белгилайди ва шу билан махсус сўфиёна таълимот яратади. Унингча фано йўли ва ваҳдат топиш мазкур тўрт зиналик қалб ҳаракатига боғлиқ бўлиб, уларни босиб ўтган киши албатта мақсадга эришади. Ва яна Ҳақимнинг фикрича, мусулмон, мўъмин, ориф ва муваҳҳид деган тушунчаларнинг тақсимланиши ҳам ваҳдат марҳиласининг тавба, зикр, ҳаробот ва фано атамаларига тақалган бўлади ва бу инъикос (акс) орқали садр яъни шариат, лаб яъни ваҳдониятга пайванд бўлиб, бирлик доираси ҳосил бўлади. Ҳақим Термизийнинг бу ажойиб тасаввуфона баёноти кейинги асрларда шухрат қозонди. Масалан, машҳур мутасаввиф арбоблар Имом Ғаззолий ва Нажмиддин Кубро мазкур таълимотни қўллаб-қувватлаб, шу мезонда қалб тушунчаси ҳақидаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини изҳор этадилар[4: 51]. Бу эса Термизий таълимотининг таъсири ва унинг сўфиёна анъанасидан далолат беради. Аммо шуни айтиш керакки, қадимги сўфийлар таълимотида инсон қалбини етти қават осмонга қиёслаш ҳодисаси учраб туради. Чунончи бу босқичлар қуйидаги тартибда муайянлашади: қалб пардаси – шайтон васвасаси жойи, қалбнинг ўзи иймон мавзейи, ишқоқ – муҳаббат жойи, фуод – мушоҳада мавзейи, хуббул қалб – Аллоҳга қаратилган хос муҳаббат, сувайдо – муко-

шафа жойи, муҳтож ул-қалб – илоҳий сирлар жойи[5: 75]. Кўраимизки, Ҳақим Термизийнинг қалб хусусидаги мазкур таълимоти бу таълимотдан фарқ қилади ва у алоҳида мазмунга эга, мантқиқий муҳокамаларга асосланган ғоядир. Шу боис қалб тушунчаси ҳақида айтилган Ҳақимнинг фикрлари ўзига хос махсус бир қоида бўлди, анъана касб этиб, издошлар пайдо этди.

Мутасаввиф олим қалб билан боғлиқ бўлган нафс масаласига ҳам диққат-эътиборни қаратиб, бу борада илмий асосланган янги хулосаларга келади, у имкони борича инсоннинг душмани бўлган нафсни фош этади ва унга қарши ҳалоллик ва поклик ғоясини илгари суради[6: 178]. Аммо у ўз навбатида нафсни мазкур қалб таркибидаги тушунчалар билан боғлайди. Чунончи у нафси амморани садрга, нафси мулҳимани қалбга, нафси лаввомани фуодга, нафси мутмаинани лабга мансуб этади. Шу билан олим нафсининг тўрт даражасини тайинлайди, уларнинг зоҳирдан ботингача бўлган муносабати ва ҳаракатини аниқлайди. Нафси аммора ва мулҳима (илҳомга келтирувчи нафс) агар инсонга душманлик қиладиган нарса ҳисобланса, нафси лаввома (виждонли нафс) ва мутмаина (тинч ва ором нафс) инсонга таскин бергувчи нафсдир. Яъни Ҳақим Термизий фикрича, нафс тушунчаси аслида поклик ва нопоклик масаласи билан боғланган муаммодир. Унинг поклиги сидку сафо ва руҳониятга етаклайди ва бу эса Ҳақ даргоҳига йўл очади. Фуод ва лаб, яъни маърифат ва тавҳид даражаси шу нафс яъни руҳ ҳаракати билан ҳосил бўлади. Аммо, нафси аммора ва мулҳима ҳаминша олимнинг танқидига учраган. Ҳақим Термизий бу икки нафсдан қутулиш учун доим нажот излаган, уларга лаънатлар билдириб, поклик ва мусалфоликни шиор қилган. Хусусан илҳом бергувчи нафс, яъни нафси мулҳимага қарши олим жанг эълон қилади. Жумладан “Бадв уш-шаън” асарида бу ҳақда бундай дейдилар: “нафс хохиш қилган нарсалардан ўзимни тийдим; хусусан менга илҳом бахш этгани учун шаҳват нафсидан узоқда бўлдим”[7: 32]. Ҳақим Термизийнинг “Маърифат ул-асрор” асари инсоннинг ўз-ўзини таниши, ички олами сирларини ўрганишига бағишлангандир. Унинг мутолааси давомида нафс ва уни бўйсундириш йўллари, қалб ва унинг касалликлари ҳамда даволаш усуллари, ихлос ва самимиятнинг моҳияти, зикрнинг турлари ва фазилати каби маънавийтимизни бойитишга хизмат қиладиган ҳикमतлар ўз аксини топган бўлса, улуғ зотнинг “Наводир ал-усул” асарида валоят (авлиёлик), маърифат, нафс ва қалб ўртасидаги қураш ҳақидаги қарашларини ақс этган. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ҳақим Термизийнинг инсон маънавияти ва камолоти ҳақидаги қарашларида асосий эътибор илм эгаллаш, ахлоқий поклик, қалб, нафс, руҳ ва вужуд тарбиясига берилган. Шуни инобатга олган ҳолда буюк ватандошимизнинг маънавий ғояларини илмий асосда тадқиқ қилиш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Зеро, Ҳақим Термизий қолдирган бой илмий ва маънавий мерос ўрта асрлар ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Al-Hakim At-Termiziy. “Xatm ul-avliyo”. Tarjimon Komiljon Raximov. Noshir nashriyoti –T. 2017. Soʻz boshi.
2. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ali Hakim Termiziy “Maʼrifatul asror” (Sirlar maʼrifati) Tarjimon Abdulmajid Muhammad Tursunov. –T., 2017.
3. Al-Hakim at-Termiziy. Navodir al-usul. –T.II.
4. Абдул Хусайн Зарринқўб. Жустужўдар тасаввуфи Эрон. –Душанбе.: Ирфон, 1992.
5. Ҳазратқуллов М. Тасаввуф. –Душанбе., “Маориф”, 1988.
6. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Валентин Жуковский тайёрлаган танқидий матн. Қосим Ансорий нашри. Техрон: 1376 х.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али ал-Ҳақим ат-Термизий. Бадв уш-шаън. Форс тилидан Рамазон Абдуллаев таржимаси. “Сино” журнали №7, 2002.

САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Малика НОРОВА
БухДУ ўқитувчиси

Мақолада Сайфиддин Боҳарзийнинг муридларга маърузаларда айтган фикрлари, тасаввуфий қарашлари тўғрисида маълумотлар берилди. Шайхул-Оламнинг маърузаларда тасаввуфнинг назарий масалаларини Куръон оятлари билан асослаб берилиши тўғрисида маълумотлар берилди.

Таянч сўзлар: тасаввуф, сўфий, воиз, авлиё, хидмат, муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, шайх, ориф, тақво, фасоҳат.

Murids receive information about the thoughts and mystical views of Sayfiddin Boharzi information about mysticism.

Муриды получают информацию о мыслях и мистических взглядах Сайфиддина Бохарзи информация о мистике.

Кубравия тариқатининг йирик намояндаси машхур Шайхул Олам номи билан донг таратган Хуросондаги сўфий шайхларидан бири – Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Али Қоидий Боҳарзий – улўғ авлиё, дидактик ижодкор, ўз даврининг етук устози, воиз, тасаввуфнинг машхур шайхларидан бири. Бу зоти шариф Эроннинг Боҳарз (Найсобур билан Ҳирот ўртасидаги бир вилоят) шаҳрида 1190 йил (ҳижрий 586 йил шаъбон ойининг 9-куни) дунёга келиб, 1261 йил (ҳижрий 659 йил зулқайда ойининг 20-куни) Бухорода вафот қилганлар. Қабрлари Бухоронинг Фатҳобод мавзесида жойлашган.

Боҳарзий Ҳирот ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Болалигида Макка ва Мадина шаҳарларига сафар қилган. Сўнгра ривоятларга кўра, ўн бир ёшида араб халифаси пойтахти Бағдод шаҳрига келган. Кейинчалик яна Хуросонга келиб илм олган. У буюк фақиҳ, шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123-1197) “Ал-Ҳидоя” китобидан ўғиллари Жалолиддиндан дарс олган. Сўнгра Хоразмга келган. Умрининг охиригача Хоразм ва Бухорода яшаган.

Унинг ҳаёти ва ижоди, халққа етказган ижтимоий ёрдамлари, у кишининг қахрамонликлари ҳақида эл орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Бу табаррук зотни халқимиз эъзозлаб, асрлар давомида номини хотирасида сақлаб келмоқда. Баъзи бир тасаввуфга оид манбаларда Сайфиддин Боҳарзийнинг амалга оширган ишлари, у киши билан бўлган мўъжизалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунга ўхшаш адабиётлардан, Имом Шамсиддин Заҳабийнинг китобларида маълумот берилишича, Ибн Фуватий “Муъжамул алқоб” китобларида Сайфиддин Боҳарзий ҳақида қуйидагича таъриф берганлар: “Боҳарзий муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, воиз, хайбатли шайх, ориф, тақводор, фасоҳат соҳиби бўлиб, сўзлари дуру маржон каби эди”[3: 153].

Ибн Фуватийнинг фикрларидан шу нарса маълум бўладики, Шайхул Олам номи билан маълум ва машхур Сайфиддин Боҳарзий муҳаддис, яъни ҳадисшунос олим. Имом Бухорий ҳамда Имом Термизийлар каби муҳаддислардек Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сўзларини таҳлил қилганлар. Боҳарзий фикҳий ихтилофларнинг, ҳадис ва оятлардаги гўзал сўз ва ибораларнинг билимдони эди. У Бухоро шаҳри яқинидаги Калободда мадраса қурдирди. Араб ва форс тилларида “Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи”, “Ишқ ҳақида рисола”, “Ҳилватдаги воқеа”, “Рубоийёт”, “Рўзнома”, “Васиятнома” ва бошқа асарлар ва тўртликлар ёзган.

Куръони каримни ёд билганлар ва хушовоз қироат қиладиган инсон бўлганлар. Зоҳид, яъни нафси тийик, тақводор, дин йўлида риёзат чекувчи ва Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдиган киши бўлганлар. Кучли воиз, яъни у кишининг маърузаларини тинглаган кўпчилик кишилар ислом динини

қабул қилиб, иймон келтирганлар. Сайфиддин Боҳарзий салобатли, кўркам инсон, тариқат йўлининг маърифат босқичини эгаллаган шайх, тақво ва шарият йўлида, Аллоҳнинг ҳукмларига мукаммал бўйсунадиган инсон, илмлари жуда мукаммал, шунингдек нутқлари жуда раvon ҳамда чиройли инсон бўлган.

У киши Бухорога ташриф буюриб, маърифат нуруни таратиб, катта мавқега эришадилар. Халқ у кишига “Шайхул Олам” деган унвон беради. Шайхул Оламнинг мўғул ҳукмдорлари олдида ҳам мавқеи баланд бўлган. Ато Малик Жувайнийнинг ёзишича, мўғул хони Манғухоннинг онаси Саркути бика (вафоти ҳижрий 649 й) меҳрибон ва раҳм-шафқатли инсон бўлган, ўзининг маблағи ҳисобидан халқнинг таълим олишини йўлга қўйиш мақсадида мадраса қурдиради ва унинг бошқарувини Сайфиддин Боҳарзийга топширади[6: 9].

Сайфиддин Боҳарзий ҳақида бизгача жуда ҳам кам маълумот етиб келган. У зот ҳақида ёзилган асарлардан ҳажм бўйича энг катта асар форс тилидаги “Рисолаи ишқ” асаридир[2]. Бундан ташқари Сайфиддин Боҳарзийнинг кичик ҳажмдаги ёзиб қолдирган васиятлари бизгача етиб келган ва нашр этилган[5: 20].

Шунингдек, Сайфиддин Боҳарзийнинг рубоийлар жамланмаси нашр этилди ва унинг невараси Абул-Мафоҳир Яхё Боҳарзий (ваф. 736 ҳиж.) бобосининг сўфийлик таълимотига оид ўғитларини ўзининг “Аврод ал-аҳбоб ва фусус ал-адаб” китобида ёзиб қолдиради[8: 25]. Албатта Сайфиддин Боҳарзийнинг форс ва араб тилидаги байтларини одатда бир қатор қўлёзма манбаларда, жумладан, у кишининг муридлари билан учрашувларда сўзлаган нутқларида ва маърузаларида кўришимиз мумкин. Бу фикрлар Сайфиддин Боҳарзий ақлий салоҳиятининг яна бир қиррасини очиб беради.

Сўфийлик таълимотида воизлик узоқ тарихга бориб тақалади. Сўфийлик таълимотида катта мавқега эга бўлган бир неча сўфий шайхлар ўзларининг маърузалари билан халққа танилганлар. Дарҳақиқат, сўфий шайхлари муридларга шу мажлислар орқали сўфийликнинг сирасорларини ўргатиб, уларни сўфийликка тайёрлаганлар. Одатда муридларнинг баъзилари бу мажлисларни ёзиб боришга ҳаракат қилишган. Шу каби ёзишмалар бизгача ўтган кўплаб сўфий шайхлар ҳақида маълумот олишимизда ёрдам беради.

Бу турдаги манбаларни биз муридларнинг шахсий ёзишмаларида ва уларнинг шайхлари ҳақида ёзган асарларида кўришимиз мумкин. Масалан, шайх Абу Исҳоқ Козарунийнинг (вафоти 426 йил ҳижрий) “Фирдус ал-муршидия фил-асрор ас-самадия”[9] асарида сўфийларнинг баъзи мажлислари тўғрисида фикр юритилади. Бундан ташқари, Абу Саид Абул-Хайрнинг маърузалари тўғрисида Муҳаммад бин Мунавварнинг муаллифлиги остида “Асрор ат-тавҳид”[4: 320], Фаридиддин Аттор

нинг “Тазкират ул-авлиё” асарлари буларга мисол бўлади.

Айнан бир шайхнинг йиғилишлари тўғрисида ёзилган манбалар ҳам мавжуд, Аҳмад Ғаззолийнинг “Мажолис” [1] асари, Жалолиддин Румийнинг “Мажолис сабоҳ ва фиҳи ва фиҳи”, Аловуддава Симнани “Чихил мажлис”, Низомиддин Авлиёнинг “Малфузот”, “Фавоид ал-фавоид” номи, Убайдуллоҳ Ахрорнинг “Малфузот ҳожи” асарлари шулар жумласидандир.

1. Сайфиддин Боҳарзий ҳам бу сўфийлик анъаналарига риоя қилган ҳолда ҳар бир ўтказиладиган мажлисларда ёки Бухородаги ўзининг сўфийлик хонақоҳида минбардан туриб муридларига амри маъруфлар қилган. Бироқ, унинг йиғилишлари тўғрисидаги манбалар бизгача кам миқдорда етиб келган. Фақат шайхнинг минбардан айтган баъзи бир гаплари муридлар томонидан ёзиб борилган ва бу манбалар бизгача у кишининг қариндошлари томонидан ёзилган асарлари орқали етиб келган, лекин бу маълумотларнинг ўзигагина, ўз вақтида шайхнинг йиғилишларини ёзиб борадиган кишилар борлигидан далолат беради. Бугунги кунга қадар бундай ёзувлар жуда ҳам кам сақланиб қолган. Аммо бу кам сонли маълумотлар бизга маълум даражада шайхнинг фаолияти ва унинг йиғилишларда муҳокама қилган мавзуларини билишимизга ёрдам беради. Шайх Сайфиддин Боҳарзий маърузаларида ривоят қилган кишилардан бири бу – у кишининг неваралари Абул-Мафоҳир Яҳё Боҳарзийдир. У киши ёзиб қолдирган ҳикоялардан сўфийлик таълимотиغا оид амалий сифатга эга бўлган икки жиҳатни ўрганиш мумкин. Қолган масалалар сўфийлик таълимотининг назарий масалаларига тегишлидир. Абул-Мафоҳир Яҳё Боҳарзий ёзган манбаларида тасаввуфнинг амалий жиҳатларидан бири “хидмат” ҳақида сўз боради. Бу ерда “хидмат” тушунчаси ҳар бир муриднинг ўз шайхига бўлган итоати, амалдаги хизмати тўғрисида бўлиб, Абул-Мафоҳир ўз китобида ҳар бир муриднинг ўз шайхи олдидаги вазифалари, яъни “хидмат”ининг ахлоқий меъёрлари ва унинг зарур шарт-шароитларга бағишланган жиҳатларини очиб беради ва фақирлар билан сўфийларга хизмат қилиш мажбуриятларини тушунтириб, охирида Сайфиддин Боҳарзийнинг қуйидаги фикрларини айтиб ўтади, жумладан:

2. Шайхул Олам Сайфиддин Боҳарзий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) минбардан туриб қуйидаги фикрларни ўз муридларига етказдилар:

- Кишилар ўз душманларига нисбатан эътиборсиз бўлмастиклари керак, дўстлари ёки душманлари билан ҳар қандай вазиятда ҳам яхши муносабатда бўлсинлар. Ҳақиқий сўфийлар ҳатто ўз душманларига ҳам ёмон муносабатда бўлмайдилар, деган фикрларни ёзадилар [10: 72].

Бундай шайхнинг фикрларидан биз ҳар бир инсоннинг дўстига нисбатан садоқатли бўлиш кераклигини тушунамиз. Умуман инсонга бўлган муносабат, инсонга ҳурмат бу фикрларнинг замирида ётади.

Динимиз дўстликни оқлайди. Унда худбинлик, бировга душманлик қилиш қораланади. Аксинча, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби олийжаноб хислатлар тарғиб этилади. Оламларга раҳмат бўлиб келган Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт йўлларига ва У зотнинг саҳобалари ҳаётига назар солар эканмиз, кўз ўнгимизда дўстлик тушунчаси ўзининг бўйбастии билан гавдаланади.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг йигирма уч йиллик пайгамбарлик даврларида дўстлик деган тушунча қайта жонланди. Ёри Фор деб ном олган Абу Бакр Сиддиқнинг ўз дўстига кўрсатган мисли кўрилмаган жонфидаликла-

ри, бир умр азон айтиб одамларни хушнуд қилиб келган Билолнинг дўсти вафотидан сўнг азон айтолмай қолиши, ҳатто дўстининг шаҳридан узоқларга кетиб қолиши ва бошқа кўплаб мўъжизакор, ақл бовар қилмас даражадаги садоқат намуналари дўстга содиқликнинг кўринишидир.

Яна бир манба маълум даражада шайхнинг амалий таълимотларига бағишланган бўлиб, унда “Шайхнинг ахлоқий нормалари ва шайх билан мурид ўртасидаги ўзаро муносабат” тўғрисида фикр юритилади. Абул-Мафоҳирнинг ёзишича, ҳар бир мурид ўзининг устози ёки пир деб тан олган шайхига ўзини бағишлаши керак (дасти иродат), у ўзининг шайхини барча шайхлардан устун деб билиши, акс ҳолда ўзи ночор ҳолатга тушиб қолишини таъкидлайди. Шу воқеадан у ўзининг бобоси тўғрисидаги қуйидаги воқеани келтиради, унда шайх Сайфиддин, шунингдек, Нишопурлик шайх Маломатий Абу Ҳафс Ҳадид ва “Ҳожа тариқати”ни эслайди.

3. Шайхул Олам Сайфиддин Саид бин Мутаҳҳар Боҳарзий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) минбардан туриб айтди:

“Агарда ким бирор киши билан суҳбат давомида унинг маънавий камолотининг юксак даражада эканлигини билсангиз, лекин унинг ташқи кўринишига фақирона бўлса, билингки, бу инсон камтарона кийинган бўлсада, унинг инсонийлик, одамийлиги унинг комиллик даражасини белгилайди ва билингки, сиз авлиёлар мақомидаги киши билан суҳбатда бўлдингиз. Унинг ташқи кўриниши мартабасига путур етказма олмайди” [10: 80]. Бу фикрлардан шу нарса англашиладики, одатда тариқат йўлига кирган инсонлар ташқи кўриниш, мол-дунёга эътибор қаратишмаган, лекин уларнинг Аллоҳ йўлидаги жидду-жаҳд билан ҳаракат қилишлари, жамият олдида ўз нуфузларига эга бўлишига сабаб бўлган.

Бу ерда асосан инсоннинг ташқи кўриниши борасида гап боради. Бундай фикрлар билан инсонни ташқи кўринишига қараб эмас, балки ички дунёси, руҳияти, маънавий камолотининг даражаси билан белгиланиши таъкидланади. Инсоннинг ташқи кўриниши кийим танлаш борасида миллий-диний қадриятлари чегарасида тургани яхши. Кийиниш маданияти инсоннинг диди қандай эканини кўрсатади. Баъзи бир кишиларнинг маънавий камолотининг юқори даражаси ташқи кўриниши акс этса, баъзи бир инсонларнинг маънавий юксаклиги ташқи кўринишида намоён бўлмайди. Лекин биз бунини суҳбат давомида билиб олишимиз мумкин. Баъзи бир инсонлар ташқи кўринишидан салобатли, кўркам кўринсада, у билан муносабатда бўлиш асносида, у инсоннинг қай даражада маънавиятли ёки маънавиятсизлиги намоён бўлади.

Шайхул Оламнинг маърузаларида тасаввуфнинг назарий жиҳатларига ҳам кўпроқ эътибор берилади. Одатда, бундай фикрларни шайхнинг маъруза қилиш жараёнларида, Қуръон оятларини тафсир қилиш вақтида тасаввуфнинг назарий жиҳатлари тўғрисида маълумот олишимиз мумкин. Шайхнинг тасаввуф ҳақидаги фикрлари йиғилишларда Қуръон оятларини тинглаган пайтларида бир, икки мисра ёки байт билан ифодаланган. Терминологик жиҳатдан бу нафис, чиройли, оқланган фикр яъни, “латиф” деб номланган.

Қоида бўйича шайхлар ваъз қилишларидан олдин Қуръон оятларидан ўқиганлар. Шайхул Олам ҳам ўз маърузаларини бошлашдан олдин Қуръон оятларидан ўқиганлар ва маърузалари Қуръон оятларига бевосита боғлиқ бўлган. Ҳар бир маърузаларини шарҳлаш жараёнида муҳокамага қўйилган масалалар Қуръон оятлари

билан исботлаб ва шарҳлаб борилган. Баъзан маърузада қатнашган муридлар шайхнинг маърузаларидан саволлар берсалар, баъзилари ҳадисларни мутолаа қилганлар. Одатда муридларнинг шайхга берган саволлари юзасидан шайхнинг кейинги маърузалари мавзулари танланган. Сўфийлар мажлисларидаги шайхнинг нутқлари бежиримлиги билан ажралиб турган. Одатда шайхлар муҳокама қилинадиган мавзуни олдиндан белгилаб олмаганлар. Улар томонидан айтилган мавзулар йиғилишнинг ўзида ёдга олинган. Уларнинг ўзига хосликлари шунда эдики, шайхлар ҳар бир саволларга жавоб беришда исбот сифатида Қуръон оятларини келтирганлар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Сайфиддин Боҳарзийнинг бизгача “Шарҳал асма ал ҳусна”, “Рисо-

лаи ишк”, “Воқеаи хилват”, “Рубоӣёт”, “Васиятнома”, “Рўзнома” каби китоблари етиб келган[7: 4]. Машҳур аллома Сайфиддин Боҳарзий ўзининг бутун ҳаёти давомида тариқат йўлидаги ҳаракатлари орқали кубравия тариқатининг ривожига салмоқли ҳиссасини қўшди. Исломи дини равақи йўлида улуғ ишларни қилди. Мўғул ҳукмдори Беркахон шайхга мурид тушиб ислом динини қабул қилди. Натижада Шимолий Кавказдан то Сибиргача чўзилган улкан давлатда ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурилди. У кишининг таълимотлари орқали кўплаб инсонлар ислом динини қабул қилди. Шу воқеадан сўнг Сайфиддин Боҳарзийга “Шайхул Олам” (Олам шайхи) унвони, Бухоро шаҳрига эса шариф мақоми берилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад Ғаззолий. Мажолис. Нашрга тайёрлаган Аҳмад Мужоҳид. –Техрон 1376.
2. Биринчи марта бу рисола Ирожа Офшор томонидан нашр этилган: Мажалла-йи донишқада-йи адабиёт-и данишгоҳи Техрон, 4/8 (1340). Сўнгра 1359 йилда Савоних Аҳмад Ғаззолийнинг “Ду рисолаи ирфони дар ишк” асарига мувофиқ тарзда шу нусха билан бирга чоп этилди.
3. Ибн Фуватий “Муъжамул алқоб”.
4. Муҳаммад Мунаввар. Асрор ат-тавҳид. Техрон нашри.
5. Васиятҳойи Сайфиддин Боҳарзий. Фарҳанги Эрони замин. Ба кўшиш Эрожи Афшор. –Техрон. 1353 йил.
6. Ота Малик Жувайний “Тарих-и жаҳонкушои Жувайни”. Муҳаммад Қазвиний муҳаррирлиги остида. –Leiden 1937, Т.III.
7. Сайфиддин Боҳарзий ва унинг асарлари ҳақида.: Донишномайи жаҳони ислом.Т.I (1375).
8. Ирожи Афшор. Абул-Мафоҳир Яҳё Боҳарзий. Аврад ал-аҳбоб ва фусус ал-адаб. Т.II(Фусус ал-адаб). –Техрон: Интишорат-и донишгоҳи Техрон, 1345.
9. Ирожа Афшор. “Фирдус ал-муршидия фил-асрор ас-самадия” 3-нашр. (1358), 20-21 боблар. Биринчи нашр Фритц Майёр (Истанбул 1943) томонидан тайёрланган.
10. Насруллоҳ Пуржавадий “Коранические изящества на собраниях Сайф ад-Дина Бахарзи”.

ҚУРЪОН ФАЗИЛАТЛАРИГА ОИД АСАРЛАР ВА ИМОМ БУХОРИЙНИНГ БУ БОРАДАГИ КИТОБИ ХУСУСИДА

Абдуманноб ИСМАТУЛЛАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

Мазкур мақолада Қуръон ўқилишнинг савоби, унинг сура ва оятлари фазилатига бағишланган алоҳида асарлар тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, мақолада муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги мавзуга оид бўлими ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Қуръон, сура, оят, фазилат, савоб, муҳаддис, ҳадис.

This article provides information on the merits of reading the Koran, and about the benefits of surahs and ayats. The article also mentions the section on the theme of "Al-Jome' as-sahih, of the sultan of muhaddith Imam Bukhari".

В данной статье идёт речь о отдельных произведениях которые повествуют о савабе чтении Корана, его сурах и аятах. А так же в статье говорится о главе в книге величайшего мухаддиса Имама аль-Бухари "Ал-жами ас-сахих" относящийся к нашей теме.

Қуръони карим мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, уни ўқиб-ўрганиш, тиловат ва қироат қилиш савобли амал ҳисобланади. Қуръоннинг ҳар бир сураси ва оятларининг алоҳида фазилат ва хусусиятлари тўғрисида илк бор Пайғамбаримиз алайҳиссалом сўзлаб берганлар. Қуръон тиловатида эса унинг ҳар бир ҳарфига ўнта савоб берилиши борасида башорат қилганлар. Асрлар давомида Қуръони каримга муҳаббатли умматнинг уламолари унинг тиловат ва қироати фазилатларига бағишланган алоҳида асарлар тасниф қилишган.

Қуръон фазилатларига оид илк асар сифатида шофиъийлик мазҳаби муассиси, мужтахид олим Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (150-204 х./767-820 м.) номига нисбат қилинувчи “Манофеъ ал-Қуръон” номли рисола кўрсатилса-да[1: 1277], бироқ, Абу Убайд Қосим ибн Саллом Ҳаравий (157-224 х./774-838) томонидан битилган “Фазоил ал-Қуръон” асарини илк асар дейиш тўғрироқ бўлади. У асли Хиротдан бўлиб, Бағдодда яшаган муҳаддис ва фақиҳдир. Тарсусда 18 йил давомида қози бўлган. У ҳадис матнларида келган нодир сўзларнинг маъносига бағишланган “Ғариб ал-ҳадис” ёки “ал-Ғариб ал-мусаннаф” деб аталган асар му-

аллифи сифатида шуҳрат қозонган[2: 176]. Унинг “Фазоил ал-Қуръон” асари топилиб, нашр қилинган[3: 476].

Машҳур муҳаддис олим, “ал-Мусаннаф” асари муаллифи Абу Бакр ибн Абу Шайба (159-235 х./776-849 м.) томонидан “Савоб ал-Қуръон” номли асар ёзилган[4: 83-84]. Мазкур асар ҳам Қуръон суралари ва оятларининг фазилатига бағишланган эди.

Дамашқлик машҳур қорилар раҳбари Ибн Майсара Ҳишом ибн Аммор Суламий (153-245 х./770-859 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар битилган[5: 87].

Ибн Музейян Қуртубий (ваф. 259 х./873 м.) “ал-Муваддо”га битган шарҳлари билан танилган олим бўлиб, унинг “Фазоил ал-Қуръон” номли асари бўлган[5: 134].

Ибн Зиррис Розий (200-294 х./815-906 м.) Рай шаҳридан етишиб чиққан ҳадис илми мутахассисларидан бўлиб, унинг ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асари бўлган[6: 449-450].

Абу Бакр Фарёбий (207-301 х./822-913 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар ёзилган. У Динаварда қози бўлган. Бағдодда ташриф буюрганида, ундан ҳадис эшитиш мақсадида 10 минг одам йиғилган экан[7: 98]. Унинг “Дало-

ил ан-нубувват” номли асари ҳам бўлган. Унинг “Фазоил ал-Қуръон” асари Риёз шахрида 1989 йили нашр қилинган[8: 311].

Машхур муҳаддис олим Аҳмад ибн Шуайб Насоий томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар битилган бўлиб, у Байрутда 1992 йили нашр қилинган[9: 168].

Бухоролик олимлардан бири, ханафий фақиҳи Абу Сулаймон Довуд ʻДаний (ваф. 320 х./932 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар битилган[10: 191].

“Тибб ан-Набий”, “ад-Даъавот” каби асарлар муаллифи, Абу-л-Аббос Жаъфар Мустағфирий Насафий (350-432 х./961-1041 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар ёзилган. Китоб 2 жилд қилиниб, 2006 йили Байрутда нашр қилинган[11: 502].

Моликий уламолардан бири, Маккада Ҳарами шарифда 30 йилдан кўпроқ истиқомат қилган муҳаддис, муаррих ва фақиҳ Абу Зар Ҳаравий (355-435 х./966-1044 м.) ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар ёзган[12: 1106].

“Асбоб ан-нузул” асарининг муаллифи Абулҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий (ваф. 468 х./1076 м.) ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар ёзган. “Кашф аз-зунун”да айтилишига қараганда, Ибн Тулун Ҳанафий (880-953 х./1475-1546 м.) ушбу асар асосида алоҳида “Арбаъин” (“Қирқ ҳадис”) рисоласини яратган[1: 1277].

Қуръон фазилатларига бағишланган асарларнинг навбатдагиси “ал-Барқ ал-ломеъ ва-л-ғайс ал-ҳомеъ” деб аталган бўлиб, уни Абу Бакр Муҳаммад Ғассоний Водёший (ваф. 536 х./1142 м.) томонидан ёзилган[14: 239].

Қадим андалуслик муҳаддислардан бўлиши Абу-л-Қосим Малоҳий (549-619 х./1154-1222 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар битилган бўлиб, бир қўлёзма нусхаси Искандарияда Б.1158 рақами билан сақланади[15: 255].

Таникли муҳаддис ва муаррих, “Фазоил ал-аъмол”, “ал-Аҳодис ал-мухтора” каби асарлар муаллифи Зиёуддин Мақдисий (569-643 х./1174-1245 м.) томонидан ҳам “Фазоил ал-Қуръон” номли асар ёзилган[16: 128].

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Хашшоб Яманий (ваф. 567/1172) асари “ад-Дурр ан-назим фи фазойил ал-Қуръон ал-азим” (“Улуғ Қуръоннинг фазилатлари ҳақида терилган дур”) деб номланган бўлиб, у Қуръони каримни ўқиш фазилати, тиловат одоблари, айрим сура ва оятларнинг хосиятлари ҳақидадир. “ал-Аълом”да муаллифни 650/1252 да вафот қилган, деб берилган[2: 321]. Унинг фақат мана шу асарни ёзгани маълум.

“ал-Итқон фи фазоил ал-Қуръон” номли асарни машхур ҳадисшунос олим, муҳаддис ва муаррих Ибн Ҳажар Асқалоний (773-852 х./1372-1449 м.) томонидан ёзилган[17: 273].

Юқорида санаб ўтилган китоб ва рисоалар Қуръон суралари ва оятларининг фазилатига бағишланган мустақил

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. 2-жилд. – Истанбул, 1954.
2. Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. 5-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002.
3. Абу Убайд Қосим ибн Саллом ал-Ҳаравий. Фазоил ал-Қуръон. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 1990.
4. Ибн Абу Шайба. Ал-Мусаннаф. 1-жилд. – Риёз: Мактабат ар-Русд, 2004.
5. Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. 8-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002.
6. Шамсиддин аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. 13-14-жилд. – Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1993.
7. Абу Бакр Жаъфар ал-Фарёбий. Фазоил ал-Қуръон. – Риёз: Мактабат ар-Русд, 1989.
8. Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий. Фазоил ал-Қуръон. – Байрут: Дор эҳё ал-улум, 1992.
9. Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо ал-Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музия

ва алоҳида асарлар ҳисобланади. Бироқ, олимлар, айниқса муҳаддислар ўзларининг асарлари таркибига ҳам шу мазмундаги бўлимларни киритганлар.

Муҳаддислар султони, буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (194-256 х./810-870 м.) томонидан битилган, шоҳ асар – “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Соғлом ҳадислар тўплами”) китоби “Саҳиҳи Бухорий” номи билан шуҳрат қозонган бўлиб, унинг таркибида “Китоб Фазоил ал-Қуръон” деб аталган алоҳида китоб (бўлим) мавжуд. У “Саҳиҳи Бухорий”да 66-чи ўринда келади, бобларининг адади эса 37 тани ташкил қилади. Унда 85 та саҳиҳ ҳадис ривоят қилинган[18: 219-230].

Имом Бухорий мазкур “Китоб Фазоил ал-Қуръон” бўлимини илк нозил бўлган оятлар ҳақидаги ҳадислардан бошлаган. Қуръоннинг матни – тили, тартиби, ҳарфлари, қироат ва тиловат одоблари тўғрисидаги ҳадислар келтирилган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг котиблари, қори бўлган саҳобалар тўғрисида сўз юритилгандан сўнг сура ва айрим оятларнинг фазилатига ўтилади. Қуръоннинг бошқа китоблардан афзаллиги, уни бошқаларга ўқитишнинг савоби, қориларга ҳавас қилиш борасида ҳам ҳадислар келтирилган. Жумладан, *خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ* – “Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни ўргатган кишилардир”, деган ҳадиси шариф келтирилади (5027-5028 ҳадислар).

Қуръон қироати ва тиловати чиройли овоз, гўзал савт билан бўлишига ҳаракат қилиш керак. Бу борада Имом Бухорий Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Абу Мусо Ашъарийга: “Эй Абу Мусо, сенга Довуд оиласининг сурнайларидан (яъни, таъсирли овозларидан) бири берилганда”, деганларини ривоят қилган. Президентимизнинг ҳам “Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшита олсан, эшиттира олсан бу муваффақият бўлади”, деган сўзлари бежиз эмас.

Имом Бухорийнинг “Китоб фазоил ал-Қуръон” бўлимида “Фотиха”, “Бақара”, “Каҳф”, “Фатҳ”, “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларининг алоҳида фазилатлари ҳақида ривоятлар мавжуд.

Имом Бухорийнинг ўз китобига ҳадисларни киритиш шартлари бошқа муҳаддисларнинг шартларидан оғирроғи ҳисобланади. Ровийлар ўзаро бир-бирини кўрган ва устоз-шогирдлик қилгани аниқ бўлган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам энг саҳиҳ ҳадислар киритилгани боис улар сони чекланган бўлиши мумкин. Мақола аввалида номлари эслатилган китобларда эса Қуръон суралари ва оятларига бағишланган саҳиҳ ҳадислар билан бирга заиф ва “мункар” деб баҳоланган ривоятлар ҳам кўплаб учрайди. Бинобарин, Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари башарият томонидан битилган энг тўғри китоб сифатида унинг мазкур соҳага бағишланган мавзуси ҳам бу борадаги энг саҳиҳ ва энг тўғри мавзу бўлиб қолаверади.

фи табақот ал-ҳанафия. 2-жилд. – Ҳажар: Дор ат-Тибоба ва-н-нашр, 1993.

10. Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий. Фазоил ал-Қуръон. 2 жилд. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2006.

11. Шамсиддин аз-Заҳабий. Тазкират ал-хуффо. 3-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1955.

12. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. – Истанбул, 1954.

13. Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. 6-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002.

14. Шамсиддин аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. 23-жилд. – Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1993.

15. Абдулхай ад-Димашқий. Шазарот аз-заҳаб. 2-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2006.

16. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4. ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) 2 китоб. 3-жилд / Шайх Абдулазиз Мансур таҳририда. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.

XVIII-XIX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР ТАСНИФИ

Меҳрожиддин
АМОНОВ
ИБХИТМ кичик
илмий ходими

Мақолада XVIII-XIX асрларда Марказий Осиеда нақшбандия-мужаддидия таълимоти ва тарихига оид қўлёзма ва тошбосма манбалар тарихий ҳужжатлар асосида тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Марказий Осие, нақшбандия-мужаддидия, силсила, қўлёзма.

In the 18th and 19th centuries, the pattern was studied in Central Asia based on manuscripts and historical sources and historical documents on the doctrine and history of the Nakshbandia-Mujaddid.

Изучение проводилось на основе рукописных и исторических документов из источников 18 и 19 веках Центральной Азии относящихся к образцам и доктринам нақшбандия-мужаддидии.

Нақшбандия-мужаддидия таълимоти XVII асрнинг бошларида Ҳиндистон диёрида Шоҳ Акбар (1542-1605 йй.) даврида, мазкур ҳукмдорнинг диний сиёсати ва ислохотлари натижасида заифлашиб қолган исломни қайта кучайтириш ҳаракати билан боғлиқ ҳолда дунёга келди ва тез орада ривож топиб ҳудуд бўйлаб кенг ёйилди. Нақшбандийликнинг давоми ҳамда у замонга мос янгиланган кўриниши бўлган тасаввуфнинг бу йўналишига Аҳмад Форуқи Сирхинди (1564-1624) асос солган ва тасаввуф тарихида “мужаддид алф-сонини” номи яъни “иккинчи минг йилликнинг мужаддида” номи билан шухрат қозонган.

XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб ва асосан мазкур асрнинг охириларида, айниқса XVIII-XIX юз йилликларда нақшбандия-мужаддидия таълимоти Марказий Осиеда ҳам ёйилиб етакчи тариқатлардан бирига айланиб бўлган эди.

Нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Марказий Осие ҳудудига кириб келиши ва ёйилишига Муҳаммад Содиқ Кишимий, шайх Тохир Бадахший, Хожа Муҳаммад Ҳошим Кишимий, Бадриддин Сирхиндий [1: 105] ва асосан Хожа Ҳабибуллоҳ Бухорий ҳамда Мусохонхожа Даҳбедий, Мирзо Жон Жонон ва бошқа бир қанча шайхлар катта ҳисса қўшганлар.

XVIII-XIX асрларда нақшбандия-мужаддидия таълимоти ва унинг ўрганилиши тарихига оид “Лутфи бузург” [2], “Тарихи Хумулий” [3], “Маҳазин ут-тақво” [4], “Тухфат ул-аҳбоб” [5], “Тухфат ул-ансоб” [6], “Ҳазарот ул-қудс” [7], “Тазкираи Мажзуб Намангоний” [8], “Тарихий Бухоро ва таржиматул уламо” [9], “Насимат ул-қудс мин ҳадоиқ ул-унс” [10] каби манбалар у ёки бу тарзда илмий муомалага жалб этилган [11].

Тадқиқотимиз объекти бўлган “Равойиҳ ул-қудс”, “Миръот ус-соликин” ва “Воқеоти исломия” асарлари илк бора илмий муомалага киритилмоқда. Ушбу асарлар ҳозиргача илмий тадқиқотларга деярли жалб қилинмаган.

“Равойиҳ ул-қудс” (Хушбуй ва муқаддас хидлар) асари 430 саҳифадан иборат бўлиб, у форс тилида настаълиқ хатида 1850 йилларда Ёркент (Хитой)да ёзиб тугатилган. Асарнинг муаллифи 1229/1814 йилда таваллуд топган Мирза Мақсуд [12: 1] деган шахс бўлиб, унинг Бухорий ва Даҳбедий нисбалари ҳам бор.

Қўлёзманинг кодикологик ва текстологик таҳлили унинг муаллифи қўли билан ёзилганига, яъни автограф эканлигига ишора қилади. Мирзо Мақсуд Бухорий Даҳбедий зиёли, дунёқараши кенг олим сифатидан танилган ва умрини сайру саёҳатларда ўтказган. У шарқ ва ғарбнинг кўплаб давлатларида бўлиб, у ерларда яшайдиган турли сўфийлик тариқатлари арбоблари билан учрашгани ва мулоқот қилганлиги таъкидлаб ўтилган [13: 31-32].

Унинг бобоси боғибаландлик Муҳаммад Амин

Даҳбедий деган шахс Мусохонхожа Даҳбедийнинг шогирдларидан ҳисобланган. У Бухоро амири Амир Ҳайдарнинг (1800-1826) пири эди ва шу сабабли “Эшони пир” номини олган.

Муаллиф мазкур асарни мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” китобининг давоми сифатида ёзилган, деб таъкидлаган.

“Тазкират ул-авлиё”, “Нафаҳот ул-унс”, “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, “Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс” асарларидан кейинги даража ҳақли равишда “Равойиҳ ул-қудс”ни келтириб ўтиш мумкин.

“Нафаҳот” “нафҳа”га, “Рашаҳот” “рашҳа”га, “Ламаҳот” эса “ламҳа” аталган бобчаларга бўлингани каби, “Равойиҳ” ҳам ўз навбатида “равҳа”ларга бўлинган. Барча муаллифлар мазкур турли сўзларни “боб”, “қисм” маъносида ишлатишган.

“Равойиҳ ул-қудс” асари 400 бобдан иборат бўлиб, кенг географик ҳудудни қамраб олади. Жумладан, шарқда Ҳиндистон, Покистон ва Шарқий Туркистон (Хитой)дан тортиб, шимолда Россия ва Европа, жанубда Араб давлатлари ва ғарбда шимолий Африка ва Андалусия (Испания)гача бўлган ҳудудларда фаолият кўрсатган машойихлар тарихи ҳамда юзлаб муршидлар фаолиятига доир мулоҳазалар асосида берилган. Унда замон ҳукмдорлари, уларнинг халқларга муносабатлари, номаълум тарихий шахслар ва номи ўчиб кетган географик, топонимик манзиллар, мутасаввифа аёллар тарихи баён этилган [14, 15].

“Миръот ус-соликин” (Солиқлар ойнаси) [16] - Мирзо Мақсуд Даҳбедий Бухорий қаламига мансуб яна бир нодир асардир.

Мирзо Мақсуд “Миръот ус-соликин” асарини Муҳаммад Амин Даҳбедий (1152/1739-1229/1814) ва унинг авлодлари, шогирдлари ҳамда ўша давр шайхлари ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, Даҳбед тасаввуф мактаби намояндalари тарихига бағишлаб, 1264/1848 йилда ёзган.

Мирзо Мақсуд 1821 йилда ота-онаси билан бирга Қўқонга кўчиб кетади ва 1249/1834 йилда Даҳбедга қайтиб келади.

Шу орада 10 йил мобайнида (1259/1843 йилга қадар) Бухорога бориб Абдусаттор Маҳдум, Муҳаммад Хожа Қўҳистонийларнинг хонақоҳида хизматда бўлади. Бир неча йил Амир Насруллоҳ саройида хизмат қилиб, 1843 йилда Самарқандга келади ва бу ердан Насаф, Кеш, Дехнава, Чағаниён, Қубадиён, Балх, Маймана, Хазора, Ҳирот, Жом, Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Бастом, Симнон, Техрон, Озарбайжон, Эрзурум, Қора Ҳисор, Сивас, Бўш, Константинопол ва денгиздан ўтиб Ҳижоз шаҳарлари орқали Макка шаҳрига боради.

Бу саёҳати давомида кўплаб олиму алломалар, бузургворларнинг муқаддас мазорларини зиёрат қилади. Машҳад шаҳрида йўлда қароқчилар ҳужумига учраб, та-

лафот кўргач бир ойлар чамаси шу шаҳарга қолишга мажбур бўлган. Шаҳар волийси бўлган Ёр Муҳаммад Асаф ад-Давла қароқчиларни топтириб жазолайди ҳамда Мақсуди Бухорийни иззат иқром билан Техронга кузатиб қўяди.

Техрон ҳукмдори бўлиб турган Муҳаммад Шоҳ ҳам уни муносиб кутиб олиб, Туркия чегарасигача кузатиб қўяди.

Мирзо Мақсуд Бухорий Макка шаҳрига бориб зиёратни адо этгач, Туркистонда Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиб, Тошкент орқали Бухорога 1264/1848 йили қайтиб келади.

У “Мирот ус-соликийн” асарини Бухорода 1256/1840 йилда ёзишни бошлаб, 1264/1848 йилда айнан шу шаҳарда тугатган [17: 355-356]. Асар 11 бобдан иборат, I-бобда Дахбед мактаби шайхлари ва нақшбандия силсиласи (Мусохонхожа Дахбедий тармоғи) келтирилган; II-бобда шайх Муҳаммад Амин Дахбедий таваллуд топиши; III-бобда Дахбедий шайх ва сўфийлари йўли; IV-бобда Дахбед хонақосидаги Дахбед шайхлари ҳақида; V-бобда Дахбедий шайхлар ҳаётида риёзатнинг аҳамияти; VI-бобда Амир Ҳайдарнинг Дахбедий шайхларга хайрихоҳлиги ва Амрининг кўкларга кўтарилиши ҳақида; VII-бобда зиёрат, ибодатдаги ажойиботлар тўғрисида; VIII-бобда Мусулмон оламида Дахбед шайхларининг тутган ўрни; IX-бобда Дахбед шайхи (Муҳаммад Амин)нинг вафоти ҳақида; X-бобда Дахбедий шайхнинг шогирдлари тўғрисида; XI-бобда китобни ёзиш сабаблари ва эришилган натижа баён этилган. Китобнинг охирида муаллиф томонидан Мирзо Муҳаммад Али Дарбандий ибн Мирзо Козимбекка “ҳазору ду саду шасту панж”, яъни 1265/1849 йилда ҳадя этилганлиги қайд этилган.

“Воқеоти исломия” (Исломий воқеалар) [18] - муаллифи Мирзо Жунайдуллоҳ бўлиб, Ҳозик тахаллуси билан ижод қилган шоир, табиб ва таржимон бўлган.

Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик (тахминан XVIII асрнинг 80 йиллари охириларида) Ҳиротнинг Каррух мавзесида Муҳаммад Ислом шайх Каррухий хонадонидан таваллуд топган. Айрим ёзишмаларда уни “Ҳозики Қайсарий” [19: 156-157], деб хато ёзишади. Аслида Маймана, Андхунд ва Қайсарда оз муддат бўлсада истиқомат қилган. 1843 йилда Китоб шаҳрида вафот этган.

Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг ўзи ҳам Нақшбандия-муҷаддидия мактаби тарбияланувчиси бўлиб, унинг устози Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий, унинг устози Муҳаммад Ислом Каррухий орқали Нақшбандия-муҷаддидия силсиласининг Сўфи Оллоҳёр тармоғига уланган.

Эргашали Шодиевнинг “Ҳозик куллиёти” [20], “Ҳозик ҳақида янги маълумотлар” [21] номли мақолаларида Мирзо Ҳозик ҳаёти ва асарларининг қисқача мазмуни тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритганлиги, асар ҳақида дастлабки тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундан ташқари “Ўзбек адабиёти тарихи” [22: 204-215] номли мажмуада ҳам юқоридаги тадқиқотлар умумийликда бериб ўтилган.

XVIII-XIX асрда Нақшбандия-муҷаддидия тарихини ёритувчи манбалардан бири Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг “Воқеоти Исломия” асари ҳам ҳозиргача тўлиқ ўрганилмай келаётган тасаввуф таълимоти тарихнавислиги ва манбашунослигига мансуб тарихий асардир.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида бизга асарнинг уч нусхаси маълум бўлди.

I-нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтини (бундан кейин – ЎзР ФА ШИ) фондида № 12240 рақам

остидан сақланади.

II-нусхаси Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг укаси шайх Мирзо Абул Ҳасан (Соқиб) авлодлари [23: 31] қўлида сақланади.

III-нусхаси ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фондида № 3021 рақам остидан сақланади.

I-нусхасида муаллиф Мирзо Ҳозик асарининг 2б-3а (II-нусхасининг 1б-3а, III-нусхасининг 9б-10а) саҳифасида: “Рисолаи маноқиб хасоили ва фазоил Ҳазрат Эшон” асарини тасниф этдик... Рисолани қалблар тасдиқ топишлиги ва воқеликлар тарзида келтирилганлиги сабабли, “Воқеоти Исломия”, деб ном қўйишимизга, шубҳа бўлмаса керак”, деб таъкидлаб ўтган.

I-нусхасининг 29б варағида асар номи “Рисолаи Маноқиб Шайхулислом Ҳиротий”, деб келтирилган. Муаллиф томонидан эса “Воқеоти Исломия”, деб таъкидланганлиги учун, биз ёзувларимизда “Воқеоти Исломия”, дея келтирдик.

“Воқеоти Исломия” асарининг I-нусхаси 29 а-б варақлардан иборат бўлиб, ҳижрий 1301/1883 йилда кўчирилган.

II-нусхаси ҳижрий 1293/1876 йилда Мир Ҳусайн хожа Хуррабий томонидан кўчирилган бўлиб 52 а-б варақдан иборат.

III-нусхаси 48 а-б варақдан, 1326/1907 йилда кўчирилган.

I-II-нусхалари варақлари 15 қатордан, ёзуви чиройли настаълиқ, тили форсча, айрим ғазаллар ўзбек тилида кўчирилган.

III-нусхасининг биринчи қисми 18 қатордан, қолган қисмлар 17 қатордан, форсча, айрим ғазаллар ўзбек тили берилган, учала нусха ҳам қора сиёҳда битилган.

I-нусхада 30 нафарга яқин шахс ҳақида маълумотлар берилган бўлса, II-нусхада 80 дан ортиқроқ, III-нусхасида 50 га яқин тасаввуф олимлари ва бошқа шахслар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Асарнинг I-нусхасида “манқул аст”, “байт”, “маснавий” сўзлари, II-нусхасида “мисра”, “байт”, “маснавий”, “ғазал”, “назм”, “воқеъа”, “воқеъот” сўзлари ва “Қарши”, “Деҳна”, “Ҳисор”, “Кўлоб”, III-нусхасида “байт”, “маснавий”, “ғазал”, “назм”, “воқеъа” сўзлари ҳамда “Қарши”, “Самарқанд”, “Ургут”, “Хузур”, “Шаҳрисабз” каби мавзелар қизил сиёҳда ёзилган.

II-нусхаси мажмуа ҳисобланиб, икки қисмдан иборат:

1 қисми: “Воқеоти Исломия”, 2 қисми: “Ғазалиёти Ҳозик”.

II-нусхасининг 28б-30а, 5б-9а варақларида араб имлосидаги “ن، ت” ва “س” каби ҳарфлари чўзиброқ ёзилиб, юқори қаторнинг ўнг томонидан пастки қаторнинг чап томонига қадар зинапоя шаклида безак берилган.

III-нусхаси мажмуа ҳисобланиб, 3 қисмдан иборат:

1 қисми: “Силсилаи Нақшбандия”, 2 қисми: “Воқеоти Исломия”, 3 қисми: “Юсуф ва Зулайхо”.

Мирза Мақсуди Бухорийнинг “Равойиҳ” асари “равҳа”, деб аталган бобчаларга бўлингани каби, “Воқеоти Исломия” ҳам ўз навбатида “Воқеа” (жами 43 та воқеа)ларга бўлингани.

Муаллиф “Воқеоти исломия” асарида Эрон шоҳи Нодиршоҳ, унинг вафотидан кейин Бухорода Муҳаммад Раҳимбий (кейинчалик Раҳимхон) ва жойнишинлик (яъни Муҳаммад Раҳимхондан кейин Амир Дониёл хали ҳаётлик давридаёқ давлат бошқаруви) вазифасини бажарётган Шоҳмуродбий, шунингдек, Дурроний (Темуршоҳ,

Замоншоҳ, Маҳмудшоҳ, Ферузшоҳ каби)лар тарихига оид қимматли маълумотларни келтирган.

Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрори Вали, шайх Яланий, Девони Шоҳ Машраб Намангоний каби тариқат арбоблари, шунингдек, нақшбандия-муҷаддидиянинг Сўфи Оллоҳёр тармоғида фаолият кўрсатган 100 га яқин тариқат намояндalари ҳақида сўз юритилган.

Мазкур асарда сулук одоблари, зикр масаласи, муршид ва мурид муносабатларига ҳам алоҳида тўхталиб, асарни қувватли қилиш мақсадида оят ва ҳадислардан ҳам унумли фойдаланилган.

Нақшбандия-муҷаддидия таълимтоти тарихига оид Сўфи Оллоҳёрнинг “Сабот ул-ојизин” ва “Маслак ул-муттақийн”, Мавлоно Мажзубнинг “Тазкираи Мажзуб Намангоний”, Меҳмон хожа ибн Мавлавий Эшоннинг “Тухфат ул-мўминин”, Муҳаммад Яқуб Охунднинг “Ҳазинат ул-асфиё”, Муҳаммад Амир Чимёнийнинг “Тазкират ул-атқиё ва масират ул-асфиё ва лазизат ул-азкиё”, Тохир ибн Хожа Бухорийнинг “Одоб ус-соликийн”, Муҳаммад Раҳимнинг “Сирож ус-соликийн ва латоиф ул-ориғийн”, Муҳаммад

Содиқ Фарғонийнинг “Ҳадойиқ ул-ахбор”, Мавлоно Нуриддин Маҳжурийнинг “Тазкираи олмони Самарқанд” каби асарларида мавзуга доир қимматли маълумотлар берилган.

Шунингдек, Нақшбандия-муҷаддидия тариқати силсиласини ёритиш борасида Амир Сайид Марғинонийнинг “Силсилаи нисбати машойих-Тазкират ул-машойих”, Жиян Муҳаммад ибн Одина Муҳаммад Таёқлининг “Силсилаи нақшбандия”, “Силсилаи нақшбандия”, “Шажарайи нақшбандия”, “Тухфат ул-ансоби Алавий”, “Силсилаи шариф” каби қўлёзма манбаларда нақшбандия-муҷаддидия сулуки силсиласи ёритиб берилган.

Мавзунини ёритишда мазкур даврга тегишли тарихий ҳужжатлар, яъни иршоднома, вақф ҳужжатлари ва эпиграфик (қабртошлар ва меъморий иншоотлардаги ёзувлар) маълумотлар ҳам борки уларни синчковлик билан ўрганиш аҳамиятлидир.

XVIII-XIX асрлар Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддидия тариқати таълимоти ва тарихига оид кўплаб нусхада нодир қўлёзма ҳамда тошбосма манбалар мазкур тариқатнинг кенг ҳудуд бўйлаб ёйилганлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдусаттор Жуманазар. Вахшувор. –Т.: Akademnashr, 2015.
2. Мир Саодатуллоҳ. Лутфи Бузург. Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти Санктпетрбург филиали қўлёзмалар фонди №В-1932.
3. Жумақули Ургутий. Тарихи Хумулий. ЎзР ФА ШИ. №2785.
4. Мир Ҳусайн. Маҳозин ут-тақво. ЎзР ФА ШИ. №2773.
5. Сайид Муҳаммад ибн Охунд қози Камол. Тухфат ул-аҳбоб. ЎзР ФА ШИ. №4400.
6. Абдурахим Ҳисорий. Тухфат ул-ансоб. ЎзР ФА ШИ. №1459.
7. Бадриддин ибн Иброҳим Сирҳиндий. Ҳазорот ул-қудс. ЎзР ФА ШИ. №76.
8. Абдулазиз Мажзуб Намангоний. Тазкираи Мажзуб. ЎзР ФА ШИ. №2662.
9. Абу Абдурахмон Абдулло. Тарихий Бухоро ва таржимат ул-уламо . ЎзР ФА ШИ. №1595.
10. Муҳаммад Ҳошим Кишимий. Насимат ул-қудс мин ҳадоиқ ул-унс. ЎзР ФА ШИ. №635.
11. Anke von Kugelgen. Die entfaltung der nagshbandiya mugaddidiya im mittleren transoxanien vom 18. Bis zum begiwn des 19. Jahrhunderts: Ein stuck detektivar bait // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries vol. 2. Berlin. Klaus schiwarz Verlag. 1998.; Юлдашходжаев Х.Х. Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-муҷаддидийа тариқати ривожига туган ўрни (XVIII аср). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертацияси. –Т.: 2008.; Абдусаттор Ж. Вахшувор. – Т.: Akademnashr, 2015.; Абдусаттор Ж. Машраб. –Т.: Akademnashr, 2015.
12. Мақсуди Бухорий. Равойиқ ул-қудс. Қўлёзма, форс тили, настаълиқ хатида. 1850 й. Каттаев К. шахсий кутубхонасида.
13. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ва унинг машхур авлодларидан мерос қолган қадимий нодир китоблар каталоги. Рангли, фото-иллюстрацион илмий альбом-нашр. Биричи китоб. TAFAKKUR BO`STONI. –Т.: 2015.
14. Каттаев К. Муқаддас хушбўй ҳидлар // Зарафшон газетаси, 1995 йил 29 август; Тарихий нодир манба // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996 йил 30 август.
15. Солиева Ф., Каттаев К. Проблемы духовности и развитие гуманистических идей в свете известных и неизвестных источников суфизма, произведений исламских мыслителей и современная их интерпретация в светской литературе. –Самарканд: Зарафшон, 2007.
16. Ленинградского государственного университетининг (ҳозирги Санктпетрбург Государственного Университет) шарқшунослик факултети (бундан кейин СПбГУ) қўлёзмалар фонди инв № 854.
17. Тагирджанова А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ. Т.1: История, биография, география. – Л.: 1962.
18. Мазкур манбани илмий муомалага киритиш тадқиқот ишларимиз орқали амалга оширилган эди. Бу ҳақида қаранг: Амонов М. Тасаввуф таълимотида Муҳаммад Ислом шайх Каррухийнинг туган ўрни. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Мақолалар тўплами. –Т.: 2010.; Амонов М. Тарихи машойихи мутааххирини Бухоро. Тарихий хотира-маънавият асоси мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2011.; Амонов М. Жумабозор. – Т.: “TAFAKKUR BO`STONI”, 2014; Амонов М. Сўфи Оллоҳёр авлодлари. Ёш олимлар Республика илмий-амалий конференцияси. 2016 йил 29-30 январ. ТерДУ.; Амонов М. Сўфи Оллоҳёр шоғирдлари. Ёш олимлар Республика илмий-амалий конференцияси. 2016 йил 29-30 январ. ТерДУ.; Амонов М. Азизи Ғузорий. Ёш Шарқшуносларнинг Академик У.Каримов номидаги XIII илмий-амалий конференцияси тезислари. – Т.: 2016 й.; Амонов М. Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозиқ ва унинг “Воқеоти Исломия” асари. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари (Республика илмий анжумани материаллари). – Самарқанд. 2016. Амонов М. Лангар азизлари зиёратгоҳи ёхуд Атоуллоҳ Хўқандийни биласизми // Vodiynoma журнали. 2017 йил 5 сони; Мирзо Меъроҷиддин (Амонов М). Сўфи Оллоҳёр ва Ислом шайх тарихи. –Т.: “MASHHUR-PRESS”, 2017.
19. Сайид Муҳаммад Алем Лабиб. //Намояндағони баржастии хавзаи адабии Балх дар садаи XIX// (С.Айний номидаги Тоҷикистон давлат Педагогика Университети) Вестник Педагогического Университета. –Душанбе. 2015. № 3 (64)
20. Ушбу асар муаллифга Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида яшовчи ушбу авлод вақиллари хонадонидан етганлиги ҳақида маълумотлар бор. Э. Шодиев. Ҳозиқ кулиёти. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1971 йил, 2-сон.
21. Шодиев Э. Ҳозиқ ҳақида янги маълумотлар //Ўзбек тили ва адабиёти, 1972 йил, 1-сон.
22. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.4. –Т.: Фан, 1978.
23. Амонов М. Жумабозор. –Т.: TAFAKKUR BO`STONI, 2014.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН (Фарғона водийси мисолида)

Отабек НОРМАТОВ
ТИҚХММИ
катта ўқитувчиси

Ушбу мақолада Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсатининг амалга ошириш даврида Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалик ва савдо-сотиқ муносабатлари тарихининг айрим жиҳатлари акс этган бўлиб, Ўзбекистон ССРда янгидан барпо этилган маъмурий бирликлар иқтисодий ҳолатлар қандай кўринишда эканлиги турли манбалар асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: районлаштириш комиссияси, савдо муносабатлари, чорвачилик, Андижон, Кўқон ва Хўжанд округлари, янги маъмурий бўлиниш, районлаштириш сиёсати.

1924-1925 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалигидан иборат бўлиб, унда республика аҳолисининг 85 фоизи банд бўлган. Ўзбекистон 1 195 000 десятина* суғориладиган ер майдонига эга бўлди[1]. Иттифоқ бўйича 1923-1924 йилларда етиштирилган 14,2 млн пуд** пахтадан Ўзбекистон хиссасига тахминан 10 млн пуди (қарийб 70 фоизи) тўғри келган эди. Фарғона ва Зарафшоннинг серхосил водийлари, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкентнинг каттагина қисмида пахта далалари жойлашган эди. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва республиканинг бошқа районлари боғ-роғлари, узумзорлари, пиллачилиги билан машҳур эди.

Ўзбекистон ССР ғаллакор ва чорвачилик районлари ҳам эга бўлган. Миллий-худудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон Ўрта Осиё бўйича ҳисобга олинган 10 321 000 бош чорвадан деярли 2 600 000 боши берилди. Ана шу негизда асосланиб Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарёда чорвачилик, айниқса, қорақўлчилик янада ривожлантирилди [2: 155]. 1925 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ССРнинг умумий майдони 184 836 км² ни ташкил этиб, 7 та вилоят яъни Зарафшон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ва алоҳида Конимех районини ўз ичига олган[3: 383-384.]. Республиканинг умумий аҳолиси 4 430 519 нафар бўлиб, шаҳар аҳолиси 995 700 нафар, қишлоқ аҳолисини эса 3 434 819 нафар ташкил этган[4]. Кўриниб турибдики, аҳолининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилишган.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси ўзига хос кўринишга эга тармоқ бўлиб, у республика иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Республика бўйича қишлоқда яшовчи хўжаликларнинг умумий сони 676 000 та бўлиб, уларнинг 279 000 таси Фарғона вилояти ҳисобига тўғри келган[3: 386]. Маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолиси водийда миқдор жиҳатидан кўп ва анчагина зич жойлашганлиги билан ҳам характерланади.

Марказни районлаштириш комиссияси томонидан ўтказилган маъмурий ислохотга кўра, амалдаги вилоятлар ўрнига округлар, уездлар ўрнига районлар тузилиб, худудлардаги қишлоқ советлари сони эса кўпайтирилди. Ўзбекистон ССР таркибидаги мавжуд вилоятлар ўрнига округлар ташкил этилиб, Фарғона вилояти худудидан ҳам 3

This article reflects some aspects of the history of agricultural and trade relations in the Fergana valley during the implementation of the region is zoning policy in the Central (middle) Asian region and explains that the newly established administrative units of Uzbek SSR have a variety of sources.

В этой статье отражены некоторые аспекты истории сельского хозяйственного и торговых отношений в Ферганской долине во время реализации политики районирования в Средней Азии, а также объясняется, что у вновь созданных административных единиц в Узбекской ССР есть множество источников.

та, яъни Кўқон, Хўжанд, Андижон округлари ташкил этилди.

Жумладан Кўқон округи қишлоқ хўжалиги хусусида фикр юритадиган бўлсак, округ Республика миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган округлардан бири ҳисобланган. Кўқон округида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигининг кўриниши худуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Округнинг қишлоқ хўжалигида яроқли ерларнинг умумий майдони 182 619 десятинани ташкил этиб, шундан 176 500 десятинаси (96,6 фоиз) суғориладиган, 6 119 десятинаси (3,4 фоиз) эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Экин майдонларининг табиий шароитлари пахта етиштиришга жуда қулай бўлган. Экин майдонларида асосан қуйидаги маҳсулотлар: пахта (40,5 фоиз), маккажўхори (21,8 фоиз) ва донли экинлар (21,2фоиз) экилган [5: 110].

Чорвачилик эса округда ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган. Чорвачиликда қора моллар асосан ишчи кучи сифатида фойдаланиш, қисман соғиш ва озиқ-овқат учун етиштирилган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 240 170 бош ҳисобланиб, унинг 46,4 фоиз ни йирик қора моллар, 17фоиз ни отлар ва 34,2 ни эса майда қорамоллар ташкил этган[6: 111]. Округ бўйича ҳар бир хўжаликка қора моллар ўртача тақсимланганда 2-2,5 бошгача тўғри келган. Жумладан, Кўқон округида савдо алоқалари ҳам ўзига хос равишда олиб борилган. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Масалан, Риштон, Бешариқ, Лайлакхона, Кува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш 38 та қишлоқ бозорлари бор эди. Асосий йирик шаҳар бозорлари эса Кўқон, Фарғона, Марғилон ва Чуст каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди[6: 111-112].

Ўзбекистон ССРда ўзига хос ўринга эга бўлган яна бир худудлардан бири, Хўжанд округи ҳисобланиб, унинг қишлоқ хўжалик соҳасини умумий ҳолати қуйидагича эди. Округ аҳолиси қишлоқ хўжалик соҳасида боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Округ бўйича яроқли ерларнинг умумий майдони 35 007 десятинани ташкил этиб, шундан 31 984 десятинаси суғориладиган, 3 023 десятинаси эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Демак, экин майдонининг 91фоиз суғорма деҳқончиликка, 9 фоизи эса лалмикор-

* **Бир десятина** - 1,03 гектарга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

** **Бир пуд** - 16,38 кг тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

ликка асосланган. Округда асосан сўғорма деҳқончилик яхши йўлга қўйилган. Деҳқончиликда асосан қуйидаги маҳсулотлар: бугдой (35,1%), пахта (24,3%), гуруч (15,4%) ва маккажўхори экилган[5: 100]. Бундан ташқари, округнинг Хўжанд ва Конибодом районларида боғдорчилик билан жуда кенг шуғулланишган. Умумий экин майдонининг 3997 десятинаси боғлар, 838 десятинаси узумзорлар бўлган. Округдан йилига 770 000 пуд турли хил мевалар, 146 000 пуд узум ва 484 000 пуд куруқ мева Хўжанд ва Мельников станцияларидан четга юборилганидан билиш мумкинки, бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жуда яхши йўлга қўйилганлиги, Марказнинг эътиборидан четда қолмасдан, улар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишди.

Қишлоқ хўжалигида яна ипакчилик ва районларнинг тоғли ҳудудларида эса айниқса чорвачилик соҳаси ривожланган бўлиб, Ашт районининг чорвачилик соҳалари ривожланган ҳудудларига Ғожи, Кўприкбоши ва Пунук қишлоқларини, ипакчиликка эса Қалам, Қирққудук, Жарбулоқ, Сарвак, Пахтакор, Ўзбекоқжар ва Тожиқоқжар қишлоқларини мисол келтиришимиз мумкин. Округда бу соҳалар ёрдамчи тармоқ ҳисобланган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 89 005 бош ҳисобланиб, унинг 7,7 фоизини отлар, 30 фоизини йирик қорамоллар ва қолган қисмини асосан майда қорамоллар ташкил этган.

Хўжанд округида амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил топган. Округда асосий савдо маркази Хўжанд шаҳри ҳисобланган. Бундан ташқари Конибодом, Исфара, Шайдон шаҳарларида, Қуйи Аштда асосий савдо бозорлари фаолият юритган. Бундан ташқари Пистакўз, Ғўлакандоз, Қамишқўрғон ва бошқаларда иккинчи даражали бозорлар ҳам бўлган[5: 100]. Марказнинг районлаштириш бўйича тузган комиссиясининг расмий маълумотларига қараганда, Хўжанд округи шимолдан Тошкент округи, шарқдан Қўқон округи, жанубдан Қирғизистон, ғарбдан бир қисми Тожикистоннинг Ўратепа вилояти, бир қисми эса Тошкент округи билан чегараланган.

Фарғона водийсида муҳим аҳамиятга эга бўлган округлардан яна бири Андижон округи ҳисобланиб, районлаштириш комиссиясининг расмий маълумотларига қараганда, Андижон округи шимоли-шарқда ва жануби-шарқда Қирғизистон автоном области билан, ғарб ва жануби ғарбда эса Қўқон округи билан чегараланган. Округнинг умумий майдони 6 427 квадрат вёрста***ни ташкил этган бўлиб, таркибида қуйидаги 12 та район киритилди: Косонсой, Янгикўрғон, Шўрқўрғон, Норин, Избоскан, Балиқчи, Шаҳрихон, Асака, Аравон (Марҳамат), Андижон, Жалолқудук ва Қўрғонтепа [7].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон МДА. Р-837-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 204-209-варақлар.
2. Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958.
3. Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. –Т.: Изд. Средне – Азиатского отделения Российско – Восточной торговой палаты, 1926.
4. Ўзбекистон МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варақ.
5. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. –Самарканд: Изд. ЦКР Уз, 1926.
6. Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии районированию Д.П. Красновского. –Т.: Изд ТЭС, 1924.
7. Ўзбекистон МДА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 341-342-варақлар.

*** *Бир вёрста* - 1,0668 км.га тенг рус узунлик ўлчов бирлиги.

Андижон ҳудудида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдони 216 368 десятина бўлиб, унинг атига 1 фоизини лалмикор ерлар ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида асосан пахтачилик, дуккакли экинлар ва донли экинлар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Округнинг сўғориладиган ерларида асосан қуйидаги экинлар: пахта (47,6%), шולי (18,9%), маккажўхори (10,3%) ва бугдой (10,2%) етиштирилган. Бундан ташқари, катта миқдорни ташкил этмасида, беда (2,8%) ҳам экилган[5: 130].

Чорвачилик соҳаси ҳам округда ўзига хос ўринга эга бўлиб, у ёрдамчи тармоқ ҳисобланган. Чорва молларидан асосан мавсумга қараб ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Айниқса чорва моллари савдоси кузда, хосилни йиғиштириш пайтида авжида бўлган. Округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 207 192 бошни ташкил этган. Унинг 42 364 боши отлар, 98 371 боши йирик қорамоллар, 44 193 боши қўйлар ва 18 816 боши эса эчкилардан иборат бўлган[5: 130].

Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик каби соҳалар ҳам ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, улар ҳам округда алоҳида ўринга эга тармоқ ҳисобланган.

Маълумотларга кўра округ ҳудудида, 40 дан ошиқ бозор фаолият юритган бўлса, энг муҳимлари Наманган ва Андижонда жойлашган эди. Ана шу жиҳатдан ҳам округдаги савдо-сотик ишлари асосан икки қисмга ажратилган. Биринчиси Наманган, округнинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларини, Андижон эса округнинг қолган қисмларидаги аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи марказ ҳисобланган. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Андижон округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шохобчаларидан ташқари 41 та пахта сотиб олиш пункти ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 11 та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий манзилгоҳларида фаолият юритган. Маълумотлардан кўришиб турибдики, Андижон округи пахта хом ашёсини етиштириш ва тайёрлаш бўйича Республикада етакчи ўринда бўлган.

Хуллас, Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалик ва савдо-сотик муносабатлари, районлаштириш ўтказилган даврда ўзига хос кўринишга эга бўлиб, ушбу мақолада Қўқон, Андижон ва Хўжанд округларидаги қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотик муносабатларининг айрим жиҳатларига қисман эътибор берилган бўлсада, бу ҳудудлар Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган, маданий, иқтисодий марказлардан бири бўлганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, бу жиҳатларни битта мақола доирасида ёритиш мушкул.

ЎЗБЕКИСТОНДА 1950-1955 ЙИЛЛАРДА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ: НАТИЖА ВА МУАММОЛАР (Бухоро вилояти архив материаллари асосида)

Бахтиёр РИЗАЕВ
БухДУ камта
ўқитувчиси

Ушбу мақолада XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган аҳолини кўчириш жараёни Бухоро вилояти мисолида, мигрантлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари архив материаллари асосида очиб берилди.

Таянч сўзлар: миграция, кўчма хўжалик, режали кўчириш, чўл худуди, имтиёз, қўриқ ер, деҳқон хўжаликлари, пахтачилик, уй-жой, қарор, муаммо.

Ўзбекистонда XX аср 50-йилларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтиришга киришилди. Уч йил (1953-1955 йй) ичида Республикада 130 минг гектар ер очилди. 1960 йилга келиб суғориладиган ер майдонлари ҳажми 2,571 гектарга етди [17: 389].

Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш жараёни марказий ва маҳаллий матбуот органларида мунтазам ёритиб борилди. Бундан ташқари, турли фанлар доирасида, янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Мустақиллик йилларида 1950-1980 йилларда Республикада янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация иншоотларини ривожланиши мавзусига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ажабланарли томони шундаки, қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши билан ёнма-ён олиб борилган, аҳолини янги ерларга кўчириш мавзуси ҳалигача яхлит тадқиқ этилмади. Ваҳоланки, бу даврда аҳолини янги ерларга кўчириш сиёсати доимий ҳукумат диққат марказида бўлиб, марказ томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, вилоят ва туман архивларида бу даврда амалга оширилган аҳолини кўчириш ишларига алоқадор катта ҳажмдаги ҳужжатлар сақланади. Биз мазкур тадқиқотда Бухоро вилояти ва туманлар архивларида сақланаётган, аҳолини ички кўчириш ишларига алоқадор материалларни таҳлил қилишга қарор қилдик. Архивларда сақланаётган материалларнинг мазмуни 1950-1955 йиллар вилоятда амалга оширилган кўчириш ишлари давомида, қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлигидан гувоҳлик беради.

Вилоятда аҳолини кўчириш ишларига ЎзССР Министрлар Советининг 1950 йил 11 январда чиқарилган “1950 йилда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида”ги 69-рақам қарори асос бўлиб хизмат қилади. Қарорда Бухоро вилоятида 1950 йилда суғориладиган ер ҳажми 15,6 минг гектар кўпайтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, янги ўзлаштириладиган ерларга 1000 та деҳқон хўжалиklarини кўчириш режаси тасдиқланган эди [13: 35]. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш ишлари вилоятнинг туманлар кесимида ишчи кучи нисбатини ўрганишдан бошланди. Ғиждувон тумани аҳолиси зич бўлиб, бутун 1950-йилларда амалга оширилган ички кўчириш давомида, ишчи кучига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган муҳим вазифани бажарган. Бу ҳолат 1950 йил учун тасдиқланган аҳолини кўчириш режасида ҳам ўз аксини топган. Режада 1950 йилда Ғиждувон туманидан Когон туманига 500 та, Ромитан туманига 300 та, Бухоро туманига 200 та хўжалик кўчирилиши кўрсатилган [2: 19].

Кўчириш ишларини белгиланган муддатда, кўрсатилган

The article deals with the process of resettlement in Uzbekistan, problems associated with migrants and measures to prevent them on the example of the Bukhara region in the 1950s based on the archival materials.

В данной статье на основе архивных материалов освещается процесс проводимого в Узбекистане переселения на примере Бухарской области в 50-гг. XX в., проблемы, связанные с мигрантами и меры по их предотвращению.

режа асосида амалга ошириш мақсадида, вилоят ижрокўми Бухоро тумани ижроия қўмитаси раиси ўртоқ Адизов, Когон тумани Исабаев ва Ромитан тумани Ҳасановларга барча тайёргарлик ишларини 10 апрелга қадар яқунлаш вазифасини юклатди. Шунингдек, Ғиждувон туман ижроия қўмитаси раиси Набиевга май ойдан кечиктирмасдан режада белгиланган 1000 та хўжаликни танлаб, кўчирилишни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Ғиждувон туманида ташкил этилган тарғибот пунктларида йиғилган аҳолига бериладиган имтиёз, имкониёт ва эркинликлар атрофлича тушунтирилган. Кўчириш истагини билдирган деҳқон хўжалиklarнинг аризалари, анкета ва билетлари туман архивида икки йиғма жилдга тартибланган. Материалларни таҳлил қилиш орқали маълум бўлди-ки, 1950 йилда тумандан 305 хўжалик Когон туманига, 99-хўжалик Ромитан туманига, 54-хўжалик Бухоро туманига кўчирилган [15: 1,79,101]. Лекин бу йиллик режада белгиланган миқдордан анча кам бўлиб, аҳолини кўчириш ишларидаги дастлабки муваффақиятсизлик эди.

Бундан ташқари, янги кўчма хўжалиklarни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам долзарб муаммога айланди. Когон, Бухоро ва Ромитан туман ижроия қўмиталарида кўчма хўжалиklar учун уй-жой етишмаслиги масаласи бир неча марта муҳокама қилинган. Бўш, ишлатилмай турган биноларни колхозлар балансига ўтказиб берилишини сўраб, вилоят ижроия қўмитасига кўплаб хатлар юборилган. Бухоро туман ижроия қўмитасининг 1950 йил 10 мартдаги 5-рақамли п. 24-вилоят ижрокўмига йўлланган хатида жумладан шундай дейилган: “1950 йил 12 февралдаги Ворошилов колхозни Отбозор қишлоқ совети томонидан қарор қабул қилинган бўлиб, унда кўчма хўжалиklarни қабул қилиш учун 3-сонли тюрма директоридан муассасага қарашли бинолардан бирини зудлик билан бўшатиш ва Ворошилов колхозни балансига ўтказиш” сўралган [3: 133]. Уй-жой муаммоси аҳолини кўчириш ишларида яна бир ўта муҳим ва долзарб муаммони келтириб чиқарди. Бу асосан уй-жойга эга бўлиш мақсадида кўчириш истагини билдирган кўчма хўжалиklarни, янги кўчирилган колхозларни рухсатсиз тарқ этиши муаммоси эди. Мавжуд вазият кўчириш сиёсатининг барбод бўлишидан далолат берарди. Натижада 1951 йилнинг 16 январида Ўзбекистон Министрлар Советининг “Кўчма хўжалиklarга уй-жой куриш ишларини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [4: 126].

1951 йилда вилоятда 400 та хўжалик кўчириш режалаштирилди. Ғиждувон туманидан Бухоро туманига 150 та хўжалик, Когон туманига 150 та хўжалик, Ромитан туманига 100 та хўжалик қилиб белгиланди [5: 283]. Ғиждувон тумани ижро органларига, ўтган йилги хатолардан хулоса чиқарган ҳолда, бу йил тарғибот ишларида камчилик ва хатоларга

йўл кўймаслиги алоҳида уқтирилди. Режада белгиланган миқдор билан, амалда кўчирилган хўжаликлар сонини аниқ кўрсатиш жуда мушкул. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларда турли рақамлар мавжуд. Вилюят ижроия кўмитасининг молия вазирлигига йўлланган ҳисоботида 1951 йилда Когон туманига кўчирилиши режалаштирилган 310 та хўжалиқдан 57 та, Бухоро туманига кўчирилиши режалаштирилган 40 та хўжалиқдан атиги 1 та хўжалик амалда кўчирилгани таъкидланади [6: 20]. Мазкур ҳолат ўтган йилларда йўл кўйилган хато ва камчиликларнинг таъсирида вужудга келган бўлиб, уй-жой етишмаслиги сабабли кўплаб кўчма хўжаликлар ўз жойларига қайтиб, янги йилда амалга оширилиши режалаштирилган кўчириш ишларига салбий муносабатни юзага келишга хизмат қилади. Боз устига кўчма хўжаликларнинг кўчирилган жойни рухсатсиз тарк этиши давом этмоқда эди. Афтидан бу ҳолат кўчма хўжаликларнинг аниқ ҳисобини олишга салбий таъсир қилган. 1951 йил 1 январь ҳолатида Когон туманидан 28 та, Ромитан туманидан 30 та, Бухоро туманидан 7 та хўжалик янги кўчирилган жойларни рухсатсиз тарк этди [5: 283].

Кўчириш ишларини амалга оширилишига асосий сабаб янги ўзлаштирилган ерларни ишчи кучи билан таъминлаш баробарида, вилюятнинг аҳолиси зич, ерга муҳтож аҳолисини иш билан таъминлаш ва моддий аҳволини яхшилаш назарда тутилган эди. Лекин, ажабланарли томони шундаки, 1951 йилда Самарқанд вилюяти ижроия кўмитасининг 31/1435-рақамли қарори қабул қилинган. Ушбу қарор нусхаси Когон туман архив фондида сақланган. Қарорда Саройқўрғон қишлоқ советининг “Қизил-Чорва” колхози колхозчилари йиғилиши сўровини қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Унда жумладан: “Каттақўрғон тумани Саройқўрғон қишлоқ совети “Қизил-Чорва” қишлоғи колхозчилари Бухоро вилюятининг Қорақўл туманида зотдор туяларни кўпайтириш мақсадида кўчирилишни сўраб мурожаат қилган” – дейилади. Колхозчиларининг илтимослари Самарқанд вилюят ижроия кўмитасида кўриб чиқилиб, Каттақўрғон туман Саройқўрғон қишлоқ совети колхозчиларининг илтимосига биноан Бухоро вилюятининг Қорақўл туманига 70 та хўжалик кўчиришга қарор қилинган. Ушбу кўчирилиш режасини амалга оширилганлигини исботлашга асос бўладиган архив ҳужжатлари мавжуд бўлмасада, биров тушунарсиз ҳолат кўзга ташланади. Юқорида келтирилган Самарқанд вилюяти ижроия кўмитасининг қарорига илова қилинган Саройқўрғон қишлоқ советининг 1951 йил 26 сентябрдаги 9-рақамли баённомаси кун тартибидеги биринчи масала Бухоро вилюятининг Когон туманига кўчириш тўғрисида деб номланган. Кўчиб борадиган жойда чорва молларини кўпайтириш имконияти йўқлиги, чорва моллари жуда озгин ва совуқ тушиб қолганлиги муносабати билан кўчириш режасини бекор қилиш тўғрисида қишлоқ совети туман ижроия кўмитасидан сўрашга қарор қилади [9: 251-252]. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, дастлаб кўчирилиши белгиланган Қорақўл тумани кўчма хўжаликни қабул қилишга тайёр бўлмаган ёки умуман қутилмаган таклиф бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга сабаб, 1952 йилдаги аҳолини кўчириш режасида Қорақўл туманидан 50 та хўжалик Когон туманига кўчирилиши режалаштирилган эди. Ўзбекистон Министрлар Советининг 1952 йил 24 апрелдаги 695-рақамли қарориде вилюятда 500 та хўжалик кўчирилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 350 таси ички кўчириш ҳисобидан амалга оширилса, 150 та хўжалик қўшни Қашқадарё вилюят-

тидан кўчирилиши режалаштирилган [1: 334]. 1952 йилдаги кўчириш ишлари вилюятнинг Ёждувон, Қорақўл, Шофиркон туманларидан кўчирилиши лозим эди. Қорақўл туман давлат архивида Бухоро вилюяти ижроқўмининг 1952 йил 12 майдаги 15-рақамли п-2 қарори мавжуд. Қарорда Қорақўл туманидан Когон туманига зудлик билан 50 та хўжаликни кўчириш вазифаси белгиланган. Туман ижроия кўмитаси кўчирилиши режалаштирилган колхоз ва қишлоқ советларининг рўйхатини шакллантирган.

А) Октябрь колхози Саёт қишлоқ советидан-20 та
 Б) Сталин колхози Саёт қишлоқ советидан-5 та
 В) Куйбишев колхози Қорақўл қишлоқ советидан-5 та
 Г) Сталин Зиёрат қишлоқ советидан-10 та
 Д) Ленин колхози Зиёрат қишлоқ советидан-5 та
 Е) Сталинград колхози Қозон қишлоқ советидан-5 та
 Ж) Ленинград колхози Қозон қишлоқ советидан-5 та
 З) Коммунизм колхози Янгибозор қишлоқ советидан-5 та
 хўжалик кўчирилиши режалаштирилган [12: 408].

Кўчма хўжаликлар Когон тумани Туткунда қишлоқ советига, шунингдек бир хўжалик Бухоро тумани Чорбак қишлоқ советига кўчирилиши режалаштирилган.

1952 йила келга кўчма хўжаликларнинг кўчирилган жойни рухсатсиз тарк этиши оммавий кузатила бошлади. Натижада муаммони олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Министрлар Совети 1952 йил 24 январдаги “Янги ерларга кўчирилиб, кўчирилган жойни рухсатсиз тарк этган кўча хўжаликларни ўз жойига қайтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №133 қарори қабул қилинади. Бухоро вилюяти ижроия кўмитаси Когон туман ижроқўмига 1952 йил 8 февралда 8-рақамли расмий хат юбориб, Когон туманидан рухсатсиз кетиб қолган 45 кўчма хўжаликни жойига қайтаришни сўралган. Шунингдек, 1 мартга қадар туманнинг ҳар бир колхозида кўчирилган колхозларни рухсатсиз тарк этган хўжаликлар рўйхатини шакллантириш, кўчма хўжаликлари топиш ва жойига қайтариш, агар улар қайтишдан бош тортса кўчириш билан боғлиқ сарф харажатларни (транспорт, кредит, имтиёз) ўз ҳисобидан қопланиши таъминланиши топширилган [10: 62].

Ўша йилнинг 12 майида Когон туман ижроқўми Исабаева юборилган навбатдаги расмий хатда 50 та кўчирилган хўжалик рухсатсиз янги кўчирилган жойларини тарк этганлиги қайд этилган. Шунингдек, вилюят ижроия кўмитаси туман ижроия кўмитасига 25 май санасига қадар ҳар бир қочиб кетган хўжаликни топиб, оммавий муҳокама қилиб, рухсатсиз кетиш сабабларини ўрганиб, жойига қайтарилишини таъминлаб ҳисоботини етказиш вазифаси белгиланади [11: 174]. Бу каби ҳолатлар билан боғлиқ материаллар архив фондида жуда кўп эканлиги инобатга олинса, кўчириш ишларида қатор камчилик ва нуқсонлар борлиги аён бўлади.

Аҳоли кўчирилган Ёждувон ва кўчган Когон туманлари ижро кўмитаси ва колхоз советлари раислари орасида кўчма хўжаликларга алоқадор элементар муаммолар юзасидан хатлар алмашилгани ҳақида маълумотлар ҳам сақланган. Жумладан, улардан бирида шундай дейилган: “Қишлоқ совети раиси Ф.Юнусов ўртоқ Хамроева. Ёждувон район Ижроия комитети сизнинг қишлоқ советингиздаги Ленин номи колхоз аъзоси Халиков Ширин Когон район Уба чули қишлоқ советидаги Охунбабаев колхозига кўчма хўжаликка кўчиб кетган эди. Халиков Шириннинг хўжалигида бўлган хотини Ширинова Орзу қизи Ширинова Олима, Ширинова Мунаввара ва Ражабова Хатичалар ҳозирга қадар сизнинг қишлоқ советингизда Ленин номи колхозда ишлаб турибди. Шунинг учун Халиков Ши-

риннинг хўжалигида бўлган исми кўрсатилган ўртоқларни Когон район Уба чули қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозга эрини олдиға кўчириб юбориш учун колхоз раисига топшириқ бериш топширилади” деб таъкидланган[14: 84].

1953 йилга келиб дохийнинг вафот этиши билан (1953 йил 5 март) барча ислохотлар, шу жумладан аҳолини кўчириш ишларида ҳам маълум муддат тўхталиш кузатилади. 1953 йил вилоят ва туман архивларида аҳолини кўчиришга алоқадор ҳужжатлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, СССР Министрлар Советининг 1953 йил 17 мартдаги 817-рақамли қарорига мувофиқ “Кўчириш бош бошқармаси” янги ташкил этилган Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов вазирлиги таркибига қўшилди[18: 114].

Аммо, 1954 йилдан бошлаб аҳолини кўчириш ишлари янгидан жонланди. Бунга СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг 1954 йил 9 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори асос бўлади. Қарорнинг 32-бандида Ўзбекистон ССРда янги ерларни ўзлаштириш учун 1954-1958 йилларда шу ерларга республиканинг асосан суғорилмайдиган деҳқончилик районларидан 40 минг нафар колхозчи кўчириб келтирилсин, дейилган[17]. Бу борада вилоят мутасадди раҳбарлари ҳам тегишли чоралар кўриб, 1954 йилда Кармана шахридан Карманада янги ўзлаштириладиган ерларга 300 та хўжалик ва Ғиждувон туманидан Когон туманига 300 та хўжалик жами 600 та хўжаликни кўчириш режалаштирилади[7: 121]. Бухоро вилояти ижроия қўмитаси 1954 йил 13 апрелдаги йиғилишида “Деҳқон хўжаликлари, қишлоқ ва шаҳар аҳолисини кўчириш” тўғрисидаги масаласи муҳокама бўлиб, масала юзасидан қарор қабул қилинди. Қарорда Кармана шахридан янги кўчма хўжаликлардан ташкил этиладиган колхоз “Янгиобод”га аҳолини кўчирилиши вазифаси белгиланди. Шаҳар ёки деҳқончилик тажрибасига эга бўлмаган аҳолини колхоз ва совхозларга кўчириш масаласи, аслида СССРнинг марказий ва ғарбий ҳудудлари учун хос бўлиб, Ўрта Осиё Республикаларига бу амалиётнинг жорий қилиниши ўзини оқламаслиги тез орада исботланди. Урушдан кейинги йилларда совет ҳукумати аграр соҳада амалга оширган ислохотларининг салбий таъсирида, СССРнинг марказий ва ғарбий ҳудудлари колхозчиларининг шаҳарларга миграцияси бошланган эди. О.М. Вербицкой тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келади: “РСФСРда 1948 йилда қишлоқ аҳолиси таркиби 0,5 млн кишига қисқарган бўлса, 1949-1950 йиллар мобайнида 2,6

млн нафарга қисқарган. Натижада 1951 йилда Россия колхозларида 1945 йилга нисбатан 1,2 млн кам одам истикомат қиларди” – деб таъкидлайди[19: 83]. Бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. Мисол учун 1946-1959 йилларда РСФСРда колхоз аҳолиси 9,2 млнга қисқарган[20: 85]. Аксинча, Ўрта Осиё Республикаларида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари жуда юқори бўлиб, қишлоқ хўжалигини ишчи кучи билан бемалол таъминлашга етарди. Афтидан Карманага кўчириши белгиланган 300 та хўжалик режаси ҳам амалда бажарилмаган. Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг 1954 йил 10 октябрдаги 602-рақамли қарорига Кармана туманида ташкил этилган янги “Янгиобод” колхозини ва колхозчиларига имтиёз бериш масаласи муҳокама қилинган. Қарорда вилоятда 1954 йилда аҳолини кўчириш йиллик режасига колхозчи ва айни вақтда фаолият юритган 76 та хўжаликни қўшиш сўралган. Шунингдек, колхоз колхозчиларига қишлоқ хўжалиги солиғи имтиёзларини бериш ва давлат томонидан истеъмол товарлар билан таъминлаш сўралган[8: 95]. Келтирилган рақамлардан маълум бўлишича, 1954 йилда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган колхозга белгиланган 300 та хўжаликдан, 76 та хўжаликни кўчиришга эришилган.

Хулоса қилиб айтганда, 1950-1955 йилларда Бухоро вилоятида деҳқон хўжаликларни янги ерларга кўчириш ишларида қатор нуқсон ва камчиликлар кўзга ташланади. Юзага келган муаммоларни олдина олишга қартилган Республика ва ҳудудий ижро органлари чора-тадбирлар ишлаб чиқса-да, вазиятни ўнглаш имкони бўлмади. Бу даврда йиғилган тажриба шуни кўрсатади-ки, кўчириш ишлари самарадорлигини оширишда биринчидан, ҳудудларда мавжуд реал ҳолатни атрофлича ўрганиб, кўчирилиш режалаштирилиши мақсадида мувофиқ бўларди. Иккинчидан, кўчма хўжаликларни танлаш жараёнида ваъда қилинган имтиёз (кредит, уй-жой, қорамол) ва эркинлик (солиқ юкиннинг камайрилиши, шахсий томорқа,) ўз вақтида ажратилишини қатъий назоратга олиш керак бўлади. Учинчидан, янги кўчирилган колхоз ва совхозларда деҳқон хўжаликларининг нормал яшаш шароитларини (мактаб, болалар боғчаси, амбулатория, сартарошхона) яратиш талаб этиларди. Тўртинчидан, деҳқончилик (пахтачилик) билан шуғулланиш учун танланган кўчма хўжаликларни бошқа ишарга (уй-жой, ирригация иншоотлари, автомобиль ва темир йўл қурилишлари) жалб этмаслик каби билан баҳоланади. 1950-йилларнинг иккинчи ярмидан бу каби ҳолатлар инобатга олиниб, кўчириш ишлари самарадорлиги анча ошганига гувоҳи бўлиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бухоро вилояти давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғма жилд, 334-варақ.
2. Бухоро вилояти давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 574-йиғма жилд, 19-варақ.
3. Бухоро туман давлат архиви 5-фонд, 1-рўйхат, 96-йиғма жилд, 133-варақ.
4. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 136-йиғма жилд, 126-варақ.
5. Бухоро вилояти давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 158-йиғма жилд, 283-варақ.
6. Бухоро вилояти давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 764-йиғма жилд, 20-варақ.
7. Бухоро вилояти давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғма жилд, 121-варақ.
8. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 172-йиғма жилд, 95-варақ.
9. Бухоро вилояти Когон туман давлат архиви 22-фонд, 1-рўйхат, 87-йиғма жилд, 251-252-варақ.
10. Бухоро вилояти Когон туман давлат архиви 22-фонд, 1-рўйхат, 75-йиғма жилд, 62-варақ.
11. Бухоро вилояти Когон тумани давлат архиви 22-фонд,

1-рўйхат, 75-йиғма жилд, 174-варақ.

12. Бухоро вилояти Қорақўл туман давлат архиви 1-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 408-варақ.

13. Бухоро вилояти Бухоро туман давлат архиви 5-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 35-варақ.

14. Бухоро вилояти Ғиждувон туман давлат архиви 3-фонд; 1-рўйхат, 195-йиғма жилд; 84-варақ.

15. Бухоро вилояти Ғиждувон туман давлат архиви 3-фонд, 1-рўйхат, 204-йиғма жилд, 1-79,101-варақ.

16. Қизил Ўзбекистон. 1954 йил. 12 февраль, №36(8761).

17. Ergashev Q. Hamidov H. O'zbekiston tarixi. G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –T.: 2015.

18. Пискунов Сергей Александрович. Государственная политика сельскохозяйственного переселения и ее реализация на территории РСФСР (2-я половина 1940-1980-е гг) диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. –Тамбов.: 2017.

19. Вербицкая О. М. Изменения численности и состава колхозного крестьянства РСФСР в первые послевоенные годы (1946-1950) // История СССР, 1980 г №5.

20. Вербицкая О.М. Российское крестьянство от Сталина к Хрущеву, середина 40-х - начало 60-х гг –М.: Наука, 1992.

BUYUK ALLOMALARGA VATAN BO'LGAN YURT

Alisher TOYIROV
SamVMI dotsenti, t.f.n.

Ushbu maqolada Markaziy Osiyo, xususan, hozirgi O'zbekiston Respublikasi hududi azaldan, ayniqsa o'rta asrlarda hozir ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan dunyoviy va diniy ilmlarni yuksak darajaga ko'targan entsiklopedist olimlar yurti bo'lganligi manbalar asosida yoritilgan. Maqola yoshlarni vatanparvarlik, milliy g'oya ruhida tarbiyalashga xizmat qiladi.

Tayanch so'zlar: Markaziy Osiyo, O'rta asrlar sharq allomalari, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Imom Buxoriy, Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino, Mirzo Ulug'bek.

Agar, jahon tarixini, insoniyat tarixini barcha davrlarini ilmiy tahlil qiladigan bo'lsak, dunyo tamadduni "beshigi" qadimgi sharq bo'lganligi ilk davlatchilik asoslariga, fan va madaniyat poydevoriga aynan sharqda, tamal toshi qo'yilganligiga, shu bilan birgalikda bu jarayon Sharq va G'arb o'rtasida almashib kelayotganligini, hamda hozir ham davom etayotganligini guvohi bo'lamiz. Ma'lumki, Sharq uyg'onish (renesans) davri ikki bosqichdan; IX-XII asrlar ya'ni, arab istilosidan keyingi davr hamda XIV-XV asrlar ya'ni mo'g'ul bosqinidan keyingi davr. Shuni ta'kidlash lozimki, har ikki davrda ham dunyoviy va diniy fanlarni har tomonlama yuksalishida Markaziy Osiyo xususan, hozirgi O'zbekiston hududida yashagan entsiklopedist (qomusiy) olimlar muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Ammo, kommunistik mafkurani yakka hukumronligiga asoslangan sobiq sovet tarixshunosligida rus bo'lmagan xalqlar jumladan, o'zbek xalqini tarixi, ma'naviyatiga xolisona, jiddiy e'tibor berilmadi. Xolbuki, atoqli shoirimiz, adibimiz G'ofur G'ulom ta'kidlaganidek; ularning ajdodlari, ota-bobolari hali daraxtlarga osilib yurganlarida bizning xalqimiz, ajdodlarimiz insoniyat taraqqiyotiga bemisl hissa qo'shgan tsivilizatsiyalarni yuzaga keltirganlar, olamshumul kashfiyotlar qilganlar. Xorazmiylar, farg'oniyalar, Beruniylar, Ibn Sinolarimiz fan rivojini belgilab bergan. Bu haqiqatni hech kim inkor etaolmaydi [1: 120].

Ma'lumki, IX-XII asrlarda hamda XIV-XV asrlarda o'zbekdavlatchiligi har tomonlama yuksalishida, ilm-fan taraqqiyotiga homiylik qilgan hukmdorlarni hokimiyatga kelishi ham ilm-fan taraqqiyotida muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Shu bilan birgalikda ushbu davrlarda falsafada dualistik ya'ni olamni xudo yaratgan bo'lsa-da, tabiat va jamiyat o'z qonunlari asosida taraqqiyetadi degan falsafiy qarashlarga ham keng imkomiyatlar berildi. Islom aqidaparastligi zaiflashdi. Ushbu holat ham bu davrlarda ilm-fan, adabiyot yuksalishiga turtki berdi. Aynan shu asrlarda Movarounnahr va Xurosan zaminlarida dunyo faninig ulkan siymolari: Muhammad Xorazmiy, Abdulabbos Javhariy, Ibn Turk Xuttaliy, Ahmad Marvaziy, Hamid Marvarudiy kabi buyuk olimlar yetishib chiqdilar. Keyinchalik Urganchda Xorazmshoh Ma'mun tomonidan tashkil etilib 1004-1017 yillarda faoliyat yuritgan "Ma'mun akademiyasi"da faoliyat yuritgan Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy kabi buyuk allomalar yashab ijod qildilar. Shuningdek, ushbu davrlarda mamlakatimiz hududida Imom Buxoriy, Imom Moturidiy, Burhoniddin Marg'inoniy kabi islomshunoslik ilmi takomiliga katta hissa qo'shgan olimlar yashab ijod qilgan. Xususan, musulmon olamida "muhaddislar sultoni" deya ulkan shuhrat qozongan Imom Buxoriy bobomizning muborak nomlarini hurmat-ehtiroim bilan tilga olamiz. Bu mo'tabar zot merosining gultoji bo'lmish "Al-jome as-sahih" kitobi islom dinida Qur'oni

The article considers sources on scientists-encyclopaeters of Central Asia, which made a huge contribution to its secular and religious knowledge in the development of world of civilization. This article brought up the national ideas and patriotism.

В статье рассматриваются источники об ученых-энциклопедистах Центральной Азии, которые внесли огромный вклад своими светскими и религиозными знаниями в развитие мировой цивилизации. Данная статья воспитывает у молодежи национальные идеи и патриотизм.

Karimdan keyingi ikkinchi manba bo'lib, ahli islom e'tiqodiga ko'ra, u bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug'i hisoblanadi. Mana o'n ikki asrdirki, bu kitob millionlab insonlar qalbini islom nuri bilan munnavvar etib, haq va diyonat yo'liga chorlab kelmoqda [2]. Zero, Prezidentimiz SH.M. Mirziyoyev ham Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2017 yilning 19-sentabrdagi 72-sessiyasidagi nutqida dunyo jamoatchiligiga Markaziy Osiyo Uyg'onish davrining ko'plab yorqin namoyandalari islom va jahon tsivilizatsiyasiga bebaho hissa qo'shganligini ta'kidlab, xususan, aynan, Imom Buxoriyning islomshunoslik ilmiga qo'shgan ulkan hissasiga alohida urg'u berganligi bejiz emas[3: 38]. Dunyoviy fanlar sohasida ayniqsa, ushbu davrlarda Muhammad Muso Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad Farg'oniy kabi allomalarning matematika, astronomiya kabi fanlar taraqqiyotiga xizmat qiluvchi asarlaridan hozirga qadar butun dunyoda keng foydalanilayotganligini ta'kidlash joiz. Masalan, Muhammad Muso Xorazmiyning o'nlik sanoq sistemasini, algoritm va algebra tushunchalarini dunyoda birinchi bo'lib ilm-fan sohasiga joriy etgani va shu asosda aniq fanlar rivoji uchun o'z vaqtida mustahkam asos yaratilgani umuminsoniy taraqqiyot rivojida qanday ahamiyatga ega bo'lganini barchamiz yaxshi bilamiz. Bugungi kunda odamzotning ilm-fan va zamonaviy texnologiyalar borasida erishayotgan ulkan yutuqlarini ko'z oldimizga keltirar ekanmiz, beixtiyor ana shu buyuk bobomiz misolida bunday yuksak marralarga erishishda o'zbek xalqining ham munosib hissasi borligidan qalbimiz iftixorga to'ladi[4]. Milliy tariximizning yana bir yorqin yulduzi Abu Rayhon Beruniy faoliyatiga haqqoniy baho berar ekan, amerikalik fan tarixchisi Sarton XI asrni "Beruniy asri" deb ta'riflaydi. Bunday yuksak va haqli baho avvalo, qomusiy tafakkur sohibi bo'lmish buyuk vatandoshimizning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan beqiyos hissasi bilan izohlanadi. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, Beruniy ilmiy masalalarda ham, tarixiy voqea hodisalarga, o'z zamondoshlariga baho berishda ham o'ta xolislik va haqqoniylik bilan fikr yuritgan. Shu bois ham u hayotda ko'p aziyatlar chekkan, hatto umrining oxirida turmush qiyinchiliklariga duchor bo'lgan, ammo har qanday og'ir sharoitga qaramasdan, e'tiqodidan qaytmagani uning o'z ma'naviy ideallariga naqadar sodiq bo'lganligini ko'rsatadi[3: 41]. Ana shunday noyob fazilatlar sohibi bo'lmish mashhur alloma Ibn Sinoning "Tib qonunlari" asari necha asrlar davomida Yevropaning eng nufuzli oily o'quv yurtlarida asosiy tibbiyot darsliklaridan biri sifatida o'qitilib kelingani, dunyo miqyosida "Meditsina", "Sog'lom turmush tarzi" degan tushunchalarning fundamental asosi bo'lib xizmat qilgani, albatta chuqur hayotiy va ilmiy zaminga ega. Aniqroq qilib

aytganda, bu benazir allomaning butun ilmiy faoliyati dunyo taraqqiyotini insonparvarlik ruhida ya'ni, ma'naviy negizida rivojlantirishga ulkan ta'sir o'tkazadi, deb aytishga barcha asoslar bor [3: 41-42]. Bundan tashqari, ushbu davrlarda turkiy til va adabiyoti taraqqiyotida muhim davr bo'lganligini ta'kidlash joiz. Aynan, shu davrlarda turkiy yozuv va adabiyotining buyuk namunalari –Yusuf Xos Xojibning "Qutadg'u bilig", Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'atit turk" kabi asarlari yuzaga keldi[3: 43]. Keyinchalik, XIV-XV asrlarda yuz bergan Sharq uyg'onish davrining ikkinchi bosqichida Samarqand shahrida Mirzo Ulug'bek asos solgan "Samarqand akademiyasi" muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Shuning uchun ham mustaqillik yillarida "O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarning tarixiy merosi, ularning zamonaviy tsivilizatsiya rivojida roli va ahamiyati" mavzusidagi xalqaro konfrensiyani aynan Samarqand shahrida o'tkazilgani bejiz emas. Xalqimizning buyuk tarixi, boy madaniyati, noyob ma'naviy merosi ana shu anjumanda Amerika, Yevropa qit'olari, Yaponiya, Xitoy kabi dunyoning 50 mamlakatidan kelgan olimlar tomonidan yana bir bor e'tirof etilib, yuksak baholandi. Konferensiya ishtirokchilari tomonidan bu tarixiy merosni butun insoniyat manfaati yo'lida birgalikda o'rganish, uning targ'ibu-tashviq qilish, amaliy hayotda yanada kengroq qo'llash kerakligi alohida ta'kidlanganidan barchangiz, albatta, xabardorsiz [5: 47]. Haqiqatan ham, bu meros butun dunyoning merosi, ya'ni Vatanimizning zaminida yaratilgan bunday ilmiy, madaniy boyliklar nainki O'zbekistonning balki, butun insoniyatning boyligidir. Chet ellik mehmonlarimizning; "Inson dunyoning

qayerida yashamasin, bu boyliklarni, bu allomalarni bilishi kerak. Shunday mutafakkirlarni voyaga yetkazgan xalq har qanday yuksak tahsinga sazovor va biz bu xalqdan ana shunday kashfiyotlarni yana kutishga haqlimiz" degan gaplari aytinlar, hammamizga g'urur va iftixor bag'ishlamaydimi? [1: 115].

Xulosa shuki, Markaziy Osiyo xususan, O'zbekiston hududi azaldan jahon ilm-fan, taraqqiyotiga salmoqli hissa qo'shib kelgan makonlardan bo'lib, bugungi mustaqil O'zbekiston yoshlari, yuqorida ta'kidlagan buyuk allomalarni vorislari sifatida zamonaviy ilm-fan taraqqiyotiga o'z hissalarini qo'shish yo'lidan bormoqda. Zero, mamlakatimizda O'zbekistonning Birinchi Prezidenti I.A. Karimov rahbarligida ta'lim, ilm-fan sohasidagi islohotlar hamda yoshlarga keng imkoniyatlar yaratilgan bo'lsa, Prezidentimiz SH.M. Mirziyoyev davriga kelib, bu borada shiddat bilan rivojlanib borayotgan, globallashuv jarayonlari keng quloch yoyayotgan bugungi kunda zamon talabidan kelib chiqib tezkor islohotlar amalga oshirilmoqda. Prezidentimiz SH.M. Mirziyoyev tomonidan 2017 yilning 7-fevralida farmon asosida e'lon qilingan O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda beshta ustuvor yo'nalish bo'yicha rivojlantirish uchun tuzilgan Harakatlar strategiyasining "Ijtimoiy sohani rivojlantirish" deb, nomlanuchi to'rtinchi yo'nalishida milliy-ma'naviy qadriyatlarini asrab-avaylash, yoshlarni vatanparvarlik, milliy g'oya ruhida tarbiyalashning samarali strategik yo'llarini belgilab berganliklari ham bu masalaga davlat miqyosida naqadar katta e'tibor berilayotganligini ko'rsatadi[6].

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish –eng oily saodatdir . –O'zbekiston, 2015.
2. Amir Temur jaxon tarixida . –T; Sharq, 2001 Mas'ul muharrir H. Karamotov.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch . –T.: Ma'naviyat , 2008.
4. Qarang//Xalq so'zi gazetasi, 2017 yil, 20-sentabr.
5. Amir Temur jahon tarixida . –T; Sharq. 2001. Mas'ul muharrir H. Karamotov.
6. Qarang// Xalq so'zi gaetasi, 2017 yil, 8-fevral.

XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР

Бахтигул МАМАДАМИНОВА
ТИҚХММИ
катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада XX асрнинг бошларида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Хива хонлиги, Ёш хиваликлар, Февраль инқилоби, Туркистон, Муваққат кўмита, Мажлис ва Нозирлар Шўроси, манифест, конституциявий монархия.

Маълумки, XX асрнинг бошларида дунёнинг кўпгина қисмларида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди.

Масалан, Россиядаги демократик ҳаракатлар миллий ўлка халқларининг уйғонишига ижобий таъсир эта бошлади. Россияда 1917 йилда бўлган Февраль Инқилоби [1: 22-25] Туркистонда ҳам демократик ислохотлар сари ҳаракатларнинг ўсишига ижобий таъсир эта бошлади.

Бу жараён Хива хонлиги ҳудудида яшаётган аҳолининг демократик эркинликлар ва ҳуқуқларга эга бўлиши учун кураш олиб боришига туртки бўлди. Натижада Хива хонлиги шаҳарларида йиғилиш, митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. 1917 йил 7 март куни Петро-Александровск (ҳозирги Тўртқўлда) бўлиб ўтган митингда Туркистон генерал губернаторлигининг Амударё бўлими бошлиғи полковник

This article analyzes the socio-political developments in the Khiva khanate in the early 20th century.

В данной статье автор анализирует социально-политические события в Хивинском ханстве в начале XX века.

Зайцевдан ҳокимиятдан воз кечиш талаб этилди. Ҳарбий бошқарув ўрнига Тўртқўлда Солдат ва ишчи депутатлар Совети ва Жамоат хавфсизлиги ижроия кўмитаси тузилди. Шу кўмита Амударё бўлими бошқармасининг вазифасини бажара бошлади.

1917 йил апрель ойидан бошлаб Хива хонлигида ҳам демократик ислохот учун ҳаракат бошланган. Бу ҳаракатда халқ манфаатини кўзловчи, истиқлол ғояси билан қуролланган Ёш хиваликлар хонлигидаги сиёсий вазиятни ўзгартириш ва айрим демократик ислохотларни амалга ошириш ғояси билан фаол иштирок этдилар. Масалан, Ёш хиваликлар 4 апрелда Хивадаги рус қўшинлари гарнизонининг муваққат ҳукуматга қасамёд қилишга бағишланган йиғилишда қатнашиб, гарнизон бошлиғидан

хонликда айрим ислохотлар ўтказишда уларга ёрдам беришини илтимос қилган[2: 244].

Демократия кайфияти юксалган бир пайтда Ёш хиваликлар Асфандиёрхонни ён беришга қўндира олдилар. 1917 йил 5 апрелда хон Хива шахрида Ёш хиваликлар тақдим этган дастур (манифест)ни имзолади. Бу хужжатда сайлаб қўйиладиган Мажлис ва Нозирлар Шўроси таъсис этилиши, давлат хазинаси назорат остига олиниши, темир йўл, почта, телеграф қурилиши, янги усул мактаблари очилиши ва шу кабилар маълум қилинган эди[3: 44-45].

Хон ҳузурида ислохотлар амалга оширилишини назорат қилиш учун 30 вакилдан иборат Муваққат қўмита (Мажлис) ташкил топиши керак эди. Айрим тарихий адабиётларда қўмита номи идораи маршрута деб нотўғри кўрсатилади. Аслида идораи маршрута конституциявий монархия бўлиб, бу даврда Хива хонлигидаги бошқарув усули ҳисобланган. 8 апрелда мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида Ёш хиваликлар ва йирик амалдорлардан иборат Мажлис (раиси – Бобоохун Салимов) ва Нозирлар Шўроси (ҳукумат раиси Хусайнбек девонбеги Матмуродов) тузилди. Мажлис таркиби 30 кишидан иборат эди[4: 46]. Ёш хиваликлар партиясининг раҳбарларидан бири Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) зиммасига Россия ҳукумати ва рус қўшинлари билан муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Мажлис таркибига кейинчалик яна 19 киши, шунингдек, 7 нафар туркман киритилди. Ёш хиваликлар Хива хонлигида ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмрон кучга айланди[5: 105-106].

Мажлис ва Нозирлар Шўросини тузиш, унинг фаолиятини ташкил қилиш, хужжатларининг ислом шариати асосида бўлишини таъминлашда уламо сифатида Бобоохун Салимов асосий роль ўйнади. Бу ҳақда Полвонниёз Ҳожи Юсупов ўз хотираларида шундай ёзади: “Махфий қолмасинким, хоннинг берган манпесинда ўттиз вакилдан иборат, деб ёзган эрдик. Ондин сўнг Бобо Охун Эшон бирлан маслаҳат қилиб, тамоми Хоразм қалъаларига ҳам Туркманистон, Қозоқ, Қорақалпоқ истансаларига вакил сайлаб келмак учун хатлар юборилди”[6: 83].

Хивада ташкил қилинган Мажлис ва Нозирлар Шўроси мамлакат янги йўлга – ислохот ва демократия йўлига кирганидан дарак берарди. Мажлис ва Нозирлар Шўроси таркибига уламолар, тижорат аҳли, зиёлилар вакиллари, туркман уруғ ва қабилаларининг бошлиқлари киритилди. Бу янгиликларга Хива жамиятида муносабат турлича бўлди.

Ёш хиваликлар мамнун эди: конституциявий монархия ўрнатилганини улар ўз ислохотчилик муддаолари рўёбга чиққанлигининг ифодаси деб билдилар. Уларнинг намояндалари давлатнинг янги муассасаларига бошчилик қила бошлади. Ёш хиваликларнинг таниқли арбоби Бобоохун Салимов Мажлис раиси бўлди, уларнинг раҳбарлари Хусайнбек Матмуродов эса ҳукумат бошлиғи – Нозирлар Шўросининг раиси этиб сайланди.

1917 йил майда Мажлис аъзоси Полвонниёз Юсупов бошчилигидаги делегация Муваққат ҳукумат вакиллари билан музокара ўтказиш учун Тошкентга жўнатилди. Асфандиёрхон Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Ҳайдар Хўжа Мирбадалов (миллати татар) бошчилигидаги ҳарбий кучларга таяниб, июнь ойида Мажлисни тарқатиб юборди. Ёш хиваликларнинг Хусайнбек Матмуродов бошчилигидаги 17 нафар таниқли арбоби қамоққа олинди, уларнинг Мажлисдаги ўринларига амалдорлар, олий руҳонийларнинг вакиллари киритилди. Хуллас, хон ўзига маъқул кишилардан янги таркибдаги Мажлис (раиси – Ортиқ Охун) ва Нозирлар Шўроси (ҳукумат раиси –

Исҳоқхўжа Хўжаев)ни тайинлади. Ёш хиваликлар партиясининг барча аъзолари кофир деб эълон қилиниб, улардан шафқатсиз ўч олишга киришилди[7: 58].

Шундай қилиб, Х. Матмуродов бошчилигидаги собиқ Мажлиснинг 17 нафар аъзоси қамоққа олинди. Шунингдек, Бобоохун Салимов устидан кучли назорат ўрнатилди. Хоннинг Ёш хиваликлар устидан қозонган ғалабасини мустаҳкамлаш, хонликдаги мавжуд тузумга қарши янги чиқишларга барҳам бериш учун Муваққат ҳукумат 25 июлда Хивада комиссар лавозимини таъсис қилди. 1917 йил сентябрда Хивага полковник Зайцев катта казак отряди билан етиб келди. У Ёш хиваликларга қарши курашаётган хонни қўллаб-қувватлади. 21 ноябрда Ёш хиваликлар устидан “қозиларнинг шариат суди” ўтказилди. 1917 йил ноябрда Асфандиёрхон рус казаклари ёрдамида Мажлисни бутунлай тугатди. Хоннинг истибдод тузуми билан курашда мағлубиятга учраган Ёш хиваликлар мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди[5: 107].

1917 йил ноябрь-декабрь ойларида Полвонниёз Юсупов, Назир Шоликоров (1881-1938) Тошкентга, Мулла Жуманиёз Султонмуродов Петро-Александровск (ҳозирги Тўртқўл) га етиб боришди[6: 174-176]. Ёш хиваликлар партиясининг бошқа етакчилари Хусайнбек Матмуродов, Исҳоқхўжа Хўжаев, Абдусалом Ҳожи Ислохўжаев, Ҳожи Авазберди Эшонов 1918 йил 18 майда хон буйруғи билан қатл қилинди[8: 12].

Бу воқеалар Хива хонлигининг кейинги сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бир томондан, хонликдаги мутлақ ҳокимлик тартибини қўллаб-қувватловчи кучлар жипслашди ва фаоллашди, хонлик эса ўз сиёсатини шафқатсиз тус олдирди. Иккинчи томондан, муҳолифлик ҳаракатида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Жамиятни тинч йўл билан ислох қилиш ҳақидаги хомхаёл пучга чиққач, жадидларнинг бир қисми, айниқса, либерал қаноти фаол сиёсий курашдан воз кечди, бошқа қисми – Ёш хиваликлар кураш услубини кескин ўзгартирди, ҳукмрон тартибқоидаларга қарши қуроли кураш йўлига ўтди.

Ёш хиваликлар партиясининг томонидан 1920 йил 8 февралда эълон қилинган манифестда[9: 479] Хива инқилобий партиясининг яқин орадаги вазифалари илгари сурилди. Кейинчалик бу расмий хужжат манбалар ва адабиётларда[10: 164] Ёш хиваликлар партиясининг аввал қабул қилинган программаси (дастури) деб нотўғри талқин қилинди. Ўз пайтида Тошкентда рус тилида чиқарилган “Известия ТуркЦИК” газетасида чоп этилган бу манифест 12 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мазмуни қуйидагича бўлган:

1. Хива хони ва унинг ҳукумати томонидан мамлакатнинг мутлақ бошқаришини буткул барҳам топтириш;
2. Хива хонига, шахзодалар, беклар ва вазирларга тегишли бўлган маблағлар ва мулкларни халқ мулки деб эълон қилиш;
3. Камбағаллар ҳаётини яхшилаш бобида йирик заминдорлар ерларидан фойдаланиш;
4. Болаларни бепул ўқитиш учун хонликнинг ҳамма жойида мактаблар очиш ҳамда вақфдан келадиган даромадларни сарфлаш;
5. Хивадаги қўриқ ва бўш ерларни ўзлаштириш учун Амударёдан каналлар чиқариш;
6. Хивада болаларни текин ўқитиш учун мактаблар очиш;
7. Хивадаги шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларида бепул шиғохонлар ва соғломлаштириш муассасаларини очиш;
8. Хива хони ва беклари томонидан камбағал аҳолидан

олинган ерлар, мулк ва бошқа нарсаларни ўз эгаларига қайтариб бериш;

9. Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида хазинага тушган халқ маблағи аниқ қаерга сарфланганлигини аниқлаш;

10. Темир йўллар ва кўприклар қуришга киришиш;

11. Текин мажбурий меҳнат (бегор)га жалб қилишни бутунлай йўқ қилиш;

12. Хон ва унинг ҳукумати ағдаришга зудлик билан киришиш ҳамда халқ ҳокимияти ташкил топиши натижасида юқорида айтилган дастур моддаларини амалга оширишга киришиш, халқ ҳокимиятига қарши чиқадиган хон тарафдорлари, буржуазия ва аксилинқилобчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш лозим[11].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Падение империи, революция и гражданская война в России. Составитель: С.М. Исаков. – Москва: “СП Мысль”, 2010. – С. 53-56; Эпоха войн и революций: 1914-1922. – Санкт-Петербург: Нескор-История, 2017.

2. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. – Т.: Фан, 1993.

3. Ражапова Р. Суронли замонлар // Хива минг гумбаз шаҳри. –Т.: Шарқ, 1997.

4. Хамдамов Х. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши. –Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1960.

5. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Маъсул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Т.: O`zbekiston, 2019.

6. Полвонийёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). Маъсул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи М. Матниёзов. –Урганч: Хоразм, 2000.

Ёш хиваликлар томонидан эълон қилинган манифест-да ёки партия дастурида кўзда тутилган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятдаги талаблар уларнинг кўп йиллар давомида Хива хонлигида монархияга қарши олиб борган курашлари натижасида туғилган эди. Қизил армия ва большевиклар ёрдамида ҳокимият тепасига келган Ёш хиваликлар ўз гоёларини амалга оширишга киришдилар.

Уларнинг саъй-ҳаракатларининг оқибати ўз фойдасига ҳал бўлмаган ва турли сиёсий бўҳронларда ҳаракат қилган бўлсалар-да, бу ҳаракатнинг мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида кўрсатган жасоратлари, уларнинг тарихлари ўтмишимизнинг зарҳал варақларини ташкил этади.

7. Ташкулов Д. Младохивинцы: эволюция политических взглядов // Народ и демократия, 1992. № 3-4.

8. Ражабов Қ. Ёш хиваликлар фаолияти // “Қазақтану. Қазақоведение. Kazakh studies” (Шымкент). 2010. № 2.

9. Манифест Хивинской революционной партии о её ближайших за действиях // “Известия ТуркЦИК” (Ташкент). №29. 8 февраля. 1920 г.; Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. В двух томах. Том II. Сентябрь 1919 г. – декабрь 1920 г. –Алма-Ата: Наука, 1964.

10. Информация газеты “Известия ТуркЦИКа” о принятии программы Хивинской революционной партии // История Хорезмской Народной Советской республики (1920-1924 гг.). Сборник документов. –Ташкент: Фан, 1976. – С. 30-31; История Хорезма с древнейших времён до наших дней. –Т.: Фан, 1976.

11. “Известия ТуркЦИК” (Ташкент). №29. 8 февраля 1920 г.

ХИВ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЯШАГАН ҲИНД ФУҚАРОЛАРИНИНГ САВДО ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Ойбек ЯРМАТОВ
СамДУ мустақил
тадқиқотчиси

Ушбу ишнинг хронологик чегараси XIX иккинчи ярми XX аср бошларигача бўлган даврни ташкил этади. Ишни ўрганишда асосан мавзуга тегишли манбалар ва Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви фондларидан фойдаланилди. Мақолада Ўрта Осиёни руслар томонидан босиб олиншидан олдинги ва кейинги даврда Туркистондаги ҳинд фуқароларининг савдо фаолиятини ёритишга ҳаракат қилинди.

Таянч сўзлар: архив, фонд, оқсоқол, карвонсарой, Индиго, Кисей.

Ўрта Осиё халқлари ҳам қадимдан Узоқ ва Яқин Шарқ ҳамда бошқа бир қатор давлатлар билан савдо иқтисодий алоқаларини олиб борган. Ўрта Осиё давлатларининг савдо-иқтисодий алоқаларида савдо йўллари, хусусан, буюк ипак йўлининг аҳамияти катта. Турли мамлакатлар ҳамда шарқ ва ғарбни боғлаган бу йўлнинг трансконтинентал аҳамияти буюк георафик кашфиётлар натижасида тушиб кетишига қарамадан унинг кўпгина йўналишлари кейинги асрлар мобайнида ҳам Ўрта Осиёни Хитой ва бошқа давлатлар билан боғловчи асосий коммуникация тармоғи вазифасини бажарган. Шу тариқа бу йўл Ўрта Осиёни бошқа давлатлар билан савдо-соғиғини ривожланишига хизмат қилган. Натижада Ўрта Осиё бозорлари чет эллик савдогорлар учун товарларини сотадиган асосий бозорга айлана бошлади. Ушбу мақолада Ҳиндистон ва Ўрта Осиёни XIX–XX асрлардаги савдо, иқтисодий муносабатлари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилинди. Ҳиндистон ва Ўрта Осиё савдо-иқтисодий алоқаларини бошланиши қадимий бўлсада, ай-

The chronological boundaries of this work cover the period from the second half of the 19th to the beginning of the 20th century. In the study of the relevant sources and funds of the Central State Archives of the Republic of Uzbekistan were used. The article attempts to cover the commercial activities of Indian citizens in Turkestan before and after the Russian occupation of Central Asia.

Хронологический предел этой работы охватывает период второй половины XIX – начало XX веков. При дела были использованы соответствующие источники и фонды Центрального государственного архива Республики Узбекистан.

нан XIX асрда ўзининг юқори чўққисига кўтарилган. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихига оид маълумотлар кўп бўлмаса-да, аксарият маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси давлат марказий архив фондларида сақланиб қолган. Карвонсарой, бозор ва иқтисодий идораларга тегишли бўлган “И-471” фондининг ҳужжатлари XIX–XX асрлар Ўрта Осиё ва Ҳиндистон савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида қимматли манба ҳисобланади. Бундан ташқари Ўрта Осиё давлат ҳўжалик бошқармаси Тошкент бўлими ҳужжатларида ҳам икки ўртадаги савдо алоқалари ҳақида маълумот сақланиб қолган [9: 2]. Кейинчалик Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг ҳам Ҳиндистондан Ўрта Осиёга катта миқдорда товарлар келиши давом этган. 1865 йил шаҳар савдоси йиғма жилди маълумотларида ва 1867 йилги шаҳар савдоси ҳақидаги маълумотларда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё савдоси ҳақида айрим маълумотлар келтириб ўтилган. Божхона ҳужжатлари ва савдо ҳисоботларида келтирилишича, бу даврда

Ҳиндистондан Ўрта Осиёга чой, индиго, кисие, чинни, мис идишлар, Кашмир шарфлари, чарм пойабзаллар, гуруч, маржон, қалампир, занжабил, мих ва бошқа кўплаб маҳсулотлар келтириб сотилган, бу маълумотларни рус молиячи мутахассиси Н.Ф. Петровский ҳам таъкидлаб ўтган. Петровскийнинг таъкидлашича, бу даврда Ҳиндистондан 120 хил маҳсулот келтирилган. Ҳиндистондан Ўрта Осиёга келтирилган маҳсулотлар орасида энг харидоргири чой ҳисобланади. Ҳиндистондан келтирилган кўк ва қора чой навларининг сифати жуда юқори бўлиб, ҳатто Хитой чойлари билан рақобатлаша олган. Шу сабабли 1870 йил Ҳиндистондан Самарқандга 2800 пуд кўк ва қора чой навлари келтирилган. Тошкент ярмарка комитетининг маълумотида кўра, 1874 йил Ҳиндистондан Туркистонга 37000 пуд чой олиб келинган [9: 2-3]. 19 аср охири 20 аср бошларида Туркистонда яшаётган ҳиндлар улгуржи савдо билан ҳам шуғулланган. 1887 йил Туркистонда ҳиндларнинг 10 та йирик савдо манзилгоҳлари бўлиб, улар, асосан, дон савдоси билан шуғулланган. Туркистон шаҳарларида савдо сотиқ билан шуғулланувчи ҳиндлар, асосан, карвонсаройлардан фойдаланган. Улар Бухорода 2 та карвонсаройда савдо қилган. Улардан бири “Сарой Қарши”, иккинчиси “Сарой Ҳинд” деб номланган. Бу ерлардан ташқари Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги марказий бозорда жойлашган карвонсаройда ҳам ҳиндлар яшаган. Карвонсарой бўлмаган жойларда ҳиндлар жамоа бўлиб бир жойда яшаган ва ҳинд жамоаларини ташкил этган [7: 96-97]. Уларнинг карвонсаройлари маҳаллий халқ карвонсаройларидан унчалик фарқ қилмаган, чунки карвонсаройни ҳиндлар маҳаллий савдогорлардан сотиб олган ёки уни маҳаллий ишчилар қурган. XIX асрнинг 70 йилларида Самарқанд шаҳрининг ўзида 6 та ҳинд карвонсаройлари фаолият олиб борган [4: 309]. Айрим маълумотларда бу вақтда Самарқанд шаҳрида 9-10 та ҳинд карвонсаройлари бўлгани ҳақида ҳам маълумотлар бор [2: 23]. Бу даврда Тошкент шаҳрида 3 та ҳинд карвонсаройи мавжуд бўлган [1: 67]. Юқоридаги маълумотдан Тошкент шаҳрига қараганда ҳинд савдогорлари Самарқандда кўпроқ савдо фаолияти билан шуғулланган-лигини билиб олишимиз мумкин. Бу маълумотлардан савдо-сотик алоқалари Тошкентдан кўра Самарқандда яхшироқ ривожланган деган хулосага келиш тўғри эмас, 1865 йил Тошкентда 16 та карвонсарой ва 4548 та савдо дўкон бўлган карвонсаройларнинг энг йириги Нурмуҳам-мад қушбегига тегишлилиги ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган [6: 223]. (юқорида фақат ҳиндларга тегишли карвонсарой назарда тутилмоқда) XIX аср бошларида Самарқанд шаҳри Ўрта Осиёдаги йирик чой савдо марказига айланган шаҳар сифатида машҳур бўлган. Самарқанд шаҳри орқали ҳиндлар бутун Туркистон ҳудудини чой билан таъминлаган. 1907 йилда Самарқанд шаҳрида 10 та чой фабрикаси мавжуд бўлиб, улардан 3 таси ҳинд савдогарларига тегишли бўлган. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан ҳинд савдогорлари империянинг ички ҳудудларига ҳам кириб бора бошлаган. 1886 йил ҳинд савдогори Бай Тилля Оренбург шаҳрига 24 туяда майиз, 80 туяда қоғоз, 6 туяда кийим-кечаклар олиб бориб, савдо ишлари билан шуғулланган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳинд савдогорлари Кўкон хонлиги билан ҳам савдо алоқаларини ўрнатган. Кўқондан Тошкентга пахта, маҳаллий матолар, Қашқар ипаги, жун, гилам, халат ва буюқлар олиб борган бўлса, Кўқонга рус темири, пўлат, қозон, шакар ва бошқа товарлар келтирган. Юқоридаги товарлардан ташқари бу даврда Кўқонга 14 минг туяда ҳинд чойлари олиб келингани ҳақида ҳам маълумотлар бор [8: 22-23]. Ўрта Осиёда ҳиндларнинг савдо фа-

олиятининг юқорилиги Ҳинд ва маҳаллий савдо-саноат вакиллари ўртасида ўзоро ҳамкорлиги учун шароит яратган. Ҳатто ҳинд ва маҳаллий савдогорлар ўртасида бир қатор савдо келишувлари мавжуд бўлган. 1876 йил тошкентлик ҳинд савдогори Аминжон Бай Балтабаев ҳиндистонлик Параман Лагуронов билан биргаликда савдо корхоналарига асос солган. Лекин айрим ҳолатларда маҳаллий ва ҳинд савдогарларининг манфаатлари тўқнаш келиши натижасида маҳаллий савдогарлар маъмуриятга ҳинд савдогарларининг ҳар қандай қонунбузарлиги учун ўлкадан чиқариб юборишини сўраб, бир неча марта илтимосномалар юборилган [8: 26]. XIX асрнинг охириларида аксарият ҳудудларда ҳинд савдогорлари савдо фаолиятининг бироз сустлашганини кўришимиз мумкин. 19 асрнинг 70-80 йилларида божхона қоидаларига киритилган айрим ўзгаришлар ҳинд савдогарларининг ўлкадаги савдо фаолиятига салбий таъсир кўрсатган, натижада ҳиндларнинг Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё ҳудудларидаги савдо фаолияти сезиларли даражада пасайиб кетади [8: 32]. Туркистон акциз бошқармасининг маълумотида Бухоро савдо вакиллари билан сўров натижасида XIX асрнинг 80 йилларида Бухоро амирлиги ҳудудига 7000 пуд шакарқамиш маҳсулоти олиб келтирилганлиги қайд этилган [9: 4]. Бу даврда Туркистонда ҳинд шакари асосий роль ўйнаган бўлса, вақт ўтиши билан Россия саноатида қайта ишланган шакар кириб келиши натижасида ҳинд шакари савдода ўз ўрнини рус саноати шакарларига бўшатиб берган. Натижада шакарқамишнинг йиллик савдоси 50-100 пудгача тушиб кетган. Шакардан ташқари Туркистонда Ҳиндистондан келтирилган гуручга ҳам талаб катта бўлган. Ўзбекистон Республикаси давлат марказий архив фондларидан ташқари, Туркистон генерал губернаторлиги ва Бухоро сиёсий агентлиги ҳужжатларида Ҳиндистондан Ўрта Осиёга экспорт қилинган товарлар статистикаси тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган. 1888 йил Бухоро қушбегисининг маълумотларига кўра, Бухорога куйидаги маҳсулотлар олиб келинганлиги таъкидланган. 60 пуд кўк чой, 4 минг дона сифати юқори бўлган кисей, (Зиравор) 1000 дона ҳиндистон парчаси (8 парча аршин), 400 дона Кашмир шарфи (6 парча аршин), 200 дона Амбарсари шарфи, 10000 дона индиго (нил буюғи) [9: 5]. Бухорога кириб келган товарлар рўйхати кўриб чиқилганда 1890 йил Ҳиндистондан Бухорога тахминан 65 минг пуд кўк чой, 16 минг пуд индиго, 6000 пудга яқин кисей келтирилганлиги маълум. Ҳинд савдогорлари Ўрта Осиёга кириб келишида даврларга қараб турли йўللardan фойдаланган. XVI асрлардаги ҳинд савдогорларининг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳақида Бобур қуйидагича маълумот бериб ўтган: “Ҳиндистон ва Хуросон ўртасида қуруқлик йўлида иккита савдо шаҳри жойлашган бири – Қобул, иккинчиси – Қандаҳор. Фарғона, Туркистон, Бухоро, Балх, Ҳисор ва Бадахшондан келган савдогорлар Қобулда тўхтайдилар, Хуросон савдогорлари эса Қандаҳорда. Ҳиндистон ва Туркистонни боғлайдиган шаҳар Қобул вилоятидир. Ҳар йили Қобулга 7-8 минг баъзида 10 минг от олиб келинади. Жанубий Ҳиндистондан 20 мингтагача буқа олиб келинади. Бу шаҳар Ҳиндистоннинг савдо бандаргоҳидир” [3: 102]. Бу маълумотлардан тушунилишича, ҳиндистонлик ҳиндлар узоқвақтдавомида Туркистонга кириб келишда Афғонистон орқали ўтган йўлдан фойдаланган. Тарихчи олимлар Ҳиндистон савдо йўлларининг европаликлар томонидан эгалланиши оқибатида карвон савдо йўлларининг ривожланишига сабаб бўлгани, айниқса, 19 асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистоннинг инглизлар томонидан босиб олиниши ҳиндларнинг кўплаб савдо-сотик товар айрибошлаш

билан шуғулланувчи қисмини Ўрта Осиёга кириб келишни тезлаштирган. XIX асрнинг 80 йилларига қадар хиндлар, асосан, Пешовар-Қабул-Мазори-Шариф-Амударё орқали Ўрта Осиёга кириб келган [8: 30]. Аммо Афғонистондаги сиёсий вазиятнинг барқарор бўлмаслиги, солиқ тузумининг оғирлиги ва бошқа сабабларга кўра Хиндлар Ўрта Осиёга кириб келишнинг бошқа арзон ва қулай йўллари қидира бошлаган. Шу сабабли XIX асрнинг 90 йилларига келиб хиндлар Ўрта Осиёга Афғонистон орқали кириб келишни тўхтатиб, форс ҳудуди орқали кириб кела бошлаган, бу йўл Бомбейдан денгиз йўли орқали Бендр-Бушурга сўнгра карвон билан Иезд-Сешхад ва Ашхобод-Кааха орқали кириб келган. Бу йўлдан 1886-1888 йиллар (Транскаспий темир йўлининг очилишидан сўнг) фаолроқ фойдалана бошлаган. 1890 йилнинг бошига келиб хинд чойларининг катта қисми форс орқали кириб кела бошлаган. Бу йўл ҳам қимматлик қила бошлагач, хинд савдогорлари 1888 йил Бухоро ва рус ҳукуматида денгиз йўлини очишга рухсат сўраб ариза билан чиқишади. Бу йўл орқали Бомбейдан денгиз орқали Ботумига, сўнгра темирйўл орқали Ўрта Осиёга кириб келган [9: 6]. 1896 йил денгиз йўлининг очилишига рухсат берилгач, хинд товарларининг асосий қисми шу йўл орқали кириб келган. 1895 йил бошида хинд савдогорлари Ботуми орқали 20 минг пуд чой олиб ўтилган бўлса, Афғонистон орқали 5 минг пуд чой олиб ўтган [8: 42]. Хиндистонлик савдогарлар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванов Д.Л. Русская Земля Самарканд. Беседа 1872 №6.
2. Костенка Л. Путешестве в Бухару Русской миссии. –СПб, 1871.
3. Маннонов А., Абдуллаев Н., Рашидов Р. Афғонистон тарихи. Ўқув қуланма. –Т., 2018.
4. Соболев Л.Н. Географические и статистический сведения о Зарафшанском округе. ЗИРГО по отделению ста-

нафақат бошқа маҳсулотлар савдоси, ҳатто Бухоро хонлигидаги қул савдосида ҳам иштирок этган (Ўрта Осиёдаги энг йирик қул бозори Бухоро хонлиги, асосан, Самарқанд шаҳрида бўлган) Бухоронинг қул бозорида бўлган А.Женкинсон қул бозорини тасвирлар экан, хиндлар Бухорога оқ нафис газлама кийимлар келтириб бу ердан чарм, шойи, от ва қул олиб кетганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Кейинроқ 1834 йил Бухорода бўлган шведиялик сайёх Демезон Бухоро қул бозори ҳафтада икки кун сешанба ва пайшанба кунини бўлганлиги ҳақида маълумот берган [5: 20-21]. Ўрта Осиё ва Хиндистон ўртасидаги савдо-сотик алоқалари икки ўртадаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилиб қолмай, маданий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги алоқаларига ижобий таъсир кўрсатган. Савдо-сотик билан шуғулланиш мақсадида Ўрта Осиёга келган хиндлар билан биргаликда бу ҳудудга бошқа касб билан шуғулланувчи хиндлар ҳам кириб келган. Улар орасида новвойлар, тикувчилар, боғбонлар, ўқитувчилар, ҳатто шифокорлар ҳам бўлган. Туркистонга кириб келган бу касб эгалари нафақат Туркистондаги хиндларга хизмат қилган, балки Туркистондаги маҳаллий халқлар, шу билан биргаликда рус ҳукумати вакиллари ҳам хизмат қилган ва Ўрта Осиё ҳамда Хиндистон ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишини таъминлаган.

тистики. СПб.1874.

5. Турғун Файзиёв. Бухоро хонлигида қул савдоси. –Т., 1970.
6. Хамид Зияев. Ўзбекистон ва Сибир. Т., 2008.
7. Этнический атлас Узбекистана. –Т.: Совместное издание “ИООФС-Узбекистан” и ЛИА “Р. Элилина”, 2002.
8. Ўз РМДА. И 2866-фонд, 1-руйхат, 7-иш.
9. Ўз РМДА. И 2866-фонд, 1-руйхат, 12-иш.

2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВЛАР: ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ, ЎЗГАРИШЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Ҳабибуллоҳ САДИБАҚОСЕВ
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти

Мазкур мақолада мамлакатимизда 2019 йилда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ҳақида маълумот берилган. Хусусан, мазкур сайловларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, олдинги сайловлардан кўра фарқли ўзгаришлар ва натижалар тўғрисида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: сайлов, Конституция, қонун, Сайлов Кодекси, парламент сайловлари, маҳаллий Кенгашлар, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар”, Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар.

Сайловлар демократик давлатларда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар қайси сиёсий кучларнинг давлат ва ҳукумат бошқарувига келиши ва кейинчалик давлатнинг сиёсий жараёнига таъсир кўрсатишини белгилаб беради. Ҳозирги кунга келиб, дунёдаги ҳар бир мамлакатда ўзига хос сайлов тизимлари шаклланиб кетганлиги ва бунда мамлакат тараққиётининг тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувлар ва фарқланиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қатор мамлакатлар сингари демократик давлат қуриш йўлидан бориб, республика сайлов тизимида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган мажоритар тизимни амалиётда қўллаб келмоқда.

This article contains information on the parliamentary and local elections of 2019 held in our country. In particular, the article speaks about the organizational and legal aspects of the past elections, about changes that differ from previous elections, as well as the results of these elections.

Данная статья содержит информацию о парламентских и местных выборах 2019 года состоявшие в нашей стране. В частности, в статье речь идет об организационных и правовых аспектах прошедших выборов, об изменениях, которые отличаются от предыдущих выборов, а также результатах данных выборов.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва ҳатто, айрим йўналишлар бўйича баъзи ривожланган давлатлардан илгариланган демократик сайлов қонунчилиги яратилган. Хусусан, 2016 йилнинг 4 декабрда мамлакат Президентлигига ўтказилган сайловни кузатиш учун ташриф буюрган 600 га яқин чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари халис хулосаларининг ўзиёқ бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилги парламент сайловлари арафасида – Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтган қуйидаги фикрга эътибор қаратиш ўринли бўлади. “Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги

ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгила-наётган Ўзбекистонга баҳо беради” [1].

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сайлов қонунчилигининг мустақкам юридик пойдеворидир. Унинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб, овоз бериш ҳуқуқи ўз хоши-иродасини билдириш тенглигини ва эркинлиги қонун билан кафолатланади ҳамда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади [2].

Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қоидалари асосида, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида, очиқ-ошқора, шаффоф тарзда, демократик тамойилларга тўла мос ўтказилган ушбу сайловлар мамлакат тараққиётининг янги босқичида тарихий аҳамият касб этди.

Сайлов жараёнлари юқори савияда ташкил этилганлиги, янги сиёсий технологиялардан унумли фойдаланилгани билан аввалгилардан тубдан ажралиб турди. Шу билан бирга мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий маданияти юксалиб бораётганлигини намойиш этди, аҳоли фаоллиги ошганлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш борасида дадил қадамлар қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қисқа даврда сайловга оид 21 та ҳуқуқий ҳужжат илк бор ягона Сайлов кодекси га бирлаштирилди. Жорий йилнинг 25 июнида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Сайлов кодекси – Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Мамлакатимизда 2019 йил декабрида ўтказилиши белгиланган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилди ва сайлов кампанияси расман 20 сентябрь куни бошланди ҳамда 20 декабрга қадар давом этди. 2019 йилнинг 18 ноябрда Марказий сайлов комиссияси номзодларни рўйхатга олгандан сўнг, улар ўз сайлов кампаниясини бошладилар. Ўрнитилган тартибга кўра, сиёсий партия ва номзодлар сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилади, мазкур комиссиялар эса бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Сайловчиларнинг турар жой манзили ҳақида Ички ишлар вазирлиги, чет элга чиққанлиги бўйича Давлат персоналлаштириш маркази томонидан олинган маълумотлар бўйича мамлакатимиз сайловчиларнинг умумий сони 18 миллион 797 минг 810 нафарни ташкил этди. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида 13 миллион 963 минг 627 нафар сайловчи иштирок этганлигини қайд этди.

Бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизини ташкил қилади. Янги Сайлов кодексига мувофиқ сайловда 33 фоиз сайловчи иштирок этса, сайлов бўлиб ўтган ҳисобланади.

Ўзбекистондаги сайловлар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлди. Буни сайлов жараёнида 10 та нуфузли халқаро ташкилот, жумладан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, Туркий кенгаш, Туркий

тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Парламент Ассамблеяси, шунингдек, дунёнинг 41 давлатидан жами 800 дан зиёд халқаро кузатувчилар, сиёсатшунослар, таҳлилчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа мутахассислар иштирок этгани яққол далолат беради.

2019 йилги парламент сайловларига тамомила янгича ёндашув асосида тайёргарлик кўрилганлиги сабабли сайлов кампанияси бир қатор янгиликлар ва ўзгаришлар билан ташкил этилди ва ўтказилди.

Биринчидан, ушбу сайловлар янгиланган норматив-ҳуқуқий база асосида ташкил этилди. Янги қабул қилинган “Сайлов Кодекси” [3] олдин амал қилган бешта норматив-ҳуқуқий актлар ўрнига қабул қилинган. Яъни, бу сайлов қоидаларини янгилловчи, бутунлай янги тизим сифатида қайта кўриб чиқилди ва яратилди.

Иккинчидан, халқаро кузатувчиларнинг сайлов жараёнини такомиллаштириш ҳақидаги маслаҳатларини ҳисобга олган ҳолда республикаимиз сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини жорий этилди. Бу республика микросидаги маълумотлар базаси бўлди. Сайловдан олдин ушбу электрон рўйхатга 18 ёшга тўлган, овоз бериш ҳуқуқи эга бўлган 20,6 миллион фуқаро киритилди. Мазкур дастур илк бор 2017 йилда Тошкентдаги маҳаллий сайловларда синовдан ўтган эди ва ушбу ёндашув парламент сайловларида ҳам қўлланди.

Учинчидан, оғир жиноят содир этмаган, жамият учун хавфли бўлмаган судланган шахсларга ҳам биринчи марта овоз бериш ҳуқуқи берилди.

Тўртинчидан, парламент сайловларида кузатувчи бўлиши мумкин бўлган фуқаролар тоифалари ҳам кенгайтирилди. Олдин кузатувчилар сафига фақат сиёсий партиялар вакиллари ва хорижий кузатувчилар кирган бўлса, энди оддий ўзбекистонликлар, маҳаллар вакиллари ҳам сайловнинг қонуний ўтказилаётганини кузатиб боришлари мумкин бўлди.

Бешинчидан, хориждаги сайловчилар билан янада кенгроқ ишлаш бўйича амалий ишлар доираси кенгайтирилди. Турли маълумотларга кўра, сайлов арафасида хорижий юртларда 2 миллионга яқин мамлакатимиз фуқаролар бўлган. Улар ҳам овоз беришлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги, элчихона ва консулхоналар фаол иш олиб боришди. Мамлакат ичида сайлов ўтказиш бу бир нарса бўлса – хорижда сайлов ташкил қилиш анча мураккаб ишди. Бу борада ОАВ вакиллари ҳам ўз фаоллигини намоён этишди.

Сайловларнинг умумий яқунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуйидагича депутатлик ўринларига эга бўлдилар:

1. Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53 та депутатлик ўрни;
2. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 36 та депутатлик ўрни;
3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 24 та депутатлик ўрни;
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 22 та депутатлик ўрни;
5. Ўзбекистон Экологик партияси 15 та депутатлик ўрнини эгаллашди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатларнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин қизлар, 39 нафарини ёки 26 фоизини олдин ҳам Қонунчилик палатаси депутати бўлганлар ташкил этади.

2019 йил 10 декабрь куни янги тахрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси эга бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари порлоқ истиқболимиз ва

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 7.12.2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. www.lex.uz

МАРҒИЛОН ЁРЛИҚЛАРИ ВА ВАҚФЛАРИ МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ
ЎзХИА докторанти, т.ф.н.

Ушбу мақолада Туркистон ўлкаси зиннинг икки-уч аср муқаддам ўтган тарихини ўрганишида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилувчи XIX-XX аср бошларидаги Марғилон шаҳрининг иқтисодий ҳаётининг кўпгина жиҳатларини, аҳолининг иқтисодий ва маданий ҳаёти ўзида акс эттирган ёзма ёдгорликлар – вақфномалар ва ёрлиқлар тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: вақф, масжид, мадраса, қорихона, мазор, қози, мутавалли, манба, ёдгорлик, қўлёзма, ҳукмдор, сулола.

Вақфномалар ва ёрлиқлар ҳужжатларга оид ёзма ёдгорликларнинг кўп тарқалган ва қизиқарли кўринишларидан биридир. У ҳужжатларни ёзма ёдгорликларнинг алоҳида тури сифатида ўрганувчи махсус тарихий фан бўлиши дипломатиканинг ўзига хос ёдгорлиги сифатида катта аҳамият касб этади. Бу ҳужжатларнинг батафсил палеографик тадқиқи ўз даври ижтимоий ҳаётнинг кўпгина жиҳатларини билиб олишга имкон беради. Бу ўринда ҳамма нарса муҳим, вақфнома кўчирилган қоғоз, унинг тузилган вақти ва жойи, хати, сиёҳнинг ранги, бадий безаклари ва ҳ.к. Мазмун жиҳатдан вақфномалар Туркистон халқларининг ҳаёт тарзини у ёки бу даражада акс эттирувчи фавқулода қиммат касб этибгина қолмай, жамиятнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида жуда аниқ тасаввур ҳосил қилади [1: 41].

Изланишлар давомида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Марғилон билан боғлиқ юзга яқин нодир ҳужжатлар жилди кўздан кечиришга муяссар бўлинди. Марғилон вақф ҳужжатлари ва ёрлиқлар тарихий манба сифатида Р.Набиев[2], И. Алимов[3], Ш. Воҳидов[4]. каби тарихчи олимларнинг илмий тадқиқотларида қисман бўлсада ёритиб ўтилган. 2007-2020 йиллар давомида олиб борилган изланишлар вақтида Марғилон шаҳри ва Марғилон уезди қишлоқларига доир 160 дан ортиқ вақф йиғма жилдлари илк бор тадқиқ этилди.

Мазкур ҳужжатлар нафақат Марғилон балки ўлкаимизнинг икки-уч аср муқаддам ўтган тарихини ўрганишида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар бир ҳужжат тузиш учун маълум қонун-қоида, тартибга амал қилинган. Масалан, ҳужжатга дахлдор шахслар номлари, уларнинг ёши ва яшаш жойи, ерларнинг чегараси, гувоҳлар ва ҳужжатга имзо чеккан шахслар ва ҳужжатга муҳр босган қозиларнинг исмлари аниқ-тиник кўрсатилган. Ҳужжатларда кишиларнинг хунари ва ҳонлиқда эгаллаб турган мансаб амаллари ҳам қайд этилган. Шу сабабдан мазкур нодир ҳужжатларнинг айримлари тўғрисида

ёрқин келажакни таъминловчи масъулиятли жараён сифатида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодексида акс этган нормаларга асосланиб айтиш мумкинки, 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшишда яна бир муҳим амалий қадам бўлди. Бутун халқимиз, сайловчиларимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этишлари учун янги имкониятлар эшигини очди.

This article discusses written monuments - vakuf documents that serve as an important source in the study of many aspects of the social life of the city of Margilan in the 19th - early 20th centuries, including the history of Turkestan Krai two to three centuries ago.

В данной статье рассматриваются о письменных памятников – вакуфных документов которые служат важным источником при изучении многие аспекты общественной жизни города Маргилана в XIX – начале XX веков, в том числе истории Туркестанского края двух-трех веков назад.

қуйида мухтасар маълумот келтириб ўтамыз.

Қадимдан Марғилон шаҳрида бундай маърифат ўчоқларининг бу қадар кўплиги сабабларидан бири шундаки, ўша вақтларда бойроқ кишиларнинг ҳар бири савоб йўлида кичикроқ масжид ё бошқа иншоотлар қуришган. Улувроқ ва бадавлатроқлари (жумладан, ҳокимлар, қозилар ва йирик олимлар) эса шаҳарнинг ёш аҳли таълим олсин, деб ўз ҳалол маблағларига мадрасалар тиклаганлар, жомеъ ва кўприклар қурганлар, ариқлар қаздирганлар. Шаҳарнинг барча бадавлат кишилари кўплаб мадраса, масжид, мактаблар ва халқ манфаати йўлида турли иншоотларни қуриб, Худо йўлига садақаи жория этганлар. Эҳтимол, бу гаплар ҳозирги давлатманду амалдорларнинг кўпчилигини ажаблантирар. Бироқ, гап тарихий ҳақиқат устида кетмоқдаки, бундай мисолларга асло ҳайратланмаслик лозим. Негаки, аждодларимиз эзгулик йўлида хотамтойлик кўрсатишни оддий инсонийлик фазилатларидан, деб билишган ва садақаи жориядек улуғ савобдан юз ўгиришмаган. Шу боисдан бўлса керак, уларнинг номлари тарих саҳифаларида абадий қолгандир.

Архив маълумотларига кўра, XIX асрнинг охирига келиб, биргина Фарғона вилоятининг диний ишлар бошқармасига кўриб чиқиш учун масжид, мадраса ва зиёратгоҳларга доир 5676 дон вақф ҳужжатлари тақдим этилган[5: 208]. Афсуски бизнинг кунимизгача ушбу вақф ҳужжатларининг айримлари гина сақланиб қолган ҳолос. Мазкур манбаларда маҳаллий аҳолининг диний ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларни учратишимиз мумкин. Улар ўз ичига муайян муқаддас жой тарихи, унда хизмат қилувчи сулолаларга (шайх, хўжа, чироқчи) тегишли ҳужжатлар – шажара (насабнома), вақфнома, ёрлиқлар, васиқалар, зиёрат қилиш одоби васф этилган рисоаларни олади. Шунингдек, уларда жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига тегишли маълумотлар кўплаб учрайди[6: 29]. XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона область бошқармаси ҳам Фарғонадаги

мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлган зодагонлар ва диний ташкилотларнинг ерини рўйхат қилганда сони 3238 та бўлган. Лекин бу ҳисоб тахминий бўлиб, кейинча вақф ердан фойдаланувчи ташкилотларнинг сони бундан ҳам кўпроқ, яъни 5744 га етган[7: 69]. Вақфлар бу ерда собиқ совет ҳокимиятига қадар ўз кучини сақлади[1: 37]. Вақф ерларининг барчаси вақфномалар орқали расмийлаштирилган бўлиб, ҳозирда Ўш, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон шаҳри ва уездларига доир вақфномаларнинг катта қисми Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг №19 фондида сақланмоқда.

- Марғилон мадрасаларига доир вақфномалар;
- Марғилон зиёратгоҳларига доир вақфномалар;
- Марғилон масжидларига доир вақфномалар;
- Марғилон қорихоналарига доир вақфномалар.

Марғилон вақфномаларнинг тузилган санасидан келиб уларнинг даврийлигини куйидаги тартибда белгиланди:

- I. Ўзбек хонлари даврига доир вақфномалар.
- II. Қўқон хонлари даврига доир вақфномалар.
- III. Чор ҳукумати даврига доир вақфномалар.

Мазкур вақфномалар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, балки, унинг сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган куйидагилар шахслар томонидан тайин этилган

- Фарғона ҳукмдорлари томонидан;
- Марғилон ҳокимлари томонидан;
- марғилонлик қозилар томонидан;
- марғилонлик бойлар томонидан;
- марғилонлик уламолар ва тариқат пирлари томонидан;
- Қўқон хонлигида йирик мансабни эгаллаб турган шахслар томонидан.

Вақфномаларнинг айримларининг кириш қисмида Аллоҳга ҳамду сано, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) саловатлардан сўнг бу ишнинг сабабларини асословчи далиллар келтирилган, унинг ҳуқуқий, шаръий моҳияти тушунтирилган. Буни Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Мирзо Али маҳалласида жойлашган Шайх Аҳмад халифа мадрасасининг вақфномаси мисолида кўриш мумкин. Вақфноманинг ҳажми 31x140 см. Вақфномага 9 та муҳр босилган. Вақфноманинг қисқача мазмуни куйидагича.

Муслим ва муслимларга, мўмин ва мўминларга ибодат эшигини очиб, яхши амалларни буюрган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. Аллоҳнинг расули Муҳаммад (с.ав.) ва унинг асҳобларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин...

Ҳадисда келтирибдурларки, “Киши вафотидан кейин ҳеч амал унга ҳамроҳ бўлмагай, магар уч нарса ҳамроҳ бўлгай, Аввал, садақаи жория. Иккинчи, қолдирган илмиқим, халойиқ ундан фойдаланмишлар. Учинчи, солиҳ фарзандки, вафотидан кейин унинг ҳақиқаи дуои хайр қилгай”. Садақаи жория, ўзидан кейин қолган яхши ишлари охираат сафарининг озукаси бўлур... Шу сабабдан ... тарих 1290 йилнинг жумодил аввал ойи (1873 йилнинг июн ойи)да Шайх Аҳмад халифа марҳум Домла Абдурахим охунд ўғли Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Мирзо Али маҳалласида жойлашган ўзи бино қилган мадраса учун вақф тайин қилди[8: 47].

Вақфномаларнинг иккинчи қисмида вақф қилинган санаси, вақф қилувчининг исми шарифи, унинг сиймоси, ёши, амлок (экин ери, ариқ, ҳовуз, дўкон, ҳаммом, ҳовли, уй, китоблар, пул, дарахт)нинг батафсил рўйхати ва адади, миқдори, ҳажми ҳақида маълумот берилиб, ҳар бирининг жойлашиш ери ва чегаралари аниқ кўрсатиб ўтилган. Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Қорахўжа (Кўнчилик) маҳалласида жойлашган Муҳаммадҷонбой мадрасасининг вақфномасида бу ҳақда куйидагича маълумотлар келтирилган, “Пок кўнчили дин ва давлат арбобларига, миллатнинг бетинч асҳобларига очиқ ошкор бўлсинки... Аллоҳ таоло офатлардан паноҳида асрасин Марғинов вилоятининг Машҳад даҳаси Қорахўжа (Кўнчилик) маҳалласидаги уламолар ва илм аҳллари дўст тутувчи Мулла Муҳаммадҷонбой Аҳмадбойнинг фарзанди арҷуманди тарих 1298 йилнинг шаввол ойи (1880 йил-

нинг августи)да ўз мулки ҳисобидан мазкур маҳаллада масжид, хонақоҳ ва дарсхона ва нақшкон айвон ва беш хўжра ва яна уч хўжрадан иборат мадрасани бино қилиб, талабалар эмин эркин илм олишлари учун мударрис, имом, фаррош, саргарош ва талабаларга 250 тилло маблағини вақф тайин қилди ва тасдиқ этди... Мазкур мадраса ҳудудининг баёни. Фарбдан баъзан омманинг ариғига туташган ва баъзан Раҳимбобонинг мулкига туташган... Шарқдан омманинг йўлига туташган. Шимолдан баъзан Дадабойнинг мулкига ва баъзан омманинг ариғига туташган. туташган. Мазкур ҳудудларнинг хавосиллари маълум ва аломатлари зоҳирдир[8: 163].

Вақфномаларнинг учинчи қисмида вақф шартлари баён этилган, мавқуфотдан келадиган даромадни тақсимлаш тартиби батафсил кўрсатиб берилган, вақф хўжалигини бошқарувчи шахс тайинланган, шунингдек, хизматчиларнинг маошлари ҳам санаб ўтилган. Шу ернинг ўзида вақф мулки ва буюмларидан истифода қилиш шартлари ҳамда уларни қонунга ҳилоф тарзда ўзлаштирилишига қарши чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Вақфнома тузилган вақти ва бу ишда қатнашган шахсларнинг номларини санаб ўтиш билан ниҳоясига етган ва қозилар, аъламлар, муфтийлар муҳри билан тасдиқланган.

Вақфномаларда келтирилган маълумотлардан кўринадики, вақфни таъсис қилаётган шахслар мазкур вақфни бошқариш вазифасини айрим ҳолларда масжид имомига, ёки ўзининг фарзандига, оға-инисига ва бошқа бир яқин қариндошига ёки масжид қавми орасидан муносиброғига топширганлар. Бундай ҳолат Мулла Охунжон домла томонидан Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Гулабардор маҳалласида жойлашган мадраса ва масжидга берилган вақфномада ҳам ўз ифодасини топган.

Вақфноманинг Ҳажми 30x51 см. Вақфномага 2 та муҳр босилган. Вақфноманинг қисқача мазмуни куйидагича. Ҳижрий 1264 (милодий 1847) йили Мулла Охунжон домла Марғилон шаҳри Машҳад даҳасининг Гулабардор маҳалласида мадраса ва масжид қурдирган. Мадрасанинг фаолият юритиши учун Хирман мавзесида жойлашган 3 та ер ҳудуди ва ўзи яшаётган Гулабардор маҳалласидаги 1 та дўконни вақф қилган. Вақфномада вақф даромадини куйидагича бўлиш шарти белгиланган эди, даставвал мадраса ва масжид биноларини таъмирлашга ишлатиш, қолган маблағнинг 1/10 қисми мутаваллига ажратилади, кейин қолган маблағ 4 қисмга бўлиб, 1 қисмини мударрисга, 2 қисмини мадраса муллаларига тенг тақсимлаш, 1 қисмини 4 қисмга бўлиб, 3 қисмини масжид имомига ва 1 қисмини муазинга бериш мўлжалланган. Вақфномада мадраса мутаваллиси қилиб вақф насият қилувчининг ўғли Мулла Ҳасанҷон тайин қилинган[8: 129].

Вақф мулкларидан тушган даромад, XIX асрнинг иккинчи ярмида рублнинг қиммати юқори бўлганлигини ҳисобга олганда, мадраса сарф-харажати тўла қоплаган. Бу эса ўз навбатида Марғилон шаҳридаги деярли барча мадрасалар, масжидлар хонақоҳлар моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигидан далолат беради.

Марғилон шаҳрида саййидлар, хўжалар авлодлари ва тариқат пирларининг ҳозир бўлиши бу ерда мусулмончилиқ анъаналарини янада раванқ топишига катта таъсир ўтказган. Бундай табаррук хонадон вакиллари Марғилонда истиқомат қилишлари ва уларнинг халқ орасида, хусусан, ҳукмрон табақалар ўртасида тутган мавқеи, аввало, бу ерда осойишталикни барқарор туришига хизмат қилган. Ушбу хонадон аҳилларининг таъсир доираси шунчалик кучли эдики, ҳар қандай ҳукмдор ҳам мамлакатни идора қилишда уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш қўришга интилган ва ўзларининг айрича эҳтиромларини билдириш мақсадида иноятномаларни тақдим этганлар. Бу ҳолатни Марғилондаги Ҳаким ат-Термизий авлодларига Қўқон хонлари сулоласи томонидан катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилганлигини Абдурахимбий (1721-1723), Бобобек (1752-1753) Эрдонабий (1753-1763), Муҳаммад Алихон (1822-1842), Шералихон (1842-

1845) ва Худоёрхон томонидан берилган ёрликлар ва иноятномалардан ҳам кўриш мумкин*.

1290/1873 йил май-июнь ойларида Ҳаким ат-Термизий авлодлариға солиқларидан озод қилинганлиги тўғрисидаги Кўкон хони Худоёрхон томонидан иноятнома берилган. Иноятноманинг ҳажми 25,4x17,4 см. Бодомсимон муҳрда “Хон Сай-ийд Муҳаммад Худоёр” деган ёзув туширилган. Иноятноманинг қисқача мазмуни куйидагича. “Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва саркорлар ва мутлак дорулсалтанатта тааллуқ бўлганлар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадим ул айёмдан қабрлари нурга тўлсин Довудхўжа эшон авлодидан бўлган Қўйчиҳўжа ва қўлида собиқ султонлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар мавжуддир. Шунга мувофиқ биз ҳам ўзимизни амиронга марҳаматимиз билан ҳукмимизга муҳримизни босиб, мазкурлар саёдатпаноҳларни хирож, танобона ва юртнинг бошқа барча расмий ва норасмий йиғимлардан озод қилдик” [6: 41].

Ушбу иноятномаларни ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири уларда Марғилон тарихининг узоқ ўтмишига доир маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Масалан, “Пур Сиддик азизлар” мазорига ўзбек хони Субхонқулихон томонидан берилган иноятномада зиёратгоҳни пайдо бўлиш тарихи ҳақида ҳам айрим фикрлар баён этилган: “Абу Бакр Сиддик Аллоҳ ундан рози бўлсин...ўз жонини Аллоҳнинг йўлида ниёз қилди ва Фарғона вилоятида гўрхонада ҳазрат Искандар Зулқарнайндек осуда бўлди. Замон уламолари ва бузруклари бўлиши тарих билимдонлари бу ҳақда китоблардан таҳқиқ этиб топдилар ва бизнинг ҳузуримизда баён этдилар” [9: 9].

Яна бир жиҳати шундаки, хонлар, султонлар ва маҳаллий ҳукмдорлар имтиёзли ёрликлар берганларида, ўзларидан аввал ўтган ҳукмдорлар берган ёрликларга асосланганлар. Иноятномаларда тархонлик ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Бироқ, Фарғонада тархонликнинг мавжудлиги масаласи тарихда тўлиқ ёритилмаган [7: 17].

Маълумки, тархонлик имтиёзини олган кишилар давлат хазинасига солиқлар қўлаш, турли мажбурий хизматларни бажариш, умуман, ҳар қандай тўлов мажбуриятдан озод бўлганлар. Иноятномаларда тархонликни олганларга катта имтиёзлар берилганлигини кўрсатади. Бу ҳақда Подшоҳ Искандар мадрасасига Худоёрхон томонидан берилган ҳужжатда таъкидлаб ўтилган: “Тамоми амлоқдорлар ва саркорлар ушбу ерлар хирождан тархон ва озод этилган деб билиб, бир дон дони, фулусни ҳам талаб ва таъма қилмасинлар. Башартики, мазкур (мадраса)нинг мавқуфот ерлари жумласидан бўлса, дахл ва эътироз билдирмасинлар. Бу ҳукмга хилоф қилмасунлар. Буни аҳд қилинган деб билиб, ундан чиқмасунлар” [10: 5].

Марғилон иноятномаларида “тархон” сўзи “мутлақулинон”, “муоф” ва “марфуулқалам” атамалари билан ҳам бирга келади. “Муоф” сўзи (арабча) аслида “озод” маъносига бўлиб, барча рента-солиқ ва бошқа феодал мажбуриятлардан озод маъносига келади [7: 19]. XVIII нинг бошларида, сўнггиси эса XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган Марғилонга оид ҳужжатларда “муоф” атамаси кўп учрайди. “Мутлақулинон” арабча бўлиб, абадий тизгинлаб олган, ҳарна истаса қила олади, маъносига-

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраева Ғ. Вақф нима? // “Шарқшунослик”, - Т., “Фан”, 1991. № 2. - Б.37-47.
2. Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана). - Т., “Фан”, 1973. -388 с; Набиев Р.Н. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. Ташкент, 2010. - 648.
3. Алимов А.И. Кўкон хонлиги Марғилон вилояти мадрасалари Тарихидан // Илмий хабарнома, АДУ, №2 2012 йил. - Б. 42-49.
4. Вохидов Ш. Кўкон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). - Т., “Академнашр”, 2010. -318 б; Вохидов Ш. Кўкон хонлиги тарихи (хонлик тарихи - манбаларда). Том I. Ташкент, 2012. -1493 б.
5. Арапов Д.Ю. Императорская Россия и мусульманский мир. - М., “Наталис”, 2006. -480 с.
6. Синьзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар, Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет

* Мазкур ёрлик ва иноятномалар Марғилон шаҳри Гумбаз маҳалласида яшовчи Козимхон Жўрахонов хонадонидан сақланади.

** Алаф (арабча). Бу ўтлоқ ерлардан олиниб, отларнинг ем-хашаги учун тўпланадиган солиқ бўлган. Буни юқорида айтганимиздек, “коҳ” ҳам дейдилар. Ҳужжатларда “алаф” ёзилишига кўра, бу солиқ натура тарзида олинган.

дир. “Марфуулқалам” (арабча) эса, солиқ дафтарида чиқариб юборилган, маъносига. Бу ҳар икки термин ҳам адабий имтиёзни таъкидлайди. Шундай қилиб, “тархон”, “мутлақулинон” ва “муоф”, “марфуулқалам” терминлари маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва яқин сўзлардир [7: 19]. Баъзи ҳужжатларда “тархони мутлақулинон” бошқа бир ҳужжатда “муоф” ва “марфуулқалам” ёзилган.

Бу ҳақда ҳазрат Кўкон хони Худоёрхон томонидан 1873 йилда Подшоҳ Искандар мадрасасига берилган иноятномада қайд этилган: “Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва мутасадилар ва саркорлар ва мутлак Марғилон вилоятига тааллуқ бўлган воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадим ул айёмдан кўхна Подшоҳ Искандар мадрасасининг аҳли ва зойифлари хирож ва танобона, алаф** ва зирвордан муоф ва марфуул қалам этилгандирлар. Чунончи, собиқ султонлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар ўзларини қўлидадир. Бинобарин, меҳрибонлик кўргуздики, мазкур мадрасани тархон, муоф ва марфуул қалам этдик.

Шу боисдан тамоми мутасаддилар, амлоқдорлар ва саркорлар ушбу ерлар хирождан тархон ва озод этилган деб билиб, бир дон дони ҳам талаб ва таъма қилмасинлар. Башартики, мазкур (мадраса)нинг мавқуфот ерлари жумласидан бўлса, дахл ва эътироз билдирмасинлар. Бу ҳукмга хилоф қилмасунлар. Буни аҳд қилинган деб билиб, ундан чиқмасунлар. Сана. 1290” [11: 3].

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай имтиёзни олган шахсларнинг ерларини “хос” деб атаганлар [7: 20]. Бу ҳақда Худоёрхон томонидан томонидан 1873 йилда Мир Абдурахим халифанинг авлодига берилган иноятномада “Мулла Мир Муҳаммадали маҳзум мирзо ушбу авқофни обод қилиш ниятида ва ариқни ниҳозига етказиш учун биз жаноби ҳумоюндан арзи ижозат талаб қилди. Вақфнома мазмунини танишиб чиққач биз ҳам ўзимизни амиронга ва хусравона марҳаматимиз билан ушбу ҳудудларни сув билан жонланттирган мазкур Махдумга “вақфи хосса” қилиб бериш учун олий ҳукмимизга имзо чекдик” деб ёзилган [12: 9].

Шунингдек, бундай мазмундаги иноятномаларда хонлар томонидан вақф мулкларига мутаваллини тайинлаш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган: “Мазкур (Мулло Охунд Бобо махдум) ҳазрат бузруквор (Халифа Мир Абдурахим) нинг хонақоҳи авқофига мутавалли этиб тайин қилиндиким, тамоми аҳоли иззату икром ва ҳурмату таъзимини бажо келтиришлари лозим ва буюрамизки, мазкур мутавалли авқофнинг маҳсулотларини вақф шартига биноан сарф қилсин ва унга хиёнат қилмасин” [11: 3].

Хулоса қилиб айтганда, мазмун жиҳатдан мазкур вақфномалар ва иноятномалар нафақат Марғилон балки, Туркистон халқларининг ҳаёт тарзини у ёки бу даражада акс эттирувчи фавқулода қиммат касб этибгина қолмай, жамиятнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида жуда аниқ тасаввур ҳосил қилишда тарихий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот ишида иноятномаларнинг Марғилон тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида дастлабки баъзи бир фикрларни баён қилиш билан чегараландик, холос. Бундай қимматли манба устида чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш келажақдаги вазифадир.

тиллари университети, Осие-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3. - 232 б.

7. Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. - Т., “Фан”, 1965. - 180 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, И-19-ф. 1-рўйхат, 34707 - йиғма жилд.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, И-19-ф. 1-рўйхат, 34739 - йиғма жилд.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, И-19-ф. 1-рўйхат, 34727 - йиғма жилд.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, И-19-ф. 1-рўйхат, 34747 - йиғма жилд.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, И-19-ф. 1-рўйхат, 34555 - йиғма жилд.

КОНЦЕПЦИЯ «ЕДИНСТВО БЫТИЯ» И ЕЕ ТЕОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ

Кымбат КАРАТЬШКАНОВА
кандидат философских наук, доцент,
Международный казахско-турецкий
университет имени Ходжи Ахмеда Ясави

В статье излагаются различные интерпретации концепции «Единство бытия» (вахдат аль-вуджуд), в особенности комментарий к ней величайшего философа-суфия Ибна Араби. Особое внимание уделяется выявлению идейной общности в понимании «бытия» (вуджуд) в трудах исламских ученых.

Ключевые слова: Ибн Араби, вахдат аль-вуджуд, бытие, интерпретации.

Мақолада «Мавжудотнинг бирлиги» («вахдатул вужуд») хулосасининг турли хил талқинлари, жумладан, буюк мутасаввиф ва файласуф Ибн Арабининг шарҳлари берилган. Ислом уламоларининг асарларидаги «вужуд» мафкуравий умумийликини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган.

The article outlines various interpretations of the concept of "Unity of Being" (wahdat al-wujud), especially the commentary on it by the greatest Sufi philosopher Ibn Arabi. Particular attention is paid to the identification of ideological community in the understanding of "being" (wujud) in the works of Islamic scholars.

Духовное наследие Ибн Араби – аш-шайха аль-акбар, «величайшего учителя», – выходит далеко за рамки Испании, где он родился и получил образование, и оказывает огромное влияние на общее развитие суфизма. Именно о влиянии Ибн Араби на систематизацию суфизма подробно описывает Аннемари Шиммель: «Правильно истолковать взгляды Ибн Араби трудно. Традиционная западная точка зрения заключается в том, что он представлял исламский мистический пантеизм или монизм и своими монистическими теориями способствовал разрушению исламского представления о Боге как о живой действующей силе, вследствие чего в широком смысле ответствен за упадок истинно исламской религиозной жизни. С другой стороны, современные мистические мыслители (например Сейид Х.Наср) видят в сочинениях Ибна Араби законченное объяснение того, что было понято уже ранними суфиями. И в самом деле поразительно, как много приписываемых Ибну Араби формулировок можно встретить в текстах так называемого «классического периода». Возможно, для следующих поколений, получивших, благодаря Ибн Араби, упорядоченную систему суфийских представлений, оказалось благоприятным то обстоятельство, что он был в большей мере гением систематизации, нежели экстатическим мистиком» [1:208].

Ибн Араби родился в 1165 г. в Мурсии, в Испании; образование он получил у двух святых женщин. Он изучает труды Ибн Рушта, Ибн Касий, Ибн Масарры. В 1201 году Ибн Араби совершает паломничество в Мекку. И в результате выполнения одного из столпов ислама – хаджа в Мекку, он пишет книгу «Тарджуман ал-ашвак» («Толкователь страстей») [1:209]. Ибн Араби написал огромное количество работ, среди которых наиболее известны «Ал-Футухат ал-маккийя» («Мекканские откровения») и «Фусус ал-Хикам» («Геммы мудрости»). «Футухат» была, по утверждению автора, ниспослана ему Богом и передана ангелом-вдохновителем, «Фусус», маленькое сочинение из 29 Фассов, или глав, было внушено ему Пророком (да благословит его Аллах и приветствует). Каждая «гемма» отражает человеческую и духовную природу того или иного пророка, таким образом передает определенный аспект Божественной мудрости, открывшейся этому пророку. В этих трудах Ибн Араби наиболее ярко приводит доводы, обосновывающие свою концепцию вахдат ал-вуджуд.

А.Аффифи рассматривает Ибн Араби как чистого пантеиста и в доказательство этой точки зрения ссылается на его теорию любви:

*Когда появляется мой Возлюбленный,
Какими глазами я вижу Его?*

*Его глазами, не моими,
Ибо никто не видит Его, кроме Него Самого [1:210].*

Т.Ибрагим также рассматривает вуджудизм Ибна Араби как мистико-психологическое сближение с Богом, которое свое философское развитие получает в пантеизме. В работе Т.Ибрагима «Вуджудизм как пантеизм» пантеистическая интенция «Великого шейха» и его последователей прослеживается сквозь призму пяти концепций: «единство бытия», «новое творение», «эпифания», «совершенный человек», «ноуменальные сущности» [2:82-83]. Приведем издержки из этой работы: «Философия вуджудитов есть прежде всего философия абсолютного монизма. Краеугольным камнем их построений является учение о «единстве», «абсолютном единстве» (вахда мутлака) всего сущего. За любым множеством они видят охватывающее его единство; в каждой вещи они усматривают проявление Единого, которое ее связывает с другими вещами, конструируя их в органическое целое. «Все бытие едино», – пишет Ибн Араби, и в мире нет ничего, кроме высшего Единого (вахдат ал-вахдат), или Единого, проявляющегося во многом, «Единое-многое» (ал-вахдат ал-касир)... С точки зрения сторонников «вахдат ал-вуджуд», бытие не является мысленным предикатом или абстрактной идеей. Оно – наиболее самоочевидная реальность, поскольку воплощено во всех вещах. Одновременно бытие – наиболее скрытое и неизвестное, ибо оно охватывает все вещи, поэтому мы не можем найти чего-либо отличного от него, с помощью чего мы могли бы его ограничить, определить. Постичь бытие можно только с помощью интуиции».

Исходя из этого можно утверждать следующее, что философский пантеизм содержательно не отвечает кораническим (исламским) требованиям. Так как абсолютизирует способности разума. К тому же пантеизм способствовал оправданию нерелигиозных учений в среде исламских дисциплин. С.Ерайдын в книге «Суфизм и тарикаты» акцентирует на каноническую суть «вахдат ал-вуджуд» [3:250]: «Учение вахдат ал-вуджуд основан на хадисах, что подчеркивает его божественную суть. А пантеизм по существу опирается на разум, то есть знание о единстве бытия ограничивается возможностями чувственного познания».

Философская система Ибн Араби пропитана концепцией вахдат ал-вуджуд («единство бытия»). Правильный перевод этого выражения дает ключ к большинству других его теорий. Его концепции породили многочисленные дискуссии о том, имел ли поздний ислам «пантеистическую» или «монистическую» направленность. М.Моле указал на трудность перевода термина «вуджуд». В арабском языке, как и в других семитских языках, нет глагола, означающего

«быть». Термин «вуджуд», который в большинстве случаев переводят как «бытие», «существование», означает прежде всего «нахождение» (от глагола «быть найденным») и потому более динамичен, чем просто «существование». «В конце Пути присутствует, «находится», только Бог». А следовательно, вахдат ал-вуджуд есть не просто «единство бытия», но также и единство экзистенциализации постижения этого акта. Иногда это выражение употребляется как синоним «шухуд», «созерцание», «присутствие при», так что термины вахдат ал-вуджуд и вахдат аш-шухуд, так часто обсуждавшиеся поздними мистиками, особенно в Индии, в некоторых контекстах оказываются взаимозаменяемыми [1:208]. Однако в высказываниях Имама Раббани, они не только не взаимозаменяемы, но и противоположны. Приведем две основополагающие различия между вахдат ал-вуджуд и вахдат аш-шухуд:

1. Если вахдат ал-вуджуд – основан на единстве и тождестве Бога и мира (единство предмета и тени), то вахдат аш-шухуд различает Бога от мира, предмет от тени. То есть Бог и мир совершенно разные формы бытия.

2. По теории вахдат ал-вуджуд истиной мира являются божественные имена и свойства. А по вахдат аш-шухуд, истиной мира являются небытия, противопоставляемые именам и свойствам [4:118].

В содержательном аспекте, как говорил Имам Раббани, один может последовать за другим. То есть, вахдат аш-шухуд последовательно возникает после ступени вахдат ал-вуджуд.

Среди поздних мистиков существовала полемика по поводу мыслителя, впервые внедрившего термин вахдат ал-вуджуд в терминологический аппарат суфиев. В комментариях к книге Ибн Араби «Фусусул-хикам» Ахмед Авни Конук приводит следующие толкования:

- во-первых, в терминологическом словаре Ибн Араби это слово не существует. Изучавши его труды Суад Хаким писал, что в своих трудах он не использовал это слово, и скорее всего оно было внедрено впоследствии его учениками. С.Хаким предполагает, что это слово было введено Ибн Таймией (1328 г.р.).

- во-вторых, истиной является то, что Ибн Араби одним из первых обосновал учение вахдат ал-вуджуд. В работах мыслителей, живших задолго до Ибн Араби, Баязид Бистами (874), Халладжа (922), Багдади (909), Газали (1111) этот термин не упоминается. Даже в работах основателей крупных тарикатов, Абдулкадира Джилани (1166), Ахмеда Ясави (1167), Ахмеда Рифаи (1182) термин не употреблялся, хотя смысл этого учения приводился всеми [5:47]. Кожа Ахмет Иассауи дүниетаным бойынша уахдат ал-вуджуд - бүкіл әлемнің құдай субстанция көрінуі. Яғни, бұл көрініс Оның ең көркем жаратылысы адамда білінеді. Демек, адамдағы осы құдай негізді қашан да құрметтеу керек. Адамды, адамзатты сүю әрбір адамның негізгі міндеті және бұл сопылықтың басты тақырыбы.

Согласно мировоззрению Ходжа Ахмеда Ясави, вахдат ал-вуджуд является проявлением божественной субстанции всего мира. То есть эта проявление отражается в человеке, в Его наиболее прекрасном творении. Однако всегда следует уважать это божественное древо в человеке. Любовь к человеку и всему человечеству - главная задача каждого человека, и это главная тема суфизма:

«Влюбленных видит Бог и любит,

И потому, они отвергли мир.

Жизнь не щадя, они влюблялись,

На Махиаре они увидят Лик (Бога)» [6:254].

Есть три основополагающих интерпретаций учения Ибн Араби о вахдат ал-вуджуд: «интерпретация Тафтазани», «интерпретация Али ал-Кари» и «интерпретация Имама Раббани», существующие как набор претензий к теориям «вахдат ал-вуджуд». Безусловно, существует множество толкований учения Ибн Араби, можно отнести сюда и критические нападки теологов.

Главными претензиями Тафтазани к «вахдат ал-вуджуд» были [5:29]:

1) Определяя вещественный мир как мираж и воображение, сторонники концепции вахдат ал-вуджуд тем самым противоречат канонам Корана. Стих из Корана тому доказательство: «Не существует бога кроме Него» (Сура Касас, 28/88). Невозможно отрицание вещественного мира разумом и интуицией. То есть было бы ошибочным относиться к действительности как к воображению. Видимые и невидимые предметы обязательно выявляются с помощью разума и чувств. Они – есть. Их отрицание равносильно отрицанию ответственности, греха, рая и ада, а это противоречит духу ислама.

2) Познание Бога происходит через познание его акциденции, качеств. Бытие Бога едино с Его качествами. Однако существует разница между бытием Бога и Его качествами. Разум способен отличить качества от самого бытия Бога. Но суфий-сторонники вахдат ал-вуджуд признают единство истинного бытия и сотворенного бытия. Эманации божественного света с любовью распространяются на мир. Но это не означает, что Бог передает свою частичку миру, обоготворяя тем самым всех и все.

3) Следующая претензия Тафтазани выражается по поводу понятий единство, приближение. В толкованиях они определяются как акциденции. В стихе, приводимом суфиями как доказательство тому: «Он везде, где бы они не были» (Сура Муджадала, 58/7) рассматривается не единство вещей, а научное единство, то есть Бог вездесущ и это указывает на слабость тех, кто ограничен пространством.

По мнению следующего интерпретатора Ибн Араби, А.Авни Бея, истинное сходство и различие между Богом и человеком выявляется не языковым, а терминологическим путем. В выражений «Противоположности не могут быть единым» приводится языковое различие. Это признавали и суфий. Ведь признание языкового сходства и различия между Богом и сотворенным равносильно вытравлению из веры. Стирается граница между богослужением и объектом богослужения. Человек не может быть Богом, а Бог человеком. Так как человек сотворен после, он ограничен. А Бог вечен, и совершенен. Поэтому абсолютное бытие – только одно, оно безгранично, нет другого самостоятельного бытия.

Свою позицию Али ал-Кари и его соратники выразили в виде ряда «критик», якобы возникающих в формулировке «вахдат ал-вуджуд» [7:75]:

1) В главе об Адаме Ибн Араби приписал Адаму божественное видение. Бог знал о мире до его сотворения и видел вещественный мир до их сотворения. Поэтому Бог не мог лицезреть на мир глазами Адама.

2) В главе об Адаме Ибн Араби характеризует человека как «вечное возрождение». Но новое и вечное не может существовать в одном предмете. Это присуще только Богу. Он – вечен. Его имена и акциденции – вечны.

3) В главе о Шис Ибн Араби приписывает себе степень «печати святых». Али Кари не возводит Ибн Араби к этой ступени.

4) В главе об Исахе Ибн Араби подвергает сомнению правильность толкования снов пророком Исахом. На что Али Кари выражает свое не согласие, основывая свое мнение тем, что пророки не допускают ошибок.

5) В главе о Шуайбе Ибн Араби характеризует мир как стихийность и гибель. Али Кари оценивает это как ересь и отстаивает мысль о том, что в судный день люди будут

сотворены в другом облике, где не будет ни зла ни добра.

Заключая вышесказанное можно сказать, что существует много интерпретации и критики концепций Ибна Араби - «вахдат ал-вужуд». Интерпретации дополняли и раскрывали учение вуджудизма, ну а критика чаще доходило до обвинения Ибна Араби в неверий.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Шиммель А. Мир исламского мистицизма /Пер. с англ. Н.И.Пригариной, А.С.Раппопорт.-Москва: Алетея, Энигма, 2000. -416 с.:ил.
2. Средневековая арабская философия: Проблемы и решения. -М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1998. -527с. -(История восточной философии).
3. Eraydin S. Tasavvuf ve Tarikatlar. -Istanbul, 1997. -250 s.
4. Imam-I Rabbani. Mektubat-i Rabbani. C. I-II . Çev. A.Akçiçek. -Istanbul, 1977. C. I. 648 s.
5. Ahmed Avni Konuk. Fusus'ul-Hikem. Tercüme ve Şerhi. Haz. M.Tahrallı, S.Eraydın. -Istanbul, 1994.
6. Тулеш-улы К. К.А.Яссауи. Хикметы. Изложение перевода с чагатайского. Туркестан: Издательство «Нурлы Элем». 2016. -464 с.
7. Yorukan Y.Z. Şihabeddin Sühreverdi ve Nur Heykelleri. -Istanbul, İnsan yay. 1998.-119 s.

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МУСУЛМОН ДАВЛАТЛАРИ КОНСОЛИДАЦИЯСИ ОМИЛИ

Фазилят ҚҶЙСИНОВА
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети докторанти

Мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти, мақсад ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, ташкилотнинг халқаро муносабатлардаги имижига ҳамда ташкилот аъзо давлатлари сиёсий консолидацияси таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, геосиёсат, ҳамкорлик, сиёсат, бирдамлик.

The article describes the Organization of Islamic Cooperation, its activities and goals. In addition, the image of the organization in international arena and political consolidation of the member-countries are analyzed in the article.

В данной статье проанализированы деятельность, цели и задачи Организация Исламского сотрудничества, более того описан имидж организации в международном отношении страны политическая консолидация член стран ОИК.

Халқаро муносабатларда юз берган ва юз бераётган динамик ўзгаришлар, сиёсий беқарорликлар, низолар ва ўзаро келишмовчиликлар мамлакатлар ҳаётининг кўпгина соҳалари жумладан, мафкуравий ва сиёсий йўналишларга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Давлатлараро миллий, минтақавий ва маҳаллий муаммоларини ҳал этиш ҳамда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш учун сиёсий интеграция яъни сиёсий иттифоқ жараёни алоҳида ўрин тутди. Сиёсий иттифоқ – интеграциянинг олий кўриниши бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий асосларга таянади. Замонавий жаҳон сиёсатининг доимий трансформациялашуви билан характерланадиган бугунги даврда, нафақат мамлакатлар, балки, халқаро тузилмаларнинг ҳам ўрни, мақоми ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Содир бўлаётган жараёнларга ушбу тузилмаларнинг таъсири ниҳоятда кенгайиб бораётганлиги ҳам дунё сиёсий ҳаётининг ўзига хос тренди сифатида намоён бўлаётгани айна ҳақиқат. Давлатлар ўртасидаги сиёсий интеграцияни вужудга келтириш, интеграция жараёнларини янада ривожлантириш кўп ҳолларда халқаро ва давлатлараро ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. “Халқаро ташкилотларнинг ҳар хил номланиши (ташкилот, лига, иттифоқ, ассоциация, фонд ва б.) уларнинг мавқеига таъсир этмаслигини алоҳида қайд этишимиз лозим”[3: 20].

Замонавий халқаро муносабатларда халқаро ва минтақавий ташкилотлар олдида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий интеграцияни вужудга келтириш учун давлатларнинг миллий худбинлигини баргараф этиш ва давлатлараро манфаатлар мувозанатини таъминлаш вазифаси етакчи ўрин эгаллайди. Интеграция жараёнларининг мақсад ва йўналиши, ташкилий тузилмаларнинг универсаллиги

барча давлатлараро минтақавий ташкилотларнинг умумий бирлигини англамайди. Табиатан улар фаолиятининг ўзига хослиги, яъни уларнинг қандай мавқега эгаллиги ва қандай натижаларга эришганликлари каби хусусиятларида кўп жиҳатдан намоён бўлади.

Буни энг аввало, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Интеграция жараёнлари борган сари нафақат минтақаларнинг ички мақсадлари, балки ташқи муҳитнинг ортиб бораётган талаблари, кучайиб бораётган халқаро рақобат билан ҳам белгиланмоқда. Халқаро интеграция мафкурасининг ўзи ўзгармоқда, авваллари аъзо мамлакатларнинг хўжаликларини яқинлаштиришни мақсад қилган минтақавий ташкилотларнинг ўзи глобал макон иштирокчисига айланмоқдалар, интеграция эса минтақаларнинг дунё хўжалигига интеграциялашуви сифатида тушунилмоқда»[1] дея таъкидлаши замирида Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатлар тизимида халқаро интеграция, давлатлараро интеграцияни вужудга келтирувчи зарурат эканлигини англашимиз мумкин.

Халқаро майдонда тобора нуфузи ортиб бораётган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий интеграцияни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиб келаётган ташкилотлардан бири Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳам замонавий халқаро муносабатларда мусулмон давлатларини бирлаштирувчи халқаро актор сифатида етакчи ўрин тутаетганлигини қайд этиш лозим. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўтган асрнинг иккинчи ярмида сиёсий вазиятдаги динамик ўзгаришлар натижасида вужудга келиб, сиёсий жараёнларидаги мураккабликлар ташкилотнинг

ташкил этилишидаги объектив омил ҳисобланди. Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган сиёсий жараёнлар яъни Араб-Исроил урушларидаги араблар мағлубияти, Фаластин муаммоси, шунингдек 1969 йил 21 августда муқаддас Қуддуси Шарифда жойлашган ал-Ақсо (Масжидул Ақсо) масжидига Австралия фуқароси Майкл Роган томонидан ўт қўйилиши [4] мусулмон халқини ларзага солиб, мусулмон давлатларини Фаластин халқига ҳамдардлик туйғуси асосида бирлаштириб, умумий хавфга қарши курашиш омили алоҳида конференция чақиришга, натижада 1969 йил 25 сентябрда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (2011 йил 28 июнда Қозоғистон Саммитида Ислом Конференцияси ташкилоти Ислом ҳамкорлик ташкилоти номига ўзгартирилди) [5] ташкил этилишига асос бўлди [6].

Бугунги кунда 57 та мусулмон мамлакатларини қамраб олган Ислом ҳамкорлик ташкилоти 2 млрд. га яқин аҳолини ўз ичига олади [7]. «... аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизми, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалари юзасидан мулоқот қилиш учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда» [2].

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзолик ҳолати 1969 йил 25 сентябрдаги Работ конференциясида 25 давлатни ташкил этган бўлса, ташкилот фаолияти халқаро майдонда кенгайиш натижасида 1970 йилларда 42 та давлат аъзолиги, 1980 йилларда 45 та давлат аъзолиги, 1990 йилларда 56 та давлат аъзолиги ва 2001 йилда ташкилотга Кот-Д'Ивуар Республикаси аъзолиги белгиланиши билан аъзолар сони 57 давлатни ташкил этди. Хуқуқий жиҳатдан ташкилот аъзолари бир хил хуқуқ ва мажбуриятга эга. Таҳлилилар шуни кўрсатадики, ИХТ га аъзолик динамика тарзда ўсган.



Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти ва халқаро майдондашги имижига борасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири” [2] ҳисобланади дея таъкидлайдилар.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мусулмон давлатларини мазҳабларига, irqига, сиёсий қарашларига, иқтисодий фарқланишига қарамасдан бирлаштирган, ислом уммасининг узоқ йиллик интилишларини ўзида ифода этган ташкилот сифатида намоён бўлди. Америкалик олим С.Хантенгтоннинг қайд этишича, “Масихий, православ, буддист ва яҳудий давлатларида диний асосларда тузилган давлатлараро ташкилотлар мавжуд эмас, мусулмон давлатлари учун эса бундай ташкилот мавжуд ва у Ислом Конференцияси ташкилотидир” [8: 150]. Шахноз Ахтар тадқиқоти таҳлилида Ислом ҳамкорлик ташкилоти авваломбор панисломизм натижасида намоён бўлди [9: 62] дея келтириб ўтилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фундаментал

мақсади – мусулмон давлатларининг ҳамжихатликка нисбатан эҳтиёжини тобора кучайиб борганлиги, мусулмонлар учун муқаддас шаҳарларни, туйғуларни биргалликда ҳимоя қилиш ва асраб-авайлашга интилиш эди. “Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида умумий мудофаа стратегияси, “янги ислом тартиботи” ва мусулмон давлатлари учун ислом иқтисодиёти концепцияси ҳисобланди” [10]. Ташкилот Уставида ислом ҳамжихатлиги, иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий, илмий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш, барча мусулмон халқларини ўз шаъни, кадр-қиммати, мустақиллиги ва миллий хуқуқларини ҳимоя қилишга чақириқлар қатъий белгилаб қўйилди [11].

Ислом ҳамкорлик ташкилоти турли тартиботларни, турли иқтисодий фарқли давлатларни, турли қитъа мамлакатларини бирлаштирган ташкилот сифатида жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тута бошлади. Энг асосийси, ташкилот иқтисодий етакчи давлатлар билан бирга ўта қашшоқ Африка давлатларининг ҳам орзу-интилишларини ўз ичига олганлиги билан алоҳида эътирофга лойиқдир.

Ш.Ёвқочев таъкидлашича, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ислом ҳамжамияти олға сурган ташаббусларни ижобий қабул қилиб, мусулмон давлатлари халқаро ва давлатлараро ташкилотлардан авваломбор, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти фаолроқ ишлай бошлади” [12: 8]. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдондаги аҳамияти Е.Сидорова тадқиқотида “Ислом конференцияси ташкилоти дунё сиёсатида мусулмон оламининг резолюция ва қарорларини “амалга оширилишида” катта роль ўйнаганлиги” [13: 92] келтириб ўтилган. Фикримизча, ташкилотга аъзо давлатларнинг эътиқод бирлиги ташкилот фаолиятида, аъзо давлатлар ўртасидаги интеграция жараёнларининг самарали бўлишида муҳим ҳисобланади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро миқёсдаги фаолияти таҳлил қилинганда:

- трансрегионал даражадаги мусулмон давлатлари ҳамкорлигини шакллантирганлиги;
- ислом динига эътиқод қилувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожланишига ҳисса қўшганлиги;
- ташкилот аъзо давлатлари муносабатларининг самарали механизмини яратганлиги;
- сиёсий, иқтисодий, шунингдек ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини қамраб олишга қаратилган тузилмаларни яратганлиги;

- вужудга келиш эҳтимоли мавжуд бўлган давлатлараро зиддиятларнинг камайтиришга хизмат қилганлиги кузатилади.

Ташкилот фаолиятини Ал-Файез Муҳаммад Зиёб таҳлил қилиб “Ислом конференцияси ташкилоти ўзининг ўн йиллик фаолияти давомида мусулмон мамлакатларининг халқаро алоқаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатган муҳим воситага айланди. Ташкилотнинг фаолияти исломнинг таъсири ва мусулмон дунёсининг обрўсини оширишга ҳисса қўшди” [14: 14] деб кўрсатган. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганлигига катта вақт бўлмаган бўлсада, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сезиларли сиёсий ютуқларга эришганлиги ва ушбу сиёсий ютуқлар умумжаҳон сиёсий майдонда эътироф этилиб, ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолият доирасида Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига амал қилиб Виктор Луиз келтириб ўтганидек, “инсон хуқуқлари халқаро ислом ташкилотларининг деклара-

цияларида акс этирилиб, уларнинг мусулмон мамлакатлари томонидан тан олинishi ва бу ҳуқуқларни турли маданиятларга, мусулмон дунёсининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилишида акс этади» [15: 3]. Ташкилот дастурий ҳужжатларида Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши ва унинг амалда қўлланиши ҳамда кафолатланиши оид механизмнинг ишлаб чиқилиши маълум бир сиёсий жараёни босиб ўтди. Ислom ҳамкорлик ташкилоти томонидан 1979 йилда “Ислomда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларига оид декларация лойиҳаси”, 1981 йилда “Ислomда инсон ҳуқуқлари ҳужжат лойиҳаси” ва 1990 йилда “Ислomда инсон ҳуқуқлари Қоҳира Декларацияси” қабул қилиниши ташкилотнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига мисол бўлади.

Ислom ҳамкорлик ташкилотининг аъзо давлатлар ҳамжихатлиги, интеграцияси борасида Б.Шакева томонидан қуйидагича фикр билдирган “Ислom ҳамкорлик ташкилоти иқтисодий, маданий ва бошқа масалалар бўйича манфаатдор томонлар ҳамкорлик ўрнатиши мумкин бўлган мулоқот платформаси ҳисобланади” [16: 68]. Ислom ҳамкорлик ташкилотининг ўзига хос жиҳати ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги бирдамликнинг асосий элементи сифатида диний омилга таяниб ташкилот этилган ва фаолият юритадиган ягона ташкилот ҳисобланиб, унда Ислom умумий мезонлар асосида интеграциянинг ягона манбаи ҳисобланади. Ислom ҳамкорлик ташкилоти – давлатлар устидан назоратни эмас, балки мусулмон давлатларининг ҳамкорлик органини вужудга келтирди.

Тадқиқотчилар фикрича, “ИКТ – интеграцияга асосланган махсус бирлашма. Ҳозирги кунда Ислom ҳамкорлик ташкилоти фақатгина иқтисодий ва ижтимоий соҳалардагина эмас балки, халқаро хавфсизлик муаммоларини, турли цивилизациялар ўртасидаги зиддиятларни, шунингдек халқаро микёсдаги кўплаб долзарб масалалар

ни ҳал этишда фаол иштирок этадиган кўп тармоқли интеграциявий ташкилотдир” [17: 5]. Шунингдек, интеграция ижобий ҳодиса бўлиб, бу барча иштирокчи давлатларнинг бир қатор устунликларга эга бўлишга қаратилган жараён эканлигини эътироф этишган.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидагиларни айтишимиз мумкин, Ислom ҳамкорлик ташкилоти нафақат айнан Яқин Шарқ араб давлатлари, балки бутун мусулмон давлатлари ўртасидаги интеграция, иттифоқчилик ва бирдамлик учун асос бўлган халқаро ташкилот ҳисобланади. Фаластин халқининг жабр зулмга учраши, гарчи араб давлатлари ўртасида қарашлар турлича бўлсада, араб национализи ми ёки бошқача айтганда, араб халқларининг миллий ўйғонишига сабаб бўлиб, араб мусулмон бирдамлигини кучайтириб, халқларни, давлатларни ҳамдардлик асосида бирлаштирди. Бу сиёсий жараёнлар мусулмон халқларининг интеграциясига асос бўлиб, давлатларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамдардлик асосида бириктирилиши учун замин яратди.

Ислom ҳамкорлик ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ¼ қисмини ташкил этиши, аҳолиси сони тез ўсиб бораётган, иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларни ўз ичига қамраб олганлиги учун ҳам нуфузи жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган халқаро ташкилотдир. Ислom ҳамкорлик ташкилоти мусулмон давлатларининг халқаро муносабатларга таъсир кўрсатишининг муҳим инструментига айланди ва мусулмон дунёсининг халқаро майдондаги обрўси ортишига хизмат қилди.

Халқаро майдонда Ислom ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар сиёсий интеграциясининг энг муҳим институционал омили сифатида намоён бўлди ва иқтисодий соҳада самарали фаолият олиб бориб, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий, молиявий муносабатлар ривожланишининг институционал асосларини яратди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрдаги Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1227>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислom ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи <http://uza.uz/oz/politics/Ozbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>.
3. Сидорова Е.В. Организация Исламская конференция: потенциал развития и технологии политической деятельности в процессе институционализации нового мирового порядка. Нижний Новгород, 2009.
4. History of Masjid Al Aqsa :The Reason of Conflict. <https://islamhashtag.com/history-of-masjid-al-aqsa-the-reason-of-conflict/>
5. ИХТ Ташқи ишлар вазирларикенгашининг 2011 й 28 июн 38 сессия материали. http://www.fimcivilsociety.org/f/library/OIC_Overview_and_Analysis.pdf.
6. <https://www.oic-oci.org/home/?lan=en>
7. https://www.oic-oci.org/dept/?d_id=17&d_ref=3&lan=en
8. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: ООО «Издательство АСТ», 2003.
9. Shahnaz Akhtar, The Role of the Organization of the Islamic Conference in Political and Economic Cooperation of the Muslim World (1974-1994), Unpublished PHD Thesis Submitted to Bahauddin Zakariya University Multan, 2002.
10. Балашов А. ОИК: Институциональный дизайн и основные направления развития // Научный альманах «Ислам в современном мире» // <http://www.islamrf.ru/news/umma/islamworld/2943/#prim5>.
11. Charter of the Organisation of Islamic Conference (OIC) https://www.oic-oci.org/upload/documents/charter/en/oic_charter_1972_en.pdf
12. Ёвқочев Ш. Жаҳон сиёсатида ислom омили. –Тошкент, 2016.
13. Сидорова Е.В. Организация Исламская конференция: потенциал развития и технологии политической деятельности в процессе институционализации нового мирового порядка. Дисс. ... кан. полит. наук. Нижний Новгород, 2009.
14. ал-Файез Мохаммад Зияб. Роль Организации Исламская Конференция в решении региональных проблем. Автореф. дисс. ... кан. истор. наук. М., 1990.
15. Víctor Luis Gutiérrez Castillo. The Organization of Islamic Cooperation in contemporary international society. Revista Electrónica de Estudios Internacionales. 2014; (27). ISSN: 1697-5197.
16. Шакеева Б. Проблема реформирования ОИС. Казахстан в глобальных процессах. Научное издание. № 3 (41), 2014.
17. Аминуддин Мугмайн Айнуддин. Организация Исламской Конференции (международно-правовой статус). Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 1998.

ИМОМ БУХОРИЙ ВА ФРЕНСИС БЭКОН БИЛИМЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИНING РАЦИОНАЛ ТАЛҚИНИ

Фаррух УСМОНОВ
ТАТУ Самарқанд филиали
кафедра мудири, PhD

Ушбу мақолада Имом Бухорий ва Френсис Бэконнинг илм ва фан таснифи ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Имом Бухорийнинг ҳадис ва илм ҳақидаги қарашлари ҳамда Френсис Бэконнинг илмлар таснифи ҳақидаги қарашлари ёритилган.

Таянч сўзлар: илм ва фан таснифи, билим концепцияси, индукция, эмпирик усул.

This article analyzes the views of Imam al-Bukhari and Francis Bacon regarding the classification of knowledge and sciences. The views of Imam al-Bukhari on hadiths and knowledge, as well as the views of Francis Bacon on the classification of sciences are highlighted.

В данной статье проанализирована взгляды Имама аль-Бухари и Френсис Бэкона относительно классификации знаний и наук. Освещены взгляды Имама аль-Бухари относительно хадисов и знания а также точка зрения Френсис Бэкона относительно классификации наук.

Фан вужудга келибдики, уни ривожланишининг асосий омили рационаллик саналади. Чунки рационалликка таяниб ҳаракат қилиш фаннинг ҳам фалсафанинг ҳам ютуғидир. Инсон ривожланиши, унинг фаолияти асосан фан билан боғлиқ экан, фан рационалликнинг энг юқори босқичи ҳисобланиб, унинг ривожланиши бир томондан техника ва технологияларнинг асоси бўлса, иккинчи томондан жамият илмий-техник тараққиётининг сабабчисидир. Шу билан бирга фанни рационал классификациялаш, яъни тармоқларга бўлиб ўрганиш қулай саналади. Бу борада Имом Бухорий ва Френсис Бэконларнинг фанлар классификацияси назар ташлаймиз.

Мусулмон фалсафасида билимга бўлган муносабат Юнон-Рим фалсафасидагидан фарқли ўлароқ аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги ва собитқадамлиги билан ажралиб туради. Ф.Роузенталнинг таъкидлашича: "... исломгача араблар маданиятида шаклланган билим концепциясининг мазмуни динга нисбатан шубҳалардан холис эди ва янги диний (яъни исломий) ҳаракатда муҳим аҳамият касб этишга тайёр бўлган" [1: 40]. Шу билан бирга бу тадқиқотчи исломда билим концепциясининг шаклланишига ташқи (масалан, христианлик таълимотидаги гностик қарашлар) омилар таъсир қилганини рад этмас-да, буни исботловчи далиллар ҳали топилмаган ва у ҳозирда фақат илмий фараз эканлигини таъкидлайди [1: 45]. Ислом маданиятида мусулмон илоҳиётчилари (ҳадисшунослар, мутакаллимлар) "билим" тушунчасига тўғри келувчи таъриф излаш ишига катта ҳисса қўшганлар. Ҳар бир илоҳиётга доир китоб "илм" таърифини муҳокама этувчи "Билим китоби" деб номланган қисмга эга бўлган. Бу анъанани Ф.Роузентал фикрича, Исмоил Бухорий (810-870) бошлаб берган. Имом Бухорийнинг "Билим китоби" "олий таълим методикасига" бағишланган, яъни унинг даврида "билим" методологиясини муҳокама қилиш ҳадисшуносликнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Кейинчалик ҳадисшуносликда, каломда "билим" муаммосини муҳокама қилиш яна бир муҳим мақсадга – билимнинг ҳақиқий динга доир имон билан боғлиқлигини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Демак ҳадисшуносликда билим ҳам назария, ҳам амалиётнинг калити ҳисобланган.

Имом Бухорий ўзининг ҳадисларини 1080 муҳаддисдан ёзиб, "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" асарини 16 йил давомида 600 000 ҳадислар орасидан энг саҳиҳларини ажратиб ёзиб тугатган ҳамда 7275 тасини "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" китобига киритган. Шу билан бирга Имом Бухорийнинг "Ат-Тарих ал-кабир", "Ат-Тарих ас-сағир", "Аз-Зуафо ас-сағир" ("Заиф ҳадислар ҳақида кичик китоб"), "Ал-Куно" ("Ровийларнинг кунялари"), "Ал-адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари"), "Аз-зуафо ал-кабир" ("Заиф ҳадислар ҳақида катта китоб"), "Ат-Тафсир ал-кабир" ("Катта тафсир"), "Бирр ул-волидайн" ("Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида"), "Ал-жомеъ ал-кабир", "Ал-Муснад ал-кабир", "Асоми ас-саҳоба" ("Саҳобаларнинг исмлари"), "Китоб ал-ҳиба" (Ҳадялар китоби), "Китоб ал-Илал" ("Иллатли ҳадислар китоби"), "Китоб ал-фавоид" ("Фойдалар ҳақида"), "Қазоё ас-саҳобати ва-т-тобиъийн" ("Саҳоба ва тобиъийнларнинг қозилик ҳукмлари"), "Холқу афъалул-ибод" ("Обидларнинг феъллари халқ қилингани") [2: 65-66] каби асарлари мавжуд.

Имом Бухорий ўз даврининг фанларидан келиб чиқиб билимларни классификация қилади. Алломанинг "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" китобида саҳиҳ ҳадислар тўпланган бўлиб, унда "Иймон", "Таҳорат", "Намоз", "Закот", "Ҳаж", "Никоҳ", "Талоқ", "Савдо-сотик китоби", "Ичимликлар", "Ваколат китоби", "Ҳадялар", "Гувоҳлик китоби", "Васият китоби", "Дастлабки яратиш" (Оламнинг пайдо бўлиши), "Жиход", "Малоикалар ҳақида" каби ҳадислар классификациялаштирилганлигини кўриш мумкин. Шу қаторда "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" асарида табиатшунослик илмлари, вақф мулклари (ҳуқуқшунослик), эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари алоҳида туркумланиб келтирилган. Шу билан бирга, "Билим китоби" номли асарида ҳадисларни йигирма уч қисмга бўлиб таҳлил қилиб беради [1: 91-95], ҳамда ҳадисларни "саҳиҳ" ва "ғайри саҳиҳ" [3: 37] ларга ажратган.

"Ал-адаб ал-муфрад" асарида Имом Бухорий инсон ахлоқи, одоби, маънавий камолотига доир ҳадисларни турли мавзулар бўйича тасниф қилган. "Адаб дурдоналари" асарининг илк бобларида эса ота-она олдида фарзандлик бурчлари, ота-онанинг розилигини олиш, уларнинг ҳақини адо қилиш, қариндош-уруғчилик ришталари таснифлаб берилган.

Фан тарихида фанларнинг дастлабки муайян даражада изчил таснифини Аристотель таклиф қилган. У ўша даврда фалсафага мос келган барча билимларни уч қисмга: назарий, амалий ва ижодий билимларга ажратган. Шундан сўнг Ғарб фалсафасида биринчилардан бўлиб Янги давр файласуфи Френсис Бэкон (1591-1626) биринчи навбатда фан тарихи, давр тақозо этаётган фанга ўз муносабатини билдиришга жазм қилади. Унинг фикрича, фаннинг олий мақсади – табиат устидан ҳукмронлик қилиш ва инсон ҳаётини такомиллаштириб бориш. Инсоннинг нарсалар устидан ҳукмронлиги санъат ва фанлар орқали амалга ошади. Лекин инсон табиатга бўйсунмасдан туриб, унга ҳукмронлик қила олмайди. Инсоннинг билими ва куч-қудрати бир-бирига мос келади. Воқеликнинг сир-асрорини билмаган ҳолда комил ишончни ҳосил қилиш мумкин эмас. Бунинг учун эса ҳодисаларнинг асл сабабларини билиб

олмоқ лозим бўлади, чунки сабабларни билмаслик ҳақиқий фаолликка путур етказди ва уни қийинлаштиради [4: 235]. Френсис Бэкон фалсафанинг асосий масаласи билишнинг янги илмий услубини яратишда деб айтади. Унинг фикрича, илмий билишнинг мақсади – инсониятга фойда келтиришдир. Бэкон томонидан қўлланган индуктив усул кузатиш, анализ қилиш, таққослаш ва экспериментга асосланади.

Индукция умумлаштириш жараёнидир. Индукция сезгидан, алоҳида далиллардан қадам-бақадам кўтарилиб, сакрашларсиз умумий ҳолатларга етиб боради. У қуйидагилардан иборат:

- 1) Омилларни кузатиш.
- 2) Уларни тартибга солиш ва ажратиш.
- 3) Кераксиз далиллардан ҳоли қилиш.
- 4) Асосий қисмдаги ҳолатларни аниқлаш.
- 5) Тажриба асосида далилларни аниқлаш.
- 6) Уни умумлаштириш [5: 233].

Френсис Бэконнинг таъкидлашича, фаннинг ҳақиқий мақсади кишилар ҳаёти ва амалиёти учун фойда келтириш бўлишига қарамасдан, аввалги илм-фан равнақига кенг йўл очиб берадиган, келажакда улкан ютуқлар, самаралар бера оладиган ҳамда уларни таъминлай оладиган кузатув-тажрибаларни амалга ошириш лозим. Кузатув ва тажрибанинг қудратли кучига таянган фан тадқиқотнинг янги уфқларини, истиқбалларини белгилаб беришга қодир бўлади [4: 236].

Файласуфнинг фикрича, фан билан машғул бўлган кишилар кўп ҳолларда эмпириклар ёки ақлпарастлар бўлганлар. Эмпириклар чумолига хос тарзда кўрганларини йиққанлар, шу билан қониқиш ҳосил қилганлар. Ақлпарастлар эса ўргамчиларга ўхшаб, ўзларидан мато ишлаб чиқарадилар. Бэкон эса ўзини асаларига ўхшатади. Асалари, аксинча, ўртача усулни танлайди: у боғ ва дала гулларидан ашё йиғиб келтиради, уни ўзининг қобилияти ва мавжуд имкониятидан келиб чиққан ҳолда тақсимлайди ва ўзгартиради [4: 239]. Илмий тадқиқотларнинг типлари тўғрисида Френсис Бэкон фанда ўз-ўзича фойда келтирмайдиган, лекин «сабаблар ва аксиомалар»ни билишга кўмаклашадиган тажрибалар ҳамда фойдали кашфиётлар ва ихтироларга элтадиган тажрибалар бор, деб таъкидлаган. Янги даврдан бошлаб, фан ўзининг биринчи тоифадаги тажрибалари иккинчи тоифадаги тажрибаларга йўл очишига қараб тобора кўпроқ мўлжал олади.

Френсис Бэкон биринчилар қаторида билиш билан сезгининг алоқадорлик масаласини қўяди. Аммо бу муаммони метафизик сифатида ҳал эта олмайди. У билишда назарий фикрлашнинг родини тўғри баҳолай олмайди.

Эмпирик усулдан Френсис Бэкон инсоннинг билиш (хотира, тасаввур ва фикрлаш) қобилиятидаги фарқларига асосланган ҳолда фаннинг таснифлаш тизимини ишлаб чиқади [6: 165]. У ўзининг «Фанлар фазилати ва уларни ўстириш ҳақида» [7] деб номланган машҳур асарига илмий билимларнинг кенг манзарасини яратган, фанлар оиласига поэзияни ҳам киритган. Поэзияга асосланган тасаввур, ҳақиқий фуқаролик тарихи ва замирида ётади. Френсис Бэкон поэзияга борлиқни у қандай бўлса, шундай эмас, балки инсоннинг онги ва ҳиссиётларига қараб тасвирлаш воситаси сифатида ёндашади. Тарих фан ҳисобланади, чунки у амалда юз берган айрим фактлар ва воқеаларни тавсифлашга даъвогардир. Френсис Бэкон унга «табиий» деган сифатни тиркайди. Фуқаровий тарих инсон борлиғи ҳодисаларини тавсифлаши лозим. Фалсафа умумий билиш бўлиб, у ҳам бир неча предметларга бўлинади. Фалсафа табиатшунослик ва математика эса фикрлашга таянади. Шу билан бирга Бэкон фанларни қуйидагича таснифлайди:

- Худо ҳақидаги фанлар;
- Табиат ҳақидаги фанлари;
- Инсон ҳақидаги фанлар.

Файласуфнинг фикрича, бу фанларни инсонлар фалсафий нуқтаи назардан турлича тушунишади. Жумладан, табиат ҳақидаги фанлар бевосита ҳиссиёт ва тажрибага таянса, Худо ҳақидаги фанларни табиат орқали, инсон ҳақидаги фанларни эса рефлексия орқали тушуниш мумкинлигини таъкидлайди.

Табиат ҳақидаги фанларда билишнинг бирдан-бир тўғри йўли Френсис Бэконнинг фикрича, тажриба ва таҳлилдир. Яъни, хусусий далиллардан умумий назариялар томон йўналиш, мавжуд барча нарса ва ҳодисаларга илмий услубда ёндашиш ғоясини илгари сурди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, одамларнинг илмий ва амалий фаолияти натижалари нафақат ким ҳаракат қилаётганлиги ёки билиш фаолияти нимага йўналтирилганлигига эмас, балки билиш жараёнининг ўзи қандай усуллар, йўллар ва воситалар орқали амалга оширилишига ҳам боғлиқдир. Илмий билиш методи муаммоси Янги даврдан бошлаб фалсафий ва илмий тафаккур диққат марказига айланди. Машҳур файласуф ва мутафаккир Френсис Бэкон методни қоронғиликда йўловчининг йўлини ёритувчи шамчирокқа қиёслади, унингча сохта йўлдан бориб қандайдир масалани ўрганишда муваффақиятга эришишга умид қилиш мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёда билимлар классификациясини Имом Бухорий биринчилардан бўлиб амалга оширган бўлса, Ғарбда Френсис Бэкон фанлар классификациясини амалга оширган. Алломаларнинг фанлар ва билимлар классификациялари ўртасидаги асосий фарқ Имом Бухорийда аниқ йўналишлар бўйича таснифланган бўлса, Френсис Бэконда фанлар умумлаштирилган йўналишларда таснифланган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука, 1978.
2. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ., 2004.
3. Буюк аждодларимиз. Масъул муҳаррирлар: А.Аминов, Ф.Ҳасанов. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010.
4. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. –Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти., 2004.
5. Ғарб фалсафаси. –Т.; Шарқ., 2004.
6. Бэкон Фрэнсис. Соч., в 2-х т. Т. 1. –М., 1971.
7. Бэкон Фрэнсис. Новый органон // Сочинения: В 2-х т. –М., 1978. Т. 2.

МИССИОНЕРЛИКНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ОМИЛЛАРИ

Мансур МУСАЕВ

Республика Маънавият ва маърифат
маркази масъул ходими, сиёсий
фанлар бўйича фалсафа доктори

Мазкур мақолада миссионерликнинг глобаллашув омиллари ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада глобаллашув шароитида тобора янгича қиёфада намоён бўлаётган миссионерлик оқибатида миллат, маданият ва қадриятларни рад этувчи ғояни тарғиб этиш борасидаги фикрлар ёритилган.

Таянч сўзлар: миссионерлик, глобаллашув, дин, мафкура, тараққиёт, минтақа, ҳарбий, маданий, ҳамкорлик, протестантизм.

Бугунги кунда глобаллашув ғояси муаллифлари фаолиятида дин бехато ташланаётган қадам ҳисобланади. Хусусан, дунёда фан ва техника тараққиётига нисбатан дин шахсий ва оммавий ҳаётда анча кўзга ташланувчан кучга айланмоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашувида дин орқали таъсир кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа, глобаллашувнинг авж олиши дунё миқёсида умумлашган ғояларни илгари сураётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Бинобарин, глобаллашувнинг мазкур ҳолати, давлат миқёсида миллат, маданият ва қадриятларни рад этувчи ғояни тарғиб этмоқда. Бу ҳақда, Германиянинг Мюнхен Университети социолог профессори Ульрих Бек: “глобаллашув энг аввало миллатсизланиш, миллий давлат қарашларини йўқолиши ва тушунарсиз транс-миллий ҳаёт шаклидир” [1], – дея таъкидлаган эди. Айнан, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви оқибатида анъанавий динларнинг заифлашуви, ноанъанавий динларнинг эса кучайишига хизмат қилаётганлиги кузатилмоқда. Агар глобаллашув иқтисодий моддий таянчга маблағ сарфлашга, маданий-маънавий меросга таянмаса диний томондан ривожланиш йўлига эга бўла олмаслиги намоён бўлмоқда. Миссионерлик ҳаракатининг тарғиботчилари диний ақидапарастлардан фарқли ўларок ўз сафларига янгиликка интилувчи ва келажакни кўзлаётган ёшларни, айрим аламзада зиёлиларни, муҳолифатчиликка мойил кимсаларни ва ғарбпараст аёлларни тортишга интилади [2: 11]. Шу тариқа, миссионерлик томонидан йўналтирилаётган катта молиявий маблағлари гўёки, “беғараз” ёрдам кўрсатиш баҳонасида дунё миқёсидаги иқтисодий барқарорликка раҳна солмоқда. Натижада, миссионерлик глобал миқёсда инсон қалби ва онгини ҳамда тафаккурини тарғиботчилари бузғунчи мафкура сифатида намоён бўлаётганлиги ташвишлидир. Айниқса, “беғараз” иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали миссионерлик замирида Ғарбча дунёқараш ва турмуш тарзи кенг тарғиб этила бошланди. Шундай қилиб ғарбда раҳномалик қилувчи ва глобаллашув ҳаракатида қатнашувчи оқимни ғарб экспертлари протестантизм деб атайдди. Дунё миқёсида иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан гегмон давлатлар томонидан Ғарбнинг бошқа халқларга нисбатан устунлиги ғояси илгари сурилди. Хусусан, глобаллашув шароитида тобора янгича қиёфада намоён бўлаётган миссионерлик оқибатида давлат миқёсида миллат, маданият ва қадриятларни рад этувчи ғояни тарғиб этаётганлиги ташвишлидир. Бугунги кунга келиб ҳам христиан, айниқса, протестант конфессиялари миссионерлик фаолиятида етакчилик қилмоқда. 1970 йилда христианларнинг 2200 хорижий миссияларида 240000 профессионал миссионер фаолият юртидан бўлса, 2000 йилда 4800 та хорижий миссияда 420000 миссионер маҳаллий аҳоли ичида тарғибот ўтказиб келган” [4: 110-111]. Хусусан, протестант жамоалари миссионерлик фаолиятини амалга оширишда бир қатор усул ва

This article analyzes the views on the factors of missionary globalization. The article also sets out opinions for promoting an idea that rejects nationality, culture and values as a result of missionary work, which is becoming more and more new in the context of globalization.

В данной статье анализируются взгляды на факторы миссионерской глобализации. В статье также изложены мнение для продвижения идеи, которая отвергает национальность, культуру и ценности в результате миссионерства, которое становится все более новым в контексте глобализации.

услуглардан фойдаланишмоқда.

Глобаллашув шароитида протестант йўналишидаги миссионерлик ҳаракатлари иқтисодий “ёрдам” кўрсатиш орқали диний томондан ривожланишни ўзининг стартегик мақсади эканлигини намоён этмоқда. 1970 йилда хорижий миссияларнинг фаолиятига 3 миллиард АҚШ доллари сарфланиб, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 12 миллиардга етган. Етакчи миссионерлик марказлари қаторида “Миссиялар ва бутужаҳон христианлик мактаби” (Бирмингем), “Генри Мартин маркази” (Кембридж, Буюк Британия), “Григорийан ва Урбаниан университетлари” (Ватикан), “Хорижий миссияларни ўрганиш маркази”ни (Нью-Хейвен АҚШ) қайд этиш мумкин” [5]. Бугунги кунда глобаллашувнинг тобора авж олиши аксарият миссионерлик ташкилотларини дунё миқёсида ўзининг янги лойиҳаларини амалга ошириш имкон бермоқда. Айниқса, миссионерликни дунё миқёсида ёйиш учун техник имкониятлар пайдо бўлди. Ғарбнинг евангелистик секталарининг фаолияти баъзи тадқиқотчиларга “параллел глобаллашув” – сектавий қадриятлар мажмуаси бўлган янги глобаллашув лойиҳаси ҳақида гапиришга имкон беради [6]. Натижада, протестантизмнинг эшилувчанлиги протестантлик қарашлари, бозор иқтисодиёти доирасига таъсир этиш имкониятини беради. Айнан, протестант миссионерлари томонидан муайян минтақа ва ҳудудда “иқтисодий” ёрдам кўрсатиш орқали протестантликни қабул қилиш аксарият ҳолатларда иқтисодий жиҳатдан юқори натижага эришувини илгари суришмоқда. Шу тариқа аксарият миссионерлик ташкилотлари стратегиясида гўёки, айнан протестантликни қабул қилиниши иқтисодий тикланишга замин яратади деган ғояни сингдиришга интилиш намоён бўлмоқда.

Дунёдаги барча халқлар гўёки, Ғарбнинг дини, маъданияти, маърифати, урф-одатлари ва турмуш тарзидан ўрناق олиши лозим, деган ақида миссионерлик тарафдорларининг асосий ғоясига айланди. Натижада, айрим давлатлар иқтисодий ёрдам туфайли протестантликни қабул қилиши гегмон давлатларнинг таъсирига тушишга замин яратмоқда. Бу ҳақда АҚШнинг Техас давлат университети профессори Дж. Гэлбрейт томонидан билдирилган фикрларда ҳам мазкур ҳолатлар ўз тасдиғини топаётганлигини англаш қийин эмас. Дж. Гэлбрейт бу маълумотларга ўзининг қуйидаги муносабатларини билдиради: “Осиё ва Океания давлатлари шундай даврларни бошидан кечирдики улар АҚШ савдо-иқтисодий таъсирига тушиб қолди” [7], – дея таъкидлаб ўтади. Бинобарин, протестант миссионерлиги замирида унинг асосий мақсади муайян минтақа ва ҳудудларда динни тарғиб этиш эмас, балки геосиёсий жиҳатдан стратегик мақсадларни ўзида акс эттираётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг 90 йилларида жаҳон миқёсида нефт қувурлари маршрутига эгалик қилиш учун ку-

раш бошланган эди. Шундай қилиб “Вашингтонского консенсуси”нинг Москва концепцияси билан бир вақтда қабул қилиниши бу ерда ҳеч қандай тасодиф бўлмадлиги мумкинлигини тасдиқлайди. Ваҳоланки, протестантлик ғояларини Собик СССРнинг нефть етказиб берувчи ҳудудларида пайдо бўлиши ҳам қутулмаган нарса эмас. Бу давлатларнинг ўз таъсир доирасига олишга бўлган ҳаракатлар черков ва давлат ҳамкорлигига айланганлигига ишора қилади. Натижада, протестантлик ғоялари глобаллашув шароитида юқори даражада ўрин эгаллаши оқибатида у диний докторина сифатида эмас, гўёки, янги дунёда тартиб ўрнатиш ҳаракатида воситачилик кўринишини ўзида намоён этмоқда. Бугунги кунда миссионерлик пухта ўйланган режалар асосида, гўёки ўз фаолиятини амалга оширишда Аллоҳ ва диндан ниқоб сифатида фойдаланаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Хусусан, тажрибали миссионерлар турли тоифадаги инсонлар орасида ўзларини ўта хушёр тутишга алоҳида эътибор қаратишади. Айниқса, муайян минтақа ва ҳудудда вужудга келган иқтисодий ночорликдан “унумли” фойдаланиш орқали ўзларига ишонувчиларни ўзларининг сохта динларига ўтказиш, муҳим аҳамият касб этади. Миссионерлик ташкилотлари иқтисодий ночор вазиятлар вақтида “беғараз” ёрдам бериш ниқоби остида ўзга мамлакатларга суқулиб киришга интилишади. Айниқса, Вашингтон ахборот агентлиги томонидан тарқатилган хабарга кўра, МРБ ноҳуя ҳаракатларга йўл очиб берувчи миссионерлик ташкилотларига денгиз орти мамлакатлари бўйлаб махфий ишларни олиб боришга рухсат берганлиги ҳақида маълумот берган эди. 2001 йилда бўлиб ўтган VI жаҳон Рус халқи курултойида “ноанъанавий диний ташкилотлар томонидан дунё миқёсида диний эркинликни чеклашга ҳаракат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур курултойда дунёнинг барча халқлари учун бир хилга асосланган диний қарашлар тўғри келмаслигини ва ушбу ҳолатлар диний барқарорликка жиддий таҳдид солиши кўрсатиб ўтилган” [8]. Айниқса, миссионерликни фаол тарзда амалга ошираётган секталарнинг мазкур ғоялари аксарият минтақа ва ҳудуд аҳолиси манфаатлари ёки дунёқарашларига мутлақо зид бўлиб, жамият ҳаётида ғоявий парокандаликка замин яратмоқда. Тажрибалар кўрсатиб турганидек, айрим стратегик марказлар, кучлар томонидан тарғиб қилинаётган мазкур мафкуравий “дастур”ларнинг қўлланилаётганлиги натижасида ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатлари ўртасида глобал сиёсий ва социал тенгсизлик ҳолати янада кучаймоқда [9: 36]. Зеро, бу шуни англатадики, дунёвий глобаллашув жараёни билан бир қаторда давлат чегаралари ва маданий тафовутларнинг бекор қилиниши, дунёда ягона иқтисодий макон, секталараро трансмиллий теократик империялар вужудга келтирмоқда. Глобаллашув шароитида дунёдаги геосиёсий кучлар мувозанатининг тобора ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” этиш орқали дунёга ҳукмронлик учун очикдан-очик даъвогарлик қилиши афсуски, ҳеч кимга сир эмас. Шу тариқа, дунё миқёсида ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, бозорнинг шафқатсиз рақобати, иқтисодий инқироз туфайли омманинг диний психологиясини ўзгартирмоқда. Айнан, миссионерликнинг фаол тарғибот ва ташвиқоти орқали олдин мавжуд бўлмаган кўплаб ноанъанавий диний жамоаларни вужудга келтирмоқда. Айниқса, миссионерликнинг кучайиши жаҳон миқёсида глобал ижтимоий-иқтисодий инқироз даврида давлатларни бир тузумдан иккинчисига ўтиш шароитида авж олмақда. Натижада, дунё миқёсида миссионерликнинг кенг қўламдаги фаолияти миссионерлик ташкилотларини кенгайтиришга замин яратмоқда. Мазкур ҳаракатга халқаро миқёсида ҳомийлик қилаётган сиёсий марказлар, молиявий доиралар, алоҳида шахсларнинг до-

имий эътиборда эканлиги миссионерликка нисбатан жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Айниқса, “айрим” сиёсий марказлар кўмаги остида “беғараз” молиявий ёрдам кўрсатиш ва турли хайрия жамғармалари ниқоби остида кўллаб-қувватлаш масалани бу борада жиддий эканлигини тақозо этади.

Глобаллашув шароитида миссионерлик стратегиясининг шиори бутун дунё миқёсида миссионерлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини намоён этмоқда. Натижада, миссионерлик тарғиботлар орқали муайян минтақа ва ҳудуд аҳолиси онги ва дунёқарашида “ўзгача” диний таълимотлар вужудга келмоқда. Айнан, глобаллашув шиддатининг дунё миқёсида тобора авж олиши ижтимоий ҳаётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

2001 йилда бўлиб ўтган Россия проваслав черкови комиссияси пленумида Алипий Кастальский томонидан глобаллашув шароитида янги диний ҳаракатларнинг вужудга келиши тўғрисида билдирган фикрига эътибор қаратиш лозим. Бу ҳақда Алипий Кастальский: “Глобаллашув бу антихристианлик янги дунё тартибларига асосланган бўлиб, биргина бошлиқ миллат томонидан бошқарилади у парчаланган давлатлардан ташкил топган битта дин бир хил маданиятлардан биттаси сиёсий ва иқтисодий ҳудудни назарида тутиш керак” [10], – деган фикрни илгари суради. Зеро, глобал миқёсида молиявий-иқтисодий “ёрдам” кўрсатишга интилаётган миссионерликнинг “саъй-ҳаракатлари” оқибатида илгари сурилаётган ғоялар аслида иқтисодий моҳиятга кўра, кўпроқ мафкуравий тазйиқ ўтказиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашув воситаси сифатида намоён бўлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Бинобарин, глобаллашувнинг шиддатли тус олиши бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеликка теранроқ назар қаратишни тақозо этмоқда. Хусусан, миссионерлик ҳаракатларини фаоллашуви айнан, геосиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, табиий захираларга бой минтақа ва ҳудудлар миқёсида авж олаётганлиги намоён бўлмоқда. Натижада, глобал миқёсида фаолият кўрсатишга интилаётган миссионерлик ҳаракати оқибатида мазкур ҳаракат давом этаётган ҳудудда анча мураккаб кўринишдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келтириб чиқишига сабаб бўлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Миссионерлар муайян ҳудудда ўз фаолиятини йўлга қўйишда муҳим районларни белгилаб оладилар. Глобал даражада миссионерлик лойиҳаларида алоҳида мамлакат ёки минтақа эътиборга олинади” [4: 111]. Натижада, айрим мамлакатларда давлат бошқарувида мана шундай “ўйинлар”нинг гирдобига тушмоқда. Мутахассислар бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан туриб зўр бериб илгари суришга ҳаракат қилинаётган “тизимий қайта қуриш” ғоясини усталик билан ниқобланган мафкуравий стратегия сифатида баҳоламоқда [9: 39]. Ўз навбатида, мазкур ҳолат, бундай давлатларда ҳокимият бошқаруви ноаниқ кучлар қўлига ўтиб кетиш хавфи намоён бўлмоқда. Зеро, глобал тарзда тобора кучаётган миссионерлик ҳаракатлари оқибатида миллатчилик, айирмачилик, антисемитизм, империяпарастлик, евроцентризм ғояларининг ижтимоий намоён бўлаётганлиги сиёсий ҳаётини издан чиқараётганлиги ташвишлидир. Бу ҳада Рус тадқиқотиси файласуф И.И. Беляев: “глобаллашувнинг шиддатли тус олиши ўз навбатида кейинги мамлакатларга нисбатан геноцид қуроли бўлиб хизмат қилаётганлиги кўрсатади” [11], – дея алоҳида таъкидлаб ўтади. Зеро, дунё миқёсида диннинг глобаллашуви анъанавий конфессиялар билан бирга ноанъанавий конфессиялар ўртасидаги рақобатни тобора кучаётганлигини кўрсатмоқда.

Таъриба шуни кўрсатадики, миссионерлик таъсирига

тушган инсон ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан жиддий зарарлар гирдобига гирифтор бўлиши натижасида оилалар барбод бўлаётир. Натижада, миссионерлик оқибатида инсон соғлигига путур етиб, пул ва мол-мулкдан ажралиши ҳолатлари намоён бўлмоқда. Миссионерлик ташкилотларининг ўз аъзоларига нисбатан психологик усулларининг қўлланиши адептларга зарар етказишини англаш лозим. Ўз навбатида, уларни ақлий қийинчиликларни тушуниш учун эмас, балки мустақил соғлом фикрлашни бартараф этиш мақсадида қўлланади. Айниқса, миссионерлар ўз аъзоларига оммавий учрашуларда тантанали ваъда бериш орқали ўз аъзоларидан садоқат тўғрисидаги аризаларига имзо чекишни талаб этишади. Натижада, миссионерликнинг оммавий баёноти тарафдорларнинг ташкилотга садоқатини кучайтириб, ташкилотдан кетишга интилаётган аъзоларни ишончсиз инсонлар сифатида кўринишга мажбур қилишади. Айнан, мазкур омиллар миссионерлик тарафдорлари томонидан инсонларни ташкилотга аъзо қилишда энг аввало, уларни маънавиятига таъсир кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, миссионерлик тарафдорлари ҳали онги шакланмаган, миссионерлик тўғрисида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлмаган инсонларни онги ва қалбини забт этиш орқали уларни ўз тузоғига илингиришда мохирлик билан ёндашади.

Шунингдек, ташкилотдан кетишга интилаётган аъзоларга доимий равишда таҳдид қилиш орқали “агар сен кетсанг, ҳаётинг чилпарчин бўлади” ёки “қалбинг қийма-қийма бўлади”, “сен дўзахга тушасан” ёки “қариндошларинг ташвиш чекади” ёки “ҳаётинг хавф остида қолади”, дея таъкидлашади. Натижада, тарафдорлар миссионерлик ташкилотини ташлаб кетишга қўрқишади. Мазкур ҳолатни Уитнесс Лининг маҳаллий черкови томонидан ташкилотни ташлаб кетишга ҳаракат қилаётган аъзоларига нисбатан қўлланилган услубларда кўриш мумкин. Айниқса, ташкилот аъзоларини черковни тарк этиши гўёки, уларнинг ҳаётида даҳшатли воқеалар рўй беришига сабаб бўлишини айтиб таҳдид солишади [12: 76-77]. Ўз навбатида, секта таълимотига эътибор қаратилса, у инсонни илохийлаштириш натижасида христианликдан анча йироқда эканлигини англашилади. Шу ўринда, миссионерлик ташкилотлари ўз аъзоларига ушбу таҳдидлардан халос бўлиш ва уни бартараф этиш мақсадида ташкилот учун кўпроқ моддий маблағлар бериш зарурлигини таъкидлашади. Шу тариқа, миссионерлик ташкилотлари тўғрисида қилинаётган шубҳалар ташкилотни эмас, балки, шубҳаланувчи аъзоларнинг камчиликларини акс эттиради, деган тасаввурни мустаҳкамлашга эътибор қаратишади. Шу орқали миссионерлик ташкилотлари ўз аъзоларини доимо бўйсундириш ва назоратда ушлаб туриш мақсадида турли хил услубларни қўллаб таҳдид қилишади. Натижада, мис-

сионерлик тузоғига тушган инсонлар қалби ва онги ҳамда дунёқаришида салбий ўзгаришлар вужудга кела бошлайди. Мазкур ҳолат, муайян минтақа ва мамлакат фуқаролари орасида ўзининг азалдан шакланган қадриятлари, маданияти, маънавиятига нисбатан раҳна солишга замин яратмоқда. Шу тариқа, миссионерлик тарғиботи оқибатида дунёда миллий, ирқий, диний адоватлар тобора кучаймоқда. Ўз навбатида, миссионерлар ўз динини бошқа дин вакиллари орасида кенг миқёсида тарғиб этишга бўлган ҳаракатлар тобора кучаймоқда. Айнан, миссионерлик замирида айрим мамлакатларни диний ихтилофлар асосида парокандалик гирдоби сари етаклаш орқали фақат сиёсий мақсадлар кўзланган бўлиб, ғаразли ниятлар борлигини англаш лозим. Айниқса, маданий-маънавий қадриятларига нисбатан мафкуравий босим ўтказиш орқали халқ ва миллатни ўзлигини англашга тўсқинлик қилишни намоён этмоқда. Миссионерлик ҳаракатлари оқибатида халқнинг маънавияти ва маданиятига таъсир ўтказиш орқали миллий ўзликни англашда салбий омил вазифасини ўтамоқда. Шу тариқа, муайян минтақа ва мамлакатни доимий низо майдонига айлан-тириш орқали уни бартараф этишда ўзларига тобе қилишни кўзлаётганлигини англаш лозим.

Бугунги кунда миссионерликни олдини олиш мақсадида энг аввало, пухта ишланган маънавий-маърифий ғоявий тарғибот ва ташвиқот ҳамда ҳуқуқий механизмни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу борада юртимизда мазкур ҳаракатларни олдини олишда аҳоли ўртасида кенг қўламли аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий, ҳуқуқий ишларнинг самарадорлигини ташкил қилиш ва ўтказишни тақозо этмоқда. Айнан, глобаллашув шароитининг тобора авж олиши бугунги ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида мазкур иллатнинг намоён бўлаётганлиги ташвишлидир. Айниқса, дунё миқёсида миссионерликни намоён бўлаётгани тинчлик ва барқарорликка жиддий таҳдид туғдираётгани бу ҳақда теран фикрлашга тақозо этади. Зеро, миссионерлик таҳдидлари тинчлик, барқарорлик, хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган жиддий хавфлигини англаган ҳолда уни унутишга мутлақо ҳақимиз йўқ эканлигини англашимиз лозим. Бинобарин, миссионерлик таҳдидларини олдини олиш орқали юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкинки, миссионерлик глобаллашув шароитида ушбу ҳаракатлари оқибатида дунё миқёсида миллий, диний адоватларни қўзғатувчи ҳаракат сифатида динлараро зиддиятларни келтириб чиқариш, тинч ва осуда ҳаётга таҳдид солиш орқали нафақат жамиятда балки мамлакат миқёсида сепаратизмни келтириб чиқаришга интилаётганлигини бугунги кун, бугунги давр биздан жиддий фикрлашни талаб этмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ульрих Бек. Что такое глобализация? <http://www.old.kspu.ru/ffec/philos/chrest/g18/bek.html>.
2. Куронов М. Ниқоб ортига бир нигоҳ. –Т., Маънавият. 2018.
3. Ричард Джон Нейхауз. Бизнес и Евангелие. – http://www.krotov.info/libr_min/n/neretina/neuh_02.html.
4. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент ислом университети нашриёт матбаа босмаҳонаси. Т–2014.
5. Широков С. Миссионерства как вызов времени// Христианство на пороге нового тысячелетия. Тезис. докл. конф. 20-22 июня 2000г., –Москва. Сайт «Кликово.ru». URL <http://www.old.kspu.ru/ffec/philos/chrest/g18/bek.html>. [klikovo.ru/db/msg/8663](http://www.klikovo.ru/db/msg/8663)
6. Эн Ли (Ann Lee, 1736-1784), является основательницей Объединённого общества верующих во Второе Пришествие Христа, называвшегося в народе сектой шейкеров (трясунов). С точки зрения сектантов, тряска и дрожь во время собраний были при-

знаками духовного очищения верующих.

7. Джеймс Гэлбрейт. Интервью. <http://rusref.narod.ru/gelbreit.htm>.
8. Митрополит Смоленский и Калининградский Кирилл. Выступление на VI Всемирном русском народном соборе 2001 г. – <http://www.evrazia.org/modules.php?name=News&file=article&sid=642>.
9. Назаров А.Н. Глобаллашув шароитида барқарор сиёсий тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш муаммолари. ЎзМУ хабарлари. №1/1 2016 йил.
10. Архимандрит Алипий Кастальский-Бороздин. Глобализация как инструмент апостасии. Доклад на VII пленуме Синодальной богословской комиссии Русской православной церкви (2001 г.) – <http://www.zavet.ru/inn-alip.htm>.
11. Беляев М.И. Концепция русского национального государства. –М: 2006.
12. Бутенко О.Н. Экклезиология секты “Местная церковь”: Дипломная работа. Рукопись. –М. 2001.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ХАВФИ

Светлана СУЛТОНОВА
СамДҶТИ
катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада терроризмнинг асосий хусусиятлари ижтимоий фалсафий таҳлил этилган бўлиб, ушбу салбий иллатга қарши курашиш учун шахс ўзини ривожлантиришнинг шахсий моделини яратиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: террор, терроризм, глобаллашув, ижтимоий хавф, криминоген, оммавий, экстремизм.

In this article provides the sociological philosophical analysis of the main features of terrorism, in order to combat against failing negative it is important creating a personal model of self-development.

В статье анализируются основные черты терроризма как социально- философского и подчеркивается важность создания персональной модели саморазвития для борьбы с этим злом.

“Терроризм ҳаракатлари инсоният тарихида янгилик эмас. У ҳамма вақт инсоннинг ҳаётига таҳлика ва таҳдид солиб, турли ғаразли мақсадларнинг, ғоялар ва хоҳиш ва иродаларнинг тимсоли сифатида яшайди”[1: 90].

Шахс ривожининг ҳозирги босқичида терроризмнинг хавфи тобора халқаро миқёсдаги воқеликка айланиб бораётгани дунё ҳамжамиятининг мазкур муаммога бўлган эътиборини янада ошироқда.

Мазкур ижтимоий салбий иллатнинг моҳияти ва унинг сабаб ҳамда шароитларини ўрганишдан аввал унинг тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Терроризм – бу сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқ.)[2: 404]. Террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил этади. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсиқдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётида бирдек таҳдид солмоқда. Кенг қўлам ва хилма хил кўринишлар касб этаётган ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда”[3: 230].

Терроризм бу XXI асрнинг вабоси ва глобаллашувни келтириб чиқарадиган ҳодисадир. XX аср бошларидан бошлаб дунё цивилизациясининг ривожланишидаги экстремал ҳолатлар, анъанавий этник ва этник гуруҳларнинг йўқ қилиниши, глобал ва маҳаллий даражадаги кескин ижтимоий зиддиятлар, ижтимоий ва шахсий, ижтимоий ва хусусий фуқаролик ва давлатнинг ҳал этилмайдиган қарама-қаршиликлари, замонавийлик мажбурий характерга эга ижтимоий йўналтирилган мавжудотнинг нақд пул усулида “мавжуд бўлиш”, “нарсалар тартибини” ўзгартириш миссияси устунлик қилганида чексиз, ноқонуний зўравонлик йўли билан ва ҳар бир киши ушбу жараённинг потенциал қурбонига айланмоқда. Терроризмнинг характерли томонларидан бири унинг сиёсатга йўналтирилганлигидир. Ҳар бир террор жараёнининг асосида ҳозирги даврда муайян сиёсий мақсадларни амалга ошириш ётади. У ёки бу шахс устидан зўравонлик, куч ишлатиш эса, ушбу мамлакатдаги сиёсатни сақлаш ёки ўзгартириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий курашнинг бу усули маълум жамиятда, мамлакатда яшовчи фуқаролар

орасида қўрқув ва даҳшат тарқатишга асосланади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Терроризм ўта мураккаб жиноий ҳодиса бўлганлиги сабаб, деярли барча давлатларнинг қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга таъвоуз қилмоқда. Терроризмнинг ижтимоий хавфи ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Бундай сиёсий масалалар ўз навбатида худудий, этник, диний ёки бошқа шаклу шамоийил касб этиши мумкин. Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфини биз дунёда содир бўлаётган террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатларининг рақамларида ҳам кўришимиз мумкин, жумладан, 2015 йилги “Глобал терроризм индекси” келтирган рейтинг маълумотларга кўра, 2014 йилда дунёнинг 93 мамлакатида террорчилик ҳаракатлари содир этилган бўлиб, бунинг натижасида 32659 нафар инсон қурбон бўлган. Таъкишлаш лозимки, қурбон бўлганларнинг 78% бешта давлат, яъни Афғонистон, Ироқ, Нигерия, Покистон ва Сурия фуқаролари ҳисобланади[4].

Терроризмнинг келиб чиқиши учун нафақат объектив, балки муайян типдаги шахсларнинг, сиёсий зўравонлик ва мутаассиблик (фанатизм)нинг ўзига хос анъаналари асосида шаклландиган муайян типдаги онгнинг пайдо бўлиши каби субъектив шарт шароитлар ҳам керак. Бунда объектив шарт-шароитлар ҳал қилувчи, аммо ҳар доим ҳам етарли бўлмаган омилдир. Чунки “бу шарт-шароитлар кўпчилик мамлакатлар учун умумий бўлиши мумкин, “ўз-ўзидан юзага келаётган” сиёсий терроризм эса уларнинг айримларидагина келиб чиқади”[5: 27].

Ўзбекистонда терроризмнинг сабаблари мажмуини уларни ташкил қилувчи детерминантларнинг ўзаро боғлиқ гуруҳлари мажмуи сифатида қараб чиқиш лозим. Унда мамлакатимизда терроризмга жиддий таъсир кўрсатувчи диний ва бошқа шу турдаги хусусиятлар киради. Булар анча барқарор, ҳар ҳолда узоқ вақт оралиғида амал қилиб келаётган, одатда кам сонли ва амалда сунъий таъсир кўрсатиб бўлмайдиган фундаментал, муайян маънода “абдий” детерминантлар гуруҳи бўлиб, бир қатор аниқ криминоген омилларни қамраб олади. Бундай сабабларни белгиланган вақтда портлайдиган минага қиёслаш мумкин. Улар амалда мустақил мавжуд бўлади ва мамлакатда барқарор ижтимоий иқтисодий ва сиёсий вазият бўлганида

ушбу сабаблар яширин бўлади ҳамда тутаб ётган, ammo исгалган вақтда ёнгин чиқариши мумкин бўлган ўчоқлар хусусиятига эга бўлади. Улар одатда қандай кулай шароитлар (сиёсий инқирозлар, иқтисодий ва ижтимоий ларзалар ва ш.к.), яъни иккинчи даражадаги детерминантлар юзага келганида пайдо бўлади.

Терроризмнинг ижтимоий ва сиёсий манбалари муайян яхлитликни ҳосил қилади ва бир-биридан ажралган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас. Улар жуда жўшқин бўлиб, у ёки бу жамият ҳаётида ривожланишнинг муайян босқичида кечадиган мураккаб жараёнлар билан боғлиқ[6: 44].

Терроризмнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) террористик ҳолатларни амалга оширишнинг муайян усуллари ва воситалари яратилди. Буларга портлатиш, қотиллик. Ўт қўйиш, захарлаш, гаровга олиш каби усуллар ҳамда бомба, пичоқ, ханжар, пистолет, милтик, турли захарли ва порох каби воситалардан фойдаланиш кирази;

2) терроризм ўз мафқурасини яратди, натижада терроризмнинг турли кўринишлари пайдо бўлди (сўл ва ўнг, ижтимоий ва сиёсий, миллатчилик, дунёқараш, инқилобий ва бқ.);

3) терроризмнинг ижтимоийлашуви рўй берди, яъни у аҳолининг турли қатламлари орасида, маргиналлардан тортиб то аристократларгача ўз ижтимоий базасига эга бўлди;

4) терроризм институционаллашиб, ўзининг доимий ташкилотларини яратди ва халқаро характер касб эта бошлади;

5) терроризм оммавий характер касб эта бошлади, яъни у тобора кўпроқ қурбонлик талаб қилиб, қўрқув ва таҳликага сола бошлади;

6) террористлар одамларни саросимага ва даҳшатга солишнинг замонавий усуллари – газ, бактериологик воситалар масофавий ва космик алоқа, интернет ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтдилар. Гаровга олинганлар ҳаётига, ернинг сунъий йўлдошлари ва ҳатто ядровий арсеналларга нисбатан ҳам реал хавф пайдо бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқаро терроризмнинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

а) ушбу жиноятлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, яъни иқтисодий, маънавий, сиёсий, молиявий, бошқарув ва бошқа соҳалардаги муносабатларга салбий таъсир ўтказишида;

б) бундай тоифадаги жиноий фаолиятнинг уюшганлиги, алоҳида тайёргарлик асосида амалга оширилиши, бир вақтнинг ўзида бошқа кўпгина

жиноятларнинг содир этилишида;

в) экстремизмнинг муросасизликка асосланганлиги миллатлар ўртасида можароларни, диний миллий камситишларни вужудга келтириши, барқарор ҳаётни издан чиқаришида;

г) жамиятда барқорорликни издан чиқаришга, жамият аъзоларига келтираётган жисмоний, моддий, маънавий, руҳий зарар билан инсонларда ишончсизлик, ғулғула уйғотишда, мустаҳкам фикрга эга бўлмаган шахсларни жиноий хатти-ҳаракатларда чорлашда, унга қарши курашиш учун катта харажатлар сарф қилинишида;

д) турли хил кўринишдаги ва катта миқдорда зарарларнинг етказилишидадир.

Экстремистлар ва террористларнинг ғайриинсоний ва ғайридиний ҳаракатлари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ўта ғаразли талқинларидан кескин фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди. Шунингдек, терроризмнинг бугунги кунда ўта хавфли сиёсий ҳодисага айланиб бораётганлиги бир томондан, иккинчи томондан эса унинг экстремизм билан чирмашиб кетиш жараёнининг кучайиши, унга қарши курашнинг ягона, янги тизимини шакллантиришни тақозо қилмоқда.

Шу мақсадда халқаро терроризм ва жиноий зўравонлик миқёсининг туб сабабларини, жумладан шахснинг маънавий юксалишига салбий таъсир этаётганлиги, унинг муаммолари ва оқибатларини ижтимоий фалсафий таҳлил қилиш, илмий ижтимоий фалсафий муамолардан бири ҳисобланади. Зероки, халқаро терроризм ҳозирги кунда глобаллашган муаммо ҳисобланади. Шунинг учун, терроризмга қарши кураш унинг турли сабабларини танқидий излаш, етук фикрлаш, оқилона исботлаш, терроризм мафқурасининг асосий позицияларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, шунингдек терроризм даврида шахс ўзини ўзи ривожлантиришнинг шахсий моделини ва усуллари ишлаб чиқиш, ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. “Зўравон экстремизм ва терроризм таъсирида бўлганларнинг ўзига хос ёндашишлари бор. Шунинг учун минтақалар нуқтаи назаридан миллий дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш орқали бу таҳдидга қарши биргаликда курашиш керак. Ҳозирги кунда 15 дан ортиқ мамлакатлар миллий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқдилар ва келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади”[7].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, терроризмнинг олдини олиш, унинг криминологик жиҳатларини чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, терроризм жиноятларини содир этувчи шахсларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу салбий иллатга қарши курашиш учун керакли махсус билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.Ўзбекистон, 2000, 90б.
2. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.8-Т., 2004.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий услубий рисола. –Т.: Маънавият, 2017.
4. <http://rambler.ru. Evropa. chu. by>.
5. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т., 2000.
6. Убайдуллазода Н.Т. Терроризмнинг олдини олишни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. –Т., 2012.
7. “Фуқаролик жамияти”. Умумназарий, ижтимоий сиёсий, ҳуқуқий журнал. 2018, №3(55). 79 б. Ёшлар – терроризм ва экстремизмга қарши курашда етакчи кучдир. 11 июн 2018й. //Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Веб-сайти.(ЎЗА) – www.uza.uz.

MARKAZIY OSIYO MINTAQASI XAVFSIZLIGIGA TAHDID SOLUVCHI MUAMMOLAR VA UNGA QARSHI KURASHISHDA HAMKORLIK

Asrorjon SATTOROV
O'zbekiston Respublikasi
Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik
instituti o'qituvchisi

Ushbu maqolada Markaziy Osiyo mintaqasi xavfsizligiga tahdid soluvchi muammolar va ularga qarshi kurashda mintaqa davlatlarining o'zaro hamkorlik omillari va hamkorlik jarayonlari yoritilgan.

Tayanch so'zlar: mintaqaviy hamkorlik, mintaqaviy xavfsizlik, xavfsizlik muammolari, KXSHT, SHHT, xalqaro shartnomalar, O'zbekiston tashabbuslari.

This article highlights the problems that threaten the security of the Central Asian region, as well as the factors of interaction and processes of cooperation between the States of the region in the fight against them.

В данной статье освещены проблемы, угрожающие безопасности Центральноазиатского региона, а также факторы взаимодействия и процессы сотрудничества государств региона в борьбе с ними.

Markaziy Osiyo mintaqasi azal-azaldan o'zaro hamkorlik va hamjihatlik mintaqasi bo'lib kelgan. Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Andijon viloyatiga ilk tashriflaridan birida mintaqaga chegara hududlarida yuz bergan ko'ngilsiz hodisalarni eslab, "Ming shukurki, endi ana shu kunlar ortda qoldi. Biz jahondagi barcha mamlakatlar, avvalo, yaqin qo'shnilarimiz bo'lgan Turkmaniston, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston va boshqa davlatlar bilan yaxshi qo'shnichilik va o'zaro do'stlik aloqalarini har tomonlama mustahkamlashni o'zimizning ustuvor vazifamiz deb bilamiz.

Biz qo'shnilarimiz bilan raqobat qilish emas, aksincha, hamkorlik qilish yo'lini izchil davom ettiramiz. Takror aytaman, qo'shnilarimiz bilan raqobat emas, o'zaro manfaatli hamkorlikni yanada rivojlantiramiz. Qo'shnimizning yutug'i – bu bizning ham yutug'imiz. Ularning tinch va farovon hayoti – butun mintaqamizda tinchlik va barqarorlikni saqlashning garovi deb bilamiz[1 :9]" deb ta'kidlagan edi.

Mintaqaning taraqqiyoti va xavfsizligiga tahdid soluvchi bir qator muammolar mavjud bo'lib, mintaqaning biror bir davlati o'zi yakka ushbu muammolarni bartaraf eta olmaydi.

Mintaqadagi xavfsizlikka tahdidlarning mavjud va potentsial manbalari tashqi va ichki sabablarga bog'liq hisoblanadi. Tashqi omillarga ko'ra, bizning fikrimizcha, quyidagilarni o'z ichiga olishi mumkin:

- "uch yirik xalqaro xavf"ning mintaqaga tarqalishi: xalqaro terrorizm, diniy ekstremizm va etnik separatizmning tarqalishi havfi;

- mintaqaga chegaralariga yaqin joyda (Afg'oniston, Iroq, Hindiston-Pokiston mojarosi, Kaspiy muammosi) mavjud beqarorlik va havf potentsiali mavjudligi;

- globallashtirish bilan bog'liq mintaqadagi ayrim mamlakatlarning ichki inqirozlariga yo'z tutishi;

- Keng tarqalishi kutiladigan "katta o'yin"da asosiy geosiyosiy o'yinchilarning xatti-harakati va ularning munosabatlarining tabiati ("Yangi Ipak yo'li" mega loyihasi bo'yicha mamlakatlarning turli qarashlari");

- giyohvand moddalarni noqonuniy aylanishi va qurol-yarog' kontrabandasi;

- mintaqaga hududida xorijiy davlatlar harbiy bazalarining mavjudligi;

- xalqaro muammolarning faollashuvi. Buyuk kuchlar deb nomlanuvchi – AQSH, Rossiya va Xitoy kabi davlatlarning mintaqadagi manfaatlari;

- musulmon dunyosidagi qarama-qarshiliklar, xususan, islomning turli oqimlari o'rtasidagi munosabatlarining kuchayishi: vahhobiylik, salafizm, hanafiylik va boshqalar.

- radikal islomchilarni faollashtirish ("Al-qoida", "TIH", "Hizb ut-tahrir", "Sharqiy Turkiston mustaqilligi uchun harakat" va boshqalar) va ularning afg'on – Markaziy Osiyo chegaralarida to'planishi;

- Afg'onistondan koalitsiya qo'shinlarini olib chiqib ketgandan so'ng "Tolibon" harakati qayta tiklanishi mumkinligi [2: 3].

Mintaqaga xavfsizligiga tahdid soluvchi muammolardan yana bir yirik muammolaridan biri Afg'oniston xavfsizlik muammosi hisoblanadi. Hozirgi vaqtda Afg'onistondagi ziddiyat va keskinliklar va uning hududida faoliyat yuritayotgan "Tolibon" harakati Markaziy Osiyo mintaqasi mamlakatlariga eng katta tahdid solmoqda. O'tgan davr mobaynida Afg'oniston hukumati va jahon hamjamiyati (ayniqsa, AQSH va NATO davlatlari) sa'y-harakatlari bilan ushbu mamlakatda mojaroni bartaraf etish va davlatchilikni qurish uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi.

Afg'oniston mintaqadagi barcha mamlakatlar bilan amaliy hamkorlikni yo'lga qo'ydi va nufuzli mintaqaviy va xalqaro tuzilmalar ishida ishtirok etmoqda. Mamlakat Konstitutsiyani qabul qildi, uch marotaba prezidentlik va parlament saylovlari o'tkazildi. Bir qator viloyatlarda xavfsizlikni nazorat qilishni boshlagan xavfsizlik tuzilmalari tuzildi. Biroq, mamlakatdagi vaziyat hali ham keskinligicha qolmoqda.

Afg'onistonda xalqaro koalitsiya kuchlarining kelgusidagi chiqishi nuqtai nazaridan alohida tashvish uyg'otadigan ko'plab muammolar va barqarorlikka solinadigan tahdidlar saqlanib qolinmoqda. Afg'oniston hukumati va ularning xalqaro hamkorlari hali mamlakat xavfsizligi va barqaror iqtisodiy rivojlanishini ta'minlash kabi asosiy muammolarni hal qila olmadilar. Bulardan bilish mumkinki, "Al-qoida", "Tolibon" va boshqa radikal guruhlarining hali ham mamlakatning markaziy va alohida hududlariga jiddiy tahdid solib kelayotganligida namoyon bo'lmoqda.

Davlatda saqlanib qolinayotgan NATO kuchlarining harakati yetarli darajada samarali emas (ayniqsa, giyohvandlikka qarshi qaratilgan yo'nalishda) va vaqti-vaqti bilan yuzaga keladigan hodisalar mahalliy aholining salbiy reaksiyasini va bunda xorijiy harbiylar ishtirokini rad etishni keltirib chiqarmoqda.

Afg'onistonning xavfsizlik tuzilmalari terrorizm va ekstremizmning ko'plab namoyandalariga qarshi samarali kurashish, mamlakatda milliy yarashuv jarayonini jiddiy ravishda susaytirishga qodir hisoblanmaydi[2: 4].

So'nggi paytlarda Afg'onistonning shimolidagi terroristik guruhlarining kirib borishi alohida tashvish uyg'otmoqda, bu yerda bir necha yil oldin vaziyat nisbatan tinch edi. Ushbu guruhlarining sezilarli faollashuvi nafaqat Afg'onistondagi barqarorlikka putur yetkazishi, balki terroristik va ekstremistik faoliyatni qo'shni mamlakatlarga, ya'ni Markaziy Osiyo mintaqasiga ko'chirish uchun potentsial xavf tug'diradi.

Afg'onistonda ichki, mintaqaviy va xalqaro omillarni o'rganish, shuningdek, harbiy-siyosiy va strategik vaziyatni rivojlantirishning sabablari va jihatlarini o'rganish ma'lum vaqtdan keyin uning dinamikasini o'rganish orqali belgilash

imkonini beradi.

Koalitsiya qo'shinlari olib chiqib ketgandan so'ng, Afg'onistondagi harbiy-strategik va siyosiy vaziyat ichki va tashqi omillarning butun majmuasi ko'rinishida juda murakkab bo'lib qoladi. Bundan tashqari, xalqaro terrorizmga qarshi koalitsiya kuchlarining asosiy tarkibiy qismlarini olib tashlash, 2014 yilda prezident va viloyat kengashlari deputatlarini saylash, shuningdek boshqa muhim siyosiy voqealar ob'yektiv ravishda siyosiy kurashning kuchayishiga va mamlakatdagi harbiy-siyosiy vaziyatning yomonlashishiga yordam berishi tahmin qilingan edi.

Amaldagi prezidentga muxolifat kuchlari, mamlakat bosh vaziri Abdulla Abdulloh nomzodini ilgari surishdi. Abdulla Abdulloh mamlakatni barqarorlashtirish uchun juda ko'p ish qilgan yirik davlat va jamoat arbobi; u nafaqat Afg'onistonda, balki undan tashqarida ham xalqni qo'llab-quvvatlaydi va shu sababli mamlakatda ancha mashhur hisoblanadi. Uning otasi pushtun, onasi esa tojik ekanligi muhim ahamiyatga ega[2: 3].

Yana bir prezidentlikka nomzod, shubhasiz, afg'onistonliklar orasida juda mashhur bo'lgan Balx viloyati hokimi Muhammad Nur edi.

Ehtimol, mamlakat Afg'oniston hukumati o'z chegaralarini nazorat qilish imkonini beradi, siyosiy betartiblik, (ayni paytda, birinchi navbatda, shimoliy hududlar eng muammoli va himoyasiz hudud hisoblanadi) o'z navbatida, Afg'onistondagi siyosiy va harbiy-strategik vaziyatning yomonlashuvi Markaziy Osiyoda xalqaro terroristik guruhlarining yutug'i sifatida tahlil qilinmoqda[2: 4].

Yuqori ehtimollik bilan, "Tolibon" guruhi jangarilari qo'shni davlatlar hududida katta guruhlar tomonidan hujumlarni amalga oshirishi mumkin deb taxmin qilish mumkin. Koalitsiya kuchlari chiqarilishi rejalashtirilgandan so'ng, salbiy senariy bo'yicha voqealarni rivojlantirish imkoniyatlari, shuningdek mamlakatdagi hozirgi vaziyat Afg'onistondaga tichlikka tashvish sifatida baholanmoqda.

Vaziyatni yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammo, birinchi navbatda, tojiklar, o'zbeklar, turkmanlar, xazorlar va boshqa etnik ozchiliklar vakillari bo'lgan shimoliy ittifoqdan jiddiy xavotirdadir.

Tolibon siyosatidan sobiq mujohidlar rozi emas. Ularning rahbarlaridan biri mujohidlar kengashini tuzish, ularni qurollantirish va ularning oilalarini xavfsizligini ta'minlashga tayyor bo'lish taklifi bilan chiqdi.

Juda murakkab tanlovdan oldin Afg'onistonning oddiy xalqi ham bor edi: kimga qo'shilish va nima qilish kerak?

Bugungi kunda Tolibonning katta guruhlari MDH davlatlari chegaralariga ko'chiriladi va ular koalitsiya kuchlari qo'shinlari yordamida amalga oshiriladi. Guvohlarning ta'kidlashicha, Afg'oniston Badaxshoni hududining 60-65% hududida eng zamonaviy qurollar bilan jihozlangan toliblar mavjud.

Ushbu muammolarni bartaraf etishga o'z hissasini qo'shish bilan birgalikda mamlakatimiz xalqaro doirada narkotik moddalari tarqalishiga qarshi o'z tashabbuslariga ega bo'lib kelmoqda.

UNODC ma'lumotlariga ko'ra, har yili Afg'onistondan 900 tonna afyun va 375 tonna heroin kontrabanda yo'li bilan olib chiqilmoqda. Dunyodagi eng zararli dori ishlab chiqarish natijasida bozor 65 milliard dollarga baholanmoqda. Amerika Qo'shma Shtatlarida 15 million giyohvand unga bog'lanib qolgan. Bu muammo bilan birgalikda OIV infeksiyasi ko'payishi misli ko'rilmagan yuqori darajada hissa qo'shmoqda. Bu moddalar tarqatilishi jinoiy guruhlar, isyonchilar va terrorchilar uchun tirikchilik manbai hisoblanadi.

Bundan tashqari Afg'onistonda afyun ishlab chiqarish

2006 yildan beri global iste'moldan ancha oshib ketgan. Afg'onistonda ishlab chiqarilgan taxminan 12 000 tonna afyun bir joyda saqlanadi. Bu ko'rsatkich dunyoda ikki yildan ortiq heroin talabini qondirish uchun yetarli hisoblanadi[3].

Joriy vaziyatni hisobga olgan holda, davlat dori nazorat komissiyasi e'tibor qaratishi va huquqni muhofaza qilish organlari sa'y-harakatlarini qaratilmog'i, boshqa vakolatli vazirlik va idoralar, respublika tashkilotlari, shuningdek aniqlash va narkotrafik savdosi va tarqalishini oldini olish uchun maqsadli kompleks chora-tadbirlarni davom ettirish va bu bo'yicha mintaqaviy narkotiklar nazorati komissiyalari, giyohvandlik tarqalishini oldini olish, bu sohalarida idoralararo hamkorlikni va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish zarur.

O'zbekistonning giyohvandlikka qarshi kurashdagi xalqaro majburiyatlarini amalga oshirish nuqtai nazaridan giyohvand moddalarni nazorat qilish Davlat komissiyasi tomonidan giyohvandlik va odam savdosiga qarshi kurashish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi tasdiqlandi.

SHHTga a'zo davlatlar vakolatli va Markaziy vakolatli organlarining narkotrafikka qarshi kurash sohasidagi hamkorlik to'g'risidagi bitim doirasida rekvizitlari yangilandi va tomonlarga yo'naltirish bo'yicha SHHT Kotibiyatiga jo'natildi [2: 5].

Xorijiy sheriklar bilan hamkorlikni kengaytirish borasida O'zbekistonga tashriflar va vazirliklar idoralarda muzokaralar, Armaniston, Pokiston, AQSH, Tojikiston, Tailand, Turkiya vakolatli organlari vakillari va rahbarlari, shuningdek, EI, EXHT, KERIKK, UNODC va boshqalar tashkil etildi.

Unda Afg'oniston, Avstriya, Ozarbayjon, Braziliya, Rossiya, Vengriya, Slovakiya, Germaniya, AQSH, Finlyandiya, Litva, Tojikiston, Tailand, Turkiya, Turkmaniston, Ukraina, Ispaniya, Portugaliya, Evropa Ittifoqi, MDH va boshqalar bilan hamkorlik istiqbollari muhokama qilindi.

2013 yilda ushbu mamlakatlarning narkotrafikka qarshi kurashdagi tajribasini o'rganish uchun respublikaning vakolatli organlari vakillari uchun buyuk Britaniya va Avstriyaga o'quv sayohatlari tashkil etildi. Tashriflar chog'ida ikki tomonlama amaliy hamkorlikni yanada chuqurlashtirish masalalari ham muhokama qilindi.

Bugungi kunda mintaqaviy xavfsizlik hamkorligi ko'plab to'siq va qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Ayni paytda, kuzatilganidek, hech bir mamlakat qanchalik kuchli bo'lmasin, yolg'iz kurasha olmaydigan umumiy tashqi tahdid va muammolarning mavjudligi mintaqaviy davlatlari o'rtasidagi bu sohadagi hamkorlikning foydasiga dalil hisoblanadi.

Shu asnoda xavfsizlik sohasida integratsiyani chuqurlashtirish mavjud muammolarni hal etishning samarali usullaridan biri sifatida ko'riladi.

Nisbatan qisqa tarixiy davrda Markaziy Osiyo davlatlari ishtirokida subregional va xalqaro mintaqaviy xususiyatga ega bo'lgan turli tashkilotlar tashkil etilib, ular mintaqaviy xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlashda haqiqiy ko'mak bo'lib xizmat qilishi mumkin. Bular SHHT va XKSHT tashkilotlari bo'lib, e'tiborimizni qaratadigan xususiyatlarga ega. Ularning tanlovi tasodifiy emas: ular Jahon siyosatida Markaziy Osiyo davlatlariga bevosita yaqin bo'lgan va ularning har birida o'z manfaatlariga ega bo'lgan ikki yirik ishtirokchi – Rossiya (XKSHT va SHHT) va Xitoy (SHHT)ni ifodalaydi. Shuni ta'kidlash kerakki, bugungi kunga kelib Markaziy Osiyoda xavfsizlikni ta'minlashning yagona varianti (faraz qilsak, boshqa narsalar qatori Tojikiston-Afg'oniston chegarasini mustahkamlash) mintaqaviy mamlakatlarining Rossiya Federatsiyasi ishtirokida integratsiyalashuvidir.

Mintaqaviy xavfsizlikni ta'minlashda, xalqaro terrorizm

xavfiga qarshi kurashda mintaqaviy va kollektiv tashkilotlar muhim hisoblanadi. Mamlakatimizda barqarorlik va tinchlikni mustahkamlash va mintaqada barqarorlikni mustahkamlashda mintaqaviy hamkorlik, hamkorlikda xavfsizlikni ta'minlash borasida ham bir qator ishlar olib borilmoqda. O'zbekistonning bugungi mintaqaviy siyosati qo'shni davlatlar bilan keng miqyosda hamkorlikni rivojlantirish va ushbu hamkorlikni mustahkamlashga qaratilgan.

Xulosa sifatida mamlakatimiz mintaqada barqaror xavfsizlikni mustahkamlashda quyidagi jihatlarga e'tibor qaratilishi muhim hisoblanadi:

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017.
2. Акбарпошо Искандаров Безопасность и интеграция в Центральной Азии: роль ОДКБ и ШОС. // Центральная Азия и Кавказ 2001, № 1 (13).
3. Ўзбекистоннинг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши халқаро курашдаги фаолияти. <https://mfa.uz/ru/cooperation/security/55/>

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Насиба ЮНУСОВА
ТТТМИ доценти, ф.ф.н.,
Нилуфар САЛИМСАКОВА
ТФМИ катта ўқитувчиси

Ҳозирги глобаллашув жараёнида оммавий маданиятнинг мазмун-моҳияти, ёшларнинг ижтимоий ҳаётига салбий таъсири ва унинг оқибатлари кенг ёритилган.

Таянч сўзлар: маданият, оммавий маданият, “гот” ва рок тушунчалари, “ғарбнинг муаммоси”, “поп-культура”, “популяр”, гедонизм, индивидуализм, эгоцентризм.

Бугунги кунда инсон қалби ва онги учун курашнинг янгидан янги усул ва воситалари кўпайиб бормоқда. Айниқса, бу борада диндан ниқоб сифатида фойдаланишига уринишлар ривожланиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Хусусан, бугунги кунда диний эътиқодий тушунчаларни нотўғри талқин этиш орқали дунёнинг турли минтақаларида босқинчилик, кўпоровчилик ва террорчилик ҳаракатларини содир этиш ҳолатлари авж олиб бормоқда. Бу эса миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ҳамда диний айирмачилик кайфиятининг шаклланишига замин яратмоқда. Натижада узоқ йиллар давомида тинч-осуда ривожланиш йўлида бўлган жамиятлар пароканда бўлиб, аҳоли урушлар гирдобиде қолиб кетмоқда.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда аҳолини, айниқса, ёшларни дин байроғи остидаги ахборот хуружлари ҳамда турли бузғунчи оқимлар сафига қўшилиб қолишдан сақлаб қолиш, билиб-билмай террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё бўйлаб кузатилаётган бундай тенденция республикамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Маълумотларга кўра, биргина 2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон бўйича билиб-билмай адашган оқимлар сафига қўшилиб қолган 18 мингдан ортиқ фуқаролар “қора рўйхат”дан чиқарилди.

Дунёнинг айрим давлатлари Яқин Шарқ минтақасидаги турли террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган ва бу ишдан пушаймон бўлсада, юртига қайтолмай юрган шахсларни ватанларига қайтариш амалиётини бошлаб юборди. Бу борада Марказий Осиё давлатлари анча фаоллик кўрсатаётганини қайд этиш ўринли. Хусусан, Қозоғистон “Жусан”, “Жусан-2”, “Жусан-3” инсонпарварлик операциялари натижасида 595 нафар, Ўзбекистон “Меҳр” ва

- Қо‘шни мамлакатлар билан кенг миқйосда ҳамкорликни ва алоқани yanada mustahkamlash;

- Afg‘oniston muammosiga jiddiy yondashgan holda u yerdagi ijtimoiy, siyosiy jarayonlarda hamkorlik munosabatlari doirasida ishtirok etish;

- Afg‘onistondagi investitsion muhitni rivojlantirishga ko‘maklashish;

- Xalqaro tashkilotlar doirasida keng hamkorlik olib borish va mintaqadagi muammolar borasida yirik tashabbuslarni ilgari surish.

The essence and content of mass culture in the modern global process, the negative impact on the social life of young people and their consequences are revealed.

Раскрыта сущность и содержание массовой культуры в современном глобальном процессе, отрицательное влияние на социальную жизнь молодежи и их последствия.

“Меҳр-2” инсонпарварлик операциялари натижасида 220 нафар, Тожикистон 84 нафар фуқароларни ўз она юртига олиб келди.

Ватанига қайтарилган шахсларнинг катта қисмини аёллар, ёшлар ва болалар ташкил қилади. Бундан ташқари Қирғизстон ҳукумати томонидан Суриядаги жангари гуруҳларга адашиб қўшилиб, кейинчалик асирга тушган қирғизистонликларни ҳам ватанига қайтариш бўйича ишлар олиб борилаётгани ОАВларида эълон қилинди[1]. Эндиликда мазкур давлатларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири олиб келинган мингга яқин фуқароларни ижтимоий ҳаётга қайта мослаштириш ва реабилитация қилиш бўлиб қолмоқда. Бу жараён мазкур соҳани яхши тушунувчи психолог, исломшунос, диншуносларга алоҳида масъулият юклаган ҳолда реабилитациянинг ҳаётий ва содда усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шу ўринда реабилитация ўзи нима, реабилитацион жараёнлар мамлакатимизда бўлганми, деган савол туғилиши табиий.

Реабилитация латинча “rehabilitatio” сўздан олинган бўлиб, “re” – яна, қайта “habilitatio” – яроқлилик, тиклаш маъноларини билдиради. Қисқача қилиб “қайта тиклаш” деган маънода ишлатилиб келинади.

Дастлаб мазкур атама ўрта асрларда француз ҳуқуқшунослари томонидан фойдаланилган. Унда авф этилиб, озодликка чиқарилган маҳбусларнинг ҳуқуқларини қайтадан тиклаб бериш маъносида ишлатилган[2: 15]. Ҳозирда бу сўз юридик, тиббий, ижтимоий ва бошқа бир неча соҳаларда ишлатилади. Масалан, “юридик реабилитация” фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини суд ёки маъмурий тартибда қайта тиклаш ҳамда уларнинг номи ва мавқеининг оқланиши маъносида қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси-

нинг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш хуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи деб таърифланган[3].

Реабилитация атамаси тиббиёт соҳасида ҳам кенг қўлланилиб, беморлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган инсонларни тўла-тўқис тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Экстремистик ва террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини реабилитация қилишда “Ижтимоий реабилитация”нинг ўрни бекиёс бўлиб, бу тушунча жамият орасида ўз ўрнини йўқотган киши мавқеининг қайта тикланиши, фаол ва жамият учун фойдали инсонга айланишига ёрдам бериш сифатида қўлланилади.

Бу ҳақида сўз юритган америкалик диншунос олим Джесси Мартин ижтимоий реабилитация тушунчасини “Шахснинг қандайдир жиноятга ёки қонун бузулишига сабаб бўлган хулқ-атвори, дунёқараши, руҳий саломатлиги ва касбий кўникмаларни режалаштирилган тартибда ижтимоийлаштириш яъни жамиятда яна қайтадан ўз ўрнини топишга ёрдам бериш” деб таърифлайди[4: 7].

Ўзбекистонда ҳам реабилитация ва реабилитацион жараёнлар билан боғлиқ ҳолатлар аввалдан шаклланиб келган десак муболаға бўлмайди. Жумладан, тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, 1930-40 йиллардаги қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришда ҳамда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини тиклашга қаратилган норматив ҳужжатларда “реабилитация” қўллаш назарда тутилган. Шунингдек, шўролар даврида мамлакатнинг олис жойларига мажбурий равишда кўчирилган халқлар ва айрим фуқаролар ҳам реабилитация қилиниши кераклиги тарихий маълумотларда қайд этилган[5: 110].

Реабилитация масаласи ислом тарихига оид бўлган манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, исломдаги илк бўлинишлар ва ихтилофларга сабаб бўлган хорижийлик фикриси вакиллари диний амалларни бажаришда мустаҳкам бўлишларига қарамай, илмсиз эканлиги сабабли турли фитналарни келтириб чиқарганлар. Ўша даврда халифа бўлган Али (р.а.) уларга ҳақ йўлни кўрсатиш ва соф ислом ғояси аслида қандай эканини тушунтириш мақсадида саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)ни хорижийларнинг олдида юбордилар. Ибн Аббос хорижийларнинг ҳукуматга нисбатан норозилигини келтириб чиқарган ва ғазабланишига сабаб бўлган масалалар юзасидан оят, ҳадис ва шариат қоидалари асосида манتيқий жавоб беришлари натижасида, уларнинг икки мингга яқини тўғри йўлдан адашганини англаб етиб, хорижийлар сафидан чиққан. Бу эса, мафкуравий жиҳатдан алданган шахсларни илм-маърифат асосида тўғри йўлни тушунтириш орқали реабилитация қилиш энг самарали усул эканини кўрсатади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқларида айтган куйидаги сўзлари ниҳоятда ўринлидир: “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга

қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омилар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” [6: 1-2].

Ўрганишлар ҳали бу соҳада кўплаб изланишлар ва таҳлиллар олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Айниқса, диний омил таъсирида адашган оқимлар сафига қўшилиб қолган шахсларни тўғри йўлга қайтариш, “мутаассиблик ва нотўғри тарғиботнинг олдини олиш, тўғрилаш ва реабилитация қилиш учун мазкур жараёнларни таҳлил қилиб, тўғри ташхис қўйиш талаб этилади[7: 15].

Шуни инобатга олган ҳолда республика ҳукумати томонидан адашган шахсларни реабилитация қилиш жараёнига турли соҳа вакилларида мутахассислар жалб этилмоқда. Хусусан, Президент топшириғига мувофиқ ҳукумат қарори билан Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Махсус комиссия ташкил этилди ва унинг таркибига Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Адлия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Маънавият ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Республика маданият марказидан тегишли раҳбар ва мутахассис ходимлар жалб қилинди. Қарорда барча масъул вазирлик ва идоралар мутасаддиларга аниқ вазифалари белгилаб қўйилди.

Ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга тиббий ёрдам ва психосоциал кўмак бериш, шахсий ҳужжатларни тиклаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиш ҳамда ижтимоий нафақалар тўлаш чоралари кўриш борасида ишлар олиб борилди.

Шунингдек, ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта мослаштириш борасида уларга руҳий, маънавий-маърифий жиҳатда кўплаб ишлар олиб борилиши тақозо этилади. Сабаби реабилитация самарали бўлиши учун махсус тизим ва дастур асосида узвий ва давомли тартибда бўлиши лозим. Бу борада ҳали биз кўплаб изланишлар олиб боришимиз менаталитетимизга ва миллийлигимизга мос бўлган реабилитацион механизмларни ишлаб чиқишимиз тақозо этилади.

Ижтимоий реабилитация борасида кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш учун тизимли тарзда иш олиб бориш, махсус ўқув қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек, экстремистик оқимлар тасирига тушиб қайтганлар учун реабилитация маркази ташкил этиш ҳамда шу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тақозо этилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, экстремистик ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, диний ва миллий қадриятларга эътиборсизлик, уларнинг олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган услубий қўлланмалар яратиш, жойларда ғоявий тарғибот, тарбиявий ишларни мақсадли ташкил этишнинг илмий-назарий муаммоларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, Президентимиз ташаббуслари билан бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш, одамларни ўйлантириб келаётган камчилик ва муаммоларни

ўз вақтида бартараф этиш ҳамда тўғри йўлдан адашиб, қилмишидан пушаймон бўлган, соғлом турмуш тарзига қайтган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бунда айниқса, ёшлар маънавий оламини юксал-

тириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердяев Н.А. Философия неравенства // Н.А. Бердяев: сост. предисл. и примеч. Л.В. Полякова. – Москва: ИМА-пресс, 1990.
2. Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс: СПб.: Пер. с исп./ Х.Ортега-и-Гассет. – Москва: ООО «Издательство АСТ», 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
4. Эко У. Средние века уже начались/ Иностранная литература. - 1994. - N 4.
5. <http://nayzangul.livejournal.com>
6. Каримов И.А. Ватанизмнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – 17 – жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИГА ТАҲДИДЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

Санжар ҲАМРОЕВ
Тошкент кимё-технология
институтини ўқитувчиси

Ушбу мақолада бугунги кун геосиёсатида юзага келаятган муаммолар, глобаллашувнинг миллий давлатлар суверенитети, айниқса маънавий, маданий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда кечаётган ўзгаришлар мисолида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, суверенитет, демократия, иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, маданият, таҳдид, миллат, ахлоқ, миллий ғурур, миллий қадриятлар, миллий ғоя.

Биз яшаётган давр инсоният тарихида мисли кўрилмаган ўзгариш ва янгиланишларга бой бўлаётгани билан ажралиб турибди. Ривожланиш дунёнинг деярли барча нуқталарида кўзга ташланмоқда. Бунинг асосини глобаллашув жараёниларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки айнан глобаллашув таъсирида бу ютуқларнинг оммалашаётганини кўриб турибмиз. Глобаллашувнинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, олимлар уни универсал, миллий чегараларни ювилиб кетиши, дунёнинг гомогенлашуви ва универсаллашуви (Б.Банди), ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви (И.Каримов), инсон ақл-заковати, иқтидори ва тинмай амалга оширган меҳнати эвазига фан, техника, технология, замонавий коммуникациялар таъсирида ҳаракатга келаятган жараён (С.Отамуратов) сифатида таърифлашади. Ушбу таърифларни инкор этмаган ҳолда глобаллашувга бутун инсоният ҳамжамияти тараққиёти ва айни дамда таназзули учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлган, икки томонлама (ҳам ижобий, ҳам салбий) жараён сифатида баҳо беришимиз мумкин. Глобаллашувнинг жамиятдаги соҳалар (иқтисодиёт, сиёсат, маънавият)га кўрсатаётган таъсири бениҳоя катта. Айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги глобаллашув қолган барча соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Давлатларнинг муайян соҳасидаги ютуқ, ихтиро ва янгиланган яшин тезлигида бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиши ушбу жараённинг таъсир доираси нечоғли кенг ва самарали эканлигидан далolat бериб турибди. Биринчи президентимиз Ислам Каримов бу борада ўзининг “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида шундай таъкидлаган эди: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаятганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва раванқи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”[1: 111]. Чиндан ҳам глобаллашувнинг ижобий жиҳатларини эътироф этмасдан иложимиз

This article analyzes the problems that arise in today's geopolitics, on the example of the globalization of the sovereignty of national states, especially in the spiritual, cultural, economic, social and political spheres.

В данной статье анализируются проблемы, возникающие в современной геополитике, на примере глобализации суверенитета национальных государств, особенно в духовной, культурной, экономической, социальной и политической сферах.

йўқ. Чунки тараққиётда биздан илгарилаб кетган давлатларнинг ривожига айнан глобаллашув туфайли, яъни янги ахборотларни тез ва осон ўзлаштираётгани ҳамда амалда татбиқ этаётгани сабаб бўлмоқда. Қайсики давлат буни инкор этса, ёки янгиланган интилимаса унинг аҳволи, айниқса халқининг қашшоқлашуви, турмуш даражаси пастлашиши, турли хилдаги ижтимоий-сиёсий муаммоларга дуч келмоқда. Шунинг учун ҳам глобаллашувнинг имкониятларини тўғри англаб ундан унумли фойдаланган халқлар ва давлатларнинг ҳаёти, турмуш даражаси юқори бўлиб бормоқда. Лекин, бу билан глобаллашувни тўлақонли ижобий ҳодиса деб эътироф этмоқчи эмасмиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай нарсанинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бўлади. Шу жумладан, глобаллашув жараёнининг ҳам. Бу борада профессор С.Отамуратов “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик” китобида шундай дейди: “Жамият ва инсонлар тараққиётининг асоси бўлган иқтисодиётнинг глобаллашуви охириги манзилга етиб, ер юзида ягона иқтисодий макон бағамом қарор топганидан кейин маънавият, ахлоқ ва миллатлар ҳам иқтисодиётнинг ҳукмига бўйсунмасликнинг имконияти қолмайди ва ягона маънавият, ягона ахлоқ ва ягона миллатнинг шаклланиш жараёнининг олдини олиб бўлмайди”[2: 25]. Бу ерда гап иқтисодиётнинг глобаллашувини салбий ҳолат эканлиги ҳақида эмас, балки иқтисодиёт омили орқали миллий маънавиятларнинг емирилишига қаратилган ҳаракатларнинг хатарли тус олаётганлиги ҳақида бормоқда. Иқтисодиётда ягона “макон”нинг вужудга келиши – бу объектив жараён, у умумий тараққиётга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Аммо, миллий маънавиятларнинг охир-оқибатда миллатнинг бағамом барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода маънавиятнинг иқтисодга “қурбон” бўлишининг олдини олиш тобора долзарблашиб бормоқда. Чиндан ҳам глобаллашувнинг иқтисодиёт орқали давлатлар, халқлар сиёсати, ижтимоий ҳаётига, энг муҳими маънавиятига ўтказаятган таъсири натижасида кам тараққий этган ёки энди ривожланаётган давлатлар учун турли хилдаги “бўхронлар”ни юзага чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Айниқса, “миллат”, “миллий қадриятлар”, “миллий ўзига хослик”, “миллий ғурур”, “ахлоқ”, “маънавият” каби тушунчаларнинг баъзи жойларда иккинчи даражали масала сифатида қаралаётгани ачинарли ҳолат. Чунки глобаллашув жараёнлари кўп ҳолларда фаровон ва тўқис ҳаётни “ваъда” қилаётгандек кўринади. Лекин унинг бу “ваъда”си миллат, ундаги миллий, ахлоқий қадриятлар, маънавиятдан воз кечиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Бунда давлатларнинг ўз миллий маънавиятини сақлаб қолишдаги ҳаракатлари бир лаҳза бўлмасин тўхтаб қолмаслиги зарур. Ахир, ўзлигини англамаган халқ бошқаларга қарам бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”[1: 115]лиги барчамизни хушёрликка чорлаши табиий.

Миллий маънавиятларнинг барбод бўлиши табиий равишда миллий давлатларнинг ўз суверенитетларидан маҳрум бўлишига ҳам олиб келади. Шу маънода ҳам миллий маънавиятларни асраш миллий давлатларнинг суверенитетларини сақлаб қолишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини назарда тутишимизни тақозо қилади.

“Буюк давлат”лар айнан иқтисодиёт соҳасидаги глобаллашувдан унумли фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтираётганлиги, баъзи давлатларнинг суверенитетини менсимасдан уларнинг ички ишларига аралашаётганлиги ҳам бор гап. Мавзу шу ҳақда борар экан, аввало, “суверенитет” тушунчасига тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади. Ушбу тушунчага Ўзбекистон юридик энциклопедиясида шундай таъриф берилган: “Суверенитет (фр. *souverainete* – олий ҳокимият) – давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги”[3: 412]. Қисқача айтганда, “суверенитет” деганда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида тўла мустақиллигини тушунса бўлади. Бунда бир нарсани назардан четда қолдирмаслик керак, яъни биз ҳар қандай “Суверен давлат”ни мустақил давлат дея айта оламиз, лекин ҳар қандай “Мустақил давлат”ни суверен давлат дея айта олмаيمиз. Бунга сабаб, баъзи федератив бошқарув шаклига эга давлатлар таркибидagi “сиёсий тузилмалар” фақат ички сиёсатдагина мустақилдир, аммо ташқи сиёсат борасида бундай мустақиллик чекланган. Шунинг учун ҳам “суверенитет” давлатнинг асосий ва энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Суверенитет бор экан давлат ўз сиёсатини эркин, ташқи таъсирларсиз амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: “Ўзбекистон – суверен демократик республика”, деган норманинг мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу орқали давлатимиз ўз ички ва ташқи сиёсатида тўла мустақил эканлигини бутун дунёга ошқора эълон қилган. Шундай экан ушбу “суверенитет”ни асраб-авайлаш масаласи ҳамisha долзарбдир.

Глобаллашувнинг давлат суверенитетига ўтказётган таъсири шунда намоён бўладики, муайян давлат учун ёт ҳисобланган турли хилдаги ғоялар унга атайин “тиқиштирилади” ва бунинг натижасида ягона халқ ўртасида бўлиниш юзага келади. Бу бўлинишдан эса манфаатдор томонлар давлат ҳокимиятини эгаллаш учун ёки ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун фойдаланади. Натижада тузум барқарорликдан беқарорлик, тартибдан тартибсизлик (хаос) ҳолатига ўтиб, минглаб, миллионлаб инсонлар ҳаёти таҳликада қолади. Шубҳасиз бир давлатдаги ижтимоий-сиёсий “бўҳрон”лар унинг ёнидаги қўшни давлатларга, ундан эса бутун дунёга акс-садо бериб, глобал аҳамият касб этади. Бу каби ҳолатлар, афсуски, дунё ҳамжамиятини яна бир бор тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари устида бош қотиришга чақирмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этишга қодир “буюк” давлатлар, халқаро ташкилотлар

орасида яқдил фикрнинг йўқлиги эса масалани янада чигаллаштираётгани жуда хатарлидир.

Инсоният бир-биридан даҳшатли қирғинбарот жаҳон урушларини бошидан кечирди. Энди бу каби урушларга йўл бермаслик учун муроса, ён беришлик каби сифатларни ҳам шакллантириш бутун инсоният, айниқса, келажак авлод учун жуда муҳимдир. Афсуски, бутун инсоният тақдири билан ўйнашаётган баъзи “буюк” давлатлар халқаро нормаларни ҳам, ахлоқий-диний тамойилларни ҳам бир четга суриб қўйиб ҳаракат қилишмоқда. Бунинг натижаси нима бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи инсонни даҳшатта, кўрқувга солади.

Глобаллашувнинг миллий давлат суверенитетига таҳдидлари қуйидагиларда намоён бўлади: а) ахборий томондан таҳдидлар. Яъни, ахборот оламидаги глобаллашувнинг чегара билмаслиги. Бугун бутун жаҳон ўргимчак тўри дея эътироф этилаётган глобал интернет тармоғидан бутун инсоният бирдек фойдаланмоқда. Зеро, ушбу тармок орқали кириб келаётган ахборотлар оқимини таҳлил қилиш, уни керак-нокерак қисмларга ажратишнинг имкони йўқ. Бунга сабаб ахборотлар оқимининг бениҳоя чегара билмаслигидир. Ўз навбатида уларни таъқиқлаб қўядиган бўлсак ҳам кўп нарсаларни бой бериб қўямиз. Тўғри баъзи давлатларнинг хавфсизлик хизматлари бу масалада муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқишган. Лекин, барибир қанчалик мустаҳкам бўлмасин яширин йўллар билан хавфсизлик тизимларини “ёриб” ўтиш орқали ахборотлар кириб келмоқда. Эндиликда ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармокка чиқиши учун бир сония кифоя қилмоқда. Бу эса давлатнинг миллий хавфсизлигига қайсидир маънода таҳдид ҳисобланади. Чунки четдан кириб келаётган биз учун “ёт” ҳисобланган ғояларнинг жамиятимиздаги ижтимоий барқарорликка таъсир ўтказмаслигига ҳеч қандай қафолат йўқ. Ахборий томондан таҳдидларни биринчи ўринда тилга олишимизга сабаб, у қўлами, ҳажми жиҳатидан қолган бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўткази олишлигидандир. Қолаверса, Муҳаммад Амин Яҳёнинг “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китобида қуйидаги асосли фикрлар келтирилади: “охирги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан-кун янада ортиб бормоқда. Бу шундай бир қатга рақамки, уни тўла даражада англаб олиш қийин. Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эъзига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилади”[4: 286]. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай ахборот уни тарқатувчи манфаатлари йўлида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам миллий давлат суверенитети хавфсизлиги учун турли хилдаги ахборотлар босимидан зарур мудафаани таъминлаш, керакли жавоб чораларини кўриш, доимо хушёр туриш талаб этилади. Албатта, бу хушёрлик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳисобига эмас, балки “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади; б) иқтисодий томондан таҳдидлар. Яъни муайян давлатнинг иқтисодиётига бошқа иқтисодиёти қудратли давлат ёки халқаро молиявий ташкилотлар орқали “беғараз” ёрдам асосида берилаётган турли хилдаги инвестиция кўринишидаги молиявий маблағлар эъзига муайян давлатнинг ички ва ташқи сиёсати таъсир ўтказиш имкониятининг қўлга киритилиш эҳтимоли. Бу эса шубҳасиз миллий давлат суверенитетига таҳдид ҳисобланади. Чунки давлат “қарз берувчи”нинг хоҳиш-иродаси, бора-бора талаблари билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Агарда бундай қилмаса турли усуллар билан шу давлатда ижтимоий-сиёсий беқарорлик ҳолатларини юзага келтиришга ҳаракат қилади. Кейинчалик шу режа асосида ўзига хайрихоҳ бўлган томонларни ҳокимиятнинг эгаллашига кўмак

беради ва ўзи хоҳлаганича сиёсат юрита бошлайди; с) сиёсий томондан таҳдидлар. Яъни турли “демократик” тамойилларни экспорт қилиш орқали муайян давлатдаги ижтимоий барқарорликка путур етказиш билан давлатга, марказий ҳукуматга нисбатан аҳоли орасида ишончсизлик кайфиятини уйғотиш. Одатда, аксарият Ғарб давлатлари аҳоли орасида сиёсий хилма хилликни, яъни фикрлар яқдил бўлмастлигини одатий ҳол санашади. Буни “Ғарбона ментал характер” десак ҳам муболаға бўлмайди. У ерда мавжуд ҳукуматга нисбатан норозилик кайфияти доимо бўлиб келган. Чунки муҳолифат кейинги сайловларга мавжуд ҳукуматга нисбатан аҳоли орасида норозилик руҳиятини сақлаб қолинишидан манфаатдор. Шунинг учун бўлса керак Ғарбда тез-тез ҳукумат алмашиб туриши ажабланарли ҳолат сифатида қаралмайди. Қолаверса, Ғарб сиёсатчилари аҳолининг сиёсий тафаккури хилма-хиллигини, ҳукуматга нисбатан доимий норозилик кайфиятларини, иш ташлашларни ва шу каби “тартибсизликлар”нинг мавжудлигини демократиянинг ўлчов мезони қилиб олишади. Шарқда эса бундан бошқача ҳолат. Аҳоли сиёсий хилма-хилликка берилишдан тийилади. Одатда ҳукумат тепасида ким турса ҳам тинчлик, барқарорлик, адолатни таъминласа кифоя. Чунки тинчлик, барқарорлик бебаҳо неъматлардир. Улар учун демократиянинг баъзи унсурлари миллий қадриятларга мувофиқ келмаслиги боис “Демократиянинг шарқона хусусиятлари”ни ёқлашади. Афсуски, демократиянинг ғарбона хусусиятлари глобал “экспорт” қилиниши баъзи давлатлардаги ижтимоий барқарорликка, сиёсий яқдилликка, бора-бора давлат суверенитетига раҳна солмоқда. Умуман олганда, “демократия” нисбий тушунчадир. Унга тўла эришиб бўлмайди. Бунга сабаб давлат манфаатлари нуқтаи назаридан бунинг иложи йўқлигида. Агар шунақа бўлса, давлат парчаланиб кетиши мумкин. Чунки унда истиқомат қиладиган аҳолининг этник хилма-хиллиги, сиёсий қарашларнинг турли-туманлиги, умуман инсониятнинг бир хилда, муайян “стандарт” асосида тафаккур қилиши мумкин эмаслиги каби масалалар бор. Шубҳасиз, уларнинг ҳар бирини инобатга оладиган бўлсак, давлатларда емирилишлар, парчаланишлар авж олиб кетади. Буни эса ҳеч қайси давлат ҳам хоҳламайди. Миллий давлат суверенитетини асраш учун эса аҳолининг сиёсий яқдиллиги, яъни мавжуд ҳукумат олиб бораётган сиёсатга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда қуйидаги демократияга оид фикрларни келтириб ўтиш лозим: “Демократия бошқарувнинг энг ёмон услуби” (Аристотель); “Жамиятни бошқарувнинг бошқа бир афзалроқ шакли кашф қилинмаганлиги сабабли, инсоният ҳозирча демократияга ўз мойиллигини билдирмоқда” (У.Черчилль); “Демократия инсониятни лақиллатишнинг энг қулай йўли” (М.Каддафи)[5: 176]. Ушбу фикрлардан аён бўладики, демократик тамойиллар назарий жиҳатдан қанчалик “ёқимли” туюлмасин, барибир амалиётда бунинг натижаси бошқача бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан давлат бошқарувида, яъни сиёсатда глобаллашувнинг таъсири бу демократиянинг ғарбона хусусиятларини бутун дунёга “экспорт” қилиниши орқали намоён бўлмоқда ва бу ўз навбатида давлатларнинг миллий суверенитетига таҳдидли ҳолатларни юзага келтирмоқда. д) маънавий-маданий томондан таҳдидлар. Маънавият инсоннинг ботиний оламига дахлдор бўлса, унинг зохирий аксини маданиятда кўрамиз. Инсониятни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи жиҳатлардан бири бу унда маънавий эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёжларни ҳар бир

миллат вакили ўз миллий қадриятлари ҳисобидан қондирса, ушбу миллат қадриятлари бардавом бўлиб, кейинги авлодга ҳам мерос бўлиб қолади. Аксинча бўладиган бўлса, яъни бу маънавий эҳтиёжлар бошқа, бегона қадриятлар ҳисобидан қондирилса, унда ушбу миллат ўтмиши, бугуни ва келажакни бой берган бўлади. Глобаллашувнинг бу жиҳатдан таъсири шунда намоён бўладики, ўзларини энг юксак “маданият тарқатувчилари” деб ҳисоблаётган баъзи давлатлар бошқаларга “маданият улашиш” баҳонасида ўз ғаразли ниётларини ҳам рўёбга чиқармоқдалар. Бунинг натижасида азалдан қарор топган бой маънавият ва маданияти билан машхур бўлган миллатларнинг илдиизига болта урилмоқда. Ёш авлод “ғарб маданияти”ни кўр-кўрона қабул қилиб ўз маънавий-маданий қадриятларидан узоқлашиб бормоқда.

Ҳар қайси давлатда миллатлараро, динлараро муносабатлар соҳасида можароли вазиятларни юзага келтириш учун шароит мавжуд. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Чунки мамлакатимизда турли дин вакиллари (расман 16 та диний конфессия рўйхатдан ўтган), 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Агар бу масалани бир зум бўлсада унутиб қўядиган бўлсак, жамиятимиз учун оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни таъминлашдир. Қолаверса, халқимизнинг азалдан шаклланиб келган ментал характери ҳам миллий қадрият сифатида шуни тақозо қилади. Бу миллий қадриятимизни сақлаб қолиш, яъни глобаллашувнинг салбий таъсиридан асраш учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ғоявий жиҳатдан қуролантиришимиз зарурдир. Бунинг учун эса миллий ғояни кучайтириш талаб этилади.

Биз юқорида глобаллашувнинг икки томонлама тушунча сифатида эътироф этган эдик. Яъни, унда салбий ва ижобий жиҳатлар доимо ёнма-ён келади. Қайсидир давлат, жамият, миллат учун ушбу жараён унинг тараққиётига хизмат қилса, бошқа бири учун таназулга сабаб бўлади. Бунинг натижасида эса муайян давлат ё юксалади, ёки “ўтмиш”га айланади. Шунинг учун ҳам глобаллашув шароитида давлатни, миллатни асраб қолишнинг асосий омилларидан бири бу “миллий ғоя”ни эътиқод даражасига кўтаришдир. Бу фикримизни профессор С.Отамуратовнинг қуйидаги фикрлари билан асослаймиз: “Миллатни асрашнинг муҳим омилларидан бири, миллий ғоядир. Чунки у миллат дунёқароши, онги, қалби, интилишлари ва мақсадларининг ифодаси ҳисобланади. У қанчалик миллат ҳаётини ифода эттирса, баландпарвозликдан ҳоли бўлса, шунчалик кучли бўлади. Миллий ғоя макон ва замонда кечадиган жараёнларга монанд такомиллаштирилиб, миллат ва халқ онгига, айниқса, ёшлар онгига етказилса, уларда миллатни асрашга бўлган ҳаракатларда самара бўлиши мумкин”[7: 344]. Шундай экан олдимизга миллий давлат суверенитетини, яъни миллатни глобаллашувнинг салбий таъсирларидан асраб қолиш вазифасини қўйган эканмиз, бунинг учун аввало “миллий ғоя”ни замон руҳида қайта кўриб чиқиш, унга инновацион ёндашиш керак бўлади. Албатта, бу ҳаракатларимиз миллий қадриятлардан воз кечиш ҳисобида бўлмастлиги керак. Инновацион ёндашув деганда, муайян ғояга давр талабларидан, ютуқларидан, инсон манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб янги рух, моҳият бахш этиш назарда тутилади. Айниқса, глобаллашув жараёнлари тобора авж олаётган бир даврда у билан ҳисоблашмасликнинг имкони йўқлигига янада амин бўлиб бормоқдамиз.

дамчи ўқув қўлланма. –Т.: Мовароуннахр, 2016.

5. Пахрутдинов Ш.И. Жўраев Т.А. ва бошқалар. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва хушёрлик тамойиллари / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. –Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2008.

6. Ғойибназаров Ш.Оммавий маданият. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

7. Отамуратов С. Глобаллашув: Миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари) –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2011.

2. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик /Иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси /Иккинчи нашр/ - Тошкент.: Адолат, 2011.

4. Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя: Ёр-

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ ВИРТУАЛ ТАҲДИДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Нуриймон
АБУЛҲАСАН
ЎЗМУ мустақил
тадқиқотчиси

Ушбу мақолада диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш олиб бориш заруратига эътибор қаратилиб, диний мазмундаги замонавий виртуал таҳдидларни амалга оширишда ахборот қуролаидан фойдаланиш ҳолатлари таснифи амалга оширилади. Диний мазмундаги ахборотларни тарқатишда лоббизм, тарғибот юритиш каби воситалардан фойдаланиш, виртуал таҳдидларни асл мақсад, манбалари ва жамият сиёсий барқарорлигига кўрсатадиган салбий таъсирлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: диний мазмундаги виртуал таҳдид, ахборот қуролаиди, компьютер жинойатчилиги, лоббизм, тарғибот, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар.

Жаҳонда бугунги сиёсий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлиб келаётган диний мазмундаги виртуал таҳдидлар сиёсий фанларнинг эпистемологик қонуниятлари асосида ўрганишга зарурат кучайиб бормоқда. Маскур тадқиқотда ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш соҳасидаги мураккаб илмий концептуал муаммоларни чуқур ўрганиш, ёшларни диний эътиқодини мустаҳкамлашда виртуал тармоқ имкониятларидан рационал фойдаланиш, инсоннинг миллий ўзлигини англашида виртуал маконда тарқатилаётган диний ғояларни асл табиатини илмий нуқтаи-назардан ўрганишнинг аҳамияти кўрсатиб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ахборот жамиятининг шаклланиши шароитида сиёсий, маданий, ижтимоий ҳаётда диннинг роли тобора ортиб бормоқда. Аксарият ахборотлашган жамият назарийгчилари бу жараёни десекуляризация ёки “секуляризмнинг чекиниши” деб баҳолашмоқда. Шубилан бирга, оммавий ахборот воситаларининг ўсиб бораётган роли билан ажралиб турадиган глобал ижтимоий ўзгаришлар жамиятнинг диний соҳасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Медиа канали сифатида интернет ўзининг ноёб хусусиятлари - мультимедия, гипертекстуаллик ва интерактивлик туфайли диний жамоаларнинг ахборот соҳасидаги эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилмоқда. Интернет ўзининг ахборотни тақдим этиш форматларининг мослашувчанлиги, горизонтал алоқаларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти, шахсий ахборот майдони яратиш қобилияти орқали диний ахборотларни кенг оммага ёйиш, диний жамоа аъзоларининг ички ўзаро муносабатларини ўрнатиш жараёнида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга оширишда қуйидаги ахборот қуролаидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда:

1. Инсон онгига махфий равишда таъсир кўрсатишнинг ахборотга оид услублари ва усуллари: инсоннинг онгини ўзгарувчан ҳолатга олиб киргандан сўнг унинг тасаввурига таъсир кўрсатиш услублари; психикага таъсир ўтказувчи компьютер ўйинлари, дастурий маҳсулотларга суггестологик (ғайририхтиёрий равишда ишонтирувчи) қўшимчаларни киритиш, аудио, видео ва киноёзувлар; нейролингвистик ва ишоравий дастурлаш услублари, паранормал усуллар (масалан, вербал ва бошқа ахборот усуллари орқали экстрасенсор таъсир). Қатор

This article focuses on the methods of implementing virtual threats of religious content and the need to combat them, and classifies the use of information tools in the implementation of modern virtual threats of religious content. The use of tools such as lobbying, advocacy in disseminating religious information, and the negative impact of virtual threats on the original purpose, sources, and political stability of society were analyzed.

В данной статье проводится классификация случаев применения информационного оружия при реализации современных виртуальных угроз религиозного содержания, акцентируется внимание на методах реализации виртуальных угроз религиозного содержания и необходимости борьбы с ними. Проанализировано использование таких инструментов, как лоббирование, пропаганда при распространении информации религиозного содержания, негативное влияние виртуальных угроз на исходные цели, источники и политическую стабильность общества.

мутахассилар психик-жисмоний қуроли, қуролининг ушбу турининг инсон психикасига ахборот орқали таъсир кўрсатиш қисмига тааллуқли, деб ҳисоблайдилар (масалан, компьютер психологик вируслари). Мисол учун, Carbanak кибер жинойатчилик гуруҳи ҳамда унинг SWIFT номли хакерлари банк ва бир қатор молиявий институтлардан ҳар йили 1 млн АҚШ долларидан зиёд маблағни ўғирлайди. Бу турдаги жинойатларни амалга ошириш катта маблағ келтиргани ҳамда бу жинойатларни фош этиш қийин бўлгани сабабли ҳам, бугун хакерлик жинойатлари ва шунга ўхшаш ахборот хуружлари сони ортиб бормоқда.

2. Ўз ичига шахсий ва оммавий онгга ўз мақсадларини амалга ошириш ниятида психик, рефлексив даражада таъсир кўрсатиш мақсадида қуйидагиларини қамраб олувчи технологиялари ва усуллари: ишонтириш (танқидий қабул қилинмайдиган маълумотни, мантиқ ва идрокни уйғотмасдан туриб етказиш), ўз ғаразли мақсадлари йўлида бошқариш технологиялари, рефлексив бошқариш усуллари ва бошқалар, мажбурлаш (инсонда қўрқув уйғотувчи маълумотни етказиш), ушбу услублар кўпинча жамиятда маълум кайфиятни шакллантириш, маълум ахлоқий йўналишларни киритиш мақсадида ахборот технологиялари орқали амалга оширилади. Масалан, сўнгги бир йил мобайнида “ўргимчак тўри” деб аталмиш интернет орқали “Кўк кит” деб номланган хавфли ўйин МДХ мамлакатлари орасида кенг тарқалди. Баъзи маълумотларга кўра, 2016 йилда Россияда 720, Қирғизистонда 95, Қозоғистонда 33 ўсмирнинг ушбу ўйин туфайли ўз жонига қасд қилишга урингани қайд этилган. Россиянинг “Vkontakte” ижтимоий тармоғида “Кўк кит”, “f57”, “f58”, “4:20 да мени уйғот”, “Китлар денгизи”, “Югурасан ёки ўласан” номи билан 300 дан ортиқ разил суиқасд гуруҳлари мавжуд. Ачинарлиси, уларнинг домига илинаётганлар, асосан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали англаб етмаган ўсмирлардир.

3. Ақлга асосланган ҳолда фикр қилиш даражасига таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари. Бу услубнинг энг оддий усули бу нотўғри ахборот етказиш орқали таъсир кўрсатиш усулидир. Сир эмас, интернетдан фойдаланувчилар сони кўндан-кўнга ортмоқда, ер юзининг деярли исталган нуқтасида интернетга улашиш имкони мавжуд, дунёнинг 200 га яқин давлатида интернет мавжуд. Ахборотлашув жараёнининг ривожланиши компьютер жинойатчилиги ва компьютер терроризми каби янги жинойатларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Янги ва ўрганилмаган жиной соҳа сифатида инсоният учун хавfli ҳисобланган кибертерроризм муаммосини ҳал этиш алоҳида эътибор талаб қилади Интернет тармоғидаги очиқ манбалар орқали биологик, кимёвий ҳаттоки ядро қуролларини тайёрлаш технологияларини ўрганган ҳолда амалга ошириладиган террорчилик ҳаракатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборини тортмоқда. Сайтларни ноқонуний йўллар билан бузиш орқали кибертеррорчилар турли махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Террорчи ташкилотлар ўз сафларини кенгайтириш ҳамда мақсадларига эришишда техника ва интернетнинг сўнгги имкониятларидан устамонлик фойдаланмоқдалар. Шу йўл билан террорчилик ҳаракатлари, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, ўз ғоя ва мафқурасини омма орасида тарқатиш билан бирга интернет фойдаланувчиларига ахборот-психологик таъсир ўтказиш, одамлар ўртасида ваҳима уйғотиш, террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ йиғиш, захарли моддалар, портловчи восита ва қурилмалар ҳамда уларни тайёрлаш технологияси ҳақида маълумот бериш, террорчилик ташкилоти сафига янги аъзоларни қабул қилиш сингари ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Бу каби ҳаракатларни “ИШИД” (“Ислом Давлати”) террорчи ташкилоти томонидан устамонлик билан фойдаланилганида ҳам кўриш мумкин. Бу ташкилот биринчилар қаторида ўз тизимида ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш билан шуғулланувчи мутахассисларни бирлаштирган алоҳида тузилма ташкил этган. Бугунги кунда интернетда тарқатиладиган бу каби маълумотларнинг 80% Яқин Шарқ ҳудудларида фаолият юритаётган террорчи ташкилотларга тегишлидир. ОАВ маълумотлари таҳлили ҳамда жабрланувчиларнинг иқдорларига кўра, радикал ғояларнинг тарқатилиши ва ташкилотга ёллаш ҳаракатларининг аксарияти Facebook, ВКонтакте, Twitter, Youtube каби ижтимоий тармоқларда амалга оширилмоқда.

Хулоса қилганда, биринчидан, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар – бутун Ер шари бўйлаб тарқалган, виртуал тизимнинг барча элементлари учун ягона бўлган умумий мақсадга эришиш доирасида очиқ телекоммуникацион тармоқлар билан бир қаторда ҳисобланадиган сиёсий жараёнлар билан бирлашган турли хил ижтимоий тизимлар ва уларнинг элементлари, ахборот мақонининг сегментлари, интеллектуал ва моддий ресурсларнинг манабалари жамланмасини ўз ичига оладиган ижтимоий тизимлардир. Очиқ телекоммуникацион тармоқлар тизим ҳосил қилувчи бош омил бўлиб ҳисобланади, улар тизим элементлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни таъминлайди.

Иккинчидан, очиқ телекоммуникацион тармоқлар фақатгина ахборот (ахборот-психологик) фаолиятнинг турли субъектлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, уларнинг интеллектуал ва моддий-техник салоҳиятини бошқариладиган ягона тузилмага бирлаштириш, зарурий куч ва воситаларни тезда жамлаш, уларни тезкорлик билан фаолиятнинг асосий йўналишларига сафарбар қилиш (тўплаш) воситаси бўлиб қолмасдан, балки реал вақт режимида ушбу фаолиятни узлуксиз бошқариш ва мувофиқлаштириш жараёнини ташкил қилишнинг ҳам самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзаро ҳаракатларнинг бундай шаклида ижтимоий тузилмалар вақтинчалик (аниқ масалалар ёки масалалар гуруҳини ҳал қилиш учун) ёки доимий асосда бирлашишлари мумкин.

Учинчидан, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар, ташкил қилинганлик ва таъсир ўтказиш даражаси бўйича тармоқ социумларини ортда қолдирган ҳолда, ахборот-психологик маконда ижтимоий муносабатларнинг амал қилишининг тубдан янги барқарор шакли бўлиб ҳисобланади. Виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар унинг ташкилотчилари томонидан улар танлаган давлат (ёки давлатлар гуруҳи) ҳудудида ушбу давлатларнинг ижтимоий тузилмаларининг элементлари ва ахборот-психологик фаолиятнинг бошқа субъектларидан маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мақсадида яратилади.

Тўртинчидан, онлайн ҳамжамияти ўзида ахборот фаолият ва ҳаракатларнинг одамлар, гуруҳлар ва ташкилотлар томонидан интертармоқларда онлайн режимида оммавий тарзда кўчирилишига асосланган фаолият субъектларининг ҳамжамиятни тақдим қилади. Интернетнинг ривожланишига одамлар томонидан ўзларининг ахборот фаоллигини, шунингдек бир-бирлари билан бўладиган ахборотий ўзаро ҳаракатларини анъанавий ахборот-коммуникацион технологиялар билан яратиладиган муҳитдан Internet тармоғининг виртуал муҳитига, яъни онлайнга оммавий тарзда кўчириб ўтказилиши ҳамроҳлик қилади. Шу тариқа Internet-технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий қўйилмаларининг асосий натижаларидан бири жамиятда кўп сонли онлайн ҳамжамиятларининг пайдо бўлишидан иборат бўлади. Онлайн ҳамжамиятлари энг оддий ҳолатда ўзида уларнинг мулоқот қилиши Internet-технологиялардан фойдаланишга (WEB-форумлар, рўйхатлар, жўнатмалар, чатлар ва ҳоказолар) асосланган одамлар гуруҳини тақдим қилади. Мураккаброк бўлган ҳолларда одамлар мулоқот қилишнинг виртуал усулига қўшимча равишда ўзларининг фаолиятларини келишиш ва мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришнинг бозор моделидан ҳам, шажаравий моделларидан ҳам фарқ қиладиган ўзига хос услубларидан фойдаланадилар. Ўзларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятларини онлайн режимида амалга оширадиган одамлар гуруҳлари тўлиқ функционал онлайн ҳамжамиятлари деб аталадиган ҳамжамиятларни ҳосил қиладилар. Масалан, тармоқ иқтисодиёти онлайн ҳамжамиятининг турларидан бири бўлиб ҳисобланади, унда иштирокчилар ўзларининг ўзаро иқтисодий ҳаракатларини Internet-технологиялар воситасида амалга ошириш билан кўпроқ иқтисодий мақсад ва вазифаларни амалга оширадилар. Умумий ҳолатда онлайн ҳамжамиятлари фақатгина иқтисодиётда эмас, балки одамларнинг биргаликдаги фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ҳам вужудга келиши ва амал қилиши мумкин. Янги ахборот технологияларга ўтиш одамларнинг онлайнга кўчиб ўтишларида одамлар ўртасидаги ахборот ўзаро ҳаракатларнинг самардорлигини ошириш имконини беради. Бу инсон фаолиятининг барча жабҳаларида онлайн ҳамжамиятларининг оммавий тарзда шаклланиши учун шароит яратади.

Бешинчидан, тармоқ социуми – бу уларнинг ўзаро ҳаракатлари кўпроқ глобал компьютер тармоқларида бўлиб ўтадиган одамлар гуруҳидир. Ўзининг умумийликка тегишли эканлигини англаш тармоқ социумининг мажбурий характеристикаси бўлиб ҳисобланади, социум аъзолари умумий мафқура (идеология), анъаналар ва ҳоказолар билан ўзаро боғланган бўлади. Социумнинг, тармоқ социуми каби тубдан янги турининг шаклланиши онлайн ҳамжамиятларининг

ривожланишидан бошланган. Реал ҳаётда ҳар қандай гуруҳ ўзаро ҳаракатларга ташқи муҳитда киришади. Тармоқ ҳамжамиятларининг ноёблиги шундаки, улар ташқи муҳит бутунлай бўлмаганда ҳам фаолият кўрсатаверади. Тармоқда нисбатан барқарор ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши шу билан шартланадики, бунда индивидуал мақсадларга эришиш фақатгина гуруҳларни яратиш орқали мумкин бўлади. Аксарият ҳолларда қизиқарли ёки фойдали мулоқот мақсад бўлиб ҳисобланади. Бир кишининг мулоқот қилиши етарлича қийин бўлганлиги учун гуруҳ ташкил қилинади. Бу гуруҳлар гуруҳнинг ўзига нисбатан қандайдир бир ташқи мақсадга эга бўлмайди. Гуруҳ амал қилишининг бутун мазмуни гуруҳнинг ичида жойлашади, гуруҳ ўзининг аъзоларининг манфаатларига хизмат қилиш учун яратилади ва шундан ортиқ нарсани кўзда тутмайди. Гуруҳ аъзолари бир-бирларини “тугатишлари биланок”, гуруҳ тарқалиб кетади. Бу - гуруҳга нисбатан ташқи мақсадга эга бўлган тармоқ ҳамжамиятларига – тармоқ воситасида фаолиятни амалга оширадиган масофадан туриб ўқитиш гуруҳларига, турли хил тижорат тузилмалари ва шунга ўхшашларга тегишли бўлмайди.

Олтинчидан, виртуал коалициялар – бу ахборот жамияти ва глобал ахборот макони учун характерли бўлган геосиёсий рақобат субъектларидир. Геосиёсий рақобатнинг глобал ва ҳудудий даража – давлатлар ва давлатлараро ҳар хил коалициялар даражасида амал қиладиган анъанавий субъектларидан ташқари, ахборот маконида геосиёсий курашни ҳам ўз ичига оладиган принципиал янги ҳосил бўлишлар – “виртуал” иттифоклар ва коалициялар вужудга келади, уларга давлатлар, фаолият кўламлари глобал характерга эга бўлган (яъни каттагина географик ҳудудларни ва ёки ахборот маконининг сегментларини қамраб оладиган), фаолият натижалари эса халқаро даражада давлатлар ва уларнинг коалицияларининг сиёсати таъсир кўрсатадиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган трансмиллий корпорациялар, медиа-холдинглар ва ҳоказолар тенг ҳуқуқлар асосида кириши мумкин. Бунда давлат суверенитети, ўзининг ҳудудси ва аҳолисига эга бўлиш ҳеч қачон субъектнинг геосиёсий рақобатда иштирок этишининг мажбурий шarti бўлиб ҳисобланмайди, бу ахборот маконининг индустриал макондан сезиларли даражада фарқ қилишини таъминлайди.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Diniy ekstrimizim va terrorizim bilan bog'liq jinoyatlarni oldini olish hammaning burchi [It is everyone's duty to prevent crimes related to religious extremism and terrorism]. Available at: <http://auz.uz/news/diniy-ekstrimizim-va-terrorizim-bilan-boglik-zhinoyatlarni-oldini-olish>. (accessed 24.12.2019)
2. Maxmudov T. Mustaqillik va ma'naviyat (Independence and spirituality) Tashkent: Sharq, 2001.
3. Paxrutdinov Sh., Nazarov N. Milliy totuvlik – tahdidbardoshlik omili [National harmony is a threat factor]. Jamiyat va Boshqaruv, 2005, no 3
4. Xo'jamurodov I.R. Problema formirovaniya natsionalnogo (etnicheskogo) somosoznaniya uzbekskogo naroda i vliyaniye na nego Islama. Avtoref. diss. doktora filol. nauk [The problem of forming the national (ethnic) identity of the Uzbek people and the influence of Islam on it. Abstract. Diss. Dr. filol. sciences]. Tashkent, 1994.

ЎРТА ОСИЁДА АЁЛЛАР ВАҚФЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқтам СУЛТОНОВ
ЎзР ФА Шарқшунослик
институтини етакчи
илмий ходими, т.ф.д.

Мақолада XV-XX аср бошларида Ўрта Осиёда аёллар вақф хайрияларининг айрим хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, аёлларнинг ўз вақфлари орқали бунёдкорлик ва ободончилик, авлодлари эҳтиёжи ҳамда ўзлари ва яқинларининг мақбараларидаги қорилар учун ажратилган вақфлар ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: вақф хайриялари, зодагон аёллар, ўртаҳол аёллар, вақф таъсисчилари, суфа қурилиши, донатор, маҳр, ҳадя, вақфномалар.

The article analyzes some features of the women made endowments in Central Asia between fifteenth and early twentieth centuries. Particularly, it focused on women's waqf endowments which contributed to improvement and development in cities, needs of their descendants and for reciters of the Holy Qur'an in their shrines and those of their relatives.

В статье анализируются некоторые особенности вакфных пожертвованных женщин Средней Азии в XV – начале XX вв. В частности, подробно обсуждаются вопросы о вакфах, предназначенных для возведения и благоустройства религиозных учреждений, нужд своих потомков, а также для чтецов Корана, служащих в тех мавзолеях, в которых будут покоиться сами вакфодательницы или где уже погребены их родственники.

Вақф хайриялари мусулмон жамиятининг ҳам маданий-маънавий ҳам иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлгани маълум. Дарҳақиқат ўрта асрлардаги бунёдкорлик, савдо ва ҳунармандчилик, таълим, ижтимоий ҳимоя соҳалари бевосита умумхалқ фойдасига берилган вақф хайрияларининг (хайрий вақфлар) мавжудлиги боғлиқ бўлган. Вақф таъсисчиларининг кўпчилигини эркаклар ташкил қилган. Бироқ, бу ишда аёллар ҳам фаол иштирок этган. Айниқса, зодагон аёллар ўзлари таъсис қилган йирик вақф хайриялари билан тарихда қолган. Кейинги асрларда ҳатто ўртаҳол аёллар ҳам ўз вақфлари орқали ободончилик ва таълим ривожига ҳисса қўшганлар. Ҳеч бўлмаганда яқинлари ва фарзандлари ҳаётини иқтисодий таъминлаш мақсадида ўзларининг хусусий мулкларини оилавий вақфга (авлодий вақф) айлантирганлар. Мақолада Ўрта Осиёда вақф мулклари таъсис этишда аёллар иштирокининг айрим хусусиятларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Ўрта Осиёдаги илк вақфлардан бири Исмоил Сомоний (х.й. 892-902) вақфияси номи билан машҳур бўлиб, у айрим ўзгаришлар билан XIX асрда ҳам фаолият юритган. Лекин минтақанинг XIII асргача бўлган даврдаги аёллар таъсис этган вақфлар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот учратилмаган. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда аёллар таъсис этган бир неча вақф муассасалари ҳужжатлари асл ёки кўчирма нусха ҳолида етиб келган. Улардан бири Бухородаги Ойбиби иноқ жомеъ масжиди вақфидир. Унинг 1205/1790 йилда Бухоро қозихонасида янгиланган вақфномасига қараганда,

бу аёлнинг исми Ойхоним, отаси эса ҳукмдор (Султон ал-аъзам ва ҳоқон ал-акрам) бўлган. Жомеъ номининг Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1420) хонақохи вақф хужжатига ҳам учраши унинг анча олдинги даврга оидлигига ишора қилади [2: 111; 8]. Самарқанд ҳокими, темурий Султон Аҳмад мирзонинг (ҳ.й. 1469-1494) хотини Ҳабиба Султон бегим вақфи эса ўз даврининг мухташам бир иншооти фойдасига ажратилган. Бу аёл Самарқандда, Хожа Абдидарун мозори ёнида эрининг синглиси яъни, темурий Абу Саид мирзонинг (ҳ.й. 1451-1469) қизи Хованд Султонбека қабри устига Ишратхона (Ашратхона – ўнта хона) номли иншоот қурдирган. 868/1464 йилда бинога экин ерлар ҳамда бу ерларда ишлаш учун 33 та қул, 20 жуфт ҳўкиз, 12 та туя вақф қилган [1: 124-128; 5: 265; 19]. Шарият аҳкомларига кўра кўчмас мулк вақф қилиниши лозим бўлган. Шу сабабли бу ҳолат минтақада қулар ва ишчи ҳайвонлар вақф қилинган камёб вақф хайрияси сифатида муҳим.

XVI асрнинг 20-йилларида шайбоний Темур Султоннинг (ваф. 1514) хотини Меҳр Султон хоним таъсис қилган вақфни минтақада аёллар томонидан амалга оширилган энг йирик вақф хайрияси дейиш мумкин. Бу саховатпеша аёл қайинотаси Муҳаммад Шайбонийхон (ўлд.й. 1510) Самарқандда қуришни бошлаган Мадрасаи Олияи Хония номли мадраса мажмуасининг донатори сифатида тарихда қолди. Чунки Мадрасаи Жанубия ва Мадрасаи Шимолия каби икки қисмдан иборат бўлган бу мажмуа қурилиши Муҳаммад Шайбонийхон ҳамда унинг ўғли Темур Султоннинг ҳарбий юришлари даврида тугалланмай қолганди. Меҳр Султон хоним вақфи билан мажмуадаги Мадрасаи Шимолия биноти, ўттиздан ортиқ Шайбонийлар хонадони вакиллари дафн этилган суфа қурилиши ҳамда бошқа ободончилик ишларини ҳам амалга оширган эди. Бу мажмуа учун Меҳр Султон хоним тарафидан Самарқанд ва Қашқадарёда ўнга яқин мавзелар, боғлар ҳамда 40 га яқин савдо-хунармандчилик объектлари (дўкон, тимча, корхонаи қоғазгари), кўчмас мулклар (ҳаммом, тегиримон) вақф қилинган. Вақф даромадлари икки мадраса, уларнинг таркибидаги кутубхона, масжид ва мажмуадаги бошқа объектлар эҳтиёжи учун сарфланган [3: 21].

Яна бир йирик вақф мулки муассиси шайбоний ҳукмдор Убайдуллахоннинг (ҳ.й. 1533-1539) хотини Қозоқ хоним номи билан танилган Қутлуқ Султон хоним эди [2: 108-109]. Убайдуллахон Бухорони пойтахт қилган илк шайбоний эди. Шу сабабли унинг хотини Қозоқ Султон хонимнинг янги пойтахтдаги бунёдкорлик фаолияти ўша вақтда сиёсий-мафкуравий аҳамиятга ҳам эга эди. Ҳукмдорларнинг хотинлари ёки қизлари таъсис этган вақфлар баъзан жуда ҳам йирик, баъзан кичик бўлиши ҳам мумкин. Масалан, аштархоний Абулфайзхоннинг (ҳ.й. 1711-1747) қизи Шамиябонунинг Баҳроуддин Нақшбанд мазоридидаги мадрасага (1232/1816 й.), бошқа бир қизи Шайхзодабонунинг Чилдухтарон масжидига (1239/1823 й.) ажратган вақф ерлар анча кичиклиги (тахм. 40-50 таноб) билан ажралиб турган. Амир Ҳайдарнинг хотини Биби Подшоҳнинг Боло Ҳовуз мадрасасига (XX аср боши) ҳамда ушбу ҳукмдорнинг қизи Анбар ойимнинг ўз мақбарасига (1239/1824 й.) ажратган вақфлари эса жуда йирик (1300 дан 10000 танобгача) бўлган.

Кейинги асрларда ҳукмдорлар хонадони, дунёвий ва диний зодагонлар оиласига мансуб аёлларнинг хайрий ва авлодий вақф мулкларини ташкил этишдаги иштироки анча ортди. Масалан, аштархонийлар вазири Нодир девонбеги ибн Садрийнинг Жуйбор хожаларидан бири билан никоҳланган қизи Оғажонбегим 1058-1071/1648-1660 йиллар давомида бир неча бор Жуйборийларнинг Чорбақрдаги оилавий мозори ҳамда ўз фарзандлари фойдасига умумий ҳажми 1000 танобдан ортиқ экин ерлар, боғлар, дўконлар ва бошқа кўчмас мулклар вақф қилган [9; 16]. Жуйбор хожаларидан Абдурахимхоннинг қизи Ойпошша биби эса 1081/1671 йилда ўзининг Бухоро ва Балхдаги мулкларининг катта қисмини Сумитон мавзеидаги Чорбақр (Жуйбори калон) мадрасаси ва бобоси Хожа Саъд мазорига вақф қилган. Ўша вақтда унинг Хайрабод ва Қоракўл туманларидаги хайрия қилинган ерларнинг ўзи 450 танобни ташкил этган эди [6; 7]. XIX асрдан бошлаб бундай миқдорда ер вақф қилиш кам учрайди. Улардан бири Улуғ ойим бинти Тўрахожа томонидан 400 таноб ер 1264/1848 йилда Тошкентдаги қорихонага вақф қилинган [18]. Лекин кейинроқ аёлларнинг бундай йирик вақфлари деярли учрамайди. Бунинг ўрнига Бухоро, Хива, Қўқон пойтахт шаҳарларда аёлларнинг мадраса ва масжидларга ҳамда таниқли мутасаввифларнинг мазорлари фойдасига қилган ўрта ва кичик ҳажмдаги вақфлари ортган. Бундай вақфлар оз бўлса-да, Тошкентда ҳам учраб туради. Масалан, машҳур Шахрисабз беги Бобобек Ҳакимбек ўғлининг Тошкент шаҳри Шатак маҳалласида қурдирган масжидига 1913 йилда синглиси Хуморойбека бир ҳовлини, 1919 йилда эса қизи бир дўконни вақф қилган.

Зодагон аёллар авлодий вақфлар ташкил этишда ҳам фаол қатнашган. Жумладан, юқорида тилга олинган Оғажонбегимнинг 1071/1660 йилдаги вақфларининг катта қисми унинг ўғиллари учун ажратилганди [9; 16]. XVIII асрга келиб ўртаҳол табақага мансуб аёлларнинг ҳам ўз фарзандлари учун 5 танобдан 100 танобгача бўлган ерларни вақф қилиш ҳолати анча ортди.

XVIII-XIX асрларда вақф таъсисчилари бўлган аёлларнинг катта қисми ўз мулкларини вафотидан сўнг дафн этиладиган жойдаги Куръони карим ўқувчи - мақсураҳон учун олдиндан вақф қилиши урф бўлди. XVII асрда бундай вақфлар жуда кам бўлиб, улар асосан юқори табақа аёлларига тегишли эди. Масалан, 1106/1695 йилда Фалакий бегим бинти Баротбий 40 таноб ерни машҳур мутасаввиф аёл Оғойи Бузрук мазоридидаги ўзининг бўлажак қабри ёнида ўтирадиган мақсураҳон учун вақф қилган [10]. XIX асрда, айниқса Бухорода бундай вақфларни эркага аёл вафотидан олдинроқ амалга ошириш оммалашди ва бу анъана жамиятнинг ўртаҳол қатлами орасида ҳам ёйилган. Айрим аёлларнинг ўз мақсураҳонларига қилган вақфлари жуда йирик эди. Хусусан, амир Шохмуроднинг (ҳ.й. 1785-1800) қизи Анбаройимнинг Хожа Ҳабибуллоҳ мазоридидаги ўз учун аталган мақсураҳонга хайрия қилган 1500 таноб ер (1239/1824 й.), бухоролик Ойпошша бибининг ўз қизи Гавҳархоним мақбараси учун хайрия қилган 700 таноб ер (1233/1817 й.) улар орасида энг йирикларидир [11; 17].

XIX аср охирида Бухорода “Ҳарамайн вақфлари”, яъни Пайгамаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг (с.а.в.) Мадинада қабри учун кўчмас мулклар (дўкон, уй ёки кичик ер майдонлари) ва пуллар вақф қилиш нисбатан ортган [20: 213-233]. Бу жараёнда аёллар ҳам фаол иштирок этган. Жумладан, Муқаддас бегим бинти Ҳожи Абдурауф карвонбоши 1326/1908 йилда Пайгамбар алайҳиссалом (с.а.в.)нинг Мадинадаги қабри учун 50000 Бухоро мис тангасини вақф қилган [13]. Лекин аёлларга тегишли бундай вақфларнинг молиявий ҳажми эркаларникига қараганда анча кам [12; 14; 15].

Аёлларнинг вақф хайриялари 1928 йилда Ўзбекистонда вақф мулкчилиги тугатилгунга қадар давом этди. Лекин вақф қилиш қўлами ТАСР (1918-1924 йй.), БХСР (1920-1924 йй.), ХХСР (1920-1924 йй.) ҳукумати йилларида секин аста камайиб

борди. Таҳлиллар аёлларнинг вақф хайриясидаги иштирокида ҳудудлар бўйича ҳам катта катта фарқ мавжуд. Масалан, XIX асрда Бухоро ва Хива шаҳарларида аёлларнинг вақф хайриясида фаоллашгани яққол кўзга ташланади. Йирик шаҳарлардан бўлган Тошкентда эса 1800-1900 йиллар давомида қайд қилинган аёллар вақфлари кўшни ҳудудларга нисбатан жуда паст, яъни 5% ташкил қилади [4: 20].

Демак, вақф таъсис этувчи аёлларнинг ижтимоий таркибини асосан ўз хусусий мулкига эга зодагон ва қисман ўрта аёллар ташкил этган. Аёллар мерос, маҳр ёки ҳада шаклида кўринишида тўпланган мулклар, ўз мулкларидан келадиган даромад ҳисобига ҳам бойиб борган. Баъзи аёллар таъсис этган вақф хайриясига ўзини мутавалли этиб тайинлаш орқали уни ўз назоратида ушлаб турган. Умуман олганда, сақланиб қолган юзлаб вақфномалар Ўрта осийлик аёлларнинг бунёдкорлик, хайрия ишларидаги фаолиятини, ўша давр аёлларининг хоҳиш-истакларини очиб беради. Катта бойликка эга бўлган зодагон аёллар ўзларининг вақф хайриялари билан йирик иншоотлар бунёд қилиш билан тарихда қолди. Улар орасида Ишратхона, Мадрасаи Олия, Ойбиби иноқ, Биби Халфа номидаги мақбара, мадраса ва жомеълар Самарқанд ва Бухородаги ҳашаматли иншоотлардан эди. Бу иншоотлар бир неча асрлар давомида фаолият кўрсатди. Натижада шаҳарнинг бу қисмлари ўша аёлларнинг номларини олди. Аёллар томонидан бунёд этилган бу иншоотларнинг бир қисми бугунги кунда ҳам сақланиб қолган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вяткин В.Л. Вакуфный документ Ишратхана / Мавзолей Ишратхана. Ташкент, 1958. С.111-136
2. Джураева Г.А. Именитые женщины позднесредневековой Бухары // Узбекистан в средние века: история и культура. Ташкент, 2003. С.106-114.
3. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам "Вақф-наме". Ташкент, 1966. 354 с.
4. Султонов Ў.А. Тошкент вақф ҳужжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI-XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2016. 92 б.
5. Чехович О.Д. Новая коллекция документов по истории Узбекистана // Исторические записки. №36. 1951.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗРМДА). И-323-фонд, 1-рўйхат, 96-ҳужжат.
7. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 115/4-ҳужжат.

8. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 129/10-ҳужжат.
9. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 568-ҳужжат.
10. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 718-ҳужжат.
11. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 849-ҳужжат.
12. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 892-ҳужжат.
13. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1030-ҳужжат.
14. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1031-ҳужжат.
15. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1041-ҳужжат.
16. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1181/4-ҳужжат.
17. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1295/48-ҳужжат.
18. ЎЗРМДА. И-323-фонд, 2-рўйхат, 1428-ҳужжат.
19. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. 72 йилга жилд, 515-ҳужжат.
20. Reichmuth Ph. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. PhD thesis manuscript. Martin-Luther-Universität. Halle (Saale), 2010. 310 p.

МИЛЛИЙ ЛИБОС – МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА

Темур ИБАЙДУЛЛАЕВ
Жиззах политехника
институтини ўқитувчиси

Мақолада миллий маданиятимизнинг муҳим омили бўлмиш либоснинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, шунингдек ёш авлодни миллий либосларимизга бўлган эътиборини кучайтириш орқали ватанпарварлик руҳини синдириш, анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги фикрлар илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: маданият, миллий қадриятлар, миллий либос, ватанпарварлик, ёшлар, ўзликни англаш, "оммавий маданият".

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бизнинг азалий миллий қадриятларимизни тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб тарих саҳнасига чиқди. Буни биз Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканлигимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улғу ва бетақрор мероснинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор [3: 1] – деб таъкидлаганидан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, миллий либослар миллий маданиятимизнинг муҳим ажралмас қисми сифатида қадрият даражасига кўтарилганлиги бу унинг ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, либос инсоният тарихи ва маданиятининг дастлабки зарурий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У этник қиёфа кўрсаткичларидан бири бўлиб,

In the article was analyzed the main factor, opinions on the meaning and role of national clothes in society and also, on the basis of the scientific literature, to make an analysis of the development of the significance of national clothing and to impregnate patriotic spirit with the help of increasing the attention and attitudes of young people towards them and their traditions.

В статье проанализированы место и значения одежды в обществе, являющейся важным фактором национальной культуры, а также рассмотрены мнения на основе научной литературы о важности национальной одежды в воспитании молодежи в духе патриотизма, сохранения и развития традиций.

халқнинг нафақат моддий, балки маънавий қадриятидир. Либос тахминан 40-45 минг йиллар илгари пайдо бўлиб, ҳамма вақт ва ҳамма учун зарур бўлгани ҳамда либоссиз бирор одам яшай олмаслигини ҳисобга олсак, у ўта муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлди [5: 2]. Шу билан бир қаторда олимларимиздан Х.Исмоилов либослар ҳақида "халқ турмушига мос, ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган кийимлар даврдан-даврга ўтган сайин шаклланиб, халқнинг анъанавий миллий кийимлари мажмуасига айланиб боришини алоҳида таъкидлаб ўтган [2: 3].

Шу ўринда, ўзбек халқининг кийиниш маданиятида шундай муаммолар намоён бўлмоқдаки, унга жиддий қарамастикнинг иложи йўқ. Ҳозирги вақтда, юртимизда чет эл модасини тарқалиши, ҳатто, бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир томондан, калта, очик, «ярим яланғоч» Ғарб модаси, иккинчи томондан, ҳамма томони беркитилган, фақат кўзи очик – ҳижоб каби либослар ҳаётимизга кириб келиши, бу борада жиддий муаммолар борлигидан

далолат беради.

Бироқ ҳозирги даврда ёшлар ҳаётига четдан киб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” таҳдидларидан асраш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб турган бир вақтда миллий қадриятларимизни, жумладан миллий либос борасидаги анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантириш муҳим ўрин тутаяди. Шунингдек, айрим ўзини “ўта замонавий” ҳисоблаган шахслар “Оммавий маданият” ниқоби остида миллий либосларимизни эскилик сарқити, маданиятсизлик, шахс эркинлигини бўғувчи занжир каби нотўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилаётганликлар ҳам сир эмас. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: “Ҳарбий либослар миллийлигимизни акс эттирадиган, тарихда қоладиган бўлиши керак”[9: 4] дея таъкидлаб кийиниш маданиятимизда ҳам миллийликни сақлаш муҳим эканлигига эътибор қаратади.

Тарихга назар ташлаб кийиниш ҳақидаги дастлабки маълумотларни биз аввало “Авесто”, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк”, Геродотнинг “Тарих”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” каби асарларидан топамиз[5: 5]. Ушбу асарларда анъанавий либослар халқларнинг яшаш тарзи, иш фаолияти, маълум касб эгалари ва қатламларига қараб ажратилганлиги, улардаги ўзига хослик ҳамда ўхшашликлари ҳақида фикр юритилади.

Бугунги кунга келиб тадқиқотчиларимиздан Н.Содиқова – ўзбек миллий кийимларини, Ш.К. Нуруллаева – либоснинг этнографик жиҳатларини (Хоразм вилояти қесимида), [4: 6] М.Ю. Ибраимова миллий либосларни тақинчоқлар билан биргаликда (Сурхондарё вилояти мисолида), [1: 7] У.Раҳматуллаева эса миллий либосларда анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги масаласини тадқиқ қилганлар[6: 8]. Аммо тадқиқотчиларимизнинг либосни маданий тараққиётдаги муаммоларини ўрганишга асосий эътибор қаратишмаганлиги мавзудаги очик қолган масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, миллий маданиятимизни миллий либосларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳамда миллий либослар бир неча минг йиллардан бери яшаб келаётган халқлар бой маданий мероси, шу билан бирга уларнинг анъаналари, яшаш тарзи, иш фаолияти ҳақида қаттагина маълумот ҳам беради. Миллий либослар нафақат инсонларнинг табиий ва эстетик эҳтиёжларини қондиради, шу билан бирга уларда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, ижтимоий муносабатлари, мафқуранинг баъзи бир элементлари, диний эътиқод, нафосат ва эстетик нормалари ўз аксини топган[7: 9].

Бугунги кунга келиб миллий либосларнинг давомийлигини сақлаш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишни йўлга қўйиш мақсадида турли хил амалий ишлар олиб борилаётганлигини 2019 йилнинг 21-22 март кунлари Қашқадарё вило-

ятининг Шаҳрисабз шаҳрида II халқаро миллий либослар фестивали ўтказилганлигидан кўриш мумкин[8: 10].

Унда Ўрта Осиё ва Европа давлатларининг дизайнерлари ўзларининг миллий либосларини намойиш этиб, ўзининг этник либосларида халқнинг миллий ўзликни англаш ва этник такомиллашиш шароити билан вужудга келган ҳамда у инсон руҳияти, характери, ахлоқи, дунёқарashi, ички гўзаллиги, диди ҳамда маданиятини акс эттирувчи омилларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилишди.

Жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар ва янгилишларни барчасининг негизида миллий қадриятларимизни келажак авлодга етказиш масаласи турган бир даврда бизлар миллий либосларимиздан фақатгина миллий байрамларимизда ҳамда миллий урф-одатларимизни бажариш жараёнларидагина фойдаланаётганимиз ачинарли ҳолатдир.

Мана шулардан келиб чиқиб, ёшлар ва халқимиз онги ва маданиятига миллий либосга бўлган ҳурмат ва эътиборлик туйғусини шакллантириш йўлида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Иккинчидан, мамлакатимиз аҳолисини миллий либосларимизга бўлган эътиборини янада кучайтириш мақсадида халқаро, Республика, вилоят ва шаҳар-туманлар миқёсида турли илмий анжуманлар, фестиваллар, давра суҳбатлари ҳамда танловларни янада кенг қўламда олиб бориш.

Учинчидан, ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш, ўзлигини англашда миллий либоснинг муҳим аҳамиятини таълим-тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тўртинчидан, интернет тармоқларида миллий либосларимизни тарғиб этадиган, аҳолининг либосларимизга бўлган фикрини ўрганадиган сўровномаларга эга бўлган сайтларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, миллий либосга “Оммавий маданият”нинг таъсирини аниқлаб, уларни бартараф этишда аниқ механизмларини ишлаб чиқиш.

Олтинчидан, миллий байрамлар ва маълум урф-одатларни бажариш вақтларида барча ватандошларимизни миллий либосларда чиқишларини тарғиб қилиш.

Еттинчидан, барча либосларга миллийликни акс эттирувчи белгиларни ишлатилишини йўлга қўйиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, миллий маданияни миллий либосларсиз тасаввур этиб бўлмай, унинг асосий ва муҳим элементи миллатнинг маданият даражасини кўрсатадиган, инсонни руҳияти, характери, ахлоқи, дунёқарashi, ички гўзаллигидан дарак берадиган ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган омиллардан ташкил топганлиги билан муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибраимова М.Ю. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари (XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари): тарих фанлари номзоди...учун диссертация. –Т.: 2004.
2. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. –Т.: Фан, 1978.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз 17-том. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Нуруллаева Ш.К. Традиционная одежда узбеков Хорезмского оазиса (Конец XIX – первая половина XX века): ав-

тореф... дисс. канд. исторических наук. –Т.: УрГУ, 2011.

5. Қорабоев У.Х. Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2018.

6. Раҳматуллаева У.С. Ўзбек халқининг кийиниш маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндошув). Фалсафа фанлари номзоди учун автореферат. –Т.: 2010.

7. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). –Т.: Шапқ, 2003.

8. <http://uza.uz/oz/society/sha-risabzda-ii-khal-aro-milliy-liboslar-festivaliga-tayerga-16-03-2019>

9. <http://www.president.uz/uz/lists/view/1581>

СУРИЯ ИНҚИРОЗИ ДАВРИДА ТУРКИЯ-РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Ҳабибуллоҳон АЗИМОВ
ЎзХИА ўқитувчиси

Мақолада Сурия инқирозининг вужудга келиши ва ривожланиши, Анқара ва Москванинг унга муносабати кўриб чиқилган. Сурия инқирози юзасидан Туркия ва Россия ўртасидаги мунозарали масалалар, тортишувларга сабаб бўлган мавзулар, шунингдек, келажакдаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: Туркия-Россия муносабатлари, Сурия инқирози, СУ-24 самолёт можароси, Демократик бирлик партияси, Курдистон ишчи партияси.

The article discusses the emergence and development of the Syrian crisis and the reaction of Ankara and Moscow to it. It also examines the political dialogue between Turkey and Russia on the Syrian crisis, including on controversial topics, as well as the prospects for its international settlement.

В статье рассматривается возникновение и развитие сирийского кризиса и реакция Анкары и Москвы на него. Также исследуется политический диалог между Турцией и Россией по сирийскому кризису, в том числе по спорным темам, а также перспективы его международного урегулирования.

СССРнинг парчаланиши, шубҳасиз, халқаро муносабатларда туб ўзгаришларни келтириб чиқарди. Янги халқаро жараёнлардан энг кўп таъсирланган мамлакатлардан бири Туркия бўлди. СССР тарқалиши билан туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ҳамжамиятининг шаклланиши имкониятларининг кенгайгани Туркия ташқи сиёсати учун қулай тарихий фурсат сифатида баҳоланди. Шунингдек, қўшни Кавказ минтақаси ҳам Туркия учун янги таъсир майдонига айланиши мумкин, деган фикрлар билдирилди. Айтилган вақтда, Туркия-Россия сиёсий-иқтисодий муносабатлари ҳам ҳар икки томон учун ўз аҳамиятини сақлаб қолаверди [1].

“Араб баҳори” туфайли Яқин Шарқда кучайган можаролар ва беқарорлик қисқа фурсатда Туркия чегараларига етиб келди. Сурияда бошланган ички муаммолар Туркиянинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида акс-садо бера бошлади. Айтилган пайтда, Суриядаги воқеалар ривожидан манфаатдор давлат сифатида Россия ҳам ушбу можаронинг амалдаги иштирокчиларидан бирига айланди [2].

Суриядаги сиёсий беқарорликнинг бошланиши 2011 йилнинг февралда ўқувчиларнинг мактаб деворига “Сизнинг навбатингиз келяпти, Доктор”, деб ёзиши воқеасига нисбат берилади. Шундан сўнг, 2011 йилнинг 15 мартда Даръа шаҳрида давлат сиёсий режимига қарши катта намоиш бўлиб ўтди ва бу муайян даражада тинчликни издан чиқарди. Воқеалар ривожланар экан, 2011 йилнинг кузига келиб АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатдаги сиёсий вазиятни тиклаш учун Асаднинг истеъфосини талаб қилди.

Сурия ҳукуматида албатта, мамлакатда пайдо бўлган турли гуруҳларга минтақадаги хавфсизликка таҳдид кучлари сифатида қаралди. Уларга қарши курашиш важи билан 2014 йилнинг сентябридан АҚШ, 2015 йилдан Россия ўз қўшинларини Сурияга олиб кирди ва уруш ҳаракатлари амалий тус олди.

2015 йилнинг 18 декабрида БМТ Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинган Сурия масаласи бўйича №2254-сонли резолюция аслида инқирознинг олдини олиш учун тинчлик сари ташланган дастлабки қадам эди. Ундан Суриядаги мухолиф кучлар ва Асад режими иштирокида суҳбатуш, қисқа муддатда сайлов ўтказиш ва сўнг ИШИД таҳдидини бартараф этишда ҳамкорлик қилиш каби масалалар ўрин олган эди. Бу жараёнда кимлар мухолифат ичидалиги муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, унда мухолифатга кимлар киритилмаслиги кўп муҳокама қилинди ва террорчи гуруҳлар улар орасидан чиқариб ташланиши айтилди.

Суриядаги инқироз юзасидан Туркия ҳам, Россия ҳам ўз манфаатлари йўлида сиёсат юритиб келмоқда. Россия

учун Сурия ўртаер денгизи нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда Россия учун ўзининг манфаатли позициясини сақлаб қолиш стратегик муҳим масаладир. Маълумки Суриянинг Тартус вилоятида Россиянинг ҳарбий денгиз флоти жойлашган. Россия Асадни қўллаб-қувватлаш орқали амалдаги муносабатларни сақлаб қолишга интилиб келмоқда [3].

Россиянинг Сурияда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши мураккаб вазиятда қолган ва давлат бошқарувини қўлдан чиқарган Асадни яна кучайишига имкон яратди. Россиянинг Сурияда кўпроқ таъсир кучига эга бўлиши ва ИШИДга қарши кураши унинг ички сиёсати нуқтаи назаридан ҳам муҳим эди. Хусусан, Россиядан ИШИДга қўйилаётганларнинг кўпайиши ички ижтимоий муносабатларга жиддий таҳдидлар хавфини вужудга келтираётган эди. Таҳлилчиларнинг фикрича, Россиянинг Сурия воқеаларида фаол иштирок этишдан учта мақсади бор: Асад бошқарувини сақлаб қолиш, Суриядаги, айниқса ўртаер денгизи ҳудудидаги таъсирини ушлаб туриш ва Украина воқеаларидан кейин халқаро майдонда кучини намоиш қилиш.

Сурияда юз берган воқеалар нуқтаи назаридан Туркиянинг жанубий-шарқий сарҳадларида РКК – “Курдистон ишчи партияси” билан РҮД – “Демократик бирлик партияси”нинг минтақадаги ҳамкорлик таъсирининг ортиши Туркия учун хавотирли эди [5].

“Совуқ уруш” йилларидан бери Сурия Россиянинг ўртаер денгизи минтақасидаги ягона таянчи эканини инобатга олсак, бу ердаги позицияси ва таъсирини сақлаб қолишга уриниши маълум бўлади. Туркия ҳам қуруқликдан қарийб 1000 километрлик чегарага эга яқин қўшнисидан юз бераётган жараёнларга хотиржам қарай олмаслиги аниқ. Таъкидлаш лозимки, шубҳасиз, “Араб баҳори” билан бирга бошланган Сурия воқеалари ечими топилиши қийин бўлган муаммога, айтилган вақтда бу инқироз Яқин Шарқ, ҳатто, дунёдаги мувозанат калитига айланди.

2015 йилнинг 24 ноябрида турк ҳарбийлари томонидан Россия ХҚКга тегишли самолётнинг уриб туширилиши нафақат Россия ва Туркия муносабатларининг бузилишига, балки минтақавий ва глобал муносабатлар инқирозининг юзага келишига сабаб бўлди.

Россия террор ташкилоти – ИШИДга қарши курашаётган чоғида Туркия рус самолётини ҳеч қандай сабабсиз уриб туширганини таъкидлади. Бу билан ҳам кифояланмай, Туркия ИШИДга ёрдам бераётгани, террор гуруҳи эса энг катта молиявий манбаси бўлган нефть савдосини Туркия воситачилигида амалга ошираётганини иддао қилди. Европа учун энг нозик ва муҳим масала ҳисобланган Су-

рия қочқинлари муаммосига эътибор қаратиб, Туркияни лоқайдликда айблади. ИШИД жангариларининг Туркия чегарасидан осонлик билан ўтиб, кейинчалик бошқа мамлакатларга кириб бораётганини таъкидлади. Оқибатда Европа Иттифоқи, НАТО ташкилоти, АҚШ, Англия, Германия ва Франция кабилар маъмуриятлари томонидан бу масалага бирламчи эътибор қаратилди ва Туркия хато қилаётгани эътироф этилиб, инқирозни бартараф этиш иштирокчиларининг Туркияга турли шакллардаги ёрдами тўхтатишга ҳаракат қилинди. Россия Туркияга нисбатан муросасиз ва қаттиқ сиёсат юритди. Энг аввало, Туркиядан уэр ва компенсация талаб қилди. Кейин иқтисодий санкциялар қўллади. Иқтисодий санкцияларни Туркияни мураккаб вазиятга соладиган ва турк ҳукуматининг ишчи орқага сурадиган энг муҳим восита, деб ҳисоблади.

Эрдўғаннинг 2016 йил августида Россияга ташрифи 2015 йил ноябрда тарихда энг қуйи даражага тушиб кетган икки томонлама муносабатларни қайта тикланишига катта туртки берди. Рус матбуотининг ёзишича, келишувга эришиш учун кўп сиёҳлар тўкилди. Ниҳоят, 2017 йилнинг 9 мартда Россияга уюштирилган ташриф самараси Сурияга қаратилган сиёсатни мувофиқлаштириш кун тартибидан жой олгани бўлди. Хусусан, РҮД – “Демократик бирлик партияси” бўйича келишмовчилик ишларни олдинга силжишига йўл қўймасди. Туркия Россиядан бу тузилмадан узоқ туришни, бу террорчи гуруҳнинг “Курдистон ишчи партияси” билан яқинлигини инобатга олишни сўради.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибига қўйилганда Асад масаласи баҳсинг асл сабабига айланмоқда. Хусусан, Асад маъмурияти келажаги борасида ҳар икки мамлакат бир-бирига зид қарашга эга. Россия нуқтаи назаридан Асад бошқарувда қолиши, Туркия учун эса кетиши керак. Асад шахсияти Россиянинг Суриядаги сиёсатида тиргак бўлишда давом этаркан, Туркия аввал бошдан унинг устидан “қизил чизиқ” тортиб қўйган. Шунга кўра, аслида Суриянинг келажаги кўп жиҳатдан Асаднинг келажагига боғлиқдир.

Москванинг Асадга яқинлиги иқтисодий ва ҳарбий стратегик мақсадлардан келиб чиқса, Туркия бу мавзуга этник, ҳудуд ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашади. Туркия билдираётган ҳар бир муносабатида Асад халқига зулм қилаётгани, Туркияда суриялик қочқинлар сони ортаётгани ва мамлакат ичида миллий низо хавфи кучаяётгани, чегара ҳудудлар тинчлиги бузилаётгани, иқтисодий хавф-хатарлар юзага келаётганини тилга олмоқда. Ҳозирги босқичда Туркиянинг ҳам, Россиянинг ҳам ўз позициясини ўзгартириши кутилмаепти. Бироқ, ўтиш даврида умумий ярашиш бўйича ечим таклифига ҳеч бир томон “йўқ” дея олмайди. Келажакда тинчликни таъминлаш учун Асад масаласида ҳам муросага келиш муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлади. Озод Сурия армияси (Асад бошқараётган Сурия ҳукумати қарши курашаётган йирик қуролланган гуруҳ) ва муҳолифат бўйича сиёсат ҳам икки томонлама муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Озод Сурия армияси таркибидаги радикал гуруҳлар Россия томонидан танқид қилинмоқда ва уларга кескин муносабат билдирилмоқда [7]. Асадга қарши бўлган ва уни йўқотишга уринаётган бу кучларни Россия, табиийки, қораламоқда.

Учинчи муҳим омил – Сурия шимолида 2019 йилгача муҳим марказга айланган РҮД – “Демократик бирлик партияси”дир. Туркия нуқтаи назаридан “Демократик бирлик партияси” “Курдистон ишчи партияси”нинг Суриядаги бўлимидир. У Сурияда можаро келтириб чиқариш би-

лан бирга Туркия хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Туркия буни халқаро майдонда ҳам овоза қилмоқда. Россия учун эса “Демократик бирлик партияси” устувор аҳамиятга эга эмас. Путиннинг Сурия шимолидаги курдларга ёрдам беришининг асосий сабабларидан бири Туркиянинг бу ҳудудда кучайиши ва мустақамланишига йўл қўймаслик ҳамда ҳудуд юзасидан музокаралар, қабул қилинадиган қарорларда устунликка эришишдир.

Туркия ва Россия муносабатларида иқтисодий нуқтаи назардан энергетика, хусусан нефть ва табиий газ сиёсати стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда. Сўнгги йилларда ҳар доим кун тартибидан тилга олинаётган энергетика қувурлари масаласи терроризм ва барқарорлик билан ҳам боғлиқдир. Россия энергетика сиёсатининг шимол-жануб йўналишида Сурия шубҳасиз муҳим роль ўйнайди. Россия ва Эрон Сурия масаласида келишиб олганини айтиш мумкин. Эрон қуруқликдаги ҳарбий кучларига таянган ҳолда Сурия ва Ливанда жойлашиб олаётган бўлса, Россия ҳарбий ҳаво кучларини қўлламоқда ва бу минтақадаги муаммони халқаро майдонга олиб чиқмоқда. Қайсидир маънода Россия ва Эрон Сурия ишидаги бир-бирдан ажралмас давлатлардир. Вазифалар бўлишиб олинганидек, ҳудудлар ҳам ажратиб олинган. Эрон Суриянинг жануби-ғарбида ўз назоратини сақлаб қолмоқчи. Россия эса шимоли-ғарбий ҳудудда, яъни соҳил бўйидаги ҳудудларни афзал кўради. Бу орада Путин Суриянинг жанубидаги Исроилга қарши Эрон тарафдори бўлган гуруҳларни қўллаб-қувватламаслигини маълум қилди.

Туркия собиқ бош вазир Бинали Йилдирим ўзининг баёнотларидан бирида Сурия билан муносабатлар ҳам бир кун келиб яхшиланишига ишонч билдирган эди. Туркиянинг очиқ жавобларига қарамай, АҚШнинг Сурия, хусусан РҮД – “Демократик бирлик партияси” билан муносабатларни яхшилашни талаб қилаётгани АҚШ ва Туркия муносабатларини ёмонлашишига сабаб бўлди. Туркия билан АҚШ ва Ғарб мамлакатлари муносабатларининг ёмонлашиши Туркия ва Россия ўртасидаги бузилган муносабатларни тиклашга ижобий таъсир кўрсатди. Шубҳасиз, Россиянинг Ғарб ва АҚШ билан муносабатларида инқироз кузатилаётганига эътибор қаратсак, келишувлар тез ўзгараётгани тушунарли бўлади.

Туркия армиясининг Сурияда амалга оширган чегарарти 3 та ҳарбий ҳаракатларини Россия ҳукумати турлича баҳолади. 2016 йил августда турк армияси томонидан Сурияда бошланган “Фирот қалқони” чегарарти ҳарбий ҳаракатлари даврида Россия ҳукумати бу ҳаракатга нисбатан салбий фикр билдирмаган бўлса, 2018 йил 20 январда Афринни РҮДнинг ҳарбий отрядидан озод қилишга қаратилган “Зайтун навдаси” ҳарбий ҳаракатини Россия мудофаа вазирлиги АҚШнинг провакацияси сифатида баҳолаган эди. Россия Туркия мудофаа вазирлиги томонидан Суриядаги жангари курдларга қарши олиб борилган “Зайтун навдаси” чегарарти ҳарбий ҳаракатини мамлакатдаги тинчликни ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларга берилган зарба сифатида эътироф этган. 2019 йилнинг октябрь ойида Туркия ҳукумати ўзининг жанубий ҳудудларида хавфсизликни таъминлаш ва мамлакат тинчлигига таҳдид сифатида қаралаётган РҮДнинг таъсирини камайтириш, суриялик қочқинларни ўз мамлакатига қайтишига имкон яратиш учун хавфсиз йўлак ташкил этиш мақсадида Сурия ҳудудда “Тинчлик бўлоғи” номли ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Бу ҳарбий ҳаракатга Россия ўз муносабатини билдиришда асосий урғунининг манфаатларига зид бўлмаган тақдирда қўллаш

маълум қилди. “Тинчлик булоғи” ҳаракати натижасида вақтинчалик ўқ отиш тўхтатилди ва 2019 йил 22 октябрда Туркия ва Россия иштирокида 10 та моддалик “Сочи келишуви” имзоланди. Россия билан “Сурия демократик кучлари” аскарларини 150 соатлик вақт давомида Туркия томонидан илгари сурилган хавфсиз йўлакни яратиш мақсадида Тель-Рифъат ва Манбиждан 30 км жанубга силжитишга келишиб олинди [8].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Maya Bhardwaj, “Development of Conflict in Arab Spring Libya and Syria: From Revolution to Civil War”, The Washington University International Review, Vol. I, Spring 2012, s.84-89. http://pages.wustl.edu/files/pages/imce/migration/wuir_spring_2012.pdf#page=76 (12.03.2017)
2. Azimov Habibullo Yakubovich (2019). THE EMERGENCE OF THE SYRIAN CRISIS AND THE IMPACT OF THE EXTERNAL FORCES ON IT. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, (4 (6)), 92-97. <https://cyberleninka.ru/article/n/the-emergence-of-the-syrian-crisis-and-the-impact-of-the-external-forces-on-it>
3. Peter Rough, “Turkey’s Tilt Toward Moscow”, Foreign Policy, 03.08.2016, <http://foreignpolicy.com/2016/08/03/turkeys-tilt-toward-moscow/> (12.03.2017).
4. Mukhammadsidiqov, Mukhammadolim “Problems of Regulation of Secularism and Religious Principles in Arab Countries” Journal «Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research», Volume 4, Number 6, (December 2019) P. 114 - 122. doi: 10.5281/zenodo.3595528
5. “Türkiye-SuriyeSiyasiİlişkileri”, TürkiyeCumhuriyetiDışişleriBakanlığıresmi internet sitesi, <http://www.mfa.gov.tr/turkiye-suriye-siyasi-iliskileri-tr.mfa> (12.03.2017).
6. Тимур Махмутов, Руслан Мамедов, Предложения к формированию системы региональной безопасности в Западной Азии и Северной Африке (Москва, Российский совет по международным делам, 2017).
7. Asli S. Okyay, “Turkey’s Post-2011 Approach to its Syrian Border and its Implications for Domestic Politics,” International Affairs, Vol. 93, No 4 (2017).
8. Barış Pınarı Harekative Rusya’nın tavrı <https://www.aa.com.tr/tr/analiz/baris-pinari-harekati-ve-rusya-nin-tavri/1610174>

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН ЭТНОТИББИЙ МАДАНИЯТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Лобар ГАДОЕВА
Бухоро тиббиёт
институтини ўқитувчиси

Ушбу мақолада бутун дунё халқларида, элатларида соғлом турмуш тарзини, яшаши тарзида этнотиббий маданиятни шакллантириши билан боғлиқ ижтимоий жараёнлар бузунги кунгача долзарб масалага айланганлиги ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: инсон, халқ, ижтимоий, диний таълим, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, маданият, этнос.

This article emphasizes the relevance of a healthy lifestyle among the peoples of the world, the formation of ethnic culture in everyday life.

В данной статье подчеркивается актуальность здорового образа жизни у народов мира, становление этнической культуры в повседневном образе жизни.

Ўзбек халқида этнотиббий маданияти қадим замонлардан шаклланган бўлиб, унинг қолдиқлари, урф-одат, анъаналари “Авесто”да ҳам мужассам этилган. Фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудовнинг ёзишича, қадимги анъаналаримизга мувофиқ зардуштийликка эътиқод қиладиган кишининг “ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшли хотини бўлган... Ҳовли жойида олов ёниб турадиган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегуноҳдир [1: 40]. Бу ўринда биз тирикчилик учун зарур бўлган нарсалар билан бирга соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган сув, суғориладиган ер, тани-бадани саломат аёл қайд этилаётганини кузатамиз. “Авесто”да хаома ичимлиги соғ-саломатлик, қувват ва ақлу идрок бахш этувчи образ сифатида тасвирланади. “Зартуштра деди: “Намозим сенга бўлсин, эй Хаома! (Айтчи), бу дунё ичра сенинг шарбатингни сиқиб олган ким? Бунинг учун у одамга қандай савоб етишди, қандай наф келди?” Иймонли Хаома, ўлимни даф қилгучи зот шундай жавоб берди: “Борлиқ дунё фойдаси учун менинг шарбатимни биринчи бўлиб Вивахвант сиқиб олган эди. Бу эзгу иши учун шундай савоб,

шундай наф етишдики, Вивахвант қудратли ва порлоқ сиймоли Йима исмли ўғил кўрди. Йиманинг подалари сонсиз-саноксиз, одамзот ичра энг гўзал, энг нурли юзли, кўёш талъат зот эди у. Худди ўша Йима шоҳлик қилган пайтида одамлару ҳайвонларни абадий ўлмас қилди, сувни қуримас (тинмас), ўсимликни сўлмас қилди, токи одамлар ва ҳайвонларнинг насибалари доимо бутун бўлсин, деб. Чобуку чаққон Йима подшо бўлган замонда ва қаҳрли совуқ ва жазирама иссиқ, на кексايшиш ва на ўлим, девлар яратмиш суқ-ҳасад йўқ эди. Подалари сонсиз Йима Вивахвант ўғли подшолик қилган замонда ота билан ўғил бир хилда худди ўн беш ёшдагидек эди [2: 126]. Шунингдек, Хаома туфайли қахрамонлар соғлом, “пахлавон, алпқомат йигит” кўргани ҳикоя қилинади. Мазкур тасвирлар мистик хусусиятга эга бўлса-да, уларда соғ-саломат яшаш ва эзгу ишларни амалга ошириш учун сиҳат-саломатлик, қувват, чаққонлик, куч, мардлик зарурлиги қайд этилади. Бу сифатлар инсонийдир, улар реал ҳаётдан, кишиларнинг узоқ умр кўриш тилақларидан олинган. Ахура Мазда “соғлиқ берди барчага, Тандурустлик беадад, Доно, зукко ва соғлом Берди ақли авлод. Сўзамол, аҳдда маҳкам Кўзлари ўткир, топқир Ҳақнинг бор афзаллигин Бир йўл кўришга қодир. “Авесто” меҳнатни улуғлайди, унинг соғ саломат юриш, фаровон

ҳаёт кечириш, бақувват авлодларни туғдириш шарти деб билади. – “Меҳнат қилмайдиган одам дейилади зардуштийларнинг китобида. – Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим этиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!.. Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди. Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади [3: 36]. Демак, инсоннинг соғ-саломат юриши, муносиб фарзандлар қолдириши, ҳатто халқнинг иймон-этиқод билан боғлиқ урф-одатларни бажариши озиқ-овқат истеъмол қилишига, ўзининг соғлиги ҳақида қайғуришига боғлиқдир. Сихат-саломатлик осмондан тушадиган инъом эмас, “Авесто” талқинида трансцендентал аралашган бўлса-да, у аввало инсоннинг ўзига, зарур меҳнат турлари билан шуғулланиши ва овқатланишига боғлиқдир[4: 25]. Бу билан улар ёшларга тоза, соғ-саломат, ёмон ният ва кучлар таъсиридан холи юришни тилашади, “Авесто”даги эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал иймон этиқод асоси эканини таъкидлашади. Мазкур концептуал аҳамиятга эга ғоя “Авестодаги барча соғлом ҳаёт кечириш, ён-атрофни асраш, соғлом авлодни туғдириш, тоза ҳаводан ва сувдан фойдаланиш, бардам ва тетик юриш, бақувват ва кучли тана, вужуд учун онгли овқатланиш билан боғлиқ фикрларда изчил такрорланади, давом эттирилади. Этнотиббий маданиятнинг халқ руҳи ва турмуш тарзидан жой олишида моддий эҳтиёжлар, яъни ейиш, ичиш, болаларни боқиш, уй-жой қилиш, ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш учун зарур иншоотларни, воситаларни барпо этиш қанчалик муҳим бўлмасин, дин, этиқод, ахлоқ, тарбия билан боғлиқ омиллар катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Шарқ мутафаккирлари Киндий (801-866), Розий (865-925), Форобий (872-950), Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1032), Ибн Рушд (1126-1198), Ғаззолий (1058-1111), Фаридуддин Аттор (1119-1230), Алишер Навоий (1401-1501), Фитрат (1886-1938) соғлом фикр ва соғлом турмуш юришти масалаларини исломдаги ақоид, этиқодни сақлаш ва мустаҳкамлаш орқали ёритадилар. Тўғри, Розий, Беруний ва Ибн Сино илмий ёнадашиш тарафдорлари бўлишган. Масалан, Розий ўзининг “Руҳий табобат” асарида кишини тубанликдан, офатлар ва азоб уқубатлардан халос қилиш ҳақида фалсафий мулоҳазалар юритади. Унинг ўн учинчи қисми мечкайлик (тўймаслик), ўн тўртинчи қисмини майхўрлик, ўн бешинчи қисмини фаҳшга берилиш каби иллатлар ва улардан сақланиб маънавий камолотга эришиш йўллари ҳақида фикр юритади. Унинг ёзишича, “мечкайлик ошқозоннинг ёмон ишлашига олиб келади, ошқозоннинг ёмон ишлашидан эса турли хасталикларни келтириб чиқаради. [5: 65]. Инсон сихат-саломатлиги масалалари билан шуғулланган ва бу борада дунёга ном таратган буюк заминдошимиз Ибн Синонинг фикрига кўра, инсон танасига уйқу ва сергаклик, саломатлик ва хасталик хос, улар вужуддан келиб чиқади. Аммо улар инсонда руҳ борлиги учун туфайлидир. Инсон соғлигига тааллуқли “шакл”, субстрат руҳ ичидадир [6: 15]. “Тиб қонунлари”

асарида эса мутафаккир мижоз тўғрисида фикр юришиб, ҳатто Гиппократ, Гален ва Парацельс тўла сезмаган, англамаган ва эътироф этмаган хулосага келади. Унинг фикрича, “Унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият вужудга келади. Ана шу кайфият мижоздир[6: 16]. Мазкур фикрнинг илмий моҳиятини замонавий медицина ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги концепциялар юқори баҳолайди. Инсон организмга кирувчи “барча тизимларнинг ички алоқалари ва ташқи тизимлар билан алоқалари ўзаро мослик ва қарама-қаршиликка асосланган бўлади. Бинобарин, қарама-қаршиликлар организм ҳаётини фаолиятида мунтазам юзага келади, улар организмда биологик ўлим юз берганидан кейингина тўлиқ барҳам топади. Шу боисдан организмда мавжуд бўлган ички ва ташқи алоқалар доирасидаги қарама-қаршиликларни тўлиқ бартаараф этишнинг имконияти йўқ. Аммо организм фаолиятини бошқаришнинг тиббий механизмлари фаолиятининг натижаси ўлароқ, барча қарама-қаршиликларни мувозанат ҳолати юзага келади. Мижоз тушунчаси ана шу мувозанатни англатади [7: 51]. Ибн Синонинг тиббий-фалсафий қарашлари бутун Шарқ тиббиёти ва фалсафасига оид хулоса чиқариш имконини беради. “Тиб илмининг юксак салоҳияти туфайли равнақ топган шарқона тиббий маданият кейинчалик Европанинг тиббий-маданий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу қитъада Уйғониш даврида тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқларнинг аксарияти Шарқ алломалари томонидан асосланган ғоялар замирида юзага келганлиги кўпчиликлари яхши маълум. Халқ руҳидан жой олган нарсалар унинг ҳаёт тарзига айланади, буни илк бор Аристотель илғаган эди. Унинг фикрига кўра, руҳ кишининг ва нарсаларнинг мавжудлик моҳитидир [8: 395]. “Руҳни билиш ҳар қандай ҳақиқатни билишга, айниқса, табиатни билишга кўп ёрдам беради.

2. Этнотиббий маданият халқ, миллат руҳига синган воқелик, шунинг учун унинг шаклланиши халқ, миллат шаклланиши генезиси, тарихий-маданий ривожланиш босқичлари, даврларда рўй берган трансформация жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Этнотиббий маданият маълум бир объективлашган, халқ, миллат ҳаёт тарзидан жой олган барқарор хатти-харакатлар, нормалар ва тартиблардир. Ушбу объективлашган қадриятлар этнотиббий маданиятнинг моддий кўринишини ташкил этади. Руҳ ҳақида, унинг инсон кайфияти, соғлиги, у ёки бу ҳаракатларнинг юзага келишига таъсири ҳақида Ибн Сино бетакрор фикрларни билдирган. Руҳнинг борлиги ёки бор эмаслиги ҳақидаги баҳс тортишувлар ҳақида фикр юритиш бизнинг вазифамизга кирмайди, аммо халқ руҳи ҳақидаги қарашларни биз чеклаб ўтолмаймиз. Бизнинг фикримизча, этнотиббий маданият, умуман халқ, миллат ҳаётидан барқарор жой олган маданий воқеликларнинг барчаси, руҳ тушунчаси билан боғлиқдир. “Руҳ бўлмаса тан мурдор, руҳ одам вужудининг аслидурким, ҳамма қолип ва баданнинг тобеъсидир[9: 9]. Руҳ абадий, ўлим уни нобуд қилолмайди. Агар ушбу фикрдан келиб чиқсак, вужуднинг хасталиги ва ўлим ҳақида ғам тортишга, ўйлашга ҳожат қолмайди. Соғ-саломатлик эса кераксиз тушунчага айланади. Аммо мутафаккир, ўзининг саодатга эришув диний концепциясига мувофиқ,

инсоннинг бу дунёдаги ўрни, ўзини англаши, борлиқни идрок этиши ва охир натижада ҳаққа етиши унинг ихтиёри, истаги ва хоҳишлари билан боғлиқ эмас, чунки ўлим ҳамма нарсани енгади, охират – ҳақ. Мутафаккир саккиз насиҳат қилади, улардан бирида қайд этиладики, “нодон, жоҳил одамларнинг қалби касал, бемордирким, уларни даволовчи табиб-олимлару донишмандлардир. Фақат чинакам комил (табиб) олимгина, башарти, касалнинг шифо топишига кўзи етса, даволай олади; ўз навбатида, бемор ҳам муолажани қабул қилади. Агар бедаво дардга чалинган бўлса-чи? Ҳозик табиблар муолажа қилмайдиган бундай беморни олдиндан билиб, беҳудага овора бўлишмайди[10: 20]. Бу ўринда гап руҳий даволашни тўғрисида кетаяпти. Мутафаккир даъват этади: “Қалбингни дунёндан ҳам покрок, тозароқ тут! Агар ўзбек халқи тарихий-маданий ва маънавий меросига назар ташласак, қалбни, руҳни тоза тутиш нафақат тўғри яшаш, эзгу амаларни амалга ошириш, шунингдек иймон, эътиқод соҳасида ҳам пок бўлиш, диний-ахлоқий қоидаларга риоя этиб комилликка интилиб яшаш шартидир. Ўзбек халқи руҳиятига сингган ушбу қоида соғлиқ билан боғлиқ кадриятларни ҳам ана шу диний-ахлоқий кадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашга ундайди. Халқ, миллат руҳига синган кадриятлар эса турмуш тарзидан жой олади, бу муқаррар қоидадир.

3. Миллий хавфсизлик ва муҳофазага қаратилган анъаналар деганда, биз ноодатий ҳоллар, айниқса уруш, босқинчилик, табиий офатлар пайтида халқнинг, миллатнинг ўзини асрашга, соғ-саломат тарзда машаққатлардан чиқишга қаратилган хатти ҳаракатларини назарда тутамиз. Тарих ҳеч қачон силлиқ, низоларсиз кечмаган. Уруш, босқинчилик, элатларнинг элатлар, юртларнинг юртлар устига юриши одатий ҳол бўлган. Эрих Фроммнинг келтиришича, инсоният цивилизацияга қадам қўйганидан бери атиги уч ойгина уруш, қирғинсиз яшаган. 1480-1499 йилларда халқаро миқёсда 9 уруш бўлган бўлса, 1599 йилга келиб улар сони 87 га, 1699 йилга келиб 239 га, 1799 йилга келиб 781 га, 1899 йилга келиб 651 га ва 1940 йилга келиб 892 га етади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса оммавий кураш воситалари мисли кўрилмаган даражада ошиб, инсоният ҳаётини хавф остига қўйган омилга айланган. Шундай вазиятда ҳар бир халқ, миллат ўзининг хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқмаслиги мумкин эмас. Бу миллатнинг, халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиши билан боғлиқ масалаки, у мудом, бутун ижтимоий тарихий ривожланиш босқичларида мавжуд эди. Ташқи душманлардан, табиий офатлар ва бошқа хавф-хатарлардан ўзини асраш халқ, миллат инстинктидан

жой олган рефлексиядир. Шундай хавф-хатарлар турли кўриниш ва шаклларда келади. Масалан, қўрғонлар қуриш, шаҳар атрофига ариқлар қазилар, махсус тайёргарлиги бор қўшинлар сақлаш ва уларни мунтазам урушга шай қилиш, аҳолини тасодифий ҳужумлардан ҳимоя қилиш (шўролар давридаги ПВО ҳаракатларини эсланг), кишиларни санитария хизматларга ўргатиш ва босқинчилик юришларида улардан фойдаланиш кабилардир. Бу хатти-ҳаракатлар аввало уруш хавфини бартараф этиш, аҳоли соғлигини, сиҳат-саломатлигини асраш билан боғлиқдир. Бу ўринда гап душман устидан ғалаба қилиш устида кетаётгани йўқ, бу мақсад, албатта, ҳукмдорлар ва саркардалар ҳаёлида турган, мақсади бўлган, балки аҳолини сақлаб қолиш, халқ, миллатни этник бирлик сифатида яшаб қолишини таъминлашдек стратегия билан боғлиқдир[11: 8]. Шарқ халқлари ҳаёти билан боғлиқ бундай стратегик ҳаракатларни Харро фон Зенгер махсус тадқиқ этган[12: 118]. Тан олишимиз керакки, бундай стратегемалар ўзбек халқи тарихий-маданий меросида ҳали учрамайди, тўғривоғи, улар махсус ўрганилмаган. Бизнинг фикримизча, барча халқлар, миллатлар ўзини асрашнинг миллий усулларига эга бўлган ва шу боис ўзлигини сақлаб қолган. Шундай стратегемаларга эга бўлмаган этник уюшмалар эса тарих саҳнасидан тушиб қолган ёки бошқа миллатларга, халқларга ассимиляциялашган. Миллий хавфсизлик ва миллий ўзликни асраш, халқ саломатлигини таъминлаш ҳозирги пайтда ҳарбий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, регионал хавфсизлик, экологик хавфсизлик, иммунитетни кучайтириш, соғлом она ва бола каби атамаларда муважжамлаштирилган.

4. Санитария ва гигиена хавфсизлиги ён атрофдаги зарарли моддаларнинг организмга зарарли таъсирини бартараф этиш ёки олдини олиш, санитария профилактикаси (муҳофазаси), экологик офатлар туфайли аҳоли соғлиғига путур етказувчи, биофизиологик хасталиклар келтириб чиқарувчи омиллардан ҳимояланишни назарда тутати. Бундай омиллар мудом бўлган, чунки табиатнинг ўзида баъзан онгли мавжудот организмга салбий таъсир этувчи микроблар ажралиб чиқади. Ибн Сино, агар кўзга кўринмас жониворлар бўлмаса, киши минг йил яшарди, деганида ана шу микробларни назарда тутган. Ибн Сино яшаган даврда илмий-техник кашфиётлар ён-атрофга, экологик муҳитга ҳозиргидек кучли салбий таъсир кўрсатмаган эди. Демак, буюк заминдошимиз табиатда кўзга кўринмайдиган нарсалар, микроблар борлигини, кўпгина касалликлар ана шу микробларнинг тарқалиши, организмга кириши, яра ҳосил қилиб, инсон саломатлиғига хавф солишини билган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000.
2. Авесто Яшт китоби. М.Исоқов таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Усмон Ҳосил. Одатнома. Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. –Тошкент: Абдулло Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Абу Бакр Рази. Духовная медицина. –Душанбе: Ирфон, 1990.
6. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. –Т.: Абдулло Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.
7. Муҳиддинов А. Тиббий маданият фалсафаси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009.
8. Аристотель. Сочинения в 4 х томах. Т.1. –Москва: Мысль, 1976.
9. Ғаззолий З.М. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”). –Т.: Камалак, 1995.
10. Имом Ғаззолий. Охиратнома (“Эй фарзанд...” рисоласи). –Т.: Ёзувчи, 1994.
11. Лиддел Фард Б. Стратегия непрямым действий. –Москва: Эксмо; СПб.: Мидгард, 2008.
12. Стратегемы. О китайском искусстве жить и выживать. –Москва: Эксмо, 2004.

ДЕМОКРАТИК ВА БАҲҚАРОР ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР

Наримон ДЕХКАНОВ
Наманган давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди

Ушбу мақолада буюк алломаларнинг демократик ва баҳқарор жамият тўғрисидаги сиёсий қарашлари ёритиб берилган. Шунингдек, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино асарларида, Амир Темурнинг “Темур тузуқлари”да давлат бошқаруви, ҳокимият ва халқ муносабатларига доир фикрлар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: давлат, қонун, ҳокимият, сиёсат, демократия, бошқарув, жамият, халқ, қоида, шаҳар, ислоҳот, ғоя.

Мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Давлат бошқаруви соҳасидаги сиёсий ислоҳотларни олиб борилишида эса тарихий тажрибага таянган ҳолда иш юритилиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Қонун устувор бўлган жамиятимизда “тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз”[1].

Маълумки, Ўзбекистонда давлат ва жамият тўғрисидаги сиёсий қарашлар энг қадимги даврлардан бошлаб шаклланиб, ривожланиб келган. Буни тарихий манбалар ҳам кўрсатиб беради.

Юртимиз ҳудудида сиёсий фикрларнинг ривожланиши жараёни IX-X асрларга тўғри келади. Бу даврда юртимиздан кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан ва ўз асарларида давлат ва жамият тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ана шундай алломаларимиздан ҳисобланади.

Абу Наср Форобийнинг жамият, давлат, сиёсат ва адолат ҳақидаги ғоялари, қарашлари “Бахтга эришиш ҳақидаги трактат”, “Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида”, “Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб”, “Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар”, “Фозил одамлар шаҳри” каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Форобий жамият ва давлатнинг назарий асосларини ўз қарашларида ифода этади. У жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакли, давлат арбоби ва унинг вазифаси, улар олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақидаги сиёсий қарашларини баён этади. Форобий жамият сиёсий ҳаётида давлат аппарати томонидан олиб бориладиган ишларга ҳам алоҳида эътибор бериб, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари лозимлигини таъкидлайди, ана шундай бошқарув кишилари бахтга, тинчликка олиб боради, бундай давлатда бошқарув адолатлидир, аксинча, бахтсизликка, уруш ва қирғинликларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир, деб ҳисоблайди. У идеал (фозил) шаҳарлар, яъни идеал шаҳар давлатлари ва идеал бўлмаган шаҳар давлатлари хусусида ҳам фикр юритади. У фозил шаҳар энг адолатли ва маърифатни ўзида мужассам қилган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асосланади, деб ҳисоблайди[2].

Форобий Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари файласуфлари орасида биринчилардан бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги таълимот-

This article highlights the political views of great thinkers about a democratic and stable society. Also, in the works of Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Beruni and Ibn Sina, Amir Temur “Temur tuzuklari” analyzes the views on public administration, power and public relations.

В этой статье освещаются политические взгляды великих мыслителей о демократическом и стабильном обществе. Также в работах Абу Насра Фараби, Абу Райхана Беруни и Ибн Сины, Амир Темур «Темур тузуқлари» анализируется взгляды на государственное управление, власть и связи с общественностью.

ни ишлаб чиқади. “Ҳар бир инсон, – дейди Форобий, – ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”[3]. Шаҳарлар, унинг фикрича, инсонларнинг жамоа бўлиб уюлишининг олий шакли бўлиб, унда инсоний баркамол бўлиб етишиши учун зарурий шароитлар бўлади. Форобий инсонлар табиий эҳтиёж натижасида ўзаро бирлашиб, жамоани ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний ҳам адолатли жамият тўғрисида қимматли фикрларини билдирган. У одамлар жамоа бўлиб яшашининг асосий қоидалари ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч-тотув яшаш, умумий манфаат учун ишлашга асосланган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, унинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб, қоида ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Беруний давлатни мутлақ ҳоким эмас, балки маърифатпарвар раҳбар бошқариши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Аниқроқ қилиб айтганда, у демократик жамиятни орзу қилади. Берунийнинг сиёсий қарашлари энг илғор ва чуқур инсоний қоидага асосланади. Буюк аллома шоҳлар ва қонуниятлар Ҳазрати инсон учун хизмат қилиши керак, деган ғояни илгари суради[2]. Албатта, бугунги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг туб моҳиятини кўрсатиб берадиган “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳаётий қоида ҳам юқорида келтирилган аллома фикрларининг замонавий ва мантиқий давоми, дейишимиз мумкин.

Абу Али ибн Синонинг сиёсий қарашлари ҳам бугунги кунда катта аҳамиятга эга. Унинг адолатли давлат тўғрисидаги фикрига кўра, бундай давлат тепасида маърифатпарвар шоҳ туриши, жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланишлари лозим. Ибн Сино жамиятни давлатсиз, қонун-қоидасиз тасаввур қила олмайди.

У ўзининг “Рисолаи тадбири манзил” асарида шундай ёзган: “Агар ҳамма одамлар шоҳ, султонлардан иборат бўлса ёки ҳаммалари оддий меҳнаткаш бўлсалар эди, уларга раҳбарлик қилувчи султонлар, хонлар бўлмаса эди, бундай ҳолда уларнинг барчалари ҳалок бўлган бўлур эдилар”[4]. Буюк аллома жамиятдаги моддий тенгсизликни

этироф этиб, барча одамларнинг бойиб кетиши ва аксинча, камбағаллашиб кетишига қарши чиқди. Унингча, агарда ҳамма жамият аъзоси бирдек бойликка, мулкка эга бўлса, у ҳолда бир кишининг бошқасига ёрдам кўрсатиши, бир-бирини рағбатлантириши тугатилади. Аксинча, одамларнинг ҳаммаси йўқсилларга айлансалар, бундай ҳолда улар очарчиликдан қирилиб кетади. Шундай қилиб, Ибн Сино жамият аъзоларининг ниҳоятда бойиб ва аксинча, камбағаллашиб кетишларига қарши. У одамларни ўзаро ҳамжихатликда, бир-бирига ёрдам кўрсатиш қоидаларига асосланиб яшашга даъват қилади. Ибн Сино ҳар бир инсон ўз хусусий мулкка эга бўлиши, уни тасарруф этиши ва шу орқали жамиятда ўз ўрнини топиши лозим деб ҳисоблайди.

Буюк саркарда ва соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз салтанатини давлат бошқаруви санъатига доир сиёсий қарашлар мужассам бўлган – “Темур тузуклари” орқали бошқарган.

Амир Темур ўз империясини тузишда ва уни бошқаришда асосий қонуният қилиб шариятни қабул қилди ва уни ҳимоя қилди. Буюк салтанатни мустақкам мафкура ва қонун-қоидага асосан идора қилади. У аввало халққа таянган ҳолда давлатни бошқаради. Муҳим ишлар-

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони дир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2019 йил 7 декабрь. <http://uza.uz/oz/politics>

2. Даминов И. Аждодларимизнинг идеал жамият ҳақидаги фалсафий-ҳуқуқий қарашлари // <http://manaviyat.uz/posts/153031268692741/>

3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

4. Зайнитдинова А. Ибн Сино фалсафаси // “Хуррият” газетаси, 2009 йил, №15.

МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАГИ ГЕНДЕРЛИК СТЕРЕОТИПЛАРНИНГ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ойдин МЎМИНОВА
ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н.

Гендерлик лингвистика XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ғарбда лингвистик таълим сифатида юзага келди. Охирги ўн йилликда билишнинг янги методологик йўналиши, яъни когнитив ёндашув асосида олиб борилаётган тадқиқотларнинг кенг тус олиши натижа-сида когнитив тилшунослик – тил ҳақидаги фаннинг энг жадал ривожланиб келаётган йўналишларидан бирига айланди. Инсоннинг турли хил сифатлари, жумладан, интеллектуал қобилиятлари ва хулқ-атворида намоён бўладиган хусусиятларини тил воситалари орқали лексик-семантик гуруҳларда тавсифлашга тилшуносликда катта эътибор берилмоқда [1: 124]. “Одам” концептининг оламнинг лисоний тасвирида миллий ва умуммаданий хусусиятларини очишда изланишларнинг олиб борилиши [2: 34-37], “инсон” концепти таҳлилисиз маданиятни таърифлаш мумкин эмаслигини [3: 52-56] тасдиқлайди. Гендер маъносининг пайдо бўлиши жуда қадимдан бошланади. Бундан 5 минг йил аввал яшаган шумерларда икки тил бўлганлиги ҳақида хабар берилади: расмий, яъни диний матнлар ёзилган асосий “eme-ku муқаддас тил”, диалектдан бошқа eme-sal бузилган тил ёки ингичка товушли кимдир” диалектининг бўлганлиги далилланган. Ингичка овозли кимдир деганда аёл киши назарда тутилган. Бу тилда аёл тили билан мадҳия, до-нишмандлар тили диний матнларда берилган. Шу билан бир қаторда айрим аёллар қўллаб бўлмайдиган сўзлар ҳам белгилаб берилган. Демак, фарқлилик товушдагина эмас,

ни улар билан кенгашган ҳолда олиб боради.

Амир Темур ғояларининг аҳамиятли жиҳати уларнинг давлатнинг сиёсий раҳнамоси, амалиётчи раҳбар томонидан вақт ва тажриба чиғиривидан ўтказилган сара фикрлар экани билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев айтганларидек, “Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади”[1]. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги қонун устувор бўлган мамлакатимизда ислохотларнинг самарали олиб борилишида буюк аждодларимиз томонидан илгари сурилган сиёсий қарашлар ва ғоялар алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Ҳозирги пайтдаги шиддат билан ўзгараётган “мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айна вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт”[1].

сўзда ҳам бўлган [4: 117]. Бу ҳақда турколог Г.Қосимова шундай дейди: “Шумершунослар бир неча диалектни аниқлашган: эмедуб, эмесал, эмегир... Ушбу диалектлар ичида фақатгина эмесал “аёллар тили” диалектига хос бўлганлари, чунончи, м:г, д:г аниқланган, қолган диалектларнинг ўзгачалиги бўлса, эмеку диалектига тегишли эмаслигига қарамасдан, эмеку диалектига, яъни шумер тилининг мисоллари сифатида бир даврнинг ҳамда бир диалектнинг сўзлари сингари кўрсатилиб, “бошқа тилларда учрамайдиган ажойиб товуш ўзгариши” каби сўзлар билан тушунтирилган”[5: 70] В.А. Ефремов гендерлик лингвистиканинг асосий босқичларини 3 турга бўлади [6: 75-81]: 1. Биологик детерминизм. 2. Ўтиш даври (XX асрнинг 1-ярми) Э Сепир, О.Эсперсен, Бодуэн де Куртене. 3. Ҳақиқий гендерлик тадқиқотлар. Биологик детерминизмда қариб ҳиндуларининг (араван қабиласи) ижтимоий тарихий ўзгачалиги, чуқот тилидаги фонологик товуш фарқлиниши, мўғул тилидаги номинациялар принципи, япон тилидаги морфологик ҳамда стилистик хусусиятлар ўрганилади. Биологик детерминизмнинг асосий ғояси: эркак тили норма, аёл тили – нормадан оғиш”. Эътиборлиси шундаки, ҳозирги кунда ҳам турли тилларда аёллар ва эркаклар ишлатадиган сўзларнинг вариантлари мавжуд. Гендер фарқлилик ижтимоий гуруҳнинг бугунги кун аҳволидан, таълим даражасига мувофиқ ҳамда жамиятдаги ўзгарувчан шароитларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Масалан, япон тилида

эркаклар ва аёллар бир нарсани турлича аташлари, турли қўшимчалардан фойдаланишлари каби анъанага эга бўлган маданияти бор. Ёш япон қизлари “аёл тили” деб аталадиган тилдан бош тортиб, “эркак”ларнинг сўзлашиш қуролларидан фойдаланишган [7: 11]. Тилдаги жинсий фарқлилик аёлларни қуйи поғонада кўрсатиш, салбий хусусиятларни аёлларга нисбатлаш кабилар патриархал стереотиплардан сезилади. Хитой тилида аёлларга тегишли деб саналадиган енгилтак, пасткаш, қизғанчик, ҳасадгўй, тулки, иккиюзламачи, ҳийлагар, хиёнатчи каби сўзларни ифодалайдиган махсус иероглифлар бор. Русларда ҳам аёлларни паст даражада кўрсатадиган иборалар етарлича. Масалан: «Курица не птица, баба не человек», «Не петь курице петухом, не быть бабе мужиком», «Бог бабу отнимает, так девку даст», «Муж пашет, а жена пляшет». Албатта, бунда ҳар бир халқнинг менталитети, дунёқароши, турмуш тарзи ва диний қарашлари алоҳида ўрин эгаллайди. А.В.Кирилинанинг (1998) асарида рус аёлининг образи халқ оғзаки ижоди намуналарида бир неча гуруҳга бўлинган: заиф, ўйга сиғмайдиган ақл, («Бабы умы разоряют дома»); ўжар, ўзгарувчан (ехал бы прямо, да жена упряма», «С бабой не стоворишь (не убедишь); хавфли, айёр («Не верь жене в подворье, а конью в дороге», «Жена ублажает, лихо замышляет»); сергап («Языком метет, что коклюшками», «Бабья вранья и на свинье не обьедещь»); аёл хулқ-атвори эркакларникига қарама-қарши қўйилиши («Мужичий ум говорит: надо, бабий ум говорит: хочю», «Муж по дрова, а жена со двора») [7: 51-54].

Бутун дунёдаги миллат ва элатларнинг ўзига хослиги, қадриятлари, ишончи, тафаккур тарзи ва бошқалар уларни бир-биридан фарқлаб туради. Этнолингвист, этнографлар, айниқса, ғарблик олимлар баъзи бир халқлар маданияти ривожланмай қолган деган хулосалар чиқаришган. Масалан: Л.Бергхольц “Эркаклар аёлга - нарсага, қулга қарагандай қарайди; ҳатто бировнинг олдида эри билан гаплашишга бўлмайди”- деб қайд этган. (8, 80) Лекин бу ўша халқнинг одоб меъёрларидан бўлган эркак ва аёлнинг жамиятда ўз ўрни борлигини билмай айтилган фикр ҳисобланади. Бунинг эркак ва аёл муносабатларини кўрсатиб берадиган мақол-маталлардан билиб олса бўлади: Яхши аёл ёмон эркакнинг бошини тўрга, ёмон аёл яхши эркакнинг бошини гўрга судрайди. Ёки эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам [9]. Туркий халқларда аёлларни ўзига мақташмайди, чунки аёл ноқулай вазиятда қолиб уялади. Шунинг учун ҳам Яхши йигит отини мақтар, ёмон йигит хотинини дейишса керак.

Халқ оғзаки ижодига мурожаат этиш, уни маданият йўналиши сифатида тан олиш, халқ руҳияти ва фалсафасини ўзида мужассамлаштирган, ҳақиқат ва инсон ҳақидаги тушунчаларнинг энг бой манбаси эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Фольклорчи олим В.П.Аникиннинг қайд этишича: “Тарихчи мақол ва маталлардан узоқ ўтмиш ва қадимги муҳим воқеаларни ўргангани, ҳуқуқшуно мақол ва маталларни жамият ҳаётида одат тусига кирган қонунлар сифатида қадрлайди, этнограф халқ хикматлари ва образли характерларда йўқ бўлиб кетаётган урф-одатлар ва меъёрларни кўради. Файласуф эса мақол ва маталларда халқ тафаккурини ўрганишга ҳаракат қилади” [10: 7]. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди муайян ижтимоий шароитларда ахлоқий ва руҳий нуқтаи назардан инсон ҳақидаги лингвистик ахборотларга эга бўлган манбадир. Асрлар давомида билим ва тарбия жараёни гендер тадқиқотларининг асоси сифатида мақол ва маталлар қатлами орқали кундалик турмушда аёллик

ва эркакликнинг яширин жиҳатларини кўриш имконини беради.

Мазкур мақоламизда ифода плани гендер кўрсаткичларга эга бўлган мақоллар эркаклар ва аёллар мавзуси бўйича тематик тамойил асосида танланди ва тасниф қилинди. Шу тарихқа барча мақоллар икки катта гуруҳга: эркак ва аёл оламини тасвирловчи гуруҳларга бўлинади. Аёл билан эркакнинг ҳаётдаги ўрни, миллий онг, миллий урф-одат ва ҳоказолар асосида мақол-маталларни қуйидагича гуруҳлаймиз:

1. Анъана, миллий урф-одат ва қадриятлар билан боғлиқ бўлган мақоллар: Қизимга айтаман, келиним эшит. Қиз ортиб кетар, ўғил – тортиб. Қиз десанг, қизиқасан, ҳай-ҳай унинг қалини. Қизни бешикка сол, сепини сандиққа сол. Қизингни отасига қараб бер, қиз олсанг онасига қараб ол. Хотининг яхши бўлса тўйга бормоқ на ҳожат, хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ на ҳожат. Хотинли рўзғор гулдир, хотинсиз рўзғор чўлдир. Пардали қиз – парига тенгсиз.

2. Меҳнатнинг гендерлик дифференциациясидаги фарқни аниқлайдиган стереотиплар: Эр - даладан, хотин - уйдан. Эр кўп бўлса, ўтин йўқ. Хотин кўп бўлса-суб. Эр-қоплар, хотин- сақлар. Эрнинг отин хотин чиқарар, Хотиннинг отини ўтин чиқарар. Қизнинг кўрки-соз. Йигитнинг кўрки-хунар.

3. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги касбий ва оиладаги ролларни тавсифловчи стереотиплар: Эрнинг топганига хотинники кўр бўлар, Эрта турган йигитнинг ризқи ортиқ, эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ. Ўғил-уйнинг булбули, қиз –уйнинг гули. Ҳийласиз ботир ўзини ёвга олдира.

4. Тил ва онгдаги стереотиплар: Сочи узуннинг ақли қисқа. Эркак юрса, йўл очилар, хотин юрса юз очилар. Янгамнинг шўрвасини ширин қилган акамнинг масаллиғи. Қамчи берма, яхши бўлса отинга, ишонмагин милтиқ билан хотинга.

5. Эркак ва аёлнинг жамиятда тутган ўрни, ўзига хос ижтимоий келиб чиқиши ҳамда ҳаётнинг турли соҳаларини тавсифловчи мақол-маталлар: Яхши қиз ёқадаги қундуз, яхши йигит – кўкдаги юлдуз. Ўтинсиз қозон қайнамас, хотинсиз уй яйрамас. Қинғир оғиз бўлса ҳам, Бойнинг қизи эр танлар.

Аёллар феъл-атвори ифодаланган мақолларни таҳлил қилиш давомида, унинг асосан қуйидаги инсоний хусусиятларига салбий баҳо берилаётганлиги кузатилди:

1. Сергаплик: Элакка борган аёлнинг Эллик оғиз гапи бор. Қақиллаган хотинни қиз берганда кўр.

2. Айёрлик: Ҳийлакор хотин иши минг эшакка юк бўлар. Бир хотиннинг ҳийласи, Қирқ эшакка юк бўлар.

3. Аёлда ақл-идрокнинг йўқлиги ёки етишмаслиги: Сочи узуннинг ақли қисқа. Хайт деса, ит югурар, Итдан аввал – қиз. Қизни эркига қўйсанг, ўйинчига тегар.

4. Аёллардан чиқувчи хавф-хатар: Яхши хотин кўпга қўшар, Ёмон хотин кўпдан чиқарар. Болага тегма, балоси чиқар, Хотинга тегма, қасоси чиқар.

5. Аёл оила, уй, турмушнинг бузғунчиси сифатида: Ёмон арава йўл бузар, Ёмон хотин - уй.

6. Эр томонидаги қариндошларга нисбатан бефарқлик: Хотин сўзини қондирар, Эр уруғидан тондирар. Келса хотин уруғи, Топилади йўриғи, Келса эрнинг уруғи, Бўлар юрак буруғи.

Аёлларнинг ижобий хусусиятларини ифода этувчи мақоллар қуйидаги семантик гуруҳларда ёрқин ифодаланади:

1. Ақл-идрок: Аёлнинг хусни пардозда эмас, ақлида. Ақлли қизни йиғлатиш ҳам қийин, қулдириш ҳам. Ўғлинг

аҳмоқ бўлса ҳам, Келининг доно бўлсин.

2. Меҳрибон она: Она билан бола – гул билан лола; Онанг ўлди – отанг ўлди; Фарзанд боққан ота, жонни қоққан она; Онали етим – гул етим, Отали етим – шум етим.

3. Гўзаллик: Ерга рош ярашар, Қизга – қош. Чиройли кизнинг нози бор. Бойнинг қизи – сепи билан, Йўқнинг қизи – кўрки билан.

4. Аёл турмуш ўртоғининг ҳамроҳи ва маслаҳатчиси: Хотин – эрнинг вазири; Хотин – бўйин, эр – бош. Яхши хотин эрини элга бош қилур.

5. Уй бекаси: Эпли хотин уйни тутар ораста, Эпсизда уй тўри – латта-путта. Яхши тўн – тўй савлати, Яхши хотин – уй зийнати; Хотинли рўзғор гулдир, Хотинсиз рўзғор чўлдир. Хотинсиз уйни кўр – қаро ерни кўр.

“Келин” лексемасига хасислик, ўғрилик, жанжалкашлик, очкўзлик каби салбий баҳолар берилади: Қайнаники – ўртада, Келинники – халтада; Келишмаганнинг келини – ўғри; Емайман деган келин, Енгдек хасипни ер; Емайман деган келин, Рапида билан рапчани ер.

“Келин” лексемасига нисбатан ҳам кўпол маънога эга бўлган лексик бирликларнинг қўлланиши аёлнинг жинсий идентификациясини салбий нуқтаи назардан ифодалайди: Келин – қайнона супургиси; Келинимнинг йиғлагани – Эшагимнинг ҳантрагани; Қиз чоғим – султон, Келин чоғим – ултон. Демак, куёв ва келин тушунчалари бир хил ижтимоий мақомга эга бўлган сўзлар сифатида намоён бўлса ҳам, куёв кизнинг оиласида ва киз куёвнинг оиласида, ҳаттоки улар никоҳдан олдин қариндош бўлган бўлсалар ҳам, бир хил “бегона” ва “четдан келган” деб қабул қилинади. “Келин қилдим деб керилма, Ишга буюрса, эринма. Ишга буюрса, эринсанг, Ўғлингнинг кўзига кўринма” Яхши хотин юзида ой кўринар, Ёмон хотин қовоғидан қор ёғилар. Кел- кели келса, келиндан аввал киз туғар.

Ижтимоий конструктивизм назариясига асосланган бўлсак, гендер муносабатлар жамият томонидан куриладиган конструкт сифатида намоён бўлади. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида эса диннинг ўрни бекиёсдир. Тарих: “Барча динлар аёлларга нисбатан адолатсиздир”, - дейди. Лекин ислом дини бундан мустаснодир. Туркий халқларда аёлни ҳеч қачон шайтонга тенглаштиришмайди. Ғарбда эса аёлни шайтонга ўхшатилади. Исломи динида фақат одамни йўлдан адаштирувчи шайтон деб айтилади. “Тарихда аёлга ҳақ-ҳуқуқини ва эркинлигини берган, аёлнинг мавқеини юксалтирган ислом дини бўлган. Демак, гендер тенглик шак-шубҳасиз тилда ўз таъсирини ва ифодасини топиши керак. Инсон ўзига хос психологик характер билан дунёга келиб, унинг феъл-атвори психологик ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади ва ўзгаради. Кўплаб ижтимоий психологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда эркакларга хос бўлган сифатларга: фаоллик, тажовузкор-

лик, рақобатдошлик, ботирлик, ишбилармонлик, ўзига бўлган ишонч, ҳақиқатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, мантқиқий фикр юритиш ва ҳ.к. лар киради. Аёлларга нисбатан эса қизиқувчанлик, сергаплик, миждовлик, хаёлпарастлик, иккиланувчанлик, юмшоқлик, заифлик, камтарлик, итоаткорлик ва ҳ.к. сифатлар қўлланилади. Ўзбек тилида аксарият мақолларда “эркаклик – аёллик” оппозицияси биргаликда қўлланилади ва “тўғри – нотўғри” тушунчаларига мос келади. Аёл ва эркакларнинг ижтимоий хусусиятларини тасвирловчи қатламнинг гендер таҳлили қадимдан касб-хунарнинг эркаклар учун муҳим бўлганлигини тасдиқлади, яъни аёллар фақат оила учун, эркаклар эса жамият учун. Қадимдан эркак – жамиятнинг ижтимоий ҳаётида муҳим мавқега эга шахс, аёл эса она ва уй бекаси эканлиги давом этиб келмоқда. Албатта, ўзбек мақолларида ўзбек аёли “она” тимсолида қадрланади. Бутунги кунда ўзбек аёли ҳам она, ҳам шахс, ҳам уй бекаси сифатида тасвирланади. Зеро, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудратини ошириш йўлида амалга оширилаётган масъулиятли жараёнда хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Аёл ва эркакнинг хулқ-атворини кўрсатувчи мақол-маталларда, чунончи, Хотин сўзини қондирар, эр уруғидан тондирар. Хотин кўп бўлса, чўмични ит ялайди. Бир хотиннинг ҳийласи 40 туяга юк бўлар. Хотиннинг яхши бўлса ёқанг оқарар, хотиннинг ёмон бўлса, соқолинг оқарар каби мақолларда аёлларнинг ёмонлигини эмас, аксинча, ибрат сифатида айтилади тушуниб турамыз. Яхши ва ёмонга боғлиқ қарама-қаршилик аёл билан эркак ҳаётининг чамбарчас боғлиқлиги умрининг мазмунини ифодалашини куйида келтириладиган мақоллар далолатлайди: «Яхши от ярим бойлик, яхши аёл бутун бойлик», «Хотиннинг ёмон бўлса, довинг уйингда», «Яхши аёлнинг кўзи яшнаб туради, ёмон аёлнинг кўзи ўйнаб туради», «Яхши хотин ишлик бўлар, ёмон хотин – тишлик», «Яхши хотин уй зийнати, Ёмон хотин тўй – зийнати», «Хотин – уй безакчиси, эр – уй кўмакчиси».

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аёл ва эркак концептларини халқ донолиги ва тил маданияти доирасидаги ижтимоий мақомини таҳлил этиш натижасида эркак ва аёлнинг яратилишида икки тафовутнинг борлиги ва барча тилларда умумийликнинг борлиги, тарихан тилларнинг бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу боғлиқлик тилларнинг тарқалиши ва узоқ давом этган миллатлараро муносабатларнинг натижасидир. Мақол-маталлар моҳиятида, миллатларнинг когнитив қарашларида халқ донолиги ётади. Шу билан бирга, мақол-маталлардаги стереотиплар миллатнинг психологиясига, менталитетига, яшаш жойига қараб шаклланади ва ўзгаради. Унга географик, диний, психологик ва тарихий омиллар таъсир кўрсатади.

негиздери: Шумерология және түркі (қазақ) таным мәселелері. – Алматы, 2012.

6. Ефремов В. А. О гендерной асимметрии в наименовании лиц женского пола // Рус. яз. в шк. – 2009. – № 1.

7. Кирилина А.В. Развитие гендерных исследований в лингвистике // Филологические науки. – 1998. № 2.

8. Берггольц Л. Горные башкиры-катайцы // Этнографическое обозрение. – 1893. №3.

9. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1988.

10. Аникин В.П. Мудрость народов // Пословицы и поговорки народов востока. – М.: Наука, 1961.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кунина Н.А., Скорнякова М.Ф. Коннотативность в семантической группе названий лица//Классы слов и их взаимодействие. – Свердловск, 1979.

2. Сафаров Ш.С., Кдырбаева Г.К. Концепт человек в картине мира // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Тошкент, 2011.

3. Розина Р.И. Человек и личность в языке // Логический анализ языка: Культурные концепты.

4. http://www.psychologov.net/view_post.php?id=1176.

5. Қосымова Г. Тілдің тарихын дәуірлеудің теориялық

БУДДАВИЙЛИК ДИНИДАГИ РАМЗЛАРНИНГ ТАРИХИ ВА ТАЛҚИНИ

Элёр АЛИМКУЛОВ
ЎзХИА 1-босқич
докторанти

Диний-фалсафий таълимот сифатида вужудга келган буддавийлик бугунги кунда эътиқод қилувчилар сонига кўра, христианлик, ислом динидан кейинги ўринда турадиган жаҳон динларидан бири ҳисобланади.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қонунлари тўплами ёки ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Буддавийлик ўз таълимотида ҳеч қачон бошқа худоларга сиғинишни тақиқламаган. Будда уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар нирвана ҳолатига олиб бормади деб айтган. Шу сабабли, буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган худоларни ёки улуғланган шахслари тимсоллари ибодатхоналарни эгаллаган.

Буддавийлик милоннинг I асрида Хитой, IV асрида Корея, VI асрида Япония, VII асрида Тибет, XIII асрдан XVI асргача Монголия, XVII асрдан XVIII асргача Бурятия ва Тува, XIX-XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Ушбу мақолада буддавийлик ва унинг оқимларидан бири бўлиш Тибет буддизми йўналишида мавжуд рамзларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти билан танишамиз.



Буддавийлик динининг рамзи сифатида “Дхармачакра” қайд этилган бўлиб, у “қонун гилдираги” деб ҳам номланади. Гилдиракнинг маркази бўлган гупчак (гилдиракнинг марказидаги кегайлар қадаланган ва ўқ ўрнатиладиган тешиги бўлган ўрта қисми) онг нуқтаси таратаётган қалб нуруни, рухий ёруғликни ва ақл ёғдусини ифодалайди. Гилдиракнинг маркази буддавийлик таълимотининг асосий моҳияти бўлган саккизта улуг қондани ифодаловчи саккизта кегай (гилдиракнинг тўғини билан гупчагини қўшиб, тутиб турувчи таёксимон қисмлардан бири)ни ўз ичига олади. Булар: тўғри дунёқараш, тўғри мақсад, тўғри сўз, тўғри саяёҳаракат, тўғри турмуш тарзи, тўғри интилиш, тўғри фикрлаш, тўғри мулоҳазалардир [1: 118].

Дхармачакранинг илдизи қадим ҳинд анъаналарига бориб тақалади. Ҳиндларда у ҳаёт гилдирагини англаган. Шунингдек, у руҳнинг бу дунёда айланиб юриши қонуни сансара (Ҳинд динлари таълимотида руҳнинг кўчиб юриш ҳолати) ни ҳам ифодалаган.



Мантра товушлардан иборат ўзига хос мистик формулади. “Мантра” сўзи санскрит тилида “ҳимоя (трая)” ва “ақл (манас)” маъноларини англатади. Мантра товушларини тананинг ўзига хос ҳолатлари (асана), ритуал имо-ишоралар (мудра) ва махсус ифодалар билан ҳамоҳанг ҳолда такрорлаш билан Будданинг табиати амалиётчи ақлининг нурланган моҳиятини уйғотиш имкониятини беради [2]. Қадимдан Ҳиндистоннинг турли диний анъаналарида мантралар ишлатиб келинган.



Нилуфар гули буддавийлик дини анъанасига кўра, мутлақ софлик тимсоли ҳисобланади. Нилуфар одатда ажабланарли даражада тоза сувда ўсади. Шу боисдан у яратилган, бадий қудрат, узок умр кўриш сирлари ва дунёдан воз кечишнинг ҳам рамзидир. Ушбу гулнинг устида ўтирган ёки турган Будда сурати мазкур гулнинг қайта туғилишдан холи эканини англатади. Гулга жahl, хоҳиш-истак, кибр, шаҳват ва рашк туйғулари бегонадир. Нилуфарни илохий гул сифатида эъзозлаб, унга маъбудлар ва бодхисатвалар ўз муборак қадамларини босадилар. Мазкур ўсимликнинг уруғидан дуо ўқиш ва ибодат вақтида ишлатиладиган тасбеҳлар тайёрланади [3: 27]. Шунингдек, нилуфар тантрадаги аёллик тимсолларидан бири ҳамдир. Оқ нилуфар (пундарика)

Авалокитешвара, Манджушри ва Тара бодхисатваларининг сифати ҳисобланади. Нилуфар гули камёб ва тез унут бўладиган нарсаларнинг ҳам рамзидир. Пушти нилуфар (камала) Тибет буддавийлигига қуёш, ҳис-туйғу ҳамда эҳтироснинг тимсоли саналади. Мовий нилуфар (утпала) ёки “тунги нилуфар” эса кўплаб маъбудларнинг белгисидир.



Мандала Будданинг соф ўлчови ёки унинг нурдан тўқилган қароргоҳи. У қаср ёки эшиклари тўрт томонга қаратилган ибодатхона шаклида бўлади. Барча рамзлар, сифатлар ва маъбудлар қатъий анъаналар асосида чизилади. Мандала қасрининг марказида ўзига хос уруғ тасвирланади.

Мандалалар симметрик диаграмма кўринишида ўзгача услубда бўлади. Бу эса маъбудларнинг қасрлари учун лойиҳа бўлиб хизмат қилади [4]. Турли маъбудлар учун мандалаларнинг тасвирлари қатъий тартибда қонунлаштирилган. Баъзан бутун коинот ҳам мандала деб аталади. Шунингдек, меҳробда устма-уст қўйилган ва Буддага бериладиган оламнинг барча бойликларидан иборат ҳадяни тимсоллаштирадиган гуруч билан тўла думалоқ стол ҳам мандала деб номланади.



Поғонасимон бино нурланган Будда ақлининг тимсолини англатадиган иншоот. Ушбу иншоот буддавийлик динидаги энг муқаддас бинолардан бири сифатида зиёрат қилинади. Гўёки, мазкур бинонинг қисмлари коинотни ташкил этадиган бешта унсур: ер, олов, шамол, сув, маконни англатади. Юқорига чиқиб борган зинасимон поғоналар нурланишга олиб келадиган медитациянинг босқичларини ифодалайди. Буддавийликда бино асоси: Будданинг тахтини, унинг юқорига чиқиб кетган зиналари эса, қовуштирилган оёқларини, мақбараси танасини, гумбазли минорадан эса барча нарсаларни кўрувчи кўзларини, минора учи бўртиқ кулоқларини ифодалайди.

Поғонасимон бинолар Будданинг ўлиmidан сўнг у билан алоқадор бўлган жойларда Будда ва бошқа зоҳидларнинг хокларини кўмадиган мақбаралар сифатида қурилади бошланган. Анъанага кўра, унга буюк лама ва авлиёлар дафн этилган. Будда таълимотига кўра, бино кўриқловчи (яъни ҳамма нарсани кўриқчиси) вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бино мазкур жойдаги космик қувватларнинг бир-бири билан кесишишининг белгиси бўлиб хизмат қилади [5: 142]. Ҳиндистон, Тибет, Непал ва шу каби аҳолиси кўпроқ буддавийлик динида бўлган мамлакатларда юқорида зикр этилган бинога ўхшаш анъанавий поғонасимон бинолар мавжуд. Тибетда бундай биноларнинг қонунлаштириб қўйилган саккизта кўриниши бор. Непалда кичик поғонасимон бинолар “Чайтъя” деб номланса, Катманду водийсида жойлашган йирик поғонасимон бинолар эса “Сваямбху” ва “Боднатх” деб номланади.



Свастика аксарият Шарқ анъаналарида учрайдиган энг қадимий ижобий тимсоллардан бири. Афсуски, ундан нацистларнинг тамғаси сифатида фойдаланишган ва кўпчилик уни нацистлар билан алоқадор деб билади. Лекин, ҳинд диний арбобларининг фикрига кўра, бу мутлақо нотўғри тушунча эканини қайд этиш лозим. “Свастика” санскрит тилидан таржима қилинганда “бошқалар учун яхшилик қилиш” деган маънони билдиради. Свастика Будданинг оёғида ҳам тасвирланган. Буддавийлик эътиқодига кўра, у нурланиш ва абадийлик белгиси, Будданинг эзотерик таълимоти тимсоли ҳисобланади [6]. Свастиканинг тўрт чети тўртта олий сифат: холислик, раҳмдиллик, муҳаббат ва шодликни англатади. Мазкур рамз иккала томонга ҳам айлантирилиши мумкин. Буддавийлик ва ҳиндуийлик динларида у одатда соат миллари бўйлаб айлантирилса, қадимги Тибет дини бон, Эрондаги

диний оқим бўлган маздакийликда эса, у соат милларига қарама-қарши айлангайди.



Лунгта дуоли байроқ ёки беш рангли англатувчи муқаддас рамз. Ундаги оқ, сариқ, қизил, яшил ва кўк байроқлар беш асосий унсурнинг белгиси ҳисобланади. Одатда бундай байроқларга муқаддас матнлар, худоларнинг тасвирлари ва мистик диаграммалар чизилган бўлади. Лунгта махсус жойларга масалан, тоғ чўққилари, довлар, уйларнинг томлари ёки дарахтлар орасига илинади. Бунинг сабаби, диндорларнинг эътиқодига кўра, байроқларни хилпиратадиган шамол у ерда ёзилган мантраларни ҳаракатга келтиради. Бу эса, атроф-муҳитни уйғунлаштириб, ижобий ҳаёт муҳитини юзага келтиради [7: 138].



Дуо дўмбираси ўз дастасида айланади, унинг ичида нафис қоғозларга ёзилган муқаддас мантра ёзувлари мавжуд. Бундай дўмбиралар Тибетда жуда машҳур бўлиб, шакли ва ўлчамига кўра биридан фарқ қилади. Одатда бундай дўмбираларнинг ичида “Омм Мани Падме Хум” мантраси ёзилган бўлади. Ушбу мантра Тибет буддавийлигининг энг асосий мантраси ҳисобланиб, олти оламнинг барча мавжудотларига раҳм-шафқат улашади. Соат миллари бўйлаб айланаётган дўмбира мантраларнинг ичидаги қувватни ҳаракатга келтиради, бу эса дўмбирани айланган кишига фойда келтиради ҳамда ўша киши атроф-муҳитни ҳам уйғунлаштиришга ёрдам беради, деган таълимот мазкур диннинг муқаддас манбаларида қайд этилган [8: 274].



Гау ичида маъбуд-ҳимоячи ёки муқаддас нарсалар мавжуд бўлган медальондир. Буддавийлик эътиқодига кўра, инсон қаерга бормасин ўзи билан гау олиб юриши лозим. Гаудан диний ритуалларда ҳам фойдаланилади [8: 334]. Маълумотларга кўра, гаунинг ичидаги маъбудлар инсоннинг мақсадига етишишига ёрдам бериб, уни ҳимоя қилади. Одатда гау заргарлик воситалари, турли тош ва зийнатлар билан безатилган ҳолда металлдан тайёрланади.



Қор шерри ҳайвонлар шоҳи шер қадимги Ҳинд афсонаси ва ҳозирги Ҳиндистоннинг янги маданиятида ҳам ҳукмронлик ва ҳимоя тимсоли ҳисобланади. Буддавийлик динида эса, шер Будданинг асосий рамзларидан бўлиб, унинг исмларидан бири Шакьясимха, яъни “Шакья уруғининг қироли” номидан келиб чиққан. Баъзида Будданинг нутқи “шер наъраси” деб номланиши “қор шер”ига ишора бўлса ажаб эмас. Мазкур дин таълимотининг бошқа барча таълимотлардан устун эканини ифодалайди. Будда кўпинча тахтада ўтирган қиёфада тасвирланади. Унинг елкасида саккизта шер жойлаштирилган бўлиб, ушбу шерлар саккизта буюк ва жасур Бодхисатваларни англатади [9: 87].

Феруза ёлли оппоқ қор шерри Тибетнинг миллий тимсолига айланган. Унинг суратини Тибет давлат байроғида, муҳр, банкнотларда, Далай Ламанинг белгилари ва шахсий тамгаларида учратиш мумкин. Кўпинча тангқаларнинг устида қор қоплаган тоғ чўққисида ўйноқлаётган бир жуфт қор шерри акс эттиради. Одатда қор шерини йогин билан биргаликда тасвирлаш урф бўлган. Бунинг эзотерик маъноси шундан иборатки, йогиннинг диний намоён бўлиши шер каби бўлади: шер ёли махфий таълимот билан бурканганликни, шернинг атрофга назар ташлаши дунёдан воз кечишни, шернинг бир

чўққидан иккинчисига сакрай олиш қобилияти йогиннинг мутлақ озодликни қўлга киритганини англатади.



Тангқа минерал буюқ билан чизилган Тибет иконасининг. Унда Будда ёки турли Бодхисатваларнинг тасвири тушурилган. Илк тангқалар Тибетда VIII асрда пайдо бўлган. Уларни монахлар ёки махсус унвонга эга бўлган инсонларгина чиза олган. Рассомлар тангқаларнинг қийматини ошириш мақсадида, буюқдан ташқари соф олтин ва кумушдан ҳам фойдаланган. Улардаги тасвирлар қатъий пропорция қонунларига амал қилиб чизилган. Махсус қодаларга қатъий амал қилиб ясалган тангқалар фақат буюртма асосида тайёрланиб, одатда жуда қиммат баҳога сотилган [10: 105].

Зи тошларини фақатгина Тибетда учратиш мумкин. Шу боисдан, унинг номи таржима қилинмайди. У цилиндрсимон қора ақиқ бўлақларидан ясалган бўлиб, оқ буюқда симметрик чизиқлар ва “кўз” кўринишидаги расмлар чизилган. Тибет халқи наздида, бу тошлар турли зарарлар, касалликлар, омадсизлик ва сайёраларнинг таъсиридан ҳимоя қиладиган энг универсал ҳамда қудратли тумор ҳисобланади. Зи тошлари эркак ва аёлларнинг ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутаяди. Зикр этилган тошлардаги тасвирларнинг келиб чиқиши ҳақида бир неча афсоналар мавжуд. Гўёки, уларни тошга айланган асалари ғумбаги ёки худоларнинг ҳазиналари билан боғлайди.



Расмларнинг келиб чиқиши узоқ ўтмишда яшаган усталар (Сиддхам) билан алоқадор, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Унга кўра, усталар бу тошларни ўзларининг сеҳр кучлари билан тайёрлаган [11]. Бундай расмлар чизиш учун тошларга ишлов бериш техникаси сирлари аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ҳақиқий қадимий зи тошлари жуда кам учрайди ва қимматбаҳо туради. Масалан, икки кўзли тош 2000 АҚШ доллари турса, тўққиз кўзлиги эса 200-250 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланади. Ҳозирда бундай тошларнинг кўплаб замонавий нусхалари тайёрланади. Уларни арзон пластикдан ясалган қалбакиларидан адаштириб юбормаслик керак.

Чиғаноқ санскрит тилида “шанкха” деб номланиб, буддавийлик таълимотига кўра, агар чиғаноқ маҳорат билан пуфланса ёвуз руҳлар қочиб кетади. Чиғаноқ аюрведик дорилар тайёрлаш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Ундан олинган муайян миқдордаги упга гепатит ва ўт пуфаги касалликларини даволашда ишлатилади. Ҳиндуйлик дини тарафдорлари буддавийлик намоёндалари каби таркидунё (зоҳидлик)ни тугатганларидан сўнг дарҳол чиғаноқдан сув ичадилар. Аксарият дуолар ўқилганида уларга чиғаноқда чалинган мусиқа жўр бўлади.

Буддавийлик эътиқодига кўра, шанкха муқаддас сув ерга тушганида шу шаклга эга бўлиб қолган. У қимматбаҳо илоҳий буюм бўлиб, уни худо Вишну доимо қўлида кўтариб юради, деган қарашлар ҳам мавжуд [12: 188]. Чиғаноқдан аёллар учун безак буюмлари масалан, билагузук, маржон, ёвуз руҳларни ҳайдайдиган белбоғ тайёрлаш ҳозирги кунгача урф бўлиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Тибет буддизми йўналиши таълимотидаги рамзларнинг тадқиқ қилиш жараёнида, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи диндорлар ўзларига у ёки бу тарзда руҳий далда бериш борасида юқорида зикри келган белгилар воситасида албатта турли маросим ва ритуаллардан фойдаланганликларини кўриш мумкин.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Агзамходжаев С.С., Раҳимжонов Д.О., Муҳамедов Н.А., Нажмиддинов Ж.Х. Дунё динлари тарихи. –Т.: Тошкент, 2011.
2. Буддийские мантры и мантрический звук. <http://buddharyana.ru/>
3. Гибсон К. Символы, знаки, эмблемы, мифы в материальной и духовной культуре. –М.: Эксмо, 2007.
4. Мандала - модель Вселенной. <http://buddha.by/mandala-model-vselennoi>
5. Сычева С.Г. Проблема символа в философии. –Томского университета, 2000.
6. Свастика - символ солнца, низвергнутый во мрак. <http://www.doodoo.ru/printpage-993.html>

7. Похлебкин В.В. Словарь международной символики и эмблематики. Международные отношения, 2001.
8. ترجمة المحامي عبد الهادي عباس. الرموز في الفن - الأديان - الحياة. تاليف فيليب سينج. سورية. 1992. - دمشق - شارع بور سعيد. دار دمشق. م 1992.
9. Cassirer E. Philosophic der Symbolischen Formen, vol. 3. –Berlin.: Rite and Art, 1929. – P. 87.
10. Сычева С.Г. Проблема символа в философии. –Томского университета, 2000.
11. Бусины Дзи (камни Зи). [http://amrita-buddha.ru/catalog/tibetskie_busing_dzi/busing_dzi_\(kamni_zi\)](http://amrita-buddha.ru/catalog/tibetskie_busing_dzi/busing_dzi_(kamni_zi))
12. Салмина Н.Г. Знаки и символов в обучении. –М.: Издательства МГУ. 1998.

ИСЛОМДА ОИЛА МУНОСАБАТ-ЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Махмудали ДЕХҚОНОВ
ТошДТУ "Ўзбекистон тарихи"
кафедраси катта ўқитувчиси

Мазкур мақола мавзуси ҳозирги кунда жамият-тимиздаги энг долзарб ижтимоий масалаларидан бири. Чунки ҳар бир оила никоҳ муносабатлари маданияти асосида қурилади. Оила мустақамлиги жамият барқарорлиги, тинчлиги, оёйишталигини таъминловчи муҳим омил эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: авлод, одат, аҳком, маросим, мерос, ҳақ-ҳуқуқ, насл, ҳаром, имон.

Оилавий муносабатлар маданиятини ривожланиши ижтимоий тараққиётнинг узлуксиз жараёни ҳисобланиб, у жамият босқичларидаги маънавий-ахлоқий, диний-маданий, сиёсий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Олимларнинг фикрига кўра, оила-маданий мерос, ахлоқий нормалар ва анъаналарни ташувчи умуминсоний қадриятнинг нодир ижтимоий бирлиги бўлиб, ҳозирги шароитда нафақат унинг шахс маънавий маданиятининг ривожланишида, балки жамият ривожини учун ҳам аҳамияти ортиб бормоқда.

Оиланинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келган икки тамойилни кўрсатиш лозим: биринчиси, одамлар яшаш учун бирлашиб, моддий неъматлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи; иккинчиси, насл қолдириш йўли билан ҳаётни давом эттиришга интилиши. Бу иккала тамойил инсон маънавиятини такомиллаштиришни тақозо этиб, ижтимоий ҳаёт тажрибаси орқали амалга ошган. Бу жараёнларда асосий ҳал қилувчи омил ижтимоий бирлик ҳисобланиб, шу асосда моддий неъматлар яратиш такомиллаштирилган.

Оила ижтимоий birlik тизимида нисбатан мустақил ҳодиса ҳисобланса-да, жамият тарихий тараққиётида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий омиллар тобора муҳим аҳамият касб этиб борган. Оила ва жамиятнинг тадрижи ҳар доим бир-бири билан боғлиқ равишда амалга ошган. Шу сабабли оила қуришнинг биологик сабаблари бир хил, аммо ижтимоий моҳияти, шакллари тез такомиллашиб, ўзгариб турган. Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамият томонидан расмий равишда тан олинашидир. Шу сабабли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган. Никоҳнинг бекор қилиниши эса давлат томонидан қайд этилган, унинг ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлари белгилаб қўйилган.

Ислом манбаларида оиланинг ташкил бўлиши, мазмун-моҳияти, оила муносабатлари маданиятига оид кўрсатмалар, талаблар ўз ифодасини топган. Никоҳ – арабча сўз бўлиб, қўшилиш деган маънони англатади [1: 19]. Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас балки маънавий муштараклашишдир. У ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Бурҳониддин Марғинович ёзишича: "Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир", чунки Расулulloҳ (с.а.в.): "Гувоҳларсиз никоҳ никоҳ эмас", деганлар [2: 647-648].

Ислом дини тарғиб қилган оила маданияти жоҳилия даврида ҳукм сурган оилавий муносабатлардан тубдан

This article is one of the most culmination issues in our country today. Each family is built on the culture of marriage. This article demonstrates that family solidarity is an important factor that ensures stability peace well-being of the community.

Тема статьи посвящена одной из важных социальных проблем нашего времени поскольку каждая семья строится на основе культуре брачных отношений. В статье показано что прочности семьи является важным фактором обеспечивающим мир и стабильности в обществе.

фарқ қилади. Агарда жоҳилия даврида аёлларнинг оиладаги ҳуқуқлари умуман паймол қилинган ҳолда эркак хоҳлаганича хотин олиш (15-20 та, ундан ҳам кўп) ҳуқуқига эга бўлган бўлса, ислом манбаларида бу масалалар муайян даражада тартибга солинди. Исломга асосланиб қуриладиган оилалар янгича мазмун, янгича шакл касб эта бошлади. Қарийиб 1,5 минг йил давомида исломга эътиқод қилувчи халқлар исломий никоҳ асосида оила қурадилар ва шу давр ичида оила муносабатлари маданияти шаклланиб, мазмуни бойиб борди.

Оила хусусидаги қарашлар Қуръони карим, ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ёрқин ифодасини топган. Оила қуриш ҳақида Қуръоннинг "Нисо", "Талоқ" ва бошқа суралари бағишлангани бундан далолат беради. Жумладан, "Нисо" сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб шундай дейилади. Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир [3: 80]. Яна никоҳнинг машруъ бўлиши ҳақида "Нур" сурасининг 32- ояти [3: 354] "Нисо" сурасининг 3 [3: 77], 24 [3: 82], 127 [3: 98] - оятлари бағишланган. Уларда шаръий никоҳнинг ақидавий талаб ва қоидалари, бошқа оятларда эса никоҳ ман этилган аёллар, [3: 81] опа-сингилларнинг бир никоҳда жамланмаслиги [3: 81] ва бошқа жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Исломда оилавий муносабатлари эр-хотин бурчлари ҳақида "Ҳидоя"нинг ва "Никоҳ ва талоқ китоби"да ўз ифодасини топган. Жумладан, "Ҳидоя"да оила ва никоҳ масаласида адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар қилиш, поклик каби эзгу тушунчалар инобатга олинган. "Ҳидоя"да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири – аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги муҳим бўлган: "никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишлиги, эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий жиҳатларидан мумкин қадар бир-бирларига тенг бўлишлари муҳим шартлардан деб қаралади. Жумладан, никоҳда тенглик хусусида шундай дейилади: "Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат ўзларига тенг бўлган кишиларгагина берсинлар" [2: 675].

Никоҳ оиланинг таянчи, насл-насабини, поклигини сақловчи, оилада соғлом муҳитни пайдо қилувчи, инсон ахлоқ-одобини ушлаб туривчи муқаддас нарса бўлганлигидан ислом манбаларидан бўлмиш Қуръони каримда бир неча ўнлаб оятлар орқали унга катта аҳамият берилган. Никоҳнинг машруъ (шарт) бўлиши ҳақида Нур сурасининг 32-оятида [3: 534], Нисо сурасининг 3 [3: 77], 24 [3: 82], 127 [3: 98] оятлари орқали амалга ошган.

Никоҳ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун оила қуришда қўлланиладиган зарурий шаръий амал ҳисобланади. Ҳатто оила қуришга моддий имконияти бўлмаган кишиларни

хам оилали қилиб қўйишга даъват этилади.

Масалан, Қуръони каримнинг Нур сурасининг 32-оятда шундай дейилади: "Сизларнинг орангиздаги тул(эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир"[3: 77].

Жамиятнинг таянчи бўлган оила муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этишда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий ҳаётнинг таъсирини инобатга олиш билан диний (исломий) омилни ҳисобга олиш ҳам зарур. Ҳозирги истиқлол даврида баркамол ёш авлодни тарбиялашдан фақат ота-она, балки жамоатчилик фикри, маҳалла-қўй таъсири ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Оилада янги инсон шаклланади, маънавий, жисмоний камолга етади. Шунинг учун ҳам истиқлол даврининг энг муҳим вазифаларидан бири – мустаҳкам оилани яратишдир.

Исломи дини кенг тарқалган Ўзбекистонда тарихан ўзбек оиласининг ривожланиши босқичлари исломий таълимотлар таъсирида ўтган. Миллий ва исломий кадриятлар асосида ёшлар тарбиясида, бир томондан, ота-оналар билан болалар ўртасида меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат шаклланган, иккинчи томондан, ота-оналар ҳам ўз болаларини элда имон-этиқодли, жонқуяр, меҳрибон, меҳнатқаш, инсофли, виждонли кишилар қилиб тарбиялашга эътибор қаратганлар. Яхши тарбия кўрган бола ота-онага ҳам катта иззат, ҳурмат келтиради.

Исломи манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифда оила, никоҳ, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, "Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради" [3: 354]. Ўзбек оиласида қадимдан бошлаб таълим-тарбия аънарасига риоя қилинган. Исломда

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отаҳўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. –Т.: Адолат, 1995.
2. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. –Т.: Адолат, 2001. Т.1.
3. Қуръони карим маъноларнинг таржимаси ва тафсири. Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

АҚШ НЕОКОНСЕРВАТОРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ГЕГЕМОНИК МАФКУРАСИНING АСОСЛАНИШИ

Абрар ТУРАЕВ
ЖДПИ катта
ўқитувчиси

Мақсуд мақолада АҚШ неоконсерватизм мафқураси оқими вакилларининг гегемонлик қарашлари шаклланиши, глобал гегемонликка йўналтирилган неоконсерватив концепциялар мазмуни ва моҳияти, неоконсерватив гегемонлик ғояларининг АҚШ ташқи сиёсатида таъсири масалалари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: неоконсерватизм, гегемонлик, ташқи сиёсат, "Бир қутбли дунё", демократлаштириш, глобаллашув, сиёсий мафкура.

Тарихга назар ташланса, бугунги кунда қудратли давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг "ҳаётий манфаатлари" ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсатини юритишган. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, мустамлака мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди. Гегемонизм (юнон. гегемония – етакчилик, бошқариш) – ана шундай мақсадларга хизмат қиладиган ғоялардан бири бўлиб, у ижтимоий гуруҳ, синф, давлат ёки этноснинг бошқа гуруҳлар, синфлар, давлат ва этнослар устидан етакчиликка

оиладаги тарбияда фарзандлар соғлом бўлиб ўсиши ҳисобга олинади, инсонларнинг молига, жонига, обрўйига путур етказадиган нарсаларни ҳаром деб ҳукм қилинади. Ёшлар ҳалол меҳнатга ўргатилиб, ҳалол билан ҳаромни ажратиб жамиятда ўз ўрнини топиш ва тўғри йўлга солиш учун ҳадис, Қуръони карим кўрсатмаларига амал қилинади. Қуръони каримда: "Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатдан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўрталарингизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир", дейилади. Бундай даъватларга мусулмон оилалари тарихан риоя қилиб келган. Ота-онанинг ўз болаларига ғамхўрлик қилиши, ўзбек халқи аъналаридан катта ўрин олган. Бундай оилаларда ўсган болалар маънавиятида меҳнатсеварлик, ота-оналарига, ака-укаларига меҳрибон бўлишдек фазилатлар шаклланади. Оила муносабатлари маданиятининг ислом таълимоти асосида шакллантириш Қуръони каримнинг қатор оятларида, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган ва уларга риоя қилган мусулмонлар ислом маънавиятига эга бўлганлар. Улар: ота-онага яхшилик қилиш, қариндошлар билан мунтазам алоқада бўлиш ва уларни хурсандчилик ёки мусибат маросимларида иштирок этиш, дўстлар ва қўшнилар билан яхши муносабат ўрнатиш, саломлашиш ва алик олиш, бегона хонадонга киришдан аввал изн сўраш, келган одамга ёнидан жой бериш, ширин муомала қилиш, ҳаром ва ёмонликдан сақланиш, бир-бирларига яхшиликни ўргатиш, имонли, эътиқодли бўлиш, мусибатларга сабр қилиш, ростгўй ва ҳалол кишиларни ҳурмат қилиш, хато қилган кишиларни кечириш каби фазилатлардир. Бундай ўзбек халқи менталитетида хос хусусиятлар нафақат исломий кадриятларни, балки миллийликни ҳам қамраб олган ҳолда маънавиятни бойитишга хизмат қилган.

In this article, we analyze the formation of hegemonic views of representatives of the neo-conservatism ideology, the content and essence of neoconservative concepts aimed at global hegemony, the influence of neoconservative hegemonic ideas on US foreign policy.

В данной статье мы проанализируем формирование гегемонистских взглядов представителей течения идеологии неоконсерватизма, содержание и сущность неоконсервативных концепций, направленных на глобальную гегемонию, влияние неоконсервативных гегемонистских идей на внешнюю политику США.

даъво қилишини англатади.

...Гегемонизм мафқурасини асословчи ғояларидан бири "Буюқ давлатчилик шовинизми" тушунчаси бўлиб, бу тушунча ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдири, халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик асосий тамойили бўлган мумтозлик мафқурасини англатади. Бундай мафкура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб халқларнинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин[14].

Америка Қўшма Штатларида неоконсерватизм мафкура-сининг шаклланиши ва сиёсий таъсирининг кучайиб бориши дунёвий гегемонлик учун назарий асосларни яратишга кучли таъсир кўрсатиб келди. Ва бу интилишлар маълум маънода АҚШ ташқи сиёсий стратегияларида ҳам ақс этди. Гегемонлик АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг алоҳида бир йўналиши сифатида намоён бўла бошлади. Неоконсерватив ғояларнинг асосларидан бири “АҚШ глобализми” ҳисобланади. Унинг асосини гегемонлик ташкил этади.

1970-1980 йиллардаёқ яширин тарзда АҚШнинг дунёвий гегемонлигини ўрнатиш мақсадида “демократик мамлакатлар” худудини шакллантириш эҳтимоллари борасида фикрлар юритила бошланган. Ер юзининг исталган худудида жойлашган ҳар қандай АҚШ манфаатларига қарама-қарши турувчи давлат “миллий манфаатлар” учун таҳдид сифатида қаралиб, хавф сифатида уни ҳар қандай воситалар билан бартараф этиш лозимлиги эътироф этила бошлади.

Неоконсерваторлар ўзларини “демократик глобализм” тарафдорлари сифатида намоён қилишга ҳаракат қилишади ва бу ёндашув бутун дунё ва АҚШ хавфсизлигини таъминлаш кафолати сифатида талқин этилади. АҚШ талқинидаги демократик глобализм нафақат ахлоқий балки геосиёсий ўлчовларга эгадир. Яъни “америкацентризм” дунё тартиб-ботининг ўрнатилиши хом ашё манбаалари ва уларнинг ташиш йўлаклари устидан назоратни ўрнатиш билан ҳам изоҳланади. Умуман, АҚШ ташқи сиёсати ва унинг турли минтақаларга таъсир борасидаги таҳлил ва талқинларда АҚШ гегемонлиги борасидаги хулосалар илгари сурилмоқда.

АҚШ ташқи сиёсати масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчи Т.А. Шаплеина АҚШ гегемонлигининг қуйидаги асосий йўналишларини келтириб ўтади: АҚШнинг “қаттиқ” дунёвий ҳукмронлик концепцияси; либерал – консерватив етакчилик концепцияси; либерал-реалистик – “юмшоқ” етакчилик концепцияси [15: 99]. Мазкур уч йўналиш халқаро муносабатлар тизимида АҚШнинг бугунги ва келажакдаги дунёвий ролига нисбатан умумий ёндашувларни ўзида акс эттиради. Бундай ёндашувларни гегемонизм тарафдорлари бўлган Р.Кейган, Ч.Краутхаммер, М.Макфол ишларида ҳам кўриш мумкин. Улар ёндашувларининг умумий ғояси – АҚШнинг дунёвий гегемонлигидир. Бу концепция тарафдорлари орасида бир қатор кўзга кўринган амалиётчи неоконсерваторлар – П.Вулфовиц, Д.Чейни, Д.Рамсфелдларни ҳам кўриш мумкин.

Таниқли сиёсатшунос З.Бжезинский Америка гегемонлигининг тўрт асосий омилларини санаб ўтган: “Ҳарбий соҳада рақобат қила оладиган кучларга йўл қўймаслиги ёки мавжуд эмаслиги; иқтисодий соҳада дунё тараққиётининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида қолиши; технологик муносабатларда, техника ва илм-фан жаҳҳасида мутлақ етакчилигининг сақланиши; маданий соҳада устуворликка эга эканлиги” [10: 36].

Глобал гегемонлик мазмунини ўзида мужассамлаштирган яна бир концепциялардан бирини неоконсерватизм намоёндаларидан У.Кристол ва Р.Каганлар илгари суришган бўлиб, у “Марҳаматли глобал гегемонлик” (“Benevolent Global Hegemony”) деб аталади. Унинг мазмунига кўра, жаҳоннинг йирик давлатлари АҚШ гегемонлигини тан олишлари керак. Чунки улар учун бундан яхшироқ имкониятлар мавжуд эмас. Улар Вашингтон ҳомийлигида ўз мафаатларини таъминлаши ва бошқа бир таҳдидли гегемон давлат тажовуздан холи бўлиши мумкин [6: 18-32]. Шу билан бирга “ижтимоий гегемонлик”нинг заруратини У.Кристол ва Р.Каганлар “Замонавий хавфлар” китобида асослашган бўлиб, бундай гегемонлик тинч ва демократик дунё тартиб-ботини қуриш учун ишлатилиши кераклиги таъкидланади [12: 50]. Бундан ташқари, бевосита неоконсерватизм тарафдорлари ёки уларнинг таъсири юқори бўлган АҚШ ҳукуматлари даврида бир қатор концепциялар, доктриналар илгари сурилган. Масалан, “Миллий хавфсизлик стратегияси”, “Бирлашган

ядровий операциялар Доктринаси” ва бевосита Яқин Шарқ минтақаси билан боғлиқ бўлган “Қатта Яқин Шарқ”, “Янги Яқин Шарқ” ва “Қатта Марказий Осиё” каби концепцияларни айтиш мумкин. Улар ичида Яқин Шарқ минтақаси билан боғлиқ қарашлар устунлик қилади. Шунинг таъкидлаш кераки, АҚШ дунёда гегемонлик қилиш вазифасини Яқин Шарқ минтақасисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун АҚШ ташқи сиёсий стратегиясида Яқин Шарқ минтақаси “муҳим ҳаётий манфаатлар худуди” деб эътироф этилди. Айниқса, 1990-йиллардан кейин Яқин Шарқ минтақаси АҚШ неоконсерваторларининг асосий диққат марказидаги минтақа сифатида кўрила бошланди. Шу даврдан бошлаб АҚШ гегемонлигини асословчи чақириқлар неоконсерватив оқим намоёндалари томонидан узлуксиз тарғиб этила бошланди. Хусусан, 1992-йилда таниқли неоконсерваторлардан бири П.Вулфовиц томонидан “Ҳукмронлик стратегияси” ишлаб чиқилди. Неоконсерватив руҳдаги бу стратегиянинг асосий мазмуни Яқин Шарқдаги қуроли интервенциянинг заруратини исботлаш бўлиб, уруш унинг фикрича, Форс кўрфазини мамлакатлари худудидаги нефть захиралари каби ҳаётий муҳим табиий манбалар учун имкониятларни таъминлаш учун жуда муҳимдир. Стратегияда таъкидланишича, АҚШ дунёдаги ягона қудратли давлат бўлиб, асосий мақсад – янги рақобатчининг пайдо бўлишига йўл қўймаслиқдир. Бундан ташқари, бу концепциянинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, “АҚШ яқка ўзи ёки коалицияни бошқарган ҳолда ташқи таҳдидларга қарши муддатий урушларга тайёр бўлиши лозим” [13].

1990-йилларнинг бошига келиб АҚШ ўзининг иқтисодий, технологик, маданий ва ҳарбий қудрати билан дунёда ягона қудратли давлатга айланди. АҚШ сиёсий доиралари кун тартибига ўзига хос дилемма юзага келди: ёки ўзининг ҳарбий кучлари имкониятларини қисарттириш эвазига мамлакат ички ҳаётида демократияни янада яхшилаш билан шуғулланиш, Ж.Кирпатрик айтганидек, “меъёрий мамлакат”га айланиш ёки барча кучларни “геосиёсий бўшлиқни тўлдириш”, янги душманлар топиш ва дунё ҳукмронлигига даъвогарлик қилиш [11: 45]. Америкалик сиёсатшунослар АҚШнинг глобал ҳукмронликдаги устунлигини “бир қутбли вазият” дея аташди [4: 322].

Неоконсерватизм нуқтаи назарига кўра, дунёвий ҳукмронлик борасидаги ютуқлар АҚШнинг узоқ муддатли ташқи сиёсий мақсади бўлиб, АҚШ жамияти ҳамда давлатчиликни сақлаб қолишни таъминлайди. Унинг ички сиёсий ютуғи эса шундаки, социум ва давлат институтларининг уйғунлашувига эришиши ҳамда мафкуравий беқарорлашувнинг олдини олишга хизмат қилади.

“Америка асри” ёки “Pax American”ни қуриш имкониятига ишончининг сақланиши бобида неоконсерваторлар бир қутбли дунё тарафдорлари бўлиб чиқишди. Неоконсерваторлар кўп қутбли дунё ва кўпмарказлилик ғояларига қарши чиқишади. Уларнинг фикрича, халқаро муносабатларнинг бундай модели ҳаққоний бўла олмайди [3]. Неоконсерваторлар нуқтаи назарига кўра АҚШдан ташқари барча, тўловларсиз, жавобгарликсиз кўп қутбли дунёда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни исташмоқда. Ҳеч бир давлат глобал инкирозларни бошқариш учун жавобгарликни ўз қўлига олишга тайёрлигини намоён қилмаяпти. Мазкур контекстда кўпмарказлилик дунё тартиботи неоконсерваторлар фикрича, хаосдир, кимдир жавоб бериш имконияти кам. Фақат биргина “Марҳаматли гегемония” дунёни “ортиқча” қуролини, авторитар тузумларнинг кўтарилиши ва қарама-қарши блоклар тузишдан ушлаб туриши мумкин. Улар фикрича, “Америка гегемонлиги – халқаро тартиб ва дунё(тинчлик)ни йўқ қилишдан ягона ва ишончли ҳимоядир” [7].

Таниқли неоконсерватор Чарльз Краутхаммер таъкидлашича, АҚШ гегемонлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган бирор бир чора-тадбир амалга оширилмаса, дунё тартиботи

биринчи жаҳон уруши арафасидаги ҳолатга қайтиши мумкин[5].

У.Кристал ва Р.Кейганлар бу ғояларни ривожлантириб, СССР мавжуд бўлмаса-да Америка ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари ўзгартирилмаслигини таъкидлашади. Кейинги жиддий таҳдидни кутиш ўрнига АҚШ унинг пайдо бўлиши имкониятларини йўққа чиқариши лозим. АҚШ учун асосий мақсад халқаро тартибни сақлашдир. Акс ҳолда бундай тартиб АҚШ манфаатлари ва кадрларининг ўзида ифодаланмайдиган бошқа бир кучлар томонидан ўрнатилди[2]. Бундай мақсадга эришиш мумкин. Ва шунинг учун узоқ муддатли, жамиятни бирлаштирувчи вазифаларни қўяди. Бу ҳолатдан кўриш мумкинки неоконсерватизмда миллий манфаатлар масаласи устувор атрибут ҳисобланади.

Глобал устуворлик стратегияси тарафдорлари ичида машҳур концепциялардан бири Ф.Фукуяманинг “Тарихнинг интиҳоси” ва Ғарб либерал демократиясининг универсаллашуви ҳисобидир[8: 43]. Бошқа бир неоконсерватив сиёсатшунос С.Хантингтон глобал ривожланишнинг бошқача бир башоратини берди. Унинг ғояси бўлган “Цивилизациялар тўқнашуви” концепцияси дунёнинг саккизта этномаданий формацияларга бўлиниши ва жаҳон тарихининг келгуси ривожини айнан мазкур гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари билан белгиланишига асосланади[9: 47]. Кейинчалик неоконсерваторлар мазкур икки концепцияни бирлаштиришди. Агар “Тарихнинг интиҳоси” мафкуравий мақсадлари қисми бўлиб хизмат қилса, “Цивилизациялар тўқнашуви” эса унинг амалиёти, қўйилган вазифаларга эришуви сифатида эътироф этилади. Уларнинг асосий ҳарбий-стратегик ёндашувлари 1992-йилда юзага чиқди. Яъни, Катта Жорж Буш администрациясида муҳофаа вазири бўлган Дик Чейни 1994-1996 йилларга мўлжалланган янги муҳофаа стратегияси – “Муҳофаавий режалаштириш қўлланмаси”ни шакллантириш ташаббусини илгари суради. Уни ишлаб чиқишда вазирлик ходимлари бўлган гуруҳ – П.Вулфовиц, Залмай Ҳалилзода ва Л.Либбилардан иборат гуруҳ томонидан амалга оширилди. 1992 йилдаги ҳукуматдаги ўзгаришлар “Муҳофаавий режалаштириш қўлланмаси”ни амалга ошириш имконини етади. Билл Клинтон демократлари жамоаси Америка етакчилигини мустаҳкамлаш ёндашувини сақлаган ҳолда “кооператив хавфсизлик” йўналиши бўйича бошқарувни шакллантира бошлашди. Бу вақтда гуманитар интервенция ғояси долзарблаштирилди, яъни инсонпарварлик операциялари олиб бориш ва фуқароларни ҳимоя қилиш важи асосида бошқа давлатларнинг ички ишларига қуроли аралашув тактикасида фойдаланиш афзал кўрилди. Бу борада халқаро ташкилотлар, институтлар билан ҳамкорликка ҳам эътибор қаратилди. 1994 йили Клинтон ҳукумати томонидан қабул қилинган “Миллий хавфсизлик стратегияси”да изоляционизм ва савдо протекционизми ғояларидан воз кечиш белгилаб қўйилди. АҚШ глобал манфаатлар ва мажбурият юқунини ўзига олган йирик жаҳоний куч эканлиги эътироф этилди[1].

1990-йилларда У.Кристал ва Р.Каганлар Р.Рейген президентлиги даври ютуқларини ўзида ифодаловчи “нео-рейганизм” стратегиясини таклиф қилишади. Яъни, мамлакатнинг ички сиёсий реаллиги билан боғланган ҳолда АҚШнинг қудратини чеклаши қарорини бекор қила олган Рейген ташқи сиёсатда улкан ютуқларга эришди. Улар фикрича, айнан ички тўсиқлар АҚШ гегемонлиги йўлида тўсиқ бўлиб турибди. Каган фикрича, Американинг ҳар қандай камчиликларига қарамастан, дунё учун бошқа ҳар қандай гегемон кам даражада “марҳаматлидир”[3].

Неоконсерватив гегемонлик ғояларининг ривожини сифатида 2000 йилга келиб неоконсерватив таҳлил маркази бўлган “Янги Америка асри учун лойиҳа”(Project for the New American Century) томонидан “Америка муҳофаасини қайта қуриш: янги аср учун кучлар ва ресурслар” концепцияси ишлаб чиқилди. Унда таъкидланишича, “Ўн йилликлар да-

вомида АҚШ Форс кўрфази хавфсизлигини таъминлашда мустаҳкам мавқени эгаллашга интилиб келди. Ҳалигача Ироқ конфликтининг ҳал этилмаганлиги минтақада АҚШнинг ҳарбий мавжудлигини оқлашга хизмат қилади ва Саддам Ҳусайн тузумини тугатиш масаласи эътироф этилаверади”[9].

Умуман, неоконсерватизм мафкурасининг глобал гегемонликка қақирқлари замирида миллий манфаатларни таъминлаш ва давлат куч-қудратидан самарали фойдаланиш орқали муҳим сиёсий, хавфсизлик ва иқтисодий таъсирларга эришиш турганлиги аён бўлади. Айниқса, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази каби энергетик имкониятлари юқори бўлган минтақалардаги устунликни таъминлаш АҚШ неоконсерваторларининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

АҚШ неоконсерватизм мафкурасида гегемонлик ғоялари эволюцияси ва сиёсий қарорлар қабул қилишга таъсир таҳлили асосида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

биринчидан, АҚШ неоконсерватизм мафкураси ғоявий асосларидан бири сифатида глобал гегемонлик стратегияси совуқ урушдан кейинги дунё тартиботи шаклланишида етакчи мавқега даъво қилиш орқали АҚШнинг дунёдаги ягона қудратли давлат сифатида эътироф этилиши учун асосий мафкуравий восита бўлиб хизмат қилди;

иккинчидан, замонавий гегемонлик концепциялари АҚШ неоконсерваторларининг иккинчи авлоди вакиллари томонидан шакллантирилди ва ташқи сиёсий қарорлар қабул қилишнинг назарий-концептуал асоси сифатида фойдаланилди;

учинчидан, неоконсерватив гегемонлик мафкураси анъанавий неоконсерватизм тамойиллари асосида талқин этилди. Демократлар ҳукумати бошқаруви даврида АҚШ гегемонлиги ғояси ижросида либерализм тамойилларига таянилган бўлса-да, неоконсерватив ёндашувлар хавфсизликнинг муқобил парадигмаси сифатида қаралиб келинди;

тўртинчидан, АҚШга хос гегемонлик моделини неоконсерваторлар “марҳаматли гегемонлик” форматда талқин қилишди. Бундай гегемонлик модели ўзида бир қутбли дунё тартиботи ёндашуви ҳамда тамойилларини мужассам этади;

бешинчидан, неоконсерватив гегемонлик мафкураси XX асрнинг охири XXI аср бошларидаги АҚШ ташқи сиёсати стратегияси шаклланишига таъсир кўрсатган асосий омил бўлиб, глобал ҳукмронлик агрессив ташқи сиёсат юритиш шароитини яратди. Нафақат ҳарбий кучлардан фойдаланиш балки, иқтисодий, маданий ва мафкуравий таъсир ўтказиш усулларини фойдаланиш ҳам гегемонлик мафкураси ва стратегияси амалиётида кенг фойдаланила бошланди.

олтинчидан, неоконсерватив гегемонлик қақирғига сабаб бўлувчи омиллар қаторида энергетик хавфсизлик омилнинг аҳамияти ортиб, деярли барча ташқи сиёсий экспанциялар мазкур омил билан бевосита ва баъзан билвосита боғлиқликка эга эканлигини намоён қилди;

еттинчидан, гегемонлик мафкураси асосидаги ташқи сиёсий концепцияларнинг муваффақияти ва АҚШнинг глобал қудратга эришиши билан боғлиқ қарама-қарши қарашлар шаклланиб, янги асрнинг дастлабки ўн йиллигида глобал ҳукмронликдан глобал етакчиликка қақирқлар ортомқда.

саккизинчидан, АҚШнинг халқаро ташаббусларини жаҳон ҳамжамияти томонидан кўпроқ гегемонлик нуқтаи назардан кутиб олиниши натижасида унинг етакчилик имиджини шакллантириш заруратини юзага келтирди. Эндиликда АҚШ “марҳаматли гегемонлиги”нинг ҳаётий эмаслиги янада ойдинлашиб бормоқда. Аммо бундай ўзгаришлар неоконсерватив мафкура мантигини ўзгартирмади. Неоконсерватизм мафкураси ривожидан янги узоқ муддатга мўлжалланган мақсад сифатида либерал дунё тартиботини сақлаш учун курашга эътибор қаратиш тенденцияси кузатилмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. A National Security Strategy of Engagement and Enlargement. The White House, July 1994. // National Security Strategy Archive. // <http://nssarchive.us/NSSR/1994.pdf> (мурожаат қилинган сана:24.02.2018).
2. Kagan R., Kristol W. Burden of Power is Having to Wield It // The Washington Post, 19.03.2000. // <http://carnegieendowment.org/publications/index.cfm?fa=view&id=231> (мурожаат қилинган сана:11.10.2019).
3. Kagan R. The Benevolent Empire // Foreign Policy, Summer 1998. // <https://carnegieendowment.org/1998/06/01/benevolent-empire-pub-275> (мурожаат қилинган сана:11.10.2019).
4. Krauthammer C. Things that matter: three decades of passions, pastimes, and politics. New York: Crown Forum, 2015.
5. Krauthammer Ch. The Unipolar Moment // Foreign Affairs, America and the World, 1990/91. // <https://www.foreignaffairs.com/articles/1991-02-01/unipolar-moment> (мурожаат қилинган сана:11.10.2019).
6. Kristol W., Kagan R. Toward a Neo-Reaganite Foreign Policy // Foreign Affairs. - 1996, - Vol. 75. - No.4.
7. Kristol W., Kagan R. Toward a Neo-Reaganite Foreign Policy // Foreign Affairs, July/August 1996. // <https://www.foreignaffairs.com/>

- articles/1996-07-01/toward-neo-reaganite-foreign-policy (мурожаат қилинган сана:11.10.2019).
8. Posen B.R., Ross A.L. Competing Visions for U.S. Grand Strategy // International Security. - 1996/1997. - Vol. 21. - No.3.
9. Баталов Э. Я. Мировое развитие и мировой порядок (анализ современных американских концепций), - М.: Российская политическая энциклопедия, 2005.
10. Бжезинский З. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы. - М., 1998.
11. Блохин К. Американский неоконсерватизм - идеология слабющего гегемония // Проблемы национальной стратегии. №3(42).2017.
12. Вялых В. Внешнеполитическая стратегия американского неоконсерватизма // Власть. 07.2008.
13. Грачева Т.В. Военная политика США сквозь призму философии и персоналий // <http://www.bestreferat.ru/referat-2126.html>.
14. Назаров К. Ғоялар фалсафаси. - Т.: ЎЗМУ, 2010.
15. Шаклеина Т.А. Россия и США в новом мировом порядке: Дискуссии в политико-академических сообществах России и США (1991-2002). - М., 2002.

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МУҚАДДАС ДАРГОХ

Отамурод ДЖУРАЕВ
ЖДПИ Тарих факультети
ўқитувчиси

Мазкур мақолада оила жамиятнинг таянчи, унинг биринчи ва бирламчи бўғини эканлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар муаллиф томонидан илгари сурилади.

Таянч сўзлар: оила, қадрият, Конституция, ислоҳот, маҳалла, тарбия, маънавият, “оммавий маданият”.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва жамият, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шакллари асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда ва унинг натижалари айтиш мумкинки, муваффақиятли бўлмоқда. Ислоҳотларнинг пировард мақсади – инсон. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади [1: 258]. Демак, ислоҳотлар доирасида қабул қилинаётган ва амалга киритилаётган кўплаб қонун ҳужжатлари инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу жараён халқимизнинг тарихий анъаналарини, урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиб давом эттирилмоқда.

Узоққа бормамайлик, ушбу мақсадда 1998 йилнинг мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилиниши, эътиборлиси, шу йили Оила кодекси қабул қилиниши жамият ва давлатнинг таянчи ҳисобланган оилага бўлган алоҳида эътибордан дарак беради. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистонда 2012 йилнинг “Мустақкам оила” деб белгиланиши ва бунда “оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва жамият, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шакллари асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда ва унинг натижалари айтиш мумкинки, муваффақиятли бўлмоқда. Ислоҳотларнинг пировард мақсади – инсон. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади [1: 258]. Демак, ислоҳотлар

In this article, the author argues that family is the backbone of society, its primary and primary unit.

В данной статье автор излагает мысль, что семья является опорой и первичной ячейкой общества.

доирасида қабул қилинаётган ва амалга киритилаётган кўплаб қонун ҳужжатлари инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу жараён халқимизнинг тарихий анъаналарини, урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиб давом эттирилмоқда.

Узоққа бормамайлик, ушбу мақсадда 1998 йилнинг мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилиниши, эътиборлиси, шу йили Оила кодекси қабул қилиниши жамият ва давлатнинг таянчи ҳисобланган оилага бўлган алоҳида эътибордан дарак беради. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистонда 2012 йилнинг “Мустақкам оила” деб белгиланиши ва бунда “оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш – авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқлиги” оилани мустақкамлаш, унинг жамият ва давлатдаги барқарорлигини таъминлашнинг асосий элементларидан бири сифатида қараш муҳимдир. “Бинобарин, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақкам таянч деб биламиз” [2].

Зотан, Республикаимизда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг манбалари, хусусан, оила – истеъдодли ёшларни вояга етказиш ва тарбиялашнинг муҳим ўчоғи саналади. Чунки, ёш авлод ўз ҳаёти йўлида оилани камолот бешиги, деб ҳисоблайди. Ёш авлод камолотида оиланинг ўрни ва таъсири бекиёслигини Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бундай баҳолаган эди: “Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини

белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади” [3: 52-53].

Оила-жамиятнинг таянчи, унинг биринчи ва бирламчи бўғинидир. Жамият ана шу кичик бўғинлардан ташкил топган эр ва хотин – икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи олам – бу оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод бўлади, акс ҳолда дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади. Бунинг натижаси эса эр ва хотиннинг ўзигагина эмас, балки фарзандларини, яқинларини ҳам тортади [4: 456].

Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади. Фарзанд маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила – ҳақиқий маънавият ўчоғи ва қўрғонидир, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий ғоямиз, мафкурамизга хос юксак туйғулар илк бор оила муҳитида сингади. Бу жараён боболарнинг ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик кўникмалари шаклланади. Ота-оналар болаларда ёшлиқдан халқ, юрт тақдири учун фидойилик туйғусини шакллантириб, эзгулик, инсонпарварлик, раҳм-шафқатлилиқ руҳида тарбиялашга масъулдирлар. Бунинг учун ўз фарзандларини ёшлигидан бошлабқ нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шакллари қўллашлари лозим. Миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган жангари мультфильмлар, кинофильмлардан йироқ бўлмоғи лозим, балки, шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расм ва китоблар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмларни кўришга қизиқтириш уларнинг маънавий тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек оилаларида ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий-маънавий мезонлари бор. Қайси оилада, қайси маҳаллада тарбия яхши йўлга қўйилар экан, ўша оила, ўша маҳалла гуллаб-яшнайдди. Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли мақол ҳам айнан халқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оилапарварлик биз учун нечоғлик муҳим эканини билдиради [4: 601].

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оила жамиятнинг асосини ташкил этувчи муқаддас даргоҳдир. У кишилик жамиятида инсоний орият ва номусни англаш, шу туйғуларни шараф ва ғурур қадар идрок этишнинг ҳосиласи. Шундай бўлгач, оила қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам, Ватан эрки ва истиқлолнинг пойдевори ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Дарҳақиқат, оила ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бош-

лаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу истаклар, қадриятлар ташкил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир [1: 259].

Зотан, ҳар бир оила ўзига хос бир дунё десак, муболага бўлмайди. Барпо этилажак оиланинг устунлари қанчалик мустаҳкам ва бақувват бўлса, у шунчалик умрбоқий ва барқарор бўлади. “Оила” асли арабча сўз бўлиб, “оил” – “аёлманд”, “ниёзманд” деган маъноларни англатади.

Бинобарин, “инсон”, “оила”, “аёл” тушунчаларини бир-бирдан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Ўзбекистон Биринчи Президенти таъбири билан айтганда, “инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажрух, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладандир, Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот – бу Аёлдир” [5: 255].

Дарҳақиқат, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимийлик ва адолат муҳитини сақлаб туришда мураббийлик қиладилар.

Қомусий олим Абу Али ибн Сино ўзининг “Тадбири манзил” асарида ўн еттита фазилат эгаси бўлган аёлни “олий мартабали мураббий” деб ҳисоблаган. Булар: оқилалик, иймон-эътиқодлилиқ, шарми-ҳаёли бўлиш, ор-номуслилик, зийрак ва фаросатлилиқ, ёқимтойлик, ўз эрига меҳр-муҳаббатли бўлиш, бетгаҷопар бўлмаслик, эзмалик қилмаслик, итоаткорлик, дили поклик, эрининг орқасидан ғийбат қилмаслик, покизалик, вазминлик, жиддий ва улугворлик, оғир дамларда жуфтига малҳам бўлиш ва меҳрибонлик хислатларига эга бўлишдир.

Аёл доимо жамият эътиборида бўлган, бироқ мустақилликка эришилган илк йилларданок, хотин-қизлар масалалари, яъни республикада аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш ҳамда хотин-қизларни жамият ривожига ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айни пайтда, Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятда ва давлат бошқарувида иштирокини фаоллаштириш учун аёлларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Мамлакатимиз Асосий Қонунининг 56-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган институт уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади” [6: 11]. Шунингдек, Конституциямиз 65-моддасининг иккинчи ҳамда Оила кодексининг 4-моддасининг биринчи қисмига биноан, оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир. Мамлакатимизда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти олиб боради.

Аёл ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, институтлар, механизмлар ва тартиб-тамоийиллар жадал ривожланиб бораётганига қарамай, аёл ҳуқуқларини тан

олиш ва таъминлаш юзасидан муайн муаммолар ҳам мавжуд эканлигини шу ўринда айтиб ўтиш жоиз.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин билан узвий боғлиқ.

Бугунги кунда, фан-техника жадал тараққий этаётган бир шароитда ҳар бир давлат ўзининг истиқболли режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширадиган ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, унинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавияни бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Айни пайтда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифаларни юклямоқда. Албатта, ахборот маконига назар ташлайдиган бўлсак, жамоатчиликни ташвишга солиб келётган муаммолардан бири, шубҳасиз, фарзандларимизнинг одоб-ахлоқига салбий таъсир

кўрсатувчи ёт ғоялар, “оммавий маданият” хуружлари, мафқуравий ва маънавий таҳдидлар ва уларнинг шиддат билан ривожланишидир.

Хулоса шуки, ёшларимизнинг қонун устувор бўлган жамиятда ўз ҳуқуқ ва бурчларини англашларига ва амал қилишларига имконият яратиб беришимиз зарур. Республика Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак [7: 114] деган фикрлари ҳар биримизни катта масъулиятга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013.

2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабр.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

4. Ислом Каримов асарларида мамлакатимиз ёшлари ҳаётини шакллантириш ва таълим-тарбия масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2017 йил 26 май. –Т.: Янги аср.

5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т., 1999.

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

7. “Халқ таълими” журнали. 2018 йил 1-сон.

БАРКАМОЛ АВЛОД ШАХСИНИ ТАРБИЯЛАШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Дилфуза КАРИМОВА
Навоий вилояти ХТХҚТМОҲМ
катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада баркамол авлоднинг шахс сифатида шаклланиш йўллари акс эттирилган.

Таянч сўзлар: баркамол авлод, тарбия, таълим, ватанпарварлик, мутафаккир, мустақиллик.

This article is about the ways of the formation of the individual of the harmonious generation.

В данной статье рассматриваются пути формирования личности гармоничного поколения.

Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси миллий ва умуминсоний характерга эга бўлиб, у башариятни маънавият ва маърифатга, эзгулик ва юксакликка олиб борувчи комиллик сари йўлдир. Шу сабабли ҳам инсоният пайдо бўлдики, шахс масаласи кишилар, оилалар, жамоалар, давлатлар олдида муҳим муаммо бўлиб келмоқда ва улар кўп турли йўллар, воситалар билан турлича шаклларда, услубларда амалга оширилмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош масалаларидан бири – ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдан иборат. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улғу зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан” [1]. Шу жиҳатдан ҳам баркамол шахсни тарбиялаш, ўзининг маънавий, маърифий, ташкилий-услубий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли жараёнлари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда.

Баркамол шахсни шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва роли бениҳоядир. Демак, бугунги кунда баркамол авлод шахсини вояга етказиш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарбия шахс камолотининг узлуксизлиги ва узвийлигини муваффақиятли таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳам тарбия шахс камолотининг энг муҳим ва зарурий омилларидан бири ҳисобланади. Албатта, бунда тарбияланувчининг ёш хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир [2].

Соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, соғлом эътиқод, баркамоллик кабилар шахс фаолиятининг асосига айланади. Шахс фаолиятининг мазмунида миллий қадриятларга садоқат, жамиятдаги тинчлик, хотиржамликни сақлашга онгли муносабатда бўлиш, тинч ва фаровон ҳаётни яратиш, ижтимоий маънавиятни юксалтиришга интилиш каби омиллар асосий ўрин эгаллайди. Шу сабабли бугунги ёшлар дунёқарашида миллат, Она тупроқ, Она ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотлар ривожланиб бормоқда. Ёшлар онгида

миллат, миллий ахлоқ, миллий ғурур, миллий тарбия, миллий салоҳият, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи ва шу каби тушунчалар сингдириб бориш уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтириш тарбия жараёнининг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ёшлар камолотида миллий ўзликни англаш, миллий онг, миллий ғурур, ўзбек миллати, миллий-маънавий камолот тушунчаларини шакллантириш имконини яратади. Бунинг натижасида ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб, жамият тараққиётининг пойдевори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятида жамият ва давлатнинг маънавий муҳитига муносиб ҳисса қўшишни ўзининг муқаддас бурчи деб билиб, иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, дўстлик инсонга чексиз муҳаббат, мурувватлилиқ, қаноатлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, саҳийлиқ, миллий ғурур каби фазилатларни ўзларида мужассам этмоқдалар. Бу мислсиз тенги йўқ ишда ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг, таълим соҳасида масъул ходимларнинг хизмати бениҳоят каттадир.

Чунки, тарбиячи тарбияланувчиларни баркамол шахс бўлиб, етиштиришда ҳартомонлама таъсир кўрсатади. Тарбиячи ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштирилиши, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўз билимини бойитиб бориши лозим.

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа деган эди, улуг олим Арасту. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда тарбиячилар қуйидагиларга амал қилишлари лозимдир:

- тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ва эркинлигини этиборга олиш;

- миллийликнинг ўзига хос анъана, воситаларга таяниш, жаҳон маданиятининг илғор тажрибаларига асосланиш.

Ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёти иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этиши лозим. Ўқитувчи ўзининг тарбиячининг маҳоратида миллий истиқлол ғояси озод ва обод Ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик, маънавий ахлоқий, иқтисодий, экологик, нафосат, жисмоний тарбиялашга ва баркамол шахсни шакллантиришга эътибор бериши лозим.

Демак, ўқитувчи жамият ҳаётида етакчи ўрин тутувчи мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминида унинг меҳнат натижалари ётади. Ўқитувчиларнинг педагогик психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, муомала маданияти, психологик вазиятларни эътиборга олиш қабилар кучли бўлиши керак. Юксак савияли зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол шахсни тарбиялайди. Халқимизда тарбиячилик санъати қадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарқ мутафаккирлари, педагогик олимлар баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А.Авлоний айтганидек: “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлоқ келажаги, раҳбари нажотига айланган”. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир. Шунинг учун авваломбор илмли, тарбияли бўлмоқ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи[3].

Шу мақсадда кўнглида энг олий орзуларни жамлаб, ўқитувчи тер тўкиб ишлайди.

Уларнинг меҳнатини ҳурмат қилиб, берган билимларини эгалламоқ керак. Беҳбудий айтганидек: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир”. Ибн Сино таъкидлаганидек: “Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил”.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари мавжуд бўлиб, ўқитувчилар ўзларининг фаолияти жараёнида:

- мустақиллик туфайли ўзбек халқининг миллий, диний ғояларининг кенг руёбга чиқиши;

- маърифатпарварлик ва жаҳидчилиқ ҳаракатининг тарихий асослари;

- она тилимиз ва унинг софлигини асраш;

- Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланилишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш;

- халқимиз яратган миллий урф-одатлар ва анъаналаримиздан кенг фойдаланиш;

- Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда инсон камолоти ҳақидаги ғояларини ёшларга ўргатиш;

- маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қахрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиши ва бошқалар.

Юқоридаги йўналишлардан бизга маълум бўладики, буюк аждодларимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда “Куч адолатда” деган бош шior давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган.

Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат ҳеч қачон адашмайди. Эртами кечми фаровон турмушга эришади. Адолат биз қураётган жамият мезони бўлмоғи даркор.

Албатта, бунда ўқитувчининг билими, маҳорати беқиёсдир. Ўқитувчининг билим даражаси шарқона фикр юрита билиши, иш билан ҳаракатнинг бирлиги мактаб ўқувчиларининг ижодий фазилатларини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришувчи ғояси асоси бўлиб қолади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришиши, бу унинг айрим қирралари ёки ҳислатларининг тўлақонлилигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади. Ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, улар ўз шахсий турмушида мақсадли ёндашув режа ва амал бирлигига эришадилар. Ўқувчиларни умуминсоний ва Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, уларда маданий ва диний билимларини эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларини ошириш, эстетик тушунчаларини камол топтириш, ўқитувчи фаолиятида чуқур ўрин эгаллаши лозим. Ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш, шахс фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев: “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқи Т-2017.
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. –Т.1997-yil.
3. А.Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ СТРАТЕГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Фатхулла ХИКМАТОВ
Ўзбекистон Миллий
университети
эркин тадқиқодчиси

Мақолада стратегик режалаштириш ва таҳлилнинг ички ва халқаро сиёсий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, стратегик бошқарув ва таҳлилнинг бугунги кундаги давлат бошқарувдаги имкониятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: стратегия, давлат стратегияси, давлатнинг бошқарув стратегияси, стратегик бошқарув, стратегик режалаштириш, оператив режалаштириш, стратегик таҳлил, стратегик ташаббуслар, миллий ривожланиш стратегияси, миллий хавфсизлик.

The article analyzes the place and importance of strategic analysis of international and domestic political relations. And also, the possibilities of strategic management and strategic analysis in public administration are described today.

В статье анализированы место и значимость стратегического анализа международные и внутренние политические отношения. А также, изложены возможности стратегического управления и стратегического анализа в государственном управлении на сегодняшний день.

Давлат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ташкилотдир. Унинг стратегияси давлат ва жамият ривожланиши учун мақсадларга эришиш бўйича бош ривожланиш режаси бўлиб, тартибли зарур қадамлар ва керакли бўлган ресурсларни жалб этиш орқали амалга оширилади. Давлат стратегиясини амалга оширишнинг бош вазифаси давлат, жамият ва инсоннинг позитив ривожланишини таъминлашдан иборат.

Муваффақиятли стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича келишилган ҳаракатлар – бу давлатнинг ташқи ва ички сиёсатида янги ҳолат. Кўпчилик ҳолатларда давлат раҳбарлари, сиёсатчиларнинг саъй-ҳаракатлари кундалик долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлади. Шундай бўлса ҳам стратегик режалаштириш сиёсатининг самарали инструментларидан бири ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, давлат қабул қилиши мумкин бўлган кўплаб стратегиялар бор. Улар ичида барқарорлаштирувчи, бузғунчи ва миллий ҳамда антимиллий стратегияларни ажратиш мумкин. Россиянинг бошқарув (менеджмент) бўйича машҳур мутахассиси Г.Б. Кочетков қуйидаги фикрни билдиради: “стратегик фикрлашнинг муваффақияти ҳал этиш даражасида мазкур ташкилот раҳбарларининг қанчалик “стратегик фикрлаш”га қодирлиги, унга қанчалик йўналганлигига боғлиқ бўлади, чунки малакали режалаштирувчилар фақатгина режадаги жараённинг кечилиши ва унинг самардорлигини таъминлаб борадилар, лекин ўзлари ташкилот стратегик режалаштиришни амалга ошира олмайдилар” [1: 14, 2: 256].

Стратегик режалаштириш (турли хил соҳаларда) – бу мамлакат ривожланишининг стратегияси механизмларидан бири бўлиб, замонавий Ўзбекистон давлати учун долзарб муаммо ҳисобланади. Бундай стратегияларни (ҳатто хусусий стратегиялар, хусусан ташқи сиёсий ёки сиёсий-ҳарбий стратегияларни) илгари суриш сиёсий сафарбарлик функцияси билан боғлиқ, у шундай семантик кетма-кетликда (семантик конструкциялар) тузиладики, асосий марказий ғоялар оммавий онг ва элиталар онгига таъсир ўтказиб боради[3].

Масалан, замонавий Хитой миллий ривожланиш стратегиясида “имкониятларни беркитиш”, “кичик фаровонлик жамияти”, “инсоний қиёфадаги ҳукмронлик”, “ахлоқ асосида давлатни бошқариш” ва бошқа семантик конструкциялар муҳим роль ўйнайди. Сўнгги пайтларда ХХР раҳбарияти “тинч йўл билан ўзини кўтариш” оммавий сиёсатни олиб

бормоқда [4]. Бу тушунча остида Хитой қўшни ва дунёнинг бошқа мамлакатларга зиён етказмасдан, дунё ҳамжамияти билан тинч-тотув муносабатларни таъминлаган ҳолда қудратли давлатга айланиши кераклиги тушунилади. Бунга мисол сифатида Хитойнинг янги “Ипак йўли” лойиҳасини амалга ошириш учун янада очиқ бўлишга ҳамда ХХI асрнинг энг юксак мақсадли ташаббусини фаол тарзда молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёр. Форум Хитой ва мамлакат раҳбари Си Цзиньпин ташаббуси билан ташкил этилди. Давлат раҳбари чиқиш қилиб, унда лойиҳа ижросини жадаллаштиришда Хитой ҳокимияти қандай ишларни мўлжаллаётгани ҳақида маълумот берди. Хитой Халқ Республикаси раҳбарининг мулоҳазаларидан иккита асосий хулоса қилиш мумкин. Биринчиси, Хитой – очиқлик сиёсати, соғлом рақобат тамойиллари, бизнеснинг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш ва қулай бозор муҳитини шакллантириш тарафдори. Иккинчиси, Хитой ҳукумати турли мамлакатлар иштирокида “Бир макон – бир йўл” ташаббусини кредитлар ва мақсадли фондлардан маблағ ажратиш ҳамда облигациялар чиқариш орқали молиявий қўллаб-қувватлашни фаол тарзда давом эттиради.

“Бир макон – бир йўл” форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жами 283 та амалий натижалар, хусусан ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро келишувларга эришилди. Тадбиркорлар анжуманида умумий миқдори 64 млрд. АҚШ долларидан зиёд битимлар имзоланди”, – деди Си Цзиньпин журналистлар иштирокидаги брифингда[5].

Россия сиёсатшуноси А.Чадаев адолатли таъкидлаганидек, “амалга ошаётган ва эртага амалга ошадиган воқеани изоҳлаш учун аниқ сўзни топиш – буюк муваффақият” [6]. Мамлакат стратегияси ривожланиши соҳасига кирувчи (стратегик режалаштириш) барча муҳим масалалар – бу охир-оқибат катта сиёсат, сиёсий стратегия масалалари. Улар жаҳон бозорида мамлакат позицияларини мустаҳкамлаш, миллат тилини ёйиш, миллий ахборотни жаҳон ахборот маконида тарқатиш, мудофаа саноати ривожланиши, хавфсизлик ва бошқа масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Шуни эътибордан четлаштириш керак эмаски, миллий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда илмий базага жиддий равишда суяниш керак деб ҳисоблаймиз. Бу борда ўз базаси ва дунё ҳамжамияти базаси, тажрибасидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Кўпгина сиёсий синфлар, давлат аппарати, тадбиркорлик субъектлари стратегияни

ишлаб чиқиш, уни белгилаш ва амалга ошириш масаласи қанчалик долзарб эканлигини тушунмаяпти. Тўғри бу координатлар тизими яъни стратегия кўпқиррали ва фанлараро мураккаб комплекс жиҳат касб эташини инобатга олиш зарур.

Тегишли тадқиқотлар ҳам амалий (татбиқий), ҳам назарий тартибда бизнинг мамлакатимизда сиёсий синф ва тадбиркорлар томонидан жуда кучсиз тарзда рағбатлантирилади. Мамлакатда кўпгина ижтимоий фанларда интеллектуал анархия ҳукмронлик қилмоқда (Ф.Х. Хикматов). Унинг ўрнига соғлом илмий плюрализм ҳукмронлик қилиши керак деб ҳисоблаймиз. Биз ўз мамлакатимизнинг камчиликларидан яхши хабардор бўлишимиз керак. Совет “раҳбарият доиралари” бу камчиликдан холи эмас эдилар, ва бу ҳолат 1980 йилда мамлакатни модернизация қилиш, ислоҳ этишга бўлган уринишларни инқироз билан тугатди (Ю.Андропов 1983 йилда КПСС МК Пленумида (июнь ойи) “Биз яшаётган мамлакатимизни билмаймиз”, – деган гаплари айни ҳақиқат эди) [7: 212].

Ўзбекистоннинг замонавий буюк давлатга айланишига мос миллий стратегияни ишлаб чиқиш учун сиёсий синфнинг ўзи ҳам ушбу қонуний техноэволюция (иктисодий, ижтимоий, тиббий, соғлиқни сақлаш, ҳарбий иш, оммавий маданият ва ҳ.)ни зарурлигини англаши керак. Шу билан бирга сиёсий синф замонавий амалий фанлар, физика, биология, химия каби фундаментал фанлар, “гибрид” фанлар ривожланишини давом эттириши кераклигини англашлари лозим. Технологик силжишлар жаҳон бозорига янги маҳсулотни чиқариш, имкониятларни кенгайтириш, миллий рақобатбардошлигини таъминлайди. Бундай силжишларни таъминлаш учун мамлакатда фанларнинг сақланиб қолиниши ва ривожланишини таъминлаш зарур. Бизнинг мамлакатимизда агар фан иқтисодий жиҳатдан фойда келтирмаса, тижорат соҳаларига кўмак берувчи фанлар билан бирика олмаса, у бизга керак эмас, деган тасаввур устунлик қилмоқда (сиёсий синф, давлат аппаратида ва бизнес – элитанинг кўпгина қисмида). Шу билан бирга бошқа мамлакатларда натижаларидан фойдаланадиган фаннинг ҳам кераги йўқ деб қаралади. Бу нотўғри фикр. Юқори технологияли цивилизация буни англаши лозим, сиёсий синф, давлат аппарати, интеллектуал элита, бизнес-элита буни тушунмоғи керак. АҚШ, Франция, Япония, Германия ва бошқа давлатларда техноэволюция қонуниятлари, фан ва техниканинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш бўйича ҳам давлат, ҳам нодавлат тармоқлар иш олиб бормоқдалар ва уларнинг илмий изланишлари юзлаб соҳаларни қамраб олади. Бизнинг мамлакатимизда бундай тадқиқотлар кенг қамровли ва кўп сонли эмас.

Бизнинг миллий хавфсизлигимизни таъминлашда жаҳон фан ва технологиясининг ривожиди қандай ишлар содир бўлаётганлигини англаш ўта муҳим. Молекуляр биология ва ген инженерияси асосида ривожланаётган биотехнология ҳам хавотирланишга сабаб бўлмоқда. Турли мамлакатларнинг сиёсий синфи, интеллектуал элиталари биотехнология соҳасида нималар содир бўлаётганлигини реал жиҳатдан яхши англамайдилар. Шу билан бирга биз янги илмий инқилоб арафасида турибмиз: субмолекуляр биология (нанотехнологиялар) ривожланмоқда. Ҳарб мамлакатлари ва асосан АҚШда фан ривожланишида нафақат олимлар, балки сиёсатчилар ҳам фаол иштирок этиши бизнинг фанлари ривожиди иштирок этаётган кишилардан кескин фарқ қиладиган томони ҳам ана шунда. Улар ҳам янги технология, ҳам фундаментал ва татбиқий фанлар билан фаол шуғулланадилар. Бунга ёрқин мисол – АҚШ вице-президенти (собик) Алберт Гор ўз сиёсий фаолияти давомида ахборот технологиялар, биотехнологиялар тадқиқотлари билан шуғулланган. У ўз тадқиқотларида АҚШ Миллий фан-

лар академияси ва унинг аппарати, АҚШ президентининг фан ва унинг аппарати бўйича маслаҳатчиси ва мамлакатнинг бошқа етакчи илмий марказлари, давлат ва нодавлат тармоқлари экспертлари жамоасига суяниб келган [8: 10].

Янги муаммолар ва хавфлар биотехнологиялар, молекуляр биология, ген инженериясининг жадал ривожланиши муаммони чуқурроқ ўрганишни талаб этади. АҚШда азалдан сиёсий синф фан ва техникага катта эътибор қаратиб келади. Ф.Д. Рузвельт номига йирик олим Ваневер Бушнинг ҳисоботи (1945 йил) илмий тадқиқотлар истиқболи ва урушдан кейин турли технологиялар ривожланишига эътиборни кучайтирган эди. Ушбу ҳисоботни ўрганиш асосида илмий-техник сиёсат тубдан ўзгарди. Фундаментал тадқиқотлар, татбиқий изланишларга кенг давлат молиялаштирилиши бошланди. Совет даврида “атом лойиҳаси” фан ва техниканинг ривожланишига катта тўртки берди. Қатор тадқиқотчилар таъкидлаб ўтадиларки, Ўзбекистоннинг тарихий йўли мобилизация ривожланиш мантиғига мос келади ва масалан Россияни ҳам бундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Унда Романовлар сулоласи вакиллари томонидан амалга оширилган модернизация элементларини ҳам кўриш мумкин. Шунга мувофиқ, бугун ҳам мобилизация сиёсати зарур ва у тоғ орқасида эмас. Бундай нуқтаи назарни қисман тан олиш мумкин: ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон тарихида мобилизация стратегия амалга оширилган, бироқ у стагнация ёки консервация билан тугар эди. Табиий савол туғилади: Бундай ривожланишни давом эттириш керакми? Бизнинг фикримизча, муқобил вариантлар ҳам бўлиши мумкин.

Самарали стратегик режалаштириш халқаро сиёсат майдонида давлатнинг (хусусан мамлакатимизни) стратегик ташаббуслар билан чиқиш имконини таъминлаб беради, глобаллашув жараёнларини бошқаришда бу жуда долзарбдир, шу билан бирга халқаро сиёсатнинг реал субъекти бўлишда ушбу масалани ижобий ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади.

Стратегик режалаштиришдан фарқли ўлароқ оператив режалаштириш аниқ операциялар, ҳаракатларга тегишли. Замонавий шароитларда сиёсий-психологик таъсирнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Мамлакатимизда назарий ва татбиқий сиёсий фанлар, шунингдек сиёсий-ҳарбий стратегия каби мавзулар яхши ривожланмаган. У билан асосан англосаксон мамлакатлар, Франция ва Хитой фаол шуғулланиб келмоқдалар. Оператив режалаштириш стратегиясини деталлаштириш, уни амалга оширишда масъул бўлган тузилма ва ташкилотларни белгилаш масалаларини қамраб олади.

Замонавий шароитларда Ўзбекистонда стратегик режалаштириш ҳам индикатив, ҳам директив бўлиши мумкин. Режалаштиришнинг икки усули ҳам давлат билан яқиндан ҳамкорликни қилиши керак (ҳам ижро этувчи ҳокимият ва ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятларда), шу билан бирга тадбиркорлик соҳаси билан ҳам. Индикатив режалаштиришда бизнес роли эътиборли бўлиши лозим [9: 321].

Индикатив режалаштириш иқтисодий фаолият субъектларига билвосита таъсир этиш усули ҳисобланади. У тадбиркорлик фаолиятини чегаралайди, у тадбиркорлик учун, корпорацияларнинг стратегик режалаштириши учун муҳим бўлган йўналишларни яратиб беради, халқаро ва минтақавий иқтисодиётга уларни йўналтириб боради. Индикатив режалаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири маълум муддатга миллий сиёсат ривожланиши устуворликларни белгилашдан иборат [10: 62].

Замонавий шароитларда директив режалаштириш узок муддатли ва ўрта муддатли режалаштириш бўлиб, қуролли кучлар, мудофаа саноати комплекси, миллий транспорт, энергетика ва ахборот-коммуникация тузилмалари би-

лан боғлиқ. Миллий хавфсизликни таъминлашда унинг аҳамияти катта. Маълумки стратегия тушунчаси илк бор ҳарбий соҳада пайдо бўлиб, ўрганилган, лекин бугунги кунда уни деярли барча соҳаларда, ҳатто инсон ҳаётида ҳам қўлланилади (шу билан бирга сиёсий-ҳарбий соҳада юқори стратегия тушунчаси ҳам қўлланилади). Тадбиркорлик фаолиятида: корпорациялар, компаниялар мунтазам равишда стратегик режалаштириш ишларини олиб борадилар [11: 241-243]. Кўпгина ТМК халқаро сиёсий муҳитни тадқиқ қилишда фаоллик кўрсатмоқдалар, яъни стратегик режалаштиришда тадбиркорлик субъектлари сиёсий омилни эътиборга олмақдалар.

Стратегиянинг санъатдан фанга ўтишининг барқарор тенденциясига эга. Бошқарув бўйича фанлар стратегия масаласида катта илмий манбани шакллантира олганлар. Стратегияни ишлаб чиқишда инқилобий ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур. Айниқса, ҳарбий ишлардаги инқилобий ўзгаришларни чуқур таҳлил этиб бориш лозим. Чунки айнан улар келажақдаги уруш ва ихтилофларнинг табиатини белгилаб бера оладилар. У ёки бу давлат томонидан ҳарбий ишдаги инқилобий ўзгаришлардан фойдаланиши (ёки халқаро сиёсий тизимнинг нодавлат акторлари томонидан) ҳарбий кучни ўта кенг қамровли усулда қўллашга сабаб бўлиши мумкин.

Замонавий шароитларда қатор муаллифлар стратегиянинг турли вариантлари тўғрисида фикр билдириб, стратегияга атамасидан фойдаланадилар. Бу тушунча, аслида, Юнонистонда эразмиздан бир неча юзликлар илгари пайдо бўлган, лекин эразмизнинг Рим империяси даврида катта эътиборга сазовор бўлган. Лотин муаллифи Юлий Фронтин (тахминан эразмизнинг 40-130 йиллар) ўз ўқувчиларига бу тушунчани қуйидагича шарҳлаб берган: “Юнонлар томонидан стратагем деб аталадиган тушунча лашкарбошилар томонидан қўлланиладиган эпчиллик” [12]. Яъни стратагем атамаси остида армиянинг маънавий руҳини кўтариш ва ғалабани қозониш учун турли усул ва услублардан фойдаланишни ҳам тушунганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кочетков Г.Б. Предисловие // Кинг у., Клиланд Д. Стратегическое планирование. / Пер. с англ. – М.: прогресс, 1998.
2. Попов С.А. Стратегические управление. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М. 2002.
3. Marshall A. W. Long-term competition with the Soviets: a framework for strategic analysis. – Santa Monica, 1972 / RAND ва Andre D. J. Competitive strategies: an approach against proliferation // Fighting proliferation: new concerns for the nineties. – Maxwell AFB, Alabama, 1996.
4. Vest J. The dubious genius of Andrew Marshall // www.prospect.org
5. https://www.fmprc.gov.cn/mfa_eng/zxxx_662805/t1659377.shtml

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг стратегия танлови юзасидан бир қанча қайдларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Жаҳон сиёсати ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичи қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви;
- барча муносабат шакллари ахборотлашуви;
- илмий-техникавий ривожланиш босқичининг тезлашуви;
- давлат ролининг трансформацияси ва янги шаклдаги квази давлатларнинг шаклланиши;
- ресурсларнинг камайиши жараёнларида янги иқтисодий ривожланиши.

Стратегик режалаштириш оппонент нимани ўйлашини билиши керак, стратегик режалаштиришни амалга оширишда (ва стратегик қарор қабул қилишда) сиёсат ва тадбиркорликда тарихий аналогиялардан фойдаланилади.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, сиёсий саҳнада иштирок этаётган (хоҳ у алоҳида шахс, ташкилот ёки давлат бўлсин) барча ўйинчилар ҳам стратегиядан инструментарий сифатида фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Стратегик фаолият алоҳида санъат ҳисобланади. Бир томондан стратегия жараёнларига чегараланган микдорда экспертлар гуруҳи жалб этилади, шу билан бирга у тизимли тавсифга эга бўлиб, алоҳида аналитик қобилиятни талаб этади. Муаммонинг яна бир эътиборли жиҳати ҳатто бутун бир мамлакат ҳам ўз стратегиясига эга бўлиши ёки бўлмалиги мумкин. Чунки ҳар бир ташкилот, бошқарув органи ўз келажагини тасаввур этиш чегарасига эга. Одатда уларнинг асосий саъй-ҳаракатлари кундалик масалаларини ҳал этиб бориш билан белгиланади. Натيجида қайд этилган барча омиллар таъсирида стратегия, стратегик фикрлаш ва бошқарув ишламай қолади. Машҳур қоидада кўра, агар сен ўз стратегиянга эга бўлмасанг, сен бошқанинг стратегияси билан яшайсан. Яъни ҳаётда бегона стратегия мавжуд (мафқурасиз бўшлиқ бўлмагани каби стратегик бўшлиқ ҳам бўлмайди) ва у ҳеч қандай тўсиқларсиз мамлакат ичкари-сида ривожланишни давом эттиради.

6. Milbank D. Serious “strategy” // Washington Post. – 2001. – April
7. Dubose L. a.o. Boy genius. Karl Rove. The brains behind the remarkable political triumph of George W. Bush. – New York, 2003.
8. Титаренко М.А. Китай – Россия 2050. Стратегия развития. – М. 2006.
9. Латфулин Г.Л., Новичков Н.В. Политическая организация: Учебное пособие - СПб.: – Питер, 2007.
10. Виханский О.С. Стратегическое управление. – М.: Гардарики, 1998.
11. Сунь-цзы. Искусство войны // Р.Макнилли. сунь-цзы и искусство бизнеса. Шесть стратегических принципов менеджмента. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2003.
12. Chandler A. strategy and structure: chapters in the history of American enterprise. – Cambridge, 1962. h.16, цит.ло.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ҚАРОРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУАММОСИ

Шахло ИБРАГИМОВА
Тошкент Давлат
техника университети
ўқитувчиси

Замонавий давлатларнинг ташқи сиёсатни шакллантириш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг асосини ташқи сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташкил этади, бу эса кўпгина омилларга боғлиқ бўлади.

Таянч сўзлар: жаҳон сиёсати, ташқи сиёсат, ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш, қарорлар қабул қилиш механизми, давлатнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти, ташқи сиёсатни таҳлил қилиш даражалари.

The foreign policy of modern states is a complex multi-level process, and, accordingly, for its detailed study, it is necessary to analyze each of the levels included in it. Its basis is the adoption of a foreign policy decision.

Внешняя политика современных государств представляет собой сложный многоуровневый процесс, и, соответственно, для его детального изучения необходимо проанализировать каждый из уровней, включенных в него. Его основой является принятие внешнеполитического решения.

Ҳозирги биз яшаётган даврнинг асосий хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидир. Бу муносабатлар эса жаҳон тараққиётини белгилаб бериб, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этиб, давлатлараро ҳамкорликнинг ривожига катта таъсир кўрсатади.

Маълумки, халқаро муносабатлар тарихи нуқтаи назаридан мана бир неча аср мобайнида ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлашга бўлган интилиш асосий мезон ва бош мақсад вазифасини ўтамоқда[1: 189].

Вестфаль тинчлик шартномаси асосида халқаро муносабатлар “анархия” шаклида шаклланиб борган (бу фикрлар реалистик мактаб вакиллари томонидан ҳам илгари сурилади), унга кўра мамлакатлар мустақил ва суверен бўлиб, ўз ташқи сиёсатини ривожлантириб боради, яъни ўзининг ташқи дунёга бўлган муносабати ҳамда асосий фаолият йўналишларини белгилайди.

Ташқи сиёсат – давлатнинг ва жамиятдаги бошқа институтларнинг халқаро даражада ўзининг кенг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳамда ўзаро манфаатлар уйғунлигини амалга ошириш бўйича фаолиятидир.

Ташқи сиёсат қандай шаклларда олиб борилади ва функционал омил тариқасида ташқи сиёсатнинг маълум даврлардан, ижобий, салбий жараёнлардан келиб чиқиши, шу давр билан ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлишини тушуниб олишимиз керак.

Сиёсатни яхлит тарзда тўлиқ таҳлил қилиш уни ҳам миллий, ҳам халқаро даражада ўрганишни тақозо этади. Ички сиёсат унинг турли йўналишларини ва уларнинг давлат ичида амалга оширилишини таҳлил қилиш, миллий сиёсий жараённинг ривожланиши орқали ўрганилади. Халқаро муносабатлар тизими – икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги ўзаро фаолият, ташқи сиёсат эса – миллатнинг, бир давлатнинг ташқи хатти ҳаракатлари. Давлатнинг ташқи сиёсати ички омилларнинг ҳам, ташқи омилларнинг ҳам таъсири остида шаклланади. Умуман олганда, ички ижтимоий ва халқаро муносабатлар ўртасида қалин ўзаро алоқа ва ўзаро муносабат мавжуд[2: 232].

Ташқи сиёсатни шакллантириш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг асосини ташқи сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташкил этади, бу эса кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Бунга давлатнинг жўғрофий жойлашуви, ҳарбий ҳамда иқтисодий салоҳият, маданий, тарихий анъаналари қиради ҳамда шу билан бирга мамлакат сиёсий тизими шакли ҳам ушбу жараёнда муҳим ўрин тутаяди, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, сиёсий етакчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам муҳим омиллар сирасидан ҳисобланади.

Давлатнинг ташқи сиёсати ҳам ташқи ҳам ички омиллар таъсирида шаклланади ва уларнинг мураккаб алоқаси ҳосиласи ҳисобланади[2: 233]. Ташқи сиёсат масалаларнинг икки векторига эга, уларни шартли равишда «химоявий» «мудофаавий» ва «ҳужумкор» масалалар деб аташ мумкин[3: 7]. «Химоявий» масалалар халқ ва давлат суверенитетини таъминлаш, миллий манфаатларни химоя қилиш, мудофаа ва шу каби мақсадлар кўриб чиқиладиганда яққол кўзга ташланади[3: 7].

«Хужумкор» тажовузкор деган маънода бўлмай, у давлатларнинг кучли рақобати шароитида геосиёсий тартибдаги бир қатор масалаларни ҳал қилиш ва муайян фойда олиш бўйича фаол ташаббускор ташқи сиёсат юритиш зарурати билан боғлиқ.

Ҳар ҳолда, ушбу масалалар миллий манфаатларни

химоя қилиш ва илгари суриш бўйича давлатнинг ташқи сиёсий механизми куч-ҳаракатлари шаклида намоён бўлади ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жараёнларида, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда, тегишли давлатлараро ташкилотлар тузиш ва бошқаларда акс этади.

Ташқи сиёсат мақсадга эришишнинг турли тамойиллари, услуб ва механизмларига таянади. Дипломатия ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизми ҳисобланади.

Шунингдек, яна бир жиҳат – бу ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлашга бўлган интилишдир. Миллий манфаатлар устуворлигининг халқаро ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши ана шундан келиб чиқиб, ташқи сиёсий фаолият олиб боришга, ўзаро келишув, кучга асосланган сиёсатга қарама-қарши халқаро сиёсатда барча иштирокчи давлатларнинг миллий манфаатлар тизимига устуворлик бериш тўғри йўл деб тушунишлари керак.

Ҳар бир маърифий давлат ўз эътиборини аввало ҳаётмамот манфаатлар гуруҳига қаратиши зарурлиги аллақачон исботланган. Уларни бошқа тоифага мансуб манфаатлардан аниқ ажрата билиш ва ҳар бирига алоҳида ўрин ажратиш, миллий манфаатлар йўналишларини белгилашда узоқ муддатли вазифаларни бутунги кун вазифалари билан чалкаштириш амалиёти ташқи сиёсат учун масъул бўлган муассасалар, миллий хавфсизлик идоралари фаолиятини узоқ муддатта издан чиқариши мумкин.

Ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш ва ушбу жараённинг самарадорлигини ошириш муаммоси. Қабул қилинган ташқи сиёсий қарор нафақат уни қабул қилган давлат ўзига, балки бутун инсоният тақдирига таъсир этиши мумкин. Бу ҳолат 1962 йилдаги Куба (Кариб) инқирозида яққол сезилди, бу даврда Кубада Совет ракеталари жойлаштирилди, бунга жавобан АҚШ Кубани блокада қилди. Ўша пайтда АҚШ ёки Совет Иттифоқи етакчиларининг ядровий ҳужум тўғрисидаги қарори тузатиб бўлмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин эди. Мазкур далилни инобатга олган ҳолда, ихтилофли шароитларда ва инқирозли пайтларда ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни масаласи илмий тадқиқотларда долзарб мавзулар сирасидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Бутунги кунда ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш муаммоси ва ушбу жараённинг самарасини ошириш билан шуғулланадиган бир қатор йўналиш ва мактаблар шаклланди. Мазкур мактаб ва йўналишлар муайян даражада ўзаро “кесишади”, шунинг учун уларни бир асос асосида туркумлаштириш мураккаб. Шундай вазиятда тадқиқотчилар марказида турган мавзуларни мақоламизда айрим жиҳатларини қисман кўриб чиқиш тўғрироқ бўлган бўлар эди. Масалан, бу борада австриялик муаллиф Р.Ричардсон (R.Richardson) бешта асосий назарий йўналишларни ажратади.

- оқилона танлов;
- психологик;
- институционал;
- интеракционал;
- тизимли[4: 314-320].

Оқилона танлов назарияси (ингл: rational choice) – ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш муаммосида мақсаднинг мувофиқлигига катта таъсир этади. Мазкур ёндашув вазифаларни тизимли тартибда белгилаш тавсия қилади. Ушбу иккинчи ёндашув оқилона танловни амалга

оширишда миллий манфаатлар, сиёсий мақсадларга катта эътибор қаратади. Ушбу ёндашув атрофида ўз тадқиқотларини олиб борувчи муаллифлар Т.Шеллинг (T.Sholling) ишларидан кенг фойдаланадилар.

Иккинчи назарий йўналиш – психологик. У ортиқча рационализмга қаршилик сифатида вужудга келди. Шунинг учун унинг асосий қондасига кўра ихтилоф ва инқироз шароитида қабул қилинган қарор нооқилона бўлади. Бу фикрлар бевосита қарорни қабул қилувчи сиёсий арбобларга тегишли. Чунки улар ҳам барча бошқа одамлар каби стрессга учрайди. Ихтилоф ва инқироз шароитида стресс омили катта аҳамият касб эта бошлайди, бунини О. Холсти (O. Holsti) биринчи жаҳон уруши мисолида яққол кўрсатади.

Ушбу ёндашув муаммони тасаввур қилиш масаласига катта эътибор беради. Р. Джервис (R. Jervis) ўзининг “Идрок ва идрок хатолари” асарида ушбу масалани назарий жиҳатдан кенгроқ ёритишга интилади ва асар 1976 й., [5: 73] дунё юзини кўрди.

Халқаро инқироз шароитида ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни ўта нозиклашиб боради. Америкалик тадқиқотчилар У.Юри ва Р.Смоук унинг сиёсий жиҳатларини ўрганиб, бундай шароитда қарорларни қабул қилишга таъсир этувчи 4 омилни ажратадилар: Биринчи омилда, иштирокчилар муаммони ҳал этиш учун катта гаров қўядилар. Оддий шароитга нисбатан инқирозли шароитларда кўп нарсани юқотиш мумкин, ёки аксинча, кўпгина нарсани ўзлаштириш мумкин. Инқирозли вазиятларда муаммо иштирокчиларнинг ҳаётий муҳим жиҳатларига таъсир кўрсатади. Шу боис иштирокчиларнинг бири енгилас қайтарилмас даражада ёки мулкидан ёки мавқеидан ажралади. Шу асосда У.Юри ва Р.Смоук 1958 йил ва 1961 йилдаги Берлин инқирози Ғарб томонидан шаҳар ярмисини йўқотиш эмас, балки НАТО га жиддий хавф солиш билан тенглаштирилган, деб ҳисоблайдилар, бу эса бутун Ғарбнинг муҳим ҳаётий манфаатларига таҳдид сифатида баҳоланган.

Иккинчи омил – бу вақтнинг етишмовчилиги. Инқирозли шароитларда қарорларни қабул қилишда сиёсий арбобларда вақт етишмовчилиги муаммоси пайдо бўлиши мумкин. Халқаро инқирозлар воқеалари жуда тез суратлар билан содир бўлиши билан ажралиб туради. Масалан Кариб (Куба) инқирози 1962 й, 1967 й, 1973 й, 1982 й, 2010-2015 йиллардаги Яқин Шарқдаги ва бир қатор бошқа халқаро инқирозларда худди шундай бўлган эди. Сиёсий арбоблар вазиятнинг ривожланишига тезда жавоб бера олишлари керак. Вазиятни таҳлил этишга вақт деярли йўқ. Бундан ташқари, инқироз ривожланиши тўғрисидаги фикрлар уларга тезда етиб бормади. Масалан, Кариб инқирози вақтида америкаликлар кўп маротаба Кубада жойлаштирилган ракеталар сони тўғрисида маълумотни текшириб турганлар ва кейингина уни президентга юборганлар.

У.Юри ва Р.Смоук томонидан кўрсатилган кейинги омил – инқироз шароитларида бўладиган юқори даражадаги ноаниқлик. Инқироз иштирокчилари бир-бирларининг реал мақсад ва режалари тўғрисида маълумотга тўлиқ эга бўлмастлиги ушбу ҳолатни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, инқироз шароитида ўз режа ёки ҳаракатлар ўта юқори махфийлик асосида тузилади, маълумотни олиш мураккаблашади. Бошқа ҳолатларда қарор қабул қилувчи сиёсий арбоблар ихтилоф ва унинг бошқа иштирокчиси тўғрисида жуда кўп маълумотга эга бўлиши мумкин, лекин ушбу маълумотлар турли манбалардан келади ва улар

қарама-қарши тавсифга эга.

Сўнгги омил У.Юри ва Р.Смоук фикрига кўра – бу муқобил вариантларнинг чекланганлигидир. Бу ҳам инқироз пайтида сиёсий арбобларнинг қарор қабул қилиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Қарор қабул қилувчи сиёсий арбоблар танлов чегарасини доимо торайтириб борадилар. Кўпгина вариантларнинг мавжудлиги улар томонидан эътиборга олинмайди. Масалан, Кариб инқирозининг биринчи куни сўнгида америка маъмурияти ёки Кубани блокада қилиш ёки унга ҳарбий ҳужум уюштириш вариантларини кўриб чиққан эдилар, холос. Ундан кейингина бошқа вариантлар кўриб чиқилган: БМТ қўллаб-қувватлаши ёки бошқа мамлакатлар кўмаги зарурми ёки уларсиз ҳам муаммони ҳал этиб бўладими? Бундан ташқари ҳарбий операцияга бўлган урғу катта эди, чунки коммунизмга қарши кураш тирик қолиш масаласи билан тенглаштирилган.

Ташқи сиёсий қарорлар кўпинча оз сонли чекланган кишилар гуруҳи томонидан қабул қилинади. Қарорларни гуруҳий қабул қилиш, инқирозли шароитларда кўпинча бир қатор ҳолатларни келтириб чиқаради, бу тўғрида америкалик тадқиқотчи И.Житнис (Janis) нинг “Гуруҳий қарорлар қурбонлари” (Victims of Groupthink) асарида тўлиқроқ маълумот олиш мумкин. Ушбу ҳолат гуруҳий фикрлаш(нинг group think) деган номни олди. Ушбу ҳолатнинг энг муҳим белгиларидан бири – бу танловда бўладиган мавзудан чиқишлар билан боғлиқ. Яъни гуруҳда айримлар қатъий позицияларни таклиф қилсалар, бошқалар аксинча, бошқалар бутунлай бошқа вариантларни келтирадилар. Бошқача сўз билан айтганда, жамоавий қабул қилинган қарор анча шубҳали бўлади. Кўпгина тадқиқотчилар фикрига кўра, натижаси шубҳали қарорларни қабул қилиш гуруҳ аъзоларининг психологик ҳолати билан боғлиқ экан. Чунки қабул қилинган қарор барчанинг масъулиятида, деб тасаввур қилинади. Агар, қарор индивидуал қабул қилинганида эди масъулият ва жавобгарлик ортган бўлади. Шу боис қарор қабул қилувчи шахс бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашадилар.

Яна бир муҳим ҳолатлардан бири шуки гуруҳ маълумотни тўғри баҳолай олмайди. Маълумотлар қарама-қарши бўлиши мумкин, уларни гуруҳда таҳлил эта олиш ўта мураккабдир. Натижада гуруҳ реалликдан узоклашади.

Сиёсий арбобларнинг шахсий сифатлари ҳам тадқиқотчиларнинг диққат марказида туради. Масалан, Р.Герман ва М.Германларнинг фикрича, биринчи жаҳон уруши бошланишидан илгари сиёсий арбоблар томонидан қабул қилинган кўп жиҳатлар билан уларнинг шахсий сифатлари билан боғлиқ бўлган экан.

Сиёсий етакчининг кадриятлари ва ишончлари унинг тавсифини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам улар томонидан илгари сурилиб, амалга ошириладиган ташқи сиёсий лойиҳалар уларнинг номи билан юритилади, масалан, Никсон доктринаси, Картер доктринаси, Брежнев доктринаси.

Институтционал йўналиш доирасида сиёсий қарорларни қабул қилиш жарёнини ташкиллаштириш масалалари таҳлил этилади. Унинг якуний варианты кўпгина кўрсаткичларга боғлиқ бўлади. Масалан, Ж.Розенау қўйидаги анъанавий равишда ўрганиладиган гуруҳ кўрсаткичларни ажратади;

1. Давлат ҳажми (йирик давлатлар ва кичик мамлакатлар);
2. Иқтисодий ривожланиш даражаси (бой ёки камбағал);
3. Сиёсий тизим тури (демократик ёки авторитар).

Сўнги пайтларда ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам кенг таҳлил этиб борилмоқда, маслан ахборот технологияларнинг ривожланиш даражаси.

Аниқ давлатнинг ташқи сиёсати қандай шаклланишини англаш учун биринчи навбатда операцион жараёнларнинг стандартларини англаб олиш зарур бўлади (ингл standard operation procedures). Бу биринчи навбатда ташқи сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш билан боғлиқ.

Институционал йўналиш ташқи сиёсий қарор ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш жараёнида иштирок этадиган давлат тузилмаларнинг хулқ атворини ўрганиб боради; унга давлат раҳбари, аппарати, парламенти, ташқи ишлар вазирлиги, бошқа ташқи сиёсий вазирликлар ва қўмиталар киради. Г.Аллисон 1971 йил нашр этилган “Қарорларни қабул қилиш моҳияти; Куба инқирозининг таҳлили” (Essence of decisions the Cuban missile Crisis) асарида ташқи сиёсий қарорлар турли гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви ва келишуви асосида қабул қилинишини кўрсата олди, бу асар ушбу йўналишдаги мумтоз тадқиқот иши сифатида қаралади. Бу ҳолатда расмий ва норасмий гуруҳлар шаклланади, ҳар бири ўз қарорининг олдинга сурилишини таъминлаб боради, яъни ўзи манфаатдор бўлган қарорларни асослаб, унинг қабул қилиниши учун ҳаракатни олиб боради.

Ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига манфаат гуруҳлари катта таъсир кўрсатадилар. Улар қаторида ижтимоий, этник, малакавий ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан; 1990 йил бошларида Франция ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг импорт/экспорт масаласи бўйича ЕҲ–АҚШ ўртасидаги бахсларда фермерларнинг манфаатларини ҳисобга олишга мажбур бўлган. У ёки бу манфаатлардан келиб чиқиб давлат ва қонунчилик органларидаги айрим гуруҳлар уларни ҳимоя қилади ёки уларга қатъийлик билан қаршилик кўрсатади, бу эса коррупцияни келтириб чиқаради.

Ҳарбий саноат мажмуаси ҳам ташқи сиёсий қарор қабул қилинишига таъсир эта оладиган муҳим белгилардан бири. Бу ҳолат айниқса, совуқ уруш даврида яққол сезилди. АҚШ президенти Д.Эйзенхауэр 1960 йилнинг бошларида ҳарбий саноат мажмуаси унинг мамлакатида муҳим ўрин тутиши ва демократияга салбий таъсир этиши мумкинлигини қайд этиб ўтган эди.

Ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига таъсир этувчи яна бир муҳим омиллардан бири – бу оммавий ахборот воситаларидир, чунки улар у ёки бу воқеа хусусида жамоатчилик фикрини шакллантириб боради. Масалан, америкаликларнинг Вьетнамдаги урушни тўхташида ОАВ роли катта бўлди.

Сўнги пайтларда ахборот шовқини муаммоси кўпгина тадқиқотчилар томонидан долзарб деб топилмоқда. Интернетнинг пайдо бўлиши билан, электрон, аудиовизуал ва бошқа ахборот воситаларининг ривожланиши маълумотларни кўпайтириш билан бирга уларни қарама-қарши қилиб қўяди. Маълумотни тез ва биринчи бўлиб етказиш мақсадида ОАВ ҳар доим ҳам уларнинг тўғрилигини текшириб турмайди. П.М. Тэтлор (P.M. Tatlor) қизиқ бир мисолни келтиради. ОАВ Саддам

Хусайн БМТнинг № 660 резолюциясини қабул қилгани ва Ироқ ҳарбийларини Қувейтдан чиқаришга розилик берганлиги тўғрисида маълумот тарқатади, аслида эса бундай бўлгани йўқ. Ахборот шовқини ошган сари маълумотни саралаш қайта текшириш масаласи долзарб бўлиб қолади. Натижада, ташқи сиёсий қарорни тайёрлаш билан банд бўлган аналитик бўлинмалар ва хизматларнинг ўрни ошади.

Интеракционалистик йўналиш икки томоннинг ўзаро муносабатига урғу беради. Унинг диққат марказида бир иштирокчининг қарори бошқа иштирокчига қандай таъсир этиши масаласи туради. Масалан; бир давлатнинг нодўстона муносабати бошқа давлатнинг ҳам унга нисбатан худди шундай йўл тутишини келтириб чиқаради. Булардан ташқари, халқаро муносабатлар иштирокчиларнинг илгари қабул қилган қарорларига ҳам катта эътибор берилиб, давлатларнинг уларга қай даражада боғлиқлиги тадқиқ этилади. Хусусан, М.Дойч (M.Deutsch) фикрича, АҚШнинг Вьетнамда урушни давом эттириш учун худди шу олдин қабул қилинган қарорлар мажбур қилган экан. Бундай ҳаракатларнинг натижасида эса томонлар “эскалацион пистириа”га тушиб қоладилар, улардан қутилиш мураккаб: ихтилоф янада кучайиб, ўз ривожланиш мантиғини илгари суради.

Ва ниҳоят бешинчи тизимли йўналишга кўра сиёсий етакчилар томонидан қабул қилинаётган қарорларни халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати асосидаги таҳлиллардан келиб чиқади. Ушбу назарий йўналиш нафақат қарорни таҳлил этади, балки ушбу қарорнинг жаҳон сиёсати тизимидаги ўрни ва халқаро муносабатлар иштирокчиларига қандай таъсир ўтказа олиш мумкинлиги ўрганилади. Унинг таркибида, масалан, қуйидаги масалалар ўрганилади: қабул қилинган қарорнинг бир давлатга, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, давлатнинг ички минтақалари, ТМК ва бошқаларнинг хулқ-атворига қандай таъсир этиш ва бунинг натижаси қандай бўлиши ўрганилади.

Сўнги ўн йилликларда, глобаллашув ва жаҳон мамлакатларининг бир-бирига боғлиқ бўлиб бориши натижасида ташқи сиёсий қарорлар глобал аҳамият касб эта бошлашига олиб келди. Шу боис ҳам жаҳон сиёсатида ташқи сиёсий фаолиятни тартибга солиш тенденциялари кучайди. Бу ҳолат турли даражаларда ва турли каналлар орқали амалга оширилиб борилади, шу қаторда “катта саккизлик”, ЕҲ, турли хил халқаро ташкилотлар ва ҳоказолар орқали.

XXI асрда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кенг кириб бориши тараққиёт йўллари белгилашда ривожланган мамлакатлар амалиётидан фойдаланиш, уларнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, ташқи сиёсат – халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсат идораси ва бошқа структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадамлари сифатида ҳам қабул қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Политология. Маърузалар матни. –Т.: ДИТАФ, 2000.
2. Гофуров С.М., Хайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

3. Жўраев С. Замоनावий халқаро муносабатлар – Т.: Академия, 2007.

4. Лебедева М.М. Мировая политика. Учебник М. Аспект – Пресс. 2007.

5. Rerception and Misperception in International Politics”. 1976.

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР КУНДАЛИК ФАОЛИЯТИ НЮАНСЛАРИ

Бекмирза ЮЛДОШЕВ
ҚарДУ ўқитувчиси

Мақолада замонавий раҳбарларнинг кундалик фаолиятида учрайдиган муаммо ва камчиликлар ҳақида фикр юритилган. Унда айрим раҳбарлар реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолгани, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўяётгани, мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, реал вазиятни чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани таъкидланган.

Таянч сўзлар: раҳбар, замонавий раҳбар, замонавий раҳбарнинг кундалик фаолияти, раҳбар кундалик фаолиятининг хусусиятлари, раҳбар кундалик фаолиятининг муаммолари, замонавий раҳбар тоифалари.

Ўзбекистондаги янгиланишлар замонавий раҳбарлар зиммасига мисли кўрилмаган ижтимоий вазифаларни юкламоқда. Зотан, кун тартибига қўйилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий масалалар ечими кўп жиҳатдан замонавий раҳбарларнинг иқтидори, қобилияти, ўқуви, кундалик фаолиятини ташкил қила билиш малакасига бориб тақалади. Кундалик фаолиятини илмий мезонлар асосида тўғри ташкил қила билган раҳбар, табиийки, ўз функционал вазифаларини муфассал бажаришга муваффақ бўлади. Аксинча, кундалик фаолиятни оқилона йўлга қўйишга қодир бўлмаган раҳбар бир туркумдаги муаммоларга дуч келаверишдан қутулмайди.

Афсуски, илмий манбалар, визуал кузатиш натижалари, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар шундан далолат бераётирки, раҳбарлик функцияларининг муфассал ўзлаштирилмагани ва бажарилмагани боис бугунги кун раҳбарларининг катта қисми дунёқарашини ва маънавий қиёфасини, кундалик фаолияти қатор камчиликлар, муаммолар, дилеммалардан холи эмас. Буни давлатимиз раҳбари ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтди. Президент Ш. Мирзиёев бу камчиликларни қуйидагилардан иборат деб билади:

“Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

Иккинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда.

Ва ниҳоят, учинчи асосий камчилик – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойларидаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ”[1].

Айни пайтда мавзу юзасидан махсус илмий изланишлар ўтказган мутахассислар ҳам бугунги раҳбарларнинг кундалик фаолиятига хос бўлган айрим хусусиятлар, муаммоларни қайд қиладилар[2]. Бу хусусият ва муаммолар таҳлили, бизнинг фикримизча, замонавий раҳбарни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Биринчидан. Бугунги кун раҳбарларининг катта қисми кундалик фаолиятида нуқул қутулмаган, кўзда тутилмаган вазиятларга дуч келаверадилар. Бу вазиятларни бартараф этиш учун кўп куч ва вақт сарфланади. Вазият ўнланганидек кўринганида, янги муаммоли вазият юзага келади – бу ҳолат узлуксиз давом этаверади. Ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, раҳбар ўз фаолиятида маълум муаммо юзага келиши мумкинлигини олдиндан ҳис эта олмайди, уни башорат қилолмайди. Чунки у муттасил иккинчи даражали масалалар билан шуғулланиб, стратегик вазифаларни

In the article it is spoken about problems and drawbacks met in round of duties of the contemporary leaders. It is pointed out that some leaders are away from the real life and don't care about people's problems, they approach not seriously to the productivity of the concepts of development in the industrial branches and the territory and try to solve the problems in their offices.

В статье автор размышляет о проблемах и недостатках, встречающихся в повседневной деятельности современного руководителя. В ней утверждается, что некоторые руководители оторваны от реальной жизни и забот народа, поверхностно относятся к выработке концепций развития отрасли и территорий, стремятся решить сложнейшие вопросы не выходя из кабинета.

эътибордан четда қолдириб ўрганган.

Иккинчидан. Замонавий раҳбарларнинг айримлари ишни ҳаммадан яхшироқ биламан деб ҳисоблайди ва шу боисдан уни кўпроқ ўзи бажаришга уринади. Бундай раҳбарлар замонавий менежментнинг икки асосий аксиомасини назарга олмайдилар. Биринчи аксиоманинг моҳияти шундан иборатки, бугунги раҳбарнинг ҳар куни катта ҳажмдаги вазифаларга дуч келиши ва бу вазифаларни бир ўзи ҳал қила олмаслиги одатий ҳол. Шу боисдан малакали раҳбар бу вазифаларни ўз ходимларига тақсимлаш беради. Иккинчи аксиоманинг моҳияти шундан иборатки, кўпгина ходимларнинг ўз ишларини раҳбардан яхшироқ билишлари одатий ҳол. Ишлаб чиқарувчи бошқармайди, бошқарувчи эса ишлаб чиқармайди. Раҳбарнинг вазифаси ишлаб чиқаришдан иборат эмас, у бошқармоғи лозим. Шу боисдан малакали раҳбар ходимларнинг меҳнатини ташкил этади, холос.

Учинчидан. Раҳбарларнинг яна бир тоифаси ўзини турли юмушлар билан машғул қилишни маъқул деб билади. Бундай раҳбарнинг умуман вақти бўлмайди. У бир вақтнинг ўзида ходимларни қабул қилишга, кимлар биландир телефонда мулоқот ўтказишга, ҳисобчи билан турли рақамларни кўриб чиқишга, котиб келтирган буйруқларни имзолашга, юқори ташкилотлардан келган хатларни ижро-чига топширишга ва яна ўнлаб амалларни бажаришга уринади. Замонавий менежмент буни “Юлий Цезарь иллари” деб номлайди. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай “фаол меҳнатнинг” шарофати билан иш куни охирида бирор вазифа ҳам бажарилмай қолади.

Тўртинчидан. Раҳбарларнинг маълум қисми фаолиятида иш столини қоғозларга тўлдириб ташлаш одати учрайди. Бундай раҳбарлар столига қараб, қайси ҳужжатнинг стратегик аҳамиятга эгаллигини, қайси бирининг долзарб вазифага бағишланганини мутлақо билиб бўлмайди. Иш столи тартибсиз аҳволда бўлгани боис, раҳбарнинг ўзи ҳам зарур пайтда зарур ҳужжатни топа олмайди. Ходимлар унинг тартибсиз иш столига қараб “ишни ташкил қилишга нўноқ, муҳим вазифаларни иккинчи даражаларидан ажрата билмайдиган раҳбар экан” деган хулосага келадилар. Бундай раҳбар тез орада ходимлар орасида нуфузини йўқотади.

Бешинчидан. Бугунги раҳбарларнинг катта қисми тонг ёришганидан бошлаб кун ботганига қадар ишлашни одат тусига киритганлар. Бу тоифа кишилари бошқалар назарида мутлақо банд, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ором бермайдиган, фақат иш билан яшайдиган раҳбардек бўлиб кўринади. Аслида бу туркум раҳбарларга раҳм қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки улар самарали бошқарувнинг икки асосий қоидасини унутиб қўйганлар. Биринчи қоида шундан иборатки, ҳар бир вазифа уни бажариш учун ажратилган

вақтнингина машғул қилмоғи даркор. Иккинчи қоида шундан иборатки, саккиз соатдан ортиқ давом этадиган ҳар қандай юмуш бесамардир.

Олтинчидан. Яна бир тоифа раҳбарлари барча зарурий ҳужжатларни ўзлари билан олиб юришга уринадилар. Одатда уларнинг муттасил кўтариб юрадиган портфеллари турли-туман қоғозлар, ҳужжатлар, хатлар, жадваллар ва ҳоказоларга тўлиб-тошган бўлади. Аслида эса бундай хатти-ҳаракатнинг биттагина афзаллиги мавжуд, холос: оғир портфель билан дурустгина жисмоний машқ қилиб олса бўлади. Ўзга ҳолларда мазкур методика иш самарасини оширишга, раҳбарлик нуфузининг ортишига мутлақо хизмат қилмайди. Малакали раҳбар қўлини имкон қадар озод сақлаши, зарурий ҳужжатларнинг нари борса бир папкасини олиб юриши лозим.

Еттинчидан. Замоनावий раҳбарларнинг бошқа бир гуруҳи асосий масалани ҳал этишни нуқул кейинга қолдиришга интилади. У ечилиши зарур бўлган муаммонинг ёки ўз-ўзидан ҳал бўлишига, ёки бошқа бир киши томонидан тугалланишига умид қилиб яшайди. Ногаҳон масалани ечишга киришса, уни ўлда-жўлда ташлаб кетади, бирор ишини ниҳоясига етказмайди. Бунинг оқибатида ҳал қилинмаган муаммолар кундан-кунга тўпланиб, чигаллашиб бораверади. Ўз ечимини кутаётган муаммолар эса бошқарувда хато устига хатоларнинг содир қилинишига сабаб бўлади. Тез орада бундай раҳбарлардан ходимларнинг ҳам кўнгли совийди, унга ишонмай, топшириқларига эътибор бермай қўядилар.

Саккизинчидан. Яна бир гуруҳ раҳбарлар “оқ-қора” тафаккур шаклига эгаликлари билан ажралиб турадилар. У содир бўлаётган воқеа ва жараёнларни ёки ижобий, ёки салбий тусда кўришга одатланган. Унинг хулосалари кескинлиги, муросасизлиги, вариантсизлиги билан характерланади. Бундай раҳбарлар билан муросага, бирор бир келишувга келиш қийин. Муросасизлик корхонадаги маънавий-руҳий вазиятнинг издан чиқишига сабаб бўлиб қолмасдан, ташқи шерикларнинг ҳам эътирозларига олиб келади. Бундай ҳолат эртами-кечми корхона ёхуд ташкилотнинг иқтисодий, молиявий ва ижтимоий имкониятларига жиддий таъсир ўтказиши.

Тўққизинчидан. Замоनावий раҳбарларнинг яна бир шундай тоифаси борки, улар муаммонинг муҳим жиҳатини муҳим бўлмаган жиҳатидан ажрата олмайдилар. Улар филдан пашша ясаб, асосий масалани эса назардан четда қолдириб ўрганганлар. Натижада қимматли иш вақтини

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Ишонч, 2017,17 январь.

2. Боймуродов Н. Раҳбар салоҳияти. –Т.: Янги аср авлоди, 2010; Вересов Н.Н. Черты слабого руководителя.// <https://iteam.ru>.

БУДДАВИЙЛИК ДИНИДАГИ СЕКУЛЯР ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИНЪИКОСИ

Даврон КАМИЛОВ
ТТМИ катта
ўқитувчиси

Мазкур мақолада буддавийлик таълимотининг тарихий босқичлари, ундаги янги-янги жараён ва тенденциялар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Глобаллашув шароитида буддавийлик динининг модернизациялашуви натижасидаги юзага келган йўналиш ва гуруҳлар фаолияти, уларнинг етакчиларини фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: дхарма, сангха, нео-буддавийлик, вазиадор буддавийлик, зен буддавийлик, глобал ахлоқ, Аум синрикё, Боду бала сена, секуляр буддавийлик.

This article provides an overview of the history of Buddhist doctrine and new trends in it. A comparative analysis of the activities of groups and groups as a result of the modernization of the Buddhist religion in the context of globalization and the views of their leaders is carried out.

В этой статье представлен обзор истории буддийской доктрины и новых тенденций в ней. Проведен сравнительный анализ деятельности групп и групп в результате модернизации буддийской религии в контексте глобализации и взглядов их лидеров.

Буддавийлик турфа анъаналарга эга турли халқларнинг тарихи, маданияти ва қадриятлари билан узвий боғланган, мураккаб ва кўпқиррали жаҳон динларидан биридир. Мазкур таълимот ўз вакиллари томонидан “Дхарма” (таълимот) ёки “Буддхадрама” (Будда таълимоти) деб номланган. XIX асрда ушбу динга нисбатан европалик олимлар буддавийлик (буддизм) атамасини қўллаш бошладилар[1].

1956 йилда ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 2500 йиллиги нишонланган[2] мазкур дин Осиё қитъасида Тува ва Бурятиядан Шри-Ланкагача, Қалмоғистондан Япониягача бўлган улкан ҳудудларга тарқалган. XIX асрда мазкур дин Европа ва Америка қитъаларида ҳам маълум бўла бошлади. Ҳозирда буддавийлик дини Бутан, Камбоджа, Таиланднинг расмий давлат дини ҳисобланади. Шунингдек, мазкур дин Шри-Ланканинг расмий дини ҳисобланмаса-да, мамлакат конституциясининг 9-моддасида мамлакат буддавийликнинг “Сасана” йўналишига ғамхўрлик қилиши белгиланган[3].

Британия энциклопедияси маълумотларига кўра, дунё миқёсида буддавийларнинг сони 463 миллион деб белгиланган[4] бўлса, Ж.Мелтон “Жаҳон динлари” энциклопедиясида уларнинг сони 469 миллионга етганини қайд этилган[5]. АҚШ илмий тадқиқот маркази Pew Research Center буддавийларнинг умумий сони 488 миллионга етиб, Ер юзи аҳолисининг 7.1% ташкил қилганини, мазкур кўрсаткич 2020 йилга келиб 506 миллиондан ортиши тахмин қилинган[6].

Сиддхартха Гаутама асос солган мазкур таълимот қадимги ҳинд фалсафаси таъсирида шаклланган назария ва амалиётдан иборат диний тизимдир. Буддавийлик христианлик ва ислом динларидан фарқли равишда илоҳий ваҳий маҳсули эмас, балки будданинг ўз руҳи ва барча нарсаларни ўзига хос медитацион кузатишларининг ҳулосаси сифатида таълиқ қилинади. Шу боис унинг таълимоти догматик характерга эга бўлмай, ҳар бир инсонни ўзига хос мушоҳадаларига асосланади. Будда ўз таълимотини қабул қилувчиларга қуйидагича кўрсатма беради: “Менинг таълимотимни эътиқод сифатида бўйсуниб ёки менга ҳурмат нуктаи назаридан қабул қилманглар. Сизлар уни бозордаги харидор тиллани ҳақиқийлигини билиш мақсадида қиздириб, эритиб, кесиб текшириб олгани каби менинг таълимотимни ҳам рост эканлигига ишонганингиздан сўнг қабул қилинг”[7]. Унинг мазкур кўрсатмаси туфайли буддавийлик ўзининг икки ярим минг йилдан ортқ тарихи давомида турли эътиқод ва маросимлар билан бойитилди. Шу сабабли буддавийликка эътиқод қилувчиларнинг баъзилари медитация орқали ўз-ўзини англашга эътибор қаратса, айримлари буддага ибодат қилишни афзал кўради, яна бошқалар эса эзгу ишларни амалга оширишни муҳим ҳисоблайди.

Давлат ва жамият бошқарувининг янги стандартлари умумбашарий мезон сифатида дунёнинг турли ҳудудларига аста-секин ўз таъсирини ўтказа бошлади. Хусусан 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация”сининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида янги даврни бошлаб берди. Айнан мазкур декларациянинг қабул қилиниши давлат ва жамият бошқарувида демократик тамойилларни устуворлигини таъминлаш назарда тутилди. XX асрнинг ўрталарига қадар бу масалага йирик динлар, хусусан буддавийликнинг турли йўналишлари доирасида жиддий эътибор қаратилмади. Бироқ динлар янги меъёрларга мослашиб бораётган ижтимоий-маданий ҳаётда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бошқарувининг янги стандартларига мослашиши билан

боғлиқ муаммоларни ечиш заруратга айланди.

Маълумки, классик ва анъанавий аскетик буддавийлик ижтимоий фаоллик ва сиёсатдан йироқ таълимот ҳисобланар эди. Шундай бўлса-да, XX асрнинг иккинчи ярмида буддавийлик дини доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларга эътибор қаратиш ҳамда ўзига хос муносабат билдириш тенденцияси кузатилди. Шу маънода мазкур аср буддавийлик тарихида мисли қўрилмаган бурилиш даври бўлди ҳамда янги “вазифадор буддавийлик” (engaged buddhism) атамаси пайдо бўлди. Мазкур атама буддавийлик динининг ижтимоий муаммоларга эътибор қаратиши ва уларни ҳал этишда фаол иштирок этишини ифодалайди. Мазкур атамани илк бор 1954 йил Ветнамдаги Зен буддавийлиги (zen buddhism) намояндаси Тхит Нят Хан ўз мақоласида қўллаган[8]. У Хитой буддавийлиги ислохотчилари Тайсу ва Ёин Шун ғоялари натижасида вужудга келган “гуманитар буддавийлик”дан илҳомланган. Ветнам уруши даврида у ва унинг санг-хаси (буддавийлик жамоаси) М.Ганди ва М.Лютер Кинг ва унинг маслақдошлари каби ўз атрофларида учраган машаққатларга муносиб жавоб бериш мақсадида зиддиятларга қуролли тўқнашувларсиз қарши курашга интилди. Улар бу ҳаракатларини медитация ва идрок амалиётининг бир қисми сифатида қабул қилдилар[9].

XX асрда будда сангхаларини сиёсий фаоллашуви ва айрим ҳолларда тхеравада йўналиши тарқалган ҳудудларда радикал секталари фаолияти ҳам кузатилса-да, XXI асрга келиб буддавийлик демократик жараёнлар ва фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мослашишга эътибор қаратди. Хусусан Японияда ташкил этилган буддавий комэйто партиясининг барқарор таъсири мисолида замонавий буддавийликни демократик жараёнлардаги ўрни яққол намоён бўлади. Шунингдек, Тива Республикаси буддавийларининг етакчиси Камби-Лама Аганкх Кхертек демократия тарафдори экани ва маърифий, хайрия ҳамда бошқа ижтимоий фаолиятлар билан шуғулланишини таъкидлади[10].

Буддавий дини вакиллари инсон ҳуқуқлари, динлараро мулоқот, диний бағрикенглик масалаларидаги турли кенгаш ва конференцияларда фаол иштироки кузатилмоқда. Хусусан 2003 йилдан бошлаб ҳар уч йилда ўтказиладиган жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг Астана шаҳрида ўтказиладиган қурултойида мунтазам қатнашиб келмоқда. Хусусан 2018 йил VI қурултой “диний етакчилар хавфсиз дунё учун” шиори остида ўтказилди ва унда буддавийлик дини етакчиси сифатида лама Чойжилвавин Дамбажав қатнашди. Мазкур қурултой якунида инсоният тараққиёти йўлида ўзаро биродарлик тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида 23 банддан иборат декларация қабул қилинди[11].

Тибет буддавийлигининг етакчиси Далай-лама XIV сиёсий-ижтимоий соҳада алоҳида фаоллик кўрсатиб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига эътибор қаратди. А.Агаджанян фикрича, у XX аср охирига келиб буддавийликда мавжуд бўлмаган “барча буддавийларнинг папаси” рамзий мақомини эгаллади[12]. У “Инсон ҳуқуқлари” умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган конгрессдаги маърузасида инсонлар ўртасида соғлом муносабатларни тартибга солишда асосий омил кучли иштиёқ деб, таъкидлади ва шахслараро бирдамликка эътибор қаратди[13]. Далай-лама XIV барча турдаги инсон ҳуқуқларини шафқат туйғуси билан боғлайди. Шафқат азоб-қубатдан қутулиш йўли, модомики шундай экан, инсон энг аввало ўз ҳаёт йўлига нисбатан шафқатни шакллантирмоғи лозим. Шафқат тинчликни таъминлаш йўли ҳамдир. Унинг

фикрича, инсон ўз ички оламида тинчликни топа олса, атрофдаги кишилар билан тотув ҳаётга эриша олади[14]. 1993 йил у демократия муаммоларига бағишланган махсус номасида: “Инсоннинг тенглик тамойили ва ўзаро масъулият асосида эркин ҳаёт кечириши буддавийлик таълимоти моҳиятига мувофиқ”[15], деб таъкидлаган.

XXI асрада эса буддавийлик доирасида рационал-ахлоқий ва иррационал-милленаристик йўналиш вужудга келди. Унга кўра, “рационал-ахлоқий йўналиш давлатнинг тартиб ва барқарорлик мафкураси бўлиб ҳисобланади. Иррационал-милленаристик йўналиш муайян вазиятларда ишлаб чиқарилган қарши мафкура сифатида намоён бўлади”[16]. Рационал-ахлоқий йўналиш анъанавий мактаблар қарашлари асосида шаклланади ва дунёвий мезонлар асосида ўзининг янги даврини бошлади. У фундаментализм каби замонавий стандартларни инкор қилмади ва жангари миссионерлик ғояларини илгари сурмади. Иррационал-милленаристик йўналиш вакиллари эса замонавий давлат ва жамият бошқаруви меъёрларига амал қилмасликка уруниш баробарида деструктив фаолият юритди. Мисол тариқасида буддавийликнинг ваджраяна йўналиши асосида Японияда пайдо бўлган “Аум синрикё” сектасининг фаолиятини келтириш мумкин. Мазкур оқимнинг асосчиси Сёко Асахара эзгулик ва ёвузлик ўртасида курашда “гуноҳкорлар”ни йўқ қилиш ҳақида ўзининг радикал ғояларини илгари сурди ва секта аъзоларининг қатор террористик ҳаракатлари оқибатида 6600 киши зарар кўргани қайд этилган[17].

Буддавийлик амал қилаётган баъзи мамлакатларда замонавий либерал ҳуқуқ ва эркинликлар, хусусан, виждон эркинлигига тўлиқ риоя қилинмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, Шри-Ланканинг 1978 йилда қабул қилинган Конституциясининг 10-моддасида “Ҳар бир шахс фикр, виждон ва дин эркинлигига эга”[17], 12-моддасида эса “Ҳар бир шахс қонун олдида баробардир. Фуқаролар ирқи, дини, тили, жинси, кастаси (диний мазмундаги табақаланиш), сиёсий қарашлари туфайли камситилишига йўл қўйилмайди” деб қайд этилган. Ушбу моддаларнинг мазмуни, давлат аҳолисининг барча қатламлари қонун билан ҳимояланганидан далолат беради. Бироқ мазкур ҳужжатнинг 9-моддаси “Шри-Ланка Республикаси буддавийликка биринчи даражадаги дин мақомини бериши билан бирга давлат уни ўз муҳофазасига олади ҳамда буддавийликнинг “Сасана” йўналишига ғамхўрлик қилади”[18] деб алоҳида мустаҳкамлаб қўйилиши қонун моддаларининг зиддиятлилиги ва унда буддавийлик динининг улуғланиши кузатилади. Бу эса инсон ҳуқуқлари декларациясининг моддалари ва Шри-Ланка конституциясини 10 ва 12 моддасига зиддир. Мазкур конституциянинг 9-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида буддавийлик динининг тарғиботига йўналган таълим муассасалари ва диний ташкилотлар фаолияти ташкил этилганлиги, шунингдек уларнинг Шри-Ланка ҳукумати томонидан молиялаштирилиши ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Шри-Ланкада 1983 йилдан 2009 йилга қадар будда-

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Большая Российская энциклопедия. –Т. 4. –М.: Большая Российская энциклопедия, 2006. https://bigenc.ru/religious_studies/text/5462653.
2. Twenty-five centuries of Buddhist art and culture. <https://zh.unesco.org/courier/june-1956>.
3. The constitution of the democratic socialist republic of Sri Lanka. 1978. - Jayavardenenura-Kotte. 4 p. Access mode: [https://parliament.lk/files/pdf/constitution/1978Constitution WithoutAmendments.pdf](https://parliament.lk/files/pdf/constitution/1978Constitution%20WithoutAmendments.pdf).
4. Darrell J. Turner. Worldwide Adherents of All Religions. Encyclopedia Britannica (2010). (Дата обращения 12.05. 2015).

вийликнинг тхеравада йўналишига мансуб сингаллар ва ҳиндуи ва мусулмонлардан иборат тамил этник гуруҳи ўртасида фуқаролик уруши бўлиб ўтди. 2009 йил “Тамил йўлбарслари”нинг мағлубияти расмий равишда эълон қилинишига қарамай динлараро зиддиятли вазият сақланиб қолди. Хусусан 2013 йил ҳукуматни миллатчи буддавийлар радикал гуруҳини қўллаб-қувватлаганликда айблаган мамлакатдаги мусулмонлар етакчисини ҳибсга олди. Айнан мазкур санада радикал буддавийлар томонидан пойтахт Коломбо шаҳридаги масжидга ҳужум амалга оширилди[19].

Буддавийлик дини билан боғлиқ диний зиддиятлар сўнги ўн йилликда “Мьянма Иттифоқи” Республикасида ҳам кузатилмоқда. Мазкур мамлакатда буддавийлик давлат дини ёки бошқа имтиёзли мақомига эга эмас. Шунингдек, ушбу мамлакат конституциясининг 34-моддасида “Ҳар бир фуқаро виждон эркинлиги ва ихтиёрий эътиқод танлашда тенг ҳуқуқлидир”[20] деб белгиланган. Бундан ташқари, унинг 42-моддасида “Иттифок ҳеч қайси миллатга қарши тажовузкор фаолият юритмайди”[21] деб мустаҳкамлаб қўйилишига қарамай амалда ҳар икки моддага зид равишда мусулмонлари этник ва диний таъқибга учради. Хусусан 2012 йил 4 июнда буддавийлар ва мамлакат Ғарбида жойлашган Ракхайн штатида яшовчи роҳинжа мусулмонлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди ва юзлаб роҳинжалар қатл этилди. Инсон ҳуқуқларини назорат қилувчи “Human Right Watch” ташкилоти ҳудудда юзлаб уй ва қайиқ-уйлар ёқиб юборилгани ҳақида маълумот берди[22].

Мьянмадаги инсон ҳуқуқларининг кенг миқёсда бузилиши ва мазкур масалада ҳукумат томонидан терговқидирув ишларини амалга оширилмаганлиги БМТ, “Халқаро амнистия”, “Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти”, АҚШ, Бангладеш, Малайзия, Туркия, Эрон, Япония, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар томонидан танқид қилинди. Шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мьянмадаги вазиятни этник тозалашнинг классик намунаси сифатида баҳолади[23].

Фикримизча, Шри-Ланка ва Мьянмадаги зиддиятларнинг вужудга келишида буддавийлик дини ғоявий дастак вазифасини бажарган бўлса-да, аслида мазкур низоларнинг бош омили антидемократик сиёсий бошқарув ва ҳуқуқий тизимидир. Зеро бундай конфессиялараро таҳликали ҳолатлар аҳолисининг катта қисми буддавийликка эътиқод қилувчи мамлакатларда кузатилмади.

Бироқ ҳозирги даврда буддавийлик мамлакатнинг расмий дини ҳисобланган давлатларнинг ҳуқуқий тизими сўнги ўн йилликда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик масалаларига у ёки бу даражада эътибор қаратиш ва умумэътироф этилган халқаро меъёрий ҳужжатларни инобатга олиш орқали жамиятни модернизациялашнинг замонавий моделини қабул қилишга киришди. Шу билан бирга, давлат ва муайян диний бирлашмаларнинг фаолияти туфайли юзага келган диний вазият мамлакатда анъанавий ўзига хосликни сақлаб қолиш омили сифатида баҳоланаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

5. Todd M. Johnson. Religious Adherents of the World by Continent and Region // Religions of the World: A Comprehensive Encyclopedia of Beliefs and Practices / J. Gordon Melton, Martin Baumann. –Oxford, England: ABC CLIO, 2010. 3200 p.

6. The Future of World Religions: Population Growth Projections, 2010-2050/<https://www.pewforum.org/2015/04/02/religious-projections-2010-2050/>.

7. Урбанаева И.С. Специфика буддизма как философии и религии // Вестник Бурятского государственного университета. –Улан-Удэ: Бурятский государственный университет. 2009. № 8.

8. Nhat Hanh, Thich. History of Engaged Buddhism: A Dharma Talk by

Thich Nhat Hanh, Hanoi, Vietnam // Human Architecture: Journal of the Sociology of Self-Knowledge, 2008. — Vol.

9. The fourteen precepts of engaged Buddhism. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://viewonbuddhism.org/resources/14_precepts.html (дата обращения 11.09.2011).

10. Агаджанян А. Буддизм в современном мире: мягкая альтернатива глобализму // Религия и глобализация на просторах Евразии / Под ред. А. Милашенко и С. Филатова; М.: Неостром., 2005.

11. Декларация VI съезда лидеров мировых и традиционных религий [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.mfa.gov.kz/ru/content-view/declaration-vi-congress-of-the-leaders-of-world-and-traditional-religions> (дата обращения 11.10.2018)

12. Далай-лама XIV.(2008). "Речь посвященная шестидесятой годовщине принятия Всеобщей декларации прав человека". [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/udhr_60anniversary.shtml (дата обращения 14.05).

13. Тензин Г. Моя духовная биография. — Тува: Деком, 2010.

14. Dalai Lama XIV. Buddhism and Democracy. 2008. [Electronic resource]. p. 5. Access mode: <https://www.dalailama.com/messages/buddhism/buddhism-and-democracy/appeal> (date 07.04. 2019).

15. Володина, С. Особенности буддийской государственно-правовой модели в современном мире // Вестник Российского университета дружбы народов - № 3. 118 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://rucont.ru/efd/418617> (дата обращения 08.05).

16. Завершена процедура банкротства религиозной организации

Аум Синрикё. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.newsru.com/religy/26nov2008/aum.html> (дата обращения 07.12.2017).

17. The constitution of the democratic socialist republic of Sri Lanka. 1978. [Electronic resource] <https://srilankalaw.lk/constitution-of-the-democratic-socialist-republic-of-sri-lanka.html>.

18. Perere L.P.N. Buddhism and Human Rights. — Colombo: Karunaratne & Sons Ltd., 1991.

19. Религиозные конфликты на Шри-Ланке. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.kommersant.ru/doc/3952149> (дата обращения 21.04. 2019).

20. Немусульманский терроризм. Как христиане и буддисты в Азии пытаются искоренить чужую веру [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://lenta.ru/articles/2016/06/06/nonmuslim_terrorism/ (дата обращения 06.06. 2016).

21. Конституция Республики "Союз Мьянма" 2008. [Электронный ресурс] <https://constitutions.ru/?p=17956>.

22. Миссия ООН по установлению фактов обвинила военное командование Мьянмы в геноциде мусульман-рохинджа. [Электронный ресурс] <https://news.un.org/ru/story/2018/08/1336912> (дата обращения 08.08.2018).

23. Япония мусулмонларга қарши жиноятларни текширишни талаб қилди. [Электрон манба] [https://muxlis.uz/uz/news/jahon/japonija-musulmonlarga-arshi-zhinojatlarni-jahshilab-tekshirishni-talab-ildi-\(murojaat-sanasi-15.10.2018\)](https://muxlis.uz/uz/news/jahon/japonija-musulmonlarga-arshi-zhinojatlarni-jahshilab-tekshirishni-talab-ildi-(murojaat-sanasi-15.10.2018)).

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВ БОСҚИЧЛАРИ

Ахмаджон ХУДАЁРОВ
Тошкент архитектура
қурилиш институти
катта ўқитувчиси

Мазкур мақола 1991-2019 йилларда мустақил Ўзбекистонда солиқ тизимининг ташкил этилиши ва унинг такомиллашув босқичлари ҳақида бўлиб, унда мамлакатимизда иқтисодий жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири – тўғри солиқ сиёсатини олиб бориш, мазкур мақсадларга эришишга қаратилган солиқ сиёсатини изчил давом эттириш ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: бюджет, молия тизими, ислохот, солиқ сиёсати, инвестиция, тўлов тизимлари, тарихий манбалар, хазина, мустабид тузум, солиқ идоралари.

Солиқлар – хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан белгиланган ставкаларда давлат ва маҳаллий бюджетларга мажбурий ундириладиган маблағлар. Солиқларнинг жорий этилиши давлат идоралари молиявий базасини, тадбиркорлик фаолиятини мутаносиблаштириш, ижтимоий соҳани, табиий бойликлар ва атроф-муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантириш зарурати билан бевосита боғлиқдир [1: 107].

Ҳар бир мустақил давлатнинг нуфузи ва иқтисодий қудратини солиқлар асосида шакллантирилган давлат бюджети, хусусан унинг молия тизими ташкил этади. Мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби солиқ соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, давлатнинг молиявий тизимини мустақамлаш орқали давлатнинг бюджет тизими механизминини шакллантириш, эркин хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш, бозор муносабатларига жавоб берадиган мустақам иқтисодий ишлаб чиқариш тизимини яратишдан иборат. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг солиқ сиёсати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки мамлакатнинг инвестиция қудрати, иқтисодиётнинг юксалиши ҳамда ўсиш суръати, аҳолининг фаровонлиги унда жорий қилинган солиқ юкининг қай даражадалигига боғлиқ. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатининг мустақил янги тизимини вужудга келтириш унинг асосий мақсад-вазифаларини қайтадан белгилаш, ташкилий тузилишининг

This article is about the establishment of the tax system and the stages of its improvement of independent Uzbekistan in 1991-2019 years. Which one of the main tax policy aimed at achieving of the goals as factors of rapid development of the economy of our country and its implementation of the right tax policy.

Данная статья посвящена становлению налоговой системы в независимом Узбекистане в 1991-2019 годах и этапам ее совершенствования, в ходе которых одним из главных факторов быстрого развития экономики нашей страны является реализация правильной налоговой политики, последовательное продолжение налоговой политики, направленной на достижение этих целей.

яни тамойилларини ишлаб чиқиш, умуман солиқ тизими-га ўзбек давлатчилигини мустақамлаш ва ривожлантириш омили сифатида ёндашиш билан бошланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон учун жаҳон иқтисоди эшиқларининг очилиши, ташки иқтисодий фаолиятнинг либераллашуви ва давлат томонидан рағбатлантириши, солиқ тизимини айни шу мақсадлар учун кўмаклашувчи давлат институти сифатида фаолият юритишнинг тақозо этарди. Бу вазифа ёш Ўзбекистон учун машаққатли эди.

Биринчидан, Ўзбекистонда солиқ тизими, қарийб 130 йилдан буён рус солиқ тизимининг кичик бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатиб келди. Солиқ сиёсатининг асосий мақсади Россия, сўнг СССР давлатлари учун давлат ғазнасини тўлдиришдан иборат бўлди. Солиқ тизими сиёсатини юритиш ваколати фақат марказий ҳокимиятгагина берилган эди. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчи, солиқ хизматини ташкил этишнинг асосларини белгилаб берувчи малакали кадрлар йўқ эди ҳисоб.

Иккинчидан, республикамиз келажаги маълум миқдорда солиқ тизими фаолиятини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ эди. Солиқ сиёсати мамлакатимизда бозор тамойилларига жавоб берадиган, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларини жорий этилиши, солиқ органларини яхлит тизимини муносиб равишда яратиш лозим эди.

Учинчидан, солиқ сиёсати умумхалқ манфаатлари асосида ишлаб чиқиши давр талаби эди. Мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, оғир иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган "шок терапия" усулидан тезроқ воз кечиш солиқ сиёса-

тини юритишда миллий давлат манфаатлари асосида ишлаб чиқиш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ ва пухта белгилаб олиш зарур эди. Солиқ сиёсатида тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кундан бошлаб, қаерда таназзулга учраши, қаерда муваффақият қозониши мумкин, ана шундай жиддий масалани ечишга тўғри келди. Бугунги кунга келиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий-иқтисодий маданий ислохотларнинг таркибий қисми бўлмиш солиқ сиёсати стратегиясининг тўғри танланганлиги ўз самарасини бермоқда.

Собик мустабид тузумдан оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар мерос бўлиб қолган эди. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш хажми пасайиб, инфляция мисли кўрилмаган даражада авж олди. Шундай мураккаб бир шароитда Давлат бюджетига маблағлар тушишини таъминлаш солиқ тизимининг асосий вазифасига айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқларнинг фискал функциясига устувор аҳамият қаратилди.

Мустақиллик даври республикамиз солиқ тизими учун чиндан ҳам шаклланиш, ривожланиш ва кенг қўламдаги ислохотлар даври бўлди.

Шўро тузуми даврида «солиқ» тушунчаси жуда тор маънода ишлатилар эди. Солиқ идораларининг фаолият йўналиши ҳам ўта чекланган бўлиб, улар молия органлари таркибида унча сезилмайдиган бир тузилма шаклида фаолият юритар, мустақил идора мақомига эга эмас эди. Одамлар солиқ ҳуқуқи, солиқ маданияти сингари тушунчалардан мутлақо беҳабар эди.

Мустақиллик туфайли бундай камчиликларга бутунлай барҳам берилди. Биринчи Президентимизнинг ташаббуси, махсус фармони билан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Давлат солиқ кўмитаси солиқ бўйича қонун ҳужжатларига роя этилиши устидан назорат ишларини амалга оширадиган, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган марказий давлат идораси сифатида ташкил этилди. У бугунги кунда ўзининг тасдиқланган низомига кўра аниқ мақоми, вазифа ва функциялари, ваколати ва фаолиятининг ташкилий асосларига эга.

Мустақил Ўзбекистонда солиқ тизимининг ягона тизимини янгидан шаклланиши мамлакатдаги муайян сиёсий, иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитлар асосида кечди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилишининг ҳар бир босқичида солиқ органлари олдига қўйилган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, уларни такомиллаштириш билан бирга уйғунлашиб борди. Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари тизимининг бүгунги кунга қадар шаклланиш жараёнини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Ислохотларининг биринчи босқичи: 1991-1997 йилларни ўз ичига олган бўлиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақил солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш, солиқ тизимининг ягона ташкилий асосларини ишлаб чиқиш, солиқларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришларини рағбатлантиришга қаратилган даври.

Республикамизда солиқ идораларининг мустақил фаолияти 1991 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида»ги Низоми ва 1991 йил 12 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида»ги 217-сонли қарори қабул қилинганидан кейин давлат назорати ва бошқарувининг алоҳида тузилмаси сифатида солиқ идораларининг шаклланиши ва мустақил фаолият кўрсатишига асос солинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига айланти-

риш тўғрисида» ги 1994 йил 18 январдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилди. Унинг фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши масалалари тўғрисида»ги 1994 йил 4 мартда қабул қилган қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида»ги Низомга биноан белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига биноан Давлат солиқ кўмитаси солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида давлат назорати органи эканлиги эътироф этилди [2: 4].

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг ташкил этилиши миллий солиқ тизимини шакллантиришда том маънода янги даврни бошлаб берди.

Ўша даврдаги оғир вазиятни тасаввур этиш учун 1991 йилнинг бошида республика Давлат бюджети тақчиллиги қарийб 7,5 фоизни ташкил этганини эслаш kifоя. Бу ўз навбатида Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва унинг даромад қисминини мустаҳкамлашга қаратилган солиқ механизмининг ҳуқуқӣ асосларини яратиш заруриятини юзага келтирди [3: 6].

Республикамизнинг мустақил солиқ тизимини шаклланишида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида" ги қонун дастлабки қонун эди. Унга кўра биринчи марта солиқ тизимининг тузилиши ва ишлашининг умумий асослари аниқлаб берилди, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартиблари ўрнатилди [4].

1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, республика солиқ тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солиш мақсадида, Давлат солиқ кўмитаси томонидан солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини (СТИР) бериш ва қўллаш тизими жорий этилди.

1997 йилнинг 24 апрелида Ўзбекистонда илк маротаба Солиқ кодекси қабул қилинди ва уилгари амалиётда қўлланган кўплаб меъёрий ҳужжатларини ўзида умумлаштирди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солинди. Солиқ кодекси солиқ тўловчиларнинг билимларини кенгайтиришга хизмат қилди, солиқ органлари ходимлари учун эса улар олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш бўйича ягона иш ҳужжатига айланди.

1997 йилнинг июлида ДСҚ солиқ ва божхона вазифалари ажратилди, божхона органлари солиқ органлари таркибидан чиқарилди ва алоҳида тузилмага бирлаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона кўмитаси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги 1997 йил 29 августдаги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 1998 йил 12 январдаги Қарорига мувофиқ солиқ органларининг асосий функция ва вазифалари белгилаб берилди.

Ислохотларининг иккинчи босқичи: 1998 йилдан 2008 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврни солиқ тизими асосларини ташкилий-ҳуқуқӣ мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, солиқларни ихчамлаштириш соҳасидаги муҳим босқичнинг бошланиши, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва эркинлаштириш даври деб аташ мумкин.

Мазкур босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалаштирилган, ихчамлаштирилган солиқ тўлаш тизими жорий этилиб, уларнинг солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўлаш муддатлари соддалаштирилди.

Аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди,

уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкуриси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, ўзгарди.

Ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналар бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора йилдан-йилга камайиб борди.

Солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб борилди. Солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошириб бориб, бу жараён айниқса табиий ва минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимини ислох қилиниши шубҳасиз ўз самараларини бера бошлади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг мамлакат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни ва салмоғи ортиб борди. Бу эса мамлакатимизда солиқ тизимини янада изчил ислох қилишни ва такомиллаштиришни тақозо этди.

Шунингдек, И.Каримов ўз маърузасида 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислохотлар соҳасида бугунги куннинг устувор вазифалари ва талабларига жавоб бермаслигини қайд этди. Фақат сўнгги икки йил давомида солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Маърузада солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилиб, солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозимлигини уқтирди[5: 89].

Ислохотларининг учинчи босқичи: 2009-2016 йилларни ўз ичига олиб, солиқ тизими фаолиятини такомиллаштириш, солиқ юқини енгилаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш, солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериш, солиқ юқини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати, солиқ имтиёзлари бериш сиёсати давом эттирилди. Солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш, солиқ юқи даражасининг ошмаслиги таъминланиши, солиқ юқини янада камайтириш, интерфаол солиқ хизматларини жорий этилиши, солиқ ва статистика ҳисоботларни электрон шаклда интернет тармоғи орқали тақдим этилишини ўз ичига олади.

Ислохотларининг тўртинчи босқичи: 2017 йилда Ўзбекистон солиқ сиёсатида тарихий ўзгаришлар даври бўлди. Барча масалалар танқидий таҳлил асосида, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик чораларини кўриш орқали амалга оширилди, солиққа тортиш базаси янада кенгайди, солиқ-бюджет сиёсатида қатъий амал қилиш, солиқ, молия ва иқтисодиёт соҳалари органларининг масъулиятини ошириш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва овоз этиш туман ҳокими томонидан амалга ошириладиган бўлди. Назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, солиқ тизими янада такомиллаштирилди. Барча бизнес тоифалари учун солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиш, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтиш, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлишини, солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатта мўлжалланган сиёсатни амалга оширишда, фуқароларимизни

солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши эътироф этилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифалар сифатида белгиланган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан, солиқ соҳасини ҳам ислох қилишга қаратилгандир.

Солиқ тизимининг ҳозирги ҳолати эркин бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибадан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юқини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллаш, солиқ юқини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш, янги тахрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шартлиги назарда тутилди.

Солиқ юқини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозимлиги, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш сиёсатини давом эттиришда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг хизматлари жуда катта бўлди.

Солиқ юқини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур, деб таъкидлайди[6: 9] Президент Ш.Мирзиёев.

Дарҳақиқат, бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортага қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли қафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири тўғри солиқ сиёсатини олиб боришдан иборат. Тўғри солиқ сиёсати эса, солиқлар ставкасини камайтирган ҳолда, давлат бюджетига тушадиган маблағларни кўпайтиришга эришиш, миллий валютани барқарорлаштириш эвазига экспорт ва импорт операцияларини тартибга солиш, экспортнинг импортга нисбатан ҳажмини ошириш, юридик ва жисмоний шахслар инвестиция имкониятларини ошириш эвазига бир қанча янги иш ўринларини очиш орқали ишсизликни кескин камайтириш, пировардида иқтисодиётни ривожлантириш натижасида солиқларни камайтириш эвазига аҳолининг фаровонлигини ошириш каби муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишини таъминлайди. Албатта, бу жуда мураккаб ва қийин жараён, шу туфайли бундай натижага бир, икки ёки қисқа йилларда эришиш қийин. Бу борада мамлакатимизда мазкур мақсадларга эришишга қаратилган солиқ сиёсатини изчил давом эттириб бориш тақозо қилинади.

тўғрисида. Тошкент ш., 1991 йил 15 феврал. <https://lex.uz/docs/133660>.

5. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т., Ўзбекистон. 2005 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. –Т., Ўзбекистон – 2019.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. –Т.: Мехнат, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси архиви. №1, Д.1. 4-варақ.
3. Мустақиллик йилларидаги тараққиёт. Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати. –Т.: 2016.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTI RIVOJIDA MA'NAVIY YANGILANISHLAR STRATEGIYASINING ROLI

Bexruz TURDIYEV
Buxoro Davlat
universiteti o'qituvchisi

Ushbu maqola O'zbekistonda harakatlar strategiyasi doirasida amalga oshirilayotgan ma'naviy-ma'rifiy islohotlar, ularning jamiyat hayotidagi o'rni hamda O'zbekistonning jahon hamjamiyati ma'naviy yuksalishidagi amaliy takliflari yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: BMT, festival, "Harakatlar strategiyasi", islohot, konsepsiya, ma'naviyat, ma'naviy yangilanish, rezolyutsiya, strategiya, milliy-madaniyat, milliy mustaqillik, YUNESKO.

This article is dedicated to the reforms of the spiritual and educational processes implemented within the framework of the strategy of action in Uzbekistan and their role in the life of society and practical recommendations of Uzbekistan on the spiritual development of the world community.

В данной статье рассматриваются реформы духовно-просветительских процессов, реализуемых в рамках стратегии действий в Узбекистане, их роль в жизни общества и практические рекомендации Узбекистана по духовному развитию мирового сообщества.

Mustaqillikka erishganimizdan so'ng, o'tgan yillar vatanimiz tarixi uchun bir lahza bo'lsa-da, O'zbekiston uchun butun bir tarixiy davr bo'ldi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'birlari bilan aytganda, o'z o'tmishimizni, o'z madaniyatimizni xolisona bilib olish, jahon hamjamiyati, tarix oldidagi vazifamizni anglab olish davri bo'ldi: "O'tgan qisqa davrda jonajon O'zbekistonimiz mashaqqatli, shu bilan birga, sharafli istiqloq yo'lini bosib o'tdi. Bugun bir haqiqatni katta g'urur va iftixor bilan aytishga to'la asosimiz bor: mard va matonatli xalqimiz qanchalik qiyin va og'ir sinovlarga duch kelmasin, o'zining mustahkam irodasini namoyon etib, o'zi tanlab olgan mustaqillik yo'lga doimo sodiq bo'lib kelmoqda"[1].

Bugun jamiyatimiz hayotida ma'naviy hayotni yuksaltirish – davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaralib kelinmoqda. Nimaga deganda, ma'naviy yangilanishlar mamlakatimizda amalga oshirilayotgan hayotbaxsh islohotlar strategiyasida samarali natijalarga erishishimizga xizmat qilib kelmoqda. Bu islohotlar strategiyasining dolzarbligini haqida davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning quyidagi fikrlari diqqatga sazovor: "Asosiy qonunimiz negizida yaratilgan Harakatlar strategiyasi bugungi kunda jonajon Vatanimiz taraqqiyotini yangi bosqichga ko'tarishda, innovatsion va industrial rivojlanish sari odimlashda beqiyos o'rin egallamoqda.

Xalq bilan doimiy muloqotda bo'lish, odamlarning tashvish-muammolarini hal etish, ularni rozi qilish faoliyatimiz mezoniga aylanmoqda. Boshlagan ulkan islohotlarimizni samarali amalga oshirishda ushbu masalalarning ahamiyati kun sayin tobora ortib borayotganini hayotning o'zi ko'rsatmoqda" [2].

Zero, hozirgi globallashuv jarayonida o'zlikni anglashning o'ziga xos ko'rinishlarini angamay turib, ma'naviy yuksalish va taraqqiyot darajasini tushinib yetib bo'lmaydi. Faqat, yuksak rivojlangan jamiyatgina o'zligini anglagan shaxslardan tarkib topishi mumkin. Demak, o'zlikni anglash, avvalo, har bir insonning shaxsi, alohida "meni" bilan bog'liq. Suqrot ta'kidlaganidek, "O'zini anglagan inson o'zi uchun nima foydali va nimalarga qodir ekanligini yaxshi tushunadi. U qo'lidan keladigan ish bilan shug'ullanish asnosida o'z ehtiyojini qondiradi va saodatga erishadi. Har qanday xato va baxtsizliklardan xoli bo'ladi. Buning natijasi o'laroq, u o'zga odamlarni qadrlay oladi va ulardan ezgulik yo'lida foydalana oladi. Oqibatda o'zini kulfatlardan asraydi" [3: 63].

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan davlat va jamiyat hayotining ma'naviy jabhasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar va tadbirlar kishilarda daxldorlik kayfiyatini yanada kuchaytirmoqda va fuqarolik pozitsiyasini qat'iy mustahkamlamoqda, davlat va

jamiyat boshqaruvida har bir kishining ishtirokini kengayib, qabul qilinayotgan qarorlarda insonlarning manfaati yanada kengroq e'tirof etilyapti. Jumladan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 19 sentyabrda BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so'zlagan nutqlarida, butun jahon hamjamiyatini bugun insoniyat ma'naviyatini yuksaltirish zarurati har doimgidan ko'ra dolzarb ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlab o'tilgani ham bejiz emas. Davlatimiz rahbari ayni paytda xalqaro terrorizm va ekstremizm kabi jahonga xavf solayotgan global masalalarni kuch ishlatish yo'li bilan emas, aksincha, yoshlarning ongu tafakkurini ma'rifat asosida shakllantirish va ularni tarbiyalash orqali bartaraf etish lozimligi haqida so'zlab, sessiya qatnashchilariga BMT Bosh Assambleyasining "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilishi yuzasidan taklif bildirilib, bu rezolyutsiya 2018-yilning 12-dekabrida BMT Bosh Assambleyasining yalpi sessiyasida qabul qilindi.

2017-2019 yillar mobaynida ma'naviyat va ma'rifat, madaniyat va sport sohasidagi boshqaruv tizimini takomillashtirish, mazkur sohada O'zbekiston xalqining boy va o'ziga xos madaniyati, san'ati va ijodiyotini yanada rivojlantirishni ta'minlashga yo'naltirilgan davlat siyosatini amalga oshirish samaradorligini tubdan yuksaltirish, aholi keng qatlamlari orasida ma'naviy-axloqiy kamolot va sog'lom turmush tarziga intilishni kuchaytirish maqsadida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda mamlakatimiz va xalqimiz taraqqiyotini ta'minlashning asosiy omili sifatida 2019 yil 3 aprelda yoshlar ta'lim-tarbiyasi uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish, xotin-qizlar bandligini oshirishga qaratilgan kompleks choratadbirlarni o'z ichiga olgan 5 ta tashabbusni amaliyotga joriy etilayotganligi to'g'ri yo'l sifatida tanlanganligi o'zining amaliy tasdig'ini topmoqda. Chunki ma'naviy yangilanishlar jamiyat taraqqiyoti, millat kamoloti va shaxs barkamolligini belgilab beruvchi asosiy mezonlardan biri hisoblanadi. Ma'naviyat rivojlangansagina jamiyatda iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy barqarorlik vujudga keladi hamda mamlakat va millat taraqqiy etadi. Bu o'z navbatida shaxsning barkamol rivojlanishi uchun mustahkam poydevor bo'lib xizmat qiladi.

Hozirgi ezgu sa'y-harakat va islohotlarimiz jamiyat hayotini yangilash bilan bir qatorda, uning rivojlanishida misli ko'rilmagan yuksalish yo'lidan borishga undaydi. Shu bois, mustaqil O'zbekistonda ma'naviyatni yuksaltirish, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni muntazam amalga oshirish jamiyatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biriga aylangani bejiz emas. Bu borada so'nggi yillarda ma'naviyatni yuksaltirishga qaratilgan qator qarorlar qabul qilindi, ko'plab tadbirlar amalga oshirilayapti, ta'lim va tarbiya ishlarining yangi konsepsiyasi ishlab chiqildi, eng muhim va ahamiyatli – ma'naviyatga

munosabat davlat siyosati darajasiga ko'tarilishi ushbu tadqiqotning amaliy ahamiyatini yanada oshirishga xizmat qildi.

Bu hayotbaxsh islohotlar va ularning shiddati jamiyat ma'naviy hayotining barcha jabhasini qamrab oldi hamda amaliy natijalar ham shunga mos ravishda tez fursatlarda ko'zga tashlanmoqda. Binobarin, 2017 yil 28 iyuldagi Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida"gi PQ-3160-sonli qarori [4], O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 sentabrdagi "Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to'g'risida"gi qarori [5], 2017 yil 14 fevraldagi "Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori [6], 2017 yil 6 sentabrda Buxorodagi Bahouddin Naqshband majmuasida yangi tashkil etilgan Buxoro Oliy madrasaning ochilish marosimi bo'lib o'tganligi, 2017 yil 10 noyabr kuni Buxoro viloyatida joylashgan Mir Arab oliy madrasasi huzurida Bahouddin Naqshband tasavvuf ilmiy maktabi ochilishi, 2018-yil 28-noyabrda "O'zbekiston Respublikasida milliy-madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori [7], 2018-yil 27-iyundagi "Yoshlar – kelajagimiz" davlat dasturi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni [8], 2019 yil 3 maydagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori" [9] xalqimizning ma'naviy-ma'rifiy saviyasini yuksaltirish, madaniyat va san'at muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, soha vakillarini qo'llab-quvvatlashga xizmat qilyapti.

Bu yangilanishlarimiz negizida ezgulik va ma'rifat hamohang. Bunday yangilanishlar qatorida, yurtimizda 2018 yil sentabr oyida birinchi marotaba tashkil etilgan Shahrisabz shahridagi Xalqaro maqom san'ati anjumani, 2019 yilning aprelida Termiz shahrida o'tkazilgan Xalqaro baxshichilik san'ati festivali, 2019 yil avgust oyida Samarqand shahrida o'tkazilgan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivali va bu tadbir doirasida tashkil etilgan "Sharq xalqlari an'anaviy musiqa san'atini rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya betakror mumtoz san'atimizni yana bir marta dunyoga namoyon etdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019 yil 26 avgustda BMTning ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha tashkiloti (YUNESKO) Bosh direktori Odri Azule bilan uchrashuvi doirasida, O'zbekiston va YUNESKO o'rtasidagi konstruktiv muloqot izchil rivojlanib, sheriklik munosabatlari mustahkamlanib borayotganini katta mamnuniyat bilan qayd etildi. Uchrashuv jarayonida Odri Azulening ustuvor yo'nalishlarda o'zaro manfaatli hamkorlikni mustahkamlash borasida tomonlarning intilishi qat'iy ekanidan dalolat berishi ta'kidlandi. Xalqimizning noyob madaniy-tarixiy merosini asrash sohasida hamkorlik qilish va bu boradagi almashinuvlarni faollashtirishga alohida e'tibor qaratilganligi alohida qayd etildi. Joriy yilning 10-15 sentabr kunlari Qo'qon shahrida ilk bor Xalqaro hunarmandchilik festivalini o'tkazilishi esa milliy ma'naviyatimizga, madaniyat va san'atimizga e'tiborning yana bir yorqin ifodasi bo'ldi.

Davlatimiz rahbari tomonidan yuritilayotgan yangi va pragmatik siyosat asosida ma'naviyat va ma'rifat sohasi xolis va tanqidiy baholanib, oldimizda turgan dolzarb vazifa va amalga

oshirilayotgan ishlarga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Bu haqda Prezident Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma sakkiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzalarida quyidagilarni ta'kidlab o'tgan edilar: "Bugun biz mamlakatimizda milliy taraqqiyotning mutlaqo yangi bosqichiga qadam qo'ymoqdamiz. Hayotimizning barcha jabhalarida amalga oshirilayotgan jadal o'zgarish va yangilanishlar madaniyat va san'at sohalarida ham izchil davom ettirilmoqda" [10].

Mamlakatimizda joriy yilda amalga oshirilgan mazkur islohotlarni yoritish va ularning mazmun-mohiyati hamda ahamiyatini keng aholi qatlamiga yetkazish maqsadida 5 ta asosiy bo'limdan iborat bo'lgan va har bir bo'lim Harakatlar strategiyasining beshta ustuvor yo'nalishi doirasida amalga oshirilayotgan islohotlar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning shaxsiy tashabbuslari mahsuli bo'lgan, xalq bilan ochiq muloqot, respublikamiz aholisini va tadbirkorlarini bezovta qilayotgan dolzarb masalalarni har tomonlama o'rganish, amaldagi qonunchilikni, huquqni qo'llash va rivojlangan xorijiy amaliyotni tahlil qilish natijalari bo'yicha ishlab chiqilgan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi loyihasi yuqoridagi kabi konseptual rejalarning beqiyos namunasi bo'ldi [11].

Fikrimizcha, "Harakatlar strategiyasi"ning ahamiyatini quyidagilar bilan bog'lab o'tishimiz mumkin:

Birinchiidan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan ishlab chiqilgan "Harakatlar strategiyasi" davlatimiz va jamiyatimizni rivojlantirishning mutlaqo yangi bosqichini boshlab beradi.

Ikkinchiidan, "Harakatlar strategiyasi" Konstitutsiyamizning asosiy demokratik normalarini bosqichma-bosqich amalga oshirish doirasida demokratik yangilanishi va modernizatsiya jarayonlarining mantiqiy va qonuniy davomidir.

Uchinchiidan, o'z mohiyat e'tiboriga ko'ra, "Harakatlar strategiyasi" dunyoda tub o'zgarishlar yuz berayotgan hozirgi zamonda siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, ijtimoiy islohotlarning eng muhim besh ustuvor yo'nalishini amalga oshirishning besh yilga mo'ljallangan milliy strategiyasidir.

To'rtinchiidan, hammamiz guvohi va bevosita ishtirokchisi bo'lganimiz "Harakatlar strategiyasi"ning jonli va qizg'in jamoatchilik muhokamasi bugungi zamon talabiga mos ravishda eng yangi informatsion texnologiyalarni keng qo'llagan holda olib borildi. Bu uning to'laqonli muhokamasi uchun asos bo'lib xizmat qildi. Ko'plab mutaxassislardan qanchadan-qancha amaliy taklif-mulohazalar kelib tushdi. Eng muhimi, bu takliflarning asoslilaridan bir qanchasi e'tiborga olinganligi alohida e'tirofga sazovor.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasining 2019 yilda "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili"da amalga oshirilayotgan davlat dasturida ham quyidagi ma'naviy yuksalishga xizmat qiladigan chora-tadbirlarni ko'rsatib o'tishimiz mumkin:

- Moddiy madaniy meros obyektlaridan foydalanish tartibini ishlab chiqish;

- Moddiy madaniy meros obyektlarining davlat ro'yxatidan o'tkazilishini ta'minlash;

- Yurtimizning qadimiy va boy tarixini o'rganish, ilmiy-tadqiqot ishlarini kuchaytirish hamda ularni kelajak avlodga yetkazish choralari ko'rish Diniy ta'lim tizimni tubdan isloh qilish;

- O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi tarkibida

“O‘zbekiston tarixi” kanalini tashkil etilishi;

- Tarixiy shaxslar, allomalar haqida badiiy, badiiy-publitsistik, hujjatli filmlar va seriallar yaratish;

- Tarixiy shaxslar va milliy obrazlar aks etgan animatsion filmlar yaratish;

- Teatr san‘ati sohasida xalqaro festival va konferentsiya o‘tkazish;

- Maktabgacha ta‘limning qamrovini kengaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- Barcha hududlarda Prezident maktablarini tashkil etish;

- O‘quvchilar uchun barcha qulayliklarga ega bo‘lgan zamonaviy ta‘lim muassasalarini barpo etish bo‘yicha “Zamonaviy maktab” dasturini qabul qilish;

- Respublika oliy ta‘lim muassasalarining investitsiyaviy jozibadorligini oshirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash sifatini ta‘minlashda hamkorlik aloqalarini rivojlantirish;

- “O‘zbekiston yoshlari umumjahon assotsiatsiyasi” faoliyatiga e‘tiborni kuchaytirish, uning vakillari va vakolatxonalarini tashkil etish;

- Yoshlar bilan olib borilayotgan ma‘naviy-ma‘rifiy ishlarning samaradorligini oshirish choralari ko‘rish;

- Milliy-madaniy markazlar, do‘stlik jamiyatlari rolini yanada oshirish va ularning aholi hayotidagi ishtirokini kuchaytirish;

- Samarqandda Vatandoshlar xalqaro forumini tashkil etish va o‘tkazish;

- O‘zbekistonning xalqaro maydondagi ijobiy imijini mustahkamlash konsepsiyasini ishlab chiqish;

- Markaziy Osiyoda millatlararo ziddiyatlar tahdidlariga qarshi birgalikda kurashish va millatlararo totuvlik tamoyillarini tasdiqlash ishlarida mintaqa davlatlari bilan tizimli hamkorlikni yo‘lga qo‘yish. Ushbu yo‘nalishda Toshkent shahrida “Markaziy Osiyo – umumiy uyimiz” mavzusida xalqaro konferentsiya o‘tkazish;

- BMning “Inson huquqlari sohasida ta‘lim va tarbiya deklaratsiyasi” to‘g‘risidagi nizomini amalga oshirish bo‘yicha milliy harakatlar dasturini qabul qilish;

- Markaziy Osiyo hududini turistik yo‘nalish, birinchi navbatda, Buyuk Ipak yo‘lining asosiy bo‘g‘ini sifatida ilgari surishda mintaqa davlatlari harakatlarini muvofiqlashtirish [12].

Muxtasar qilib aytganda, har bir tarixiy davrdagi ma‘naviy yuksalish jamiyatga ham, inson faoliyatiga ham ta‘sir etadi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta‘kidlaganlaridek: “Ayni paytda, buyuk fransuz adibi Viktor Gyugoning “Ezgulik va hamjihatlik – inson ma‘naviy olamining quyoshidir” degan hikmatli so‘zlari mana shunday yuksak g‘oyalari bilan uyg‘un va hamohangdir. Bu fikrlar bundan necha yuz yillar avval aytilgan

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Prezident Sh. Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma sakkiz yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <https://president.uz/>

2. Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2018 yil, 8 dekabr.

3. Haqiqat manzaralari. 96 mumtoz faylasuf. –T.: Yangi asr avlodi, 2002.

4. “Ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko‘tarish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, № PQ-3160, 28 iyul 2017 yil, Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.09.2017 y., 06/17/5194/0032-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to‘g‘risida”gi Qarori. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2017 yil 14 sentabr.

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2017 yil 15 fevral.

7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2018-yil 29-noyabr.

bo‘lsa-da, bugun ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmasdan, bizning qalblarimizda, yuraklarimizda aks-sado bermoqda”[13]. Zero, ma‘naviyatni yangilash, boyitish – milliy mustaqillikni mustahkamlashning muhim shartidir. Shu bois harakatlar strategiyasi doirasida amalga oshirilayotgan islohotlarimiz, avvalo, vatanimiz mustaqilligi, uning ma‘naviy asoslarini avaylab-asrash, aholimiz, ayniqsa yosh avlodni ongida milliy-ma‘naviy qadriyat, an‘analimizga sodiqlik ruhida tarbiyalash uchun xizmat qiladi. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev e‘tirof etganlaridek, “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma‘naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” [14: 14].

Yuksak ma‘naviyat va ma‘rifatning jamiyat taraqqiyotidagi beqiyos ahamiyati haqidagi umumbashariy ta‘limot butun insoniyat singari mustaqil O‘zbekiston uchun ham to‘la taa lluqlidir. O‘zbekiston uchun davlat mustaqilligini qo‘lga kiritish qanchalik og‘ir va mashaqqatli jarayon bo‘lgan bo‘lsa, uni saqlab qolish, mustahkamlash, jamiyatimiz taraqqiyotini tezlashtirish va jadallashtirishda iqtisodiy va siyosiy omillar qanchalik muhim ahamiyat kasb etishi o‘z-o‘zidan tushunarli albatta [15: 9].

Demak, mustaqillik uchun ma‘naviyatning, ma‘naviy-ma‘rifiy omillarning ahamiyati shu qadar muhim va kattaki, ularni hech qachon ikkinchi o‘ringa surib qo‘yib bo‘lmaydi. Shuningdek, mustaqillikning iqtisodiy va siyosiy muammolari hal qilib bo‘linganidan keyin ma‘naviyat-ma‘rifat masalalariga o‘tiladi, deb hisoblash nazariy jihatdan xato bo‘lsa, amaliyotda esa zararlidir. Dunyoning eng rivojlangan mamlakatlari tajribasi faqat iqtisodiy va siyosiy taraqqiyotga asoslangan jamiyat va davlatning tag zaminini mo‘rt bo‘lishini amalda ko‘rsatib turibdi. Iqtisodiy-siyosiy taraqqiyot madaniy-ma‘naviy, ma‘rifiy kamolot, o‘shish-o‘zgarish va rivojlanishga, eng ilg‘or, zamonaviy ilm-fan, texnika va texnologiyalarga, umumbashariy ilg‘or tajribalarga asoslangan va ular bilan uzviy bog‘lab olib borilgan taqdiridagina jamiyat taraqqiyoti behad tezlashadi va yuksak samaraga erishiladi. Shunday mamlakat va xalq jahon sivilizatsiyasining oldingi safida bo‘ladi, peshqadamlikni qo‘ldan bermaydi.

O‘zbekistonning kuch-qudrat manbai bo‘lib xizmat qildi. Jamiyatning yangilanishida ma‘naviyatning beqiyos kuchga ega ekanligi inobatga olinib, ushbu ko‘p qirrali tushunchani xalqimiz, yosh avlod ongiga sof holda singdirishda mamlakatimizda yuqorida keltirilganlarga rioya etilayotganligini mamnuniyat bilan qayd etish lozim.

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturi to‘g‘risida”gi farmoni. //Xalq so‘zi, 2018-yil 28-iyun.

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2019 yil 4 may.

10. Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma sakkiz yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. 31.08.2019 <https://president.uz/oz/lists/view/2846>

11. Hamroyev E. Harakatlar strategiyasi mamlakatimiz kelajagining ko‘zguisiga aylangan tarixiy hujjatdir. www.insonvaqonun.uz

12. “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 18.01.2019 y., 06/19/5635/2502-son, 08.03.2019 y., 06/19/5687/2723-son.

13. Prezident Shavkat Mirziyoyevning “Sharq taronalari” o‘n ikkinchi xalqaro musiqa festivalining ochilishiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so‘zi. //“Xalq so‘zi” gazetasi, 2019 yil, 27 avgust.

14. Mirziyoyev Sh.M. erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: O‘zbekiston, 2016.

15. Tulenov J. Ma‘naviy yuksalish sari. –T.: Mehnat, 2000.

O'ZBEK TILIDA BOG'LOVCHILARNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Aslam USMONOV
JDPI o'qituvchisi

Maqolada bog'lovchilarning xalq og'zaki ijodi namunasi hisoblangan maqollarda hamda badiiy matnda qo'llanishida yuzaga kelgan uslubiy va pragmatik xususiyatlari haqida so'z yuritilgan. Maqollar matnda va badiiy matnda bog'lovchilarning ifodalanishi misollar asosida ko'rib chiqilgan va ilmiy tahlil qilingan.

Tayanch so'zlar: Bog'lovchi – союз – conjunction, pragmatika – прагматика – pragmatics, uslub – метод – method, maqol – пословица – proverb, bo'lak – член предложения – parts of speech, ma'no – значение – meaning, munosabat – связь, otnashenie – attitude, concern.

It is depicted about methodological and pragmatic features of conjunctions in proverbs which is considered as a prompt of folklore in this article. The expressing of conjunctions is investigated and analyzed in some proverb literary texts.

В статье рассматриваются методологические и прагматические особенности ценителей в статьях, используемых в качестве примеров фольклора и в использовании художественного текста. В тексте пословиц и в художественном тексте выражения союзов были рассмотрены и научно проанализированы на основе примеров.

Tilshunoslik sohasida XX asrning oxirlariga kelib o'rganilayotgan obyektning mazmuniy tomoniga e'tibor berish tobora orta boshladi. Chunki, kuzatishdagi ma'lum bir bosqich (empirik) o'z nihoyasiga yetib, bevosita kuzatishda berilmagan abstraksiyalash – umumlashtirish bosqichiga ehtiyoj sezila boshladi.

Tilshunoslik empirik tahlilni bilishning boshqa g'oyalari va amallari bilan boyitishga uzoq tayyorgarlik ko'rdi. XX asrda empirizm, fenomenologiya, konstruktivizm kabi falsafiy g'oyalarni o'zida jamlagan metodologiyaga asoslangan lisoniy tahlil yo'nalishlari yuzaga keldi. Ana shunday yo'nalishlardan biri, albatta, pragmatik pragmatikdir [1: 10].

Pragmatika nisbatan yangi soha hisoblanib, unda tilning undan foydalanuvchilariga bo'lgan munosabati o'rganiladi. Pragmatika tilshunoslikning alohida sohasi, uning tadqiq doirasiga muloqot jarayonida lisoniy birliklarni tanlab olish ularni qo'llash hamda ushbu qo'llanishdagi birliklarning muloqot ishtirokchilariga ta'siri kabi masalalar o'rganiladi [13: 68].

Pochepsov 1985-yilda semantika va pragmatika farqini shunday izohlagan edi: «semantika – til tizimi birliklarining doimiy «mulkdir». Pragmatik xususiyatlar ko'plab, qator qo'llanishlar mahsuli sifatida yuzaga keladi va mavjud bo'ladi».

Demak, lisoniy birliklarning aniq va voqeiy muloqot sharoitida qo'llanishi pragmatik tahlil obyektidir. So'zlovchi va tinglovchi munosabati nutqiy muloqot sharoitida yuzaga keladi, nutqiy harakat muloqot matnini talab qiladi va shu muloqot kontekstida mazmunga ega bo'ladi. Muloqot yuzaga kelishi uchun muhit bo'lishi darkor. Muhit, o'z navbatida, ijtimoiy xususiyatga ega bo'lib, u ijtimoiy qatlam, guruhning madaniyati bilan bog'liq holda namoyon bo'ladi.

Muloqotda axborot uzatish «yuki», so'zsiz, lisoniy (Lison – tilning kishi miyasida til xotirasi markazida mavjud birliklardan va ulardan foydalanish qoidalaridan iborat boylik [2: 8]) birliklar «yelkasi»ga tushadi, ammo shaxslararo munosabat normasini, milliy-madaniy qadriyatlar tizimini egallamasdan turib, to'laqonli muloqotga kirishishning imkoni yo'q [1]. Milliy-madaniy qadriyatlar tizimida xalq og'zaki ijodi namunasi hisoblangan maqollar ham muloqot jarayonida keng qo'llaniladi. «O'zbek xalq maqollari» (To'ra Mirzayev va boshqalar) kitobida keltirilgan maqollarda bog'lovchilarning ifodalanishiga doir ba'zi tahlillar keltiramiz. Kitobda o'n mingdan ortiq maqol keltirilgan, keltirilgan maqollarda bog'lovchilarning qo'llanishi quyidagicha:

-va bog'lovchisi ikki o'rinda qo'llangan bo'lib, ikkita mustaqil so'zni teng munosabatda bog'lab kelgan. Mehnat va o'qish – og'a-ini. Nodon va yalqov – dushman uchun katta ov. Bundan tashqari, bu bog'lovchi kitobda maqollarning mavzularida (halollik va tekinxo'rlik, to'g'rilik va egrilik kabi) qo'llangan, biz ularni tahlilga tortmadik.

-yoki bog'lovchisi bir o'rinda qo'llangan bo'lib, sodda gaplarni bog'lash uchun xizmat qilgan. Eshakni yukka olib kel. Yoki yukni – eshakka.

-ammo bog'lovchisi kitobda keltirilgan maqollarda to'rt o'rinda qo'llangan.

Gulning to'ni – qirq yamoq, ammo xushbo'y.

Pardoz qilgan chiroyli

Ammo husni bir oyli.

Siylamasang siylama, ammo xo'rlama.

Savlat desang, menda bor,

Ammo jahon menga tor.

Teng va ergashtiruvchi bog'lovchilardan qo'yidagi bog'lovchilar «O'zbek xalq maqollari» (To'ra Mirzayev va boshqalar) kitobida keltirilgan maqollarda umuman qo'llanilmagan: yoxud, biroq, goho, chunki, zeroki kabilar... Tahlillar shuni ko'rsatdiki, bu bog'lovchilar maqollarda ifodalanadigan lo'ndalik, ixchamlik, donolik kabi teran mazmunlarni yuzaga keltirishda doim ham ishlatilmas ekan.

Gaplarda va maqollarda qo'llangan bog'lovchilarni pragmatik tahlil qilishda bog'lovchilarning ba'zi o'ziga xos xususiyatlariga e'tibor qaratish kerak.

Bog'lovchi ham ko'makchi kabi sintaktik aloqa vositasi sanalib, ulardan tobe munosabatni ifodalashdan tashqari, teng munosabatni ham hosil qilishi bilan ajralib turadi. Bog'lovchi gap bo'laklari, qo'shma gapning sodda gapga teng qismlari orasidagi turlicha aloqani, grammatik munosabatni ko'rsatadi. Bog'lovchining mohiyati, o'zbek adabiy tilidagi bog'lovchining turi, bu turga oid so'zlar tilshunosligimizda keng o'rganilgan. Mavjud adabiyotlarda bog'lovchining turi va bu turga qaysi so'z mansubligi masalasida turlicha nuqtayi nazar bor, ya'ni bir tadqiqotda bog'lovchi deb berilgan birlik boshqasida yuklama qatoriga kiritiladi, ko'makchi deb berilgan birlik bog'lovchi deb tan olinadi. Bog'lovchiga oid so'zning aniq belgilanmasligi sababi ular lison-nutq jihatidan o'rganilmaganligida bo'lsa kerak [3: 204]. Hozirgi o'zbek adabiy tiliga oid barcha darsliklarda bog'lovchilar gapdagi vazifasiga ko'ra ikki turga ajralib tasnif qilinadi: 1) teng bog'lovchilar, 2) ergashtiruvchi bog'lovchilar [4,5,6,7,8].

Bog'lovchini shakliy jihatdan uch guruh (sof bog'lovchi, nisbiy bog'lovchi, qo'shimchasimon bog'lovchi) ga ajratib o'rganish lozim [9: 204]. Sof bog'lovchi guruhiga faqat bog'lovchi vazifasida qo'llaniladigan va, hamda, yo, yoxud, yoki, ammo, lekin, biroq, chunki, shuning uchun, agar, ya'ni kabi yordamchi so'zlar xos.

Faqat bog'lovchiga xos vazifa bajaruvchi yordamchi so'z sof bog'lovchi: va, lekin, agar. Bir o'rinda bog'lovchi, boshqa o'rinda

ko`makchi, yuklama, modal so`z yoki biror mustaqil so`z bo`lib keladigan so`z vazifadosh bog`lovchi hisoblanadi:

- bilan ko`makchisi: olma bilan anor;
- na...na yuklamasi: na otam bor, na onam bor;[10].

Aynan nutq vaziyati bilan bog`liq ma`no ottenkalari matnda pragmatik funktsiya bajarish uchun xizmat qiladi[1].

Bog`lovchilarning pragmatik xususiyati endi badiiy asar matni misolida ko`rib chiqamiz. Tohir Malikning 75 bet xajmga ega “Falak” qissasida bog`lovchilarning qo`llanishi va ma`nolari ancha keng. Jumladan, va boglovchisi qissada sakson bir marta turli ma`no munosabatni yuzaga keltirish uchun ishlatilgan. Masalan:

1. Bu ko`p mushkul ish emas. Kichik operatsiya va miyaga ikki juft jajji elektrod o`rnatish kifoya. (Tohir Malik. Falak qissasi, 4-bet.)

2. Qotma jussasi, harakati, qarashidagi tetiklik va yashirin shiddat uni ancha yosh ko`rsatardi. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 5-bet.)

3. Umr o`tgan sayin ish kamayish o`rniga ko`payib, uchrashuv va ziyofatlarga vaqt yetishmay qoldi. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 5-bet.)

4. Ular orasida asosan ikkita farq bor: avvalo, elalloma ulardan bir necha yuz barobar sezgir, ikkilamchi va eng muhimi, elalloma bioto`lqinlarni qabul qilishga mo`ljallangan. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 6-bet.)

5. Tabobat va kimyoda ustozning tengi yo`q edi. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 22-bet.)

6. Ular aniq va bexato ishlashlari kerak. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 7-bet.)

7. Bu Xudoga ham, bandasiga ham ma`lum va manzur. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 52-bet.)

8. Buning barchasi nusxa ko`chirish emas, hayiqmay tahlil qilish va qayta ko`rib chiqishning natijasi bo`ldi. (Tohir Malik. O`sha qissasi, 56-bet.)

9. O`g`lim, haq so`zni aytdingiz. Lekin madrasa eshigidan har vaqt zukko va allomalar chiqavermaydi-ku? (Tohir Malik. O`sha qissasi, 52-bet.)

10. Yunonning ulug` allomalari yaratgan nodir asarlarni dadil tahrir qilgani uchun al-Xorazmiy ulardan katta noaniqliklarni topdi va Tangrining xohishu istagi bilan yozilgan “Al kitob al muhtasar fi hisob al jabr va muqobala” zar andar zar bo`ldi. Yuqorida keltirilgan misollarda va bog`lovchisi qo`yidagi ma`no munosabatlarni yuzaga keltirgan: 1-, 8-, 10-gaplarda va bog`lovchisi qo`shma gaplar orasidagi sodda gaplarni bog`lab kelgan bo`lsa, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 9-misollarda uyushiq bo`laklarni biriktiruv munosabatida bog`lab kelmoqda. Yana shuni alohida takidlash kerakki, teng bog`lovchilar ikkita teng munosabatli so`zni bog`lab kelsa, uyushiq bo`lak yuzaga keladi. Gapda bir xil so`roqqa javob bo`lib, bir xil sintaktik vazifa bajarib, teng bog`lovchilar va sanash intonatsiyasi bilan bog`langan bo`laklar uyushiq bo`laklar hisoblanadi[10, 11].

Uyushiq bo`lak teng bog`lovchilar bilan yuzaga kelishida ko`pincha ularning bir xil so`roqqa javob bo`lishi, bir xil shakillanganligi va o`zaro teng bog`langanligi haqida gap boradi. O`zaro teng aloqadagi sintaktik birliklarga uyushiq qator deyiladi. Uyushiq qator hosil etuvchi ikki va undan ortiq a`zo (leksemashakl, birikmashakl) bir butun holda bitta sintaktik bo`lak vazifasida keladi, shunga ko`ra uyushiq qator bilan ifodalangan ega, sifatlovchi va h. Uyushiq qator a`zolari bosh kelishik shaklidagi sintaktik birliklarning o`zaro teng qo`shilishi bilan tuziladi.

Shavkat Rahmatullayevning “Hozirgi adabiy o`zbek tili” darsligida uyushiq bo`laklar orasidagi munosabatlarning ancha ko`rinishlari haqida fikr yuritilgan. Ushbu darsligida teng qo`shilishning ko`rinishlari (Masalam: Uyushiq qator ot leksemashakl bilan ifodalangan; Bir misolda tasvir birliklari uyushib kelgan; Uyushiq qator otlashgan birikmashakl bilan ifodalangan.) mavjudligi aytilgan. Tohir Malikning “Falak” qissasidan yuqorida keltirilgan misollarda bog`lovchilar har xil turkumga oid so`zlarni ham uyushiq bo`lak sifatida bog`lagan. 9. O`g`lim, haq so`zni aytdingiz. Lekin madrasa eshigidan har vaqt zukko va allomalar chiqavermaydi-ku? (Tohir Malik. O`sha qissasi, 52-bet.) Gapdagi zukko va allomalar so`z qo`shilmasidagi va boglovchisini olib tashlasangiz ma`no o`zgaradi.

Qissada va teng bog`lavchisidan boshqa teng bog`lovchilarning qo`llanishiga e`tibor bersak quyidagicha holni ko`rishimiz mumkin: biroq bog`lovchisi 13 marta, Ich tomonlari bilan tanishmoqni xayol qilganmanu, biroq fursat bo`lmadi. (Tohir Malik. Falak qissasi, 9-bet.) Havo aytarli sovuq emas, biroq kuchsiz izg`irin badanni junjiktiradi. (Tohir Malik. Falak qissasi, 49-bet.) kabi gaplarda qo`llanib barcha gaplarda zidlik munosabatini ifodalamoqda. Chunki bog`lovchisi 6 marta qo`llangan. – Mahfuza cho`chib tushdi. Chunki bu yetti uxlab, tushiga kirmagan edi. (Tohir Malik. Falak qissasi, 16-bet.) Shamsibek javob o`rniga ta`zim qildi. Chunki voqea ravshan, sababni aytish o`rinsiz edi. (Tohir Malik. Falak qissasi, 61-bet.) Goho bog`lovchisi 2 marta qo`llangan bo`lsa, yoxud hamda zeroki bog`lovchilarini qissada qo`llanilmaganligini ko`rish mumkin.

Yuqoridagi tahlillar shu ko`rsatdiki, bog`lovchilar badiiy asar matnda maqol matnida qo`llanilishiga qaraganda farqli va turli xil ma`no-munosabatlarni ifodalay ekan.

Xulosa shuki, xalq og`zaki ijodi namunasi hisoblangan maqollar matniga qaraganda, aralash uslub mahsuli hisoblangan badiiy matnda bog`lovchilarning uslubiy va pragmatik xususiyatlari ko`proq ekan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Safarov Sh. Pragmalingvistika. –T., 2008 yil.
2. Rahmatullayev Sh. Til qurilishining asosiy birliklari. –T., 2012 yil.
3. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R va boshqalar... Hozirgi o`zbek adabiy tili. –T., 2010 yil.
4. Hozirgi o`zbek adabiy tili, II tomlik, I tom. –T.: 1966.
5. O`zbek tili grammatikasi, I tom.
6. Mirzayev M., Usmonov S., Rasulov I. O`zbek tili. –T.: O`qituvchi, 1978.
7. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Xojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o`zbek adabiy tili, 1-qism. –T.: O`qituvchi, 1980.
8. Tursunov U. Muxtorov A., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o`zbek adabiy tili. –T.: O`zbekishton, 1992.
9. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R va boshqalar... Hozirgi o`zbek adabiy tili. –T., 2010 yil.
10. Mengliyev B.R va boshqalar... Onatili. Qomus. –T., 2009 yil.
11. Хожев А. Лингвистик терминларнинг илохли луғати. –T.: Ўқитувчи, 1985 йил.
12. Mengliyev B.R va boshqalar... Onatili. Qomus. –T., 2009 yil.
13. Toirova G. Pragmalingvistika, O`quv lug`at. –T., 2016 yil.

МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИ

Фируз МУЗАФФАРОВ
БухДУ фалсафа доктори (PhD),
Нафиса ҚҶШШАЕВА
БухДУ ўқитувчиси

Мақолада Муҳаммад Ғаззолийнинг тасаввуф ва тасаввуфий идрок тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: тасаввуф, ижтимоий институт, мутакаллимлар, ботинийлар, перипатетиклар, сўфийлар, ҳақиқатга элтувчи йўл, Ихёу улумид-дин, Рене Декарт.

In the article, the views of Mukhammad Ghazzali on the tasawwuf and tasawwufi perception are analyzed.

В данной статье анализируется взгляды Мухаммада Газзали о суфизме и суфийской восприимчивости.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни ажодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. Ғаззолий (1058-1111) ҳам ўрта аср Шарқнинг йирик алломалардан бири ҳисобланади. У қолдирган бой маънавий мерос жаҳон илм-фани ривожига ўзига хос ўринга эга. Зеро, у ҳаёт ҳақиқати ва иймон неъматини теранроқ англаб, ҳис этган ва бутун инсониятга ислом таълимини бериб, шубҳа булутларини тарқатиб юборган ҳамда қалби иймонга лиммо-лим мутафаккир ва маърифатпарвар бир сиймо ҳисобланади. У уқтирган илмлар соясида бутун Шарқ халқлари тартибли яшашни ўрганди.

Ғаззолий шахсияти ва асарларини ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда унинг бир неча асарлари таржима қилиниб, алоҳида китоб ва рисолалар ҳолида чоп этилмоқда.

Тасаввуф муҳим ижтимоий институт ва оламни тушунишнинг алоҳида ботиний концепцияси сифатида ўзининг диний-фалсафий ва ахлоқий мазмунига кўра Ғаззолий дунёқарашини шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнади. Унинг тасаввуф муаммоларига нисбатан чуқур ва ноодатий ёндашуви, уни ғоятда муҳим хулосага олиб келди: “Мен учун шуниси аниқ бўлдики, Аллоҳ йўлидан кетаётганлар, айнан сўфийлардир, уларнинг ҳаёт тарзи – энг яхши ҳаёт тарзи, уларнинг йўли – энг тўғри йўл ва уларнинг урф-одатлари – энг пок урф-одатдир” [5: 246]. Бу ҳал қилувчи хулосага келишидан олдин, у фалсафий ва диний таълимотларни чуқур ўрганди, уларнинг намоёндаларини тўрт гуруҳга ажратди (мутакаллимлар, ботинийлар, перипатетиклар ва сўфийлар) ва охир-оқибат, ҳақиқатга элтувчи йўл бу тасаввуф деган хулосага келди.

Ғаззолий исломдаги ғояларнинг шаклланиши, ривожланиши ва турғунлашуви жараёнлари ва тасаввуфнинг умумий қонуниятлари тўғрисидаги қарашларни кузатиб, тасаввуф илоҳий борлиқнинг мавжудлигини тасдиқловчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди. У мистицизм^{*}ни зарарсизлантириб, диннинг мистик ғояларини ислом талабларига мослаштириш имконияти борлигини тушуниб етди.

Ғарб исломшунос, шарқшуноси Дж. С. Трименгэм тадқиқотларидаги хулосасига кўра “ҳижрий V аср охирига келиб мусулмон илоҳиётчиларининг аста-секинлик билан тасаввуфни тан олишларидан дарак беради, бу бурилиш, Сулабий ва унинг шогирди Қушайрий даврида бошланган бўлиб, Ғаззолий томонидан ниҳоясига етказилди” [8: 21].

Ғаззолий ўзининг тасаввуфий қарашлари ҳақида дастлаб шох асари “Ихёу улумид-дин”да ёзишни бошлайди.

Инглиз шарқшунос олими Арберри “Ихёу улумид-дин”ни Ибн Арабийнинг “Ал-Футухат ал-маккыйа” асари билан бир қаторда асосий сўнги тасаввуфий манбалар деб ҳисоблайди [2: 63].

“Ихёу улумид-дин”да Ғаззолий фақат суннийлик ғояларини тирилтирувчиси сифатида ва тасаввуфни бирлаштирувчи сифатида эмас, балки мусулмон жамиятининг руҳиятига мос келувчи ва тасаввуф қадриятлари билан боғлиқ бўлган, инсон ҳаётининг кўп қирраллиги орқали динга янги ёндашув ва янги тузилмалар ёрдамида суннийлик ғояларини жонлантиришга ҳаракат қилувчи сифатида ўзини намоён этади [1: 85].

Тадқиқотчилар ўртасида Ғаззолий ва унинг тасаввуф тарихидаги ўрни ва роли ҳақида яқин хулоса мавжуд эмас. Буни Тожиқ файласуф олими А.Шамоловнинг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин. Масалан Жалодиддин Афлакий Румийга таяниб шундай ёзади: “Имом Муҳаммад Ғаззолий билиш денгизини фаришталар дунёсидан тозалади. У, у ерда байроқлар ўрнатиб коинот устозига айланди ва бандалар орасида донишманд бўлди, агар унга Аҳмад каби мистик севгининг атоми бўлганда эди, бу янада кўпроқ қадрланар эди ва у мусулмонча яқинлик сирини Аҳмад англаб етганчалик, англаб етарди, чунки коинотда ҳеч нарса етакчи маънавий мураббий, устоз муҳаббати билан тенглаша ололмади” [9: 214]. Абул Ато Бақри, Ғаззолийнинг “Шубҳалардан халос этувчи” асарига, хусусан унинг “ёлғизлик пайтида ва ундан кейин доимо фарзандларини соғинганлиги” ҳақидаги фикрларига таяниб, унинг тасаввуфга мойиллигини рад этади. Абул Ато Бақрининг фикрига кўра, унинг ёлғизлиги ҳақиқий мистик характер касб этмаган. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, унинг ёлғизлиги ва зохидлиги расмий бўлган холос.

Ж. Мақсидий ўзининг “Сунний тикланиш” мақоласида Ғаззолийнинг тасаввуф ва исломни “келиштирувчи” сифатидаги ролига қарши чиқади. [6: 174-188] Мақдисиининг фикрига кўра, тасаввуф Ғаззолийгача ҳадисларни ўрганиш билан қўшилиб кетган бўлиб, анъанавий фан ҳисобланар ва фикр билан боғланган эди. Уламо ва фақиҳларнинг кўпчилиги сўфийлар бўлиб, улар эътиқод қиладиган ғоялар эса сўфийлик ғоялари эди.

Ҳақиқатдан ҳам, суннийликнинг уйғониши, Ғаззолийдан анча олдин бошланган эди. Инглиз шарқшунос олими У.М. Уоттнинг фикрига кўра, “Ғаззолийдан икки юз йил олдин, тахминан 850 йилда мусулмонларнинг ғоявий экспансияси тугади. Халқ индивидуал идеалга, инсонни мукаммаллаштиришнинг ички муаммоларига интила бошлади” [10: 180].

Г. Фон Грюнебаум, Ибн Хайсаннинг (1039 й вафот этган) ғояларини таҳлил қилиб, Ғаззолийни Муҳосибийнинг буюк издоши деб номлайди. “Шубҳасиз Ғаззолий, унинг

^{*} Сирли маросимлар. Одамларнинг ғайритабиий кучлар ва ҳодисалар билан руҳий алоқада бўлиш, турли хил воситалар орқали борлиқнинг яширин сир-асроридан воқиф бўлиш.

шоғирди ва ягона издоши бўлган ҳамда традиционализм* билан сўфийликни бирлашишини яқунлаган” [4: 274].

Муҳаммад Ғаззолийни биз буюк фалсафий кашфиётчи деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу ҳақда алломанинг таълим бериш вақтидаги ва 1095 йилдан кейин ёзган асарлари гувоҳлик беради. Масаланинг асосий жиҳати шундаки мантиқий-рационал билиш, шунингдек интуиция ва метафизика билан боғлиқ. У ўзининг фалсафий фикр-мулоҳазалар тизимини сўфийлик ва ислом ақидаларига мутаносиб тарзда яратишга интилди. У суннийлик ғояларини қайта тирилтирувчиси сифатида, суннийлик ғояларини тасаввуф билан бирлаштирибгина қолмасдан, балки динга янгича ёндашув орқали ислом суннати ақидаларини шархлашга интилди.

Шу нарса маълумки, халифаликда эндиликда забт этилган ўлкаларга исломни ёйиш ва бу халқлар маданиятини исломлаштириш ҳаракати тўхтади. Омма эндиликда индивидуал идеалга, инсонни комиллаштиришни ички муаммоларини ҳал қилишга интилди. Бу динни реформа қилиш ва илоҳиётда, инсонни индивидуал тирикчилиги билан боғлиқ эътиқод муаммоларини кўриб чиқувчи йўналишга эҳтиёжни вужудга келишига сабабчи бўлди.

Ислом дини янги билимлар ва ташқи таъсирлар оқимига дош бериши учун таянчга эҳтиёж сезди. Ғаззолий томонидан яратишга ҳаракат қилинган диний таълимот шаклидаги анча ривожланган ғояга зарурият туғилган эди. Тарихда бунақанги ходисалар муайян мафкура ёки дин инқирозга ёки таназзулга юз тутган вақтда содир бўлган. Аслида, биз таъкидлаб ўтганимиздек, Ғаззолий даврида суннийлик эътиқоди жамиятда аввалги ҳукмронлик ролини йўқотган эди. Суннийликнинг бундай ҳолатга келишига авваломбор жамиятдаги табақаланиш, ижтимоий қарама-қаршиликларни ўсиши, ғоялар плюрализми, фалсафанинг тарқалиши, янги маданий қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, жамият психологиясининг ўзгариши ва ҳоказолар сабабчи бўлди. Шу билан бирга, Ғаззолий давридаги ғоявий-маданий ҳаёт муқобил дунёвий илмлар билан тўлиб тошган эди. Биринчи навбатда бу илм фаннинг ривожини билан боғлиқ эди. Ушбу даврда диннинг ўзида ҳам бир қатор фалсафий-ғоявий таълимотлар мавжуд эди. Исмоилизм, мўътазилизм, перипатетизм ва бошқалар шулар жумласидандир. Халифалик тартиблари ва ҳукмрон диний ташкилотларга муҳолиф бўлган доиралар ўзларининг но-анъанавий диний-фалсафий тасаввурларини яратдилар. Аллома ўз қарашларида нафақат диннинг инқирозини аниқлади балки шу билан бирга уни метафизик қоидалар билан боғлади. Диндаги инқироз сабабларини кўрсатиб, тасдиқлашдан ташқари, уни янгилаб, аввалги манбаларига қайтишини кўрсатиб, асослади. Унинг тасаввуфий мулоҳазалари сўфийликни ислом билан бирлаштириш натижасида диннинг ижтимоий моҳиятини кенгайтиришни ўзига мақсад қилиб олган эди. У ўзининг бундай фаолияти натижасида тасаввуфни бир қанча хусусиятларидан маҳрум қилди.

Бундан ташқари, мутафаккир пантеизмдаги “илоҳий инсон” ғоясини қабул қилган ҳолда, унинг бошқа ақидаларини инкор қилади. Бошқа томондан у эътиқодни инсоннинг алоҳида турмуш тарзи билан боғлаб, ўз таълимотининг марказида инсонни қўяди. Инсонда Худони англаш учун илоҳий асоснинг мавжудлиги ғоясини илгари суриш билан у бошқа тасаввуф намояндалари қаторидан ўрин олади.

Жаҳон илм-фанидаги тадқиқотлар, шарқшунос ва

ғаззолийшунослар эътирофига кўра, Ғаззолий даврини тасаввуф тарихининг учинчи даври деб ҳисоблайдилар. Маълумки, тасаввуф тарихи уч босқичга бўлинади. 1. Салафий тасаввуф. 2. Сунний тасаввуф. 3. Фалсафий тасаввуф. Рус шарқшунос, академиги И.П. Петрушевский ўзининг фундаментал тадқиқотида буни қуйидагича кўрсатади:

1. Суннийлик, кейинчалик шиалик ҳам мўътадил тасаввуф билан муроасага келди. Ғаззолийнинг таъсири остида ижмоъ мўътадил тасаввуфни тўғри деб тан олди. Мўътадил тасаввуф ғоялари ислом тафаккури тузилмасига мустаҳкам ўрнашди ва исломнинг ўзи тасаввуфга кириб кетди.

2. Тасаввуф бу даврда шаҳарликлар ва феодаллар орасида кенг тарқалди. Сўфий бўлиш ёки шу номга эга бўлиш яхши фазилат деб ҳисоблана бошланди. У ёки бу шайхга сўфий ёки муридлар эндиликда фақат шаҳар ва қишлоқнинг оддий халқидан эмас, балки феодаллар, йирик савдогарлар орасидан ҳам етишиб чиқа бошлади.

3. Сўфий – дарвешларнинг уюшган гуруҳлари вужудга кела бошлади.

4. Мўътадил (монотеистик) тасаввуф билан қатъий (пантеистик) тасаввуф ўртасидаги фарқ кам кўзга ташлана бошлади. Мўътадил тасаввуф Ғаззолий томонидан шакллантирилган эди [7: 330-331].

Айнан Ғаззолий томонидан ишлаб чиқилган мўътадил тасаввуф анъанавий ислом ва тасаввуфни бир-бири билан яқинлашувига, суннийлик ғоялари уйғонишига олиб келди. Ғаззолий ислом динидаги инқироз шароитида тасаввуф ва ботиний тажрибадан кенг фойдаланди.

Шарқшунос Б.Э. Бертельснинг берган маълумотларига кўра, Ғаззолий томонидан яратилган таълимот, бутун оммага тўғри келиб, ҳар бир мусулмоннинг эҳтиёжлари, орзу ва интилишлари ҳисобга олинган бўлиб, “олий руҳониятга” қаратилмаган эди. У мусулмон тафаккурининг уйғониши – анъанавий ислом, тасаввуф ва рационализмни бирлаштириб, пухта асосланган таълимотга асос солди. Бу таълимотларни бирлаштириб, у суннийлик ғояларини уйғонишига туртки берувчи мантиқий нуқтани қўйди [3: 42-43].

Аммо, ғаззолийшуносликда шундай фикрлар ҳам мавжудки, унга кўра мистика ҳеч қачон суннийлик ғояларини уйғонишига олиб келмаган балки унинг инқирозига хизмат қилган. Марокашлик тадқиқотчи Муҳаммад Азиз Лахбабийнинг таъкидлашига кўра, “келиб чиқиши жиҳатидан исломий бўлмаган тасаввуф, исломни қадимий руҳини ўзгартирди ва унинг тузилмасининг барча қисмларига кириб борди. Тасаввуф туфайли ислом турли хил кўринишларни (таваккул, вақтни қайтариб бўлмаслигига ишонч ва дунёнинг нореаллиги ва ҳоказолар) қабул қилди ва шунинг оқибатида, дунёни янгилашишига ишонч, сўфийнинг дунёдан воз кечиши ис-талган бир маданият тараққиётига, Қуръондаги фарзлар ва суннани йўлига ғов бўлди” [9: 224].

Бизнинг фикримизча, Лахбабий тасаввуфни таҳлил қилишга юзаки ёндашади. Қуръон ва сунна билан чекланиб қолган бу тадқиқотчи тасаввуфда “бегона юрт илмини” кўради.

Ж.Мақдусий исломдаги инқирознинг вужудга келганлигини тан олмай, суннийлик “ҳеч қачон ухламаган ва уни ҳеч ким уйғотмаган деган қарашни илгари суради: У муваффақиятли ривожланишда давом этди. Халифа Қодир XI асрда суннийликни “Қодирийлар эътиқодининг тимсоли” деб эълон қилди ва буни шарқий халифаликнинг давлат қонунига айлантирди” [6: 174-188]. Ҳақиқатдан ҳам

* Анъанавийлик – илоҳиётдаги йўналиш, диний ақидаларни фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишга бўлган ури-нишларни рад этади.

халифа Қодир (991-1030) қонуний йўл билан исломни мустақамлашга уринади. Шу мақсадда илоҳиётчилар томонидан тайёрланган эътиқоднинг Қодирийлик йўли яратилган эди. Бошқача фикрловчилар таъқиб остига олинди, лекин шунга қарамай бу суннийликни исломнинг ягона эътиқодга айланишига олиб келмади.

Шуни таъқидлаб ўтиш лозимки, Ғаззолийнинг ижодий фаолияти бутунлай тасаввуфга бағишланмаган бўлиб, унинг асосий қарашлари исломни янгилашни кўзда тутарди. Бу инқироздан чиқиш учун Ғаззолий тасаввуфга, антик фалсафани, христиан теософиясини, зардуштийликни киритиб, уларни илоҳиёт ҳужжатлари билан бирлаштириб, мўътадил тасаввуф йўналишини яратди. Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашлари барча кишилар томонидан тан олинган, воқеълик билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланган бўлиб, инсонлар ҳаётидаги барча жараёнларни қамраган ҳолда руҳий, интуитив, интеллектуал бевосита англаб етиш жараёнларида тасаввуф ғоялари бевосита иштирок этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ғаззолий тасаввуфий шариат ва тариқат ўртагидаги мўътадил бир таъ-

лимот ҳисобланади. Унинг қарашлари Жунайд Бағдодий, Ҳорис Муҳосибий, Амр Маккий каби сўфийларнинг қарашларига ҳамоҳанг. Шу билан бирга, у сўфийларнинг ҳаммасини ҳам тўғри йўлда ва уларнинг айтганлари ҳаммаси ҳам ҳақиқат мезонларига жавоб беради, деб ҳисобламамас эди. Аксинча, меҳнат қилмасдан, хонақоҳларда фақат тоат-ибодат билан кун ўтказиш ва хайр-эҳсонга умид кўзини тиккан сўфийларни қаттиқ танқид қилади ва уларнинг бу қилмишларини қароқчиликка айланган гадоилик, шармандалик дея баҳолайди. Сўфийлар орасида кенг ёйилган риё ва унинг оқибатини шарҳлар экан, айтадики, тасаввуф аҳли сўзини айтган билан киши сўфий бўлмайди, қалб поклиги ҳаммадан олдин туради. Ғаззолий ўзининг тасаввуфий қарашларида инсонга маънавий камолот тарбияси зарурлигини эътироф этар экан, файласуфларнинг ислом, шариатга шак келтирувчи инсон характери, руҳий фазилатларининг унинг танаси, жисмоний мижози билан белгиланган тўғрисидаги ғаразли хулоса, талқинларини мутафаккир жуда ишонарли, теран шаклда асосли танқид остига олган.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере (Ихйа улум ад-дин) перевод с арабского и комментарий В.В.Наумкина. –М.: Наука, 1980.
2. Arberry A.J. An Introduction to the History of Sufism. –L., 1947, Introduction by Hassen Sohravardi.
3. Бертельс. Е. Э. Суфизм и суфийская литература. –Москва: Наука, 1965.
4. Г.Э. Фон. Грюнебаум. Классический ислам. Очерки истории (600-1258) / Пер.с англ. И.М.Дижур: Прдис В.В. Наумкина. –Москва: Наука, 1988.
5. Мухаммад Аль-Газали д. Избавляющий от заблуждения / Пер. с араб. А.Сагадеева // Григорян С.Н. Из истории философии Средней

Азии и Ирана VII-XII вв. –Москва: Изд-во АН СССР, 1960.

6. Макдиси Дж. Суннитское возрождение // Мусульманский мир: 950-1150 / Пер.с англ. –Москва: Наука, 1981.
7. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. (Курс лекций). –Л.: Изд-во Ленинград. унта, 1966.
8. Трименгэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. –Москва: “София”, ИД “Телиос”, 2002.
9. Шамолов А.А. Философско-теологические воззрения Газали. Диссертация соискание ученой степени доктора философских наук, –Душанбе: 2003.
10. Watt W.M. Muslim Intellectual: A Study of al-Ghazali // –Edinburg, 1963.-E.1.-P.2.-E.12EH.-P.1062-1066.

ЖАМИЯТДА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

Сожида ЯХЯЕВА
СамДУ мустақил
тадқиқотчиси

Мақолада мустақиллик даврида шаклланаётган ёшларнинг эстетик маданиятини равнақ топиб бориши, миллий қадриятларимизнинг ижтимоий ҳаётда замонавий руҳда намоён бўлаётганлиги акс этган.

Таянч сўзлар: соғлом авлод, маънавият, миллий қадриятлар, фалсафий тафаккур, эстетик маданият, эстетик онг, дунёқараш, тарбия, ахлоқ.

Ҳар бир жамиятнинг тараққиётида соғлом авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун қадимий тарихга эга бўлган маънавий дунёси, ахлоқий ўғитлари, ҳуқуқий маданияти, фалсафий мероси, сиёсий менталитети ва бой анаъаналарга узвийлашган эстетик маданияти алоҳида ўрин тутарди. Булар, ўз навбатида, ижтимоий муҳитни тарихийлиги ва ҳаққонийлигини сақлаб қолишга, жамиятда ёшларнинг фалсафий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилади. Соғлом авлод маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлган эстетик маданият ҳам инсон қиёфасини безайдиган, хуснига-хусн қўшадиган руҳий куч ҳисобланади. Жамият барҳаётлигини таъминлаш учун ҳар томонлама ривожланган, юксак эстетик маданиятга эга бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказиш бутунги куннинг долзарб масаласидир. Шу боисдан соғлом авлодни тарбиялашда «фарзандларимизга болалик пайтидан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга шахсий намуна бўлишимиз керак»[1: 83-84] дея чорлаш мустақил тараққиёт йўлимиз учун

In clause is reflected process of formation of aesthetic culture of youth during independence and display in public life of national values in spirit of modernity(present).

В статье отражена процесс формирования эстетической культуры молодежи в период независимости и проявление в общественной жизни национальных ценностей в духе современности.

долзарбдир.

Бу борада жаҳон билан ҳамнафас бўлиб, ўз олдида қўйган мақсадларини амалга ошириш йўлида илдам қадам ташлаётган Ўзбекистон ўзининг тарихи ва ўтмиш фалсафий меросига асосланиб, соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида эстетик маданиятни замонавий фан-техника ютуқлари билан бойитиб, барча соҳалардаги ислохотларда миллий ўзлигини англаган комил инсонни камол топтиришга интиломда. Барча соҳаларда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, ёшлар эстетик оламини бойишига, унда воқеликка нисбатан нафис ҳис-туйғуларни, гўзал инсоний фазилатларни, миллий ва мафкуравий қарашларни эстетик руҳда шаклланишига олиб келмоқда.

Жамиятда ёшларнинг маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий қиёфаси ўзгарди. Унда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги, фалсафий тафаккурнинг янгиланганлиги намоён бўлди. Бу жараён қуйидаги фалсафий омилларнинг ривожланишига олиб келди:

- жамиятда боланинг дунёга келганидан бошлаб

соғлом вояга етиши учун давлатимиз томонидан барча имкониятларнинг яратиб берилганлиги;

- ёшлар ва уларнинг ижтимоий фаоллиги ва саъй-ҳаракатлари негизда юксак эстетик маданиятга асосланган қонуниятларнинг шаклланганлиги;

- соғлом авлод тарбиясида меҳнатга бўлган муносабат янгича беғараз муҳит асосида шаклланганлиги ва ҳар бир фуқаронинг меҳнатини қадрлаш ва баҳолашнинг ҳуқуқий асослари яратганлиги;

- миллий қадриятларни жаҳонга олиб чиқиш борасида давлатнинг бош ислохотчи сифатида хорижий давлатларда “Ўзбекистон маданияти кунлари” ва Ўзбекистонда бошқа давлатларнинг маданият кунларининг ташкил этилаётганлиги.

Соғлом авлод фалсафий тафаккурида маданий мерос ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантириш, ёшларда эстетик маданиятни шакллантириш долзарб масалага айланди. Бу борада профессор О.Ғайбуллаев сўз юритар экан, шундай дейди: “Ҳар бир ёш авлоднинг гўзал турмуш тарзини ифодаловчи эстетик маданияти, ақл-заковати, идроки, хуллас, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятлари муайян ижтимоий ҳаёт ва миллатнинг тарихий мероси натижасида қарор топади. Тасаввур қилайлик: бирор гўдак дунёга келганидан кейин уни фақат озиклантирилса, кийинтирилса-ю унинг атрофидаги яхши-ёмон нарсалар, гўзал ва хунук воқеа-ҳодисалар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва ҳоказолар билан уни таништирилмаса, унинг тафаккур доираси, ахлоқий-эстетик кўникмалари қандай бўлиб қолиши аён. Жисмонан ўсиб бориш тафаккур ривожини билан бир хил кечмайди. Тафаккур ривожини ижтимоий ҳодиса сифатида жуда кўп ва хилма-хил таъсир, усул ва воситаларни талаб этади. Шунинг учун ёшларнинг ҳаёт тўғрисидаги қарашлари тафаккур ривожини, фикр алмашиш, англаш, мулоқотда бўлиш, ижтимоий фаолият турлари орқали шаклланади ва ривожланиб боради” [2: 13].

Жамиятда эстетик маданиятни шакллантиришда, аввало, воқелик гўзаллиги ва чиройини англаб етиш, миллий тараққиёт нафосат олами соҳасидаги муаммоларни ечимини излаб топиш, фалсафий тафаккуримизда ҳаётни теран идрок этиш, мустақил фикрлай олиш ва рўй бераётган ҳодисаларни холисона баҳолаш олиш қобилиятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, шахс эстетик маданиятини баҳолашда фалсафий омиллар борасида баъзи бир муаммолар ҳам мавжудлигини англаш лозим.

Бунда соғлом авлод эстетик маданиятининг фалсафий омилларини шакллантиришда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш жоиздир:

1. Жамиятда фалсафий ғояларни эстетик тарбия билан узвийлигини таъминлаган ҳолда ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларда эртанги кунга ишонч ҳиссини миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, элга ҳурмат туйғулари билан боғлаш;

2. Ижодкорлар томонидан яратилаётган санъат асарлари ва маънавий мерослардаги кўринишларда инсонпарварликни ўзида ифодалаган эстетик маданиятни шакллантириб, соғлом авлод онгини эзгулик ва гўзаллик туйғуси асосида қарор топтириш;

3. Жамиятда барча ер юзидаги инсонларни миллати, ирқи, дини, тили, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаган мавқеидан қатъий назар ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантириш;

4. Ҳар бир дунёга келаётган гўдакнинг қалбидаги соф ҳиссиётни эстетик тафаккур ва маданият идеаллари билан бойитиб, уларда мусаффо табиат ҳавосидан бошлаб, фаровон турмуш ва гўзал ҳаёт барпо этиш ҳиссиётини эстетик руҳда тарбиялаши лозим.

Буларнинг барчаси жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ишларнинг эстетик маданият ва тафаккур билан ҳамоҳанглиги, уйғунлиги, бирлигини кўрсатади. Эстетик маданиятнинг жамиятда ранг-баранг бўлиши ёшлар онгида табиат гўзаллиги, жамият фаровонлиги ва инсон камолотини хилма-хил бўлишига олиб келади. Шу боисдан, соғлом муҳитда шаклланаётган инсон қалбига эзгулик нурлари, саховат илдизлари, комиллик унсурлари, инсонпарварлик туйғуларини эстетик маданият ва миллий истиқлол ғояси руҳида сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Фалсафий тафаккур ҳозирги замон воқеаларига эстетик нуқтаи назардан мурожаат қилишни, ўтмиш-имизнинг бой ва сермазмун бўлган қирраларини ёрқин далиллар асосида кўрсатиб беришни талаб этади. Айниқса, эндигина ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўраётган ёш авлод ўз тарихининг буюклигини тушуниб етиши керак. Аждодларимизнинг жаҳон эстетик тафаккури ва инсоният маънавияти ривожига қўшган ҳиссаси шунчалик салобатлики, улар барчамизда миллий ифтихор ҳиссини уйғотади.

Жамиятда маънавий меросни ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш сиёсий, ғоявий, мафкуравий аҳамият касб этаётган ҳозирги даврда миллий эстетик маданиятимиз, халқимизнинг фалсафий тафаккур бойликлари негизларига алоҳида эътибор бериш, шарқ мутафаккирлари, олимлари ва ёзувчиларининг фалсафий, ижтимоий-руҳий қарашларини тадқиқ қилиш, уларнинг тарихий-фалсафий фанлар ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш, ҳозирги замон ижтимоий фанлари олдига турган долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда соғлом авлод эстетик маданиятини шакллантиришдаги муаммолардан бири ўтмишга бўлган муносабатни жойларда бирхилда ўрганилмаётганлигидир. Аслини олганда миллий эстетик қадриятларимиз узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзбек халқи Марказий Осиёда энг бой ва қадимий эстетик ва маънавий меросга эга халқ ҳисобланади. Унинг аждодлари уч минг йил давомида минтақанинг энг қулай серҳосил, серкуёш ва серсув қисмини инсоният моддий ва маънавий маданиятининг улкан масканларидан бирига айлантганлар. Бизга мерос сифатида ўнлаб маданият ва маърифат марказлари, минглаб фалсафий, эстетик, адабий, дунёвий ва илмий асарлар қолдирганлар. Хусусан, Зардуштийлик китоби «Авесто», Имом Исмоил Бухорийнинг ҳадислар китоби «Жомеъ ас-саҳих», Алишер Навоийнинг «Авлиё ул-анбиё», Исломи динининг муқаддас китоби «Қуръони карим», Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибратнинг «Фарғона тарихи» ва бошқа нодир китоблари ёшларимиз қалбидан айна пайтда чуқур жой олиши лозим.

Шунингдек, ҳар бир ёш авлод бошқа халқларнинг эстетик маданияти ва тафаккури, уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран ва гўзал нуқталарини ўзларига қабул қилишлари керак. Жамиятда “ҳамма вақт эстетик маданият қадриятларини ўзлаштириш шахсий ҳамда ижтимоий тажрибаларнинг ўзаро алоқадорлиги орқали рўй беради. Бу жараёнда шахснинг ўзига хос ҳаётий фаолияти хусусиятлари, эстетик қадриятларга танлаб

муносабатда бўлиш малакаси, шунингдек унинг эстетик идеал, мукамаллик тўғрисидаги тасаввурлари, эстетик идрок қобилиятлари муҳим роль ўйнайди”[3: 45].

Бугунги авлод олдида шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, аждодларимиз босиб ўтган йўлни танқидий баҳолаб, давлатчилигимиз негизларини аниқлаб буюк эстетик маданиятимиз томирларига, ўрганилмаган қадимий фалсафий меросимиз илдишларини топиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият ёшларига холисона етказиб бериш, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир ўзгаришни фалсафий тафаккур қонун-қоидалари асосида вужудга келтириш даркор.

Ҳозирги вақтда республикамизда ҳар бир шахннинг эстетик дунёқарашини юксалтириш борасида тарих, фалсафа, маънавият, маданият соҳаларида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, юксак эстетик маданият ва маънавият фуқаролар учун эзгуликка, инсонийликка, нурли истиқболга элтувчи яккаю-ягона йўлди. Айти пайтда давлатимизнинг энг муҳим ва жиддий муаммоларидан бири етук малакали кадрларни тарбиялаб вояга етказишдир. Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда, ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш, соғлом қилиб ўстириш, уларнинг онгини ўтмиш таъсиридан озод равишда шакллантириш мустақил мамлакатнинг долзарб вазифасидир.

Соғлом авлод тарбияси “халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати”[4: 179].

Жамиятнинг ривожланиб бориши мавжуд ижтимоий тизим ғояларининг соғлом авлод онгига сингдиришга қаратилади. Бу жараёнда ёшларнинг юксак инсоний фазилатларга эга бўла боришида уларнинг эстетик маданияти ҳамда ўзига хос ва мос маънавий хислатлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ёшлардаги ахлоқий фазилатлар қандайдир илоҳий куч томонидан юборилган тақдирнинг инъоми, маънавий-илоҳий куч бўлибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётда аста-секин нафосат олами билан уйғунлашиб, янгича эстетик маданият асосида бойиб боради. “Оилада ижтимоий-иқтисодий имкониятнинг мавжудлиги фарзандларнинг яхши ҳаёт кечириши, сифатли овқатланиши, кийиниши, ота-она ва болаларнинг истеъдод ҳамда қобилиятларини юксалиб бориши, уларни яхши дам олишлари учун шароит яратади. Мана шундай оилалар мавжуд бўлгандагина фарзандлар соғлом бўлиб ўсади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг маънавий жиҳатдан камол топиши учун имкон яратади” [5: 146-147]. Буларнинг барчаси ёшларнинг ахлоқий тарбияси ва эстетик маданиятини камол топишига, жамиятимиз талаб қилган кадрлар бўлиб

етишишига хизмат қилади.

Соғлом авлоднинг маънавий юксалиш жараёни барча фалсафий ва ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли узоқ йиллар давомида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ёшлардаги соғлом, нафис ва бежирим қиёфа, юксак эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид ва тушунчалар бирлигидан эстетик маданият таркиб топади. Ва, ниҳоят, ёшларнинг эстетик ва ахлоқий одоб маданияти бирлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

Ёшларнинг ахлоқий-маънавий ва эстетик жиҳатдан шаклланишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди: биринчидан, ёшлар туғилиб ўсган ижтимоий муҳит; иккинчидан, ёшларга узоқ вақт давомида маълум бир тизим асосида бериладиган таълим-тарбия жараёнининг ахлоқий-эстетик моҳияти; учинчидан, ёшларнинг интеллектуал ва эстетик тараққиётига таъсир этувчи туғма, яъни наслий хусусиятлар. Аммо, шу нарсага эътибор бериш керакки, ёшларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва маънавий дунёси ҳеч вақт туғма равишда берилмайди. Ижтимоий муҳит уларга ётараққиёт, ё таназзул шароитини бериши мумкин. Масалан, ўзбек халқининг асрлар давомида чегаралаб келинган интеллектуал-маънавий салоҳияти мустақиллик туфайли эркин ва ҳар томонлама ривожланиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик шарофати ила замонавий дунёқараш ҳамда янгича эстетик маданиятнинг ҳаётгӣ қонуниятлари асосида ўзбек халқи ҳақиқий тараққиёт йўлига кирди. Эндиликда ўзбек халқи орасидан фаннинг ҳамма соҳалари бўйича етишиб чиқаётган олимларнинг, санъат соҳасида таланти ёшларнинг бадиий-эстетик тафаккур ва маданият тараққиётига қўшаётган бебаҳо ва ноёб асарлари бутун жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Ёшларимиз ҳаётининг кундан-кунга ўзгариб, турмуши, кийиниши, диди юксак ҳис-туйғулар билан бойиб бораётгани маънавий-ахлоқий ва эстетик маданият соҳаларидаги ўзгаришларнинг ёрқин намунаси.

Соғлом авлод эстетик маданиятини ахлоқий қадриятлар қоида-қонунларига риоя қилган ҳолда тарбиялаш биринчи навбатда ёшларда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш демакдир. Бундай ижтимоий-ахлоқий муҳитни барпо этмай туриб, ёшлар кўзлаган порлоқ мақсадларга, яъни адолатли, гўзал жамият ҳисобланган фуқаролик ижтимоий тизимини барпо этишга эришиб бўлмайди.

Шунинг учун айти пайтда мамлакат бўйлаб янги-янги иншоотлар, темир йўл ва транспорт йўллари, замонавий таълим муассасалари, музей ва маданият саройлари ҳамда хотира, байрам истироҳат боғлари барпо этилдики, бундай гўзаллик намуналари ёшларимиз диди ва эстетик маданиятига таъсир этиб қолмай, уларнинг ахлоқий қиёфаларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмоқда. Ижтимоий муҳит гўзаллиги, мақсадимиз улғуворлиги ахлоқий-эстетик тасаввурлар нафислигига олиб келиши табиий. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлишлари уларнинг соғлом ақл-заковатли, маърифатли, инсонпарвар, меҳнатсевар сингари фазилатларга эга бўлишини тақозо этади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улғу халқнинг иши ҳам улғу, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 3-жилд, 2019.
2. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. –Т.: Chashma print, 2008.
3. Абдуллаев М. Эстетик маданият: назарий-методологик жиҳатлар. –Т.: Фан, 2007.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018.
5. Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

ФАЛСАФИЙ КАТЕГОРИЯЛАРНИНГ ШАХС ИЖТИМОЙИ ҲАЁТИГА МАЗМУН БАҲШ ЭТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

(Георг Гегель ва Сёрен Къеркегор қарашлари мисолида)

Бахриддин
САЛИМОВ
ТТМИ камта
ўқитувчиси

Мазкур мақолада немис классик фалсафасининг намоёндаларидан бири бўлган Гегельнинг тасодиф ва зарурият диалектикасининг бир-бирисиз мавжуд бўла олмаслигини, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиши эса маънисизликдан бошқа иш эмаслигини илмий жиҳатдан етарли даражада асослаб берган дастлабки файласуф ҳисобланиши таъкидланган.

Таянч сўзлар: зарурият, тасодиф, диалектика, ҳодиса, имконият, воқелик, сабаб, асос, жумбок, танқид, эътироф, муносабат, мавҳумлик, мавжудлик, қарама-қаршилик.

Фалсафий категорияларнинг, хусусан, тасодиф ҳодисасининг илмий томондан англашни янги даврда, классик немис файласуфи Георг Гегель бошлаб берди. Тасодиф ҳодисасини тадқиқ этишда Гегель ўзидан олдинги файласуфларнинг қарашларига нисбатан анча олдинга кетади. Бунда энг аввало, Гегель тасодиф ва зарурият диалектикасининг бир-бирисиз мавжуд бўла олмаслигини, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиши эса маънисизликдан бошқа иш эмаслигини илмий жиҳатдан етарли даражада асослаб берган дастлабки файласуф ҳисобланади. «Ким тасодифни заруриятга қарама-қарши қўйишга рухсат берган, – деб ёзади Гегель – ваҳоланки, қаерда тасодиф бўлса, ўша ерда зарурият ҳам бор» [1: 27]. Ушбу фикри билан немис файласуфи юзага чиқадиган ҳар қандай тасодифий ҳодисада зарурият мавжуд ёки барча тасодифий ҳодисалар муайян зарурият асосида вужудга келади, деган ғояни илгари суради. Шунингдек, Гегель тасодиф ҳодисаси маълум пайтларда заруриятни белгилаб беришини таъкидлайди. Гегель назарида заруриятнинг намоён бўлиши тасодифларга боғлиқ бўлиб, ҳар қандай заруриятнинг негизида албатта, бирон-бир томондан тасодиф мавжуд. «Ҳақиқатдан бор бўлган заруриятнинг ўзи аслини олганда яна қўшимча равишда тасодифдан ҳам иборатдир. У (зарурият) аввало, ҳамма ҳолатларда ҳам қуйидаги кўринишларда ҳосил бўлади: гарчи ҳақиқий бор бўлган зарурий ҳол, яъни зарурият ўзининг шакли ва ташқи кўриниши жиҳатидан нимасидир зарурий ҳол, яъни зарурият бўлсада, аммо, у ўзининг мазмуни ва маъноси билан қайсидир жиҳатида бирор нарсадан чекланган бўлади. Бу ҳолат эса унга қўшимча равишда тасодиф хусусиятини ҳам беради. Бироқ, нафақат оддий зарурият, балки бошқача, айтайлик, ҳақиқий мавжуд зарурият ҳам ўзида тасодифни сақлайди. Шунга кўра маълум бўладикки, ҳақиқий бор имконият фақат ўзи учун заруриятдир. У ўзининг ўрни, яъни жойлашиш жараёни билан эса бу бутун борлиқнинг бошқача шакли ва имкониятларининг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатидир. Ҳақиқий бор зарурият тасодифни ўз ичига олишига сабаб шуки, кўрсатиб ўтилган нотинч борлиқнинг бошқача шакли ва имкониятларнинг ўзига қайтиб келишидир. Лекин улар ўзига ўз-ўзларидан қайтиб келмайдилар» [2: 197]. Бу ўринда Гегель бутун борлиқ деганда мавжуд борлиқни, ҳақиқатда бор нарсаларни назарда тутган бўлса, имкониятлар деганда эса ўша мавжуд борлиқни ва ундаги ҳақиқатда бор нарсаларни ҳаракат қилишда ёки воқеликка айланишда имкониятлар, яъни танлаш имконияти бўлишини айтмоқчи бўлган бўлса керак. Таъкидлаш жоизки, ана шу имкониятларнинг қай бири воқеликка айланиши кўпинча тасодифга боғлиқ бўлади.

This article cites and substantiates from a scientific point of view the views of one of the representatives of the German classical philosophy of Hegel that the dialectic of chance (chance) and necessity cannot exist without each other, and contrasting them with each other is completely meaningless.

В данной статье приводятся и обосновываются с научной точки зрения взгляды одного из представителей немецкой классической философии Гегеля о том, что диалектика случая (случайности) и необходимости не могут существовать друг без друга, а противопоставление их друг-другу это совершенно бессмысленно.

Гегельнинг нуқтаи назарича воқелик, имконият тушунчалари билан боғлиқ бўлган тасодифнинг икки томони бор. «Тасодиф бу ҳақиқий мавжуд бўлган ва аниқланган бўлиб, шу билан бир вақтда у бўлиши воқелик ёки имкониятдир. Шунингдек, унда бошқа ўзга бир нарса ёки қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд.

Тасодиф шунинг учун ҳам икки томонга эга: биринчидан, модомики унда, яъни тасодифда бевосита имкониятлар ёки шунга ўхшаш нимадир бор бўлса, модомики имкониятлар ундан чиқариб олинган бўлса, у (тасодиф) белгиланмаган ва у (тасодиф) бирор нарса орқали намоён бўлмайди, балки у (тасодиф) бевосита ҳақиқий мавжуддир. У (тасодиф) асосга эга эмас. Негаки, (тасодиф) одатдагидек бевосита мавжуд, шунингдек, у (тасодиф) бўлиши воқелик ёки имкониятлардир. У (тасодиф)нинг ҳақиқий мавжудлиги қанчалик тўғри аниқланган бўлса, у (тасодиф)нинг тасодифий эканлиги ва тенг бир хил намунадаги асосга эга эмаслиги ҳам шу қадар аниқланган.

Бироқ, иккинчидан, тасодиф, бу фақат бўлиши воқелик бўлган, яъни имкониятлар ёки белгиланганидек ҳақиқий мавжуд; айнан шундай ва бўлиши мумкин бўлганлик, имкониятлар ёки белгиланганлик, айнан шундай ва фақат шаклга эътибор берадиган бўлиши мумкин бўлишлик ёки имкониятларнинг ўз ҳолича объектив мавжудлигининг сабаби, фақат белгиланганликдадир. Шу тўғриси унисси ҳам, буниси ҳам ўз ҳолича мавжуд эмас ва ўзига-ўзи ғоя ҳам эмас. Аксинча, у (тасодиф) ўзининг ҳақиқий руҳий ҳолати ҳақида ўйлашга эга ва у (тасодиф) ўзига ўзгача, бошқача қилиб айтганда у (тасодиф) асосга эга» [2: 191].

Гегельнинг юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларидан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: тасодиф асосга эга эмас, бунинг сабаби шуки у тасодифийдир. Аммо шу билан бирга тасодиф асосга эга. Бунинг боиси ҳам унинг тасодифийлигидадир. Чунки амалга ошаётган тасодиф қандайдир нарса ёки ҳодисанинг келгуси натижасидир.

Тасодифнинг асосга эга эканлиги, яъни йўқдан бор бўлмаслиги эса шундаки, юз берган ҳар қандай тасодифий ҳодисани ўрганиб чиқсангиз, унинг вужудга келишида албатта, бирон-бир сабаб, яъни асос мавжудлигини кўрасиз. Бошқача сўз билан айтганда, юз берган тасодифнинг келиб чиқиш сабабларини, унинг хусусиятларини билиб олиш, тушуниш мумкин бўлади. Тасодифнинг асосга эга эмаслиги эса бизнинг назаримизда ўша ҳолатнинг рўй бериш сабабларининг асл мазмун-моҳиятини қоронғилигича қолиб кетишидир, яъни кишилар ўша рўй берган тасодифнинг сабабаларини, хусусиятларини тўлиқ охиригача тушуниб етмайдилар ва шунинг учун ҳам келгусида шунга ўхшаш тасодифлар содир

бўлаверади.

Экзистенциализм фалсафасининг вужудга келишида тамал тошини қўйган даниялик файласуф С.Кьеркегор қарашларида ҳам тасодиф ҳодисаси ўзига хос тарзда талқин этилган. С.Кьеркегор қарашларининг ўзига хослиги шундаки, унинг фалсафасида тасодиф ҳақида барқарор фикр йўқ. С.Кьеркегор тасодифни баъзида эътироф этади, баъзида танқид қилади. Бироқ, тасодифнинг жумбоқлиги, уни билиш мураккаблигидан хайратга тушган С.Кьеркегор охир-оқибатда тасодиф ҳодисасига жиддий, ижобий муносабатда бўлади. «Лаънати тасодиф. Ахир сен менинг ягона дўстимсан. Сени бир ўзингингина мен ўзимга муносиб иттифоқчи ёки рақиб деб ҳисоблайман. Сен ўзингинг инжиқ ўзгарувчанлигингга ва ўз-ўзингга доимо содиқ қолсан, ҳамма вақт ақл бовар қилмайдиган ҳамда жумбоқсан. Мен сени қиёфангга ўзимда мужассамлашгирдим, нега энди сен ўзингни тирик тимсолингни кўрсата олмайсан.

Дахшатли фикр! Демак, бутун ҳаёт зерикшидан иборат бўлиб қолди! Йўқ, мен сени кутаман лаънати тасодиф. Мен сени қонун-қоидалар йўриғи билан енгишни хохламайман, ёки ожиз, заиф одамлар айтадиган хулқ-атвор билан ҳам енгишни хохламайман. Йўқ, мен сени шоирона тарзда аслидай гўзал, нафис қилиб тикламоқчиман» [3: 75]. Юқоридаги фикрлардан шу нарса маълум бўладики, тасодиф С. Кьеркегор учун ҳам ягона дўст, ҳам ягона муносиб рақибдир. Энг муҳими, С.Кьеркегор тасодифни ҳаётнинг мазмуни деб билади. С.Кьеркегор ҳам ўзидан деярли 1000 йил аввал яшаб ижод қилган файласуф Абу Наср Форобий сингари агар тасодиф бўлмаганда ҳаёт зерикари бўлиб қолишини тушуниб этади. Тасодифнинг жумбоқлигича, мазмун-моҳиятини ёпиқлигича қолиб кетиши С.Кьеркегор фикрича, тасодифни янада жозибадор қилиб кўрсатади. Энди С.Кьеркегор томонидан тасодифнинг «лаънати» деб аталганлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, бу ерда «лаънати» сўзини қўштирноқ

ичидаги мажозий маънода тушуниш керакмикин, деб ўйлаймиз. Негаки, С.Кьеркегор томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мазмуни «лаънати» сўзининг том маъносига мос тушмайди ва уни тасдиқламайди ҳам.

Гегель ва С.Кьеркегор қарашларини таҳлилига яқун ясайдиган бўлсак, қайд этиб ўтишимиз лозимки, тасодиф ҳодисасини тадқиқ этишда Гегель ўзидан олдинги файласуфларнинг қарашларига нисбатан анча олдинга кетади. Бунда энг аввало, Гегель тасодиф ва зарурият диалектикасининг бир-бирисиз мавжуд бўла олмаслигини, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш эса маънисизликдан бошқа иш эмаслигини илмий жиҳатдан етарли даражада асослаб беради, С.Кьеркегор фалсафасида тасодиф ҳақида барқарор фикр йўқ. У тасодифни баъзида эътироф этади, баъзида танқид қилади. Бироқ, тасодифнинг жумбоқлиги, уни билиш мураккаблигидан хайратга тушган С.Кьеркегор охир-оқибатда тасодиф ҳодисасига жиддий, ижобий муносабатда бўлади.

Мақолада келтирилган фикр-мулоҳазалар асносида тасодиф категорияси тўғрисида қуйидаги бир неча хулосалар келиб чиқади:

– сабаби номаълум бўлган нарсаларни тасодиф деб атаймиз, чунки тасодифни аввалдан кўриб бўлмайди ёки аввалдан кўриб бўлмайдиган нарсалар тасодиф деб айтилади, тасодиф – бизнинг нисбатан билимсизлигимиз ва тажрибасизлигимиз туфайли ҳам юз беради. Тасодифнинг заруриятга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас;

– тасодиф амалга ошмай турган воқеа-ҳодисалардир, аммо, амалга ошмай турган ҳамма воқеа-ҳодисалар ҳам тасодиф бўлавермайди ҳамда тасодиф ва зарурият бир-бирини тақозо этувчи категориялардир;

– тасодифнинг жозибаси, унинг мазмун моҳиятини ёпиқлигича қолишидир, тасодиф ақл бовар қилмайдиган ҳодисадир, шу билан бирга у доимо ўзгарувчан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гегель Г.В. Философия религии. –М.: Мысль, 1976.
2. Гегель Г.В. Наука логики. –М.: Мысль, 1971.
3. Кьеркегор С. Дневник оболъстителя. Наслаждение и долг. –Киев: Наука, 1994.

ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Фаррух Юлдашев
ФарДУ ўқитувчиси

Мақоланинг асосий мазмуни шахсда интеллектуал қобилиятларни ўстириш хусусиятларига, ёшлар онги ва тафаккурини юксалтиришга қаратилган бўлиб, унда фалсафий билимларнинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти, шахс ва жамият тараққиётидаги ўрни тўғрисида фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий фалсафа, мустақил фикр, жамият, тараққиёт, глобаллашув, инсон, шахс, билим, интеллект, таълим, таънавий юксалиш, кадрият.

XXI асрга келиб инсоният тараққиёти уни эгаллаган билимлари, онги ва тафаккурининг кенглиги даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши давомида фалсафий билимлар инсонлар орасидаги ўзаро муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни тартибга солишга, инсоннинг жамият ва давлат манфаатларини ҳурмат қилиш, ўзлигини англаш, шахс сифатида камол топиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ҳозирги замон таълимотлари бир томондан, ўзидан олдинги қарашларни ижодий давом эттираётган бўлса, иккинчи томондан, тарихий тараққиётнинг назарий, методологик ва амалий жиҳатларини белгилаб унинг истиқболини кўрсатади. Гло-

The article focuses on increasing the intelligence and thinking of young people in their intellectual abilities, emphasizing the importance of knowledge in their daily lives, as well as reflecting on the role of youth in the development of individuals and society.

Основное внимание в статье уделяется повышению интеллекта и мышления молодых людей в их интеллектуальных способностях, подчеркивая важность знаний в их повседневной жизни, а также размышление о роли молодежи в развитии личности и общества.

баллашув шароитида инсон ҳақидаги таълимотлар ғоят хилма-хил, муқобил таълимотлардан иборат бўлиб, бир томондан, комплекс-тизимли тадқиқ этишни, иккинчи томондан, “таълимотлар уммони” дан инсон маънавий ривожини юксалтиришга, миллий истиқлол ғоясини мустақамлашга, объектив ҳақиқатни англаб етишга, замон талабига қай даражада жавоб бера олишига қараб ёндашишни тақозо қилади. Шу муносабат билан ёшларга билим бериш масалалари, ёшларга оид давлат сиёсати миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар уларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, миллий, маданий анъа-

наларнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига қафолат бериш, жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши, ҳуқуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги каби қоидаларга асосланишини таъкидлаш зарур.

Жамият келажаги ва тараққиётининг чинакам эгалари бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, билим ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш муаммолари ва уларни баргараф этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва амалий тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва ўрганиш жараёнларини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш зарур [1: 243].

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароитлар яратиш, ёшларимиз хориқдаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда доимий фаол мулоқотда бўлишларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакки, ёшлар тарбияси билан боғлиқ кўп асрлик меросни бугунги кунда ҳам амалга ошириш талаб этилади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшлар муаммоларига оид улкан ишлар амалга оширилди. “Баркамол инсон” тарбияси масаласи ҳозирги кунда энг муҳим бўлиб, мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашнинг ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатларини тадқиқ этиш мамлакатимиз маънавий тарихида асосан ўрта асрлардан бошланган. Ўрта Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний асарларидаги маълумотлардан билиш мумкин[2: 65].

Ўтган асрнинг 70 йиллари ўрталаридан бошлаб бу масала билан М.Хайруллаев, Я.Шермухамедов, Я.Турмухамедов, М.Усмонов каби олимлар маълум даражада шуғулланганлар[3: 121]. Кейинги даврда вужудга келган тадқиқотларда эса баркамол инсон тушунчасининг моҳият-мазмун, баркамол инсонни тарбиялаш масалаларининг айрим жиҳатлари ёритилади. Жумладан Ж.Туленов, М.Абдуллаев, Х.Пўлатов, С.Шермухамедов, З.Давронов, М.Шарифхўжаев каби олимлар масаланинг илмий жиҳатларига тўхталиб, ёшларни тарбиялаш муаммоларига эътибор қаратганлар[4: 45]. Ушбу олимлар фалсафа ёрдамида инсонда эмпирик ва илмий билимларни англаш жараёнини ҳосил қилишга, илмий билимларни кундалик ҳаёт билан боғлаб ўрганишга ҳаракат қилганлар. Ҳозирги кунда жамиятимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнлар, қабул қилинаётган қонун ва дастурларда ҳам ёшлар масаласи асосий эътиборда бўлмоқда. Хусусан, 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастурининг қабул қилиниши, ёшлар фаолиятига бағишланган 5 та муҳим ташаббусни ишлаб чиқиши, унда ёшлар масалалари, уларга берилаётган эътибор, уларни ўқитиш, билим ва салоҳиятини ўстириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарашлар ўз аксини топган[5].

Фалсафа инсон маънавий ҳаёти ва билимларини ўстиришнинг бир тармоғи ҳисобланиб, муайян цивилизация, муайян жамият, муайян маданиятнинг ҳам маҳсулидир. Фалсафа ўзининг муаммолари ва тушунчалар аппаратида инсоният тўплаган амалий ҳамда билиш тажрибасини йиғади, табиий ва башарий борлиқнинг турли томонларини англаш бўйича қидирувларни уйғунлаштириб бирлаштиради ва тизимлаштиради, замоннинг «кескин томир уриши»ни

қайд этади. Бошқача айтганда, фалсафа ўзининг муаммоларини ва категориявий тузилишида у ёки бу давр борлиғи ва онгининг ички, моҳиятий жараёнларини умумий, назарий шаклда ифодалайди. Мазкур масалаларни жамият миллий қадриятига боғлаб ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳаёт мазмуни, қадриятлари тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндисини бир мукамал тизимга келтирган таълимот сифатида ҳамда ижтимоий-ахлоқий, амалий фалсафа сифатида XIX аср охирида “ҳаёт фалсафаси” мустақил ва аҳамиятли йўналишга айланиб, инсоният маданиятини тадқиқ этиш юзасига келди. Ҳаёт фалсафасида маънавий-маданий ҳаёт масаласи ўз ижтимоий мазмунига кўра жамиятда турли зиддиятларнинг кескинлашиши билан боғлиқ бўлиб, муштарак жамият барпо этишни тақозо қилаётган “ҳаётий стихия” нуқтаи назаридан изоҳланади. Немис файласуфи Фридрих Ницше инсон ҳақида анъанавий қарашларни таҳлил қилиб, уларга баҳо берар экан, одам боласида махлуқлик ва холиқлик бирлашиб беҳад қудратли фалсафий тафаккурни одамни махлуқликдан қутқариб, холиқлик мақомига кўтаришга қаратади. У ўзининг “Зардушт таваллоси” номли асаридида шарқ одами ҳақида фикр юритиб, инсонни, унинг яхшилигини улуғлайди[6: 15]. Ф.Ницше ўз фалсафасида биринчи ўринга ахлоқ масаласини қўяди. Жамиятда ахлоқий, маънавий, маданий ҳаётни ривожлантириш билан инсоннинг руҳий, маънавий борлиғи ҳам бойиб боради. Одамлар бир-бирини яхши тушунса, қалби пок бўлса, жамиятда ҳам уйда ҳам фаровонлик, покизалик бўлади. Инсон, авваламбор, ўз ичидаги ёвузликни енгиши керак. Шунда онг ҳам ўзгариб, ривожланиб боради, дейди Ф.Ницше. У инсондаги икки бир-бирига зид кучлар ҳақида сўз юритар экан, уларни гўзалликка интилиш, мутаносибликка эришиш ғоялари орқали бирлаштиришга ҳаракат қилади. Бу деярли бажариб бўлмас вазифани ирода орқали амалга ошириш мумкинлигини гапирди. Албатта, бу ҳаётий кураш жараёни инсондан жуда катта масъулиятни, ҳаракатни, меҳнатни талаб этади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, инсонлар ҳаёти буни аксини исботлайди. Инсоният тараққиёти ҳозирги даврда юқорига қараб эмас, балки пастга қараб кетмоқда. Моддий манфаатлар, инстинктлар, айниқса, тақлид қилиш инстинкти бизнинг жамиятимиз инсонларига хос хусусият бўлиб, манфаатдорлик, худбинлик руҳияти тобора олижаноблик хислатларини сиқиб чиқариб, жамиятда қадриятларнинг қадрсизланишига олиб келмоқда.

Фалсафа таълим-тарбия бирлигига асосланиб, жамият миллий қадриятини юксалтиради, ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиради. Демак, ёш авлоднинг, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия талабларига тўла жавоб берадиган даражага келтириш тамойилларига асосланиши зарур.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгилиниши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир шахснинг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларига қаратилган. Шу маънода, фалсафий билимлар буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, фалсафа фан сифатида шахс дунёқарашини ўстиради, ақл ўйини сифатида фикрлашга, топқирликка ундайди. Умумий қилиб айтганда, одамлар дунёқарашини, руҳий ҳолати, ақли, шахсий тажрибаси ва шу кабиларнинг турли

шакларига эътиборни қаратади. Фалсафа мақсадни, воситани, инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни оқилона, иррационал ёки интуитив англаб етишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳар бир инсон учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган саволларга жавоб бериш мулоҳазалари ва мантигини яратишга асос бўлади. Фалсафанинг предмети, моҳияти, мақсад, вазифаларини тушунишга нисбатан ёндашувлар, нуқтаи назарларнинг ранг-баранглигига қарамай, у барча замонларда ва мамлакатларда ёшларни интеллектини ўстириш, уларга таълим-тарбия беришнинг бир усули сифатида ёндашилади. Таъкидлаш лозимки, фалсафа умумий қабул қилинган, ягона тилга, шак-шубҳасиз белгиланган қонунларга ва ҳар қандай фалсафий таълимотлар учун умумий бўлган категорияларнинг муайян мажмуига эга эмас. Шунингдек, у билимлар ягона тизимини тузишга ҳаракат қилмайди ва пировард натижада, масалан, фан каби аниқ натижалар олишга умуман қаратилмаган. Шунинг учун фалсафий билимларни ёшлар камолоти, онги ва тафаккури учун ижобий таъсир этувчи соҳа деб қараш лозим. Мазкур фан моҳиятини англашимиз, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни англаб етишида қандай роль ўйнашини ангаш зарур. Зеро, “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намён бўлади”[8: 29].

Ёшлар муаммоларини ўрганишда биринчи навбатда тизимлилик, илмий-назарий билимларни ривожлантириш, файласуф, мутафаккир ва алломларнинг фалсафий қарашларини кенг қўллаш, уларнинг фикрларидан ёшлар дунёқарашини, таълим-тарбияси учун ижобий таъсир этиш механизмларини аниқлаш, таҳлил этиш, тарихийлик ва мантиқийлик, умуминсонийлик ва миллийлик принципларининг ўзаро бирлиги каби ижтимоий-фалсафий методлардан фойдаланиш талаб этилади. Мақолани ёзиш жараёнида ахлоқий муносабатлар, шахс таълим-тарбияси, ёшлар онги ва тафаккурини, маънавий ҳаётини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Шу боис фалсафага яхлит муносабат, унда кўтарилган масалаларнинг теранроқ ва тўлиқроқ талқини, уни тушунишимиз ва фалсафий муаммоларнинг сирли ва жозибали дунёсига кириб бориш билан ёш авлодни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш керак. Бугунги кунда нафақат айрим халқлар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ўз-ўзини англаб етишга йўналтирилган фалсафага муҳтождир. Буни 2002 йилдан Юнеско қарорига биноан, бутун дунёда ҳар йили ноябрь ойининг учинчи пайшанбасида ўтказиладиган “Жаҳон фалсафа кунлари” ҳам, ҳозирги кунда дунё учун энг муҳим масалаларга эътиборини қаратганидан далилдир. Инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтириш масаласи мутафаккирларнинг асарларида атрофлича таҳлил этилган. Қадимги мутафаккирлар ҳар томонлама таълим ва тарбияни, яъни ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга

чиқаришга қодир бўлган жисмоний ва маънавий жиҳатдан комил инсонни шакллантириш масаласига катта эътибор берганлар. Платон, Демокрит, Зардушт ва бошқа машҳур файласуфлар фикрига таяниб, маърифат ёрдамида, таълим ва тарбия жараёнини зўрликка қарши йўналтириш ва одамзот ақл-идрокини камол топтириш орқали инсон табиатини яратиш мумкин[9: 45-49]. Протагор, Сукрот ва Платон айтганидек, фалсафадан сабоқ беришда ишонтириш маҳоратини эмас, балки тўғри фикр юритиш маҳоратини ўргатишга эътибор қаратиш муҳим[10: 236]. Фалсафа ёшлар дунёқарашини шакллантириш орқали уларнинг хулқ-атворини, келажакини, ҳаётини ёритишга кўмак беради. Фалсафий билимларни ўқитиш жараёнида жамиятдаги маънавият ва ахлоқнинг ҳолатини таҳлил этиш, ижтимоий меъёрлар ва тамойилларни ривожлантириш, ижтимоий онгни[11], кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, ижтимоий-сиёсий муаммолар, маданият ва маънавият масалаларига доир муҳокама ва мунозараларни амалга ошириш зарур. Шунингдек, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб шакллантиришнинг маънавий омилларини фалсафий умумлаштириш, мамлакатимизда ёшлар муаммолари ва уларни бартараф этиш масалалари тўғрисида муҳим қоидаларни ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ёшлар муаммолари ва уларни баркамол шахслар қилиб шакллантиришда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий омилларнинг аҳамиятини аниқлашни назарда тутиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда ва ёшлар фаолиятида юксак маънавиятни, ахлоқий баркамолликни таъминлашда ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, уларда Ватанга, қадриятларга садоқат ҳиссини кучайтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш фалсафий фанлар олдида турган муҳим вазифалардан биридур. Миллий-маънавий ва таълим-тарбия соҳасидаги янгиланишлар, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларини таҳлил этиш, ёшларнинг дунёқарашини ва тафаккурини, маънавий дунёсини ўстиришда фалсафий билимларни мазмунан бойитиб бориш ғоят долзарбдир. Юқоридаги муаммоларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Фуқаролик жамиятида ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, демократик омилларнинг аҳамияти кўрсатиш;
- Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишда маънавий қадриятларнинг ўрнини юксалтириш;
- Маънавий янгиланишлар жараёнида ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласига янада эътибор бериш, янгича ахлоқий муҳит, сифат жиҳатидан янгича муносабатлар типини яратиш;
- Глобаллашув жараёни ва у ёшлар масаласида янада хушёрроқ муносабатда бўлиш;
- Машҳур фан ва давлат арбобларнинг ибратли ҳаёти, илмий фаолиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган Илмий-Оммабоп Қўлланма. –Т.: Маънавият. 2018.
2. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. –Т.: Фан 1994 йил.
3. Каримов И. Имон ва инсон. –Т.: Фан 1991 й.
4. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон. 1998 йил.
5. 27 июнь 2018 йил, ПФ-5466 сонли “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.
6. Н.Жўраев Тахайюл, тасаввур, тафаккур, Нитше таваллоси. –Т.: Янги аср авлоди. 2015 йил.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
8. Н.Шермухаммедова. Фалсафа қўлланма. –Т.: 2009.
9. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. –Т.: Шарқ, 2000.
10. А.Раимов, Н.Раимова Ҳикматлар шодаси. –Т.: Ўзбекистон 2015 йил.
11. Ч.Насриддинов. Инсон, онг, ҳаёт. –Т., 2010 йил.

ТАЛАБА ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Ойдин НАСРИДДИНОВА
Тошкент кимё-технология
институтини катта
ўқитувчиси, ю.ф.н.

Ушбу мақола талабаларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўлида олиб борилган тарғибот ишларини олиб бориш қонунларга нисбатан масъулият ва ҳурмат туйғуларини шакллантиради.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқшунослик, конституциявий ҳуқуқ, ижтимоий онг, атигация.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғибот тўғри йўлга қўйилиши ва самарали амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонда бу масалага айнакча, мустақиллик даврида эътибор кучайтирилди. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда ҳуқуқий таълим ва тарбия ўрнининг юксалигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини самарали йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан қўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим”[1].

Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ҳуқуқий фаолият доирасида муҳим саналган ҳуқуқий йўналиш ва ҳуқуқий муносабатларни шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқий тарбия ёрдамида шахсда ҳуқуққа нисбатан масъулият, қонунларга итоат қилиш, давлатга нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланиб, шахснинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликка интилиши кучаяди[2: 123].

Бу борада Ф.Отахонов асосли равишда таъкидлаганидек: “Ўзбекистон Республикасида юридик соҳани либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётгани жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни маърифат, тарғибот, ҳуллас ижтимоий-педагогик воситалар билан амалга оширишга алоҳида эътибор беришга ундайди”[3: 35]. Мамлакатимизда 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да айтилишича, юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин”[4: 285].

Ушбу мақсадга эришиш учун “ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш” шарт қилиб қўйилган.

The article emphasizes the role and importance of legal education, legal education in enhancing students' legal awareness and culture. Work for students to develop a legal culture creates a sense of responsibility and respect for the law.

В статье подчеркивается роль и значение юридического образования, юридического образования в повышении правосознания студентов и культуры. Проведение работы для студентов по развитию правовой культуры создает чувство ответственности и уважения к закону.

Матбуотда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалаларига оид кўплаб мақолалар чоп этилган. Аммо мавжуд адабиётларда ёшларда конституциявий ҳуқуқ, бурч ва масъуллиқни шакллантириш масалаларини эътибордан четда қолади. Миллий дастурда таъкидлаганидек, “тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим”. Ушбу умумий принциплар ва нормалар энг аввало шахснинг конституциявий ҳуқуқларини шакллантиришни назарда тутаяди.

Маълумки, “ҳар бир давлатда, хусусан Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳар хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Чунончи, Конституция, конституциявий қонунлар, қонунлар, республика Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирларнинг буйруқлари, давлат маҳаллий ва бошқарув органларининг норматив актлари шулар жумласидандир. Мавжуд ҳуқуқий нормалар ва уларнинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимини ёки ҳуқуқини ташкил этади”[5: 12-13]. Ушбу тизимда конституциявий ҳуқуқ алоҳида ўрин эгаллайди.

Конституциявий ҳуқуқ жуда кўп ҳуқуқий нормалар ва уларнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади. Уларни Р. Қаюмов тақлиф этган қуйидаги йўналишларда тадқиқ этиш мумкин: 1) Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принципларини белгилувчи конституциявий нормалар; 2) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилувчи ҳуқуқий нормалар; 3) Ўзбекистонда жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, яъни жамиятнинг иқтисодий негизларини, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосини белгилайдиган конституциявий-ҳуқуқий нормалар; 4) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини белгилайдиган конституциявий-ҳуқуқий нормалар; 5) давлат ҳокимиятининг тизимини, уни ташкил этишни, давлат органларининг ваколатлари ва ишлаш тартибини белгилувчи конституциявий-ҳуқуқий нормалар[5: 16-17]. Талаба ёшларга ушбу йўналишларга оид ҳуқуқий билим бериш, уларда республикамиз конституциявий ҳуқуқининг асосий принциплари ва вазифаларига оид тасавурларни шакллантириш ҳуқуқий тарбиянинг бош вазифасидир.

Конституциявий ҳуқуқни шакллантириш, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ундаги асосий принциплар ва вазифаларни тарғиб этишни тақозо этади. Ҳўш, бу борада ҳуқуқий тарғибот соҳасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Конституциявий ҳуқуқ тизимида шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари алоҳида ўрин тутлади. Ҳуқуқий тарбия талаба ёшларда ушбу ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш орқали, биринчидан, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёнини ёшларнинг аниқ эҳтиёж ва талаблари билан боғлайди; иккинчидан, ёшларга конституциявий ҳуқуқ нафақат имтиёз, балки, шу билан бирга, жамият олдидаги бурч, масъулият эканини ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб аталади. Унинг 19-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир”, 20-моддасига биноан эса “фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”.

Шахс ҳуқуқи, эркинликлари, энг аввало, унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир; ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга; ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас; ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас; ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига аралашидан ҳимояланиши ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга; ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга ва бошқалар[6: 239]. Ушбу ҳуқуқий нормалар шахсни ақл, ирода, эрк эгаси сифатида ҳимоя қилади, унинг “ижтимоий мавжудот” (Арасту) сифатида яшашини кафолатлайди. Аслида, барча ҳуқуқий нормалар шахснинг ижтимоий мавжудот сифатида конституциявий ҳуқуқини белгилаб олишдан бошланади, фақат ана шу тақдирдагина “инсон манфаатлари устуворлиги” таъминланади. Таниқли француз ҳуқуқшуноси А.Эсмена ёзганидек, “ҳар қандай ҳуқуқ манбаи шахсдадир; фақат шахс реал, эркин ва масъулиятли мавжудот сифатида бордир”[7: 191].

Фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқлари унинг давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини бошқаришда, сиёсий фаолигида акс этади. Аслида, бу инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчини “ҳокимият орқали” тадқиқ этишдир[7: 205]. Буни баъзи ҳуқуқшунослар инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари билан боғлаб, “сиёсий маданият” деб ҳам аташади[8: 39-40]. Бу ўринда ҳеч қандай зиддият ёки турли талқин қилиш йўқ.

Бугунги кунда, адабиётларда ҳокимиятни сиёсий ва носиёсий турларга ажратиб таҳлил этиш шаклланмоқда. Фуқаролик жамиятига ўтиш амалга оширила борган сайин ушбу ҳокимият кўринишлари ўртасидаги фарқлар кенгроқ намоён бўла боради. “Носиёсий ҳокимият расмий ҳокимият билан бевосита боғлиқ бўлмаган ва унга бевосита алоқадор бўлмаган, ижтимоий жараёнларни бошқариш билан банд давлат идора ишларидан мустақил тарзда шаклланган кишиларнинг уюшмалари, ташкилотлари ва ҳаракатларидир... Расмий сиёсий ҳокимият – давлат ва давлат тизими орқали сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар орқали амалга ошириладиган ҳокимиятдир”[9: 42-43]. З.М. Исломов таъкидлаганидек, ҳокимиятнинг бўлиниши асло жамиятни бошқаришни бузадиган мақсадлар нуқтаи назаридан келиб чиқмайди, балки, аксинча, у “давлатнинг ҳуқуқий табиатининг”, яъни демократик характерининг кўрсаткичидир. Тўғри, бу ўринда ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқариш, ижроия ҳокимият ва суд ҳокимиятига бўлинишини назарда тутлади,

бирок у замонавий ўзбек давлатчилигининг демократик хусусиятини ифода этади. Айнан ушбу ҳокимиятлар давлатнинг мақсад-моҳиятини инсоннинг эрки, хавфсизлиги, хусусий мулкка эгаллигини ўзида ифода қилади[10: 38].

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II ва VI бобларида белгилаб берилган. Масалан, 7-модда “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” эканлигини, 32-модда “фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишларини”, 33-модда “митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида” ижтимоий фаолиқ кўрсатишларини, 34-модда “касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи”ни, 35-модда “ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи”ни кафолатлайди.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбия – ўзига хос усул ва воситаларига, ижтимоий институтларнинг бошқа функцияларидан фарқ қилувчи белгиларига эга жараён. У мавҳум инсонни эмас, балки аниқ шахсни, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини шакллантиради. Бу ўринда икки босқичдаги вазифалар бажарилади: 1) фуқароларнинг сиёсий институтлар, энг аввало, давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ сиёсий фаолигини шакллантириш, 2) фуқароларнинг шахсий ташаббуслари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаолиятини йўналтириш. Биринчи йўналишда фуқароларнинг сиёсий фаолиги давлат ва жамият ишларини бошқаришни тўлдириб келади, лекин у бошқарув ишларига халақит бермаслиги зарур. Сиёсий фаолиқ ўзбошимчалиқ, бошбошдоқлик, ҳокимиятсизликни келтириб чиқармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида, давлат ва жамиятни бошқаришга халақит бермайдиган миқёсда амалга оширилади. Иккинчи йўналиш эса тез ўзгариб бораётган дунё, янгилиниб, замонавийлашиб бораётган ижтимоий ҳаётда фуқаронинг ҳуқуқий онгини, психологиясини янгилаш орқали унда ижтимоий-сиёсий, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги фаолиқни шакллантиришни тақозо этади. Ушбу йўналиш билан боғлиқ ҳуқуқий тарбия демократик жараёнларда кенг иштирок этиши учун шахсда зарур ҳуқуқий-руҳий ҳолат ўрнатилгани, эътиқодни тарбиялашни назарда тутлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, объектив ва субъектив омиллар таъсирида ҳар бир киши ўз манфаатлари, қизиқишлари, билими, онги ва тажрибаларига мувофиқ “ҳуқуқий ҳаёт яратади”[11: 98]. Айнан шу сабабли гоҳо ҳуқуқбузарликлар ва қонунбузарликлар келиб чиқади, чунки “индивидуал ҳуқуқий ҳаёт” жамият томонидан қабул қилинган умумий ҳуқуқий нормаларга қарши чиқмай қолмайди. Айниқса, жамият эски, қоқоқ, чекланган ижтимоий-сиёсий қадриятлардан воз кечиб, янги муносабатларга ўтаётганида ушбу икки ҳаёт тарзи ўртасидаги тафовутлар, фарқлар кенгаяди, гоҳо улар зиддиятларни келтириб чиқаради. Ушбу тафовутлар, фарқларни бутунлай бартараф этишнинг имкони йўқ, ҳаётдаги ранг-барангликнинг, инсон руҳиятида, маънавиятида яшаб келаётган ижтимоий адолат ҳақидаги азалий тасаввурларнинг сўнмаслиги учун ҳам уларни бартараф этишга уринмаслик зарур.

Собик шўролар тузуми шундай қилишга интилгани учун ҳам инсон эркинлигининг бўғиб қўйилишига олиб келган мустабид тузумга айланди. Аммо ушбу икки “ҳуқуқий ҳаёт” ўртасидаги фарқлар антагонистик курашлар манбаига, сабабига айланмаслиги шарт. Ушбу муҳим вазифани бажаришни “умумий ҳуқуқий ҳаёт”, яъни жамият томонидан қабул қилинган қонунлар, нормалар, механизмлар, инсти-

тутлар ва воситалар ўз зиммасига олиши керак.

Ҳуқуқий тарбия ҳам айнан шу вазифани бажаришга йўналтирилган, чунки умумий ҳуқуқий ҳаёт жамиятнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир. У ҳуқуқий фаолиятнинг барча кўринишларини, борлиқни ҳуқуқий англаш жараёнлари ҳамда давлат ва ҳуқуқий муассасаларнинг барча фаолиятини қамраб олади. Ушбу муассасаларнинг фаолияти жамиятнинг умумий ҳуқуқий ҳаётига киришининг боиси шуки, у ижтимоий борлиқдаги ҳуқуқий онгга дахлдордир [12: 30-31]. Ушбу дахлдорлик, энг аввало, давлат ва ҳуқуқ институтларини умумий ҳуқуқий ҳаётни шакллантириш учун масъул қилиб кўяди. Шунинг учун Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида “давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усул ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради” [13], деб уқтирилади.

Ҳуқуқшунос олим М.К. Нажимовнинг фикрича, ёшлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбия жараёни ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

– ҳуқуқ ва унда мужассамлашган инсонийлик принциплари, жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий нормалар тизими, уларни қўллаш тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизими, уларни амалга ошириш усуллари, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш йўллари юзасидан тушунчалар бериш;

– ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқ-тартиботни бузишга фаол салбий муносабат, қонунга бўйсунушга қараб мўлжал олиш, шахсий ҳаётини муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билимлардан фойдаланиш, ҳуқуқий қоидаларни шахсий аҳамиятга молик деб қабул қилиш ҳамда уларни бажариш кўникмаларини ёшлар онгига сингдириш;

– ҳуқуқ ва эркинликларни онгли равишда рўёбга чиқариш, ҳуқуқлар бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тадбирларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бурчларини виждонан ва сидқидилдан бажариш, турли ҳаётини вазиятларда шахнинг юридик жиҳатдан тўғри ҳаракат қилиш қобилиятида намоён бўлувчи ижтимоий фойдали хулқ-атворини шакллантириш ва бошқалар [14: 48].

Ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш шакллари сифатида ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялаш каби шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин.

Маълумки, ижтимоий-ташкилий нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим ўзида барча соҳаларидаги ҳуқуқ нормаларни ва уларни қўллаш кўникмаларини англаш, тушуниш, ўзлаштириш ва айнан тасаввур этишнинг махсус жараёнини намоён этади.

Ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш шакллари сифатида ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялаш каби шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин.

Маълумки, ижтимоий-ташкилий нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим ўзида барча соҳаларидаги ҳуқуқ нормаларни ва уларни қўллаш кўникмаларини англаш, тушуниш, ўзлаштириш ва айнан тасаввур этишнинг махсус жараёнини намоён этади. Ушбу жараённинг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этишда, энг аввало, унинг таркибий қисмларини (ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим) алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тегишли адабиётларда тарғибот тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар илгари сурилади. Кўпчилик бунда тарғибот (пропаганда) ва ташвиқот (агитация) атамалари ўртасидаги фарқли жиҳатларга (дефинициялар) эътибор

бермайди. “Агитация” сўзининг луғавий маъноси (лотинча agitation ҳаракатга келтириш) сиёсий ғоялар ва шиорларни кенг халқ оммаси онгига таъсир этиш мақсадида ёйишни билдиради [15: 15]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тарғибот (пропаганда) сўзига “бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган тушунтириш ишлари” [16: 130] деб изоҳ берилса, ташвиқот (агитация) атамасига “оммага сиёсий таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар” деган тавсиф берилган [16: 130-137]. Кўриниб турибдики, тарғибот (пропаганда) ва ташвиқот (агитация) тушунчалари ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Хусусан, тарғибот бу бир неча ғояларни тингловчилар кенг доирасига илмий ва тизимли тарзда сингдириш бўлса, ташвиқот эса муайян ғоянигина кишиларнинг ҳиссиётига таъсир этиш орқали етказилишидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбиянинг бир шакли эканлиги ҳамда у ўзида ҳуқуқий билимларни етказиш, ҳуқуқ нормаларининг мазмунини ва уларни қўллаш амалиётини тушунтиришга қаратилган фаолиятини ифода этиши ҳақида сўз боради [17]. Бу борада З.М. Исломов таъкидлаганидек, “ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт ва ўз-ўзини тарбиялаш ҳуқуқий тарбия воситаларига киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган барча воситаларни қўллаш асосида ҳуқуқ ҳақидаги ахборотларни етказиш, қабул қилиш, ўзгартириш ва ундан фойдаланиш ҳамда уни амалда рўёбга чиқаришни кўзда тутовчи ҳуқуқий хабардорликни амалга ошириш масалалари ётади” [18: 578].

Ҳуқуқий тарғибот тушунчасига берилган таърифларда унинг элементлари тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, лекин изоҳидан келиб чиқиб, ундаги субъект, объект ва мазмунни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқий тарғиботнинг субъектлари деганда ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда тарғибот фаолиятини амалга оширувчи шахсларни тушуниш зарур. Бундай субъектлар қаторига ўзининг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари тимсолида намоён бўладиган давлат, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботнинг мазмунига келадиган бўлсак, у ўзида тарғибот мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган воситалар мажмуасини ифода этади.

Мазкур воситалар ёрдамида кишиларнинг одатий даражада билимларни ўзлаштириш, англаш ва ифода этишлари учун уларнинг онгига таъсир ўтказилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий тарғиботга мажбурийлик белгиси хос эмас. Чунки, мазкур жараёнда эгалланадиган билимлар доираси чегараланмаган ҳамда у хилма хил шаклларда намоён бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиёт, семинарлар ва лекциялар каби воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳуқуқий билимларни, тасаввурлар, маҳорат ва кўникмалар, шунингдек ҳуқуқий эътиқодлар (ҳуқуқий онглилик)ни шакллантириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуққа мос хулқ-атворини ва ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш ҳуқуқий тарғиботнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш тушунчаси ва унинг юридик мазмунини тадқиқ этиш, аввало, амалий характерга эга бўлган вазифалар, яъни аҳолини ҳуқуқий хабардорлигини таъминлаш механизмларини яратиш ва уларни жамиятда кечаётган ҳуқуқий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ривожлантириб бориш зарурати билан боғлиқдир. Ўз навбатида, ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун бу борадаги механизм тушунчаси ва унинг таркибига кирувчи восита ва усулларнинг мазмун ва

моҳиятини ўрганиш лозим бўлади[19: 71-71].

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч бир давлат ва у шакл-лантирадиган ҳуқуқий маданият ҳуқуқий мафқурасиз фуқароларда конституциявий ҳуқуқларни юзага келтиролмайди. Конституциявий ҳуқуқларини билмаган ва тўғри

англамаган ҳеч бир фуқаро фуқаролик жамиятининг онгли аъзоси бўла олмайди. Шунинг учун ҳам, демократик, ижтимоий, маданий ва тарихий асосланган давлат-ҳуқуқ мафқурасининг мавжудлиги ҳар қандай жамият фаолиятининг ҳаётий муҳим шарт ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhaking-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>.
2. Қодиров Э. Ўзбекистонда юридик таълим ислохотлари: муаммо ва ечимлар // Республикада юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2015.
3. Отахонов Ф. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш: амалга ошириш босқичлари // Фуқаролик жамияти. 2006. –№ 1.
4. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.2. –Т.: ИИВ Академияси, 1998.
5. Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. А. Саидовнинг умумий таҳририда. –Т.: Адолат, 2005.
7. Воеводин Л. Д. Юридический статус личности в России. –М.: Инфра-М, Норма, 1997.
8. Одиқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Ф. Сиёсий маданият: назарий-қийсий тадқиқот. –Т.: ИИВ Академияси, 2004.

9. Киров В. Ц. Проблемы государственной власти в гражданском обществе. –М.: Юрист, 1992.

10. Исламов З.М. Проблема власти: её понимание, назначение, социальная сущность. –Т.: ТПЮИ, 2003.

11. Татаринцева Е. В. Правовое воспитание. Методология и методика. –М.: Высш. школа, 1990.

12. Бельский К. Т. Формирование и развитие правового сознания в гражданском обществе. –М.: МГУ, 1992.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-сон.

14. Нажимов М. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари. Монография. –Т.: ТДЮУ, 2019.

15. Словарь иностранных слов. –М.: Рус.яз., 1985.

16. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки томли. Т.2. / З.М. Маъруфов таҳрири остида. –Москва: Рус тили, 1981.

17. Григонис Э.П. Теория государства и права: Курс лекций. –СПб.: Питер, 2002. –320 с.; Теория государства и права. Курс лекций. Под ред. Н.И. Матузова, А.В. Малько. –М.: Юрист, 1999. – 672 с.; Общая теория права. Под общ. ред. А.С. Пиголкина. –М.: МГТУ, 1995. –384 с. ва бошқалар.

18. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007.

19. Алимасов В. Ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий маданият // Ҳаёт ва қонун. 2001. –№ 2.

ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

Анвар
УМАРОВ
СамДУ
ассистенти

Мазкур мақола жамият ҳаётида ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий қилиш, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш масалаларига бағишланади.

Таянч сўзлар: ёшлар, жамият, глобаллашув, тарбия, кадрият, оммавий маданият, жараён, дунёқараш, демография, бандлик, эркаклар, аёллар, фуқаролик жамияти, турмуш.

Инсониятнинг энг қадимги даврларидан бошлаб аждодларимиз ёшлар тарбияси уларнинг жамоа ҳаётига қиришиб кетиши масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Бу даврда жамоанинг асосий таркибини болалар гуруҳи, аёллар ва вояга етган эркаклар ташкил қилган. Жамоани бундай гуруҳларга бўлишга катта эътибор қаратиларди. Айниқса, ўсмирликдан катта ёшга ўтувчиларга аҳамият бериларди. Умумий мақсад – ўсмир йигитларни хўжалик ва жамоатчиликка ҳамда мафқуравий ҳаётга чорлашдан иборат эди. Мазкур анаъна ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Жамиятимизда аҳолининг катта қисмини ташкил этган ёшларни интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. «Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этганлиги боис уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, ижодий фаолиятга кенг жалб этиш, жамият тараққиётидаги иштирокини таъминлаш – давлат стратегиясини асосини ташкил этади»[1]. Шу боисдан ҳозирда ёшларнинг кундалик ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш-

This article is devoted to the interaction of the intellectual and creative potential of the young generation in society, the promotion of a healthy lifestyle among young people and their participation in ongoing reforms.

Эта статья посвящена взаимодействию интеллектуального и творческого потенциала молодого поколения в обществе, пропаганде здорового образа жизни среди молодежи и их участию в проводимых реформах.

га доир чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, қобилиятларини тадбиркорлик, инновация ва илғор технологияларга йўналтириш, бандликни таъминлаш, бўш вақтдан самарали фойдаланиши учун қулай шароитлар яратишга оид чораларни кучайтириш, глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш ёшларга оид миллий сиёсатга айланди.

Албатта, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашмоқлик бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг асосига айланмоқда. Бу борада жамиятимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими миллий истиқлол ғояси асосида ёшларни тарбиялаш тизими шакллантирилди. Шунинг билан бир қаторда ёшлар тарбиясида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз масъулиятини оширишга зарурият ҳам бор. Чунки, ёшларнинг қалби, онги, тафаккури соғлом ғоялар асосида шаклланиши учун ҳар бир шахс масъулдир. Ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаетганлиги ҳар бир ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчи-педагогнинг эътиборида бўлиши зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг учун, айниқса маҳалла (қишлоқ) фуқароларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аксарият ёшларнинг тарбияси оиладан, қолаверса, у туғилиб ўсган маҳалладан бошланади. Шундай экан, мазкур масалаларга ниҳоятда жиддий ва эътибор билан ёндашишни бугунги адолатли

сиёсат барчадан талаб қилаётганлиги табиий.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ёшлар яъни 30 ёшдан ошмаганлар ташкил этади[4]. Шунинг учун эртанги келажак эгалари бўлган ёшларни ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти асослари барпо этилаётган ҳамда ҳозирги глобаллашув шароитида ижтимоий-фалсафий дунёқарашни ёшлар онгида шаклланишида, маънавий фазилатларини ривожлантирувчи омиллар тизимида ажодлар орттирган бой тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган бадиий тафаккур дурдоналаридаги бой маънавий фалсафий фикрлар муҳим ўрин тутди. Аммо, минг афсуски, фуқаролик жамиятининг ривожланишида ижобий омиллардан ташқари салбий омиллар ҳам мавжуд. Бугун ёшлар онгига таъсир қилаётган оммавий маданиятнинг салбий иллатлари олдини олиш, бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб мавзулардан биридир.

XX асрда техника ривожи ҳамда турмуш фаровонлигининг ўсиши билан истеъмолчилик психологиясининг янада кучайиши кино ва телевиденияда турли хил сериаллар, аудио ва видео дисклар, шоу тадбирларнинг, уларни оммавий тарзда ишлаб чиқарадиган индустриянинг пайдо бўлишига олиб келди. Табиатан бундай “маҳсулот”ларда миллийлик ниҳоятда заиф. Оммавий маданиятга эмас, балки оммавий маданиятни ниқоб қилиб олган аксилмаданиятга, унинг дидсизлигига ва ахлоқсизлигига, инсонни ҳақоратловчи, тубанлаштирувчи маҳсулотларга қарши курашиш давр талабидир. Мустақил ривожланиш йўлини танлаб янги жамият кураётган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш ва янада ривожлантириш – энг долзарб ва устувор вазифадир. Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказаетган салбий таъсири информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларимизни ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда, бошқача қилиб айтганда ўзига хос “илдизи йўқ индивид”ларнинг шаклланишига олиб келмоқда. “Оммавий маданият” турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоян бўлмоқда. Булар эса беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда ёшлар орасида тақлидчилик ҳолатларнинг кучаяётганлиги ва янада авж олётганлиги кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини маълум маънода заҳарлаётганини сезиш қийин эмас. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни то-

моша қилиш одат тусига кириб бормоқда. Бу жараён эса ўз-ўзидан ёшларда ижтимоий-фалсафий дунёқарашни шаклланишида салбий омилларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий-фалсафий дунёқараш шаклланишида ахборотларнинг софлиги, илмий аҳамиятлиги, асосланганлиги катта аҳамиятга эгадир. Форобийнинг айтишича: “Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувидир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувини ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак”[2]деб таъкидлайди. Глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларини, “оммавий маданият” ниқобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли, ноҳолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини, ижтимоий-фалсафий дунёқарашини юксалтириш талаб этилади. Навқирон авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга, маданият дурдоналарига болаликдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда оммавий маданиятга хос айрим кўринишларга танқидий муносабатни, аксилмаданиятга, турли бузғунчилик ғоялари ва ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда осойишталик ва хотиржамликни ардоқлаб, фуқаролар, айниқса, ёшлар илмли, маърифатли бўлиб, илм-фан йўлида эркин ижод қилишлари фақат яхшилик сари интилишга хизмат қилади. Булар эса ўз навбатида четдан кириб келадиган турли экстремистик марказлар, ақидапарастларнинг даъватлари, “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, тахдидлари, турли маънавий тажовузлар ўз таъсирини ўтказа олмаслигини таъминлайди. Айтиш жоизки, Европа Хавфсизлик Кенгашида интернет муаммолари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Масалан, Германияда 1997 йилдан бошлаб ёшларга зарар келтириши мумкин бўлган материалларни текширадиган федерал бошқарма фаолият кўрсатмоқда[3]. Унинг ваколатлари доирасига нобоп ва сотишга рухсат этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, китоблар, видеофильмлар ва компьютер ўйинлари) рўйхатини тузиш ва мазкур йўналишда қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари киради. Ҳозирги вақтда Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар қонунчилигида ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатгани учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, маънавиятимиз, анъаналаримизга ёт бўлган “оммавий маданият”дан, турли ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш барча ҳуқуқ-тарғибот идоралари сингари шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини англаб етишимиз ҳамда зарарли иллатларга қарши курашишнинг ташаббускори, етакчисига айланишимиз шартдир. Шундагина ёшларимизда ижтимоий-фалсафий дунёқарашни шаклланишини жараёни биз кутган соғлом муҳитда ривожланади ва келажакда ўзининг самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.
2. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т–2001 й.
3. Мельвил А. Ю. Демократические транзиты: Теоретико-методологические и прикладные аспекты. –М., 1999.
4. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistika-uz/6548-demografiya>.

AXBOROTLASHGAN JAMIYATDA INTERNETNING YOSHLAR TAFAKKURI VA TURMUSH TARZIDA TUTGAN O'RNINI

Dilshoda RAHIMOVA
CBXTXTMOXM f.f.n., dotsent,
Sadoqat TURATOSHEVA
SamVMI o'qituvchisi

Ushbu maqolada axborotlashgan jamiyatning shakllanishi va axborotlashgan jamiyat mohiyatini ochib beruvchi ilmiy-nazariy yondashuvlar yoritib berilgan. Shuningdek, axborotlashgan jamiyatda yoshlarning internetga qaramligi va ularni oldini olish yo'llari tahlil qilindi.

Tayanch so'zlar: Axborotlashgan jamiyat, internet, postindustrial jamiyat, iqtisodiyot, globallashuv, konsepsiya, kapital, tadqiqot, mehnat, sanoat, bilim.

The role of internet in the youth thought and lifestyle in information society. This article describes the ways of a scientific theoretical approach in formation and essence of informed society. The problems of youth Internet addiction information society and methods of their elimination are also analysed.

В данной статье рассматриваются пути формирования информационного общества и раскрывается сущность научно-теоретических подходов; а также анализируются проблемы зависимости молодежи от Интернета и предложены методы их предотвращения.

Internet bir necha o'n yil ichida global tarmoqqa aylanib, unda axborotlashgan jamiyatni yuzaga keltirdi, balki jahonda globallashuv jarayonining tezlashishida ham muhim omil bo'ldi. Keyingi davrlarda axborotning tobora oshib borayotgani hamda ishlab chiqarishda AKTning keng qo'llanilishi, rivojlanish asosini – bilim, ilm-fan, inson kapitali kabi nomoddiy intellektual resurslar tashkil etuvchi yangi turdagi jamiyat – «axborotlashgan jamiyat»ning shakllanishiga olib keladi. «Axborotlashgan jamiyat» tushunchasi XX asrning ikkinchi yarmida yuzaga kelgan bo'lib, ilk marotaba 1966-yilda Yaponiyada ilmiy-texnik va iqtisodiy yo'nalishlarda ilmiy-tadqiqot ishlarini yuritgan bir guruh olimlarning ilmiy ma'ruzalarida qo'llanilgan. Ma'ruzada axborotlashgan jamiyat o'zida yuqori sifatli axborotni mujassam etuvchi, uni saqlash, tarqatish va foydalanish uchun zarur shart-sharoitlar yaratgan jamiyat sifatida aks etgan. Axborotlashgan jamiyat mohiyatini o'zida aks ettiruvchi uchta asosiy ilmiy-nazariy yondashuv mavjud bo'lib, ularning birinchisini, amerikalik olimlar F. Maxlup [1: 283], M. Porat, D. Bell [2: 308]larning ilmiy yondashuvlari aks ettiradi. Ularning fikricha, axborotlashgan jamiyat mavjudligini asoslovchi mezon – bu axborotlashgan (nomoddiy) sektorning YAIMdagi ulushidir. Ikkinchi ilmiy yondashuv «axborotlashgan portlash» nazariyasiga asoslanadi. Bu nazariyaga muvofiq, jamiyat qabul qila oladigan axborotning miqdoran oshishi iqtisodiyot taraqqiyotining sifat ko'rsatkichlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va bu o'z-o'zidan axborotlashgan jamiyatni shakllantiradi. Bunday konsepsiya yapon olimlari T. Umesao [3: 156], YU. Xayoshi [4: 189] va YU. Ito[5: 298]larning ilmiy-tadqiqot ishlarida yoritilgan. Uchinchi yondashuvga ko'ra axborotlashgan jamiyatning asosiy xususiyatlaridan biri – bu AKTning barcha sohalarida keng tarqalishidir. Bunday nazariya yevropalik iqtisodchilar E. S. Daff, S. Nor va A. Minkalarga tegishlidir [6: 120]. Yaponiya axborotlashgan jamiyat instituti asoschisi va prezidenti Yonedzi Ma'suda axborotlashgan jamiyatni quyidagicha ta'riflaydi: «Kompyuter texnologiyalari va kommunikatsiya vositalarining yaratilishi natijasida kirib kelgan axborotlashgan davr sanoatlashgan jamiyatga shunchaki ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan ta'sir qilibgina qolmay, katta o'zgarishlar natijasida tamomila yangi ko'rinishdagi inson jamiyatini yaratadi. Ana shu jamiyat axborotlashgan jamiyatdir» [7]. D. Bell, O. Tofflerlar konsepsiyasiga muvofiq, axborotlashgan jamiyat – bu postindustrial jamiyatning bir ko'rinishidir. Jamiyat taraqqiyotining barcha bosqichlarini hisobga olib, ushbu konsepsiya tarafdorlari axborotlashgan jamiyatni, iqtisodiy taraqqiyot bosqichlarida asosiy fenomen sektorlar hisoblangan: qishloq xo'jaligi, sanoat va xizmat tarmoqlaridan keyingi bosqichda shakllangan axborotlashgan tarmoqning vujudga kelishi bilan bog'laydilar. Ularning fikricha, sanoatlashgan jamiyatning asosi – kapital va mehnat hisoblansa, axborotlashgan jamiyat negizida axborot va bilimlar yotadi. Professor U. Martin

axborotlashgan jamiyatni G'arb mamlakatlarida yuzaga kelgan rivojlangan postindustrial jamiyat sifatida izohlaydi. Uning fikricha, axborotlashgan jamiyat shunday jamiyatki, aholi turmush darajasi, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish istiqbollari bu jamiyatda axborotning muhimlik va undan keng foydalanish darajasiga bog'liq. Bunday jamiyatda mehnat va dam olish shakllari, ta'lim, sog'liqni saqlash va boshqa muhim tarmoqlar axborot va ilm sohasidagi erishilgan yutuqlarga bog'liq bo'ladi [8: 120]. Hozirgi zamon olimlarining yondashuvlariga asoslanib, axborotlashgan jamiyatga ta'rif beradigan bo'lsak, ushbu jamiyat – individlar o'rtasida ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatda axborot almashinuvi natijasida yuzaga kelgan munosabatlar tizimidir. Bunday konsepsiyaga ko'ra, axborot miqdorining oshishi – axborotlashgan jamiyat shakllanishi uchun zarur sharoit yaratadi, AKTning keng qo'llanilishi – obyektiv zaruriyat, iqtisodiyotda nomoddiy ishlab chiqarish tarmog'i ulushining oshishi – iqtisodiyotning tarkibiy o'zgarish natijasi hisoblanadi. Axborotlashgan jamiyatda axborot va uning «oliy» shakli – ilmiy bilim davlat va korxonalar uchun raqobatbardoshlik ustunliklarini yaratuvchi strategik resurs hisoblanadi. Bular quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- Bozor munosabatlarining an'anaviy shakli o'zgaradi. Ijodiy mehnatning keng tarqalishi, mahsulot narxining unga sarflangan mehnat qiymati bilan emas, balki ushbu mahsulotning samaradorlik qiymati bilan o'lchanishiga olib keladi.

- Bilim sig'imkorligi yuqori bo'lgan tovar va xizmatlar ishlab chiqarilishining oshishi. Buning asosiy sababi mahsulot ishlab chiqarishda ilmiy-tadqiqot va konstruktorlik loyiha natijalaridan keng foydalanishdir.

- Intellektual tovar va xizmatlar bozorining rivojlanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Mutaxassislarning baholashiga ko'ra, hozirda intellektual tovar va xizmatlarning jahon bozori an'anaviy bozorlarga nisbatan 5 barobar tez o'sib kelmoqda.

- Axborotni ishlab chiqarish, saqlash, tarqatish va foydalanish bilan bog'liq faoliyat muhimligining oshishini ko'rsatadi. Bu faoliyatda esa muhim o'rinni ta'lim egallaydi. XX asrning 60-yillaridan boshlab ta'limga ajratilgan mablag'lar miqdori iqtisodiyotning boshqa tarmoqlariga ajratilgan mablag'larga nisbatan oshib bormoqda. Bugungi kunda O'zbekistonda davlat byudjetidan ta'limga 35% yalpi ichki mahsulotdan 10-12% ajratilyapti. Ko'pgina mamlakatlarda ta'lim davlat tomonidan moliyalashtiriladi, davlat ushbu tarmoqqa mudofaa, sog'liqni saqlash va ijtimoiy himoya bilan bir qatorda investitsiya qiladi.

Ilmiy adabiyotlarda hozirgi zamon «yangi iqtisodiyoti» turli atamalar bilan nomlanadi. Masalan, «postindustrial iqtisodiyot» (D. Bell), «axborotlashgan iqtisodiyot» (O. Toffler), «megaiqtisodiyot» (V. Kuvaldin), «axborot va aloqaga asoslangan iqtisodiyot» (I. Niiniluto), «texnoiqtisodiyot» (B. Geyts), «bilimlarga asoslangan iqtisodiyot» (D. Tapskott).

Ushbu tushunchalarni bog'lab turadigan omil – bu iqtisodiy jarayonlarning globallashtirish jarayonida axborot texnologiyalarining birlamchi o'rinni egallashidir. Ushbu tushunchalar orasida «postindustrial iqtisodiyot» kategoriyasi eng keng qo'llaniladi. Ammo ushbu kategoriya ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning ketma-ketlikdagi mantiqiy bosqichi hisoblanib, iqtisodiyotdagi tub o'zgarishlar mohiyatini yoritmaydi. Bunday fikrni rus olimi, professor A. Yu. Nisnevich o'zining ilmiy ishlarida bayon etgan.

Shunday ekan, axborot va bilim ishlab chiqarishning asosiy resurslariga aylanganligi tufayli, zamonaviy iqtisodiyotni bilimlar iqtisodiyoti deb ham talqin qilish mumkin. Ilmiy ishlanmalar iqtisodiyotni asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylanadi, ishchining bilimi, malakasi, kasbi, kreativ ongi muhim ahamiyatli sifatlariga aylanadi. Ammo yana bir narsani alohida aytish joizki, axborotlashgan iqtisodiyotda abstrakt kategoriya hisoblangan bilim emas, balki nomoddiy aktiv, litsenziya, patent, texnologiya, nou-xau ko'rinishidagi axborot asosiy strategik resurs hisoblanadi [9: 498]. Shunday bo'lsa ham, axborot va bilim doim dialektik birlik hisoblanib, chambarchas bog'langan tushunchalardir.

X.V. Muksimova ilmiy-texnik yoki boshqa barcha turdagi axborotning ishlab chiqilishi va undan foydalanishni axborotlashgan jamiyat taraqqiyotining asosiy omili deb hisoblaydi. Sh. G. Akramova shakllanayotgan «yangi jamiyat»da ishlab chiqarish munosabatlarini birinchi navbatda, axborot texnologiyalari va kompyuterlashgan tizimlar, innovatsion texnologiyalar, innovatsion tizimlar va inson faoliyatining turli sohalarini tashkil etishning innovatsion shakli kabilar amalga oshirishini o'zining ilmiy-tadqiqot ishlarida ta'kidlab o'tgan [10: 34].

Yuqorida keltirilgan ilmiy-nazariy yondashuvlarni tahlil etib, axborotlashgan jamiyat shakllanishining asosiy mezonlarini quyidagicha izohlash mumkin:

1. AKT, axborotlashgan mahsulot va xizmatlarning YaIM'dagi ulushining ortishi.
2. Barcha tarmoq va sohalarda AKT'ning keng qo'llanilishi.
3. Jamiyat hayotida axborot, bilim va AKT ahamiyatining oshishi.
4. Telefon, radio, TV, Internet, an'anaviy va elektron OAVdan keng foydalanish orqali jamiyatning «axborotlashishi».
5. Insonlarning axborot mahsulotlari va xizmatlariga bo'lgan talabini qondirish maqsadida ularning jahon axborot-resurslariga kirishishini ta'minlovchi global axborot makonining yaratilishi.
6. Axborotlashgan mahsulot va xizmatlarni ishlab chiqishda bandlar sonining ortishi va boshqalar.

Axborotlashgan jamiyatda internetning o'rmi beqiyosdir. Bugungi kunda yoshlarimiz hattoki butun insoniyat o'zini internetsiz tassavur qilolmasa kerak. Internet – insoniyat tafakkur mahsuli. Internet axborot olish, almashish va uzatishning eng samarali, qulay vositasidir. Uning multimediyaga (tasvir, ovoz, matn) xizmati va boshqa qator qulayliklari insoniyatni virtual olamga ohanrabodek tortmoqda. Hozirda butun dunyoda globallashtirish, madaniyatlar aralashuvi jarayoni kechmoqda. Bu murakkab jarayon nafaqat yoshlarga, balki kattalar dunyoqarashiga ham ta'sir etmoqda. Yoshlar ma'naviy dunyosini egallash borasida turli axborot maydonlaridan faol foydalanish «poyga»si jadallashtirilmog'da. Bugungi kunda axborot texnologiyalari kundalik hayotimizga shu qadar shiddat bilan kirib kelyaptiki, buni har qanday raqamlarsiz ham kuzatish mumkin. Mamlakatimizda birgina Internet tizimidan foydalanuvchilar soni 12 mln.dan oshgan, ya'ni respublikamiz aholisining uchdan bir qismi aynan Internet tarmog'idan

muntazam foydalanib kelmoqda. Bu albatta, mamlakatimizda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadallik bilan rivojlanayotganidan, fuqarolarimizning axborot olish, saqlash, tarqatish kabi konstitutsion huquqlarini amalga oshirishda sifatli aloqa tizimlaridan foydalanish imkoniyatlari mavjudligidan dalolat beradi. Shu bilan birga, davlat hokimiyati va boshqaruv organlari faoliyatida hamda iqtisodiyotning barcha sohalariga zamonaviy kommunikatsiya texnologiyalari joriy qilinishi bilan aholining turmush tarzi farovonlashayotganligini, fuqarolarga sifatli xizmatlar ko'rsatish tubdan yaxshilanayotganligini ham e'tirof etish joiz. Ma'lumotlarga ko'ra, dunyo bo'yicha internetdan foydalanuvchilar soni 3,2 milliardni tashkil etadi.. Vaholanki, 2000 yilda global tarmoqdan 361 millionga yaqin odam foydalangan. Yana to'qqiz-o'n yildan keyin bu raqamlar yana necha million nafarga ortishini tasavvur qilish qiyin emas. Chunki taraqqiyot misli ko'rilmagan shitob bilan ilgariymoqda. Lekin masalaning ikkinchi, g'oyat e'tibortalab jihati ham bor. Ba'zi mamlakatlarda virtual olamga g'arq bo'lish oqibatida o'zining yoxud o'zgalarning joniga qasd qilish odatiy holga aylanayotgani ham sir emas. Yoki qator davlatlarda real hayotni virtual hayotga almashtirgan, ruhiy nosog'lom bemorlarni davolashga ixtisoslashgan shifoxonalar tashkil etilayotganini ham hech kim inkor etolmaydi. Kompyuter xizmatlaridan foydalanish uchun vaqtini ham, pulini ham, alaloqibat salomatligini ham ayamaydiganlar safi tobora kengayib bormoqda. Bugun internetdan foydalanuvchilarni shartli ravishda ikki toifaga ajratish mumkin. Birinchi toifadagilar kasbi talabidan kelib chiqqan holda yoki ilmiy tadqiqotlari uchun zarur ma'lumot va axborot olish maqsadida internetga murojaat qilayotganlar bo'lsa, ikkinchi toifadagilar shunchaki qiziqishiga ko'ra, deylik, pornografik, tanishuv saytlariga kirib yoki on-layn o'yinlari bilan kun o'tkazish kayfiyatida bo'lganlardir. Virtual olam insonni manipulatsiya qilmoqda. Manipulatsiya – bu fikriy qaramlik orqali o'ziga bo'ysundirish demakdir. O'smirlik shaxsning fiziologik va ijtimoiy rivojlanishidagi o'ziga xos davr hisoblanadi. Agar shu davrda o'g'il yoki qiz agressiv ruhdagi on-layn o'yinlariga berilsa, bu noxush oqibatlarga olib kelishi ehtimoldan xoli emas. Virtual olamda insonning vaqtini idrok qilish tizimi buziladi, ijtimoiy faoligi kamayadi. Kompyuter qarshisida vaqt o'tganini sezmay qolishning boisi ham shunda. Virtual vositalarning salbiy ta'siri ma'naviy-axloqiy tanazzul bilan chegaralanib qolmay, insonning immun tizimini susaytirmoqda, umurtqa pog'onasi va ko'z kasalliklarini keltirib chiqarmoqda. Binobarin, yoshlarimizning ruhiy-ma'naviy olamini zararli unsurlardan himoya qilish orqali taraqqiyot poydevori yaratiladi. Ma'naviy barkamollik esa jamiyat taraqqiyotining muhim omilidir Binobarin, o'sib kelayotgan yoshlarni shunday tarbiyalashimiz kerakki, ular axborot makoniga kirganda, faqat o'zi uchun zarur va foydali narsani olsin, Internetdan foydalanish madaniyatini o'rgatish zarur bo'ladi. Buning uchun axborot asri, mafkuraviy to'qnashuvlar kuchaygan davrda yashayotgan ekanmiz, avvalo yoshlar ongida mafkuraviy bo'shliq paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik uchun ularni tashqi g'oyaviy ta'sir va xurujlarda himoya qiladigan mustahkam immunitetni shakllantirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Buning uchun esa yoshlar erkin, mustaqil fikr yuritadigan, imon-e'tiqodli, aql-zakovatli, irodasi mustahkam, bilimli va dono bo'lishi, o'z yurtining tarixiy, milliy qadriyatlarini, buyuk ajdodlari qoldirgan bebaho ilmiy-ma'naviy merosini ongi va qalbiga jo etmog'imiz lozim.

Internetdan olinayotgan axborotlarga tanqidiy yondashish va uning foydali manbalari asosida o'z dunyoqarashini kengaytirish, g'arazli ma'lumotlarni inkor eta bilish idroki, mafkuraviy immunitetni hosil qilish g'oyat muhim jihatdir. Lekin

har bir yosh ma'lum bir ko'nikma va bilimlar, diniy va dunyoviy ilmlarni mohiyatini tushuna olish qobiliyatiga ega bo'lishi, dunyoda ruy berayotgan siyosiy va iqtisodiy jarayonlarga befarq bo'lmasligi lozim.

O'zbekiston erishayotgan, dunyo tan olayotgan ulkan yutuqlarning negizida turgan asosiy omil bu yoshlardir. Buyuk

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. F. Machlup. The Production and Distribution of Knowledge in the United States. –NJ.: Princeton, 1962.
2. D. Bell. Sotsialnye ramki informatsionnogo obshestva. –M.: Ekonomika, 2004.
3. H. Asahi, U. Tadao. Joho sangyo ron. Information Industry Theory: Dawn of the Coming Era of the Ectodermal Industry. –Tokyo: VP, 1963.
4. Hayashi Yujiro. Johoka shakai: Hado na shakai kara sofuto na shakai. Tokio, 1969.
5. S. N. Nora. L'Informatisation de la Societe. –Paris: L'Independence, 1978.

ma'rifatparvar Abdulla Avloniyning «Tarbiya biz uchun yo hayot yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir», degan so'zlari bir asr avval millatimiz uchun qanchalik muhim va dolzarblik kasb etgan bo'lsa, hozirgi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotgani yo'q.

6. C. Steinfield, J.L. Salvaggio. Toward a definition of the information society. The Information Society: Economic, Social and Structural Issues. –NJ.: Hillsdale, 1989.
7. YO. Masuda. Informatsionnoe obshestvo. –Washington, 1981.
8. U. Dj. Martin. Informatsionnoe obshestvo: Referat Teoriya i praktika obshchestvenno-nauchnoy informatsii. Ejekvartalnik. – INION, 1990. №3.
9. D. Tapscott, A. Williams. Wikinomics: How Mass Collaboration Changes Everything. –New York: BestBusinessBooks, 2009.
10. Sh. G. Akramova. O'zbekistonda innovatsion iqtisodiyot shakllanishi sharoitida inson kapitalining rivojlanishi. Monografiya. –T.: Iqtisod-Moliya, 2014.

ЁШЛАРДА САНЪАТГА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Хуррият
ХУДОЙБЕРДИЕВА
СамДЧТИ тадқиқотчиси

Мақолада ёшларнинг мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни кучайтиришда санъатнинг ёшлар онги ва тафаккурига таъсири масалалари фалсафий таҳлил этилган. Унда ёшларнинг жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган санъат соҳасидаги фаолиятлари эстетик ғоялари асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: санъат асарлари, миллат, миллий ғоя, миллатлараро муносабатлар, маънавият, эстетик тафаккур, маънавий мерос, ахлоқий қадрият.

Жамиятнинг ижтимоий меҳнат тақсимоли асосида ривожланиб бориши жарёнида ҳар бир давр учун ўзига хос ёшлар қатламнинг камол топиб боришини кўришимиз мумкин бўлади. Бундай тараққиётда ёшларнинг онг ва тафаккурига замон мафқурасидан келиб чиқадиган санъатнинг турли-туман турлари ўз таъсирини ўтказиб боради. Ўз навбатида бундай эстетик дунёқараш муайян жамиятда яшовчи турли миллатлар ва элатларнинг бир ғоя ва мафқура асосида яшashi учун замин яратиб беради. Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда мана шундай маънавий муҳитнинг шаклланишини кўришимиз мумкин.

Жаҳон билан ҳамнафас тараққиёт йўлидан илдамлаб бораётган юртимизнинг ёшлари турли миллат вакиллари билан иборат бўлиб, уларнинг ташқи муҳитга нисбатан эстетик муносабатларида санъат асарларини ўрганиш, улардан эстетик завқ олиш кундан-кунда янгиланиб ва бойиб бормоқда. Жойларда ёшларнинг санъат асарларини яратишга бўлган қизиқишлари ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлашган ҳолда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 19 мартда юртимизда 5 ташаббусни қўллаб-қувватлашга доир берган таклифлари доирасида санъат ва унинг турларига нисбатан ёш авлод дунёқарашига янгича эстетик тафаккур шаклланимоқда.

Ёшларнинг онгида санъат ва унинг турларига меҳр-муҳаббатни шакллантириш, биринчи ташаббус доирасида янгича тафаккур қилиш, санъат ихлосмандлари истаклари асосида янги асарлар яратишга эътибор қаратиш лозим. Жамиятда турли миллатларнинг миллий ва ахлоқий қадриятларини ҳурмат қилиш, миллатлараро қонунқоидаларига риоя қилиш, барча миллатларни Ўзбекистон фуқароси сифатида эъзозлаш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда буюк санъат намояндаларининг ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг бой ва сержило санъатларини ёшларга

The article analyzes philosophical issues of the impact of art on the minds and thinking of young people in strengthening interethnic relations in our country. It reflects the aesthetic ideas of youth activities in the field of art aimed at promoting interethnic harmony in society.

В статье анализируются философские проблемы влияния искусства на сознание и мышление молодежи на укрепление межнациональных отношений в нашей стране. Он отражает эстетические идеи молодежной деятельности в области искусства, направленной на содействие межэтнической гармонии в обществе.

етказиб бериш ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан муҳимдир. Шу асосда ёшлар кўзлаган порлоқ мақсадларга, яъни адолатли, гўзал жамиятга, миллатларнинг кадри баланд фуқаролик жамиятини юксак чўққиларга кўтарамиз.

Шунинг учун юртимизнинг барча худудларида янги-янги замонавий санъат иншоотлари, музей ва маданият саройлари, хотира, байрам истироҳат боғлари барпо этилмоқда. Бундай гўзаллик намуналари ёшларимиз диди ва эстетик маданиятига таъсир этиш билан бирга, ушбу жойларда турли миллат вакиллари баҳамжиҳат, иноқ яшашлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ижтимоий муҳит гўзаллиги, мақсадимиз улғуворлиги ахлоқий-эстетик тасаввурлар нафислигига олиб келиши табиий эди. Чунки Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»[1: 124]. Бундай истиқболли гўзал ҳаётни барпо этишнинг негизида миллатидан қатъий назар юртимизнинг ҳар бир фуқаросини ёруғ келажак сари чорлаш мумкин бўлади.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий баркамол бўлишларида санъат асарларининг ўрни катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг соғлом, ақл-заковатли, маърифатли, инсонпарвар, меҳнатсевар ҳамда масъулиятлилик сингари фазилатларга эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда санъат асарлари орқали ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни ёшларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясига

сингдирилиб, жамиятимизнинг юксак маънавий-эстетик маданиятига эришиш давр талабидир. Бу борада профессор О.Ғайбуллаев шундай дейди: «ёш авлод тарбияси ҳар бир жамиятда долзарб вазифа ҳисобланиб, бугунги кун ва тарих ўртасидаги боғланишнинг асосий бўғинини ташкил этади. Биз яшаётган жамият ёшларини эстетик жиҳатдан тарбиялаш мустақиллик маънавиятининг моҳият ва мазмунини бадиий ифодалашга қаратилган адабиёт ва санъат олди-га улкан вазибалар юклайди. Адабиёт ва санъат ёшларни маънавий-ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг зарур омилларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади»[2: 136]. Демак, биз жамиятда ёшларимизда юксак эстетик дидни камол топтиришимиз, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини санъатга ихлосмандлик асосида ривожлантиришимиз даркор.

Ўзбекистонда маънавий ва ахлоқий-эстетик ҳаётни очиқлик тамойили негизида ривожлантириш бораётган бир пайтда ёшлар умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиши, маънавий мерос ва тарихимизни чуқур билиши, буюк санъат арбоблари яратган санъат асарларининг моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим. Ўзбек санъат асарларида акс этган шарқона ҳаё, ибо ва меҳр-оқибат умумбашарий ахлоқий қадриятлар билан ҳамоҳанг тарзда тарбия тизимининг асосий йўналишига айлантирилди. Ёшларда кўпроқ миллатлараро муносабатлардаги ички ва ташқи гўзалликнинг ахлоқ билан бирлашувига аҳамият кучайди. Хорижий тилларни ўрганиш, уларнинг санъати ва маданиятини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлардаги фақат ташқи кўриниш эстетик маданиятнинг яхши бўлишига олиб келмаслиги, балки улардан ахлоқан покчи, маънавий дунёси бой, саховатли, иймонли, муомала маданияти юксак бўлиш, турли миллатлар тилида сўзлашиш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳам талаб этила бошланди ва бу борада самарали фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек ёшлари эстетик маданиятига тамомила бегона бўлган “оммавий маданият” ниқоби остидаги айрим миллатларнинг маданияти, айниқса Европа маданиятининг баъзи жиҳатлари бизнинг жамиятимиз миллий тафаккурига мос келмайди. Биз фарзандларимизни ёшлиқдан бошлаб оила, боғча, мактаб ва олий ўқув даргоҳларида ана шундай салбий қусурлардан сақлайдиган соғлом ижтимоий-маънавий муҳит яратишимиз лозим.

Айрим ахлоқ-одоб мезонларига тўғри келмайдиган беҳаёлик, бир жинсли никоҳ, бугун Европадаги айрим миллатлар учун одатий ҳолат бўлиши мумкин, лекин ўзбек халқи учун бундай қарашлар ёт унсурлардир. Аммо ХХI аср бўсағасида ёшлар орасида шундай ахлоқий касаллик аломатлари пайдо бўлдики, булар энди ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий зарарли иллатларга айланиб қолди. Ана шундай ахлоқсизлик намуналари гиёҳвандлик, диний экстремизм ва ақидапарастлик кўринишларида намоён бўлиб, бундай хусусиятлар инсонни соғлом ижтимоий мавжудотликдан инсоният душмани – экстремизм, қўпуровчилик ҳаракатларига олиб келди. Бутун инсоният курашаётган ИШИД мана шундай ғояларни ўзининг мақсадига айлантириб олган. Бугун биз юртимизда яшаётган ҳар бир миллат вакилини ана шундай оқимларга кириб кетишининг олдини олишимиз, ёшларимизни мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-тарихий воқеаларга лоқайд ва бепарво бўлмасликлари учун миллий тарбия тизимимизни ажодларимиз ўғити, мустақиллигимиз ютуқлари, умумбашарий инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялаб бориш маънавий-ахлоқий тарбиямизнинг марказида

турмоғи лозим.

Ёшларнинг она-Ватан ва унинг бугунги ва истиқболдаги ҳаётидан завқланиши мамлакат қувончу ташвишларини ўзининг шахсий маънавий ҳаёти тарзида идрок этиши уларнинг миллатлараро муносабатлар даражасини белгиловчи мезон бўлиб қолади. Биз жамиятда Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир миллат фарзандини юксак ақл-идрокли, дид-фаросатли, ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашимиз, уларни хушомадгўйликка, порахўрликка, лаганбардорликка йўл қўймайдиган, ватанпарвар, инсонпарвар, одобли, хушмуомала, маънавий етук, эстетик маданиятли этиб тарбиялашимиз жамиятимизнинг ижтимоий-тарихий эҳтиёжи ҳисобланади.

Ёшларни жамиятимизга мос келаётган миллий менталитетимиз асосида ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб, уларда эстетик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда маънавий куч бўладиган мафкуравий иммунитетни кучайтириш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Ёшларнинг қайси миллат вакили бўлиши ва қайси соҳада фаолият кўрсатишларидан қатъий назар ахлоқий томондан гўзал бўлиб тарбияланиб боришлари – бу демократик ва фуқаролик жамияти маънавий ҳаёти эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқадиган объектив ҳақиқатдир. Шунинг учун Президентимиз Ш.Мирзиёев ёшларни одобийлик, ахлоқийлик, гўзаллик, маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ишларига жиддий эътибор бераётганлиги бежиз эмас, албатта.

Биз инновацион ғояларга бой фуқаролик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган ёшларнинг турмуш тарзлари, ҳаёт кечиришлари, хушмуомала бўлишлари, меҳнатга, касб-хунарга нисбатан фидоийлик кўрсатишлари замон талаб этадиган эстетик маданиятнинг ахлоқий тарбия мейёрларига мос келишидан далолатдир. Ўзбекистонда турли миллатларнинг олиб борилаётган санъат соҳасидаги барча ислохотлари инсон манфаатига, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш ва уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ва ижтимоий фаол қилиб вояга етказишга қаратилган.

Санъатнинг бундай ижтимоий вазифаси тўлиқ жамиятда амалга ошиши учун ёшлар эркин ижодиёт қонуниятларига асосланиши керак. Биринчи навбатда жамиятда миллатлараро муносабатлар барча учун тенглигига эътибор қаратиш муҳимдир. Иккинчидан, ёшларнинг ўзлари танлаган санъат турларига жойларда кенг шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бериш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, ёшларнинг санъатга қизиқишлари турли мафкуравий ҳолатлардан холи бўлиши лозим.

Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида жамиятда санъат соҳасидаги ижодий эркинлик билан фуқаровий озодлик ўртасидаги фарқ ажратилмай қолинди. Натijaда ижодий эркинликдан талаб қилинадиган миллий ва ижтимоий масъулият, халқ бадиий-эстетик тушунчалари ва идеаллари асосида ижод қилиш, Ватан ва миллат олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаётий ҳақиқатни ифодаловчи бадиий образлар яратиш талаблари бироз сусайди. Бундай ижтимоий-маънавий муҳитда ёшларнинг санъат ва бадиий ижодиётнинг асосий вазифасига ва мамлакат ҳаётидаги аҳамиятига бефарқлик аломатлари ҳам сезилди. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай деган эди: «Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди» [3: 28] деб огоҳлантирган эди. Албатта, санъ-

атнинг бундай намуналари бизнинг миллий менталитети-миз, маънавий меросимиз ва ахлоқий қадриятларимизга тўғри келмаслиги табиий бир ҳол бўлган эди.

Ваҳоланки, бугунги кунда миллатидан қатъий назар санъат аҳли олдида миллат ва мамлакат тақдирини ҳал қилувчи, янги замон тарихини яратувчи халқ бадиий-эстетик тафаккурини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бадиий ижодиёт намуналарини яратиш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон азалдан миллатлараро муносабатларда доимо фаоллик билан жамиятда ёшларни бирлаштириб келган. Шу асосда миллатлараро ҳамжиҳатлик мамлакат ва халқимиз истиқболи учун қанчалик зарур ижтимоий ҳодиса эканлигини санъат асарлари ва бадиий образлар орқали халққа етказиб ва ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш жуда катта ижтимоий-фалсафий вазифа бўлди.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ислохотлар биринчи навбатда турли миллат вакиллариининг ижодий фаолиятда тенг ҳуқуқлилиги таъминланди, уларга эркин ижод қилиш учун, ижодий тараққиёт учун янги-янги имкониятларни вужудга келтиришдан бошланди. Шунга биноан ижодкорлар олдида миллий ва замонавий санъат асарларини яратиш масаласи вазифа қилиб кун тартибига қўйилди. Миллатлараро ҳамжиҳатликни ўзида ифодалаган шарқона ахлоқ, урф-одатларимиз, анъана ва тарбия тизимимиз, маънавий-эстетик қадриятларимиз тикланишига имконият яратилган экан, ёшларимиз санъатда ҳам, ижодий ҳам ўзларини намоён этишлари лозим. Чунки миллий қахрамонларимиз акс этган санъат асарларининг пайдо бўлиши, намоёни этилиши ёшларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилади.

Санъатимизни, қолаверса, халқимизни бундай бой дур-

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017.

2. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик

доналарини умумжаҳон миқёсидаги юксак парвози миллатлараро тотувликни таъминлашга, жамиятда ёшларнинг эзгу мақсадлар сари интилишига олиб келади.

Санъат асарларининг ёш авлодни маънавий-эстетик руҳда тарбиялашдаги ролини Биринчи Президентимиз И.А. Каримов қуйидагича таъкидлаган эди: «Биз ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак» [4: 535].

Шундай экан, эркин жамиятнинг эркин ижодкор ёшлари яратган асарлар халқнинг маънавий тикланишига, эстетик тарбиясига хизмат қилиши лозим. Агар ўтган давр мобайнида санъатни ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар, яратилган шарт-шароитлар ва маданият дурдоналарини тасаввур этадиган бўлсак, бу соҳада асрлар давомида амалга оширилмаган ишлар мустақиллик йилларида бажарилганлигига гувоҳ бўламиз. Бундай янгиланиш ва ўзгаришларда давлат раҳбарларимизнинг оқилона сиёсати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг баҳамжиҳат яшашларига ҳамиша зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бераётганлиги ва ўзбек миллати билан бир ўринда кўраётганлигидир.

маданият. –Т.: Chashma print, 2008.

3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., Ўзбекистон, 1998.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., Ўзбекистон, 1998.

ЁШЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛ-ЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Дилёр ХУДОЙҚУЛОВ
СамДУ тадқиқотчиси

Мақолада ёшлар мутолаа маданиятини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни, жамиятда эстетик дунёқарашни ривожлантиришнинг мезонлари тадқиқ этилган. Унда ёшлар тафаккурида мутолаа маданиятини кучайтиришга хизмат қилувчи таълим муассасаларидаги маънавий-марифий, тарбиявий тадбирларнинг роли эстетик жиҳатдан ёритилган.

Таянч сўзлар: мутолаа маданияти, маънавият, урф-одатлар, ахлоқ, таълим-тарбия, эстетик дунёқараш, мафкура, фалсафий тафаккур, китоб, миллий қадриятлар.

Юртимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотларнинг негизида мустақилликни мустаҳкамлаш, ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг онгида кечаётган ўзгаришларда миллий урф-одатлар ва қадриятларга ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда маънавий тарбия, мутолаа ва эстетик маданиятга эътибор янада кучайиб, халқимиз ёшларимиз онгида ижобий ўзгаришларни намоён эта бошлади. Бу, ўз навбатида, юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига туртки бўлмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, турли даврларда ҳам маънавият, мутолаа маданияти одамлар, айниқса, ёшлар қалби ва онгида ижобий таъсир кўрсатиб келган. Шу боисдан

The article explores the role of education in the formation of youth culture, the criteria for developing aesthetic outlook in society. It highlights the aesthetic role of educational and educational activities in educational institutions that promote the culture of reading in youth thinking.

В статье исследуется роль образования в формировании молодежной культуры, критерии развития эстетического мировоззрения в обществе. В нем подчеркивается эстетическая роль образовательной и образовательной деятельности в образовательных учреждениях, которая способствует культуре чтения в мышлении молодежи.

ижтимоий тараққиёт ҳар бир даврда китобхонликни, яъни жамиятда мутолаа маданияти юксалиш натижасида қўлга киритилган.

Эртанги кунимиз пойдевори ҳисобланган ёш авлодни вояга етказишда китобнинг – тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, мутолаа ёшларга билим ва ахборот бериш билан бир вақтнинг ўзида моддий ва маънавий дунёсини ҳам бойитади. Ёшлар мутолаа қилиши мобайнида уларнинг саводхонлиги ошиши билан бир вақтнинг ўзида ўзаро муносабатларда шахсий индивидуаллиги ошиб ўз фикрларини тўғри ифода қила олишига замин яратади.

Мутолаа мустақиллик маънавий эҳтиёжи туфайли ўзига хос миллийликда намоён бўлмоқда. Инсон маънавий эҳтиёжини қондирувчи мезонлар ва омиллар

жуда кўп. Лекин уларнинг ичида ўзимиз яшаб турган оламни билиш эҳтиёжи, яратувчанлик эҳтиёжи, мулоқот эҳтиёжи, ўз-ўзини ўзгарётган дунёга мослаган ҳолда шахс сифатида воқе қилиш эҳтиёжи алоҳида ўрин эгаллайди [1: 114]. Бугунги кунда жамиятда ҳар бир китобхоннинг маънавий ҳамда ахлоқий озуқа, маданият ва тил равнақи учун асосий манба, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган интеллектуал бой меросимиз ҳамда унинг мавқеи ҳамда аҳамиятини сақлаш ва ҳатто тиклашга эҳтиёж сезилапти. Биринчи галда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий китоблар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ижодкорларимиз бугунги кунда таълим муассасаларини бадиий китоблар билан таъминлаш, миллий ҳамда жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини саралаш, таржима қилиш ишларини пухта ўйланган тизим асосида ташкил этишга интилоқдалар.

Бугунги кунда мутолаа маданияти юртимизда давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб, уни амалга оширишда ҳеч қандай сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия тизимида ёшларнинг маънавий, ахлоқий, эстетик ва ҳуқуқий тарбияси ривожланишида китобнинг роли ошиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга қатъият билан берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўпгина болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказиб ўтгани – бу ҳам бор гап. Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур” [2: 529]. Бу борада таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ишларда янги ёндошувларни амалга ошириш зарур, яъни эстетика, маънавият, маданият ва санъатшунослик фанларини ўқитилишига жиддий эътибор қаратиш зарур.

Китобхонлик масаласи нафақат миллий ёки минтақавий балки жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан биридир. Ёшлар мутолаа ва эстетик тарбияси замонавий дунёнинг бош маданий долзарб вазифаси ҳисобланади. Таълим муассасалари ўқувчи-ёшларда ижодий фикрлаш, янги билимларга интилиш асосида замонавий техник воситаларни яратиш ёки такомиллаштириш кўникмаларини шакллантириш билан бирга, уларда мутолаа ва эстетик дунёқарашни шакллантириш жараёнига бевосита боғлиқдир. Эстетик тафаккур асосида мутолаа қилиш орқали инсон бутун оламни гўзаллик қонуниятлари асосида тушунади, ундаги гўзалликни бадиий образларда ҳис қилади.

Китоб мутолааси орқали ёшлар миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб, шахсий ва ижтимоий тажрибаларини диалектик алоқадорлик негизида амалга оширади. Унда ёшларнинг эстетик дунёқарашини, қадриятларга танлаб муносабатда бўлиш малакалари, нафосат ва мукамаллик тўғрисидаги тасаввурлари, санъат қадриятларини идрок этиш шакллари, тўғрисидаги билимлари муҳим омил ҳисобланади.

Мутолаа натижасида жамият эстетик маданиятининг

қуйидаги жиҳатлари ўзлаштирилади:

- мутолаа асосида табиат, турмуш, ижтимоий муносабатларни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, санъат ривожининг даражаси;

- жамиятдаги ижтимоий табақа, гуруҳларнинг эстетик қарашлари, дид ва манфаатлари ҳолати;

- мутолаа қилиш асосида жаҳон адабиёти ва тарихи ҳамда кишиларнинг ижтимоий-эстетик фаоллик даражаси ўрганилади.

Ҳеч ким инсон боласи онадан ахлоқли, нафосатли ва маънавиятли бўлиб ёки китоб ўқийдиган комил шахс бўлиб туғилмайди. Ушбу фазилатлар мутолаа маданияти жараёнлари орқали ёшлардан инсон боласида шаклланади. Инсоннинг энг юқори даражадаги маънавий қадриятлари, инсоний сифатлари, унинг бутун дунёни, ҳайвонот ва наботот оламини асрашга бўлган мотивациясини қувватлантириб турадиган сеҳрли туйғу бу – юксак ахлоқдир. Китоб орқали ёшлар қалбида бундай эзгу ғояни, нафис туйғуни шакллантириш орқали ақл бовар қилмайдиган даражадаги ютуқларга эришиш мумкин.

Ёшларимиз юксак маънавиятли бўлишлари учун бадиий асарларни чуқур ўзлаштириши, чиройли гапириши, бировларга гўзал лутфлар қилиш билангина чекланмаслигини англашимиз керак. Юксак маънавият – бизнинг кундалик турмуш тарзимиз, унда ўзимизни қандай тутиш даражамиз. Теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бериш лаёқатимиз, асосиз, таг-тубида ҳеч қандай мазмун-мантиқ бўлмаган мулоҳазаларга кўр-кўрона эргашиб кетиш эмас, аксинча, унга баҳо бериш имкониятидан фойдаланиш – шулар бизнинг оддий, фуқаролик маънавиятимиздир.

Ёшларда эстетик маданият йиллар давомида китоб мутолааси орқали шаклланиб боради. Чунки “ёшларда эстетик маданият бир лаҳзалик кўтаринкилик кайфияти асосида эмас, балки йиллар, ойлар давомида табиатнинг гўзал манзараларидан, ижтимоий ҳаёт воқеаларидан завқланиши асосида ва шу жараёнда воқеликлар тўғрисидаги мушоҳадалар, ақлий хулосалар сифатида қарор топади” [3: 80]. Мутолаа ва эстетик маданиятни шакллантиришда жамиятнинг турли қатламлари ва таълим-тарбия тизими бирдек масъул бўлиши лозим.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий воқеаларни теран англаб етиш жараёнида таълим-тарбиянинг негизи бўлган ахлоқий, эстетик тарбия ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий онг муҳим аҳамият касб этади. Улар ичида мутолаа ва эстетик онг муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоннинг дунёга эстетик муносабати, воқеа, ҳодиса, жараёнларни гўзаллик қонунлари асосида идрок этиши инсон маънавий оламининг муҳим жиҳатларидан биридир.

У қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади: маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни уюштириш; мутолаа маданияти; ғоявий тарбия; мафкуравий тарбия; умуминсоний ва миллий-ахлоқий тарбия; инсонпарварлик тарбияси; ватанпарварлик тарбияси; ҳуқуқий интизом тарбияси; экологик, эстетик, меҳнат, иқтисодий, ижтимоий, жисмоний тарбия турлари ҳамда диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш руҳида тарбиялашга оид тарбиявий жараёнлар.

Жамиятда ёшлар қайси соҳа бўйича фаолият олиб боришидан қатъий назар, мутолаа билан юзма-юз келиб, кўпинча уларнинг иш фаолияти коэффицентини ҳам бу соҳага боғлиқ бўлиб қолади. Ёшлар ижтимоий ҳаётда

китоб мутолаасига меҳр қўйгандагина уларда кўзланган мақсадга эришиш ва келажакдаги ҳаётга ижобий нуқтаи назар билан муносабатда бўлиш салоҳияти тезроқ шаклланади. Ёрқин истиқболни яратиш ана шундай ёшларнинг эстетик тафаккурига, ақл-заковатига, юксак билим даражасига, ижодкорлигига ва ишбилармонлигига, маънавий-маданий салоҳиятига, меҳнат фаолиятининг самарадорлигига боғлиқдир.

Ёшларда мутолаа маданияти ва эстетик дунёқарашини шакллантиришнинг асосий омиллардан бири бу таълим муассасаларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар ва ташкил этиладиган турли экскурсиялардир. Мазкур тадбирлар нафақат шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари, гўзал жойлари, шаҳарсозлик маданияти билан танишиш, балки ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради.

Тадбир ва экскурсиялар жараёнида табиат гўзаллиги, жамият гўзаллиги, инсон гўзаллиги, мутолаа маданияти, инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги ҳақида маълумот берилиб, таълим олувчиларнинг мутолаа, эстетик ва тарихий дунёқарашини ривожлантирилади. Мазкур ҳаракатлар ёшларни мафкуравий хуружлар ва ғоявий таҳдидлардан асрашга ёрдам беради.

Ҳар қандай фаолиятда бўлгани сингари мутолаа соҳада ҳам муайян эстетик эҳтиёж асосий роль ўйнайди. Инсон фаолиятининг табиати ана шу эҳтиёжга боғлиқ бўлади. Эстетик эҳтиёжнинг умумий белгиси шундаки, у инсон фаолиятининг барча соҳаларини, ижтимоий ҳаётнинг бутун жабҳаларини қамраб олади, улар орқали ўзини намоён қилади. Тор маънода барча кадрятларни эстетик идрок этиш, баҳолаш заруриятини руҳан сезиш, китоб мутолааси соҳасида мукамалликка интилиш эстетик эҳтиёжни қондиришга қаратилади.

Цивилизацияли ёндашиш китоб орқали ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хослигини, ноёб ва бетакрорлигини сақлаган ҳолда ижтимоий ривожланишнинг тадрижий йўлдан боришини эътироф этади ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянади. Лекин мазкур босқичлардан аввал ҳар бир инсон ўзини ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш босқичини бошдан кечириши, яъни ўз онги ва қалбида шахсий инқилоб қилиши зарур. Фақат юксак даражадаги ахлоқий тайёргарликкина пировард мақсадга кўнгилдагидек етказиши мумкин. Зеро, китоб орқали биз фақатгина кўрганларимизнинг шаклий гўзаллигини эмас, балки, айна пайтда шакл билан бирга, унинг фалсафий моҳиятини ҳам идрок этамиз. Китоб мутолааси шахснинг ҳар томонлама уйғун, баркамол инсон сифатида тарбияланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, таълим олувчиларининг эстетик онг ва мутолаа маданиятини шаклланишида муҳим ўрин тутати. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ёшларимизни китобга ошно қилиш, уларни ўқишга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар онгига китоб мутолааси ўз мақсадига эришиш ҳамда жамиятга ижтимоий мослашишда таъсирчан ва нуфузли восита эканлигини сингдириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ёшлик даври учун китоб нашр қилиниши,

шу жумладан, махсус электрон китоблар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш, болалар ва мактаб кутубхоналари фондларини модернизациялаш ҳамда янада яхшилаш, болалар ва ўсмирларнинг кутубхоналар, мактабдан ташқари ҳамда ёзги мутолааларини рағбатлантириш, оилавий китобхонлик анъаналарини тиклаш ва оммалаштириш, болалар ҳамда ўсмирлар адабиётининг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш, ўз она тилида китоб ўқишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилмоқда.

Агар Ғарб маданияти одамга керагидан ортиқ эрк бериб, жамият, оила олдидаги бурчини унинг соясида қолдирса, Шарқ, жумладан, ўзбек маданияти инсонларнинг жамият, оила, фарзандлар олдидаги катта бурчини англатиш доирасида эрк беради. Мана шу маданият сарчашмаларидан баҳраманд бўлган инсонларда ҳалоллик, камтаринлик, ростгўйлик, саховатпешалик, инсонпарварлик, самимият, меҳнатсеварлик кўпроқ, ёрқинроқ гавдаланади [4: 100]. Бундай одамлар ўз она тили бойликларини мукамал эгаллаган, айна чоғда яна 3-4 хорижий тилларни ҳам билган, ўзга миллат, элатлар маданияти, урф-одатини ҳурмат қила оладиган улғу шахслар сифатида намоён бўладилар.

Кутубхоналар янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, китоб фондини янада яхшилаш ҳисобига модернизация қилинади. Узоқ аҳоли пунктларида яшайдиган ҳамда кутубхоналарга бориш имконияти чекланган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида кўчма кутубхона хизматини ривожлантириш, кутубхоналараро абонемент ва хужжатларни электрон етказиб беришни, кутубхона ресурсларидан масофавий фойдаланишни йўлга қўйиш, ушбу зиё масканларида индивидуал, гуруҳ ҳамда оммавий китобхонликни тизимли равишда ташкил қилишни ривожлантириш, мутолаа маданиятини тарбиялаш, юксак бадиий асарларга ошно тутинтириш, мамлакатимиздаги кутубхоналар имижини яхшилаш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилди.

Соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳамда мутолаа инфратузилмасини ривожлантириш, китоб маданияти тарихи ва замонавий тенденциялари ҳақида фундаментал, амалий тадқиқотлар олиб бориш, аҳоли турли қатлами, айниқса, китоб мутолаасидан бирмунча йироқ бўлганлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш стратегияси ҳамда тактикасини ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим муассасалари давр талабидан келиб чиқиб ўқувчи ёшларни жамиятимиз талабига мос келадиган ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват, эстетик дидли, дунёқарашини кенг, мустақил фикрга эга, ватанимиз ривожланиши ва унинг келажакда жаҳондаги иқтисодий ривожланган илғор давлатлар қаторига қўшилишига ҳисса қўша оладиган, амалга оширилаётган ислохларнинг мазмун моҳиятини англаб етган фуқаро сифатида тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маврулов А., Дехқонов И. Маданият тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 2007.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. –Т.: Чашма принт, 2008.
4. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. –Т.: Фаъ, 2007.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ (Сингапур мисолида)

Насиба ЖУМАНИЁЗОВА
ТТЙМИ таянч докторанти

Ушбу мақолада таълим тизимининг модернизация қилиниши, жамият модернизациясида таълимнинг туган ўрни таҳлил қилган. Бунда жаҳон, хусусан, Сингапур тажрибасига алоҳида эътибор қаратилади. Юртимиз ва Сингапурда йўлга қўйилган таълим моделининг ўзаро уйғун жиҳатлари очиб берилди.

Таянч сўзлар: модернизация, “Ўзбек модели”, “Сингапур модели”, ТМК, эркин иқтисодиёт, замонавий таълим ёшлар, тарбия, маънавий юксалиш.

Бугунги кунда таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили, жамиятнинг ижтимоий тузилмасини шакллантириш, унда ижтимоий мақомларни тақсимлаш механизми ҳисобланади. Буни айтиш пайтда хорижий давлатларда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали юксак билим ва кўникмаларга эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан ҳам англаш мумкин. Масалан, маорифга улкан сармоя киритиб, юксак натижаларга эришган давлатлардан бири – Сингапурдир. Сингапур Буюк Британия мустамлакаси бўлган даврда унинг саноати асосан минерал ёқилги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган эди. Шунга қарамай, ўша даврдаёқ таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Дунёдаги ўз моделлари бўйича ривожланаётган давлатларнинг барчаси таълим соҳасига алоҳида аҳамият қаратгани кўпчиликлари маълум. Сингапурда ҳам таълим иқтисодий тараққиётнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралган. Таълим соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар америкача таълим модели билан ўзаро алоқага киришиш йўли орқали ҳал этилди. Гарчи мазкур тизим пуллик бўлса ҳам сингапурликлар нафақат 10 йиллик мактаб таълими, балки малака оширишга қаратилган ишлаб чиқаришга тайёрловчи турли курсларга ҳам алоҳида аҳамият бера бошладилар. Сингапурнинг политехника мактаблари ва коллежларида техника соҳасига оид билимлардан ташқари графика ва дизайн асослари ҳамда архитектурага оид фанлар ҳам ўқитиб борилган. Таълим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, асосий эътибор амалиётга қаратилган. Ўқувчи ёшлар ва ҳунар ўрганувчи мутахассислар ўзларининг асосий вақтини амалий ёки ишлаб чиқариш жойларида ўтказар эдилар. Бундан ташқари малакали педагоглар назорати остида олиб бориладиган қўшимча лаборатория ва семинар машғулоти фуқароларга сифатли билим олиш, шунингдек муассасани тугатгандан сўнг назарий билимларини амалиётда эркин қўлайлиги билиш имконини беради. Шунингдек, ОТМларда маърузалар қилиш учун турли соҳаларнинг етук мутахассислари жумладан, муҳандислар, менежерлар, адвокатлар ва бошқаларни таклиф қилиш бўйича ҳукумат томонидан қарор қабул қилинган. Бундай мутахассислар ўқув жараёнини назарийётдан кўра кўпроқ амалиётчи маълум бўлган билимлар билан бойитиб, уни янги сифат босқичига кўтириш учун хизмат қилар эдилар[1]. Натижада ишлаб чиқаришга борган кечаги битирувчи иқтисодиётнинг “сифатлилик, ишонарлилик ва аниқлилик” тамойилларини меҳнат жараёнининг ўзидаёқ осонлик билан ўзлаштирар эди.

Сўнгги йилларда мамлакат ва хориж олий ўқув юртиларида илм-фаннинг энг замонавий йўналишлари ва илғор

In this article the process of modernization in education and the role of education in the process of modernization of society is analyzed. Particular attention is paid to the international experience, in particular, Singapore. The article also reveals the relationship of the Uzbek and Singapore models of education.

В данной статье анализируется процесс модернизации в системе образования и роль образования в процессе модернизации общества. Особое внимание здесь уделяется мировому опыту, в частности, сингапурскому. Также в статье раскрывается взаимосвязь узбекской и сингапурской моделей образования софское значение этого понятия.

технологиялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Сингапур илмий-техник ривожланиш соҳасида жаҳонда етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Айтиш пайтда бу мамлакат ер шарида 10 минг киши ҳисобига олимлар кўпчилигини ташкил этадиган (47) беш мамлакат қаторидан жой олган. Сингапур ялпи ички маҳсулотга нисбатан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига маблағ сарфлаш даражаси бўйича ўзининг собиқ мустамлакачиси Буюк Британиядан ҳам олдинда туради[2].

Сингапурда умумий таълим тизими ҳақида тўхталганда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Сингапур умумий таълим тизими уч босқичдан иборат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 4 та таълим ҳудудига бўлинган бўлиб, ҳар бир ҳудуд 7 та мактаб кластеридан иборат. Ҳар бир кластер ўртача 12-14 бошланғич ва ўрта мактабни ўз ичига олади.

PIRLS тадқиқотида (Ифодали ўқиш ютуқларини ўрганувчи халқаро тадқиқот ташкилоти) Сингапур аҳолисининг саводхонлиги дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сингапур мактабларининг ўқувчилари 1995 йилдан буён математика ва табиий фанлар TIMSS (математика ва табиий фанлар бўйича тенденциялар) бўйича халқаро билимлар имтиҳонларида дунёдаги энг яхши натижаларни кўрсатмоқда[3].

Шу ўринда, Сингапур таълим тизимининг тараққий этишида, давлат томонидан мустақилликка эришган пайтдан бошлаб олиб борилган ислохотларни ўрни беқиёслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, 1961 йилдан 1991 йилгача Сингапур ҳукумати мактаб тизимининг мустақиллиги ва мослашувчанлигини оширишга, шунингдек таълим сиёсатини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини оширишга йўналтириш, ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган қатор ислохотларни амалга оширди. Ислохотларнинг яна бир мақсади, таълим жараёнининг моҳияти нафақат болалар миясини турли хил фан билимлари билан тўлдириш бўлмай, балки ёшларни ҳаётий кўникмалар – масъулият, ўзаро ёрдам ҳисси, ишга муҳаббат, қизиқувчанлик, жасорат ва мослашувчанликни шакллантириш эди.

Сингапурда ўқувчиларни мактабга қабул қилиш 6 ёшдан бошланади. Бошланғич мактабда талабалар математика, инглиз тили, этика, мусиқа ва жисмоний тарбия каби фанлардан асосий билимларни олади. 6-синф охирида улар ўрта мактабда ўқишни давом эттиришга рухсат берувчи PSLE якуний имтиҳонини топширадилар. Маълумот ўрнида айтиш керакки, PSLE имтиҳонлари миллий имтиҳондир. Имтиҳон инглиз, она тили, математика ва табиий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини текширишга қаратилган.

Ўрта умумий таълим 4 йил давом этади. Ушбу босқичда талабалар техник соҳани, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек давлат ва хорижий тилларини ўрганишга ихтисослашган йўналишлардан бирини танлашлари мумкин. Бу босқичдан сўнг умумтаълим мактаблари битирувчилари техникумларга (3 йиллик) ёки техник институтларга (ўқиш муддати – 2 йил) ўқишга қабул қилинади. Талабалар ушбу ўқув даргоҳларида қуйидаги соҳаларда мутахассисликларни олишлари мумкин:

- муҳандислик;
- алоқа;
- рақамли технологиялар;
- биотехнология;
- бухгалтерия ҳисоби [4].

Ўқишни тугатган битирувчиларга ишга жойлашиш имконини берадиган диплом берилади. Шунингдек бу босқичдан сўнг битирувчилар Олий таълим муассасарида ҳам ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Сингапур таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) муҳим роль ўйнайди. Бу талабалар ўртасида инновацион ғояларни ривожлантиришга ва улар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам беради. Сингапур мактабларини компьютер билан жиҳозлаш даражаси ўртача 5 та талабага битта компьютердан иборат. Шу билан бирга мактабларнинг 95 фоиз интернет тармоғига уланган. Бу ўқитувчилар ва талабалар орасида тажрибалар алмашиш имкониятини беради.

Сингапурда бошланғич мактаб мажбурий ва пулик ҳисобланиб, таълим харажати ойига 9,4 АҚШ доллар ва йилига бир марта тўланадиган 79,4 АҚШ долларни ташкил қилади. Ўрта таълим учун ота-оналар ҳар ойда 14,4 доллар ва ҳар йил учун бир марта 115,5 доллар тўлайди. Университетгача бўлган давр таълими учун харажат ойига 19,5 долларни ва йилига бир марта тўланадиган 158,8 долларни ташкил этади. Шу ўринда умумтаълим мактабларини молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Сингапурда давлат томонидан ажратиладиган барча маблағлар, шунингдек ўқув тўловлари мактаб фондига тушади. Кластер раҳбарлари мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали келиб тушган маблағларни ва барча харажатларни нашр этадилар[5].

Мактабларда ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. "Ота-она ва мактаб ҳамкорлиги" деб номланган махсус дастур доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- а) ўқувчилар учун қулай шароит яратишда ота-оналарга ёрдам;
- б) мактаб ва ота-оналар ўртасида самарали маълумот алмашиш;
- в) турли хил тадбирларни ҳамкорликда ташкил этиш, масалан, мактаб нашрлари, ота-оналар иштирокидаги конференциялар ("мактаб-ўқувчи-ота-она" занжири);
- г) мунтазам равишда ота-оналарга ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштирганлиги тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни тақдим этиш. Бу эса ўз навбатида ўқувчини назорат қилиш имконини беради ва унинг ўқишини яхшилаш учун таъсир ўтказди ("қайта алоқа" тизими);
- д) мактаб қарорларини қабул қилиш жараёнида ота-оналарни жалб қилиш.

Сингапур таълим тизимининг асосий афзаллиги – ўқитувчилар таркибини танлашдир. Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида Миллий таълим институти (МТИ) фаолият юритмоқда. Ушбу институтда ўқитувчиларни учта йўналиш бўйича қайта тайёрлаш

курслари мавжуд:

- 1) профессионал ўқитувчилик;
- 2) таълим вазирлигида фаолият юритувчи мутахассис;
- 3) мактаб маъмурияти бошлиғи.

Бундан ташқари, институт дунёдаги энг яхши педагогик амалиётларни таҳлил қилиш бўйича фаол тадқиқот ишларини олиб боради. Таъкидлаш жоизки, ушбу институт мамлакатдаги малакали педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ягона институтдир.

Таълим вазирлиги ўрта мактаб битирувчилари орасидан энг иқтидорларини ўқитувчилик касби учун танлаб олади. Улар ўқитувчи иш ҳақининг 60 фоизига тенг бўлган стипендия олишади ва камида уч йил давомида педагогик билим берилади. Бундан ташқари, Сингапур мактабларида тажрибали ўқитувчилар янги келган ўқитувчиларни "шоғирдлик"ка олиш, мураббийлик тизими ташкил этилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Сингапурда ўқитувчилар давлат хизматчилари ҳисобланади. Таълим вазирлиги бюджетни Мудофаа вазирлигидан кейин иккинчи ўринда (ЯИМнинг 5 фоиз) туради. Ҳар йили таълим соҳасига тахминан 12,9 миллиард доллар сарфланади. Бу давлат умумий бюджетининг (68,6 миллиард доллар) 18,7 фоизини ташкил қилади.

Мамлакатда аҳолининг саводхонлик даражаси 96 фоизни ташкил қилади. Сингапурдаги ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш тизими уларга ўз-ўзини ривожлантириш учун кенг имкониятларни тақдим этади. Жумладан, барча ўқитувчиларнинг 35 фоизи ҳар йили раҳбар лавозимига сайланади. Ўқитувчилар орасидан етакчилик қобилиятига эга бўлганлари ҳар йили янги раҳбарлик лавозими учун қайта тайёрлов курсларида ўқиш учун жўнатилади.

Ўзбекистонда ҳам мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилари учун мажбурий касбий лицензиялаш тартиби жорий этилади. Бу ҳақда Президентнинг "Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими тўғрисида"ги қарори лойиҳасида айtilган.

Хужжатга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасалари раҳбарлари учун даврийлиги 3 йилдан иборат, ўқитувчилар учун даврийлиги 5 йилдан иборат мажбурий касбий лицензиялаш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг фаолиятини касбий лицензиялаш ваколати берилади.

Малака тоифаси бўлмаган ўқитувчи касбий лицензия олганидан сўнг унинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари иккинчи малака тоифасига эга ўқитувчиларга тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб педагогика ва психология фанларини олий таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари йўналишларига мувофиқ келувчи мутахассислар тайёрловчи магистратура босқичи талабалари учун мажбурий фан сифатида камида 144 соат ҳажмда ўқитилишини ҳамда педагогик амалиёт ўташини жорий этади.

Бунда, Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан биргаликда тасдиқлаган магистратура мутахассисликлари рўйхатига мувофиқ олий ўқув юртлари битирувчиларига педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади[6].

Мактаб директорлари лавозимига тасдиқланганидан

сўнг, Сингапурдаги мактаб директорлари Директорлар Академиясида икки йиллик ўқув дастурини яқунлашади. Дастлабки ўқув йилида етакчилик фазилатларини шакллантириш, иккинчи йили, мактабларни бошқаришни ўрганиш учун амалиёт ўташни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бўлажак раҳбарлар хорижий давлатларга 6 ҳафтага юборилади. Хорижга сафар қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўлиқ давлат томонидан қопланади.

2008 йилда Академия (Мактаб директорлари академияси) Сингапур таълим вазирлиги билан биргаликда таълим муассасасининг янги тайинланган раҳбарлар учун "мураббийлик" дастурини ишлаб чиқди. Бу дастурда катта тажрибага эга бўлган раҳбарлар янги тайинланган директорларга мактабларни бошқариш борасидаги маслаҳатлар

беришади ва йўл-йўриқлар кўрсатишади. Шу билан бирга мунтазам хориж тажрибасини ўрганиб боришади ва тадқиқ қилишади. "Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими тўғрисида"ги қарори лойиҳасида Ўзбекистонда Педагогик маҳорат институтлари ва Халқ таълими академияси ташкил этилиши айтилган. Бу эса хориж тажрибасини амалиётга жорий қилиш борасида салмоқли ишлар қилинаётганлигини кўрсатади.

Мамлакат тараққиёти учун кадрлар тайёрлашда ўрта мактаб тизими муҳим ўрин тутишини инобатга оладиган бўлсак, ҳозирги кундаги Ўзбекистондаги таълим тизимини яхшилаш борасида хориж тажрибаларини ўрганиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тизим яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хожиев Т.Н. Янгиланиш ва модернизация жараёнларининг ижтимоий-маънавий моҳияти. Илмий-таҳлилий ахборот. 2016 йил 3-сон.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-ekonomicheskogo-razvitiya-singapura>
3. Азиатский вектор: Сингапур. [Электронный ресурс]. – Режим доступа. – URL: <http://asiavector.ru/countries/singapore/>
4. <https://internationalwealth.info/life-abroad/schools-of-singapore-what-immigrants-should-know/>
5. <https://emigrant.guru/kak/sposoby/study/obuchenie-v-singapore.html>
6. <https://m.kun.uz/news/2019/10/26/oqituvchilar-uchun-majburiy-kasbiy-litsenziyalash-tartibi-joriy-etiladi>

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР- ДАН ФОЙДАЛАНИШДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ РОЛИ

Фарида ЭШНАЗАРОВА
СамДУ мустақил
тадқиқотчиси

Мақолада таълим тизимида инновацион технологияларни ривожлантиришда фалсафий тафаккурнинг роли илмий тадқиқ этилган. Унда мамлакатимиз таълим соҳасида инновацияларни кўпайтириш, ёшларни замонавий инновацион технологиялар асосида тарбиялашнинг мантикий усуллари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: таълим, инновация, фалсафий тафаккур, мантиқ, ғоя, жамият, ижтимоий тараққиёт, маънавият, дунёқараиш.

Мамлакатимизда таълим соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва мустақил фалсафий мушоҳада юритишга ўргатишдан иборатдир. Мана шу жараёнда таълимнинг барча бўғинларига кириб келаётган инновацион технологияларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳар бир инновацияга нисбатан таълим олувчида эркин ижодий тафаккурни шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бугун биздан талаб этилаётган таълим бевосита илм-фанга асосланиши, унда ижтимоий муҳит учун хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг акс этиши муҳим аҳамият касб этади. Биз таълимга инновацион технологияларни олиб кираётган эканмиз, аввало уларнинг инсон ва унинг манфаатлари учун қанчалик долзарблиги, жамият билан қандай интеграциялашганига эътибор беришимиз лозим.

Юртимизда ижтимоий тараққиёт жараёнида таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар жаҳонда ўзини намён этиб келаётган инновацион технологиялар асосида содир бўлмоқда. Бундай жараёнлар бевосита жамиятда фалсафий тафаккурнинг ҳам ривожланиши учун долзарб ҳисобланади. Таълим тизимида фалсафий фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш, ҳар бир ўсиб келаётган авлод онгида инновацион ғояларни тасаввур қилишга қодир мантикий тафаккур шакллантириш долзарб саналади. Чунки жамиятнинг тараққий этиб боришида фалсафа фанининг ўрни муҳим эканлигини барча ҳам англай олмайди. Шу боисдан фалсафий тафаккурга эга инновацион технологиялар фан ўқитувчисининг

The article explores the role of philosophical thinking in the development of innovative technologies in the education system. It explains the logical ways of increasing the innovation in education in the country, educating young people on the basis of modern innovative technologies.

В статье исследуется роль философского мышления в развитии инновационных технологий в системе образования. Объясняются логические пути увеличения инноваций в сфере образования в стране, воспитания молодежи на основе современных инновационных технологий.

маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жамиятда "бугунги кун фалсафа ўқитувчиси ўз талабаларини бир вақтнинг ўзида ҳам серқирра билим, ҳам яхши тарбия асослари, ҳам юксак ижод намуналари билан таништириб бориши, шунинг билан бирга уларнинг яралиши сирларидан бохабар этиши ҳам керак. Шу тарзда фалсафа ўқитувчиси жамиятга бир вақтнинг ўзида ҳам мантикий тафаккур қобилияти ривожланган, ҳам юксак ахлоқли, ҳам соф ва олийжаноб элитар маданият эгаси бўлган, яъни ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган баркамол авлодни етиштириш вазифасини бажаради"[1: 12-13]. Бундай ижодкорлик туйғулари ўқитувчида инновацион ғояларнинг қонуниятлари ва тамойиллари шаклланишига хизмат қилади.

Жамиятда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш асосида ёшларимизда теран фалсафий тафаккур, илмий мушоҳадага чорловчи инновацион ғояларнинг шаклланишига шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бунинг учун узлуксиз таълим тизимидаги ўзаро алоқадорликни шакллантириш, барча соҳалардаги сингари таълим тизимининг ҳам амалий аҳамият касб этиш жараёнига эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган инновацияларнинг кундан-кунга долзарблашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Таълимдаги бундай тубдан янгиланаётган ўзгаришларда фалсафий фанларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини унутмаслигимиз даркор. Табиий ва аниқ фанлар жамиятдаги ишлаб чиқаришга инновацияларни кўпроқ олиб кирадиган бўлса, фалсафий

фанлар жамиятни бошқаришда, инсоннинг онгли равишда маънавий тараққиёт даражасига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам инновацион технологияларнинг таълим тизимидаги ўрнини кўрсатиб беришда ҳам фалсафий мушоҳадага таяниш, ижтимоий муҳит учун яратилаётган янгилликларнинг қай даражада хизмат қилиши масалаларини ҳам чуқурроқ англаш лозим.

Жамиятда таълимнинг марказида инсон ва унинг келажаги туришини англаш эканми, биз ундан самарали фойдаланиш йўларини излаб топишимиз, таълимнинг барча бўғинларида инновацион технологияларни мақсадли жамиятга йўналтиришимиз даркор. Таълим жараёнининг барча иштирокчилари бир мақсад сари бирлашиши, тизимда юксак марралар сари интилиши, таълимнинг узлуксизлигига эришиш учун меҳнат қилишлари лозим. Таълимда юз бераётган инновацион ёндашувлар, миллий қадриятларга муносабатлар ва самарадорликка эришиш йўллари замонавийликни тақозо этмоқда. Бугун биз учун «маънавий савиямиз ва умумий, шу жумладан, сиёсий маданиятимизни оширишда эса ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа фанининг аҳамияти беқиёсдир. Айнан фалсафа фанида табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий ривожланиш қонуниятлари ўрганилади, талаба ёшларда илмий-фалсафий дунёқараш шакллантирилади. Диалектиканинг қонунлари ва категорияларини, билиш назарияси, жамият ва инсоннинг моҳияти, мантиқ, этика, эстетика фанларининг асосий қоидалари ўргатилади ва булар ҳар томонлама етук ҳамда маданиятли, дахлдорлик ва масъулият ҳиссига эга бўлган ёш авлод тарбияланишида муҳим аҳамиятга эгадир» [2: 311].

Таълим тизимини мустақкам моддий-техник база билан таъминлаш, жойларда янги асрнинг замонавий ғояларига тайёр турадиган фидойи, билимдон, маънавиятли ёшларни тарбиялаш ишларининг жадаллик билан олиб борилаётганлиги барчамиз учун қувонарли ҳолдир. Лекин таълимда замонавий инновацион технологиялар муайян олимлар томонидан яратилса-ю, уни тушунадиган, амалиётга жорий қиладиган кадрлар тайёрланмаса, бу ҳам катта муаммага айланади. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларнинг инновацион технологияларини таълим тизимига жорий этишимиз учун, аввало, инновациони тушунадиган кадрларни хорижда тажриба алмашишига эътибор қаратишимиз даркор. Бу борада давлатимиз раҳбари доимий равишда ўзларининг таклиф ва тавсияларини бериб келмоқдалар. Таълимда инновацияларни ишлаб чиқиш борасида сўз юритар эканлар, “ҳозирги юксак технологиялар асрида мустақкам иймон-этиқод билан бирга замонавий илм-фан, касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чуқур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунашимиз” [3: 483], дейдилар.

Республикаимизда таълимга берилаётган эътибор бевосита жамиятда фалсафий таълим тараққиётини ҳам талаб этмоқда. Фалсафий билимларни фарзандларимизга бошланғич таълим тизимидан бошлаб ўргатиб боришимиз, уларнинг эркин ва мустақил фикрлаш ва мантиқий қобилиятларини ўстириб боришимиз керак. Шу асосда фан ва таълим интеграциясининг ҳосил қилишда фалсафий тафаккурнинг ролини кучайтириш долзарб саналади. Айниқса, инновацион технологияларни яратиш жараёни ҳам бевосита инсонда мантиқий тафаккур қилиш, онда нарса ёки ҳодисаларнинг моделини тасаввур қилишни

талаб этади. Таълим тизимида ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришда фалсафий мушоҳада орқали инновацион тафаккурга эришиш муҳим жараён саналади. Бунда инсоннинг онгида мантиқий кетма-кетликлар инновацион технологияларнинг илмий ғоялари ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Воқелиқда мавжуд реалликни иккинчи янги маъсулотга айлантириш, мавжуд техникаларни замонавий моделларини яратиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган технологияларни яратишда олий таълим муассасаларининг роли катта ҳисобланиб, уларни сифат жиҳатдан ривожлантириш, инновацион ғоя муаллифларига зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш ишларидга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда фалсафа илми соҳасида инновацион технологияларни яратишга эътиборни кучайтириш бугунги ислохотларнинг олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки инновацион технологиялари ривожланган давлатгина бугунги рақобатда кучли ва жаҳон майдонида ўз ўрнига эга давлатга айланади. Бугун бизнинг жамиятимизда “содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун, янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир” [4: 14].

Жамиятда ёшларнинг фалсафий тафаккур асосида инновацион технологияларни ўрганиши ва уларга креатив ёндашувини таълим тизимида кучайтиш мақсадга мувофиқ. Чунки, таълим тизимини хорижий давлатларнинг андозаси асосида эмас, балки улардан ўрганган ҳолда миллий қадриятлар ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда жаҳон билан баҳслашадиган тизимни яратишимиз лозим. Шу боисдан Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ҳар бир таълим муассасасида инновацияларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Биз таълимнинг узвийлигидан келиб чиқиб, теран тафаккур эгаларини тарбиялаш масаласига илм-фан, ишлаб чиқариш ва амалиёт уйғунлиги асосида давлат таълим стандартларини яратишимиз, ҳар бир дастурда ўқув ёки талабанинг мустақил ижодий қобилиятини намоён этиш хусусиятларини инобатга олишимиз, ноанъанавий услубларда дарсларни олиб боришни йўлга қўйишни қупайтиришимиз лозим.

Янги асрда фалсафий таълимни ривожлантириш учун аввало аждодлар яратган фалсафий методларни чуқур билиш лозим. Шу боисдан бугунги кун инновацион технологияларини таълимда янги босқичга кўтаришда ўқитувчининг қарашлари замон ва маконда содир бўлаётган модернизация жараёнлари билан боғлиқ бўлиши лозим. Қолаверса, “фалсафа ўқитувчиси махсус фан ўқитувчиларидан фарқли ўлароқ фақат бир фаннинг эмас, балки барча фанларнинг олий билимдони, яъни Форобий, Ибн Сино, Берунийлар каби қомусий олим бўлиши, барча махсус фан соҳаларининг янги ғоялари, кашфиётларини англаб бориши, бу билимларни диалектик умумлаштирган ҳолда фалсафий дунёқарашга тегишли тўлдириш ва тузатишлар киритиб, уни ривожлантириб бориши, айни пайтда кишилар дунёқарашини тўғри йўналишга солиб бориш баробарида бу жараённи амалдаги

мафкура ва таълим-тарбиянинг бош йўналишлари билан мувофиқлаштириб туриш каби бир муҳим вазифалари ҳам борлигини ҳамisha назарда тутиши зарур” [1: 82-83].

Жамиятда таълимнинг тараққий этиб боришининг замирида ўсиб келаётган ёш авлоднинг интилишлари, билим ва кўникмалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таълим тизимида инновациялар қанчалик тушунарли ва аниқ тарзда таълим олувчиларга сингдириб борилса, фаннинг ўзлаштирилиши ва амалиётда самарали бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим инновацияларининг фалсафий фанлар тизимида ҳам қўлланилиши бевосита биринчидан, ёшларнинг турли ёт ғоя ва мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Иккинчидан, таълим олувчиларда замонавий мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиради. Жаҳон инновацион технологияларини ўзлаштириш учун кенг имкониятларни очиб беради. Учинчидан, жамиятда илм-фан ва илмий йўналишлар соҳасида фаолият

олиб борадиган кадрларнинг кўпайишига, натижада узлуксизлиги таъминланган инновацияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Биз фалсафий тафаккур тарзимизни давлат ва жамият бошқарувида қанчалик кучайтириб борсак, фаровон ва обод шаҳарларнинг кўпайишига, инновацион бошқарув усулларининг ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши учун шароитлар яратган бўламиз. Бугун биз жамиятда таълимда фалсафий ғояларнинг родини оширишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишимиз ва бу жараёни ташкил этишда ёшларнинг билим ва кўникмаларини амалиёт билан узвийлигини таъминлашимиз лозим.

Умуман олганда, ёшларда фалсафий тафаккурнинг қанчалик миллийлик ва дунёвийлик билан, динийлик ва илмийлик билан уйғунлигини шакллантирадиган бўлсақ, келажак авлодларни вояга етказишда тўғри ва аниқ мақсадларни амалга оширишимиз мумкин бўлади. Бу эса, инновацион технологияларнинг ёшлар фалсафий тафаккури ривожига хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хожиев Т.Н. Янгилашни ва модернизация жараёнларининг ижтимоий-маънавий моҳияти. Илмий-таҳлилий ахборот. 2016 йил 3-сон.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-ekonomicheskogo-razvitiya-singapura>
3. Азиатский вектор: Сингапур. [Электронный ресурс]. – Режим доступа. – URL: <http://asiavector.ru/countries/singapore/>
4. <https://internationalwealth.info/life-abroad/schools-of-singapore-what-immigrants-should-know/>
5. <https://emigrant.guru/kak/sposoby/study/obuchenie-v-singapore.html>
6. <https://m.kun.uz/news/2019/10/26/oqituvchilar-uchun-majburiy-kasbiy-litsenziyalash-tartibi-joriy-etiladi>

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Шерзод СҮЮНОВ
СамҶТИ ўқитувчиси

Мақолада тарихимизни холисона ёритиши, азалий қадриятларимизни тиклаш, миллий ўзликимизни англаш каби асрий орзуларимизни амалга ошириш, дину диёнатимиз, халқимизга хос дунёқараш, ҳис-туйғулар эволюциясини, яъни тадрижий тараққиётини кўрсатадиган, аждодлар меросини авлодларга етказадиган кўзгу сифатида баҳо берилган.

Таянч сўзлар: ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, миллат, маънавият, тарих, миллий онг, ислום дини, тасаввуф, ихлос.

The article evaluates our history as an objective coverage of our centuries-old dreams, the restoration of our ancient values, the realization of our national identity, the reflection of our religion, the worldview of our people, the evolution of emotions, the transmission of heritage to future generations.

В статье оценивается наша история как объективное освещение наших многовековых мечтаний, восстановление наших древних ценностей, реализация нашей национальной идентичности, отражение нашей религии, мировоззрение нашего народа, эволюция эмоций, передача наследия будущим поколениям.

Мустақиллик бизга бир қатор имкониятлар учун йўл очиб, тарихимизни холисона ёритиш, азалий қадриятларимизни тиклаш, миллий ўзликимизни англаш каби асрий орзуларимизни амалга оширди. Инсониятнинг тарихий тараққиётда ўз-ўзини англаш энг аввало, инсоний мавжудликнинг моҳиятини маънавий воқелик, шаън, кадр-қиммат, обрў-эътибор, ор-номус орқали намоён бўлишини кўрсатади. Ҳаётнинг маъно-мазмун, мақсадини тушиниб етиш, ўзликни англашдан бошланади. Миллий ўзликни англаш деганда авваломбор “ўзликни англаш” тушунчаси мазмунини билиб олиш зарур. Илмий адабиётларда “ўзликни англаш” тушунчасининг ҳам бир қанча талқини учрайди. Масалан “ўзликни англаш – инсонинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи тушунча. Ўзликни англаш жамият олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият тўғриси ҳамдир. Ўзликни англаш мудом тарихий ривожланиб борадиган шакл ва кўринишларда, турли даражаларда намоён бўлади. Унинг биринчи шаклида инсон ҳис этиш орқали ўзини табиатдан, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалардан ажрата билади. Ўзликни англашнинг иккинчи шакли янада юқори даражада

намоён бўлиб, унда инсон ўзини бирор-бир жамоа, у ёки бу маданиятга тегишли эканлиги орқали англайди. Ва ниҳоят, учинчи, энг юқори даража – ўзини “мен” орқали бошқалар нуқтаи назаридан баҳолаши, эркинлигини ҳис этган ҳолда ҳар бир хатти-ҳаракатига бўлган масъулиятни ҳис этиши, ўзи қилаётган ишларининг тўғри-ноғўрилиги, ҳақ ёки ноҳақлигини назорат қила билишидир” [4: 704].

Демак, ҳаётнинг маъно-мазмун, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни англашдан бошланар экан. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз И.А. Каримов “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман”, деган эди [1: 34].

В.Кўчқоров “Ўзликни англаш” тушунчаси билан “Миллий ўзликни англаш” тушунчаларининг маъно-мазмунини тақлил қилиб, қуйидагича таърифлайди: “Ўзликни англаш кишининг борлиқда ўз ўрнини билиши, ижтимоий муносабатларда ўз “мен”и ва ҳаётий мақсадларини бошқа “мен”лар ҳамда уларнинг ҳаётий мақсадлари билан муносабатида намоён бўладиган индивидуал жиҳатларининг идрок этилиши сифатида қаралади. Ўзликни англашнинг муайян даражаси миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш – миллат

ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий мерос, руҳиятга, урф-одаг ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишдир [6: 12].

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади. “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?”. Инсон борки, эртами-кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни – ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзликни англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мен” и билан боғлиқ.

Ислом дини ва тасаввуф таълимотларида ҳам ўзликни анлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. “Кимки ўзликни таниса, роббини танийди”. Бу ҳадисда буюк ҳикмат яширинган. Уни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қўйидагича талқин этиш мумкин: ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улғ бўлмасин, бирор-бир натижа бермайди. Шунинг учун ҳам Ислом аҳли, тасаввуф алломалар инсонни “олам меҳвари” деб билганлар. Айни пайтда ушбу ҳадис тасаввуф таълимотида қўйидагича талқин этилади. “Инсон катта оламнинг кичрайтирилган нухаси. Одам – илоҳий оламнинг ажралмас қисми, илоҳий оламдаги илм ва ҳикмат унда бор. Инсонни Илоҳ олами билан боғлайдиган жавҳар – руҳдир. Агар Илоҳ оламини билмоқчи бўлсангиз, инсонни, яъни ўзингизни ўрганинг, ўзингизни танинг. Демак, Худони англаш, таниш инсонни англаш ва таниш орқали кечади. Аммо ўзликни англаш, ўзини таниш руҳ ва қалбни поклаш, ақлу шуурни тоблаш, тақво ва тавба йўли орқали борилади” [3: 17].

Тасаввуф таълимотида инсоннинг ўзликни англаши ана шундай гўзал ахлоқ ва покликка, юксак маънавият ва комилликка асосланади. Ислом ва тасаввуф таълимотида ихлос ўзликни англашнинг асосий мезони ҳисобланади. Ихлос (арабча – самимийлик, кўнгли очиклик; берилганлик, мухлислик; эътиқод) Чин юракдан, ишонч билан берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр [5: 246].

Ўзликни англаш ҳар бир инсоннинг миллат руҳига садоқатида, ушбу садоқат эса унинг ихлосида намоён бўлади. Биз “ўзликни англаш” ҳақидаги фикрларни кейинги даврларда яшаб ижод этган мутафаккирларимиз қарашларида ҳам кузатишимиз мумкин. Зеро, ўзликни англаш инсоният тараққиётининг энг муҳим мезонидир. Буни буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий қарашларида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, “Инсон бахт-саодатга эришишда олам асослари ҳақидаги илми, табиий жисмларнинг тузилишини, осмон, жонли табиат – ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисидаги барча билимларни ўзлаштириб олиши лозим. Шундан сўнг у инсонни ўрганишга киришиши ва унинг камолотга эришуви сабаблари бўлмиш хайр-эхсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларга диққатни жалб этиш зарур” [4: 592].

Агар мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни

асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзликни англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим деган эди И.А. Каримов [2: 17].

Миллий ўзликни англаш – бу ҳар бир миллат, халқ ўз-ўзини билишга, тушунишга қаратилган муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий жараёндир. Бу жараён бой мазмунга эга бўлиб ўта мураккабдир. Ҳар бир миллат доимо ўзининг миллий ғоясига асосланган ғоя ҳам ўзликни англашга интилиб яшайди. Бироқ бундай интилиш ҳамма вақт ҳам доимо ҳам амалга ошавермайди, чунки у турли жамиятдаги шароитларга ва объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам миллатлар бир-биридан, ўзларининг мустақил белгиси бўлган миллий ўзликни қай даражада англаганлиги билан ҳам анча фарқ қилади.

Миллий ўзликни англашнинг миллат учун энг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, миллат вакиллари ўзликни қанча теран англай борсалар, шунча мустақиллик улар учун улғ неъмат эканлигини ва миллат манфаатлари ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун туришини англай бошлайдилар.

Умуман олганда, миллий ўзликни англаш ҳар бир миллатнинг ҳаётида ниҳоятда катта ўрин эгаллайди, чунки у ўзининг ўтмишини теран англаш асосида бугунини ҳам тўғри ва атрофлича билиб олишга эришади ва шу билан биргаликда ўз келажагини аниқ белгилаб ривожланиш йўлига ўтиб олади.

Ҳозирги кунда миллий ўзликни англаш орқали халқ, миллат вакиллари қанча ўз тарихини теранроқ ва атрофлича билиб олишга эришсалар, шунча улар кўпроқ мозийда бўлиб ўтган тарихни воқеаларининг қатнашчиларига айланиб борадилар ва шу асосда улар сезиларли даражада ўз халқининг ўтмишдаги ютуқларидан суюнадилар ва мағлубиятларидан қуйнадилар. Бундай ҳолатга эришган замондошларимизнинг ҳиссиёти, онги ва қалбига ўтмишдаги ватандошларимизнинг ҳис-туйғулари, ўйлари ва интилишлари жо бўла бошлайди. Енди бу миллат вакиллари бугунги кундаги ижтимоий воқеаларини ўтмишда яшаган ватандошларимизнинг кўзи билан ҳам кўра бошлайдилар ва юраги билан ҳис қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзликни англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин. Миллий ўзликни англаш давлат, жамият ва халқ учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлиги тўғрисидаги сўзларимизни Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри билан яқунлаймиз, яъни: “Миллий ўзликни тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010.
6. Кўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009.



Исроф учун жазо муқаррардир

عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ اللَّهَ كَرِهَ لَكُمْ ثَلَاثًا قِيلَ وَقَالَ وَإِضَاعَةَ الْمَالِ وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ». رَوَاهُ الْجَاهِلِيُّ

Муғйра ибн Шўъба розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг: “Аллоҳ сизлардан уч нарсани – ғийбатни, молни исроф қилмоқни ва кўп савол бермоқни хуш кўрмайди (ёқтирмайди)”, – деб айтаётганларини эшитдим”. Имом Бухорий ривояти.

Муқаддас динимизда ҳар бир ишда мўътадиллик – ўрта ҳол бўлиш маъқулланиб, исрофгарчилик ва ҳаддан ошишлик эса қораланган. Одатда исрофгарчилик деганда инсон ҳаётида зарур бўлган ҳар қандай неъмат, хоҳ у табиий бойлик бўлсин, хоҳ моддий бойлик бўлсин улардан фойдаланишда ҳаддан ошиш, яъни меъёрдан ортиқча ишлатиш ҳолатлари тушунилади.

Шу ўринда исроф сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларига қисқача тўхталиб ўтсак.

Исроф луғатда – “чегарадан чиқиш” – “ҳаддан ошиш” ва “бир нарсани қасддан унутиш” маъноларини англатади.

Истилоҳда – моддий ва маънавий маънода ишлатилсада, кўпроқ моддий сарф харажатларда ортиқча ва ҳожатидан ташқари фойдаланиш ёки ишлатишда ўз ифодасини топади.

Исрофнинг маънавий, моддий ва маиший* турлари мавжуд бўлиб, булардан энг хавфлиси маънавий исрофдир. Зеро, моддий ва маиший исрофлар асосини аввало маънавий исроф, яъни бузук эътиқод – тушунча, илмсизлик – жоҳиллик ёки лоқайдлик каби иллатлар ташкил этади.

Шу ўринда айтиш лозимки, исрофгарчиликни амалга оширувчи шахсни “исроф қилувчи, исрофчи” дейилади. Исроф қилувчилар ҳақида Қуръони каримнинг “Исро” сурасининг 27-оятда шундай марҳамат қилинган:

إِنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا

“Албатта, исроф қилувчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса, Роббига ўта ношукр бўлгандир”.

Исрофчи Аллоҳ таоло тарафидан берилган неъматларнинг қадрига етмайди, унга шукр ҳам қилмайди. Агар шукр қилганида эди уни исроф қилмасдан – ҳаром ва беҳуда ишларга сарфламасдан, неъматларни берган Аллоҳ таолони розилиги йўлида ҳалол, пок, тўғри ва савобли ишларга сарфлаган бўлар эди.

Одатда, кўпчилик тўй ёки марака қилаётган вақтида маҳалладошлари, дўсти биродарлари ёки таниш билишлари ўртасида обрўйим тўкилиб, уялиб қолмай, деган андишага бориб, исрофгарчиликка йўл қўяди. Натижада, меҳнати ва пешона териси эвазига топган бойлигини яхшилик кунларига сарфлаш чоғида ўзи билмаган ҳолда гуноҳкор бўлиб қолади.

Исроф нафақат тўй-маросимлардаги ортиқча тўкин-сочинликда бўлади, балки, кунлик эҳтиёжидан ташқари улов, рўзғор ашёси ёки кийим-кечак каби нарсаларнинг арзонроғи турган ҳолда, бошқаларни лол қолдириш мақсадида энг қимматини сотиб олиш, ҳам такаббурлик, ҳам исроф ҳисобланади.

Исрофнинг яна бир маъноси – ҳар бир неъматни ўз ўрнидан бошқа ўринга ишлатиш ёки сарф этишдир! Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ: “Агар инсон молининг ҳаммасини ҳаққа сарф этса – у исроф қилувчи бўлмайди. Агар у заррачасини бўлса ҳам ноҳақ сарф этса – исроф қилувчи бўлади”, – деганлар.

Минг афсуслар бўлсинки, на миллий ва на диний қадриятларимизда мавжуд бўлмаган бир қатор, янгидан-янги исроф турлари кундан кунга авж олиб, жамиятимизга сингиб бормоқда. Исрофдан сақланиб, тежамкор ва тадбиркор бўлиб, тежалган нарсаларни фарзандлар келажаги, таълим олишлари учун сарф қилинса, ёшлар билимли ва доно бўлиб улғаяди. Ёшлари билимли ва доно бўлган диёр келажакда ҳеч қандай хору-зорликни кўрмайди.

Қўлөзмалар билан ишлаш ва музей бўлими илмий ходими
Йўлдошхон ИСАЕВ

* Маиший исроф турига ўз умрини ичкилик билан ёки жиноятга қўл уриб қамоқхонада ўтказиш, бефойда ишлар билан шуғулланиш, беҳуда гап-сўзлар киради.